К. ҲОШИМОВ, С. НИШОНОВА, М. ИНОМОВА,
Р. ҲАСАНОВ

ПЕДАГОГИКА ТАРИХИ

(ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА УНИВЕРСИТЕТЛАР ТАЛАБАЛАРИ УЧУН ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА)

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги нашрга тавсия этган

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1996

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг асосий диққат-эътибор қадриятларга, анъаналарга қаратилди ва таълим-тарбия масалаларини тўғри йўлга қўйишга ғамхўрлик қилина бошланди. Бу ишни амалга ошириш ўзбек педагогикаси ва педагогика тарихи фанларига нисбатан эътиборни кучайтириш билан бевосита боғлиқдир.

Рўй-рост айтиш лозимки, шу кунга қадар ўзбек педагогикаси тарихи бўйича алоҳида ўқув қўлланмаси чоп этилмаган эди. Мазкур «Педагогика тарихи» китоби мустақиллик мафкураси, маънавияти ва тарбияси талабларига жавоб берувчи илк ўқув қўлланмасидир.

Тақризчилар: **А. Қ. Мунавваров,** педагогика фанлари доктори, профессор.
С. Х. Файзулина, педагогика фанлари доктори, профессор.
Ш. Авазов, педагогика фанлари номзоди, доцент.

Педагогика тарихи: (Педагогика олий ўқув юртлари ва дорилфунунлар талабалари учун ўқув қўлланма) / **К. Ҳошимов, С. Нишонова, М. Иномова** ва бошқ.— Т.: Ўқитувчи, 1996.— 488 б.

I. **Ҳошимов К.** ва бошқ.

74. 03я73.

Х $\frac{4302000000-84}{353\ (04)-96}$ ахб. хати — 95

ISBN 5—645—02694—2

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1996 й.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КИРИШ

Педагогика тарихи қадим замонлардан тортиб, то ҳозирги кунгача бўлган турлн тарихий даврларда тарбия, мактаб ва педагогика назарияларининг тараққиётини даврлар талаби асосида ўрганиб келди. Ҳар бир ижтимоий тузум, унинг келажаги, инсоният истиқболи, кишиларнинг ҳаёт ва турмуш даражаси фан ва маданият тараққиёти билан бевосита боғлиқдир.

Бинобарин, Мустақиллик туфайли, кўҳна Туркистон диёрида истиқомат қилиб келган барча халқлар миллий қадриятларининг қайта тикланиши ва ривожланишига шарт-шароитлар вужудга келди. Айни пайтда ўзбек ва бошқа қардош халқларнинг миллий шаклланиши ва ривожланишини замон талабларига мос келадиган таълим-тарбия тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш назарияси билан амалиётнинг қандай тараққий қилиб келганлигини билмай туриб, ёшларни ҳар томонлама комил инсон этиб тарбиялаш масалаларини илмий равишда ҳал қилиб бўлмайди. Бу аждодларимиз томонидан исбот қилинган илмий-назарий, фалсафий-тарбиявий ҳақиқатдир.

Ўзбек халқи тарихан таълим-тарбия соҳасида ўзига хос дорилфунун яратган. Ҳатто ҳозирги ўзбек халқи яшаб турган заминда зардуштийлик дини кенг ёйилган даврда ҳам некбин педагогик мафкура ҳукм сурган. Бу зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»нинг бизгача етиб келган айрим саҳифаларида ўз ифодасини топган.

Бироқ исломгача давр тарбияшунослиги, фан ва маданияти тарихини ёритиш имкони чегараланган. Чунки, Қутайба раҳбарлигида араб истилочилари олиб борган жанглар, талончиликлар, вайронгарчиликлар туфайли ўша даврга тегишли деярли барча асарлар, манбалар ёқиб юборилган. Лекин ислом ва исломдан кейинги мавжуд педагогик қарашларни, миллий таълим-тарбияга оид анъаналарни, қадриятларни, халқ педагогикасини илмий ўрганиш, пухта таҳлил қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш бугунги кунннинг муҳим ва долзарб муаммосидир.

Истиқлолга эришганимизга қадар биз тарбия ишларимизга Оврупа педагогикасини асос қилиб олдик ва ўргандик. Эндиги вазифа Шарқ педагогикасини ўрганишга эътиборни қаратмоқ лозим. Чунки илму фан аввал Шарқда тараққий этган, ҳур фикрлилик биздан бошланган. «Шарқ Европанинг муаллимидир» деганда ҳақ эди олмон олими Херлер. Ҳақиқатан ҳам шундай, ўзбек халқининг маданий мероси улкан бир денгиз,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дарҳақиқат, миллий қадриятларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш лозим. Чунки бирор миллат ўз қадриятини бошқа миллат қадриятларидан ажратиб олиб ярата олмайди. Ҳар бир миллат маънавиятида ўзига хос томонлар бўлса ҳам, у умуминсоний қадриятларнинг бир қисмидир. Шу билан бирга унутмаслигимиз керакки, биз қураётган янги жамият «биноси» учун биринчи галда миллий қадриятлар устун бўлмоғи лозим. Биз, энг аввало, миллий ўзлигимизни англамоғимиз, ўз тафаккуримизни кашф этмоғимиз лозим. Ўтмишимизда унутилган шундай улкан сарчашмалар борки, уларни пухта, артофлича ўрганмоқ биринчи галдаги вазифадир.

VII—XII асрлар давомида Марказий Осиёда маданият, илм-фан беқиёс ривожлана борди. Айниқса, аниқ фанларга қизиқиш кескин орта бошлади. Ўша тарихий даврда ал-Хоразмий, Форобий, ал-Фарғоний, ал-Беруний, ибн Сино, аз-Замахшарий сингари қомусий олимлар дунёга келди. Улар билан ёнма-ён дунёвий илмлар туғилди. Ўша улуғ мутафаккирлар инсон маънавий ва тафаккур дунёсини бойитишда, инсоният онгини, маданий-маърифий қарашларни ўстиришда ўз даврида ва кейинчалик ҳам асосий роль ўйнадилар, инсон камолотига доир беқиёс таълимотни яратдилар. XV—XVI асрларга келиб қадимий Туркистон жаҳонга Қозизода Румий, Улуғбек, Али Қушчи, Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Лутфий, А. Навоий, Бобур, Абулғозий Баҳодирхон сингари алломаларни вояга етказди. Бу даврда Марказий Осиё шаҳарларида қатор маданий ва илмий марказлар вужудга келди. Демак, Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўзбек халқи ва унинг маданий-маърифий тараққиёти асрлар давомида мисли кўрилмаган даражада ривожланган. Қолаверса, унинг ахлоқ-одобга оид қарашлари, педагогика фанлари бўйича таълимоти бутун жаҳонга ўрнак бўларли маъно ва мазмун касб этган.

Октябр тўнтаришидан кейин, яъни 1917 йилдан бошлаб Туркистон минтақасида «яшин тезлигида» Шўро ҳокимияти ўрнатила бошлади. Бу тузум коммунистик фирқа мафкурасини тарғиб ва ташвиқ қилди.

Шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистонда янги мактаблар очиш ва уларни мустаҳкамлаш вазифалари кўндаланг қўйилади. Унда ёшлар онгига янги жамият ғояларини сингдириш, шу ишларни амалга оширадиган педагог ходимлар тайёрлашга эътибор берилди. Шу ишларни амалга оширишда Русия халқ таълими йўналиши ва тизими раҳбарлик қилган. Тарихдан маълумки, қайси давлат ёки мамлакат ҳукмрон бўлса, у тобе мамлакат ва халқга ўз мафкурасини, маданиятини, ахлоқ-одоб ақидаларини сингдиришга ҳаракат қилган.

1924 йил октябрда Туркистон парчаланиши оқибатида миллий маданият йўли аста-секин тўсила бошланди. Асрлар оша амалда қўлланиб келинган, қомусий илмлар битилган ёзув ман этилди. Аввал лотин графикаси, кейин рус графикаси асосига

www.ziyouz.com kutubxonasi

қурилган ёзувга ўтилди. Бу тадбир Марказий Осиё халқларини ўз маданият тарихини ўрганиш имкониятидан маҳрум этди.

Мактабларда дунё фанини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган ўзбек фани ва маданиятининг асосчилари, мусулмон оламининг улуғ зотлари эмас, балки ўзбек халқи камолотига алоқаси бўлмаган шахслар фаолияти ўргатилди. Аҳмад Яссавий, Бедил сингари сўз усталари ва тафаккур гулшани боғбонлари халқ таълими тизимидан чиқарилди.

Мусулмон дунёсининг муқаддас китоби Қуръони карим, Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари таъқиб остига олинди, йўқотилди. Натижада ўзбек халқи миллий ахлоқ-одоби ва тарбия анъаналаридан маҳрум бўла бошлади. Бу йўқотиш ўзбек фани, маданияти ва педагогика фанлари ривожланишига салбий таъсирини кўрсатди.

1991 йилга келиб, Ўзбекистон халқи мустақилликка эришгач, ўзининг янги миллий Қомуси асосида ҳамма соҳада бўлганидек, ўзбек миллий фани ва маданияти, «педагогика тарихи»га ҳам янгича ёндошиш имконияти туғилди.

Ўтмишда прогрессив педагоглар ва атоқли мутафаккирлар педагогикага доир муҳим фикрларни айтиб қолдирганлар, буларни ўрганиш педагогика тафаккурининг ўсишига, педагоглик маданиятининг ортишига имкон беради.

Педагогика тарихи жамият тараққиёти қонунларига суянган ҳолда турли педагогик назарияларни, таълим-тарбиянинг мазмуни ва методларини ўргатади. Ўтмишнинг педагогик системаларида бўлган илғор ва прогрессив фикрларнинг ҳаммасидан ижодий фойдаланади.

Демак, педагогика тарихи ижтимоий фандир. У тарихий педагогика ҳодисаларига давр талаби асосида ёндошади, тарбия назарияси ва амалиётини турли босқичларда хилма-хил бўлганлигини очиб беради, илғор қарашларнинг тараққиёт йўлини кўрсатиб беради.

Педагогика тарихини ўрганиш ўқитувчиларнинг фақат педагоглик маданиятини оширибгина қолмай, балки, шу билан бирга, унга педагогик маҳоратни эгаллашга ёрдам беради. Шунингдек, ўтмишнинг таълим-тарбия соҳасидаги энг яхши тажрибаларини ўрганади, бу эса унинг кундалик педагоглик фаолиятида ёрдам беради, уни бевосита амалий фаолиятга тайёрлайди.

Бу борада яратилган тарихий, фалсафий, адабиётшуносликка оид асарлардан ҳам ижодий фойдаланишга ҳаракат қилдик. Хуллас, ушбу қўлланманинг яратилишида файласуф, шарқшунос, тарихчи, филолог олимлардан Б. Аҳмедов, А. Аҳмедов, А. Абдуллаев, В. В. Бартольд, Е. Э. Бертельс, А. Баҳоутдинов, И. С. Брагинский, Б. Ғ. Ғафуров, В. Зоҳидов, И. Мўминов, О. Файзуллаев, Ш. Шомуҳамедов, А. Қаюмов, И. Жумабоев, А. Ирисов, М. Орифий, У. Алеуов, С. Ражабов ва бошқаларнинг ишлари қўлланма вазифасини ўтади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

I боб
ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВРЛАРДАН VII АСРГАЧА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИШЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР

ЭНГ ҚАДИМГИ ЁДГОРЛИКЛАРДА ИНСОН ТАРБИЯСИГА ОИД ФИКРЛАР

Ҳозирги ўзбек халқининг аждодлари бундан бир неча минг йиллар олдин яшаган бўлиб, улар юксак ва ўзига хос маданиятни вужудга келтиришда жуда катта ва машаққатли йўлни босиб ўтишган. Дастлабки тош қуролларидан тирикчилик учун фойдаланишда анча такомиллашган меҳнат қуроллари ясашгача, ундан уруғчилик, қабилачилик даврларига келиб, хўжалик ва маданий тараққиётда эришилган ютуқларгача бўлган тарихимиз ота-боболаримизнинг бой қадимий маданиятга эга бўлганлигидан далолат беради.

Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда Бақтрия, Хоразм, Сўғдиёна, Марғиёна, Парфия, Зарафшон воҳалари, Паркана каби ўлкаларда турли қабила ва элатлар яшаган. Булар ҳозирги ўзбек халқининг «илдизи» ҳисобланган сак-массагетлар, сўғдиёнлар, хоразмийлар, бахтарлар, чочликлар ва парканаликлар каби қабила ва элатлар эди. Кейинчалик улар ўзаро ва бошқа кўп қабила ва уруғлар билан бирлашиб кетган ва ҳозирги Марказий Осиё ҳудудидаги халқларнинг аждодларидир.

Бу элатлар яшаган ҳудудларда ўзига хос маданий анъаналар таркиб топа борган. Масалан, эрамиздан олдинги биринчи асрнинг биринчи ярмида қадимий давлатлар — Бақтрия ва Сўғдиёна, Марғиёна, Хоразм, Паркана, Парфия каби ўлкаларда халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги ривожланиш билан бирга маданият ҳам ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бу тараққиёт эрамиздан олдинги IX—VI асрларда пайдо бўлган Ахамонийлар ҳукмронлиги, кейинроқ эрамиздан аввалги III аср ўрталарида ташкил топган Грек—Бақтрия давлати, эрамизнинг I асрида эса Кушонлар давлати, V асрда Эфталитлар ҳукмронлиги, сўнгра сосонийлар империяси ва ниҳоят, турк хоқонлиги даврларини ўз ичига олади.

Аждодларимизнинг бу қадимий маданиятига таълим-тарбияга оид бой мероси ҳам киради. Зеро, ҳозирги туркий ва форсий-забон халқларнинг бизгача етиб келган муҳим археологик топилмалари, тарихчилар, адабиёт ва санъат намояндаларининг ижодий мероси, санъат ва адабиёт намуналари бунинг далилидир.

Тадқиқотчилар томонидан қайд этилган маълумотларга қараганда, энг қадимги тарбия ҳақидаги ёдгорликлар бизгача бево-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сита етиб келмаган. Туркий ва форсийзабон халқларнинг «ҳаёт кечириш санъати, донолик мажмуаси сифатида юзага келиб, борлиққа амалий муносабатда бўлиш намунаси»[1] ифодаланган маънавий маданият ёдгорликлари, қадимги грек тарихчиси Геродотнинг «Тарих», Страбоннинг «География» асарлари, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк», Урхун—Енисей битиклари ва бошқа шу каби адабий-тарихий манбаларда сақланган ва шулар орқали бизгача етиб келган. Бу ёдгорликлар инсоннинг шаклланишида моддий ва маънавий маданият қай даражада катта рол ўйнаганлигидан далолат беради. Хусусан, тарбия инсоннинг ақлий ва ахлоқий жиҳатдан таркиб топа боришига таъсир этган бўлса, инсоннинг шакллана бориши ҳам, ўз навбатида, инсоният жамиятининг таркиб топа боришига ёрдам берган. Хуллас, инсоннинг ўз-ўзини англаши ва жамият тараққиёти бир-бири билан узвий алоқада бўлган. Бу тарихий жараённи билиш инсон тафаккурининг қадимги даврлардан бошлаб босқичма-босқнч ривожланиши ва шу билан бирга инсоннинг ҳам тобора шакллана борганлиги ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилишга имкон беради.

Маълумки, кишилар ва кишилик жамияти вужудга келиши жараёнида инсон ҳам биологик жиҳатдан, ҳам инсон сифатида такомиллашиб борган. Дастлабки диний эътиқодлар, оддий ихтироларнинг такомиллашиб бориши, инсон онгининг шаклланиб боришига туртки бўлди. Бу жараён минг-минг йиллар давом этиб, инсон онги шаклланишининг асоси бўлган хулқ-одоб қоидалари таркиб топади.

Энг қадимги кишиларнинг дастлабки оддий истаклари, орзу-умидлари, хислатлари қадимги эпосларда, улардаги афсонавий образлар қиёфасида ўз ифодасини топган. Руҳга сиғиниш — онимизм, аждодлар руҳига сиғиниш — тотемизм, сеҳргарлик каби диний эътиқодлар ва маросимлар акс этган афсоналар, ривоятларда энг қадимги авлодларимизнинг тафаккур дунёси акс этган. Аммо бу ривоятлар, афсоналар массагетлар, саклар, хоразмийлар, сўғдлар, парфянлар яшаган даврларга бориб тақалади.

Биз юқорида келтирилган тарихий, фалсафий, педагогик адабиётларда тадқиқотчилар, умуман, энг қадимги маданий бойликларимизни ўрганишда уч асосий манбага таянганлигини кўрамиз:

1. Халқ оғзаки ижоди материаллари.
2. Буюк адиблар, алломаларнинг ижодий мероси.
3. Археологик қазилмалар натижасида топилган ашёлар.

Маълумки, ўтмишда кишилар меҳнат фаолияти жараёнида ўз эҳтиёжларини қондирган ва бу жараён ёш авлодга меҳнат кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга ёрдам берган.

---

[1] Жумабоев И. Урта Осиё этикаси тарихи очерклари. Тошкент, Узбекистон, 1980, 12- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тарихчилар ва тарихчи-педагогларнинг кўрсатишича, кишиларнинг меҳнат фаолияти ёш жиҳатидан уч гуруҳга бўлинган:

1) болалар ва ўсмирлар;

2) ҳаёт ва меҳнатда тўла иштирок этувчилар;

3) кексалар.

Ибтидоий жамият даврида бола ўзи уддалай оладиган фаолиятга бевосита қўшилиб, у ҳаёт кечириш ва меҳнат қилишга ўрганган. Уғил болалар эркаклар билан бажариладиган ов қилиш, қурол ясаш каби ишларни бажарса, қизлар аёллар меҳнати билан танишар эди. Бола маълум тайёргарликдан сўнг синовлардан ўтиб, кейин амалий фаолиятда иштирок эта бошлайди.

Уруғчилик жамоаси босқичида болалар меҳнати, касб-ҳунарга интилиш фаоллашиб борди. Тажрибали кишилар болаларни тарбиялаш билан бирга уларни ёзишга ҳам ўргата бошлайдилар. Аста-секин тарбия тизимига ҳарбий ватаннарварлик тарбиясининг бошланғич турлари кириб кела бошлайди.

Жамият тараққиёти билан бирга болаларга далаларни ўлчаш, сув тошқинларининг олдини олиш, одамларни даволаш усулларига оид билимлар бериш ишлари авж олди. Натижада мактабларга ва ёзувга эҳтиёж сезила бошлайди. Дастлаб сураткашлик ривожланиб, пиктографик хат* пайдо бўлган бўлса, кейинчалик қўшни мамлакатлардан кириб келган ҳарф билан ёзиш усули пайдо бўлади ва тез тарқала бошлайди.

Тадқиқотчилар эрамиздан олдинги биринчи минг йиллик ўрталарида оромий ёзуви, Александр Македонский истилосидан сўнг эса юнон ёзуви ва шу билан бирга форсий миххат ҳам маълум вақтларда қўлланиб келинганини таъкидлайдилар. Ўша даврда Хоразм, Сўғд, Қушан, Рун (Урхун—Енисей), уйғур ва бошқа ёзувлар пайдо бўлган ва бу юксалиш таълим-тарбиянинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Чунки инсон ибтидоий жамоа бўлиб яшаш тарзини аста-секин ривожлантириб бориб, жаҳон маданиятида катта кашфиётлар яратди. Чунончи, Хитойда қоғознинг ихтиро этилиши, Ҳиндистонда ҳисоблаш ўнлик системасининг пайдо бўлиши, Месопотамияда Ер куррасини градусларга, суткани соат, дақиқа ва сонияларга бўлишнинг жорий этилиши, Марказий Осиёда Ўрта денгиз билан Ҳиндистонни боғловчи карвон йўлининг вужудга келиши, кейин Марказий Осиё орқали Хитойдан Ўрта денгизга «Буюк ипак йўли»нинг очилиши каби муҳим воқеалар маданиятнинг тараққий этиши ва ёзувнинг тарқалишига сабаб бўлди.

Демак, эрамизнинг бошларида ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида биз юқорида санаб ўтган, юнон ва оромий алифбоси асосида Хоразм, Сўғд, Бақтрия ёзувлари шаклланган.

Эрамиздан олдин тахминан 484 (480)—431 (425) йилларда яшаган юнон тарихчиси Геродотнинг «Тарих» китобида қадимги

* Пиктографик хат — жуда қадимги тасвирий ёзув.

www.ziyouz.com kutubxonasi

форслар, саклар ва массагетларнинг таълим-тарбиявий қараш-ларига оид муҳим маълумотлар берилган:

Форсларнинг энг шарафлайдиган нарсаси жасурликдир,— дейди олим,— шунга кўра улар кўпроқ ўғилларга эга бўлишдан фахрланишган. Подшоҳ ҳам кимнинг ўғли кўп бўлса, унга ҳар йили совға-саломлар юборган. Бундан ташқари, болаларнинг ёшига ҳам эътибор беришган. Ўғил болаларни беш ёшдан йигирма ёшгача фақат уч нарсага: отда юришга, камондан отиш, тўғриликка ўргатишган. Болани беш ёшгача отасига кўрсатмаганлар, у аёллар тарбиясида бўлган. Мабодо ўғил бола вафот этса, отасининг қайғурмаслиги учун шундай қилганлар.

Ўғил ҳеч қачон ота-онасини беҳурмат қилмаган. Улар ота-онага ҳурматсизликни фақат никоҳсиз туғилган ёки ташландиқ болалардангина кутиш мумкин, деб ҳисоблаганлар.

Бундан ташқари, Геродот форслар учун ёлғончилик ва қарздор бўлиш шармандалик ҳисобланган, дейди... яна улар дарё сувига тупурмаганлар, ҳатто қўл ювмаганлар. Улар дарёларни муқаддас саналганлар[1].

Геродотнинг бу маълумотларидан кўриниб турибдики, бизнинг аждодларимиз фарзандларини жасоратли, ўз ватанининг ҳақиқий ҳимоячиси, кучли ва ботир этиб тарбиялашга катта эътибор берганлар. Эркакларгина эмас, ҳатто аёллар ҳам жасорат кўрсатгани юнон файласуфлари томонидан ёзиб қолдирилган. Масалан, Плутарх форс аёллари ҳақида гапириб, шундай воқеани келтиради: Подшоҳ Кир форсларни шоҳ Астиаг бошлиқ мидияликларга қарши курашга отлантирганда, улар жангда мағлуб бўладилар. Форс жангчилари шаҳарга қараб қоча бошлайдилар. Душман уларни қувиб, шаҳарга бостириб киришга яқин қолганда уларга қарши дарвозадан аёллар чиқиб келадилар ва шундай хитоб қиладилар: «Эй ноинсоф бандалар, қаёққа қочмоқчисиз? Энди сиз дунёга келган жойингизга қайтиб яширина олмайсиз-ку!» Форслар аёлларнинг бу ҳайқириғидан таъсирланиб, қайтиб жангга ташланадилар ва душманни орқага чекинишга мажбур этадилар.

Бу воқеага хотира сифатида Кир шундай қонун таъсис этади: бу шаҳарга агар қайси шоҳ қадам қўйса, ҳар бир аёлга биттадан олтин совға қилсин...

Яна шу Плутархнинг ёзишича, Александр ерли халқларга яқинлашиш мақсадида македонияликлар билан маҳаллий аҳоли урф-одатларини аралаштиришга ҳаракат қилган. Шу мақсадда у ўттиз минг болани ажратиб олиб, юнон тили ва ҳарбий санъатини ўргатишга мураббийлар тайинлашга буйруқ берган[2].

Кейинчалик юнон алифбосининг бу юртда қабул қилиниши,

---

[1] Геродот. История в девяти книгах. Книга первая. Перевод и примечания Г. А. Стратановского. М.—Л., Наука. 1972. 55—56-бетлар.

[2] Плутарх. Сочинения. Перевод с древнегреч. Сост. С. Аверинцева. Вступ. статья А. Лосева. Коммент. А. Столярова. М., Худ. лит-а, 1983. 404-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўша даврда кўплаб мактаблар очилгани ҳамда унда ерли аҳоли фарзандлари ҳам ўқитилганидан далолат беради. Ёки Сўғд ёзма ёдгорликлари орасида «Эски хатлар» номи билан юритиладиган ва В. Б. Хеннинг томонидан аниқланган қимматли манбалар бор. Бу хатлар эрамизнинг бошларидаги сўғд ёзуви ҳақида маълумот беради. «Эски хатлар» Дунхуан шаҳри (Шарқий Туркистон) яқинидаги савдо қишлоғида яшаган сўғдлик тижорат, савдо аҳлининг Самарқандга — ўз она юртига ёзган шахсий хатларидир.

Император Ян Ди (615—617)нинг элчиси Вэй Цзи ҳисоботларида ҳам Самарқандда таълим-тарбия ҳақида маълумотлар мавжуд. «Аҳолиси (Самарқанднинг демоқчи)— моҳир савдогарлардир. Ўғил бола беш ёшга тўлар экан, унга савод ўргата бошлайдилар; ўқишни ўрганиши билан савдо ишларига ўргата бошлайдилар»[1]. Бошқа бир хитой тарихчиси Сюань—Цзин эса Самарқанд аҳолисининг ахлоқий ва хулқ-одоб қоидаларига риоя этишда бошқаларга ўрнак бўлганлигини айтиб ўтган[2]. Бу маълумотлар қадимда болалар ўқитиладиган савод мактаблари бўлганлиги ва мактаблардан ташқари болалар махсус мураббийлар томонидан ҳарбий-жисмоний машқларга ва ҳунарга ўргатилганлиги, таълимдан мақсад — болаларни ҳаётга тайёрлаш эканлиги ҳақида маълумот беради.

Шунинг билан бирга энг қадимги даврларда таълим-тарбияга оид қимматли маълумотларни биз халқ оғзаки ижоди намуналари — афсоналар, қаҳрамонлик эпослари, қўшиқлар, мақол ва ибораларда ҳам кўрамиз. Чунки халқ донишмандлигининг кўзгуси бўлган халқ оғзаки ижодида халқ педагогикасига хос бўлган тарбия тажрибалари умумлашгандир.

Айниқса, ибтидоий кишиларнинг табиат ва жамият ҳақидаги тасаввурлари, одатлари, муносабатлари халқ оғзаки ижодининг энг қадимги жанрларидан саналган афсоналарда ифодаланган. Афсоналар қаҳрамонлари яхшилик учун ёмонлик билан, нур учун зулмат билан кураш олиб борадилар, яхшилик ва бахт-саодат ўлкаларини яратадилар. Улар энг қадимги ёдгорликлар «Авесто», Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари орқали бизгача етиб келган намуналардир.

Мифлар асосида яратилган афсоналар қаҳрамонлик эпослари учун замин тайёрлади. Бу қаҳрамонлик эпосларида ватан ва эркинликка бўлган муҳаббат, ўз юрти ва жонажон қабиласи учун жонини фидо этиш, шон-шараф, ор-номус учун кураш туйғулари ифодаланади.

Бизгача етиб келган эпик ривоятларда аждодларимизнинг

---

[1] Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана. Сочинения. Т. II. ч. 1 М., изд-во Восточной литературы. 1963. 190- бет.

[2] Ўша асар, 191- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

II боб

VII АСРДАН XIV АСРГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА МАКТАБ, ТАРБИЯ ВА ПЕДАГОГИК ФИКР ТАРАҚҚИЁТИ

ИСЛОМ ДИНИ ҒОЯЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА ТАЪСИРИ. МУСУЛМОН МАКТАБЛАРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ МАЗМУНИ

VII аср бошларида ислом ғоясига асосланган Араб халифалиги ташкил топиб, бу давлат ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун бошқа мамлакатларни ҳам забт этишни бошлади. Бутун Арабистон ярим ороли шунингдек, Эрон, Кавказ орти, Сурия, Шимолий Африка, Жанубий Испания халифалик таркибига киритилди.

VII аср ўрталаридан бошлаб араблар Мовароуннаҳрга ҳам ҳужум қилиш режасини туза бошладилар.

Араб истилочиларининг биринчи юриши 651 йилда Убайдуллоҳ ибн Зиёд бошчилигида амалга оширилди. 676 йилда эса Саид ибн Усмон раҳбарлигида Бухоро, Сўғдиёна, Кеш, Насаф шаҳарларига ҳужум қилинди.

Араб истилочиларининг иккинчи юриши 705 йилда Хуросон ҳокими Қутайба ибн Муслим томонидан бошланди. У 706 йилда Зарафшон водийсига юриш бошлаб, Пойкенд, Бухоро, Самарқанд, Сўғд, Фарғона ва бошқа шаҳарларни қўлга киритди, сўнг Хоразмни забт этди. Қутайбанинг истилочилик юриши у 715 йилда араб қўзғолончи жангчилар томонидан Фарғонада ўлдирилгандан сўнг тўхтади.

VIII асрнинг ўрталарига келибгина араблар Мовароуннаҳрни забт этишга тўла эришдилар.

Араб истилочилари босиб олинган ерларда халқни ислом динига кирита бошладилар. Тарихчи ат-Табарийнинг «Ат-Табарий тарихи», Наршаҳийнинг «Бухоро тарихи», В. В. Бартольднинг тарихий асарларида келтирилишича, араб истилочиларининг Мовароуннаҳр халқини ислом динига киритиш жараёни қийин кечган ва бир неча йилларга чўзилган. Чунки Мовароуннаҳр араб истилосигача ҳам маънавий, ҳам иқтисодий тараққий этган мамлакат бўлиб, унинг аҳолиси араб босқинчиларига тезда бўйсуна қолмади. Аҳолининг истилочиларга бўйсунишни истамаганлигининг асосий сабабларидан бири истибдод ва қатағонлар билан бир қаторда, босқинчиларнинг маҳаллий халқнинг йиллар давомида таркиб топган бой маънавий мероси—санъати, адабиёти, ёзувини, осори-атиқаларини поймол этишга ҳаракат қилганлиги ҳам бўлди. Шунинг учун ҳам араб истилочилари халқни бўйсундириш учун ҳарбийлар билан бир қаторда, ислом дини тарғиботчиларидан ҳам фойдаландилар ва аста-секин маълум натижаларга эриша бошладилар. Чунки Мовароуннаҳр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да одамлар исломга қадар ҳар хил худоларга, Қуёшга, Кўк динга (шаман), муқаддас нарсаларга топинар, маълум бир ғоявий эътиқод бутун бир ўлкада таркиб топмаган эди. Шунинг учун ҳам ислом динининг ёйилиши ва у билан бирга шариат қонун-қоидалари, ақидаларига риоя этиш, ягона Аллоҳга сиғиниш ва Аллоҳнинг расули Муҳаммад Алайҳиссалом кўрсатмаларига амал қилиш халқнинг онгига таъсир этиб, уларни бу динни қабул эта бошлашига олиб келди ва исломий қадриятлар таркиб топишига йўл очди.

Араблар ислом динини тарқатишда турли усуллардан фойдаландилар. Жумладан, ислом диннини қабул қилганлар солиқлардан озод этилди.

Наршахий араб истилочиларининг аҳолини исломлаштиришга оид хатти-ҳаракатларини қуйидагича баён этади: «Бухоро аҳолиси ҳар сафар (ислом лашкари келганида) мусулмон бўлар, араблар қайтиб кетганида эса улар яна диндан қайтар эдилар. Қутайба ибн Муслим уларни уч марта мусулмон қилган, улар эса яна диндан қайтиб, яна кофир бўлган эдилар. Бу тўртинчи марта (келганида) Қутайба жанг қилиб, Бухоро шаҳрини олди, кўп қийинчиликлардан кейин (бу ерда) ислом динини юзага чиқарди ва ҳар турли йўллар билан уларга қийинчиликлар туғдириб, дилларига мусулмончиликни ўрнаштирди. Улар эса ислом динини юзакигина қабул этиб, ҳақиқатда бутпарастлик қилар эдилар. Қутайба араблар бухороликлар билан бирга туриб, уларнинг хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлиб турсалар, улар заруратдан мусулмон бўладилар, деган мақсадда Бухоро аҳолисига ўз уйларининг ярмини арабларга беришга ундаб буйруқ чиқаришни тўғри деб топди ва шу йўл билан у мусулмончиликни ўрнатди ҳамда шариат ҳукмларини бажаришга мажбур қилди. Қутайба масжидлар бино қилди, кофирлик ва оташпарастлик асарларини йўқотди. У кўп жидду жаҳд қилиб, кимда шариат ҳукмларини бажаришда камчилик содир бўлса, уни жазолар эди. У масжиди жоме бино қилди ва одамларга жума намозини ўқишга буйруқ берди»[1].

Шунингдек, истилочилар халқнинг бой маданий меросини йўқ қилишга киришдилар. Чунки маҳаллий аҳоли бой маънавий мероси йиллар давомида таркиб топиб, маҳаллий урф-одатлар ва диний анъаналар янги динни қабул қилишга йўл бермас эди. Бу ҳақда ўзбек халқининг буюк олими Абу Райҳон Беруний шундай ёзганди: «Қутайба эса Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва (билимини) бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) Ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди...»

«Кейин: Қутайба ибн Муслим ал Воҳиший хоразмликлар-

---

[1] **Абу Муҳаммад Наршахий.** Бухоро тарихи. ФАН нашриёти, Т., 1966, 47- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз қолиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига таянадиган бўлдилар»[1].

Ислом дини ана шундай ғоявий-сиёсий кураш жараёнида шаклланди ва ривожланди.

Исломшунослар томонидан шу пайтгача Арабистон маданий жиҳатдан истило қилинган мамлакатлардан орқада эди, деб талқин этилиши ўлароқ, ҳозирги давр олимлари масалага бирмунча бошқача ёндошмоқдалар.

Халифалар истилочилик сиёсатини ўтказар эканлар, барча халқлар устидан маданий устунликни ўрнатишга ҳаракат қилдилар. Чунки араб халқи VII аср бошларида ўзига хос маданият, адабий тил яратган бўлиб, унда нотиқлик ва шеърият юқори даражада қадрланган. Айниқса, Қуръоннинг ўзи ажойиб адабий фазилатларга эга бўлиб, у ўрта аср араб адабиётининг энг нодир адабий ёдгорликлари орасидан ўрин олган. IX асрда таркиб топган «Минг бир кеча» эртаклари эса жаҳон маданиятининг дурдоналаридан саналади.

Араб тили ҳам, ўз навбатида, янги маданият тили бўлиб майдонга чиқди. Бу маданият ҳам қадимги араб маданияти, шунингдек, араб давлати ҳудудида яшаган бошқа халқлар маданиятининг мажмуаси эди. Араблар юнон фанининг ютуқларидан амалий фойдаландилар, уларнинг файласуф олим, ёзувчиларининг асарларини таржима қилдилар. Астрономия, тиббиёт, кимёга оид барча йирик асарлар араб тилига таржима қилинди. Ҳатто араб олимлари сунъий олтин тайёрлаш воситаси «фалсафа тоши»ни излаганлар (кимё фани алкимёдан бошланиб, олтин изловчилар «алкимёгарлар» деб аталган).

Юнонлардан фанни таснифэтиш (классификация) олиниб, фанлар икки қисмга: назарий ва амалий қисмларга ажратилди. Биринчи қисмда уч бўлим — табиат тўғрисидаги фан, илоҳиёт тўғрисидаги ва математика фанлари бўлиб, уларга арифметика, ҳандаса, астрономия ва мусиқа киритилган. Иккинчи қисм эса, этика, иқтисод ва сиёсатга бўлинган. Ҳинд фани араб маданиятига, асосан арифметика, алгебра, тиббиётга таъсир этган. Европаликлар ҳам сонларнинг Ҳинд назарияси билан араблар орқали танишганлар, алжабр (алгебра) деган арабча номни қабул қилганлар.

Араблар улкан давлат барпо этиб, география ривожига ҳам катта таъсир кўрсатдилар. Масалан, араб мулкларининг дастлабки хариталари IX асрда тузилган бўлиб, уларда дарёлар оқими тўғрисида муфассал маълумотлар бўлган. Испаниядан Марказий Осиё ва Ҳинд дарёсигача чўзилган мусулмон дунёси бу харитада батафсил кўрсатилади. Кўп ҳудудларга арабча ном-

[1] **Абу Райҳон Беруний.** Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар, Танланган асарлар. ФАН, Тошкент, 1968, Т. I. 72—84- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар берилади. Хусусан, Мовароуннаҳр ҳам арабча бўлиб, «дарё орти» маъносини билдиради[1].

Ислом Арабистон ярим оролида унинг кўп асрлик тарихидан ўсиб чиққан яхлит диний-сиёсий оқим сифатида вужудга келган бўлса, айни пайтда у қадимги дунёни идрок этишнинг тушкунлиги ва ўрта аср жамиятининг тикланиш даврида бутун Яқин Шарқ маънавий эҳтиёжига акс садо ҳам бўлди. Сиёсий ғалаба ҳамда ўзига янги ва ўзга қарашларни сингдира билиши туфайли у ўрта аср даври борлиқни мафкуравий идрок этишнинг асосий шаклларидан бўлиб қолди. Исломнинг ғалаба қилишида унинг асосчиси, Аллоҳнинг вакили бўлган пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг шахси катта роль ўйнади. Қуръон оятларини ўрганиш ўзгалик билан ўзликнинг исломдаги уйғунлашувини аниқ белгилаш, унинг асосчиси шахсини кўра олиш, ҳис этиш имконини беради[2].

Мовароуннаҳрда бошқа истило этилган давлатлар қаторида ислом дини билан бирга мазкур диннинг муқаддас китоби «Қуръон»нинг тили, араб тилини ўрганиш жорий этилди. Бу китобни бошқа тилларга таржима қилиш тақиқланди.

Мусулмон мактабларида араб тили муҳим фан сифатида ўқитиларди, билим шу тилда ўрганилар эди. Арабистондаги каби Мовароуннаҳрда ҳам барча масжидлар ҳузурида мактаблар очилади ва ўғил болаларга шу мактабларда Қуръон ўқишни ўргатишга фармон берилади. Болаларни шу масжид имоми ўқитар эди.

Ислом ақидаларининг, унинг ахлоқий-ҳуқуқий тамойилларининг асосий манбаи «Қуръон»дир.

Исломнинг шаръий маъноси — бу Аллоҳ ягона деб эътиқод қилиб, унга бўйсунмоқлик ва бутун қалб билан унга ихлос қилмоқлик ва Аллоҳ буюрган диний эътиқодга имон келтирмоқлик демакдир.

Аллоҳга итоат қилган ва Аллоҳ юборган пайғамбарларга эргашган киши мусулмон дейилади.

Илоҳиётда ислом дини имон, ислом ва эҳсондан иборат, деб эътироф этилган. Имон талаблари ва Аллоҳга эътиқод, фаришталарга, муқаддас китоб ва пайғамбарларга, охират кунига, тақдири азалга ва ўлгандан кейин тирилишга ишонишдир.

Мусулмон таълимотига кўра, ҳар бир мусулмон ушбу бешта асосий рукнни бажариши зарур:

биринчиси, «Ла илааҳа иллаллоҳ ва Муҳаммаду-р-расулуллоҳ» деб шаҳодатлик бериш;

иккинчиси, намоз ўқиш;

учинчиси, закот бериш;

тўртинчиси, рамазон ойида рўза тутиш;

бешинчиси, имконига кўра ҳаж қилиш.

---

[1] **Ҳидоятов Г. А.** Менинг жонажон тарихим. Тошкент. Ўқитувчи, 1992, 80—81-бетлар.

[2] **Пиатровский М. Б.** Коранические сказания. М., Наука, 1991, 5-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ислом динининг асосчиси ва тарғиботчиси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ 570 йилда Маккада Қурайш қабиласига мансуб Ҳошимийлар хонадонида туғилади.

Оталари Абдуллоҳ Шом сафарига кетаётиб Мадина шаҳрида вафот топдилар, ёшлари 30 га етмаган эди. Пайғамбаримиз беш ёшларида оналари Оминадан ҳам ажрадилар, энди уларни боболари Абдул Муталлиб зиёда меҳрибончилик кўрсатиб ўз тарбияларига олдилар. Бу чоғда Абдул Муталлибнинг ёшлари юздан ошган эди. Кўп ўтмай улар ҳам бандаликни бажо келтиргач, боболарининг васиятларига кўра, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломни амакилари Абу Толиб ўз тарбияларига оладилар.

Орадан йиллар ўтиб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом 609—610 йиллардан якка худога эътиқод қилиш ғоясини тарғиб эта бошладилар. Ҳазрати Хадича онамиз уларга бир умр ҳар жиҳатдан маслакдош, ҳамро-ҳамфикр бўлиб келган эдилар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ғоявий эътиқодларига қарши кофирлар ва Макка мушрикларининг адовати кучайганда кучайди. Бир неча урушлар бўлди. Шундан сўнг Аллоҳнинг изни билан Мадинага ҳижротга рухсат бўлди. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис салоту вассалом саҳобалар ва ўз тарафдорлари билан Мадинага қараб йўл олдилар. Мусулмонларнинг ҳижрий йил ҳисоби шу йилдан бошланади.

Мадинада қабилалар қўшилиб, янги иттифоқ—жамоа тузилади. Бора-бора Мадинада мусулмон жамоалари кучли давлатга айланади.

632 йилда Муҳаммад алайҳиссалом Маккага ҳаж қиладилар. Лекин бу ҳаж Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом учун сўнгги ҳаж бўлиб, орадан уч ой ўтгач, 632 йилда Мадинада вафот топдилар.

Бу пайтда мусулмон давлати Ямандан Синай ярим оролигача, Қизил денгиз соҳилларидан Марказий Қум саҳросигача бўлган майдонни ўз тасарруфига олиб, мавқеини анча мустаҳкамлаб олган эди.

Муҳаммад Алайҳиссалом вафотларидан сўнг давлатни халифалар бошқардилар. Булар: Абу Бакр ас-Сиддиқ (632—634 йй.), сўнгра Умар ибн Ал-Хоттоб (634—644 йй.), сўнгра Усмон ибн Аффон (644—656 йй.) ва ниҳоят Али ибн Абу Толиб пайғамбаримиз амакиларининг ўғиллари ҳамда куёвлари эдилар.

Халифалар даврида ислом таълимоти мустаҳкамланди. Пайғамбаримизга нозил бўлган «Қуръон»и карим вақтики келиб саҳобалар томонидан жамланди.

Ғарб ва Шарқ тадқиқотчилари «Қуръон»ни жаҳон маданиятининг энг нодир асарларидан деб ҳисоблайдилар.

Хат-саводи бўлган Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Зайд ибн Собит, Убай ибн Коаблар «Қуръон» оятларини йигирма уч йил давомида ёд олиб борганлар ва хат билан битганлар.

Уни биринчи бўлиб саҳобалардан Зайд ибн Собит қийик терисидан бўлган саҳифаларга кўчирган. Учинчи халифа Усмон

www.ziyouz.com kutubxonasi

уни 6 нусха кўчиртириб, марказий шаҳарларга биттадан юбориб, Қуръонни фақат ана шу нусхасидан фойдаланишга фармон беради. Шундай қилиб, «Қуръон» мусулмонларнинг диний, ижтимоий ва сиёсий ҳаётида доимий қўлланма бўлиб қолади.

Маълумки, ислом ақидалари, эътиқод ва талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалари «Қуръон» ва унинг тафсирларида, «Ҳадиси Шариф» ҳамда шариат қўлланмаларида ва илоҳиёт адабиётларида ифодаланган.

«Қуръон»— дунё маданиятининг улкан бойлиги, барча мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлиб, араб тилида «Қироат» маъносини англатади. «Қуръон» 114 сурадан иборат. «Қуръон» кишиларни тенгликка, биродарликка, тинч-тотув яшашга, эзгуликка ундайди. Шунга кўра, у катта ахлоқий қимматга эга. «Қуръон»нинг ахлоқий қиммати ҳақида фикр юритилар экан, унинг инсоннинг маънавий камолга етишида қай даражада муҳим ўринга эга эканлигига амин бўламиз. Шунинг учун у мана неча асрлардан бери инсониятнинг энг улуғ қадрияти сифатида эъзозланиб келинмоқда.

Лекин ислом ақидаларининг, унинг ахлоқий, ҳуқуқий талабларининг асосий манбаи саналган «Қуръон» шўро мафкураси томонидан қораланиб келинди. У инсоннинг қадр-қимматини камситади, билиш ва яратувчилик қобилиятини инкор этади, ақлнинг, ижодий кучларнинг аҳамиятини йўққа чиқарувчи, умуман, инсон иродаси эркинлигини, унинг яратувчилик ролини камситадиган, одамнинг истеъдодини ижтимоий-фойдали меҳнатдан чалғитадиган таълимотни илгари суради, деб бир ёқлама ва тескари ташвиқот қилинди.

Аслини олганда, исломда, шўро мафкурачилари таъкидлаганидек, дин ва дунё алоҳида-алоҳида олиб қаралмайди. Ислом инсоннинг руҳий тарбиясига ҳам, жисмоний тарбиясига ҳам бир хил эътибор беради.

Ислом одамларни яхшиликка даъват этади, ёмонликдан қайтаради. Инсонпарварликни тарғиб этиб, разолатни қоралайди, одоб-ахлоқ, руҳий-маънавий поклик ва етукликка, меҳнат қилишга ҳамда ер юзини обод ва гўзал этишга ундайди. У адолат, тенглик, тинчлик, эркни тараннум этади.

Буни биз «Қуръон»нинг инсоннинг камолотга эришишида қай даражада ўрин эгаллашини, унинг инсонга, бутун борлиққа муносабати, турмуш тарзи ва ҳулқ-одоб меъёрларини таркиб топтиришда улкан аҳамиятидан ҳам билсак бўлади.

Маълумки, етук инсон, аввало ўзининг нлмлилиги билан намоён бўлади. Шўро таълимотида эса, илмли одам динсиз бўлади, чунки илми кўпайган сари диннинг «оғу», «пуч нарса» эканлигини чуқурроқ тушуна боради ва динга эътиқоди ҳам тугаб боради, деб таълим берилади. Аслини олганда эса, Ислом мусулмонларни тараққиёт сари ундаган, инсонларни илм олишга йўллаган. Чунки инсон шахси, жамият илм билан камолга етади, тараққий этади. Кишиларни илмга қизиқтириш учун «Қуръ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

он»нинг «Зумар» сураси 9-оятида шундай дейилади. Айтинг: «Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?!» Дарҳақиқат, фақат ақл эгаларигина панд-насиҳат олурлар[1].

Исломда инсоннинг ақлий камолоти ва тафаккурини ривожлантиришга катта эътибор берилади. Булар илм ва ҳақиқатни далиллар билан исботлашда; исломнинг аниқлик дини, унинг тақлид душмани эканлигида намоён бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, «Қуръон»да мусулмонларга далил-исботсиз нарсани қабул қилмаслик буюрилади, илм доимо аниқликни талаб этиши, ҳақиқий илмий нарсаларга таяниш кераклиги, гумонга эргашмаслик ҳақида таълим берилади.

Шунингдек, «Қуръон»да илмни ишончли далиллар билан асослаш, тақлид қилишга йўл қўймаслик масалалари ҳам талқин этилган. Унда ҳар бир фикрни кўр-кўрона, моҳиятига етмасдан асослаш қораланади.

Ҳар бир нарсани ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, тўғрисини танлаб олишга ундалади: «Менинг бандаларимга — сўзга қулоқ тутиб, унинг энг гўзалига (яъни нажотга элтувчи рост сўзга) эргашадиган зотларга хушхабар беринг! Ана ўшалар Аллоҳ ҳидоят қилган зотлардир. Ва ана ўшаларгина ақл эгаларидир («Зумар» сураси, 18-оят). Ҳар бир фикрни ўйлаб, тушуниб, кейин унга риоя этганлар Аллоҳ ҳидоят этган кишилар, ҳақиқий ақл эгалари деб аталади. Албатта, илм ақл ёрдамида амалга ошади. Шунга кўра, «Қуръон»да инсонни ақл ишлатишга чақирилади. Унда ақл инсонга берилган буюк неъмат, деб таърифланади. Ақлни ишлатмасликнинг ёмон оқибатлари хусусида сўз юритилади.

Кўриниб турибдики, Исломда билим, ақл инсон камолотининг мезони ҳисобланиб, инсон кўриш, эшитиш, ақлни ишлатиш воситасида билиш қобилиятига эга бўлади, дейилган.

Аммо шу пайтгача шўро исломшунослари Ислом фақат диний илмни ўрганишга чақиради, деб келдилар. Ваҳоланки, «Қуръон»да ҳам дунёвий илмлар (табииёт, руҳшунослик, география, социология), ҳам диний илмларни ўрганиш тарғиб этилган.

Маълумки, илм-фан тараққиёти инсоннинг ахлоқий камолга етишида катта аҳамиятга эга. Шунга кўра, хулқ-одоб қоидаларини таркиб топтиришга «Қуръон»да асосий эътибор берилади. Ҳар бир шахснинг, жамиятнинг равнақ топишида ахлоқнинг асосий роли тасвирланади. Зеро, жамият аъзоси бўлган ҳар бир кишининг ахлоқсизлиги жамиятга қай даражада зарар етказса, яхши ахлоқли кишилар унинг равнақига шунча ҳисса қўшадилар.

«Қуръон»да ҳар бир мўмин-мусулмон бажариши зарур бўл-

[1] Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт. 1992, 339-бет. (Кейинги мисоллар ҳам шу манбадан олинди.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган яхши хулқлар инсонни ҳақиқий камолотга ундовчи инсоний фазилатлардир, деб тушунтирилади. Чуики Ислом динининг асосий мақсади ҳам ёмонликнинг олдини олиш, кишиларга ёмонликнинг хунук оқибатларини тушунтириш ҳамда уларни доимо тўғри йўлда юришга чақиришдан иборатдир.

«Қуръон»да инсонда имоннинг ўзига хос мезони саналган саховат, меҳмоннавозлик, жасорат, сабр ва қаноат, тўғрилик, вафодорлик ва содиқликка катта эътибор берилган.

Шунданми, инсондаги ахлоқий хислатлардан энг муҳими хайру эҳсон ҳақида алоҳида фикр юритилади. Унда эҳсон мазмуни кенг қамровда олинади. Унга муомала ҳам, инсон амалга оширадиган барча яхши ишлар ҳам киритилади. Эҳсон — инсоннинг табиий вазифаси бўлиши кераклиги талқин этилади. Чунки Аллоҳ барча неъматларни инсонга эҳсон этган, инсон ҳам шу неъматларни ўзидан бошқаларга эҳсон этиши керак: «Аллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам (Аллоҳнинг бандаларига) инфоқ — эҳсон қил»,— дейилади «Қасас» сурасининг 77- оятида. Шунингдек, ким бировга эҳсон қилса, унинг фойдаси ўша кимсанинг ўзига қайтиши, чунки бировга яхшилик қилган киши ўзида руҳий қаноат ҳис этиши, бошқалар томонидан ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлиши таъкидланади. Кишилардаги бу яхши хислат «Анъом» сурасининг 160- оятида «Ким бирон чиройли амал қилса, унга ўн баробар қилиб (қайтарилур). Ким бирон ёмон иш қилса, фақат ўшанинг баробарида жазоланур, деб таърифланади.

«Қуръони Карим»да эҳсонга лойиқ кишиларга биринчи навбатда ота-оналар киритилади ва ота-она ҳаққи белгилаб берилади. «Ал-Исро» сурасининг 23—24- оятларида ота-онага яхшилик — Аллоҳ таолога ибодат қилишдан кейин иккинчи вазифа сифатида таъкидланади. Ота-она қандай инсон бўлишидан қатъи назар, фарзанд уларга нисбатан ҳурмат сақлаши, уларнинг сўзларини қайтармаслиги, ота-она ҳам болани дунёга келтириш билан бирга, фарзандга таълим-тарбия ҳам берганлигини унутмай, ҳаққига доимо тайёр туриш таъкидланади.

Мазкур оятларда энг олий инсоний муомала қоидалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

— ота-она хатти-ҳаракатининг фарзандга малол келмаслиги;

— ота-она билан гаплашганда уларга оғир ботадиган сўз айтмаслик;

— ота-онага эҳтиром бажо келтириш;

— ота-онага раҳм-шафқат қилиш;

— уларнинг ҳаққига дуо қилиш.

«Қуръон»да фақат ота-она эмас, оиланинг бошқа аъзоларига: қариндошлар, етимлар, камбағаллар, қўни-қўшниларга ҳам яхшилик қилиш таъкидланган. «Нисо» сурасининг 36- оятида «Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош қўшни ва бегона қўшнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга... яхшилик қилингиз!» дея кишиларни бир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирига яхшилик қилишга ундайди. Бу оят катта ахлоқий-ижтимоий аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги жамиятни мустаҳкамлашга, ҳар бир етимга ғамхўрлик эса жамиятнинг тақдири учун ҳаракат қиладиган маънавий юксак инсонни камолга етказишга олиб келади. Қўни-қўшнилар билан тотувлик маҳаллани мустаҳкамлашга ёрдам беради, бу эса, ўз навбатида, жамиятнинг барқарорлигига олиб келади. Демак, юқоридаги сура оила ва жамият ўртасидаги мустаҳкам алоқани ҳам ифода этади.

«Қуръон»да сабрни ҳам эҳсон билан бир қаторда саналади: «Эй Муҳаммад, машаққат ва озорларга сабр қилинг! Зотан, Аллоҳ чиройли амал қилувчиларнинг ажр-мукофотларини зое этмас»,— дейилади «Ҳуд» сурасининг 115- оятида.

«Қуръон»да сабр-қаноатга юксак ахлоқий фазилат сифатида катта эътибор берилади. Шунинг учун ҳам сабр «Қуръон»да энг кўп зикр этиладиган ахлоқий хислатдир. «Қуръон»да таълим берилишича, сабр инсонда қуйидаги хислатларни камол топтиради. Масалан, шижоат қийинчиликларга сабр қилиш натижасида намоён бўлса, иффат — шаҳвоний ҳирсга сабр қилишдан иборат, ҳалимлик — жаҳлга сабр қилиш мезони сифатида талқин этилади.

«Агар (озорларига) сабр-тоқат қилсангиз ва Аллоҳдан қўрқсангизлар (нажот топурсиз) («Ол-и Имрон» сураси, 186- оят) деб «Қуръон»да таъкидланганидек сабрли, саботли бўлиш — бу қийинчиликларга бардош бериш, ёмонлар етказган ноҳақликларга чидаш, мусибатларда бардошли бўлишдан иборатлиги кўрсатилади. Бу оятларга риоя этиш, инсонда қийинчиликларга чидаш хислатларини шакллантиради. «Ва, албатта, сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мева-чеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. Бирор мусибат келганда: «Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва, албатта, биз У зотга қайтгувчилармиз», дейдиган Собирларга хушхабар беринг (эй Муҳаммад)! Ана ўшаларга Парвардигорлари томонидан салавот (мағфират) ва раҳмат бордир. Ана ўшалар ҳақ йўлни топгувчилардир» («Бақара» сураси, 155—157- оятлар), дейилади. Сабрли киши ҳаётда доимо тўғри йўл танлай олади, ҳар қандай қийинчиликларга бардош беради, мусибатлар олдида бош эгмайди. Бу эса ҳар бир кишининг энг олий хислати саналади.

«Қуръон»да инсонда таркиб топиши керак бўлган олий хислатлардан яна бири садоқат, деб таълим берилади.

Ҳар бир жамиятнинг равнақи шу жамиятда яшаётган кишиларнинг ватанига, халқига садоқатига ҳам боғлиқдир. Садоқат бор жойда ишонч, эътиқод мавжуд бўлади. Бу хислат жамият учун нечоғлик зарур бўлса, оила учун ҳам шунчалик муҳимдир. «Қуръон»да садоқат барча яхшиликларнинг дебочаси сифатида талқин этилади. Фақат садоқат орқали кишиларда бир-бирига ишонч пайдо бўлади. Шунга кўра Аллоҳ мусулмонларни бир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирларига садоқатли бўлишга ундаган: «Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва иймонларида садоқатлилар билан бирга бўлингиз»,— дейилади («Тавба» сураси, 119- оят).

«Қуръон»да кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш тўғрисида ҳам гап боради ва бу олий даражадаги инсоний хислат бўлиб, пок қалбли кишиларгина бунга эриша олади, дейилади. Бу хислат хоҳ жамият миқёсида бўлсин, хоҳ одамлар орасида бўлсин, тинчлик, осойишталик келтиради. Шунинг учун ҳам кишиларнинг ўзаро алоқасини мустаҳкамлаш мусулмончилик талабларидан саналади. «Ҳужурот» сурасининг 10-оятида: «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир. Бас, сизлар икки оға-инингизнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар»,— дейилади.

Кишилар ўртасидаги келишмовчиликларнинг олдини олиш ёки уларнинг тотув яшашига эришиш жамият аҳамиятига эгадир.

Ижтимоий ҳаётда ҳар бир шахс ёки жамият кишиларининг фаровон ва бахтли ҳаёти уларнинг тинч-тотув яшашига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунга кўра, «Қуръон»да кишилар ўртасидаги ўзаро ёрдамга алоҳида аҳамият берилади. Яхшилик ва тақводорлик йўлида бир-бирига ёрдам беришга чақирилади. «Қуръон»да яхшилик тушунчаси остида ростгўйлик, қаноат, сахийлик, шижоат ва бошқа барча фазилатлар назарда тутилади. Шу билан бирга, «Қуръон»да жамиятга, ҳар бир кишига зарар етказувчи ёмонлик билан душманлик ўртасидаги ҳамкорлик қораланади.

«Қуръон»да инсондаги энг зарур хислатлардан саналган олижаноблик ҳақида ҳам фикр юритилади. Олижаноблик — яхшиликни ўзи учун эмас, бошқалар учун зарурлигини англаш, исташтдир. Демак, олижаноблик руҳий ҳолат бўлиб, инсон камолотини кўрсатувчи хислатдир. «Ҳашр» сурасининг 9- оятида «гарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини қўйиб (ўзгаларни) ойсор-ихтиёр қилурлар. Кимки ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олса, бас, ана ўшалар нажот топгувчи зотлардир»,— дейилади. Ўз манфаатидан ўзгалар манфаатини устун қўювчи олижаноб хислатга эга бўлган мусулмонларгина шундай зотлардир.

«Қуръон»нинг маълум оятлари ширинсуханликка бағишланади. Тўғри сўз ва муомала маданиятига риоя қилиш қонун-қоидалари Исломгача ҳам бўлган. Аммо фақат Исломгина унинг асл моҳияти, инсон камолоти, жамият тараққиётида нақадар катта аҳамиятга эга эканини ёритиб бера олди. Чунки кишиларда ширинсўзлик, маданий муомала тараққий этган мамлакатдагина амалга ошади. Ширинсўзлик инсоннинг муомала маданиятига эга эканлигини кўрсатади, обрўсини орттиради, ҳурматга сазовор қилади. Шунга кўра, «Қуръон»да ҳар бир инсон ширинсўз бўлиши, агар мулоқотдагилар ўзаро ширинсўз бўлмаса, душманлик содир бўлиши таъкидланади. Бошқа бир оятда Аллоҳ кишиларни сўзлашганда паст овоз билан сўзлашга ун-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дайди: «Кишиларга чиройли сўзлар сўзлангиз» («Бақара» сураси, 53- оят).

Сўзлашганда очиқ юзли бўлиш, қўполлик қилмаслик, хушмуомала бўлиш одоблари ҳаётда тинчлик ва бахт-саодатга эришишда ёруғ йўл сифатида талқин этилади: «Аллоҳ томонидан бўлган бир марҳамат сабабли уларга (саҳобаларингизга) юмшоқ сўзли бўлдингиз. Агар қўпол, қаттиққўл бўлганингизда эди, албатта атрофингиздан тарқалиб кетган бўлар эдилар» («Ол-и Имрон» сураси, 159- оят).

Ҳақиқатан ҳам сўзлашиш маданияти ҳар бир инсон учун энг зарур бўлган, унга бахт-саодат, жамиятга эса равнақ келтирадиган муҳим фазилатдир. Зеро, давлат аҳамиятига эга бўлган дипломатик алоқаларнинг амалга ошиши ҳам элчиларимизнинг ана шу сўзлашиш маданиятини не чоғлик ўзлаштириб олганлигига боғлиқдир.

«Қуръон»да инсонни ахлоқий камолга етказишда яхши кишилар билан ҳамсуҳбат бўлиш ҳам катта аҳамиятга эга, деб кўрсатилади. Бу ҳаётда яхшилар билан дўст бўлишда ёрдам беради, дўст-душманни ажратиб, ўзига ҳамкор дўст танлашда мадад беради. «Ва-н-жам» сурасининг 24- оятида «Бизнинг зикримиздан қочган ва фақат ҳаёти — дунёнигина истаган кимсалардан юз ўгиринг», дейилади.

«Каҳф» сурасининг 28- оятида эса «Биз қалбини Бизни зикр этишдан ғофил қилиб қўйган, ҳавойи нафсига эргашган ва қилар иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг!»— дея таъкидланиб, ахлоқан тубан кишилар билан дўст тутиниб, хато қилмасликка ундайди.

Яхши кишилар билан ҳам, ёмон кишилар билан ҳам муомала-мулоқатда бўлганда, албатта унинг ўзига хос одоб қоидалари бор. Исломда рухсат сўраш ва саломлашиш одобларига ҳам эътибор берилади. «Нур» сурасининг 27—28- оятларида бу борада аниқ тавсиялар берилганки, бу тавсияларга риоя қилиш инсон маънавий камолотидан далолат беради.

Исломда саломга алик олиш хусусида «Нисо» сурасининг 86- оятида «Қачон сизларга бирон ибора билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олинглар ёки (ҳеч бўлмаса) ўша иборани қайтаринглар»,— дейилади.

«Қуръон»да инсонни маънавий пок бўлиш, ҳавойи нафсдан сақланиш масалаларига ҳам эътибор берилган.

Ҳавойи нафсга берилишнинг асосий сабаби сифатида киши иродасининг заифлиги ва илмсизлиги ёки илмнинг камлиги кўрсатилади. Чунки инсон билимсизлиги туфайли ҳавойи нафсга маҳкум этилади, шунга кўра, ақлни ишлатиб, ҳаётда тўғри йўл тутишга даъват этилади. Масалан, «Анъом» сурасининг 119- оятида «Шубҳасиз, кўп кишилар ўз ҳою-ҳаваслари билан билмаган ҳолларида ўзларини йўлдан оздирурлар». «Рум» сурасининг 29- оятида «Золим кимсалар бирон билим-ҳужжатсиз ҳавойи нафсларига эргашиб Аллоҳга ширк келтирдилар» каби фикрлар бунинг далилидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Қуръон»да яна инсонни ахлоқий камолга етказишга зид хусусиятлар: манманлик, ароқхўрлик ва қиморбозлик, ёлғончилик, бошқаларни камситиш, бадгумонлик, чақимчилик, ғийбатчилик, маиший бузуқлик, ғазабноклик, ҳасадгўйлик, очкўзлик кабилар хусусида ҳам ибратли фикрлар билдирилган.

Манманлик — ўз айбини тан олмаслик, такаббурлик саналади. Манманлик иллати кишиларни соғлом фикр юритишдан, ўзини такомиллаштириб боришдан маҳрум этади. Натижада жаҳолат иллати пайдо бўлади.

«Аъроф» сурасининг 146-оятида: «Энди ерда ноҳақ кибру ҳаво қилиб юрадиган, агар барча оят-мўъжизаларни кўрсалар ҳам, уларга иймон келтирмайдиган, тўғри — ҳақ йўлни кўрсалар уни (ўзлари учун) йўл қилиб олмайдиган, агар залолат — нотўғри йўлни кўрсалар, уни йўл қилиб оладиган кимсаларни ўз оят-мўъжизаларимдан буриб юборурман (яъни англаб етмайдиган қилиб қўюрман)»,— дейилади.

Юқоридаги оятда ва «Қуръон»нинг бошқа оятларида ҳам манманликнинг ёмон оқибатларга олиб келиши таъкидланади. Инсон гўзаллиги билан ҳам, мол-дунёси билан ҳам гердайиши мумкин эмаслиги баён этилиб, «Исро» сурасининг 37-оятида: «Ер юзида кибр-ҳаво билан юрмагин! Чунки сен (оёқларинг билан) ҳаргиз ерни тешиб (унинг тубига) кетолмайсан ва бўйи бастда тоғларга етолмайсан»,— дейилади ва манманликдан қайтарилади.

«Қуръон»да ёлғончилик ва унинг турлари, зарарли оқибатлари ҳақида ҳам батафсил тўхтаб ўтилган. Унда ёлғончилик разолат билан баравар қўйилади. Одамлар ёлғончи кишининг гапларига ишонмай қўядилар, ишончларини йўқотадилар, «Қуръон»да ёлғончилар ҳақида шундай дейилади: «Албатта, Аллоҳ ҳаддан ошгувчи, ёлғончи кимсаларни ҳидоят қилмайди» («Ғофир» сураси, 28-оят).

Лекин, баъзида эзгу мақсадлар йўлида ёлғон ишлатиш гуноҳ эмаслиги ҳам уқтирилади.

«Қуръон»да ёлғончиликнинг турлари ҳам баён этилади. Шулардан энг хавфлиси хиёнат деб таъкидланади. Чунки хиёнат жамият учун ҳам, шу жамиятда яшовчи одамлар учун ҳам зарар келтириб, уни хароб этади, дейилади, «Андол» сурасининг 27-оятида. «Нисо» сурасининг 107-оятида хиёнат қилганларни Аллоҳ кечирмаслиги таъкидланган.

Ёлғончиликнинг яна бир тури ваъдага вафо қилмаслик, деб кўрсатилади. Иродасиз, бировга яхшиликни раво кўрмайдиган, ишончсиз кишилар ваъдасига вафо қилмаслиги баён этилади. Исломда ваъдага вафо қилмаслик — мунофиқлик деб тушунтирилади. Ҳадисларда ҳам «Мунофиқликнинг белгиси учта: гапирса — ёлғон гапиради, ваъда берса — вафо қилмайди ва омонатга хиёнат қилади»,— дейилади.

«Қуръон»да ёлғон гувоҳлик бериш ҳам кишиларга жабр-зулм ўтказишга сабаб бўлиши, чақимчилик эса ёлғоннинг бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

тури сифатида, кишилар ўртасига нифоқ солувчи разолат сифатида қаралади.

«Қуръон»да ҳақиқий инсон бир-бирини камситмаслиги, бошқаларни ҳурмат қилиши, шу билан кишилар ўртасида тотувликни мустаҳкамлаши мумкин эканлиги каби ғоялар ҳам мавжуд. Кишиларнинг бир-бирини ҳурмат қилиши, ўзаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаши, келишмовчиликларнинг олдини олишда, хуллас комил инсонга хос бўлмаган пасткашликлардан сақланишда улар катта аҳамиятга эга.

«Қуръон»да инсоннинг руҳий ва маънавий камолга етишнга тўсқинлик қилувчи салбий хислатлардан бири ғазаб деб кўрсатилади. У руҳий разолат сифатида талқин этилади. Чунки ғазаб келганда ақл қочади, инсон ўз иродасини идора қила олмай қолади, ўз манфаати, обрўсини ҳимоя қиламан деб, жоҳилликка йўл қўяди. Ҳатто, ғазаб инсон саломатлигига ҳам зарар етказади. Шунинг учун ҳам Ислом инсонни ақл ва инсофга, босиқлик билан иш тутишга, ўз ҳиссиётларини бошқара олишга чақиради. Чунки ғазаб келганда чиқарилган ҳукм, амалга оширилган хатти-ҳаракат жоҳиллик белгиси бўлиб ҳисобланади. Ҳатто ғазабни босиш билан бирга, ғазабни қўзғаган шахсни кечира олиш даражасида ўзини бошқара олиш иродасига эга бўлиш кераклиги ҳам уқтирилади.

«Ол-и Имрон» сурасининг 134-оятида «Яхши-ёмон кунларда инфоқ-эҳсон қиладиган, ғазабларини ичларига ютадиган, одамларнинг (хато-камчиликларини) авф этадиган кишилардир. Аллоҳ бундай яхшилик қнлувчиларни севади», дейилади. Демак, Исломда инсон ғазаби келганда фақат ўзини бошқара олиш қувватига эга бўлишгина эмас, кечирувчилик хислатига эга бўлишга ҳам чақирилади. Ана шундай инсонгина ахлоқан баркамол шахс бўла олади.

Исломда ҳасад ҳам энг қабиҳ хислат сифатида қораланади. Ҳасадчи бировларнинг ютуғини кўра олмай, ҳасад қилавериб, ўзи ҳам бебахт, ўзига ишонмайдиган, мақсадига эриша олмайдиган, омадсиз, худбин шахс бўлиб қолади. Бу тўғрида «Қуръон»да «Нисо» сурасининг 32-оятида гапирилади.

«Қуръон»да инсоннинг ахлоқан камол топишида бекорчи гапсўзлардан йироқ юриш, майда ва беҳуда гапларга вақт кетказмаслик, улардан ўзини четга олиш кабиларга ҳам эътибор берилган. Хусусан, «Қасас» сурасининг 55-оятида «Қачонки беҳуда (сўз ё ишни) эшитсалар, ундан юз ўгурурлар», дейилади.

Чунки бундай гаплар инсонни фойдали ишлардан чалғитса, бошқа томондан майда ган, бебурд қилиб қўяди.

Инсоннинг маънавий камол топишида меъёрни сақлаш катта аҳамият касб этади. Очкўзлик, хасислик эса мол-дунёга ружу қўйишга олиб келади.

«Қуръон»да таълим берилишича, мол-дунё инсонни синаш учун берилади. Мол-дунёга эришган ҳар бир инсон уни тўғри йўлда сарфлаши керак, дейилади («Анфол» сураси, 28-оят).

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Қуръон»да таълим берилишича, бойлик абадий эмас, ҳақиқат ва яхшилик абадийдир. Баъзилар мол-дунёси ортганда манманлик «касали»га гирифтор бўлади, ақл ва адолатни унутади. Шунинг учун «Қуръон»да инсон бойлик орттирса, ҳаддидан ошади, дейилади ва бандаларини бойлик орттирган чоғида кеккайиб, гердайиб кетишдан сақланишга чақиради.

Ислом таълимотида илгари сурилган муҳим ғоялардан яна бири ва унинг энг муҳим таркибий қисми поклик ва тозаликка риоя қилишдир.

Хулоса қилиб айтганда, Ислом шу пайтгача шўро мафкурасида унинг халқлар ўртасида душманлик руҳини сингдирувчи, инсоннинг қадр-қимматини камситувчи, билиш ва яратувчилик қобилиятларини, ақлнинг, инсон ижодий қобилиятининг кучини, инсон иродасининг эркинлигини инкор этувчи дин сифатида танқид қилиб келинди. Лекин, биз юқорида кўриб ўтган масалалар бундай фикрлар асоссиз эканлигини кўрсатди. Ислом ва унинг асосий таълимоти мужассамланган «Қуръони карим»да инсонни ҳам ақлий, ҳам ахлоқий, ҳам жисмоний шакллантиришда, бир сўз билан айтганда, комил инсонни тарбиялашда муҳим манба эканлиги намоён бўлади.

ҲАДИС ИЛМИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ. ИМОМ ИСМОИЛ АЛ-БУХОРИЙ ВА ИМОМ АТ-ТЕРМИЗИЙНИНГ ҲАДИС ИЛМИ РИВОЖИДАГИ ХИЗМАТЛАРИ

Ислом дини таълимотида «Қуръони карим»дан кейин асосий манба ҳадислардир. Ҳадис илми билан шуғулланиш асосан VIII асрнинг иккинчи ярмидан бошланиб, унга энг билимдон, мўътабар шахсларгина тартиб берган. Маълумотларга қараганда, VIII—XI асрларда тўрт юздан ортиқ муҳаддис ҳадис илми билан шуғулланган. Биз бу манбаларнинг кўпи билан таниш эмасмиз. Кейинги йилларда Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда унинг диний-ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олган ҳадислар, Имом Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-Жомеъ ас-саҳиқ», «Ал-адаб ал-муфрад» асарлари таржима қилиниб нашр этилди. Ат-Термизийнинг «Аш-Шамоили ан-Набавия» асари ҳамда уларга ёзилган сўзбошилар, баъзи кичик рисола ва мақолалар чоп этилди. Биз ана шу манбаларга таянган ҳолда фикрларимизни баён этамиз.

«Ҳадис» ёки «сунна» сўзлари бир маънони англатиб, Расулуллоҳнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда диний ва ахлоқий кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлардан иборат.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг ибратли ишлари, эътиқод, поклик ва инсонга хос маънавий-ахлоқий хислатларни ифодаловчи сўзлари, панд-насиҳатлари унинг номи билан боғлиқ ҳадисларда мужассамланган.

Ҳадислар дастлаб ёзиб борилмаган. Чунки пайғамбаримиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қуръони Карим нозил бўлган вақтларда араб бўлмаган кишиларнинг ҳадисларни Қуръон оятларидан деб ўйлашларидан чўчиб, уни ёзиб боришларнга рухсат этмаганлар. Лекин пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳивасаллам ҳузурида саҳобалар бўлиб, улар Расули акрамдан эшитган ҳадисларни ёдлаб борганлар. Масалан, Ҳазрати Абу Хурайра шундай мўътабар кишилардан бўлиб, бутун умрини ҳадисларни ёдлашга бахш этган. Мазкур ҳадислар тўғри, ишонарли (саҳиҳ) бўлган.

Лекин, ҳадисларни ёд олган кишилар тобора камая боргани ҳамда аста-секин улар унутилиб кетишининг олди олиниб, халифалар ишонарли ҳадисларни тўплашга фармон бердилар. Исломшунос олимлар бу ишни бошида турган дастлабки халифа Умар ибн Абдулазиз эканлигини таъкидлайдилар.

Ҳадисларни биринчи марта ёзиш билан машғул бўлган муҳаддислар Рабеъ бин Сабеҳ, Саид бин Аби Аруба, Молик бин Анас, Абдумалик бин Журайж Маккий, Абдураҳмон ал-Авзоий Шоший, Суфён Саврий Куфий ва бошқалар деб кўрсатилади.

VIII—IX асрлар ҳадис илми учун «олтин давр» ҳисобланади. Бу даврга келиб, ислом уламолари томонидан ҳадисларнинг қай даражада тўғрилиги, қандай манбаларга таянганлиги тадқиқ этила бошланади. Чунки, баъзи сохта, ишончсиз ҳадислар ҳам пайдо бўла бошлаган; уларни текшириб, асл ҳадисларни тиклаш ва ёзма равишда қайд қилиш замон талаби бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам биринчидан, ҳадисларни ёддан билувчи ҳақиқий билимдон, ўткир муҳофазали кишиларнинг аста-секин камайиб кетаётганлиги; иккинчидан, ҳадисларнинг ҳақиқий, ишонарли, яъни саҳиҳларини сақлаб қолиш мақсадида ҳадислар текширилиб, асл ҳолига қайтарилиб, ёзиб йиғила бошланган. Ана шу тарзда ҳадис илми ривожлана бошлаган.

Ислом дунёсида энг нуфузли манбалар деб саналган олтита ишончли тўплам (ас-саҳиҳ ас-ситта)ни яратган муҳаддислар ҳам ватандошларимиз бўлиб, ҳадис илми ривожланган IX асрда яшаб ижод этганлар. Булар **Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий** 194 (810)—256 (870), **Имом Муслим ибн ал-Хажжож** 206 (819)—261 (874), **Имом Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий** 209 (824)—279 (892), **Имом Абу Довуд Сулаймон Сижистоний** 202 (817)—275 (880), **Имом Аҳмад ан-Насоий** 215 (830)—303 (915), **Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Можжа** 209 (824)—273 (886) каби алломалардир.

Олимлар «ал-кутуб ас-ситта» (олти китоб)ни қуйидагилардан иборат деб кўрсатадилар.

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий томонидан ёзилган «Ас-Саҳиҳ».

2. Имом Муслим ан-Нишопурий (Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож) томонидан ёзилган «Ас-Саҳиҳ».

3. Имом Ибн Можжа томонидан ёзилган «Суннан».

4. Имом Абу Довуд Сулаймон-Сижистоний томонидан ёзилган «Суннан».

www.ziyouz.com kutubxonasi

5. Имом ибн Исо ат-Термизий томонидан ёзилган «Аж-жами ал-кабир».

6. Аҳмад ан-Насоий томонидан ёзилган «Суннан» каби тўпламлардир[1].

Ҳадис таълиф этишда асосан, уч йўналиш пайдо бўлган.

1. «Муснад» йўналиши. Бунда турли мавзудаги ҳадислар бир жойда келтирилиб, алифбо тартибида жойлаштирилган. Абдуллоҳ ибн Мусо, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ҳадисларни ана шу йўналишда тўплаганлар.

2. «Саҳиҳ» (ишончли) йўналиши. Бунга Имом Бухорий асос солганлар. Буларга тўғри, ишонарли ҳадислар киритилган.

3. «Суннан» йўналишидаги ҳадислар. Мазкур йўналишдаги ҳадисларга тўғри, ишонарли ҳадислар билан бир қаторда, «заиф» ҳадислар ҳам киритилган. Абу Довуд, Исо ат-Термизий, ан-Насоий, ибн Можжалар шундай йўналишдаги ҳадисларни тўплаган муҳаддислар.

Мовароуннаҳрда биринчи бўлиб ҳадис тўплаган муҳаддис Имом Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий саналади. Яна ватандошларимиздан Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ал-Марвазий, Исҳоқ ибн Раҳовайҳ ал-Марвазий, Имом ал-Ҳайсам ибн Қулайб аш-Шоший, Ҳофиз ал-Хоразмий, Имом Абдулҳасан Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ва бошқалардир.

«Саҳиҳ» йўналишининг асосчиси, энг етук ва машҳур муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдир. Имом Бухорий ҳадис илмида «Амир ул-мўъминин», «Имом ал-муҳаддисийн» («Барча муҳаддисларнинг пешвоси») деган шарафли номга сазовор бўлган. У 810 йил, 13 майда (баъзи манбаларда 810 йил, 20 июлда) (ҳижрий 194 йил шаввол ойининг 13 куни) Бухорода туғилган. Гўдаклигида отадан етим қолган. Мактабда савод чиқарган, 10 ёшиданоқ араб тили ва китобларидан уларни ёдлай бошлайди. Ал-Бухорий ҳадис илмини катта қизиқиш билан ўргана бошлайди. Ёшлик чоғидан бошлаб турли ровийлардан эшитган ҳадисларни ёдлаб борар эди. Абдуллоҳ ибн ал-Муборак, Вақиъ ибн Жарроҳ каби олимлар тўплаган ҳадисларни ёд олган, ҳадис ривоятчилари ҳақидаги баҳсларда қатнашган.

Ал-Бухорий 825 йилда, ўн олти ёшида онаси ва акаси билан Ҳижозга сафар қилади. Маккаю Мукаррама ва Мадинаю Мунаввара да бўлиб, ҳаж ибодатини адо этади. Балх, Басра, Куфа, Бағдод, Хуме, Дамашқ, Миср, Макка ва Мадинада бўлиб, сафар жараёнида муҳаддислардан ҳадис ўқир эди. Олти йил Ҳижозда қолиб, ҳадис илмидан таълим олади. Шу билан бирга, Дамашқ, Қоҳира, Басра, Бағдод шаҳарларида машҳур олимлардан фиқҳ илмидан дарс олади, ўзи ҳам баҳс ва мунозараларда қатнашади, толибу илмларга дарс ҳам беради.

Имом Бухорий истеъдодли, ўткир муҳофазали, зийрак олим

[1] Азимов А. Ислом ва ҳозирги замон. Тошкент, Ўзбекистон, 1991, 13- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган. «Манбаларга кўра, Бағдодда истиқомат қилган пайтида кўпинча ойнинг нурида ижод қилиб, қоронғи кечалари шам ёруғида китоб ёзар экан. Агар тунда беҳосдан бирор-бир фикр-мулоҳаза келиб қолса, шамни ёқиб дарҳол фикрини қоғозга туширар, шу тахлитда баъзи кечалари шамни йигирма мартагача ўчириб-ёқар экан»[1].

Имом Бухорийнинг ўткир зеҳн эгаси эканлигини қуйидаги мисолдан ҳам билиш мумкин.

Ривоятларга кўра «У қайси бир китобни қўлга олиб, бир маротаба мутолаа қилса, ҳаммаси ёд қолаверарди». Имом Бухорийнинг ўз сўзига кўра, юз минг саҳиҳ (ишончли) ва икки юз минг ғайри саҳиҳ (ишончсиз) ҳадисни ёд билар экан. Ўз шогирдларидан Амир ибн Фаллос «Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга маълум бўлмаган ҳадис, албатта ишончли ҳадис эмасдур»,— дейди. Устози Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ал-Марвазийнинг айтишича, «Бутун Хуросондан Муҳаммад ибн Исмоил каби олим чиққан эмас».

Имом Бухорийиинг ўткир зеҳни ҳақида шундай ривоят келтирилади: «Имом Бухорий билан Басрада ҳадис дарсига қатнашган шерикларидан бири Ҳошид ибн Исмоил айтади: «Имом Бухорий бизлар билан бирга устознинг дарсини эшитарди. Устоз ривоят қилган ҳадисларини биз ёзиб олар эдик, аммо Бухорий фақат қулоқ солибгина ўтирарди. Шу тарзда қанча кунлар ўтиб, орада устоз қарийб 15 минг ҳадис ривоят қилди. Шунда биз Бухорийга: «Сен нега ҳадисларни ёзмайсан?»— деб таъна қилган вақтимизда: «Сизлар ёзиб бораётган ҳадисларни мен устоз оғзидан ёдлаб олаётирман»,—деди-да, устоз ривоят қилган ҳамма ҳадисларни бир чеккадан ёддан ўқиб берди. Шундан кейин биз ёзиб олган ҳадисларимиздаги хатоларни унинг ёдлаганидан тузатиб оладиган бўлдик»[2].

Имом Бухорий жуда кўп забардаст олимлардан таълим олади. Манбаларда унинг устозларини тўқсонга яқин деб кўрсатишади. Муҳаммад ибн Юсуф ал-Ғартобий, Убайдулла ибн Муса ал-Абасий, Абу Бакр Абдулла ибн аз-Зубайр ал-Ҳамийдий, ибн Раҳавайҳ номи билан машҳур имом Исҳоқ ибн Иброҳим, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Али ибн ал-Мадийнийлар унинг устозларидир.

Имом ал-Бухорийнинг ўзи ҳам йирик ва машҳур олимлар Исҳоқ ибн Муҳаммад ал-Рамозий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий, Муҳаммад ибн Халаф ибн Қутайба, Иброҳим ал-Ҳарбий, Муҳаммад ибн Абу Исо ат-Термизий, Муҳаммад ибн

---

[1] Уватов У. Ҳадис илмининг султони. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993. 29 октябрь. № 43—44.

[2] Ал-Бухорий ҳақида замондошларининг хотиралари. Шамсиддин Бобохоновнинг Имом Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-адаб ал-муфрад» китоби таржимасининг муқаддимасидан олинди. *Қаранг*: Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари). Таржима, муқаддима ва изоҳлар муаллифи Шамсиддин Бобохонов. Тошкент, Ўзбекистон, 1990, 6—8-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Наср ал-Марвазий, Муслим ибн Ал-Ҳажжожларга ўз вақтида устозлик қилган.

Имом Бухорий ўта камтар, инсонпарвар, хулқ-одобда тенгсиз, саховатли инсон ҳам бўлган. У ҳадис илмининг етук олими бўлса ҳам, вақти келганда замондошлари, шогирдларидан ҳам ўрганган. Имом Бухорий бир минг саксонта муҳаддисдан ҳадис эшитган. Ундан тўқсон минг киши ишончли ҳадисларини эшитган. Маълумотларга кўра, Ал-Бухорий 600 мингга яқин ҳадисни тўплаган, 100 минг «саҳиҳ» ва 200 минг «ғайри саҳиҳ» ҳадисларни ёд олган.

Имом ал-Бухорий узоқ сафардан она юрти Бухорога қайтгач, талабалар ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ беради ва унинг тарғиботчисига айланади. Ривоятларга кўра, халифанинг Бухородаги ноиби Холид ибн Аҳмад ибн Холид аз-Зуҳалий уни саройга келиб ҳадис илмидан сабоқ беришга таклиф этади. Аммо Имом Бухорий бу таклифни қабул этмайди ва: «Мен илмни хорлаб султону амирлар эшигига олиб бормайман. Агар амирга илм керак бўлса, болаларни (иккинчи ривоятда саройидагиларни) уйимга ёки масжидимга юборсин»,— деб жавоб беради.[1] Ал-Бухорий билан амир Холид ибн Аҳмад аз-Зуҳалий муносабатларига раҳна тушади. Бунга баъзи ҳасадгўй шахсларнинг иғволари ҳам сабаб бўлади. Амир буюк алломани шаҳардан чиқиб кетишга фармон беради. Уни Самарқанд уламолари ўз юртларига таклиф этадилар. Имом Бухорий йўлга чиқади. Аммо Самарқандга яқин Ҳафтанг қишлоғида (ҳозирги Пойариқ тумани) бетоб бўлиб қолади ва шу ерда ҳижрий 256 йили рамазон ойининг охирги куни (милодий 870 йил 1 сентябрь) 62 ёшида вафот этади ва шу ерга дафн этилади.

Олимларнинг таъкидлашларича, Имом ал-Бухорий жуда бой ижодий мерос қолдирган. Унинг «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам»), «Ал-адаб ал-муфрад», «Ат-Тарих ал-кибор» («Катта тарих»), «Ат-Тарих ас-сағийр», («Кичик тарих»), «Ал-Қироату халфа-л-Имом» («Имом ортида туриб ўқиш»), «Вафъул-йадини фи-с-Салоти» («Намозда икки қўлни кўтариш») каби ишлари мавжуд бўлиб, қўлёзмалари бизгача етиб келган. Аммо «Ат-Тарих ал-авсат» («Ўрта тарих»), «Ат-Тафсир ал-кабир» («Катта тафсир»), «Ал-Жомеъ ал-кабир» («Катта тўплам»), «Китоб-ул-ҳиба» («Ҳадя китоби») номли асарлари ҳам бўлганлиги маълум, лекин булар бизгача етиб келмаган. Шубҳасиз, бу асарларидан энг етук, шоҳ асари «Ал-Жомеъ-ас-саҳиҳ» дир. Бу асар «Саҳиҳ ал-Бухорий» номи билан ҳам дунёда машҳур. 4 жилддан иборат мазкур китобда пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидан ташқари, ислом ҳуқуқшунослиги, ислом маросимлари, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия, тарих ва этнографияга оид маълумотлар ҳам берилган. Унга 600 минг ҳадисдан 7275 та энг «саҳиҳ» ҳадислар киритилган бўлиб, такрорланмай-

[1] **Бобохонов Шамсиддин.** Кўрсатилган асар, 9- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

диган 4000 ҳадисдан иборатдир. Бу китоб ислом таълимотида Қуръони каримдан кейинги манба ҳисобланади.

Маълумки, Ислом дини инсонни маънавий камолот сари етакловчи таълимот. Шу сабабли Қуръони Каримда ҳам, ҳадисларда ҳам яхши хулқ ва одоб кенг тарғиб этилган. Шариат талаблари билан бир қаторда, ҳадисларда ахлоққа доирлари; айниқса муҳим. Имом Бухорий ҳам 4 жилдли «Ал Жомеъ ас-саҳиҳ» асарининг бир жилдида одоб ҳақидаги ҳадисларни жамъ этган. Кейинчалик аллома бутун Ислом олами одоб-ахлоқи ва тарбияси масалаларига бағишланган «Ал-адаб ал-муфрад» номли («Адаб дурдоналари») махсус ҳадислар тўпламини яратади. Бу асар 644 бобда баён этилган 1322 ҳадисдан иборат.

Машҳур муҳаддислардан яна бири ватандошимиз Абу Исо ат-Термизий бўлиб, у 824 йилда Термиз яқинидаги Буғ (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида) қишлоғида туғилган. Унинг оиласи ва ота-онаси ҳақида маълумотлар йўқ. Баъзи тадқиқотчилар унинг отаси асли марвлик бўлган деб қайд этадилар.

У болалигидан илмга қизиққан бўлиб, айниқса ҳадис илмини чуқур эгаллаган.

Ат-Термизий 850 йилдан қатор мамлакатларга сафар қилади. Ҳижозда бўлиб, Макка ва Мадинани зиёрат қилади, Ироқ, Хуросонда ҳадис илми, фиқҳ, илми ал-қироат, баён, тарих ва бошқа илмларни ўрганади. Мана шу сафарда ат-Термизий ҳадисларни тўплай бошлайди. Ҳадис илмини ўрганишда машҳур муҳаддис ат-Термизий устози ал-Бухорийни алоҳида ҳурмат қилади. Ҳатто манбаларда ат-Термизий устозининг вафоти туфайли кўп йиғлаганидан кўзи кўр бўлиб қолган, деган фикрлар ҳам мавжуд.

Ат-Термизийнинг ўткир зеҳни, хотираси, ёдлаш қобилиятининг кучлилиги туфайли ал-Бухорий ҳам уни фақат шогирд сифатида эмас, ўзига ҳамкор дўст сифатида ҳам ҳурмат қилган.

Ат-Термизий узоқ сафарида ҳадисларни тўплаб, китоблар таълиф қилишга бошлади. У 863 йилда ўз ватанига қайтди ва ўзи ҳам шогирдларга таълим бериб, ҳам китоблар ёзди.

Ат-Термизийнинг ўндан ортиқ асарлар яратганлиги маълум. Булар «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам»), «Аш-Шамоил ан-Набавия» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари»), «Ал-илал фи-л-ҳадийс» («Ҳадислардаги иллатлар ва оғишлар ҳақида») асарлари машҳурдир.

Ат-Термизийнинг ёзиб қолдирган асарларидаги ҳадислар ҳам ал-Бухорий ҳадислари каби инсонни ҳалоллик, адолат, эътиқод, диёнат, поклик, меҳнатсеварлик, мурувватлилик, меҳр-шафқат, катталарга, ота-она ва қариндошларга ҳурмат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Ат-Термизий 892 йилда ўз ватанида вафот этди.

Ҳадисларда инсоннинг камолга етиши учун талаб этиладиган инсоний фазилатлар акс эттирилган бўлиб, булар меҳр-оқибат

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўрсатиш, сахийлик, очиқ кўнгиллилик, ота-она ва катталарга, қариндошларга ғамхўрлик, ҳурмат, фақир-бечораларга мурувват, ватанга муҳаббат, меҳнат ва касб-ҳунарни улуғлаш, ҳалоллик, поклик, ўзаро дўст, тинч-тотув бўлиш ва бошқалардан иборатдир. Бундан ташқари, инсоннинг ўзини ёмон иллатлардан тийиш, яхшилик сари интилиш кераклиги борасидаги панд-насиҳатлар ҳам ўз ифодасини топганки, буларнинг барчаси Қуръони Карим кўрсатмаларидан келиб чиқади ва комил инсонни шакллантириш мезони саналади.

Аввало, Ислом ақидасига биноан ҳар бир мусулмон иймонли бўлиши керакдир. Қуръони Каримда таъкидлангандек, ҳадиснинг ҳам биринчи китоби иймон китобидир. Исломдан мурод иймон демакдир. Иймоннинг мукаммал бўлмоғининг уч шарти кўрсатилади:

— тўғри эътиқодли бўлмоқ;

— кишилар билан яхши муносабатда бўлмоқ;

— киши ўз устида ишламоғи ва ўзини ибодат ва итоатга чиниқтирмоғи.[1]

Иймон дарахтга тенглаштирилади ва унинг 60 дан ортиқ шохлари бор деб, иймои белгилари санаб ўтиладики, буларнинг ҳар бири инсон маънавий қиёфасининг мукаммаллашувига таъсир этувчи хислатлардир. Булар қуйидагилардан иборат: «Қўли билан ва тили билан ўзгаларга озор бермаган киши мусулмондир»; «Ўзи яхши кўрган нарсани биродарингизга раво кўрмагунингизча ҳеч бирингиз чинакам мўмин бўла олмайсиз» (3-, 4-, 6- боблар); «Учта хислатни ўзида мужассам қилган кишининг иймони мукаммал бўлгайдир:

— инсофли ва адолатли бўлмоқ;

— барчага салом бермоқ;

— камбағаллигида ҳам садақа бериб турмоқ».

Бундан ташқари, кишилар учун хос бўлмаган мунофиқлик иллатлари ҳам кўрсатиб ўтилади: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: «Қуйидаги тўртта иллат кимда бўлса, аниқ мунофиқ бўлғайдир, кимдаки улардан биттаси бўлса, уни тарк этмагунча мунофиқликдан бир иллати бор экан, дейиладир:

— омонатга хиёнат қилгайдир;

— сўзласа ёлғон сўзлагайдир;

— шартнома тузса, шартида турмагайдир;

— уришиб қолса, кек сақлагайдир ва ноҳақлик қилгайдир» (25- боб).

Ҳадисларда инсоннинг маънавий камолоти мезони, унинг тафаккур доираси, дунёқарашининг кенглиги, илмий билимларни қай даражада эгаллагани, ўз билими билан атрофидагиларга, жамиятга фойда келтирувчи шахс бўлиб етишишида муҳим

[1] **Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий.** Ҳадис, 1- жилд. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам). Тошкент. Қомуслар Бош таҳририяти, 1991, 14- бет (Бошқа манбалар ҳам ушбу китобдан олинди).

www.ziyouz.com kutubxonasi

омил — билим деб кўрсатилади. «Толиби илм қилиш фарздир. Толиби илмга ҳар бир нарса истиғфор айтади, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам». Билимсизлик кишиларни нодонликка олиб келади, илмсиз жамиятда эса жаҳолат, разолат ҳукмронлик қилади, дейилади. «Илм ўрганмоқ ва ўргатмоқнинг фазилати» ҳадисида (21- боб, 35- бет) илмни кўп ёққан ёмғирга ўхшатилади ва илм аҳлини уч турга бўлади: «Баъзи ер соф, унумдор бўлиб, ёмғирни ўзига сингдирадир-да, ҳар хил ўсимликлар ва кўкатларни ўстирадир ва баъзи ер қурғоқ, қаттиқ бўлиб, сувни эммасдан ўзида тўплайдир, ундан Оллоҳ таоло бандаларини фойдалантиргайдир. Одамлар сувдан ичгайдирлар, ҳайвонларини ва экинларини суғоргайдирлар. Баъзи ер эса текис бўлиб, сувни ўзида тутиб қолмайдир, кўкатни ҳам кўкартирмайдир. Буларни қуйидагича муқояса қилиш мумкиндир: Бир киши Оллоҳ илмини (исломни) теран ўрганадир, теран тушунадир ва ундан манфаатланадир ва Оллоҳ юборган ҳидоятни ўзи ўрганиб, ўзгаларга ҳам ўргатадир. Иккинчи бир киши илм ўрганиб, одамларга ўргатадир. Аммо ўзи амал қилмайдир. Учинчи бир киши мутакаббирлик қилиб, ўзи ҳам ўрганмайдир, ўзгаларга ҳам ўргатмайдир».

Аммо илмга эътиборсизлик ва нодонлик (жаҳолат)нинг авж олиши жамиятнинг инқирозига олиб келади, дейилади. Шунинг учун «Илмга амал ва риоя қилувчи бўлинглар, уни фақат ҳикоя қилувчи бўлманглар»,— дейилади 637- ҳадисда (100- бет).

Албатта, исломда икки хил илм ҳақида фикр юритилади: бири ҳуқуқий (фиқҳ), диний йўл-йўриқлар илми бўлса, иккинчиси дунёвий илмларни эгаллаш назарда тутилади. Ҳар нккаласидан ҳам билимга эга бўлиш ҳар бир мўъмин учун фарз ҳисобланади.

«Илмнинг офати унутишдир. Уни ноаҳил кишига тапириш эса уни зое қилишдир»[1],— ҳадисида илмни такрорлаб бориш, фақат илм олишга иштиёқманд кишиларгагина илм бериш таъкидланади. Шунингдек, ҳадисларда илмнинг кишиларни фаҳм-фаросатли, ўткир зеҳнли, зукко, хотирани кучли қилишдаги аҳамияти ҳам таъкидланади ва «Илму ҳунарни Хитойда бўлса ҳам бориб ўрганинглар»[2]— деб даъват этилади. Шунга кўра, «Олим бўл (илм берувчи бўл) ёки илм ўрганувчи бўл, ёки тингловчи бўл, ёки илмга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл. Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан»,— дейилади (141- ҳадис, 61- бет). Ҳадисларда илмнинг аҳамияти ҳам кўрсатиб ўтилади. «Илм ибодатдан афзал ва у тақво диннинг устунидир» (268- ҳадис, 95- бет.). Лекин илмни манфаатсиз сарфлашдан сақланишга даъват этилади (173- ҳадис), ҳақиқий комил инсон билимга бой, хушхулқ, соғлом бўлиши (182- ҳадис), уни фақат фойдали иш-

---

[1] *Қаранг*: Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Тошкент, «Камалак». 1991, 51- бет.

[2] Ўша китоб, 60- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларга, инсоннинг фаровон ҳаёт кечиришига сарф этиш кераклиги ҳам уқтирилади.

Маълумки, исломий тарбияда энг инсоний хислатлардан бири сифатида ота-онага ғамхўрлик, уларни эъзозлаш, ота-она ҳаққини ўз ўрнига қўйиш, фарзанд ҳаққи масалаларига эътибор берилади. Ҳадисларда ҳам ана шу тарбия талаблари ўз ифодасини топган. Айниқса, ота-онага яхшилик қилишга оид ҳадисларда энг катта гуноҳлардан тўққизтаси, яъни Аллоҳ таолога ширк келтириш, одам ўлдириш, уруш майдонидан қочиш, афифа (ўзини покиза сақлаган) хотинни фоҳиша деб туҳмат қилиш, рибо (ижарахўрлик), етимлар молини емоқ, Аллоҳ таолонинг борлигини инкор қилиш, одамларни масхара қилиш, камситиш кабилар қаторига ота-онасини хафа қилиб, йиғлатиш катта гуноҳ сифатида қайд этилади.

Ота-она ҳаққини адо этиш ҳар бир фарзанд учун фарздир. Ҳадисларда булар ўта таъсирли ва ишонарли мисолларда талқин этилади: «Абдуллоҳ ибн Умар, яманлик бир одам ўз онасини опичлаб, хонаи Каъбани тавоф қилдириб юрганини кўрдилар. У одам қуйидаги байтни оҳанг билан ўқирди:

Онаи зорим учун бўйнимни эгган теваман.
Тевага минган онам ҳорсалар ҳам мен чарчамам.

У шуни ўқиб туриб Абдуллоҳга қаради-да, Эй, Абдуллоҳ ибн Умар мана шу хизматим билан мен онамнинг ҳаққини адо қилолмадимми, деб сўради. «Йўқ, бу хизматинг сени туғиш вақтида онангни қийнаб тутган тўлғоқларининг биттасига ҳам баробар эмас»,— деди»[1] (6- боб, 11- ҳадис).

Ҳадисларда ота-онанинг дилини оғритиб, озор бериш, хафа қилиб, буйруқларини бажармаслик ҳам қораланади. Абдуллоҳ ибн Амр (Розиёллоҳу анҳу) айтадилар: Бир киши Расулуллоҳ ҳузурларига ҳижрат қилмоқ учун байъат қилишга келди. Аммо ота-онаси унинг кетишига рози бўлмай, хафаликдан йиғлаб қолган эдилар. Шунда Расулуллоҳ: «Сен ҳозир ота-онанг олдига бор! Ҳижрат қиламан деб уларни хафа қилганингдек, энди ҳижрат қилмайдиган бўлдим, деб уларни хурсанд қил»,— дедилар (13- ҳадис)[2]. Чунки Исломда энг катта гуноҳ Аллоҳ Таолога ширк келтириш ва ота-онага «оқ» бўлиш ҳисобланиши 15- ҳадисда таъкидланади. Ёлғончилик билан туҳмат қилмоқ ҳам ёмон гуноҳлардан эканлиги қайд этилади.

Лекин ота-она ҳам, ўз навбатида, фарзандларини тарбият этмоғи, одоб ўргатиши, яхшилик қилиши лозимлиги таъкидланади: «Намир ибн Авс айтишларича, ўтмиш кишилар болаларнинг солиҳ-қобил бўлишлари Аллоҳ Таолонинг тавфиқи билан бўлади, аммо уларга одоб-ахлоқ ўргатиш оталари вазифасидир, дер эканлар» (92- ҳадис).[3]

---

[1] **Имом Исмоил ал-Бухорий.** Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари). Тошкент, «Ўзбекистон», 1990, 16- бет.

[2] Ўша асар, 17- бет.

[3] Ўша асар, 45- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар бир киши отасига яхшилик қилганидек, болаларига ҳам яхшилик қилиши шартлиги, чунки инсон бўйнида ота ҳаққи бўлгаиидек, болаининг ҳам ҳаққи борлиги Қуръони Каримда ҳам, Ҳадисда ҳам уқтирилади.

Ҳадисларда кишиларнинг бир-бири билан дўст, тинч-тотув яшаши, мурувватли, меҳр-шафқатли бўлиши кераклиги ҳақидаги ғоя ҳам илгари сурилади. Булар опа-сингил, ака-ука, қариндошлар, қўшнилар ўртасидаги муомала-муносабатларда намоён бўлади. Ҳақиқий маънавий юксак инсон ота-она, опа-сингил, ака-ука ва яқин кишиларига, қўшниларга яхшилик қилади, бу яхшилик улар ўртасидаги тотувликни келтириб чиқарадики, пировард натижада тинч-тотув, фаровон жамият тараққий этади. Чунки ҳар бир инсон келажак авлод хотирасида яхши ишлари билан ном қолдиради. Бу ҳадисларда шундай талқин этилади: Мўмин кишига вафотидан кейин савоби тегиб, етиб турадиган амали солиҳлар:

1. Тарқатган илми.
2. Қолдирган солиҳ фарзанди.
3. Мерос қолдирган Қуръони.
4. Қурган масжиди.
5. Йўловчилар учун қурган меҳмонхонаси.
6. Қазиган ариғи.
7. Тириклигида ва соғломлигида садақа-эҳсон учун ажратган моли (253- ҳадис)[1].

Ҳақиқатан ҳам, инсон ҳаётдан ўтади, лекин у қилган яхши ишлари: илм-маърифат тарқатишда, халқ фаровонлиги йўлида қилган ишлари билан халқ орасида абадий қолади. Инсонларнинг энг яхши хислатларидан яна бири саховатдир.

Ҳадисларда ҳам инсон камолотининг энг муҳим кўринишларидан саналган инсоннинг саховатли бўлишига катта эътибор берилган. Саховатли инсон жамият тараққиётига ҳам катта ҳисса қўшади, унинг равнақи учун жон куйдиради. Ҳадисларда одамларни ана шу хислатларига кўра тўрт гуруҳга ажратилади:

1. Аллоҳ таоло бир бандага мол берган ва илм берган. У бандага берилган мол ва илмнинг тасарруфида тақво қилади ва силаи раҳм қилади. Илми ва молидан Аллоҳ учун ҳақ ажратади. Бу энг афзал ўрин.

2. Бир банда бор. Аллоҳ унга илм берган, лекин мол бермаган. Лекин унинг нияти тўғри: Агар Аллоҳ менга мол берсайди фалончига ўхшаб сарф қилардим. У шу ниятига қараб тенг ажр олади.

3. Бир банда бор. Аллоҳ унга мол берган, илм бермаган. Мол тасарруфида Аллоҳдан қўрқмайди. Молидан қариндошларига бермайди. Бу эса энг ёмон ўриндир.

4. Бир банда бор. Аллоҳ унга мол ҳам, илм ҳам бермаган. У айтадики, агар Аллоҳ менга ҳам бергандайди фалончига ўх-

---

[1] **Имом Исмоил ал-Бухорий.** Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари). Тошкент, «Ўзбекистон», 1990, 71- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаш иш қилардим. У шу нияти билан ўша кишига баробар ҳисобланади (савоб ва гуноҳда)[1].

Биринчи ва иккинчи гуруҳдаги одамлар айни саховатли инсонлар қаторига киритилади.

Хулқ-одоб ҳақидаги ҳадисларда энг эзгу инсоний хислатлар улуғланиб, гуноҳ сифатидаги иллатлар қораланади.

Ҳадисларда инсоний хислатлардан эзгулик, иффат, сабр-қаноат, шукроналик каби ахлоқий хислатлар улуғланса, исроф-гарчилик, таъмагирлик, очкўзлик, нафсу ҳавога, шаҳвоний ҳиссиётларга берилиш, бахиллик, жоҳиллик каби иллатлар қоралаиади. «Яхши сийрат, чиройли ҳайъат ва ҳар бир ишда иқтисодчилик етмиш хислатдан бир бўлагидир» (468- ҳадис)[2],— дейилади ҳадисларда.

Бунда яхши сийрат деганда яхши муомала, чиройли ҳайъат— бу ташқи кўринишни яхшилаб юриш, иқтисод — ҳар бир хатти-ҳаракатда меъёрни кўзлаш назарда тутилади. Мазкур хислатлар Расулуллоҳнинг: «Сизларнинг учта ишингиз учун Аллоҳ Таоло рози ва учта ишингиз учун ғазаблик бўлади: биринчиси, ибодатни Аллоҳнинг ўзигагина қилиб, ибодатга бошқа нарсаларни унга шерик қилмаслигингизга; иккинчиси, Аллоҳ Таолонинг дини ва Қуръонига эътиқод қилмоғингизга; учинчиси, Аллоҳ Таоло сизга бошлиқ қилиб қўйган кишига хайрихоҳ бўлмоғингизга рози бўлса, бўлар-бўлмас ганни нақл қилишиб юрмоғингизга, кўп суриштираверишлик ёки сўрашлик (гадойлик қилиш) ва молни ноўрин ерларга сарф қилиб зое қилмоғингизга ғазабланади»,— деганларини исботлайди (206- боб, 242- ҳадис)[3].

Шу билан бирга, ҳадисларда яна кишиларни бахиллик ва мол-мулкка ҳирс қўйишдан сақланиш кераклиги, келажакка умид ҳис-туйғулари ҳам ифодаланади. «Бирортангиз экиш учун қўлингизда бирор кўчатни ушлаб турган вақтингизда қиёмат қойим бўлиб қолса-ю, қойим бўлишидан илгарироқ уни экиб олишга қўзингиз етса, албатта экиб қўйинг»,[4]— дейилгани ҳам инсонни ҳаётга, яшашга, келажакка умид билан қарашга ундайди.

Бундан ташқари, мусулмонларга хос удумлар, урф-одатларга оид хулқ-одоб қоидалари баён этилади. Турли маросимларни ўтказиш тартиби, сафар қоидалари, саломлашиш, муомала маданияти, касал ҳолини сўраш одоби, кийиниш қоидалари, емоқ-ичмоқ, сўзашиш одоби ва ҳоказолар ҳақида турли тавсиялар бериладики, булар бевосита кейинги одоб-ахлоқ ҳақидаги рисолаларга ҳам асос бўла олади.

---

[1] **Имом Исмоил ал-Бухорий.** Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари). Тошкент, «Узбекистон», 1990, 357- бет.

[2] **Имом Исмоил ал-Бухорий.** Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари). Тошкент, «Узбекистон», 1990, 137- бет.

[3] Ўша китоб. 131- бет.

[4] Ўша китоб. 139—140- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳадисларда жамиятнинг, инсон наслининг ривожланишига таъсир этувчи муаммоларга ҳам катта эътибор берилган. Бу муаммоларнинг энг муҳими экологик муаммо бўлиб, неча асрлардан буён ўз долзарблигини йўқотмаган: экинзорларни ҳимоя этиш, дарахт ўтқазиш, харобазорларни обод этиш, ариқ-зовурлар қазиб сув чиқариш каби эзгу ишлар ҳам ривоят қилинади. Масалан, тирик жониворларни ўлдирмаслик (шариатда ўлдиришга буюрилган илон, чаёндан бўлак), жониворларга яхшилик қилиш, озор бермаслик, инсон яшайдиган жойни, унга озор берадиган нарсалардан тозалаш (227, 446- ҳадислар)[1], кишиларга соя берувчи дарахтларни кесмаслик, ҳовли саҳнларини тоза тутиш ҳақидаги ҳадислар шундай ибратли ҳадислардир.

Ҳадисларда ёмон ишлар, ёмон иллатлар, ёмон хатти-ҳаракатлар «гуноҳ» сифатида қораланса, инсон фаровонлиги, жамият равнақи учун қилинадиган яхши эзгу хатти-ҳаракатлар, фаолият «савоб» тарзида олқишланади.

Шунга кўра, етим молини ейиш, мол-дунёга ҳирс қўйиш, ёлғончилик, ғийбатчилик, туҳмат, зино, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фойдасиз гапни кўп гапириш ва бошқа иллатлар гуноҳ ҳисобланади. Ота-оиа, кексалар, заифлар ва муҳтожларга ғамхўрлик, уларни йўқлаб туриш, марҳумларни яхши сўзлар билан хотирлаш, бировларнинг устидан кулмаслик, омонатга хиёнат қилмаслик кабилар савоб саналади.

Маълумки, инсон камолоти, бевосита унинг саломатлигига ҳам боғлиқдир. Чунки соғлом инсонгина ҳам оила, ҳам жамиятнинг равнақ топиши учун фаолият кўрсатадиган киши бўлиб етишади. Ҳадисларда, умуман Исломда тозалик ва покликка, умуман руҳий ва жисмоний покликка катта эътибор берилади. «Ҳақ таоло ўзи пок, покликни яхши кўради. Ўзи тоза, тозаликни яхши кўради. Ўзи олийҳимматдир, олийҳимматликни яхши кўради. Ўзи очиққўл, очиққўлликни яхши кўради. Эшикларинг олдини покиза тутинглар» (190- ҳадис)[2].

Ҳадисларда инсон эркига ҳам катта аҳамият берилган.

Маълумки, шўро мафкурасида дин, айниқса, ислом инсонни ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан сиқувда сақлайди, деб танқид қилинган. Ваҳоланки, Исломда инсон ҳар томонлама етук бўлиши учун у эркин бўлиши кераклиги Қуръони Каримда ҳам, Ҳадиси Шарифда ҳам эътироф этилган: «Аллоҳ Таолога амали солиҳларнинг яхши кўрингани агарчи оз бўлса ҳам давомлисидур. Аллоҳ Таолога фарзлардан сўнг амали солиҳларнинг энг севимлиси, мусулмон кишининг дилига хурсандчилик солишдир» (33- ҳадис); «Аллоҳ ўзи кечирувчи зот, кечиргувчини яхши кўради» (119- ҳадис); «Аллоҳ Таоло зулм қилмаган қози билан биргадир. Агар қози жабр қилса, Аллоҳ ундан узоқ-

---

[1] **Имом Исмоил ал-Бухорий.** Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари). Тошкент, «Ўзбекистон», 1990, 78, 132- бетлар.

[2] Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Тошкент, «Камалак», 1991. 66- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лашади ва шайтон унга яқинлашади» (194-ҳадис»); 287-ҳадисда эса «Аллоҳ Таоло учун динларнинг қайси бири севимлироқ?» деб сўралганда, Расулуллоҳ: «Яхшилик томонга юзланган ва инсон учун енгил бўлган дин»[1],— дедилар каби ҳадислар бунинг далилидир. Чунки инсон қанчалик қадрланса, барча эзгуликлар, яхшиликлар инсонга аталса, унинг манфаати учун хизмат қилса, инсон ҳам шунга кўра камол топаверади, юксакликка кўтарилади, ўз навбатида бундай инсонлар яшайдиган жамият ҳам ривожланаверади.

Демак, ҳадислар Муҳаммад пайғамбарнинг суннатлари бўлиб, мазмунан ҳар бир мўъминнинг ишончини, эътиқодини мустаҳкамлайди ва шу билан инсонни маънавий камолотга даъват этади. Ислом дини маърифатга асосланган учун ҳам ҳар бир шахсни ақлий, жисмоний, ахлоқий жиҳатдан камолга етказишга оид эътиқод ва имондан иборат бўлиб, фақат эзгуликка хизмат қилиш, олижаноб бўлиш, покиза юриш, бир бурда луқмани ҳалол қилиб ейиш, жаҳолат ва жаҳолатпарастликка йўл қўймаслик, ўз биродарининг, қариндош-уруғларининг, миллатининг ва ватанининг қадриятларини асрашдан иборатдир»[2]. Шундай экан, ҳадислар комил инсонни шакллантиришда муҳим манба бўлиб ҳисобланади ва ундан ёшлар тарбиясида фойдаланиш шу куннинг долзарб вазифаларидан саналади.

СУФИЙЛИК ТАЪЛИМОТИДА ЕТУК ИНСОН МУАММОСИНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ

Ҳар қандай ғоявий таълимотда бўлгани кабн, ислом динида ҳам зиддиятлар ва ихтилофлар пайдо бўлиб, уларнинг натижасида VII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб исломнинг ўз ичида ҳам турли йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар юзага кела бошлади. Шулардан бири, хорижийлар йўналиши бўлиб (ажралиб чиққан иеёнчи маъноенни билдиради), у халифа Али ва уммавийлар ўртасидаги кураш давомида вужудга келган.

Хорижийлар Алига ҳам, уммавийларга ҳам қарши бўлиб, ўзларини ҳақиқий мусулмон деб ҳисоблаганлар ва «диндан қайтган», «йўқотилишга маҳкум этилган», деб эълон қилинган гуруҳларга қарши кураш олиб борганлар.

Хорижийларнинг қарашларига кўра, халифа диний жамоа томонидан сайланади, ҳар бир оддий, тақводор мусулмон халифа бўлиб сайланиши мумкин, агар халифа уни сайлаган жамоа манфаатини ҳимоя этмаса, уни жазолаш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Улар эътиқод амалий фаолият билан боғлиқ бўлиши лозим, деб таъкидлайдилар.

---

[1] Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари). 71-бет.

[2] Асрор Самад. Пайғамбар, дин ва диндорлик. Имом Исмоил ал-Бухорий. «Ал-адаб ал-муфрад» китобига сўнгги сўз. Тошкент, «Ўзбекистон», 1990, 183—184-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хорижийлар ҳақиқий динни қайта тиклаш тарафдорлари, оддий халқ орзу-умидларини ифодалаган илк ислом идеаллари учун курашувчилар сифатида майдонга чиқиб, адолатли давлатни қайта тиклашни мақсад қилиб қўйганлар.

Хорижийлар Зинжийлар, Абу Муслим қўзғолонларида иштирок этганлар. VII—IX асрларда уммавийлар ва аббосийларнинг хорижийларга қарши кураши оқибатида мазкур йўналиш мазҳаблари йўқолиб кетди. Улардан фақат ибодийлар (Жазоир, Тунисда) ҳозиргача сақланиб қолган.

Суннийлик йўналиши эса VIII—XII асрларда Араб халифалигидаги энг йирик йўналишлардан бири сифатида шаклланган. Ҳозирги даврда жаҳондаги барча мусулмонларнинг тўқсон фоизи суннийлик мазҳабидадир.

Суннийлар ўзларини аҳли ас-сунна — сунна тарафдорлари деб атаб, Қуръон билан бирга суннага ҳам эътиқод қиладилар. Унда Муҳаммад пайғамбар ва халифа Али билан бир қаторда, шиалик тарафдорлари рад этадиган дастлабки халифалар — Абу Бакр, Умар, Усмон ҳам эътироф этилади. Суннийда тўртта диний-ҳуқуқий мазҳаб — ҳанафия, маликия, шофиия, ханбалия бўлиб, моҳияти билан шариатга хос диний-ҳуқуқий тизимлар саналади ва ҳар бири ҳам ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишда ҳадис талабларига таянади. Чунки бу мазҳабларнинг намояндалари Абу Ханафа (699—767), Малик ибн Анас (713—795), Аш Шафий (767—819) ва Ибн Ханбал (780—855) лар бўлиб, мусулмон диний-ҳуқуқий назариётчилари бўлган. Мазҳаблар бир-биридан ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш тамойилларига ёндашиш, маросимчилик масалалари, анъаналар, урф-одатларда фарқ қиладилар. Улар ҳокимият масаласида ҳам шиалик йўналишидан фарқ қилади. Суннийлар халифалик ҳокимияти тарафдори бўлса, шиалар имомат тарафдоридир.

Суннийлик ичида нхтилофлар кам бўлган. Ундан ўрта асрларда ҳеч қандай мазҳаблар ажралиб чиқмаган. Янги даврда ваҳҳобийлар диний-сиёсий оқими ва ўзига хос Аҳмадия мазҳаби суннийликдан ажралиб чиқди.

Исломда яна бир йўналиш — шиалик (арабча «гуруҳ», «тарафлар») мавжуд. Бу оқим моҳияти жиҳатидан суннийликдан сўнг иккинчи ўринда туради. Ҳозирги даврда, жаҳон мусулмонларининг ўн фоизи шиа мазҳабига мансуб. Шиалик Али ҳокимияти тарафдорларидан иборат сиёсий гуруҳ сифатида VII аср ўрталарида пайдо бўлган. Ироқ ва Эронда бу йўналиш кенг тарқалган. Шиалик диний-ақидавий таълимот, маросим ва урф-одатларга кўра суннийликдан фарқ қилади. Унинг тарафдорлари халифалик ҳокимиятига қарши кураш ҳам олиб борган. Аммо шиалик ҳокимият учун кураш жараёнида майдонга келган бўлса-да, асосий ихтилофлар диний таълимотни талқин этишдаги тафовутлардан иборатдир. Чунки шиалар ҳам суннийлар каби Қуръонни эътироф этадилар, аммо халифалар даврида унинг айрим қисмлари тушириб қолдирилган, деб ҳисоблайдилар. Улар Қуръоннинг мазмунини мажозий талқин этиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўз таълимотларини асослайдилар. Ҳадислардан фақат Али ва унинг тарафдорлари номи билан боғлиқ бўлганларини тан олганлар ва шундай ҳадислардан мустақил тўпламлар тузганлар. Буларни Ахбор деб атаганлар. Суннийлик ақидаларидан фарқли равишда, шиалар тавҳид, адл, нубувват, имомат, қиёмат каби беш ақидага эътиқод қилганлар.

Тавҳид — Аллоҳнинг ягоналигини эътироф этиш; адл — адолат, Аллоҳнинг одиллиги, яъни тақдир; нубувват — пайғамбарлик; қиёмат ёки маод — охиратнинг келиши, ўлганларнинг тирилиши — моҳият эътибори билан суннийлик билан мос келади, бешинчи ақида — имомат бўлиб, имомлар ҳокимияти эътироф этилиши билан суннийликка ва сунний халифалар ҳокимиятига зид келади. Шиалик Али ва унинг авлодларидан иборат ўн икки имом ҳокимиятини тан олади. Шунинг учун ҳам Абу Бакр, Умар, Усмонларни ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллаган халифалар деб қоралайди. 874—878 йилларда, 7—9 ёшида бедарак йўқолган (тарихда ўлдирилган деб тахмин этилади) 12-имом Муҳаммад ал-Маҳдийни «яширинган», «имоми Маҳдий», «имоми охир замон» деб ҳисоблаб, охир замонда у қайтиб келади ва адолат ўрнатади, деб ишонадилар.

Шиалар ҳам муқаддас шаҳарлар Макка ва Мадинага бориб, Каъбани зиёрат қилсалар-да, Карбало, Нажаф шаҳарларидаги шиалик имомлари қабрларини ҳам муқаддас деб эътироф этадилар.

Шиалик шариатида жаъфария мазҳаби ҳукмрондир. Улар имом Ҳусайн (учинчи шиа имоми, Муҳаммаднинг набираси. Карбало даштида Халифа Язид билан жангда 680 йил, 10 октябрда ўлдирилган)га мотам тутиб, «шахсей-вахсей» номи билан машҳур мотам юриши ўтказадилар. Шиаликда зайдийлар, исмоилийлар, ибодийлар ва бошқа мазҳаблар ҳозир ҳам мавжуд. Шиаликлар, асосан Эронда ҳукмрон эътиқод ҳисобланади.

Ислом илоҳиётида ашъарийлар, жабарийлар, қадарийлар, муржиъийлар, муътазилийлар, мутакаллимлар каби диний-фалсафий оқимлар пайдо бўлиб, булар моҳияти билан илоҳиётга хос муаммоларни талқин этишда бир-биридан фарқ қилади. Худди шундай шароитда мўътадил ислом асосларини ҳимоя этиб, илоҳиёт, калом пайдо бўлди. Бу VIII асрда Арабистонда пайдо бўлган бўлса, IX асрда Ўрта Осиёда ҳам кенг тарқалди. Каломнинг тарафдорлари асосан, мусулмон ақидаларини ҳимоя этадилар ва тозалашга ҳаракат қиладилар. Улар суннийларни диний арбобларнинг ўзаро келишилган фикрларига ёхуд Қуръон ёки Ҳадисдан олинган фикрлар билан асослаш орқали ҳимоя этадилар. Бу тамойилларга асосланмаган барча фикрлар ва қарашларни мутакаллимлар (калом намояндалари) қоралайдилар. Уларнинг илк намояндаси ал-Ашъарий бўлиб, ислом диний-ақидавий таълимотини асослашга ҳаракат қилган.

Мутакаллимлардан сўнг мухолифот руҳидаги мўътазалчилик (муътазила — ажралиб чиққанлар маъносини билдиради) оқи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ми юзага келиб, улар якка худони, унинг адолатлилигини эътироф этган ҳолда, инсон тақдирининг аввалдан белгилаб қўйилиши ҳақидаги таълимотни рад этадилар ва инсон эркини, унинг тафаккури такомили ҳақидаги ғояни илгари сурадилар. Билимнинг асосий мезони ақлий билиш, ақлни ақлий билишнинг асоси сифатида талқин этадилар.

Бу таълимот қаттиқ таъқиб этилди. Кейинчалик, суннийлик ва бошқа эркин фикрли оқимлар доирасида, VIII аср охири ва IX аср бошларида сўфийлик таълимоти пайдо бўлди. Мазкур оқим бутун мусулмон мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиёда кенг тарқалди.

Сўфийлик бутун Шарқ маънавий ҳаётида комил инсон ҳақидаги ғояларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнади.

Сўфийлик таълимоти ҳақида қатор тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, булар мазкур таълимотни ўрганишда бой манба бўлиб ҳисобланади. Айниқса, Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» асари сўфийлар силсиласи ҳақида қимматли меросдир.

Мазкур оқим VII—VIII асрда араб мамлакатларида пайдо бўлиб, сўнг бошқа мусулмон мамлакатларида, хусусан, Мовароуннаҳрда ҳам кенг ёйилади. Лекин олимлар бу оқимнинг баъзи кўринишлари исломгача ҳам мавжуд бўлганлигини таъкидлайдилар.

Сўфийлик назариясига кўра, дунё — бутун олам худонинг мужассамланиши. Худо барча кўринадиган нарсаларда мавжуд, нарсалар эса худода мавжуд. Дунё — дунёвий руҳ шаклида бутун оламга тарқалган худо сингари ягонадир. Инсон эса ана шу руҳнинг бир қисми, эртами-кечми у билан қўшилади.[1]

Амалий қисм ахлоқий меъёрлар ва хулқ-атвор қоидаларининг муайян тизимидан иборат бўлиб, бу меъёр ва қоидалар худбинлик ва шахсий манфаатлардан ўзини тийишни талаб этади.

Бу ҳақда сўфийлик назариётчиларидан имом Ғаззолий шундай дейди: «Сўфий бўлиш — доимо худога содиқ қолиш, одамларга самимий, мулойим муомалада бўлиб, улар билан тинчликда яшаш, ўз «юкини» бошқалар гарданига ағдармаслик, балки одамларнинг истагига мувофиқ ҳамма нарсани ўз устига олиш демакдир. Сўфийликнинг қоидаси шундан иборатки, камбағаллик унинг безаги, сабр-тоқат унинг нақши, қаноат қилиш— унинг оти, ишонч — унинг қадр-қимматидир».[2]

Сўфийлик мусулмои Шарқи халқларининг кўп асрли маънавий ҳаётининг ғоявий асосини белгилаб берган таълимот бўлиб майдонга чиқди. У илоҳий поклик ва инсоний гўзалликни идрок этиш йўли, ҳақ ва ҳақиқатни ҳимоя этиш воситаси бўлиб хизмат

---

[1] **Хайруллаев М.** Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Тошкент, «Ўзбекистон» 1971, 99- бет.

[2] **Ғаззолий.** Диний илмларининг келиб чиқиши. М. Хайруллаевнинг кўрсатилган китобидан олинди. 99- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилди. Сўфийлик кўп қиррали оқим бўлиб, «соф», «ягона» сўфийлик ҳеч қачон бўлмаган. У турли кўринишларда, оқимлар тарзида намоён бўлган.

Аммо ҳар бири ҳам инсон камолоти муаммосига турлича ёндашиб, уни ўз йўли, қарашлари орқали талқин этган. Шунга кўра, тадқиқотчилар сўфийликни уч оқимга мансуб деб биладилар[1].

Биринчи оқим Мансур Ҳаллож, Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румийлар мансуб бўлган оқим. Уларнинг таълим беришича, худо ҳар жиҳатдан комилдир, энг олий гўзаллик, шодлик, бахт унинг васлидадир, фоний бўлишдадир. Инсон ўзини ҳақиқатга — худога нисбатан ҳеч деб билиши керак. Инсон яшаётган ҳаёт ҳақиқий бахт-саодат бера олмаслиги, асл, ҳақиқий осудалик, бахт, саодат фақат худода, унинг васлида эканлиги, у билан ваҳдат ташкил этиш, яъни унинг васлига етиш кераклигини илгари сурдилар. Лекин улар тақвони риёдан ажратиб, олий ҳақиқатга интилишни жаннат ва дўзах ҳақидаги интилишлардан фарқ этиб бориш билан ажралиб турадилар. Инсоннинг ички руҳий ҳолатига аҳамият бериб, чин ихлос ва сидқни биринчи ўринга қўядилар. Сўфийлар қалбни ҳар қандай худбинлик, риё, таъмагирлик, ҳашам ва мол-дунёга ўчликдан тозалаб бориш билан олий ҳақиқат кўзгусига айлантиришни, яъни покликни асосий мақсад қилиб қўядилар.

Сўфийлар инсон маънавий-руҳий комилликка эришиш йўлида тўрт босқични ўтиши керак деб, ҳисоблайдилар.

Биринчи босқич — Шариат: диний маросимлар ва шариат ақидаларини, тақволарини айнан, изчил бажариш. Чунки шариат — қонун бўлиб, бу қонун вужудни ва қалбни тарбиялайди.

Иккинчи босқич — Тариқат: нафсни тийиш, хушнудлик, хилват, маънавий муҳаббатни чуқурлаштириб, худо тўғрисида ўйлаш, яъни тариқат — фано, ўздан кечиш, кўнгилни поклаб, руҳни нурлантирувчи фаолият шакли.

Учинчи босқич — Маърифат: ҳамма нарсанинг, бутун борлиқнинг асоси — худо эканини, ўзининг моҳияти худо моҳияти билан бирлигини билиш ва англаш. Бунда одам учун барча кибру ҳаво, манманлик, шон-шуҳрат бемаъни бўлиб кўринади. Шунда у ориф, яъни билимли, худони таниган бўлади.

Тўртинчи босқич — Ҳақиқат: бунда сўфий худонинг даргоҳига эришади, васлига восил бўлади, у билан бирлашади, ваҳдат (таваҳҳуд) ташкил этади, шу билан инсон фоний, яъни «анал—ҳақ» бўла олади.

Мазкур оқим тарафдорларидан биринчи сўфий эронлик Абу Язид Тайфур ал-Бистамийдир (875 йилда вафот этган). Сўфий Ҳусайн ибн Мансур Ҳаллож эса ўзининг худо билан «қўшилганини» исботлаш учун «Анал—ҳақ» («Мен Ҳақман», «Мен худо-

[1] **Воҳид Зоҳидов.** Улуғ шоир ижодининг қалби. Тошкент, «Ўзбекистон», 1970, 320—340- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ман») деб ўз таълимотини эълон қилди. У Пайғамбар ва Қуръоннинг муқаддаслигини йўққа чиқаришга уринганликда айбланиб, хурофотчилар томонидан қатл этилди. Чунки бу таълимот сарой ва жоҳилият билан яқинлашган баъзи илму калом ва фалсафа уламоларига ёқмайди, қалбни олий ҳақиқатга эришиш учун поклаш йўлида қилинган эзгу таълимот бидъат деб эълон қилинади.

Сўфийликнинг иккинчи оқимига мансуб бўлган сўфийлар биринчи оқим намояндалари қарашларини қабул қилган, аммо уларни ислом дини тартиб-қоидаларига мослаштирганлар. Бу оқимнинг энг машҳур назариётчиси Зайниддин бинни Муҳаммад Имом Ғаззолий (1058—1111), Аҳмад Яссавийлардир.

Имом Ғаззолий «Ҳужжатул ислом» лақабини олган сўфийлик асосчиларидан саналади. Унинг ҳақида ҳатто «Қуръон йўқолиб қолса, уни Ғаззолийнинг асарлари бўйича тиклаш мумкин» деб айтганлар. Чунки имом Ғаззолийнинг «Таҳофут ал-фалосифа» («Файласуфларни рад этиш»), «Кимёи саодат» («Саодат кимёси»), «Ихйа улум ад-дин («Диний илмларни тирилтириш») каби ислом илоҳиёти тизимини ишлаб чиққан асарлари шундай дейишга асос бўлар эди.

Ғаззолий инсон камолга етиши, яъни худо «васлига» етиши учун маълум шартларни бажариб, муайян йўлни босиб ўтиши керак, дейди. Буларни у ҳар бир сўфий ислом талаблари — қонун-қоидалари, ақидаларини, Қуръонни ҳақиқат деб билиб, унга тобе бўлиши ва уларни сўзсиз бажаришда деб билади.

Ғаззолий сўфийлар назарияси ҳақида гапириб, улар ҳақиқатни мантиқий мулоҳазалар асосида эмас, балки ички кечинмалар орқали бевосита ҳиссий тарзда англайди, деб кўрсатади. Шунинг учун сўфийларнинг ички ҳолатини назарий билим, суҳбат, ўқиш орқали эмас, балки шу ҳолатга, уларнинг турмуш тарзига кириш орқалигина англаш мумкин, дейди. Демак, амалнёт орқалигина сўфийликнинг асл моҳиятини англаш мумкин. У ана шу йўл кўнгилни ҳис билан яратилган маълумотлардан озод этади, ана шунда маърифат манбаи пайдо бўлади, дунё равшан бўлади, ўрганиш йўли билан эмас, балки ўздан кечиниш, маънавий вужуднинг қайтадан туғилиши орқасидагина охирги чегарага эришиш мумкинлигини таъкидлайди ва шу йўлни тарғиб этади.

Сўфийликнинг учинчи оқими Нақшбандия таълимоти билан боғлиқдир. Бу оқим XIII асрнинг охирларида шакллана бориб, XIV—XV асрларда Марказий Осиёда кенг ривожланди. Нақшбандияга қадар Марказий Осиёда яссавийчилик ҳукмрон эди. Яссавия тариқати машҳур Аҳмад Яссавий номи билан боғлиқ бўлиб, ислом дунёсида «шайхул машойих» деб улуғланади.

Аҳмад Яссавий 1041 йилда Сарёмда (Сайрам) Иброҳим шайх хонадонида туғилади. Етти ёшида отасидан, сўнг онасидан етим қолади. У Арслонбоб номли инсон қўлида тарбия олади. Аҳмад Яссавий ҳам жуда кўп толиби илмлар каби Бухорода

www.ziyouz.com kutubxonasi

таҳсил олади. У ерда машҳур Юсуф Ҳамадонийдан сулук одобларини ўрганиб, сўнг Туркистонга қайтади ва ўз тариқатига асос солади. У сўфийлик ғояларини, ўз тариқатини тарғиб этишда шеърларидан фойдаланади. Ислом дини ақидаларини ва ўз ғояларини ҳикматларида ифода этади ва шу билан кенг омма орасига кириб боради. Яссавий ҳикматларининг ахлоқий, фалсафий, илоҳий илдизлари тўғридан-тўғри «Қуръон» ғоялари ва Муҳаммад пайғамбар ҳадисларига бориб боғланади. Чунки Аҳмад Яссавий ҳикматлари пайғамбаримиз Муҳаммад таълимотидаги мурувват, саховат, қаноат, ростликни тарғиб қилади, фақат Аллоҳга тобе бўлишга ундайди. Унинг ҳикматларида насиҳат асосий ўрин тутади. Уларнинг барчасида сўфийлик — тасаввуфдаги ҳақиқатни билиш, Ҳақни севиш учун нафсу дунёдан чекинишдир. Инсондаги ҳар қандай иллат, қабоҳат унинг онгида қуриб-битиши керак, ана шунда инсонда баъзи нуқсонлар қайта тикланмайди, дейди. Зеро, тасаввуф — нафс лаззатларидан воз кечишдир. Нафс — очкўзлик, ўғрилик, жаҳолат, худбинликни келтириб чиқаради. Шунинг учун қаноат Аҳмад Яссавий шиори саналади. Озига қаноат қилиш, шукроналик, ҳалол луқма ейиш орқали инсон Ҳақ билан «кўриша» олади, нафсга муте бўлганлар эса худбинликдан қайтмайди, нафс балосига учрайди:

Нафсдан кечиб, қаноатни пеша қилғон,
Ҳар ким топса, рози бўлиб, бўйи сунғон
Яхшиларга хизмат қилиб дуо олғон,
Андоқ ошиқ маҳшар куни армони йўқ.

Жондин кечмай ҳу-ҳу деган бари ёлғон,
Бу гумроҳдин сўрманг савол, йўлда қолган,
Ҳақни топган ўзи пинҳон, сўзи пинҳон
Ул сабабдан олтмиш учда кирдим ерга.

Хожа Аҳмад яна:

Банда бўлсанг меҳнат тортғил ғофил одам,
Оқил эрсанг ғаниматдур сенга шул дам
Омонатдир азиз жонинг юрма беғам,
Эшитиб ўқиб ерга кирди Қул Хожа Аҳмад.

Яссавий нодонлик туфайли ҳаётда саводсизлик, диёнатсизлик, ота-она ва устозларга ҳурматсизлик, маънавий қашшоқлик, ёвузлик, такаббурлик ривож топиши, нодон инсон энг тубан шахс бўлишини, нодонлик, разолат ҳукм сурган жойда, маърифат бўлмаган ўлкада мамлакат инқирозга юз тутади, дейди.

Яссавий ҳикматларида Ҳаққа етиш йўлини тарғиб қилар экан, инсонни жаҳолат ботқоғидан халос қилишни илгари суради. У «Шариатда ориф — билоҳ бўлишни, тариқатда воқиф —

www.ziyouz.com kutubxonasi

асрор бўлишни, ҳақиқатда комил — муқаммал бўлишни, маърифатда дарёи уммон бўлишни талаб қилади.[1]

Лекин шўро давригача нодон, диёнатсиз кишилар томонидан, кейин эса шўро мафкураси ҳукми билан Аҳмад Яссавийни таркидунёчиликда, илоҳиётга чекинишда айбладилар, диний-реакцион оқим етакчиси сифатида қораладилар.

Аслини олганда, Мансур Ҳаллож ҳам, Ғаззолий ҳам, Аҳмад Яссавий ҳам руҳий камолотга интилганлар. Зеро, улар интилган комиллик — Ҳаққа етишиш — унга муҳаббат, шу ишқ дарди билан яшаш, тавба-тазарру, сабру қаноат, шижоат, тўғрилик ва ростгўйлик, самимият, нафсни тийиш ва ундан ғолиб келиш, фақру фано — ҳар бир инсон қалбини чиркин иллатлардан пок этади. Улар бир мақсадга — инсон камолотига турли йўллар билан етишга ҳаракат қилганлар. Шу билан бирга, тадқиқотчилар Яссавияда золим ҳукмдорлар, нопок дин пешволари, нодон ва жоҳилларга нисбатан мухолифот мавжуд деб таъкидлайдилар.

XIV асрнинг бошларига келиб, Мовароуннаҳрда сўфийликнинг яна бир оқими Нақшбандия юзага келди.

Нақшбандия таълимоти ўзининг ҳаётийлиги билан бошқа тариқатлардан ажралиб туради. Нақшбандия тариқатининг «илдизи» узоқларга, ўша Уйғониш даврларига бориб тақалади. С. Олимов инглиз олими Ж. С. Трамингэмнинг тадқиқотларига асосланиб, Ўрта Осиёда икки буюк олим — Абулқосим Али ал-Хороқоний (1034 й., 80 ёшида вафот этган) ҳамда Абу Али ал-Фармадий (1084 й. вафот этган)ларнинг сўфийлик ривожида ҳиссалари катта эканлигини таъкидлайди. Тасаввуф оламининг машҳур файласуфлари Аҳмад ал-Ғаззолий ва Юсуф Ҳамадонийлар (1049—1140) номи юқорида қайд этилган Фармадийнинг шогирдлари бўлган.

Юсуф Ҳамадонийда тасаввуфдан чуқур таълим олган тўрт машҳур халифадан (Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Абдуллоҳ Баррақий (Баркий), Хожа Аҳмад Яссавий) бир Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний Хожагон (кейинчалик Нақшбандия) тариқатини асосчисидир. Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний Бухоронинг Ғиждувон туманида 1103 йилда таваллуд топган. Хожа бошланғич таълимни Ғиждувонда олгач, Бухорога келиб, Юсуф Ҳамадонийга шогирд тушади. Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний Юсуф Ҳамадонийдан таълим олиб, «зикри дил» («Хуфя усули билан зикр айтиш»)га ижозат бўлгач, шу сулукка ўтади.

Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний маълум таҳсилни олиб, тариқат пешвоси даражасига етгач, Хожагон, (кейинчалик Нақшбандия) тариқатининг моҳиятини белгилайдиган ва ақидалари ҳисобланган асосий талабларни яратади. Бу ақидаларнинг тўрттасига дастлаб Юсуф Ҳамадоний томонидан тартиб берилган бўлиб, улар:

---

[1] **Хожа Аҳмад Яссавий. Шажараи саодат. Карамотлари. Ҳикматлари. Мираҳмад Мирхолдор ўғли. Чимкент, 1992.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

1. **Хуш дар дам** — тириклик нафасда. Ичкаридан чиқаётган ҳар бир нафас огоҳлик ва ҳузур юзасидан бўлиши, ғафлат унга йўл қўймаслиги керак[1].

Ҳазрати Хожа Баҳоуддин бу ҳақида: «Бу йўлда ишнинг асосини нафас устига қурмоқ керакки, замоннинг муҳим вазифасига машғул бўлишда хаёлни ўтмишдан ва фикрни келажакдан озод этсин ва ҳар бир нафасни зое этмасликка уринсин»,— деб таълим берган.

2. **Назар бар қадам**, яъни назар қадамда. Солик йўл юрганда унинг назари доимо оёқ панжаларида бўлсин, назари сочилмасин ва кераксиз жойга тушмасин, деган маънони билдиради. Бу инсонни ҳар бир ишга масъулият билан қарашга, беҳуда нарсаларга ҳаётни сарф этмасликка ундайди.

3. **Сафар дар ватан** — солик одамийликнинг табиатида сафар қилсин, яъни ёмонликдан яхшилик томон юрсин деган маънони билдиради.

Юқоридаги рисолада келтирилишича, Абдураҳмон Жомийнинг бир байти шарҳида «юракнинг маънавий ойнаси оламнинг забт этувчи заҳматларидан халос бўлса, софлик ва нуронийлик билан безанса, табиий хоҳишлар зулмати ундан кўтарилса, яратувчи тажаллиёти ва илоҳий сифатларни қабул этиш учун сафар ва сулукка ҳожат қолмайди, чунки сафар ва сайр, ва сулукдан мақсад юракка сайқал бериш ва уни тозалашдир»[2],— деб таъкидланар экан, сулук сафар қилиш-қилмаслиги уларнинг хожагонлар малакасини ҳосил қилишларига боғлиқ. Агар ўз юртларида бундай таълимни амалга оширувчи азизни топсалар, тарки сафар айлаб, «чидам хислатини» ҳосил қилмоғи, «хожагонларнинг нисбат малакасини қўлга киритиш»и мумкин,— дейилади.

4. **Хилват дар анжуман** — солик ташқи томондан халқ билан, қалбан Ҳақ билан бирга дегани.

Юқоридаги тўрт ақидага Абдулҳолиқ Ғиждувоний яна тўртта ақидани — талабни қўшади:

Ёдкард — бу тил ёки дил зикри бўлиб, «Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ»ни уч марта дилда айтиш, яъни зикр этиш.

Бозгашт. Ҳар хил фикрлардан халос бўлиш, ташқи оламдан ажралишга интилиш. Бунда калимаи тайибани неча марта айтса ҳам хаёлни бошқа нарсаларга бўлмасликдир. Бу—фикрни, диққатни бир жойга тўплашга ёрдам беради.

Нигоҳдашт ҳар хил фикрлардан халос бўлиш, хаёлни бошқа

---

[1] Биз ақидаларнинг шарҳини Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Алининг «Баҳоуддин Балогардон» китобига Маҳмудхон Маҳдум Ҳасанхон Махдум ўғлининг сўзбошисидан олдик. *Қаранг*: Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. Форсийдан таржима. Маҳмудхон Махдум Ҳасанхон Махдум ўғли. Тошкент, «Ёзувчи», 1993, 9—14- бетлар.

[2] **Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али.** Баҳоуддин Балогардон. Тошкент, «Ёзувчи», 1993, 12- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

нарсаларга бўлмаслик. Бунда хаёл қуввати ўз амалидан қолиш малакаси ҳосил бўлади.

Ёддашт. Аллоҳ билан доимо бирга эканлигидан завқ олишдир. Ёддашт ҳосил бўлганда Ҳақ муҳаббати кўнгилни қамраб олади, ҳузур бахш этади.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, ўз навбатида, қуйидаги уч талабни қўшади:

Вуқуфи замоний — солик ўз йўлида ҳар вақт, ҳар бир нафаси Аллоҳга шукроналик ва узр айтмоқдан воқиф бўлиши керак.

Вуқуфи ададий — бу талаб илоҳий илм мартабасининг бошланиши саналиб, «Ло илоҳа иллоллоҳ» калимасини такрорлашдан мақсад уни кўп айтиш эмас, балки ҳақиқатни англаш ва зикр тоқ сонни ташкил этишига эътибор бериш.

Вуқуфи қалбий — айтилган зикрдан қалбнинг тўлиқ огоҳ бўлиши.

Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг таълим-тарбияга оид ўгитлари ҳозирги даврда ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Улардан баъзиларини келтирамиз:

— Эй ўғил, сенга насиҳат қиламан:

Жамоат хизматида бўлгин, ҳадис, фиқҳ илмларини ўрган, жоҳил сўфийлардан ўзингни сақла, ҳаргиз шуҳратталаб бўлматинким, шуҳрат офатдур, мансабни кўзламагил, номинг тилларга кам олинсин, қабулгоҳиигга номингни ёзма, хонақони маскан қилмагил, ҳукмдорлар ва уларнинг кишилари бирла дўсту ҳамсуҳбат бўлма, оз сўзла, кам егил, кўп ухлама, ҳалол егил ва ҳаромдан сақлан, ҳамма кишиларга шафқат кўзи бирла боқ, ташқи кўринишингга оро бермаким, зоҳирга оро бериш ботиннинг (дилнинг, қалбнинг) хароблигидандир, кишидан ҳайр сўрамагил, кишини хизматга буюрма ва б.

Бу ўгитлар Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг тариқат сулукларига тўғри келади.

Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний 1220 йилда (баъзи манбаларда 1174 йил кўрсатилади) вафот этган.

Муҳаммад ибн Муҳаммад Фазл Бухорий — Баҳоуддин Нақшбанд 718 йил ҳижрий (1318 милодий) йилда Бухорога яқин Қўшки Ҳиндувон (Қасри Орифон) қишлоғида туғилади. Нақшбанд унинг лақаби бўлиб, ота касби — кимхоббофлик билан шуғулланганлиги учун берилган бўлса керак.

Муҳаммаднинг бобоси сўфийлар билан яқиндан муносабатда бўлганлиги учун ҳам, унда тасаввуфга қизиқиш болалигидан пайдо бўлади ва шу йўлда тарбият топади.

Баҳоуддин Муҳаммад тариқат сулукига оид илк сабоқларни Шайх Ҳожа Муҳаммад Бобойи Самосий ва Саййид Амир Кулолдан олади. Аммо Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийни ўзига устоз билиб, унинг йўлини қабул қилади.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги «Мақолот»ларда унинг Саййид Кулол билан бир қаторда, Ориф Деккироний, Кусам Шайх ва Халил оталардан ҳам тасаввуф таълимотидан сабоқ олганлиги қайд қилинган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Баҳоуддин Муҳаммад икки марта ҳаж қилади. Ҳаж сафаридан Бухорога қайтгач, бутун умрини шу ерда ўтказади. Амир Кулол васиятига кўра унинг халифаси бўлиб қолади. Баҳоуддин Нақшбанд 791/1389 йилда вафот этиб, Қасри Орифонда дафн этилади.

Унинг муридларидан энг машҳурлари Хожа Алоуддин Аттор ва Хожа Муҳаммад Порсодир.

Маълумотларга кўра, Баҳоуддин Нақшбанд «Ҳаётнома» номли ваъз ва панд-насиҳатларни ўз ичига олган битта шеърий тўплам ва «Далил ал-ошиқин» номли тасаввуфга оид китоб ёзган. Лекин булар ҳозиргача топилган эмас.

Баҳоуддин Нақшбанд Нақшбандия тариқатининг асосчисидир.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти у ҳаётлигидаёқ Мовароуннаҳрда фақат шаҳар ҳунармандлари орасидагина эмас, балки кўчманчи туркий қабилалар орасида ҳам кенг тарқалди.

Нақшбандия Исломдаги суннийликка асосланган бўлиб, унинг маънавий силсиласи бир томондан, Абу Бакр Сиддиққа (632—634), иккинчи томондан, Али ибн Абу Толибга бориб тақаладиган 12 тариқатнинг бири саналади. Бу силсила «Силсилат аззаҳаб» (олтин силсила) деб аталиб, тариқатни маънавий томондан Абу Бакр, жисмоний томондан Али ибн Абу Толиб орқали пайғамбар алайҳиссалом билан боғланишини билдиради (Хожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ).

Нақшбандия сулукининг бошқа сулуклардан фарқи нималардан иборат?

Аввало, Нақшбандия сулуки ҳалол меҳнат билан кун кечиришни тарғиб қилади. Унинг «Дил ба ёру даст ба кор» (дил ёрда, қўл ишда) шиори бунинг исботидир. Шунинг учун ҳам Нақшбандия сулукига кирган кишилар қўл меҳнати билан ҳаёт кечирар эдилар. Туну куи тоат-ибодат билан шуғулланиб, оила, жамият юмушларини тарк этиш эмас, балки оилани ва мамлакатни обод этиш учун меҳнат қилиш талаб этилар эди. Бу талаблар ҳадислардаги талабларга мос тушар эди. Зеро, Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзи ҳам оддий, пок инсон бўлиб, қўл кучи билан фақирона кун кечирар эди.

Нақшбандия тариқатининг бошқа сулуклардан яна бир фарқи шу эдики, бошқа сулукдагилар пир олдига йиғилиб, «зикри алония» билан, яъни овоз чиқариб зикр тушсалар, булар «зикри хуфия» билан шуғулланганлар. «Зикри алония»да Аллоҳ исмини ёки «ло илоҳа иллаллоҳ» калимасини овозлари борича оҳанг билан айтиб, рақсу самоъ қиладилар. Аҳмад Яссавий сулукидагилар зикрини «зикри арра» дейилар эди. Чунки зикр қилаётганларнинг овози арранинг ёғоч кесаётганлигидаги овозига ўхшар эди. «Мақомоти Нақшбандий»да келтирилишича, Жалолиддин Румий асос солган мавлавия сулукидагилар ҳам ана шу йўлни танлаган эдилар.

«Зикри хуфия»да эса муридлар бир жойга тўпланиши шарт

www.ziyouz.com kutubxonasi

эмас, ҳар ким ўз уйида тинч, осуда, шовқин-суронсиз, рақсу самоъсиз, Аллоҳ исмини, муқаддас сўзларни дилда айтиб, кундузлари ўз иши билан машғул бўлаверади. «Зикри хуфия»ни Ҳазрати Хожа юқорида эслатганимиздек, асли Абдулҳолиқ Ғиждувонийдан олган. Буюк сиймолар — Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийлар ҳам шу сулукда бўлганлар.

Учинчи фарқ шундан иборат эдики, Нақшбандия сулукидаги валийлар бемордан касалликни ўзларига тортиб, сўнг бу касалликни ўзларидан чиқариб ташлаганлар.

Тўртинчи фарқи, Нақшбандия сулукидаги авлиёлар бошқа баъзи авлиёлардек, кароматфурушликка йўл қўймаган. Ҳар бир муриднинг Аллоҳга етишиши ҳамда ваҳдат ҳосил қилиши учун маънавий ва руҳий покланиш мақсади йўлида у ҳар қандай бидъатга қарши курашган. Авлиёлик куч-қувватини эса фақат эзгуликларга: илм-маърифатни ривожлантиришга, халқни маънавий ва руҳий поклашда ҳар қандай зулм ва бидъатдан халос бўлишига сарфлаган. Ана шу эзгу ишлари билан бевосита обрў қозонган. Буни биз «Мақомоти Хожа Нақшбанд» китобида баён этилган воқеалардан, Ҳазрати Хожанинг ҳикоятларидан ҳам билсак бўлади. Масалан, Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд мусулмонликни шундай таъриф этади: «Мусулмонлик — бу иложи борича ҳукмларга бўйсуниш, тақвога риоя қилиш, амални бажаришга интилиш ва бекорликдан узоқ бўлиб, буларнинг ҳаммаси нури сафо ва раҳмат ҳамда валоят даражасига етишиш воситасидир. Авлиёларнинг азиз манзили ва мақомларига мана шу сифат парвариши орқали етилади».[1] Бу фикрни тўлдириб, ўз тариқати мақсадини Ҳазрати Хожа яна шундай баён этади: «Бизнинг тариқамиз жаҳрия зикри-ю, рақс эмас, бизнинг тариқамиз, анжуманда хилват (хилват дар анжуман), ватанда сафар (сафар дар ватан)дир. Хилватда шуҳрат бор, шуҳрат эса офатдир. Жамъиятда хайрият бўлади, жамъият эса суҳбатда бўлади. Агар бу йўл толибларидан бир гуруҳи бир-бировлари билан ҳамсуҳбат бўлсалар, бу суҳбатда хайру барака кўп бўлади. Умид борки, бу ишга доимо амал қилинса, охири ҳақиқий иймон билан якунланади».[2]

Демак, Нақшбанд инсон баркамол бўлиши учун, аввало, иймонли бўлиши зарур, дейди.

Маълумки, тариқат йўли одобдан иборат, ҳар бир мақомнинг ўз одоби бўлганидек, Нақшбандия тариқатининг ҳам ўз хулқ-одоб талаблари бор. «Кимки ана шу одобни ушласа, уни балоғат аҳлининг балоғатига етказади. Адаб бу — хулқни чиройли қилиш, сўзни ва феълни соз қилишдир. Хизмат одоби улуғ бахтдан яхшироқ, унинг белгиси — амалнинг қабули, туғён эса амал-

---

[1] **Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али.** Баҳоуддин Балогардон. Т., «Ёзувчи», 1993, 75-бет.

[2] Уша китоб, 78-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг бузуқлигидир. Адабни сақлаш — муҳаббат самараси, яна муҳаббат дарахти, яна муҳаббат уруғи ҳамдир».[1]

Бу ҳикматлардан кўриниб турибдики, Нақшбандия тариқати одоб-ахлоқ тариқати, чунки бу тариқат айнан инсоннинг маънавнй-ахлоқий камолга етишиши учун қай даражада хулқ-одоб талабларига жавоб бериш, уни эгаллаб олишига боғлиқдир. Буни биз Ҳазрат Баҳоуддиннинг маънавий қиёфасидан ҳам билсак бўлади. «Мақолот»да шундай дейилади: «Уларнинг яхши хулқ ва тавозеларининг чегарасн йўқ эди. Уларнинг ахлоқларидан бир шингили шуки, агар улар бирор дўст ёки дарвешнинг уйига бориб қолсалар, уларнинг барча фарзандлари ва яқинларининг ҳамда хизматкорларининг аҳволини сўрар ва ҳар бирининг кўнглини бир йўл билан топар эдилар. Дўст ҳамсоялар ва дарвеш ошинолардан ҳамиша рози ва хушнуд бўлардилар. Уларнинг бу лутфи ҳар бир кишига тўғри йўл учун далолат қилувчи эди».[2]

Нақшбандия тариқати асосида ҳар бир инсоннинг ҳалол, нок бўлиши, ўз меҳнати билан ҳаёт кечириши кераклиги, сабр-қаноатли бўлиши, камтар, самимий бўлиши, иймон ва эътиқодини мустаҳкам тутиши, дилда худони жо этиб, амалда халқ билан бирга бўлиш каби олижаноб хислатларни таркиб топтириш ётади. Бу хислатларни эгаллаб бориш жараёнида инсон поклана боради ва руҳан Аллоҳга етишишга ўзини тайёрлайди.

Нақшбандия тариқати кишиларда меҳр-оқибат, самимийлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ростгўйлик, сабр-қаноатнинг таркиб топишига йўллар экан, уларда ёмон иллатлар: ҳаром ишлардан сақланиш, яъни ўғрилик, нопоклик, хасислик, ёлғончилик, фирибгарлик, таъмагирлик, бойликка ҳирс қўйиш кабиларни қоралайди. Буни биз Ҳазрати Хожанинг ўз айтганларидан ҳам билсак бўлади:

«Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса қоронғида бўл, «Ҳою ҳавас ва нафс аҳллари тутган ишлар асосининг барчаси залолат (адашув)дан иборатдир. Ишларда ниятни тўғри қилиш энг муҳим нарсадир», «Киши ўзининг нафсига туҳмат қилиши керак. Қимки Ҳақ Субҳонаҳу иноятн билан ўз нафсининг ёмонлигини таниган, унинг ҳийла-найрангини англаган бўлса, бундай қилиш унга осон бўлади. Бу йўлдан юрувчиларда ўзгаларнинг гуноҳини ҳам ўзларидан деб билиш ҳоллари кўп бўлади».[3]

Бу ҳикматлар билан бир қаторда, комил инсонни тарбиялаш услублари ҳам баён этилган: «Суҳбатимизга етишадиган гуруҳлардан баъзилари шундайки, уларнинг кўнгилларида муҳаббат уруғи бор, аммо халақит берувчи хасу хашаклар туфайли ўсол-

---

[1] **Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али.** Баҳоуддин Балогардон. Т., «Ёзувчи», 1993, 81- бет.

[2] Ўша китоб, 56—57- бетлар.

[3] **Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али.** Баҳоуддин Балогардон. Т., «Ёзувчи», 1993, 75—95- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

майди, бизга эса уни поклаш лозим. Баъзиларида муҳаббат уруғи йўқ, бизга эса уни пайдо қилиш лозим»;

«Муршид толибнинг ўтган, ҳозирги ва келажак каби уч ҳолидан бохабар бўлиши керак, шундагина уни тарбия қила олади»;

«Толиб амал қилиши зарур бўлган шартлардан бири шуки, у Ҳақ Таоло дўстларидан бўлган бир дўст билан ҳамсуҳбат бўлиб, ўз ҳолидан воқиф бўлиши зарур. Суҳбат замонини ўзининг ўтмиш замони билан солиштириб кўрсин, нуқсондан камол сари кетаётганини ўзида мушоҳада қилса, бу азизнинг суҳбатида мулозаматда бўлишни ўзи учун фарзи айн ҳисобласин»[1].

Хулоса қилиб айтганда, Нақшбандия тариқати икки муҳим тариқат: Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳамда Аҳмад Яссавийларнинг йўлини бирлаштирди ва ҳаётга мослаштирди.

Нақшбандия сулуки (худога яқинлашиш йўли) ўн битта ахлоқий қоидани ишлаб чиқди ва амалиётга татбиқ этди.

Сўфийнинг покланиш ва худога етишиш даражаси маънавий мураббий—шайх, муршид ёки пир томонидан амалга оширилади.

Ва ниҳоят, муршид билан мурид ўртасидаги маънавий-руҳий алоқа, сўнг маънавий қўшилиб кетиш муриднинг камолотга етишганлигини кўрсатади ва муршид муридга ўз ҳирқасини ечиб беради. Бу йўл муроқаба, мушоҳада, мусоҳаба каби уч босқичдан иборат бўлади. Нақшбандия сулукига кирган инсон ўзини ҳам руҳан, ҳам жисмонан чиниқтириши, маънавий поклаши ва қалбга сайқал бериши лозим.

Нақшбандиянинг асосий йўли Ҳаққа етишга интилиш, хуфия зикр қилиш бўлиб, баъзи расм-русмларни рад этади. Масалан, қирқ кун рўза тутиш, дарбадарлик, қашшоқлик, мусиқа чалиб, ашула ва рақс тушиб, зикр тушиш (самоъ) ва овоз чиқариб (жаҳр) зикр қилиш ва бошқалар. Азиз-авлиёларга, уларнинг мозорларига сиғинишни ман этиб, ҳар қандай мададни фақат Аллоҳдан сўраш кераклиги таъкидланади. Руҳан покланиб, манманлик, кибру ҳаводан воз кечиб, оддий ўз меҳнати билан кун кечиришга даъват этади.

Демак, Нақшбандия тариқатининг асосини инсоннинг ҳам руҳан, ҳам жисмонан покланиши ташкил этиб, бу жараён ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ҳозирги даврда ёш авлодни етук инсон этиб тарбиялашда унинг ахлоқий тизими йўллари ва усуллари қўл келади. Зеро, ақлий, ахлоқий, жисмоний камол топган шахсни шакллантиришнинг ҳам руҳий, ҳам маънавий тарбия силсиласи бунинг яққол далилидир.

Демак, ҳақиқий сўфийлик таркидунёчилик ғоясини илгари сурмайди, у инсонни маънавий покланишга йўллайди. Лекин баъзи жоҳил ва нодон кишилар (ҳатто дин пешволари ҳам) инсоннинг руҳан худо билан бирлашиши, «Анал ҳақ»ликни, яъни «Мен худоман» деб ифодалашнинг моҳиятини тушунмас-

[1] **Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али.** Баҳоуддин Балогардон. Т., «Ёзувчи», 1993, 79- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан, уларни таъқиб этди. Аслини олганда, сўфийлик — бу мурувват, саховат, меҳнат, қаноат, диёнатдир. Улар инсон хулқидаги барча иллатлар билан курашувчилардир. Сўфийлар ҳаётни ана шу разилликлардан тозалашда ҳар бир инсоннинг ўзини маънавий жиҳатдан поклаши учун курашувчилардир.

Демак, Ислом Ер юзида энг кенг тарқалган динлардан бўлиб, у мусулмон маданиятининг таркиб тонишида муҳим роль ўйнади. Унинг муқаддас китоби «Қуръон»нинг хулқ, одоб, турмуш тарзига оид таълимоти мусулмонлар ахлоқий тарбиясининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди. Барча мусулмон мамлакатларида «Қуръон»нинг шарҳловчилари томонидан шариат қонун-қоидалари, ахлоқий талабларини тарғиб этилиши кейинчалик мусулмон адабиётида ахлоқий-дидактик мазмундаги асарларнинг пайдо бўлишига туртки бўлди.

Ислом барча мусулмон мамлакатлари каби Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳам асосий дин ҳисобланади. Шунинг учун халқ ҳаётида хулқ-одоб қоидалари ва анъаналарининг шаклланиши ҳамда мустаҳкамланиб қолишида муҳим роль ўйнади ва ҳаётий дастур сифатида сақланиб қолди.

ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИ ВА УНДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

Араб халифалигида юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, ягона ислом динининг таркиб топиши маданий, маънавий ҳаётга ҳам таъсир этди. Унда катта кўтаринкилик руҳини пайдо қилди.

Бу кўтаринкилик бутун Араб халифалигини, Яқин ва Ўрта Шарқни қамраб олганлиги учун Шарқ Уйғониш даври деб аталди. Бу жараён IX асрдан бошланиб, XV—XVI асрларгача давом этди.

Араб халифалигида IX асрда вужудга келган Уйғониш даври халифаликнинг Бағдод, Дамашқ, Халаб шаҳарларида бошланиб, барча бошқа халқлар маданий ҳаётига тарқалган, бу эса у давлатларнинг ҳам маданий ривожланишига замин тайёрлаган. Халифалик емирилиши натижасида ташкил топган мустақил давлатлардаги маданий ривожланиш халифалик давридаги маданий ривожланишнинг давоми бўлди.

Халифа Хорун ар-Рашид (786—833) ва унинг ўғли Маъмун даврида Бағдодда «Байтул ҳикма» (Донишмандлик уйи) (ҳозир Академия маъносида) ташкил этилади. Мазкур Академия барча илм соҳиблари тўпланган марказга айланади. Унинг қошида жаҳон кутубхонаси ташкил этилган, расадхона ҳам бўлган, кейинчалик янги кутубхона қурилган. Бағдоддаги мазкур илм маркази, ўз навбатида Шарқ ва Ғарбда илм-фаннинг тараққий этишига, маънавий ҳаётнинг юксалишига таъсир этган. Бу ўринда халифа ал-Маъмуннинг илм-фан равнақида кўрсатган ҳомийлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зеро, халифа ал-Маъмун илм-фанни жуда қадрлаган. У IX аср бошларида халифаликнинг Хуросондаги ноиби бўлган вақтида ҳам Мовароуннаҳр ва Хуросондаги олимларни тўплаб, уларнинг илмий ижодига шароит яратиб берган. Булар орасида ал-Хоразмий, ал-Хутталий, ал-Жавҳарий, ал-Фарғоний, ал-Марвазий каби ватандош олимларимиз ҳам бўлган. Ал-Маъмун халифалик тахтига ўтирган, у олимларнинг барчасини Бағдодга чақириб олади.

Шунингдек, қадимги яратилган маданий ёдгорликлар, улар хоҳ юнон, хоҳ араб, хоҳ Мовароуннаҳр ва Хуросон халқининг энг қадимги антик даврлар маданияти бўлсин, Уйғониш даври маданиятининг яратилиши ва ривожланишига асос бўлиб хизмат қилди.

Агар араблар Ўрта Осиёни босиб олиб, бу ерда илгари мавжуд бўлган фан ва маданият ўчоқларини йўқотган бўлсалар, кўп ўтмай, қадимий илмий анъана аста-секин тикланиб, натижада илм-фаннинг етук сиймолари етишиб чиқа бошлайди. Буларнинг барчасининг бир-бирига қўшилуви натижасида Шарқда бир бутун маданият таркиб топади ва ривожлана бошлайди.

Яқин ва Ўрта Шарқда, жумладан Эрон, Қавказ орти ва Ўрта Осиёда савдо алоқаларининг ривожланганлиги, ҳунармандчиликнинг тараққий этиши, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг барчаси умумий ривожланишга таъсир этди. М. Хайруллаев таъкидлаганидек, «Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги маданий юксалишга олиб келган асосий сабаб феодал муносабатлар янги босқичи бўлди. Бу давр маданий тараққиётида араб халифалигига бўйсунган мамлакатларнинг хўжалик-иқтисодий алоқаларининг кучайиши ва бунинг оқибатида турли маданиятлар — ҳинд, Ўрта Осиё, Эрон, араб, юнон, рим маданиятларининг яқиндан ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсир этиб боришн катта роль ўйнади»[1].

Бу даврда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер майдонлари кенгайди, кўплаб суғориш иншоотлари тикланди ва янгилари қурилди, пахта, зиғир, каноп экилиб, улар толасидан мато тўқилган. Мовароуннаҳрда хусусан, Урганч, Фарғона, Самарқанд ва Бухоро тўқимачилик маҳсулотлари, айниқса Самарқанд ва Бухоро шойиси дунёга машҳур бўлган.

Қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши савдонинг ривожланишига йўл очди. Натижада Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг чет давлатлар: Испания, Ҳиндистон, Хитой, Византия билан савдо ишлари кўлами ортиб борди.

Таниқли олима Ф. Сулаймонова Шарқ мамлакатларининг Испанияга ва у орқали Оврупога таъсири ҳақида гапирар экан, «Пиреней ярим оролининг араблар томонидан босиб олиниши инсоният тарихида янги саҳифа очди. Македониялик Александр

[1] **Хайруллаев М.** Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Тошкент, «Ўзбекистон», 1971, 43- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

орзу қилган Шарқ ва Ғарбнинг ҳаётида янги давр бошланди. Бу жараённинг айниқса, Оврупо учун аҳамияти беқиёс бўлди. Шарқ фақатгина Оврупо маданиятининг ривожига таъсир этибгина қолмай, балки умуман, овруполик одамнинг исихологияси, тафаккури, характери, ҳаёт тарзини, тарихнй жараённи тубдан ўзгартириб юборди»[1],— дейди ва математика, фалсафа, астрономия, табииёт, хулқ-одоб, турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига қай даражада таъсир этганлигига ишонарли далиллар келтиради.

√X асрдан бошлаб Мовароуннаҳр ва Хуросонда мустақил феодал давлатлар — Тоҳирийлар, Сомонийлар Қорахонийлар, Ғазиавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар давлатларининг пайдо бўлиши ҳам маданий ҳаётнинг янада равнақ топишига олиб келди.√

Бу даврда пул муомаласи ривожланди. Жамият сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар, албатта маданий ҳаётга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Сомонийлар давлатида Марв, Бухоро, Самарқанд ва Урганч ўша даврнинг маданий марказларидан саналарди.

Бу даврда араб тили илмий ва алоқа тили эди. Мактабларда дарслар араб тилида олиб борилар эди. Расмий ҳужжатлар, шариат қоидалари араб тилида юритилар эди. Илмий асарлар ҳам араб тилида ёзилар эди. X аср ўрталарига келиб, форс-тожик тилида ҳам иш юритила бошланди, аммо ёзиладиган ҳужжатлар, ишлар форс-тожик тилида бўлса ҳам, араб имлосида ёзилар эди.

Ўша даврда Бухорода катта китоб бозори бўлган, китоб дўконларида олим ва фозил кишилар учрашиб, илмий баҳс, мунозаралар ўтказганлар.

Абу Али ибн Сино китоб дўконларидан бирида Форобийнинг Аристотель «Метафизика» сига ёзган шарҳларини сотиб олганлигини таржимаи ҳолида ҳикоя қилади. Бухоро амири саройида эса йирик кутубхона мавжуд бўлган, бу кутубхонани ўша даврдаги Шероз кутубхонаси билан беллаша оладиган ягона кутубхона сифатида тан олганлар.

Сомонийлар даврида Рўдакий, Фирдавсий, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синолар яшаб ижод этганлар.

X асрнинг иккинчи ярмида ташкил топган Қорахонийлар давлатида ҳам баъзи хонлар ўз саройларида кутубхоналар ташкил этдилар. Бу кутубхоналарда араб ва ҳатто Ғарбий Европа олимларининг асарлари ҳам мавжуд эди. Бу даврда туркий тил шаклланиб борди. Юсуф хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий каби олимлар ўзларининг жаҳон аҳамиятига эга бўлган асарларини яратдилар.

XI аср бошида Ғазнавийлар давлати, кейинроқ салжуқийлар,

---

[1] **Сулаймонова Ф.** Шарқ маданияти Испанияда ва унинг Оврупога таъсири. «Ўзбекистон овози». 1994 19 январь.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хоразмшоҳлар давлати ташкил топди. Ғазнавийлар даврида ҳам илмий, ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожланди. Маҳмуд Ғазнавий ўз саройига жуда катта маданий бойликларни тўплайди, олимларни илмий ишга жалб этади. Жумладан, Абу Райҳон Беруний ҳам Маҳмуд саройида яшаб, машҳур «Ҳиндистон» асарини шу ерда яратган.

XI асрда Хоразмда илм-фан айниқса тараққий этади. Хоразм шоҳи Маъмун ўз саройига энг забардаст олимларни таклиф этади. У ташкил этган «Байтул ҳикма»—«Донишмандлик уйи»да қомусий олимлар — Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, тарихчи Мискавайх, риёзиётчи Абу Наср ибн Ироқ, файласуф Абу Саҳл ал-Масиҳий, табиб Абдулҳайр Ҳаммор каби олимлар илмий ижод билан шуғулланганлар, лекин тожу тахт учун кураш натижасида бу илм даргоҳи ўз фаолиятини тўхтатади.

Салжуқийлардан Алп Арслон Муҳаммад ҳокимиятни бошқарган даврда унинг вазири Низом ул-Мулк ўз даврининг машҳур сиёсий арбоби ва маърифатпарвар инсон сифатида довруқ қозонди. Унинг тўлиқ исми Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ибн Исҳоқ ат-Тусий бўлиб, Низом ул-Мулк унинг фахрли тахаллусидир. Низом ул-Мулк 1018 йил (баъзи манбаларда 1019 ёки 1020 кўрсатилади). Туснинг Машҳадга яқин Радекан деган жойида туғилган. Низом ул-Мулкнинг отаси Ғазнавийлар хизматида бўлган, лекин Абу Али балоғатга етгандан сўнг Салжуқийлар хизматига ўтиб, Чағри бек ҳузурида дабирлик қилган (хат ташувчи чопар). 1053/54 йилда Абу Али вазир этиб тайинланади ҳамда «Низом ул-Мулк» тахаллусини олади. Келажакда бу ном бутун дунёга маърифат, одиллик, ақл-идрок тимсоли сифатида танилади.

У Ғазнавийлар иш услубига бир оз ўзгаришлар киритиб, ҳокимиятни бошқаришнинг ўз услубини ишлаб чиқади ва уни ўзининг «Сиёсатнома» асарида (1091—1092) баён этади.

Низом ул-Мулкнинг маорифни ривожлантиришдаги хизматлари беқиёс. У 1067 йилда Бағдодда ўзининг шахсий жамғармасига ўша даврнинг энг машҳур ўқув юрти — «Низомийя» мадрасасини қурдиради. У олимлар, дин пешволари, сўфийларга катта эътибор бериб, уларга ҳомийлик қилади.

Унинг катта хизматларидан яна бири тақвимни ислоҳ қилиш бўлди. У 1074 й. Ўрта Шарқ мамлакатлари учун календарь-тақвим тузадики, бу тақвим ҳозиргача энг такомиллашган тақвимлардан ҳисобланади.

Низом ул-Мулк 1092 йилда мухолифлар туфайли ўз вазифасидан кетишга мажбур бўлади ва 14 октябрда номаълум шахс томонидан ўлдирилади.

Шарқ «Уйғониш даври» да илм-фан ривожланиши уч йўналишда бўлди.

Биринчи йўналиш — математика-табиият йўналиши бўлиб, буларга математика, астрономия, кимё, геодезия, минералогия, тиббиёт, фармакология ва бошқа шуларга турдош фанлар киритилиб, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғонийлар матема-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тикага оид, Закариё ар-Розий кимё ва тиббиётга оид, ибн Сино, Журжоний тиббиёт ва фалсафа, Абу Райҳон Беруний тиббиётга оид йирик асарлар яратдилар.

Иккинчи йўналиш — ижтимоий-фалсафий йўналиш бўлиб, бунда фалсафа, тарих, мантиқ, фиқҳ, руҳшунослик, нотиқлик ва бошқа фанлар бўлиб, бу соҳада Форобий, ал-Киндий, ибн Сино, Заҳириддин Байҳақий, Муҳаммад Наршахий ва бошқалар фаолият кўрсатганлар.

Биз юқорида зикр этган олимлар қомусий олимлар бўлиб, улар ўз соҳаларида иш олиб бориш билан бир қаторда бошқа бир қанча фанларга доир ҳам тадқиқотлар олиб борганлар.

Учинчи йўналиш — таълимий-ахлоқий йўналиш бўлиб, бу соҳада қомусий олимлар ўз қарашларини ижтимоий-фалсафий ва илмий асарлари таркибида ёки ахлоқий асарларида баён этсалар, адиб ва тарбияшунос олимлар таълимий-дидактик асарларида ифодалаганлар. Маълумки, Шарқ Уйғониш даврида инсон муаммоси маънавият соҳасидаги асосий масала бўлган. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия масалаларига катта эътибор берилган, яратилган асарларда Шарққа хос бўлган инсоннинг ахлоқий-руҳий камолотини улуғлаш етакчи ўрин тутган.

Инсонпарварлик ғоясини амалга оширишнинг асосий воситалари сифатида юксак ахлоқий одатлар, инсоний муносабатлар ва хислатларни таркиб топтиришга олиб келувчи таълим-тарбияни амалга ошириш муҳим масала қилиб қўйилган. Зеро, инсонийлик ғоясида юксак ахлоқий хислатлар ифодалангани учун ҳам Шарқ Уйғониш даври фалсафаси ва педагогикасида таълимий-ахлоқий йўналиш муҳим аҳамият касб этди. Ахлоқ масаласи файласуфларнинг, буюк мутафаккирларнинг, ҳам тарихчи-ю, шоир ва адибларнинг ҳам бирдек диққат марказида бўлди. Таълимий-ахлоқий рисолалар пайдо бўлиб, ахлоқнинг ҳам назарий, ҳам амалий масалалари таҳлил этилди. «Фозил одамлар шаҳри», «Бахт саодатга эришув ҳақида», «Ахлоқ ҳақида рисола», «Ишқ рисоласи», «Қутадғу билиг», «Ахлоқи Носирий», «Ахлоқи Жалолий», «Ахлоқи Муҳсиний», «Ҳибатул-ҳақойиқ», «Қобуснома», «Гулистон», «Бўстон», «Маҳбуб ул-қулуб» каби Форобий, ибн Сино, Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Тусий, Давоний, Кошифий, Қайковус, Саъдий, Жомий, Алишер Навоийларнинг таълимий-ахлоқий асарлари инсон шахсини маънавий-ахлоқий шакллантириш муаммосини ҳал этишда соф педагогик асарлар сифатида муҳим аҳамиятга эга. Мазкур таълимий-ахлоқий асарларда инсоннинг маънавий камолга етиши юксак хулқ-одоб, илм-фанни эгаллаш асосидагина амалга ошиши мумкин, деган ғоя илгари сурилди. Илмий билимга асосланувчи метод шаклланди, натижада ақлий тарбия олимлар диққат марказида бўлди: Хоразмий, Форобийлар бу методни асослаб беришган буюк мутафаккирлар эди. Булар билан бир қаторда ўша даврда яратилган барча таълимий-ахлоқий рисолаларда ҳам ақлий тарбияда зеҳнни тарбиялаш, ақлий камолот йўллари, билимларнинг асл моҳиятини ёритишга ҳаракат қилдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лекин, биз шу пайтгача таянган материалистик таълимотга асосан олимлар юксак инсоний ахлоқ ҳақидаги ғояларни ислом-нинг ахлоқий догматикасига қарши ишлаб чиқилган, ўз фикрини мантиқий, изчил, асосли ифодалашга асосланган рационалистик таълимот ҳам ислом фалсафаси — каломнинг ҳиссий билишни ва ақлий билишдан иборат таълимотини — сеҳрли билиш ҳақи-даги таълимотига қарши шаклланган, деб таълим бердилар. Аслини олганда эса, Шарқ Уйғониш даври таълимий-ахлоқий қа-рашларининг асоси Исломнинг умуминсоний ва ўзига хос ҳақ-ҳуқуқларига, талаб ва тамойилларига борлиб тақалади.

Зеро, барча мутафаккирларимизнинг таълим-тарбияга оид қарашларининг асоси ҳам Қуръон ва Ҳадис таълимотига асос-ланади. Чунки биз назарда тутаётган даврдан бошлаб савод ўр-гатиш Қуръон ва ҳадисларни ўрганиш ва улардаги кўрсатма-ларни ўзлаштириш билан бирга олиб борилган. Шунга кўра, Қуръон ва Ҳадислардаги панд-насиҳатлар ҳам олимлар, ҳам адиблар ижодига таъсир этган. Ҳадисларда умуминсоний фази-латларга алоҳида урғу берилган. Уларда илгари сурилган му-сулмонларнинг муҳим хислатлари: ҳалоллик, поклик, саховат, ҳиммат, меҳр-оқибат, эҳсон, шарм-ҳаё, илм излаш, муомала қои-далари, ахлоқ мезонлари ва бошқалар ўз ифодасини топган ва Шарқ адабиётига, жумладан таълимий-ахлоқий асарларга таъ-сир этди. Ҳадислар таъсири Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу би-лиг» асаридан бошланиб, Кайковуснинг «Қобуснома», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ», Саъдийнинг «Гулистон», Жо-мийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» ва бошқа асарлар иегизида кўринади. Ҳам ғоя, ҳам мазмун, ҳам шакл бунинг далилидир.

Масалан, Қуръонда ҳам, Ҳадисларда ҳам, таълимий-ахлоқий достонларда ҳам илм таърифи билан бирга хулқ-одоб қоидала-ри, турмуш одоби ёритилади.

Мазкур таълимот мутафаккирларимиз ижодида илмий тал-қин этилади. Хусусан, ал-Форобийнинг ижтимоий-фалсафий қа-рашларида илгари сурилган таълимий-ахлоқий фикрлари ҳам аввало Қуръон оятларининг илмий талқинидир. Чунки, Форо-бий илм йўли билан Аллоҳни таниган. Зеро, Қуръонда ҳам, Ҳа-дисда ҳам ҳақиқий илм толиби мусулмон ҳисобланиши таъкид-ланади.

Мутафаккирларнинг ўз ишларида ўқитиш ва таълим-тарбия-га эътибори натижасида, педагогика ва дидактика масалала-рига қизиқиш орта борди. Аниқ фанларни ўқитишнинг услуби ма-саларига айниқса эътибор кучайди. Педагогика соҳасида инсон ва уни камолга етказиш билан боғлиқ муаммо асосий ўринни эгаллади.

Мутафаккирлар таълим-тарбияга оид фикрларида инсон ка-молоти муаммосини бахт-саодатга эришиш учун шароит яратиш, деган ғояни илгари суриш билан боғлаб талқин этдилар. «Форо-бий, Низомий, Жомий, Навоий асарларида олий ахлоқ, маъри-фатга, маънавий эркинликка эришув бахт-саодат, деб талқин

www.ziyouz.com kutubxonasi

этилди ва бу бахт-саодат адолатли, зулмдан холи, идеал етук жамоа ва идеал раҳбар, ҳоким билан боғлиқ ҳолда тасаввур этилди. Етук жамоа ҳақидаги инсонларнинг барчасини бахт-саодатга эриштирувчи идеал тузум ҳақидаги утопия Шарқ Уйғониш даври социал-этик фикри тараққиётининг энг катта ютуқларидан бири бўлди»,— дейди форобийшунос олим М. Хайруллаев.

Шарқ Уйғониш даври таълимий-дидактик асарларида инсон шахсининг камол топиши йўллари, усуллари баён этилди. Ҳақиқий юксак ахлоқли инсон хислатлари ҳақида фикр юритилганда биринчи ўринда адолатпарварлик тояси ётади. Масалан, адолатли ҳукмдор ҳақида сўз юритилар экан, агар ҳукмдор адолатли бўлса, унинг қўл остидаги фуқаролар ҳам бахт-саодатли ҳаёт кечиради, дейилади.

Уйғонниш даври педагогикасида касб-ҳунар ўрганиш илм ўрганиш билан баб-баравар талаб этилади. Ҳар бир ёш йигит, у қайси табақа фарзанди бўлмасин, касб-ҳунар ўрганиши зарурлиги алоҳида таъкидланади. Ҳар бир ҳунарманд меҳнат маданиятини, ўз касбига эътиқод ва ҳурматни таркиб топтириш, тежамкорликка риоя этиш, ўз ишини сифатли бажаришга йўлланган.

Бундан ташқари, инсонни камолотга етказувчи ахлоқий хислатлар сифатида дўстлик, садоқат ва вафо, севги ва муҳаббат, ватанпарварлик, самимийлик, саховат, мурувват, эркинлик, иродалилик, жасурлик кабилар илгари сурилади. Салбий хислатлар сифатида рашк, риёкорлик, худбинлик, очкўзлик, ҳирс, сотқинлик кабилар қораланади.

Хулоса қилиб айтганда, ислом динининг ёйилиши, марказлашган Араб халифалигида илм-фан тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий юксалиш Мовароуннаҳр ва Хуросонда IX асрларга келиб маънавий кўтарилиш —«Шарқ Ренесанси»— Уйғониш даврини бошлаб берди.

Бутун Шарқда бўлгани каби Мовароуннаҳрда ҳам илм-фан ва маърифат соҳасида ўз хизматлари билан дунёга машҳур бўлган файласуф ва мунажжим, математика, физика, тиббиёт, тарих, тил ва адабиёт, педагогика соҳасида илмий мероси билан ном қолдирган ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби қомусий олимлар етишиб чиқди.

Улар ўз илмий ишларида ахлоқ-одоб масалаларига ҳам катта эътибор бердилар. Буларда илгари сурилган ғоялар инсоннинг ҳам ақлий, ҳам ахлоқий жиҳатдан камол топишида, педагогик фикр тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлди.

Шунингдек, Шарқ Уйғониш даврида соф педагогик асарлар яратиб, таълим ва тарбияда инсон етуклигининг хусусий ва умумий йўллари ҳақида ўлмас таълимоти билан ном қолдирган тарбиячунос олимлар ҳам майдонга келди.

Демак, биз Шарқ Уйғониш даври таълим-тарбия муаммоларини таҳлил этар эканмиз, уни икки йўналишда — қомусий олим-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар ижодий меросида таълим-тарбия муаммоси ва соф таълимий-ахлоқий асарларда комил инсонни тарбиялаш муаммоларининг ҳал этилиши орқали ифодаланганини кўрамиз.

МУҲАММАД ИБН МУСО АЛ-ХОРАЗМИЙ
(783—850)

Жаҳон илм-маърифатининг буюк намояндаси Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий тахминан 783 йилда Хоразмда дунёга келиб, 847—850 йиллар оралиғида Бағдодда вафот этган.

Хоразмий туғилиб вояга етаётган даврда Мовароуннаҳр йирик маданий ва савдо марказларидан бири эди.

Олимнинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ал-Мажусийдир. «Абу Абдуллоҳ Муҳаммад» исломга ўтганларга бериладиган анъанавий исм бўлган. Хоразмийнинг авлодлари мажусий коҳинларидан, яъни «Муғлар»дан бўлиб, исломни отаси қабул қилган бўлиши керак. Илмий адабиётларида ёзилишига кўра Хоразмий бошланғич маълумотни ўз уйида олган, чунки унинг отаси қадимий диний урф-одатларни, ерли халқ ёзувини билган ва диний ҳамда дунёвий билимлардан хабардор бўлган. Шу туфайли ал-Хоразмий болалигиданоқ бу илмий манбалардан ўрганиш имкониятига эга бўлган. Муҳаммад Хоразмий математика билан жуда берилиб шуғулланган, бу соҳага оид барча асарларни қунт билан ўрганган. Араб, форс, ҳинд, юнон тилларини ҳам ўрганиб, бу тилда яратилган асарларни ҳам ўқий оладиган бўлади. Лекин Хоразмийнинг ватанидан четда яшаганлигини турлича шарҳлашади. Чуноичи отаси мажусий коҳинлардан бўлганлиги учун ҳам араб мутаассиблари уни таъқиб қилганлиги сабабли у Хоразмни ташлаб кетишга мажбур бўлган, деган фикрлар ҳам мавжуд.

Хоразмийшунос олим А. Аҳмедов халифа Хорун ар-Рашиднинг ўғли Маъмун ар-Рашид Марвда халифа ноиби бўлиб турганда саройида жуда кўп олимларни тўплагани, сўнг халифа бўлиб кўтарилгач, уларни ҳам Бағдодга олиб кетганини таъкидлайди[1].

Биз А. Аҳмедовнинг фикрига қўшилган ҳолда яна қуйидагиларни ҳам баён этмоқчимиз.

Бунинг сабаблари — биринчидан, ўша даврда барча илмга интилган олимлар маълум фанларни эгаллаб олгандан сўнг илм-фан марказларига сафар қилганлар ва у ерда етук олимлар билан мулоқотда бўлиб, турли фанлар бўйича баҳс-мунозара юритганлар махсус тайёргарликдан ва синовлардан ўтганлар, ўзларини фан оламида синаб кўрганлар. Иккинчидан, халифаликда илм маркази саналган Дамашқ ва Бағдодда илм-фаннинг тараққий этганлиги ва шахсан халифаларнинг илм-фан тараққиётига ҳомийлик қилганлиги ҳам олимларни жалб этган.

---

[1] **Аҳмедов А.** Хоразмий ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар. Ал-Хоразмий Муҳаммад ибн Мусо. «Танланган асарлар»га сўзбоши. Тошкент, «ФАН», 1983, 8- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чунки Хорун ар-Рашид ва унинг ўғли ал-Маъмун халифалик қилган даврларда Яқин ва Ўрта Шарқда илм-маърифат ривож топган эди. Бағдоддаги бу маърифат маркази кўплаб Шарқ мутафаккирлари илмий иш олиб бораётган «Байтул ҳикма» (Донишмандлик уйи) деб аталган. Фанлар академиясига тенглашадиган бу илм марказига халифа Маъмун ҳомийлик қилган ва Хоразмийни ҳам бу ерга таклиф этган. 813—833 йилларда Хоразмий ана шу «Академия»да фаолият кўрсатган. Мазкур «Академия»да Аҳмад ибн Муҳаммад Фарғоний, Аҳмад ибн Абдулла Марвазий, унинг ўғли Абу Жаъфар, Аббос ибн Саид Жавҳарий каби олимлар Хоразмий билан ҳамкорликда илмий ишлар олиб борганлар.

«Байтул Ҳикма»да математика, геодезия, география, фалакиёт ва бошқа соҳалар бўйича тадқиқотлар олиб борилади ва ал-Хоразмий мактаби яратилади. Олимнинг, айниқса, математикага оид илмий мероси жаҳон аҳамиятига эга бўлди.

Халифа ал-Маъмун ҳатто Муҳаммад ал-Хоразмий бошчилигида Ҳиндистон ва Рум (Византия), Хазария (Волганинг қуйи оқимидаги ўлка)га бир неча марта илмий сафарлар уюштиради.

Олим инсоннинг камолга етиши ва инсоний муносабатларда илм-фаннинг муҳимлиги ғоясини илгари сурган ҳолда педагогик фикр тараққиётида ҳам муносиб ўрин эгаллайди. Хоразмий математика, география, геодезия, фалакиёт соҳаларида йирик тадқиқотлар олиб борган. Лекин у математика соҳасида янгилик яратган назариётчи ҳамда педагог-услубиятчи олим сифатида тарихда қолган.

Хоразмий илмий мероси билан билиш назариясига ўзининг улкан ҳиссасини қўшди. «Ал китоб ал мухтасарфи ҳисоб алжабр ва муқобала» асарида («Алжабр ва ал муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб») сонли квадрат ва чизиқли тенгламалар, уларни ечиш йўлларини баён этади.

Рисола уч қисмдан иборат бўлиб, биринчиси — алгебраик қисм, унинг охирида савдо муомаласига оид кичик бир бўлим келтирилади. Иккинчи — геометрик қисм алгебраик усул қўллаб ўлчашлар ҳақида, учинчи қисм васиятлар ҳақида бўлиб, муаллиф уни «Васиятлар китоби» деб атайди.

Ал-Хоразмий математика фанида абстракция (мавҳумийлик) тушунчасини кенгайтирди. Индукция йўли билан умумий ечиш усулларини ҳал этди, дедукция йўли билан умумий усуллар ёрдамида турли хусусий масалаларни ечди.

«Алжабр ва муқобала» асари билан ҳам математика фанини ривожлантириб, ўзидан аввалги билимларни ўрганди ва уларни синтезлаштирди ҳамда амалда қўллаш усулларини баён этди.

Шу асар туфайли «Ал Хоразмий» номи лотинча транскрипцияда «Алгоритм» шаклини олди, кейинчалик ҳозирги замон ҳисоблаш математикасининг асосий тушунчаси алгоритм алгорифмга айланди. У математиканинг назарий ривожланиши билан бирга, ундан турмушда фойдаланиш йўлларини ҳам берди, мерос тақсим қилишда, васиятномаларни тузишда, мол тақсим

www.ziyouz.com kutubxonasi

этишда одамларга керак бўладиган амалий ишларга зарур бўлган ҳисобларни тақдим этди.

Хоразмийнинг математикага оид иккинчи китоби «Ҳинд арифметикаси ҳақида китоб» («Ҳисоб ал-ҳинд») дир. Асар ўнлик тизим рақамлари (0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9) га бағишланган.

Хоразмий ҳиндларнинг фалакиёт ва математикага оид «Синдиҳинд» номли қўлланмасини ўқиб, унинг янглиш ва қийин томонларини қайта ишлаб, янги боблар қўшди ва уни «Қисқарган синдиҳинд» («Алгоритм ҳинд ҳисоби ҳақида») деб атади. Асар фақат Шарқдагина эмас, Европада ҳам қўлланма сифатида шуҳрат таратди. Ўнлик тизимининг кашф этилиши саноқ тизимида инқилобий ўзгариш ясади, деб таъриф берадилар. Европага ўнлик тизим рақамларидан фойдаланиб энг катта сонларни ёзиш ва жойларни аниқ кўрсатиш X—XI асрларда араблардан кириб келган.

Хоразмий арифметиканинг алгоритмлари бўлган қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш қоидаларини яратган. Турли «жинс»даги сонларни кўпайтириш алгоритмини ҳам берган. Масалан, минут ва секундларни бир-бирига кўпайтириш учун, аввало, бир хил шаклга келтириш, яъни секунд ёки минутга айлантиришни кўрсатган. Махсус бобда каср ва илдиздан чиқариш амалларини ёзган.

Хоразмий ўзининг фалакиётга доир ишларида ҳиндларнинг фалакиёт жадвалларини таҳлил этиб, «Хоразмий зижи» номи билан машҳур бўлган астрономик жадваллар тузди.

Маълумотларга кўра, VIII—XV асрларда ҳаммаси бўлиб, тригонометрия, фалакиётга оид 100 га яқин зиж—жадвал мавжуд бўлган. Уларнинг қаторида бошқа олимлар билан бирга Хоразмий тузган зижлар ҳам бор.

Хоразмийнинг «Синус зижлари» асари XII асрда лотин тилига таржима этилиб, бир неча аср мобайнида ундан фойдаланиб келинди.

Бундан ташқари, «Китоб суратил ард» («Ернинг сурати китоби») географияга оид дастлабки китоб саналади. Бу асар, А. Аҳмедовнинг тахминига кўра харитани тавсифлаган асардир. У Хоразмийнинг кўп йиллар олиб борган текшириш-кузатиш ишларининг натижаси бўлди. Унда олим Шарқ мамлакатлари устида кузатишлар олиб бориб, мамлакат ва шаҳарларнинг хариталарини тузади, номлар рўпарасида узунлик ва кенглик даражаларини кўрсатади. У географияга оид асарида Ерни етти иқлимга бўлади, ер харитасини тузади. Тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра оламнинг тўрт харитаси — Азов денгизи, Нил дарёси, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари харитаси сақланиб қолган[1]. Унинг юқоридаги асари ҳам Шарқ ва Ғарбда катта аҳамиятга эгадир.

Хоразмий билим олишда талабанинг шахсий кузатишларига

---

[1] Ирисов А. Хоразмий ва Форобий. Тошкент, Бирлашган нашриёт. 1961, 8—9-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳамда олган билимларидан фойдаланишига катта эътибор берди. Бунда у илм изловчиларнинг илмий манбаларни тўплаш, уларни ифодалаш ва кузатилганларни тушунтира олиш малака ва кўникмаларини ҳосил қилишига катта баҳо беради. Масалан, «Ал китоб ал мухтасар фи ҳисоб алжабр ва ал муқобала» асарида олимларни уч гуруҳга бўлади. Улардан бири ўзидан аввалгилар қилган ишларни амалга оширишда бошқаларидан ўзиб кетади ва уни ўзидан кейин қолувчиларга мерос қилиб қолдиради.

Бошқаси ўзидан аввалгиларнинг асарларини шарҳлайди ва бу билан қийинчиликларни осонлаштиради, ёпиқни очади, йўлни ёритади ва уни тушунарлироқ қилади ёки бу айрим китоблардан нуқсонлар топадиган ва сочилиб ётганни тўплайдиган одам бўлиб, у ўзидан аввалгилар ҳақида яхши фикрда бўлади, такаббурлик қилмайди ва ўзи қилган ишидан мағрурланмайди»[1].

Хоразмийнинг бу фикри бир томондан, олимларнинг маънавий юксаклигини ёритса, иккинчи томондан, ўша даврда илмий-тадқиқот ишлари ва ўқитишнинг усул ва воситаларидан қай даражада фойдаланганлигини кўрсатади.

Кўпчилик мутафаккирлар қатори Хоразмий ҳам билим беришнинг кўргазмали тажриба усуллари, савол-жавоб, малака ва кўникмаларни шакллантириш, билимларни синаш усулларидан фойдаланган. Масалан, Хоразмийнинг арифметикага оид рисолалари унинг тафаккурни ривожлантириш учун билимларни изчил баён этишга эътибор берганлигини кўрсатади.

Хоразмий билишни сезгидан мантиқий тасаввур орқали фарқ қилиш ҳақида фикр баён этган: «Сезги» орқали билиш бу қисман билиш бўлса, «мантиқий» баён, билиш эса ҳақиқий, билишнинг муҳим томонини намоён этади.

Хоразмий билиш назариясига муҳим ҳисса қўшди. У биринчилардан бўлиб, синов-кузатиш ва синов усулларига асос солди, самовий жисмларнинг ҳаракатини акс эттирувчи жадвал асосида, математик масалаларни алгоритм усулида ечишни ишлаб чиқди. У математик ғоялар асосида одамларнинг ҳаётий зарурати ётишини, илмий кашфиётлар одамларнинг амалий талаблари натижасида юзага келишини асослади. Масалан, ер ишлари, бинолар қуриш, каналлар очиш. У биринчи марта инсонлар ўртасидаги муносабатларни математик шаклларда ифодалади.

Хоразмий илмий фаолиятининг методологик жиҳатларига катта аҳамият берди.

Хулоса қилиб айтганда, ал-Хоразмий Европа ва Шарқда фалакиёт ва математика соҳасида янги давр очди. Ҳиндларнинг ўнлик тизим рақамлари Хоразмий туфайли «Араб рақамлари» номи билан бутун дунёга ёйилди.

---

[1] **Ал-Хоразмий Муҳаммад ибн Мусо.** Танл. асарлар, «Алжабр ва ал муқобола ҳисоби ҳақида қисқа китоб». Тошкент, 77—78- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хоразмий тарихга алгебра фанининг асосчиси сифатида кирди.

Хоразмийнинг ҳаётий ва амалий муаммоларни ҳал этишга онд тавсия этган усуллари фиққа оид масалаларни ечишда муҳим қўлланма бўлди.

Хоразмийнинг фалакиёт ва геодезияга оид кузатишлари, географияга оид асарлари, у чизган Ер харитаси ҳам Шарқ ва Ғарб олимлари учун текшириш-кузатиш ишларини олиб боришда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилди.

Олим «Ер сатҳини ўлчаш» («Астролябия»), «Қуёш соати тўғрисида», «Яҳудийлар тарихи ва уларнинг байрамларини белгилаш» ва бошқа асарлари билан ҳам фан ривожига катта ҳисса қўшди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ал-Хоразмий илмий билим, таълим усуллари, илм-фанга қўшган улкан ҳиссаси билан инсонни ақлий камолга етказишда, таълим-тарбияда ўз ўрнига эгадир.

АҲМАД АЛ-ФАРҒОНИЙ

Жаҳон фани, маданиятига йирик ҳисса қўшган қомусий алломалардан бири Аҳмад ал-Фарғоний Абдулаббос ибн Муҳаммад ибн Касир бўлиб, у Фарғонада туғилиб ўсган, вояга етган. У йирик илм-маърифат маркази бўлган Бағдоддаги «Байтул ҳикма»да мударрислик қилиб, табиий-илмий соҳада — риёзиёт, фалакиёт, география, ҳикмат ва бошқа қатор фанлар юзасидан илмий кашфиётлар яратган. Мана, 1200 йилдан буён ал-Фарғоний яратган кашфиётлар инсониятга хизмат қилмоқда.

У жаҳон зиёлилари ўртасида буюк фалакиётчи, риёзиюн ва жўғрофиюн, Шарқда «Хосиб» (математик) деган лақаб билан шуҳрат топгандир. Унинг фалакиёт, география ва риёзиёт соҳасидаги асарлари бу фанлар тараққиётига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди ва ўзидан кейинги олимлар учун қўлланма бўлди.

Аҳмад Фарғоний араб илмий атамашунослигининг пайдо бўлиш ва ривожланишига катта ҳисса қўшди. Бағдод ва Дамашқ расадхоналарининг қурилишида қатнашди. Птолемей «Юлдузлар жадвали»даги маълумотларни текширишда иштирок этди. Фарғоний Бағдод расадхонасида астрономик кузатув ишларини олиб борди, кўпгина кашфиётлар қилди. Хусусан, 812 йилги Қуёш тутилишини олдиндан билди. Ернинг шар шаклида эканлигини қатъий илмий далиллар билан исботлади.

XII—XIII асрларда араб-мусулмон олимларининг асарлари Европада лотин тилига таржима қилинди. Ал-Фарғоний асарларининг Европада таржима қилиниши ва уларнинг илк бор 1193 йили жаҳон тилларида чоп этилиши уни жаҳон илм аҳли ўртасида «Биринчи араб астрономи»— деган ном олишига асос бўлди.

Араб халифалиги даврида, хусусан, халифалар Хорун ар-Рашид ва унинг ўғли ал-Маъмун даврида юнон илмий асарларига,

www.ziyouz.com kutubxonasi

айниқса уларнинг таржимасига қизиқиш кучая бошлади. Бу даврда Бағдод илмий таржима ишларининг марказига айланди. Таржима ишларида турли мамлакатлар, турли миллат вакиллари қатнашдилар, улар орасида ўрта осиёлик Аҳмад Фарғоний билан бирга Муҳаммад Хоразмий, Аббос ибн Саъид Жавҳарий ва Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазийлар ҳам бор эди.

Халифа ал-Маъмун даврида икки расадхона: бири Бағдодда, Шаммосия деган жойда, иккинчиси Дамашққа яқин Қасиюн номли тоғда қурилди. Бу расадхоналарни қуришга ал-Маъмун хизматида бўлган Аҳмад Фарғоний раҳбарлигида кўпгина олимлар жалб этилдилар. Аҳмад Фарғоний Бағдод расадхонасида илмий ишлар олиб бориш билан бирга шу расадхонанинг маъмурий ишларини ҳам бошқарар эди. Аҳмад Фарғоний бу даврда юнон тилидан араб тилига қилинаётган фалакиётга доир асарлар таржимасида қатнашди. Аллома ўзининг «Фалакиётга кириш» асарида Птолемей ва бошқа юнон олимларининг бу фан ҳақидаги фикрларини ўрганди ва ўша даврдаги фалакиётга доир билимларни системали тарзда баён қилиб берди, шу билан бирга илгари ўтган олимлар, жумладан Птолемейнинг бир қатор фикрларини танқид қилади.

Аҳмад Фарғоний Нил дарёсининг сувини ўлчайдиган янги ўлчов асбоби яратди. Ал-Маъмун фалакиётчилари тузган географик координаталарнинг мунтазам маълумотлари асосан, Бағдодда (829 й.) ва Дамашқда (832 й.) олиб борилган фалакиётга доир кузатишлар даврига тўғри келади. Бу маълумотлар «Азжиз ул-Маъмун ал-мумтахана» номи билан машҳурдир. Бу асар ўзининг дастлабки ҳолида бизгача етиб келган эмас, аммо у IX асрда фалакиёт ва география фани ривожига катта таъсир кўрсатди. Бу Аҳмад Фарғоний ва Муҳаммад Хоразмий каби олимларнинг асарлари мисолида очиқ кўринади. «Маъмун зижи»ни асосан Аҳмад Фарғонийнинг «Самовий ҳаракатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб» асари орқали биламиз. Бу фалакиётдан араб тилида ёзилган дастлабки асарларнинг бири бўлиб ҳисобланади.

Аҳмад Фарғонийнинг шу асари туфайли «Маъмун жадваллари» ҳақидаги тушунчалар Оврупога жуда эрта тарқалди. Аҳмад Фарғонийнинг бу асари XII асрда икки марта лотин тилига, XIII асрда эса бошқа Оврупо тилларнга таржима қилинди. Олимнинг бу асарида фалакиётга доир асбоблар ва қуёш соати ясаш усули баён қилинган. Аҳмад Фарғоний асарлари муаллиф ҳаётлигидаёқ кўпчилик Шарқ олимлари томонидан юқори баҳоланган ва улар ўз асарларини яратишда булардан фойдаланиб келганлар.

Аҳмад Фарғонийнинг қуйидаги асарлари мавжуд: «Китоб ул-ҳаракат ас-самовия ва жавомиъ нужум» (Самовий ҳаракатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб»), «Китоб ул-комил фил-устурлоб» («Астролябия ҳақида мукаммал китоб»), «Фи санъат ил-устурлоб» («Астролябия санъати ҳақида»), «Рисолат ул-фусул мадхал фил-Мажистий ва хува салосуиа фаслун»

www.ziyouz.com kutubxonasi

(«Ўттиз бобдан иборат Мажистийга кириш фасллари рисоласи»), «Рисола фи-маърифат ил-овкати аллати якун ул-камару фихо фавк ал-арзи ав тахтихо» («Ой ер устида ёки унинг остида бўлган пайтдаги вақтларни ўрганиш ҳақида рисола»), «Ҳисоб ул-аколим ас-сабъа» («Етти иқлим ҳисоби»), «Китоб амал ар-рахимот» («Мармарнинг хизмати ҳақида китоб»).

Бу асарларнинг қўлёзма нусхалари Ғарбдаги йирик кутубхоналарда сақланмоқда.

Ўрта асрларда дунё мамлакатларини етти иқлимга бўлиб ўрганиш анъанага айланган эди. Қадимий эронликларнинг етти кишвар ҳақидаги тушунчалари астрономия ва география тарихига кўчган. Етти иқлим назариясида мамлакатлар шарқдан бошлаб етти иқлимга бўлинади. Ҳар бир иқлимга кирган жойлар алоҳида-алоҳида ўрганилгаи. Аҳмад Фарғоний ҳам мамлакатларни шу усулда ўрганган ва текширган. У тузган жадвалда вилоятлар шарқ томондан ғарбга қараб маълум бир изчилликда баён қилинади.

Ал-Фарғонийнинг «Сайёралар илми» («Самовий ҳаракатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб») асари тахминан 824—855 йиллар атрофида ёзилган бўлиб, унинг қўлёзма нусхаси Мисрдаги «Дор ал-кутуб» кутубхонасида сақланади. Бу асар лотин тилида 1669 йили нашр этилган.

Шарқшунослар Фарғонийнинг «Астролябия ҳақида мукаммал китоб»ининг уч нусхаси борлигини айтишади. Асарнинг учала нусхаси ҳам Берлин кутубхонасида сақланаётир. Аҳмад Фарғонийнинг «Астролябия санъати ҳақида», «Ўттиз бобдан иборат ал-Мажастийга кириш фасллари рисоласи» ёки «Ўттиз фасллик астрономия китоб»и Парижда, «Ой Ер устида ёки унинг остида бўлган пайтдаги вақтларни ўрганиш ҳақида рисола» номли асари Қоҳирада, «Етти иқлим ҳисоби», «Астролябия санъати ва унинг далиллари ҳақида китоб», «Астрономик асбобларда мармарнинг хизмати ҳақида китоб» номли қўлёзма асарлари Берлинда сақланаётир. Мазкур қўлёзмалар ҳақида араб олими ибн ал-Қифтийнинг 1908 йилда Мисрда араб тилида нашр этилган «Тарих ал-ҳукамо» номли китобида тўлиқ маълумотлар берилган.

Аҳмад Фарғонийнинг «Самовий ҳаракатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида» китоби унинг астрономияга бағишланган асосий асаридир. Бу асар «Астрономия негизлари» деб ҳам юритилади. Бу китобда Фарғоний ўз давридаги астрономияга оид билимларни тартибга солди, уларни янги маълумотлар билан бойитди, астрономик асбоблар, Қуёш соати тузилишининг баёнини берди. Ўша давр анъанасига мувофиқ, мамлакатларни етти иқлимга бўлиб ўрганди, жойларнинг географик координаталарини шарқдан ғарбга йўналишда берди. Бу асар астрономия бўйича араб тилида ёзилган дастлабки рисолалардан ҳисобланади. Астрономияга оид билимлар қомуси бўлмиш бу асар Оврупода Коперниккача бўлган астрономиядан асосий қўлланма бўлиб хизмат қилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аҳмад Фарғоний бажарган ҳисоб-китоб ишлари — хоҳ у риёзиётга, астрономияга, хоҳ у географияга тааллуқли бўлсин, ниҳоятда пишиқ-пухта, тўғри, мукаммал эди. Мунажжим олимларнинг бир неча авлоди Аҳмад Фарғоний асарларини ўқиб олим бўлишди. Европанинг йирик алломалари Фарғоний фаолияти ҳақида маърузалар ўқидилар. Хусусан, машҳур математик ва астроном Региомонтан 1464 йилда Падуеда Фарғонийнинг астрономик ишлари ҳақида маъруза ўқиган, Беруний, Улуғбеклар Фарғонийнинг асарларидан ўз илмий фаолиятларида фойдаланишган.

Фарғонийнинг «Астрономия негизлари» китоби 1145 ва 1175 йилларда лотин тилига, кейинчалик бошқа тилларга ҳам таржима қилинди, кўп марта нашр этилди. Хусусан, асарнинг 1493 йилда Италиянинг Феррара шаҳрида чоп этилган лотинча таржимаси босма усулда чиқарилган биринчи китоблардан ҳисобланади. Фарғоний ал-Хоразмий, «Зижи» га шарҳлар ёзган.

Ал-Фарғонийнинг фалакиёт ва математика соҳасидаги, ибн Синонинг фалсафаси, ал-Хоразмий ва ал-Берунийларнинг илми нужум, алжабр ва табобатга доир асарлари ҳамда ибн Рушд таълимоти Европада ҳурфикрлилик машъаласини ёқди.

АБУ НАСР ФОРОБИЙ
(873—950)

Ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти мутафаккир Абу Наср Форобий номи билан боғлиқ бўлиб, унинг инсон камолоти ҳақидаги таълимоти таълим-тарбия соҳасида катта аҳамиятга эга. Машҳур юнон файласуфи Арастудан кейин Шарқда ўз билими, фикр доирасининг кенглиги билан ном чиқарган Форобийни йирик мутафаккир —«Муаллими соний»—«Иккинчи муаллим» деб атайдилар.

Абу Наср Форобий (тўлиқ номи Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узалиқ ибн Тархон ал-Форобий) ҳижрий 260 йил (милодий 873 йил) да Шош-Тошкентга яқин Фороб (Ўтрор) деган жойда ҳарбий хизматчи оиласида туғилган. Форобда бошланғич таълимни олгач, Шошда, Бухорода, Самарқандда таълим олганлиги ҳақида маълумотлар бор. Лекин Араб халифалигининг йирик маданий маркази Бағдодга халифаликнинг турли томонларидан келган олимлар йиғилганлиги, унинг йирик илмий марказга айланганлиги туфайли Форобий ҳам илм олиш истагида Бағдодга жўнайди. Бағдодда Форобий ўрта аср фанини, турли фан соҳаларини ўрганади. Масалан, унга юнон тилидан Абу Башар Матта (Матта ибн Юнус), тиббиёт ва мантиқдан Юханна ибн Хайлон (Жилон) таълим берган. Умуман, Форобий Бағдодда математика, мантиқ, тиббиёт, илми нужум, мусиқа, табииёт, ҳуқуқ, тилшунослик, поэтика билан шуғулланди, турли тилларни ўрганди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Баъзи манбаларда Форобий етмишдан ортиқ тилни билганлиги ҳақида гапирилади[1].

Форобий таълим-тарбияга бағишлаган асарларида таълим-тарбиянинг муҳимлиги, унда нималарга эътибор бериш зарурлиги, таълим-тарбия усуллари ва услуби ҳақида фикр юритади. «Фозил одамлар шаҳри», «Бахт-саодатга эришув тўғрисида», «Ихсо-ал-улум», «Илмларнинг келиб чиқиши», «Ақл маънолари тўғрисида» каби асарларида ижтимоий-тарбиявий қарашлари ўз ифодасини топган.

Форобий ўз ишларида таълим-тарбияни узвий бирликда олиб бориш ҳақида таълим берган бўлса ҳам, аммо ҳар бирининг инсонни камолга етказишда ўз ўрни ва хусусияти бор эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Форобий «Бахт-саодатга эришув тўғрисида» асарида билимларни ўрганиш тартиби ҳақида фикр баён этган. Унинг таъкидлашича, аввал билиш зарур бўлган илм ўрганилади, бу — олам асослари ҳақидаги илмдир. Уни ўргангач, табиий илмларни, табиий жисмлар тузилишини, шаклини, осмон ҳақидаги билимларни ўрганиш лозим. Ундан сўнг, умуман, жонли табиат — ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақидаги илм ўрганилади, дейди[2].

Форобий инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқалар билан алоқада бўлиш, уларнинг кўмаклашуви ёки муносабатларига муҳтож бўлади, деб ҳисоблайди.

Бунга Форобий таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйиш орқали эришиш мумкин, дейди. Чунки мақсадга мувофиқ амалга оширилган таълим-тарбия инсонни ҳам ақлий, ҳам ахлоқий жиҳатдан камолга етказади. Хусусан, инсон табиат ва жамият қонун-қоидаларини тўғри билиб олади ва ҳаётда тўғри йўл тутади, бошқалар билан тўғри муносабатда бўлади, жамият тартиб-қоидаларига риоя этади.

Демак, Форобий таълим-тарбиянинг асосий вазифаси жамият талабларига жавоб бера оладиган ва шу жамият учун хизмат қиладиган етук инсонни тарбиялашдан иборат деб билади.

Форобий таълим ва тарбияга биринчи марта таъриф берган олим саналади. Таълим — деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш; тарбия — назарий фазилатни, маълум ҳунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ нормаларини ва амалий малакаларни ўргатишдир, дейди олим.

Абу Наср Форобий яна айтади: «Таълим — деган сўз халқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса шу халқлар ўртасидаги туғма фазилат ва амалий касб-ҳунар фазилатларини бирлаштириш деган сўздир.

---

[1] Ибн Халмиқон ҳақида. Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» китобидан олинди. Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993, 204- бет.

[2] **Абу Наср Форобий.** Рисолалар. Масъул муҳаррир Ўзбекистон Республикаси ФА ҳақиқий аъзоси М. М. Хайруллаев. Тошкент, «ФАН», 1975, 71—72- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса, амалий иш тажриба билан, яъни шу халқ, шу миллатнинг амалий малакалардан иборат бўлган иш-ҳаракат, касб-ҳунарга берилган бўлиши, ўрганишидир»[1],— дейди.

Форобий назарий билимларни эгаллашга киришган ҳар бир киши хулқ-одобда ҳам қай даражада пок бўлиши кераклигини «Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш кераклиги тўғрисида»ги рисоласида шундай таърифлайди: «Фалсафани ўрганишдан аввал ўзингизни ҳирс-ҳаваслардан шундай тозалашингиз лозимки, сизда маиший ва шаҳвоният каби нотўғри туйғуларга эмас, балки камолотга бўлган ҳирс-ҳавас қолсин.

Буига хулқ-ахлоқни фақат сўздагина эмас, балки ҳақиқатда (амалда) тозалаш орқали эришиш мумкин. Шундан сўнг хато ва адашишдан сақловчи, ҳақиқат йўлини тушуниб олишга бошловчи (нотиқ — сўзловчи, фикрлаш маъносида) нафсини, жонини, руҳини тозалаш зарур»[2].

Форобий ахлоқий фазилатлар деганда билимдонлик, доноллик ва мулоҳазали бўлиш, виждонлилик, камтарлик, кўпчилик манфаатини юқори қўйиш, ҳақиқат, маънавий юксакликка интилиш, адолатлилик каби хислатларни тушунади. Аммо бу хислатларнинг энг муҳими ҳар бир инсоннинг билимли, маърифатли бўлишидир. Шунинг учун ҳам Форобий ахлоқ тушунчасига ақл билан узвий боғлиқ ҳолда, тафаккурга асосланган ахлоқ сифатида қарайди. Бундан биз Форобийнинг ахлоқни хулқ меъёрлари ифодаси сифатидагина эмас, балки кишиларнинг ақлий фаолиятининг натижаси сифатида ҳам талқин этганлигини кўрамиз.

Форобийнинг таълим-тарбия йўллари, усуллари, воситалари ҳақидаги қарашлари ҳам қимматлидир. У инсонда гўзал фазилатлар икки йўл — таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилиниади. Таълим назарий фазилатларни бирлаштирса, тарбия эса туғма фазилат — назарий билимлар ва амалий касб-ҳунар, хулқ-одоб фазилатларини бирлаштиради, таълим сўз ва ўрганиш билан, тарбия эса амалий иш, тажриба билан амалга оширилади, дейди. Ҳар иккаласи бирлашса, етуклик намоён бўлади, аммо бу етуклик билим ва амалий кўникмаларни қай даражада ўрганганлигига қараб пайдо бўлади, деб кўрсатади.

Форобий таълимда барча фанларнинг назарий асослари ўрганилса, тарбияда маънавий-ахлоқий қоидалар, одоб меъёрлари ўрганилади, касб-ҳунарга оид малакалар ҳосил қилинади, деб уқтиради.

Бу муҳим вазифа тажрибали тарбиячилар томонидан таълим-тарбиянинг турли методлари ёрдамида амалга оширилади, Форобий таълим-тарбия ишларини икки йўл билан амалга оширишни назарда тутади.

«Амалий фазилатлар ва амалий санъат (касб-ҳунар)лар ва

[1] **Абу Наср Форобий.** Бахт-саодатга эришув ҳақида. Рисолалар. Масъул муҳаррир Ўзбекистон Республикаси ФА ҳақиқий аъзоси М. М. Хайруллаев. Тошкент, «ФАН», 1975, 76- бет.

[2] Ўша асар 23—24- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

уларни бажаришга одатланиш масаласи»га келганда, бу одат икки йўл билан ҳосил қилинади: булардан биринчиси — қаноатбахш сўзлар, чорловчи, илҳомлантирувчи сўзлар ёрдамида одат ҳосил қилинади, малакалар вужудга келтирилади, одамдаги ғайрат, қасд-интилиш ҳаракатга айлантирилади.

Иккинчи йўл (ёки усул) — мажбур этиш йўли. Бу усул гапга кўнмовчи қайсар шаҳарликлар ва бошқа саҳройи халқларга нисбатан қўлланилади. Чунки улар ўз истакларича, сўз билан ғайратга кирадиганлардан эмаслар. Улардан бирортаси назарий билимларни ўрганишга киришса, унинг фазилати яхши бўлади. Касб-ҳунарларни ва жузъий санъатларни эгаллашга интилиш бўлмаса, бундай одамларни мажбур этмаслик керак. Чунки шаҳар халқларига тарбия беришдан мақсад — уларни фазилат эгаси қилиш ва санъат аҳлларига айлантиришдир[1].

Демак, Форобий таълим-тарбияда рағбатлантириш, одатлантириш, мажбур этиш методларини илгари сурган. Ҳар иккала усул ҳам пировардида инсонни ҳар томонлама камолга етказиш мақсадини кўзлайди.

Хулоса қилиб айтганда Форобий педагогик таълимотининг асосида комил инсонни шакллантириш, инсоннинг ўз моҳияти билан ижтимоийлиги, яъни фақат жамиятда, ўзаро муносабатлар жараёнида комилликка эришади, деган фалсафий қараши ётади.

Инсоннинг камолга етишида ҳам ақлий, ҳам ахлоқий тарбиянинг ўзаро алоқаси муҳим аҳамият касб этади. Бунда Форобий тавсия этган таълим ва тарбия усуллари ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги билан диққатга сазовордир.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

(973—1048)

Қомусий олим Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний X асрнинг иккинчи ярми ва XI асрнинг бошларида, ғоят мураккаб тарихий даврда яшади ва ижод этди. Абу Райҳон Беруний 362 йил 3 зулҳижжада (милодий 973 йил 4 сентябрь) Хоразмнинг Қиёт (Кот) шаҳрида дунёга келди. Берун ёки бирун сўзи «ташқари» деган маънони англатади.

XIII аср бошларида Хоразмда бўлган машҳур саёҳатчи ва географ Ёқут Ҳамавийнинг айтишича, ватанидан ташқарига кетган ҳар бир кишини хоразмийликлар «Беруний» лақаби билан атаганлар. Қейинчалик бу лақаб шу анъанага кўра унинг номига қўшилиб қолган бўлса эҳтимол. Чунончи, олимни шахсан билган машҳур тарихчи Абул Фазл Байҳақий унга нисбатан «Беруний» лақабини қўлламай, фақат «Абу Райҳон» деб атайди. «Абу Райҳон» эса «марҳаматли», «раҳматли», «раҳм-

[1] **Абу Наср Форобий.** Бахт-саодатга эришув ҳақида. Рисолалар. Масъул муҳаррир Ўзбекистон Республикаси ФА ҳақиқий аъзоси М. Хайруллаев. Тошкент, «ФАН» 1975, 77—78-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

дил» маъноларини билдиради»,— деган фикрларни ҳам айтадилар[1].

Абу Райҳон Беруний бошланғич таълимни олгач, ўша даврда фан-маданият тараққий этган Хоразмнинг пешқадам олимларидан сабоқ олади.

Беруний Хоразм тили билан бирга сўғдий, форсий, сурёний, юнон, қадимги яҳудий тилларини, ҳатто қадимги ҳинд тили санскритни ҳам ўрганган. У юнон классик илми; астрономия, география, ботаника, математика, геология, тарих, этнография, фалсафа ва филологиядан ҳам чуқур билим олади.

Беруний йирик олим Абу Наср ибн Ироқдан Евклид геометрияси, Птолемейнинг астрономик таълимотларидан дарс олган.

Бундан ташқари ўзидан олдин ўтган математик, мунажжим ва география олими Муҳаммад Хоразмий, география олими Абул Аббос, Аҳмад Фарғоний (IX аср), Марвазий (IX аср), Жавҳарий (IX аср), файласуф ва табиатшунос Абу Наср Форобий, Абул Вафо Жузжоний (940—998), сейистонлик Абу Саид ас-Сижий (951—1024), Абу Муҳаммад Ҳамид Хўжандий ва бошқаларнинг асарларини мустақил ўрганади.

995 йилгача Беруний астрономия, география, геодезиянинг амалий масалаларини ҳал этиш билан бирга, Шарқда биринчи бўлиб Ер ва Осмон глобусини ясади ва астрономияга оид бир неча китоб ёзди («Картография», «Глобус ясаш китоби», «Ердаги жойларнинг узунлама ва кенгламаларини аниқлаш ҳақида мақола» ва бошқалар).

Беруний ҳали жуда ёш олим бўлишига қарамай, Қот шаҳрида 994—995 йилларда астрономик кузатишлар ўтказган. Бу кузатишлар учун ўзи астрономик асбоблар ихтиро этган.

994—995 йилларда Қорахонийлар сомонийлар давлатига қарши ҳужум қиладилар. Урганч амири Маъмун I томонидан Беруний ижод этаётган Қот шаҳри забт этилиб (бу шаҳар Жанубий Хоразмнинг пойтахти бўлган), ягона Хоразм давлати ташкил топади. Амир Абу Абдулло Муҳаммад хизматида бўлган Беруний ҳам бошқа олимлар каби Қот-Қиётни тарк этиб, Журжон (Каспий денгизининг жануби-шарқи)да, сўнг Райда (Теҳрон яқинида) яшайди. Райдан яна Журжонга қайтиб, олим ва келажакдаги устози Абу Саҳл Исо Масиҳий билан танишади ва ундан таълим олади.

Ўша даврда Хоразмда ва Каспий олди вилоятларида Қобус ибн Вушмагир ёш олимга хайрихоҳлик кўрсатади. «Шамс ал-Маолий» («Олий мартабалар қуёши») лақаби билан машҳур бўлган бу подшоҳга бағишлаб Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарини ёзади ва унга тақдим этади. Бу асар Беруний номини Яқин ва Ўрта Шарққа машҳур қилди.

1004 йилда Беруний Маъмун II ибн Маъмун томонидан Хо-

[1] Аҳмедов А. Беруний ва унинг «Геодезия»си ҳақида. Беруний. Танланган асарлар. III том. Тошкент, «Фан», 1982, 21-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

размга чақириб олинади ва унинг яқин маслаҳатчиси бўлиб қолади.

Маъмун даврида Урганчда «Маъмун академияси» номли илмий марказ ташкил этилади ва у ерда мусулмон Шарқининг йирик олимлари фаолият кўрсатади.

Беруний бир неча йил камёб металлар ва қимматбаҳо тошлар устида кузатишлар ва тажрибалар олиб боради ва кейинчалик ана шу тадқиқотлари асосида «Минералогия» асарини яратади.

1017—1018 йилларда яна тахт ва ҳокимият учун кураш бошланиб, Мовароуннаҳрда Қорахонийлар давлати барпо этилади. Хуросон ва Афғонистонда Маҳмуд Ғазнавий (998—1030) ҳукмронлиги ўрнатилиб, қорахонийлар билан тузилган шартномага мувофиқ Хоразм Маҳмуд давлатига тобе бўлиб қолади.

Маъмун академиясидаги кўплаб олимлар қатори Беруний ҳам Ғазнага олиб кетилади ва у ерда кўп қийинчиликлар билан ўз ижодини давом эттиради.

Беруний бу ерда ўзининг «Хоразмнинг машҳур кишилари», «Таҳдид ниҳоёт ал-амокин ли тасҳиҳ масофот ал-масокин» («Турар жойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг охирги чегараларини аниқлаш», яъни «Геодезия») асарини яратди. Бу асарда география ва астрономия фанлари билан бир қаторда палеонтологик кузатишлар натижалари ҳам баён қилинган.

Берунийнинг яна бир муҳим асари «Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар»дир. Бу асарда ҳам у бир қанча фанлар юзасидан дастлабки тушунча, маълумотлар берган.

Маълумки, Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистонга қарши босқинчилик урушларини олиб борган. Мана шу юришларнинг бирида Беруний ҳам Маҳмуд Ғазнавийга ҳамроҳ бўлиб борди. У санскрит (эски ҳинд тили)ни билганлиги учун ҳинд халқи маданияти, адабиёти ва санъати билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди ва бу меҳнатлари натижасида 1030 йилда ўзининг Шарқ ва Ғарбда кенг эътироф қилинган машҳур «Ҳиндистон» асарини яратади.

Китобнинг тўлиқ номи «Китобу фи таҳқиқи молил Ҳинд мин маъқулатин мақбулатин фил ақли ав марзулатин», яъни «Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби» бўлиб, айтишга қулай бўлишлиги учун қисқача «Таҳқиқу мо-мил ҳинд»—(«Ҳиндистонга оид тадқиқлар» ёки «Ҳиндистон») деб юритилади.

Асарда Берунийнинг Ҳиндистон ҳақидаги барча қарашлари ўз ифодасини топган.

Ўша йили (1030) Маҳмуд Ғазнавий вафот этади. Унинг кичик ўғли Муҳаммад ворис сифатида тахтга ўтирган бўлса-да, кўп ўтмай Маҳмуднинг катта ўғли Масъуд (1030—1041) укасини тахтдан ағдариб, ўзи ҳокимиятни қўлга олади. Билимдон ва зукко, илм аҳлини қадрловчи Масъуд Берунийни ўз ҳимоясига олиб, унинг ижод қилишига шароит яратиб беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Беруний астрономияга оид «ал-Қонун ал-Масъудий» («Масъуд қонуни») номли йирик асарини шоҳ Масъудга бағишлайди. Олимлар бу асарни математика ва астрономияга оид ўнгача ёзилган барча асарлардан юқори қўядилар.

Беруний яна «Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар тўплами» («Минералогия»), «Доривор ўсимликлар ҳақида китоб» («Китоб ас-сайдона фи-т-тибб») каби асарларни ҳам ёзди. «Минералогия» Шарқдагина эмас, Европада ҳам қимматбаҳо тошларни ишлаш усуллари ва улар билан савдо қилиш, конларни ўрганиш, ер ости бойликларини текшириш ҳақида маълумот берса, «Сайдона» номи билан машҳур бўлган кейинги асарда Шарқдаги доривор ўсимликларнинг тавсифи баён қилинган.

Беруний «Сайдона» китобида ўзининг 80 ёшдан ошганлигини ёзади, шунга кўра уни 1050—1051 йилларда вафот этган деб тахмин этиш мумкин. Баъзи манбаларда эса унинг вафоти санаси 1048 йил 13 декабрь деб кўрсатилади.

Берунийнинг илмий билимларни эгаллаш йўллари, усуллари ҳақидаги фикрлари ҳозирги давр учун ҳам долзарбдир. Ўқувчига билим беришда:

— ўқувчини зериктирмаслик;

— билим беришда бир хил нарсани ёки бир хил фанни ўргатавермаслик;

— узвийлик, изчиллик;

— янги мавзуларни қизиқарли, асосан, кўргазмали баён этиш ва ҳоказога эътибор бериш кераклиги уқтирилади.

Абу Райҳон Беруний фан соҳасидаги ёдгорликларни, илмий билимларга оид қолдирилган барча бойликларни қунт билан ўрганишга даъват этади.

Олим илм толибларига қалбни ёмон иллатлардан, инсон ўзи сезиши мумкин бўлмаган ҳолатлардан, қотиб қолган урф-одатлардан, ҳирсдан, беҳуда рақобатдан, очкўзликдан, шон-шуҳратдан сақланиши зарурлигини уқтирган.

Шунингдек, ҳар бир халқнинг ўзига хос таълим усуллари, йўллари, шакллари борлигини таъкидлаш билан бирга, ҳар бир халқнинг ҳам ўқитиш тизими алифбодан бошланишини кўрсатади. Грамматика, математика фанларини ўқитишга оид қимматли фикрлар баён этади.

Беруний тил ва адабиёт, тарих, география, геодезия, геология, минералогия фанлари, тиббиёт ва доришунослик, физика, фалакиёт илмига оид тадқиқотларини ўзи тартиб этган назария ҳамда кузатишлар натижасида амалиётда синаб кўриб, фанда ҳақиқат устувор туришини таъкидлади.

У барча иллатларнинг асосий сабаби илмсизликда деб билди. Илмларни эгаллашда эса шахсда интилиш ва қизиқиш, муҳитни алоҳида таъкидлайди.

Билим олишда тушуниб ўрганиш, илмий тадқиқотчининг покликка риоя этишига алоҳида эътибор беради, жамиятнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

равнақи маърифатнинг ривожига боғлиқ деган ғояни илгари суради.

Абу Райҳон Беруний билим олишни ахлоқий тарбия билан боғлайди. Зеро, инсонда комилликнинг муҳим мезони юксак ахлоқлиликдир.

Берунийнинг инсон камолотида ахлоқий тарбиянинг муҳим ўрнини таъкидлашини унинг юқорида қайд этилган «Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Минералогия», «Китоб ас-сайдона», «ал-Қонуни ал-Масъудий», «Геодезия» ва бошқа асарларида кўрамиз.

Беруний фикрича, ахлоқийлик инсоннинг энг асосий сифати бўлиши керак. Бу хислат бирданига таркиб топмайди. У кишиларнинг ўзаро мулоқоти, ижтимоий муҳит — жамият тараққиёти жараёнида таркиб топади.

Абу Райҳон Беруний ҳам ахлоқий тарбияга мусулмон дини талабларидан келиб чиққан ҳолда тариф беради. Ахлоқийлик яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш натижасида намоён бўлади ва таркиб топади дейди, у. Яхшилик ва ёмонлик инсоннинг хулқ-атворини белгилайдиган мезон сифатида қўлланилади.

У яхши хислатларга тўғрилик, одиллик, ўзини вазмин тутиш, инсоф, камтарлик, лутф, собитқадамлик, эҳтиёткорлик, сахийлик, ширинсуханлик, раҳбарликда адолатлилик, тадбиркорлик кабиларни киритади.

Ёмон иллатларга эса ҳасадгўйлик, бахиллик, носоғлом рақобат, ўз манфаатини кўзлаш, мансабпарастлик ва ҳоказоларни киритади.

Беруний фахрланишни яхши хулқ маъносида ишлатиб, «Ёдгорликлар»да шундай дейди: «Фахрланиш — ҳақиқатда яхши хулқлар ва олий феълларда олдин кетиш, илму ҳикматни эгаллаш ва имконият борича мавжуд нопокликлардан тозаланишдир. Кимда шундай сифатлар топилса, ҳукм унинг фойдасига ва кимда булар етишмаса, ҳукм унинг зарарига бўлади»[1].

Демак, Беруний инсоннинг маънавий қиёфасидаги барча ахлоқий хислатларни яхшилик ва ёмонлик каби икки турга бўлади. Бу инсоният яратган педагогик фикр тараққиётида «қизил ип» бўлиб ўтганидек, шу анъанага мувофиқ Берунийда ҳам ахлоқий тушунчалар ахлоқий баркамолликнинг муҳим томонларидир.

Беруний саховат (ўзаро ёрдам, бир-бирига фойда келтириш учун ҳамкорлик), мурувват (одамларга хайрихоҳ бўлиш, ҳалоллик ва ҳақгўйлик, ўз меҳнати билан кун кўриш в. б.)ни инсоннинг ахлоқий камолотини кўрсатувчи хислатлар деб билади.

Инсоннинг ахлоқий камолга етиши муаммоси бутун таълим-тарбия тизимида марказий масала бўлиб келган.

Абу Райҳон Беруний эзгу тилакка етишга тўсқинлик қилувчи зиқналик, ёлғончилик, мунофиқлик, маиманлик такаббурлик

---

[1] **Абу Райҳон Беруний.** Танл. асарлар. I т. Тошкент, 1968, 151-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

каби нуқсонларни қоралайди, бойликка ружу қўйиш ва таъмагирлик, ғазаб ва жоҳиллик инсон учун энг ашаддий душман деб қарайди.

Мутафаккир илгари сурган ахлоқий хислатлардан яна бири адолатдир. У жамиятда адолат ўрнатиш, уни ёвузликлардан халос этиш учун доно, адолатли ҳукмдор бўлиши керак, дейди.

Беруний кундалик турмуш масалаларига ҳам катта эътибор берган. Ҳар бир ахлоқан баркамол инсон ўзининг турмуш тарзини ҳам уйғун, гўзал эта олади. Уйғунлик гўзаллик ва нафосатнинг асоси саналади. Беруний инсоний хислатлардан муҳими — озодалик, тарбиялилик бўлса, инсонга энг яқин нарса унинг табиати, руҳи дейди. Шунинг учун инсон ўз табиатига ёқадиган ишларни бажариши зарур, деб кўрсатади. Бунда инсоннинг ички дунёси билан ташқи гўзаллиги, турмуш тарзидаги гўзалликнинг уйғун бўлишини талаб этган. Бунга инсон киядиган кийимидан тортиб, кундалик турмушдаги юриш-туриши, сўзи, қалби, қилган иши — ҳаммасининг гўзал бўлиши таъкидланган.

Ҳар бир шахсда шарм-ҳаё, озодалик, нафис дид, иффат, латофат, ширинсуханликнинг таркиб топиши турмушнинг янада гўзал бўлишига олиб келади.

Олимнинг инсон турмушига хос хулқ-одоб қоидалари ҳақидаги фикрлари педагогик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Инсон ҳам ички, ҳам ташқи томондан тўзал бўлсагина ҳақиқий камолотга эришиши мумкин дейди. У озодалик ва орасталикни олижаноблик билан тенглаштиради. Инсон доимо буларга риоя этиши зарур деб таъкидлайди. Бунда инсон ўзини бошқара олишга қодир бўлиши, ҳар бир етук инсон учун зарур бўлган хислатларни таркиб топтиришда куч ва иродага эга бўлиши зарур, дейди. «Минералогия» асарида бу фикрни қуйидагича ифодалайди. «Инсон ўз эҳтиросларига ҳукмрон, уларни ўзгартиришга қодир, ўз жон ва танини тарбиялар экан, салбий жиҳатларни мақтагулик нарсаларга айлантиришга ҳамда аста-секин, ахлоқ ҳақидаги китобларда кўрсатилган усуллар билан иллатларни бартараф этишга қодирдир»[1].

Беруний инсонни камолотга етакловчи хислатлардан яна бири олижаноблик деб кўрсатади.

Олижаноблликнинг мазмунини яхшилик ташкил этади. Бунда олим инсонга инсон сифатида муомала қилишни назарда тутади.

Энг муҳими, мутафаккир, инсон камолотида, меҳнат ва меҳнат тарбияси ҳақида муҳим фикрларни баён этади. У ҳар бир ҳунар эгасининг меҳнатига қараб турларга бўлади. Оғир меҳнат сифатида бинокор, кўмир қазувчи, ҳунарманд, фан соҳиблари меҳнатини келтиради. Айниқса, илм аҳли — олимлар меҳнатига алоҳида эътибор бериш, хайрихоҳ бўлишга чақиради, уларни маърифат тарқатувчилар, жамият равнақига ҳисса қўшувчилар деб билади: Шу билан бирга, оғир меҳнат қилувчи кончилар, ер

[1] **Абу Райҳон Беруний.** Минералогия. 25- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

грамматикаси, адабиёти, фалсафа, тарих, география, услуб ва нотиқлик санъати, луғатшунослик, адаб ва аруз илми, тафсир, ҳадис ва фиққга оид 56 та асар яратган. Хусусан, олимнинг тилшуносликка, араб тили грамматикаси ва нафис адабиётга оид «Асос ал-балоға» («Сўзга усталик асослари»), «Самин ал-арабия» («Араб тили мағизи»), «Фоиқ ал-луғат» («Энг яхши луғатлар»), «Муҳожату ан-наҳвия» («Грамматика ҳожатлари»), «Муҳадданат ул-адаб» («Нафис адабиётга муқаддима»), «Атвоқ ўзза ҳаб» («Олтин шодалари»), «Ал-минҳож фил-усул», «Рабиъ ал-аброр» («Сахий ёзи») каби асарлари илмий аҳамиятга эгадир.

Шом (Сурия) ҳокими Музаффариддин Мусо аз-Замаҳшарийнинг «Ал-муфассал» асарини ёддан билган кишига беш минг кумуш танга пул ва сарупо совға қилган. Олимнинг «Ал-кашшоф» («Аёи қилувчи») асари Қуръонга бағишланган мукаммал тафсирдир. Бу асар ҳозирги вақтгача араб мамлакатларида диний дорилфунун талабалари, кўплаб мусулмон аҳли, айниқса, уламолар учун муҳим бир дастур, қўлланма вазифасини бажармоқда. Олимнинг «Қофия» асари арабча наҳв (синтаксис) мавзуида ёзилган бўлиб, у ҳам мадрасаларда ўқув қўлланмаси сифатида ўқитилган. Мавлоно Жомийнинг «Шарҳи мулло» асари эса ана шу «Қофия» га бағишланган шарҳдир.

Аз-Замаҳшарий 1144 йилнинг 14 апрелида Хоразмда 69 ёшида вафот этади. Буюк аллома тарбияшуносликка ҳам оид бой илмий-адабий мерос қолдирган. Қуйида ана шу бебаҳо меросдан намуналар келтирамиз.

«Атвоқ ўз-заҳаб фи-л мавоиъз ва-л-хутаб» («Ўгит ва насиҳатларнинг олтин шодалари») рисоласидан

Ноҳақларга пора берувчилар, золимларга ёрдам берувчилардир.

Савдогарнинг шуҳрати чўнтагида.

Чайқовчи — овчи ити.

Кўпинча қилинган ҳийла ва фусун, қуввату зўрликдан бўлади устун.

Виждонли одам хавфдан ҳоли яшаса, хиёнат қилувчи ҳалокатда яшайди.

Хатолар қилишда авворалардир, хатолар тушган аробалардир.

Хушсифат ва яхши хулқлар зийнатламаган кимсани ипак кийимлар зийнатлай олмайди.

Гўзал юз ва чиройли кўриниш кўнгилда шодлик пайдо қилур.

Мард мағлуб бўлса ҳам, тубан тушмайди.

Паст (номард) киши ўз наслининг баландлиги билан мақтанади.

Аҳмоқ ҳикмат лаззатини топмайди, тумов киши гул ҳидини сезмайди.

Одамнинг бети тўғри ва саломат бўлмаса, кўриниши ҳам саломат бўлмайди. Миннат, силтовлар билан қилинган ҳотамлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

ортиғи билан ёққан ёмғирдек бўлса-да, унда яхшилик бўлмайди.

Яхшилик биландур инсон жамоли, они қилурга-чи йўқдур мажоли. Ёмон йўлдошга эргашсанг, унинг оғуси сенга юқади.

Сени хавф-хатар, ночорликка тушиб қолишдан қўрқитувчига ёндош, «қўрқма, бу ишда зиён йўқ» деювчидан сақлан.

Қуёш нури бекилмайди, ҳақиқат шамъи сўнмайди.

Оғзингни мисқовох билан пок қилдинг, кошкийди энди уни ёлғон, ғийбат, чақимчилик, бўҳтон билан ифлос қилмасанг. Агар тилингни тиймасанг, жиловингни шайтонга бериб қўясан. Тил қиличининг ярқироқлиги, унинг тўғри сўзидир. Шунинг учун тилингни фақат тўғри сўз билан айлантир. Яманликлар ўз қиличини қинида сақлагани каби, сен ҳам тилинг қиличини ёлғонлик хатосидан сақла. Қиличнинг ярқироғини занг ейди. Ёлғон эса тил учун зангдан ҳам ёмонроқдир. Сен билмайсанки, тўғриликнинг шарофатида нажот топиб бахтли бўлишингни. Ёлғон эса қўққисдан ўзининг шумлиги билан бир оз фойда бериб, сўнг ўлдиради. Қўй, ишлар ўз йўлига юрсин. Ёлғон гапириб ғалаба қозонганингдан, рост гапириб мағлуб бўлганинг маъқулдир. Ростгўй одамга унинг ростгўйлиги кифоядир. Ёлғончига унинг ёлғончилиги етарлидир. Тўрваси тўлиб келган ёлғончидан идиши бўш келган ростгўй яхшидир. Агар ростгўйлик одам шаклида ифодаланса, энг даҳшатли армон бўлар. Ёлғоннинг сурати эса қўрқоқ тулки бўлар эди... Ваъда қилган бўлсанг, унга вафо қилгин ёки ваъдангни бажаришга шошил... Чақмоғидан олдин ёмғири келган, ваъдасидан олдин берадиган нарсаси келган эркакка ўхшагин.

Бировни койимоқчи бўлсанг, хат билан кўй, юзма-юз туриб койиш кўнгил синдирур ва сўз ўлчовсиз кетар.

Ҳайвонни силаса, шодланиб эгасини тепади; одам боласи эркаланса, шодланиб ота-онасини азобга қўяди.

Инсоннинг кийинишига қарама — билимига қара.

Савдогарнинг шарофати чўнтагида, олимнинг шуҳрати китобларидадир. Эй, Абул-Қосим, сени дунёга келтириб, халқнинг муносиби қилиб, сенга ақлни ва ҳавою ҳавасни миндирди. Улар яхши ва ёмон йўлларда сени бошлаб юрувчилардир. Тўғри ва эгри жойларда сенинг меҳмонларингдирлар. Уларнинг бири — кўзи очиқ олим бўлиб, сени катта йўлнинг кўрсаткичлари бўйича олиб юради ва сени тоза, тиниқ булоқларга олиб келади. Иккинчиси эса, кўзи кўр, нодон бўлиб, сени сувсиз саҳронинг ўртасига олиб бориб туширади. Бу икки кўрсатувчининг қайси бири моҳирроқ, устароқ ва қайси бирига эргашиш лозимроқ экан. Яхши кўрсаткичлар билан тўғри йўлда кутилганми ёки адашиб, эгри йўлда тутилганми? Билингки, ҳавою ҳавасни ақлнинг ўрнига танлаш адолатдан эмас. Ақлнинг тарафи тонг шафақидек оқ, ҳаваснинг шарафи тундек қора. Сенга бир юзланса яхшими, ёмонми, қара-чи, унга иккинчисининг қайси бири мойилдир ва қабул қилур, ҳавасми ёки ақлми? Агар ақл бўлса, унда уни севиш ва унга ёпишиб олиш қандай муносиб, у (ақл)нинг бўйнига қўлингни сол, бўшатма... Агар ҳавою ҳавас бўлса,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ундан арслондан қочгандек қочгин. Қорадан ҳазар қилгандек ҳазар қилгин. Агар уни барча сени севинтирувчи нарсалар билан ҳамроҳ кўрсанг ва агар сенга иккаласининг ўртасидаги бирор иш юзланса, ойдинлаштириш ва сабр қилиб чин кўнгилдан тўғри маслаҳат берувчиларга мурожаат қил. Улардан бир ўткир фикр чиқса сенинг тилагинг ўшадир. Акс ҳолда ундай ишдан оладиган фойдангнинг орқасида бекинган зарардан ҳазар қил ва ундан қутулишга ҳаракат қил.

Аёл кишига унинг ҳусни-жамоли учун эмас, балки унинг покиза иффати билан чирой жаъм бўлгандагина ҳақиқий баркамоллик ҳосил бўлади. Баркамолликнинг бундан ҳам юксак чўққиси — агар эркак бир аср умр кўрса ҳам, уйланишдан ўзини тия олишликдир[1].

«НАВОБИҒ УЛ-КАЛИМА» (НОЗИК ИБОРАЛАР) РИСОЛАСИДАН

Сийратини гўзал сифат ва хулқлар безамаган одам, қанчалик чиройли кийинмасин, барибир кўркам бўла олмайди.

Хайр-саховат, фазилат соҳибининг фарзанди ҳурмат ва шоншарафга сазовор ва муносибдир, чунончи дур садафга нисбатан қимматлироқдир.

Сахий ва сидқидил кимсанинг дилидан бошқа нарсани сирларинг сандиғи қилма.

Эзгулик, хайрли ишларга астойдил кириш, уларни пайсалга солиб, кейин қиларман деган ўйлардан воз кеч, шайтон йўлдан урадиган шошма-шошарлик билан эмас, тафаккур ва идрок билан иш тут. Ўзингга зарур бўлган ҳар қандай нарсани сотиб ол — бу эркак кишининг мурувватини, қудратини, эрлигини кўрсатади. Чунки ўша нарсани бировдан сўрасанг, у сен сўраган нарсанинг бошқачароғини беради, сотиб олганингда эса, ўзингга керагини оласан.

Ёмон, хасис киши ҳар қандай жойда лаънатланади, сахий, карим киши ҳар жойда иззат-икромда бўлади.

Ҳалолу покиза киши доимо хотиржам, тинчдир, бировга ёмонлик ва хиёнат қиладиган киши мудом беҳаловатдир.

Қурт-қумурсқалар арслон боласини талагани каби, олижаноб ва қимматли одамнинг «гўштини» ҳасад аҳли «ейди».

Ёмои, норасо эътиқод билан қилинган эзгу иш — сароб, ҳеч қандай фойда бермайди. Риё бор ҳар қандай ишда зиё йўқдир.

Ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари томонидан ислоҳ қилинур, чунончи, еру кўк фақат тегараси қутблари атрофида айланарлар.

Ловуллаб ёнаётган оловни сув ўчирганидек, нодон одамлардан чиқаётган алангани ҳакиму оқил одамлар сўндирадилар.

Сени касодга учрашдан огоҳ қилувчи кишига лутф билан

---

[1] Ҳикматлар гулдастаси. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1982, 186—256- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

муомалада бўл. Қўрқма, зарари йўқ, деб юпатувчилардан узоқроқ бўл.

Тил билан етказилган жароҳат, қилич билан етказилган жароҳатлардан оғирроқдир.

Ҳайвонга яхшилик қилсанг — севинади, ҳайвон севинса эгасини тепади.

Бахилу хасиснинг қўли очилмас, токи тил билан қаттиқ гапирилмагунча, тоғдаги бойликларни қазиб бўлмас, токи темир билан қаттиқ урилмагунча.

Қанча одамлару қавмлар борки, сизга ип каби эшилиб, мулозамат қиладилар, лекин улар пайт пойлаб, фасод ҳам чиқаришга интиладилар. Агар сенга нисбатан ўз биродаринг бирор хиёнат қилса, унга яқинлашишдан ўзингни тий, унинг ҳийласидан ўзингни муҳофаза этишга ҳаракат қил.

Такаббурлик ҳеч бир кимсанинг қадр-қиммати ва улуғворлигини зиёда қилмайди, такаббурлик — довулдан бошқа нарса эмас.

Илмли, маърифатли одам такаббурлик қилувчи нодон кимсаларнинг бурнини тупроққа тўлдирур.

Мард ва олижаноб кишининг энг гўзал фазилатларидан бири — ўз биродарининг айбларини бекитиб, унинг барча ишларини бамисоли ўзининг ишлари ўрнида кўриб, иш тутишдир.

Ўз дининг ва шарафингни сақлайдиган нарсаларни қаттиқ тут, ўзинг учун қулайроқ, енгилроқ бўлган нарсани олма, бинобарин, машаққатига яраша савоби ҳам бўлади.

Қимки бахт-иқболли, солиҳ кишиларнинг этагидан тутса, албатта у мурод-мақсадига етишар, хайру барака топар.

Қимки денгиз тўлқинларини бошидан кечириб сафар қилмаса, турли-туман ташвишу машаққатларнинг «сувидан» ичмаса, у ҳақиқий роҳату фароғатга муяссар бўла олмас. Ўз ваъдасида турмайдиган, турли важ-карсонлар кўрсатувчи кимса мард ва ҳимматли инсон бўла олмас. Вақти-соати ўтгандан сўнг ижро бўладиган ваъдада ҳеч қандай хайрлик бўлмас.

Тоғ чўққисига чиққан киши ундан йиқилувдан кўпроқ огоҳ бўлиб турмоғи лозим.

Ҳақиқат ва адолат билан тўғри сиёсат юргизмаган ҳар бир ҳукмдор пировардида қаттиқ азоб-уқубат ва балога гирифтор бўлғуси.

Котиб хати билан қоғозни қоралаш (яъни ёзиш) соҳибжамолнинг ёноғини (бўса билан) қизартиришдан кўра ҳам ёқимли[1].

УМАР ХАЙЁМ
(1048—1123)

Шарқ шеъриятининг йирик вакили, файласуф, математик ва астроном мавлоно Умар Ҳайём 1048 йилда Нишопур шаҳрида

[1] Аз-Замахшарийнинг «Нозик иборалар» китобидан намуналар. Арабчадан У. Уватов таржимаси. «Шарқ юлдузи» ойномаси, 1992 йил, 7-сони.

www.ziyouz.com kutubxonasi

салтанатининг маркази, ўша даврнинг машҳур олим ва шоирлари тўпланган жой — Марвда анча вақт яшади ва ижод қилди. Асириддин Ироқи Ажам ва Озарбайжонда 40 йил яшаб, бир неча шаҳарларда, жумладан, Рай, Исфаҳон, Ҳамадон, Ширвон Холхол, Табриз, Қўҳистон ва Саробда бўлди, бу ердаги шоиру фозиллар бнлан танишиб, улар билан яқин алоқа боғлади. Унга Қизил Арслон ҳукмронлиги даврида «Малик уш-шуаро» («Шоирлар подшоси») ва «Амири шуаро» («шоирлар амири») деган унвонлар берилган.

Асириддин Ахсикатийнинг ҳаёти анча оғир кечган — у доимий муҳтожликда, ғурбатда яшаб ўтган. Ахсикатий 1198 йилда ватанидан йироқда, Озарбайжоннинг Холхол қишлоғида вафот этади.

Маълумотларга кўра, Асириддин ал-Ахсикатий жами 13300 мисра шеър ёзган бўлиб, шундан 8678 мисраси қасида, 2882 мисраси ғазал бўлиб, қолганларини қитъа, рубоий, фард, таржеъбанд каби шеърий асарлар ташкил этади.

Тадқиқотчи А. Исматовнинг ёзишича, Асириддин ал-Ахсикатийнинг энг қадимий қўлёзмаси, жумладан, 1313 йилда хаттот Абдулмўмин ал-Улвий Қоший томонидан кўчирилган шеърлар девони нусхаси ҳозирги кунда Лондондаги «Индия Офис» кутубхонасида, бошқа бир қўлёзмаларининг икки нусхаси Берлин, икки нусхаси Теҳрон кутубхоналарида сақланмоқда. Унинг яна иккита қўлёзмаси мавжуд бўлиб, у Душанбедаги Фирдавсий номли республика кутубхонасида сақланади.

Шуни таъкидлаш керакки, Асириддин ал-Ахсикатий умрида бирон-бир ҳукмрон саройида муқим турмади. Ҳамадон ҳокими Муҳаммад Салжуқ ва Озарбайжондаги йирик ҳукмронларни мадҳ этиб қасидалар ёзган бўлса-да, сарой билан доимо боғлиқ бўлмагани учун уларда кўпроқ ўзининг эркин, дадил мулоҳазаларини баён этган, баъзи қасидаларида саргардонликда чеккан азиятлари, машаққатли ўтган умридан қаттиқ зорланади. Бошқа бир қасидасида ватандан жудолигу дўстлардан йироқда ўтган ёшлигини қўмсаб, ўша давр тавсифи, руҳий кечинмалари, ҳаёт ҳақида чуқур фалсафий мушоҳадалар юритади.

Асириддин ал-Ахсикатий ўз ғазалларида шоир-олим сифатида намоён бўлади. Унинг ғазалларида ахлоқ, одоб, инсоний фазилат, ватан туйғуси, ишқ-муҳаббат, илм-маърифат, ор-номус, замондан шикоят, ўзи яшаётган муҳит иллатларини рўйрост танқид қилиш, фош этиш кенг ўрин олган.

Шунингдек, Асириддин ал-Ахсикатий шеърларида танқидий руҳ билан бирга ҳаётга, гўзалликка, шодликка меҳр ҳам хийла кучлидир. Бунга мисол тариқасида, унинг маъшуқанинг лутфи назокатию висол онларининг завқини тараннум этувчи қуйидаги ғазалини келтирамиз:

Ба тана бу дам имрўз чун нотавоне,
Шудам бо рафиқе суи бўстоне,
Зи ҳар сў, кн кардам назар гулистоне,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дарахтони бўстон арўсону ҳар як,
Кушод аз замин лолагун бар баёне.

Мазмуни: Бутун вужудим-ла нотавон бўлган бу кун бир дўст билан бўстон сари юзландим. Қайси томондан лолазорга боқмайин, кўзим гулистонга тушди. Лоларанг заминдан бош кўтарган ҳар бир дарахт келинчакларни эслатади.

Асириддин ал-Ахсикатийнинг асарлари ўтмишда яратилган тазкиралар, баёзлар ва турли тўпламлардан жой олган. Унинг ижодий меросини тадқиқ ва тарғиб этишда Давлатшоҳ Самарқандий, Муҳаммад Рованди, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Шоҳид Содиқ, Шарифжон Маҳмуд, Е. Э. Бертельс, И. Ҳидоятов, А. Исматов, И. Қосимов, Ҳ. Ҳомидов сингари олимлар, шоирлар ва мутафаккирларнинг хизматлари беқиёсдир.

АҲМАД ЮГНАКИЙ

Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида таълимий-ахлоқий жиҳатдан энг юксак саналган асарлардан бири Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар совғаси») асаридир. Мазкур асар мазмунини ҳам ўз даврининг ижтимоий, сиёсий, диний, ахлоқий, иқтисодий масалалари ташкил этиб, унда ўша даврдаги таълимий-ахлоқий асарларда бўлгани каби билимлилик, адолат, саховат, мурувват каби хислатлар улуғланади, етук инсонни тарбиялаш ғояси илгари сурилади.

Аҳмад Югнакийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида жуда оз маълумотга эгамиз. Аммо бу маълумотлар ҳам бевосита асарнинг ўзида баён этилганларидир.

Аҳмад Югнакий «Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг сўнггида ўзи ҳақида маълум маълумотлар қолдирган:

Адиб Аҳмад отим, адаб, панд сўзим,
Сўзум мунда қолур, борур бў ўзум.
Адибнинг ери оти Югнак эрур,
Сафолиқ ажаб ер кўнгуллар ёрур.
Отаси оти Маҳмуд Югнакий,
Адиб Аҳмад ўғли, йўқ ул ҳеч шакли.

Юқоридаги мисралардан адибнинг оти Аҳмад, отасининг оти Маҳмуд, у туғилиб ўсган жой Югнак эканлиги кўриниб турибди. Лекин Югнак деган шаҳар қаерда эканлигини баъзилар Фарғона водийсида (Е. Э. Бертельс) деса, баъзилар Самарқанд вилояти туманларидан бирида бўлиши керак (В. В. Бартольд), деб кўрсатадилар. Аҳмад Югнакий асарини нашрга тайёрлаб, унинг ижодини тадқиқ этган олим Қ. Маҳмудов эса тарихий манбаларга, хусусан, Ибн Ҳавқал ҳамда Арат Раҳматий Ибнул Яқуб фикрларига таяниб, Югнак «Арноқ», «Агнак» шаклларида ёзилган бўлиб, Самарқанд атрофида жойлашганлиги ишончлироқ эканлигини таъкидлайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мунаққид манбаларга асосланган ҳолда «Ҳибатул-ҳақойиқ» Тўғрул Қилич Сипоҳсолар бекнинг номига атаб ёзилганини келтириб, унинг ёзилган вақти тахминан XII аср охири ва XIII аср бошларига тўғри келишини таъкидлайди.

Бизгача асарнинг бешта нусхаси етиб келган бўлиб, уларнинг учтаси тўлиқ сақланган, иккитаси эса айрим парчалардан иборат. Асарнинг тўлиқ нусхалари Ҳирот ва Истамбулда XV, XVI асрларда кўчирилган бўлиб, Абдураззоқ Бахши томонидан кўчирилган Истамбул нусхаси эса асарда 1480 йил деб кўрсатилгани билан диққатга сазовордир. «Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг тўлиқ нусхалари Туркия кутубхоналарида, парчалардан иборат бир нусхаси Берлинда сақланади. Асар 256 байт, 512 мисрадан иборат.

Асар 1915—1916, 1925 йилларда Нажиб Осим томонидан Истамбулда, яна шу нашр асосида 1951 йили Арат Раҳматий томонидан нашр этилди. 1971—1972 йилларда Қ. Маҳмудов томонидан Тошкентда ва бирин-кетин Пекин (1980), Олмаота (1984) шаҳарларида ҳам нашр этилди.

Асар қисқарган ҳолда Тошкентда 1986—1987 йилларда баъзи тўпламлар таркибида нашр этилди.

«Қутадғу билиг» каби, бу асар ҳам, қорахонийлар ҳукмронлиги даврида ёзилиб, мамлакат маънавий ҳаёти муаммоларига бағишланган. Унинг мазмуни ҳам дидактик характерга эга бўлиб, буни «Ҳибатул-ҳақойиқ» мундарижасининг ўзиёқ кўрсатиб турибди.

Асар ўн тўрт бобдан иборат. Достоннинг дастлабки тўрт боби анъанага кўра муқаддима бўлиб, бешинчи бобдан асосий қисми бошланган. Бу бобларда, асосан, билимнинг аҳамияти, жаҳолатнинг зарари, тил одоби, дунёнинг фонийлиги, саховат ва баҳиллик, камтарлик ҳамда ахлоқлиликнинг энг муҳим хусусиятлари тараннум этилади.

«Қутадғу билиг» асари каби Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» асарида ҳам марказий ўринда инсон, уни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш масаласи туради.

Етукликнинг биринчи белгиси билим бўлганидек, Аҳмад Югнакий ҳам асарнинг биринчи бобидаёқ илм манфаати, илмсизликнинг, жаҳолатнинг зарари ҳақида фикр юритади. Адиб илмли киши билан илмсизни бир-бирига таққослаш воситасида илм-маърифатнинг фойдалилигини ёритиб беради. Масалан, у билимли кишини қимматбаҳо динорга, билимсизни қимматсиз мевага, билимли кишини суякдаги иликка ўхшатиб, эр кишининг кўрки ақл, дейди. Илмли киши илми билан машҳур бўлиб, номи ўчмагани ҳолда, илмсиз эса ҳаёт бўлса ҳам, номи ўликдир, билим эса кишини юксакларга кўтарса, илмсизлик тубанликка туширади, деб таъкидлайди. Буни қуйидаги мисраларда кўрсатади:

Билик бирла бил(и)нур саодат йўли,
Билик бил саодат йўлини була.

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Билим билан саодат йўли очилади, шунга кўра, илмли бўл, бахт йўлини изла),

Баҳолик динар ул биликлик киши,
Бу жоҳил биликсиз баҳосиз биши,

(Билимли киши (қиммат) баҳолик динордир, илмсиз, жоҳил киши қимматсиз емишдир (мевадир).

Биликсиз йиликсиз сўнгак тек холи,
Йиликсиз сўнгакка сунулмас элик.

(Илмсиз иликсиз сўнгак каби бўшдир, иликсиз еўнгакка эса қўл урилмайди).

Билик бирла оълим юқор йўқлади,
Биликсизлик эрни чўкарди қўди.

(Билим билан олам кўтарилди, илмсизлик эса кишини тубанлаштирди)[1].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Аҳмад Югнакий билимли кишиларни мукаммал киши санайди. Чунки билимлилик барча яхши ишлар, эзгуликлар манбаи бўлса, билимсизлик жоҳиллик ёки ёмон ишларга асос бўлади.

Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» асарида ҳам бошқа таълимий-ахлоқий асарлар каби инсонни баркамол этишнинг иккинчи белгиси бу унинг хушхулқлигидир, дейилади. Шунинг учун адиб асарда ахлоқлиликнинг таркибий қисми саналган тилни тийиш,мол-дунёга ҳирс қўйишнинг оқибатлари, саховат ва баҳиллик, камтарлик ва кибру ҳаво ва очкўзлик ҳақида, зулм ва жиноят йўлидан сақланиш ҳақида, ҳаром ва ҳалолни фарқлай олиш, эътиқод ва садоқат каби муҳим масалалар устида фикр юритади.

Аҳмад Югнакий инсон ахлоқлилигини кўрсатувчи муҳим белгилардан биричиси тил одоби деб билади.

Тилни тиймасликнинг ёмон оқибатини

Тилинг бекта тутғил тишинг синмасун,
Қоли чиқса бекта тишинг сиюр.

(Тилингни тий, тишинг синмасин, агар (сўзлаб юборсанг) тишинг чиқиб қолса, тишингни синдиради).

Сўзунг бўшлуғ эсма йиға тут тилинг,
Етар бошқа бир кун бу тил бўшлуғи.

(Сўзингни бўш қўйма, тилингни тийиб тут, эрк берилган тил бир кун бошингга етади).

Хирадликму (в) бўлур тили бўш киши,
Телим бошни еди бу тил сўз буши.

[1] Аҳмад Югнакий. Ҳибатул-ҳақойиқ. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи К. Маҳмудов. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1971, 40—43-бетлар. (Бошқа мисоллар ҳам шу нашрдан олинди.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тили бўш, заҳар кишининг ақли етук бўладими,
Тил ва сўзи бўш бўлса кишиларнинг бошини ейди).

Учуктурма эрни тилинг бил бу тил,
Бошоқ турса бутмас бутар ўқ боши.

(Қишини ўчакиштирма, унинг тилини бил, бу тил яраланса тузалмайди), деган мисраларда ҳаққоний ифода этади. Ва тилни тийиш йўлларини баён этади:

Кудазгил тилингни, кел оз қил сўзунг,
Кудазилса бу тил кудазлур ўзунг.

(Тилингни тий — сўзингни қисқа қил, тилинг тийилса, ўзинг ҳам сақланасан).

Инсонда икки нарса бўлса, унга мурувват йўли ёпилади, дейди адиб — бири беҳуда сўзларни кўп гапирса, иккинчиси, унинг сўзлари ёлғон бўлса. Шунга кўра адиб ёлғон ва кўп сўзлашнинг олдини олиш йўлларини баён этади.

Ёлғончи кишидан ўзингни узоқ тут, сен умрингни тўғрилик билан кечир, оғиз ва тилнинг безаги тўғри сўздир, сўзни тўғри сўзла, дилингни беза, деб, тўғри сўзни асалга, инсонни даволовчи шифога ўхшатади:

Тили ялғон эртин йироқ тур теза,
Кечур сен-ма умрунг кўнилик уза.

Оғиз тил безаги кўни сўз турур,
Кўни сўзла сўзни дилингни беза.

Кўни сўз асал тек бу ялғон басал,
Басал еб ачитма оғиз е асал.

Ё ялғон сўз йигтек кўни сўз шифо,
Бу бир сўз ўзаги урулмиш масал[1].

Адиб тўғри сўзлаш билан бирга сир сақлаш ҳақида ҳам фойдали насиҳатлар беради.

Инсон сир сақлай олиши кераклиги, ҳатто дўстга ҳам сир айтса, сири ошкор бўлиши мумкинлиги, чунки кишининг ўзида сақланмаган сир бошқада ҳам сақланиши мумкин эмаслигини ишонарли мисоллар билан тушунтиради:

Қатиғ кизла розинг киши билмасин,
Сўзунгни ўзунгга ўкунч кел(а) масун.

Эшим деб инонил сир айма сақин,
Неча ма инончлиқ эш эрса яқин.

Сериб сенда розинг сингиб турмаса,
Серўрму эшингда шуни кед сақин[2].

---

[1] **Аҳмад Югнакий.** Ҳибатул-ҳақойиқ. 50—51-бетлар.
[2] Уша китоб, 52-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Асарнинг тўртинчи бўлими саховат ва бахиллик оқибатларига бағишланган. Аҳмад Югнакий ҳам бошқа мутафаккирлар каби саховатни энг эзгу инсоний хислатлардан деб билади. Сахийлар ҳамма томондан улуғланиши, дунёда инсон фақат яхши ва эзгу ном қолдириши кераклигини таъкидлар экан, қўллар ичида инъом берувчиси бахтли (қўл)дир, ўзи олиб, бошқаларга бермаган (қўл) қўлларнинг қутсизидир, дейди. Бахилликни адиб даволаб бўлмайдиган касалликка ўхшатади.

Аҳмад Югнакий сахийликни камолот белгиси деб тушунтиради:

Бу будун тўлуси ахи эр турур,
Ахиллик шараф, жоҳ, жамол орттурур[1].

Сахийликка бахиллик, очкўзлик қарама-қарши қўйилади, бойлик тўплаб, емай-ичмай, бошқаларга бермай яшаган кишиларнинг мол-дунёси дўстга эмас, душманига буюришини қуйидагича ёритади:

Татурмас ошин-да туз дўстина,
Улур қолур ахир сир душмани[2].

Аҳмад Югнакий, камтарлик ҳам инсон етуклигини кўрсатувчи хислатлардан бўлиб, кибрлилик ва ҳарислик инсонни тубанлаштиради, ким ўзини баланд тутса, уни ҳеч ким ҳурмат қилмайди, тавозеъ — камтарлик, мулойимлик инсоннинг ҳуснидир, дейди.

У яхши хулқ-одобни шакллантириш ва ёмон иллатлардан сақланиш йўлларини ҳам тавсия этади. Масалан, бойлик тўплашга муккасидан кетган кишиларга мўътадил ҳаёт кечиришни маслаҳат беради:

Агар йиғдинг эрса умурлуқ тавор,
Бурун бошқа бўркни кияр бош керак.

Ҳарислик ма эрга ёвуз хислат бул,
Ҳарислик сўиги ғам ўкунч ҳасрат ул[3].

Адиб кишиларни сабр-тоқат, қаноат, тинч-тотувликка ундайди:

Бало келса сабр эт, фарроққа кутиб,
Қутуб тур фарраққа бало-ранж ютуп.

Учар меҳнат ўти, кечар навбати,
Қолур сабр идиси савобни тутуб.

Аҳмад Югнакий киши гуноҳ қилса кечириш, ғазаб ўтини иложи борича ўчириш зарур, дейди:

---

[1] **Аҳмад Югнакий.** Ҳибатул-ҳақойиқ. 64- бет.
[2] Уша китоб, 65- бет.
[3] Уша китоб, 70- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Адингланса тутнуб ғазаб инад ўти,
Ҳалимлиқ сувни соч ул ўтни ўчур.

Шоир бошлиқлар билан эҳтиёт бўлиб муомалада бўлиш керак, фойдасиз тортишувлар улуғларнинг ғазабини келтирса, кичикларнинг хулқини бузади, дейди.

Қудазгил, аё дўст, улуғлар ақин,
Осиқсиз жадал ҳам мизожтин соқин.

Улуғларни бушруб сенга бу мижоз,
Қичикларни густоҳ қилур бил яқин[1].

У кишиларни, айниқса, амалдорларни мартабага эришгач камтар, самимий бўлишни, мавқеини суиистеъмол қилмасликни насиҳат қилади:

Улуғлуғқа тегсанг енгилма ўзунг,
Қоли кейсанг атлас унутма бўзунг.

(Улуғликка етишсанг янглишма, агар атлас кийсанг, бўз кийганингни унутма).

Улуғ бўлдуғунгча тузунрак бўлиб,
Улуғқа, кичикка силиқ тут сўзунг.

(Улуғлигингга яраша яхшироқ бўлиб, улуғга, кичикка сўзингни силлиқ, мулойим қил)[2].

Адиб дўст-душманнинг фарқига етиш, яхши кишиларни дўст тутишни маслаҳат беради:

Минг эр дўстунг эрса ўқуш кўрмагил,
Бир эр душман эрса ани озлама[3].

(Мингта дўстинг бўлса кўп кўрма, биргина душманинг бўлса, уни оз дема).

Шунинг учун ҳам дўст танлашда ҳато қилмаслик кераклигини таъкидлайди. Шунингдек, доимо яхши кишилар билан ҳамкор бўлишни, кишининг ўзи ҳам эзгу, яхши ишлар қилиб яшаса, яхши натижага эришиш мумкинлигини таъкидлайди.

Аё эдгу умғон эсизлик қилич,
Тикан эйлаган эр узум бичмас ул[4].

(Эй, ёмонлик қилиб яхшиликдан умидвор бўлувчи, тикан излаган (қидирган) киши ҳеч вақт узум узмайди).

Баъзи тадқиқотчилар Аҳмад Югнакий асарида замондан норозилик кайфиятлари мавжудлигини айтадилар. Лекин адибнинг асаридаги қуйидаги мисралар мазмуни унинг замондан эмас, баъзи кишилардан, уларнинг хатти-ҳаракати ва хулқидан норози эканлигини кўрсатади. Масалан, у:

[1] **Аҳмад Югнакий**, Ҳибатул-ҳақойиқ. 76—77-бетлар.
[2] Уша китоб, 78-бет.
[3] Уша китоб, 78-бет.
[4] **Аҳмад Югнакий.** Ҳибатул-ҳақойиқ. 81-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йирарсан замонангни халқин кўдуб,
Замонангни йирма кишисинни йир[1].

(Халқингни қўйиб замонангни айблама,
замонангни эмас, балки кишиларини айбла) дейди.

Шунинг учун ҳам Аҳмад Югнакий кишиларга ярамас ишлар қилмаслик, тинч ва фароғатда яшаш, ҳалол бўлиш, очкўз бўлмаслик, ҳаромдан сақланиш кабилар ҳақида ҳаётий панд-насиҳатларни беради.

Хулоса қилиб айтганда, Аҳмад Югнакий ўзининг инсонни камолга етказиш ҳақидаги қарашларн билан педагогик фикр тараққиётида ўз ўрнига эга. У инсон камолоти учун муҳим бўлган ақлий ва ахлоқий қоида ва талабларни ўзида мужассамлаштирган «Ҳибатул-ҳақойиқ» асарида комил инсонни шакллантиришнинг ўзига хос тизимини яратди. Бунда у инсонни камолга етказишнинг энг муҳим ва асосий мезонларидан бири — инсоннинг билимга эга бўлиши, яъни унга ақлий тарбия бериш деб билди. Сўнг ахлоқий-маънавий камолотга етказувчи сўз одоби, инсондаги ҳалоллик, ростгўйлик, сахийлик, камтарлик, қаноат, самимийлик, чинакам дўст бўлишни энг муҳим инсоний хислатлар сифатида таърифлайди ва буларга қарама-қарши бўлган жаҳолат, бахиллик, очкўзлик, ёлғончилик, такаббурлик, золимлик, шошқалоқлик каби иллатларни қоралаб, уларнинг ёмон оқибатларини кўрсатади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» асари халқни, айниқса ёшларни маънавий камолотга йўллайди, ижтимоий ҳаётдаги кишилар ўртасидаги зиддиятларни аҳиллик, саховат, яхшилик билан ҳал этиб, ҳарислик (очкўзлик), бахиллик, жаҳолатни илм-маърифат билан бартараф этишга даъват этади.

«Ҳибатул-ҳақойиқ» даги маърифий-тарбиявий масалалар юксак бадиий маҳорат билан ифодаланган учун ҳам бу асар неча асрлардан буён ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

ШАЙХ НАЖМИДДИН КУБРО
(1145—1221)

Ўз даврининг забардаст мутафаккири ва етук тасаввуф шоири Аҳмад ибн Умар Абу-л-Жанноб Нажм-ад-дин ал-Кубро ал-Хевақи 1145 йилда Хоразмда дунёга келган. У ёшлигидан билимга чанқоқ бўлиб, бошланғич ва мадраса таълимини Хоразмда олади. Сўнг Мисрга бориб, у ерда шайх—саҳиҳ Рўзиҳон ал-Ваззан ал-Мисрийдан маърифатнинг уч асоси — шариат, тариқат ва ҳақиқат илмларини ўрганади. Кейинчалик у ўзининг билимлари доирасини кенгайтириш мақсадида Эроннинг Табриз шаҳрига жўнайди.

Табризда у имом Абу Мансур Ҳафдан «Шарқ ас-сунна» илмини, шунингдек, мумтоз устозлари — шайх Бобо Фараж, Аммор

[1] **Аҳмад Югнакий.** Ҳибатул ҳақойиқ, 84- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яссир, Исмоил Қасрий каби буюк донишмандлардан тасаввуфга оид кўпгина зоҳирий ва ботиний илмларни ўрганади.

Табризда шайх Исмоил Қасрий унга «Кубро», яъни «Улуғ» лақабини (шарафли номни) беради. Шундан сўнг ўз юрти Хоразмга — Гурганжга қайтган Нажмиддин Кубро «Кубравия тариқати» га асос солади, сўфийликка оид бир қанча асарлар ва тасаввуфий мазмундаги рубоийлар ёзади. Шайх Нажмиддин Кубронинг «Заҳобия» тариқат мактабида Мажидиддин Бағдодий, Фаридуддин Аттор, Баҳоуддин Валад (Жалолиддин Румийнинг отаси), Саъдаддин Ҳамавий, Бобо Камол Жондий, Шайх Розияддин Али Лола, Сайфиддин Баҳарзий, Нажмиддин Розий каби буюк тасаввуф шоир ва воизлари таҳсил кўришган. Шу тариқа у ўз мактабининг довруғи билан бутун Шарқда «Шайхи валитарош»— авлиёлар тарбиялаб етиштирувчи мўътабар шайх ва мударрис сифатида шуҳрат қозонди.

Нажмиддин Кубронинг қаламига мансуб асарлар 8 та бўлиб, шундан Қуръон шарҳига бағишланган тафсир —«Айн алҳаёт» ва шогирдлари учун ўгит-насиҳатлардан иборат «Фи алададаб» («Одоб қоидалари») рисолалари ҳамда 25 та рубоийси бизгача етиб келган. Алломанинг рубоийларидаги асосий ғоя комил инсонни тарбиялаш, одамни ҳалокатга бошловчи нафс, хусумат, гумон, таъна, нифоқ, риё, фосиқлик каби ёмон феълатвордан халос бўлиб, фақат яхши ишлар қилишга, руҳий покликка чорлашдан иборатдир.

РУБОИЙЛАР

Ҳар сабзаки сув яқосида юз очмиш,
Бир руҳи фариштадир магар, кўз очмиш.
Бир ҳоки парвашки, ёмон қўйма қадам,
Бу гўшаки чун лолаву наргис очмиш...

Чун шарбати ишқинг била дил маст бўлгай,
Ҳам ҳажри-фироқнинг ила ул паст бўлгай.
Илкинг узатиб, сен бу йиқилганни кўтар.
Нест бўлган ўшал тан ва кўнгил хаст бўлгай...

Ишқ етса кўнгилга, дилга дар айлар,
Дарди дили мардни боз мард айлар.
Сўз оташи ишқида ёнар ул, вале,
Дўзахни чу ўзгалар учуи сард айлар...

Ҳар лаҳза бу мардонаю фарзона кўнгил,
Ёнгай сенинг ишқинг билан жонона кўнгил.
Бир лаҳза муҳаббат майини тарк этсам,
Тўлгай шу жигар қонига паймона кўнгил...

Ул дев ичимдадир, чу пинҳон эрмас,
Қул бош кўтариб юрмоғи осон эмас.
Аймонини минг—ҳазор бор талқин қилдим,
Ул кофир ўзи асли мусулмон эрмас...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чун ҳар неки йўқ ... йўқдир бу—боду ҳавас,
Чун неки бор, бори—нуқсону шикаст.
Билгилки, у йўқ деганлари — бор, ҳаёт,
Қўргилки, у бор демишлари — йўқ, абас...[1]

«Фи ал-адаб» («Одоб қоидалари») рисоласидан

... Дунёнинг бир қисмини кезиб чиқдим, кўп ишларни тажриба қилдим, қийинчиликларга йўлиқдим, кишилар билан суҳбат қурдим, улуғ ишларга қадам босдим, нарса-ҳодисаларнинг аччиқ-чучугини тортдим, китобларга мурожаат қилдим, олимлар хизматида бўлдим, умримни дунё- излаш билан зое ўтказдим, ажойиботларни кўрдим. Кўрдимки, умр ва дунёдан кўра тез, шошилиб йўқ бўлиб кетадиганроқ, ўлим ва охиратдан кўра яқинроқ, орзудан кўра узоқроқ, хотиржамликдан кўра гўзалроқ нарса йўқ экан. Дунё-ю охират яхшилигини қаноатда, дунё-ю охират ёмонлигини эса таъмада кўрдим.

Шариат ва диннинг пойдевори сабр ва ишонч экан.

Ҳамма фузало-ю, фусаҳо, мунажжиму билимдонларни бир чивин қанотини яратишдан ҳам ожиз, боши айланган, ночор ... ўз ожизлиги ва нуқсонини тан олган кўрдим...

Бас, яратиш, буюриш, билим ва қудрат соҳиби ҳар қандай нуқсонлардан покдир.

... Оллоҳ билимдон, қудратли, мислсиз. У ҳар нарсани эшитиб, кўриб турувчидир. Энг гўзал безак тавозелик, энг хунук нарса бахиллик экан.

Ҳусни хулқ (чиройли хулқ)дан кўра яхшилик қўшадиганроқ, ҳасаддан кўра ёмонлик устига ёмонлик қўшадиганроқ нарсани кўрмадим.

Кўрдимки, энг ноёб неъмат ростгўйлик ва қаҳрамонлик, энг оғир оғриқ эса ёмон ва мунофиқ дўстлар экан.

Подшоҳлар қалбларидаги қаттиқроқ дийда, камбағал учун ямоқларни бир-бирига улашдан кўра чиройлироқ зийнат кўрмадим.

Тўғри сўзликдан кўра гўзалроқ зийнатни кўрмадим.

Ибодатларнинг энг афзали фарзларни адо қилиш, одатларнинг энг маъқули ва чиройлиги эса гуноҳлардан, одамларга озор беришдан тийилиш экан ....

... Вақтни «эссиз», «қанийди», «кошкийди» лар билан ўтказган кишининг умри энг қисқа умр экан.

Муваффақиятни саъй-ҳаракатда, муваффақиятсизликни эса лоқайдлик ва дангасаликда, балони тилда, ҳаловатни эса сукутда кўрдим.

Хору зорликни махлуқлар хизматида, азизу мукаррамликни эса Холиқ хизматида бўлишда кўрдим.

Қизиқувчини (кўнгил берган) машғул, зоҳидни эса бекору фориғ, хоҳловчини излаётган, даъвогарни ёлғончи кўрдим.

---

[1] **333 Рубоий.** Тошкент, «Нур» нашриёти, 1991, 49—53- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Очкўзни маҳрум, дунёпарастни ғамгин кўрдим. Энг яхши савол-жавобни кишининг ўз нафси билан ҳисоблашишда, оқилни охиратга, жоҳилни дунёга интилишда кўрдим. Нафсни шармандалик ва дўзах сари (одамларни) ҳайдашда кўрдим. Очкўзлик ва гуноҳкорлик ботқоғига ботганларни, исрофгарларни кўрдим. Жаннатга киришни ҳалол ейиш ва маҳол (амримаҳол — бажариб бўлмайдиган ишларни тарк қилиш)да кўрдим. Дўзахга йўлни эса ҳавойи нафсда кўрдим.

Кўрдимки, шайтоннинг халойиққа султон бўлиб олиши дунёни яхши кўришликда экан. Уликлардан, уларнинг ҳолатлари, (қолган) уйлари ва молу давлатларидан ибратланмаган кимсаларни нодонликда, Оллоҳ белгилаб қўйган ҳадлардан ошган кимсаларни эса бахтсизликда кўрдим.

Кўрдимки, инсонга келадиган барча офатлар тилда экан.

Кўрдимки экмаган ўрмайди.

Шафқат қилмаганга шафқат қилинмайди.

Алданишдан сақланинг. Сақланинг.

Кўрдимки, энг яхши дўст илм экан ... ақлни эса яхшиликларга чорлашда кўрдим ...

Кўрдимки, ўз-ўзини тарбиялай олган ва шаҳватлардан тийила олган киши энг кучли шахс экан.

СУЛАЙМОН БОҚИРҒОНИЙ

(туғилган йили номаълум, тахминан 1186 йили вафот этган)

Сулаймон Боқирғоний Хоразмнинг Боқирғон қишлоғида таваллуд топган. Боқирғоний асарларида инсон камолоти ва маънавий етуклиги тўғрисидаги мулоҳазалар илгари сурилади. Илму маърифатнинг сўнгги манзили ҳақиқат бўлиб, унга таҳсил ила эришган киши — ахлоқий покликка ва маънавий етукликка эришган комил инсон ҳисобланади. Унингча, илм-маърифат кишиларни инсонийликка, саховатлиликка, ҳамдардликка ва меҳрмуҳаббатга олиб келувчи воситадир.

Мутафаккир адаб-ахлоқ ҳақида гапирганда, инсонда гўзал хулқ, нафси зоҳир ва нафси ботинни тарбия қилмоқни назарда тутиб, шариат адаби, тариқат адаби, маърифат адаби, ҳақиқат адабини узвий боғлиқ ҳолда олиб қарайди. Зеро, шоирнинг «Адабсизлик қилмағил, осий бўлма тедиё» мазмундаги инсоний гўзал фазилатларга даъват этилган ҳикматларини ҳар киши ўз ҳаётига татбиқ қилиши лозим. Айниқса, ҳозирги пайтда — жамиятимизда маънавий ва руҳий тарбия ишларига алоҳида эътибор берилаётган бир даврда Боқирғонийнинг тарбиявий мазмундаги панд-насиҳатлари диққатга сазовордир.

Фаҳмли ўқувчи англайдики, Сулаймон Боқирғоний асарларида илгари сурилган инсонпарварлик, баркамоллик, меҳнатсеварликка ва сабр-тоқатли, инсофли, диёнатли бўлишга ундовчи, инсон ақл-заковатига бўлган ишонч, инсоннинг маънавий кучи ва қобилияти, маънавий-руҳий поклиги хусусидаги мулоҳазалари, инсон «ақли комил» ва «маърифатли шомил» бўлиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

учун «шариат илмин билиб» сўнгра «илм бирла тариқат йўлин тутиш» тўғрисидаги илғор ғоялари ўзининг қимматини ҳозирда ҳам йўқотмаган.

Маърифат дарёсида ғаввос бўлуб,
Муҳаббат гавҳарларин олғум келур.
Тарнқат майдонинда парвоз қилиб
Ул Тубо дарахтиға қўнғум келур.
Ул бозорда дўконлари бил иродат,
Мояси маърифат бирла қилғу суҳбат.
Даллоли эътиқод бирла хизмат,
Йўқ эрса, сотуғини қилса бўлмас.
Уйқуни ҳаром қилғил, узун тунда,
Молингдин закот бергил, бу кун мунда.
Қиёмат бергай сенга ёрин анда, ўғил-қизинг,
илм ўргансун, бер устозга
Шариат бозоринда таҳсил керак,
Тариқат бозоринда тақсир керак.
Ҳар ким кўрсанг Хизр бил,
Ҳар тун кўрсанг қадр бил.
Қўтаргил бошингдин бу кибру мани,
Қадамни росту «Ман»ни куни урмоқ керак.
Манманликни ўзинг эзгу сонма,
Халқа ичра халққа заҳмат сан киргузма.
Қуллуқсиз бўлмасдир экан дийдор,
Эмгаксиз эр муродиға қачон етор!
Ғаввос кируб уммонға гавҳар тобор,
Ранжу ганж истаюбон борму?
Ошиқ бўлур ул киши, чекса ишқ сояси,
Ранжу бирла меҳнат ул, ошиққа ишқ дояси.
Йўл узоқдир, тун қитиғ, қилғил жонингни
Тубсиз денгиздир батиғ, муҳаббатнинг дарёси.
Керак бўлса гавҳардир, жойдин кечиб қадам ур,
Жондин қўрқсанг йироқ тур, ҳозирдир вақт эгаси.
Умринг ўтти йўқ ҳосил, нега ётурсан ғофил,
Агар мардсан бўл ҳозир, саҳар вақти бўлғонда.
Иймон шаъмин ёндир сан, руҳинг сувга қондир сан,
Мунглуғ зорин олғил сан, саҳар вақти бўлғонда.
Саҳар вақтидир соат, турғонча бўлғай роҳат,
Очилур давлат-дед саодат, саҳар вақти бўлғонда.
Белингга боғлағил ҳиммат қўрин,
Сақлағил, нелар йиқор бизга ёрин.
Ҳақ фармонин тутинглар, ҳаром шубҳа еманглар,
Қиши молин олманглар, тебон жавоб бердиё[1].

[1] **Сулаймон Боқирғоний.** Боқирғон китоби. Шеърлар ва достон. Тошкент. «Ёзувчи» нашриёти, 1991 й. 3, 43-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУСЛИҲИДДИН САЪДИЙ

Муслиҳиддин Саъдий Шарқ мумтоз маданиятининг бутун дунёга машҳур йирик намояндаларидан.

Шарқ ва Ғарбда Шайх Саъдий номи билан улуғланган бу буюк инсоннинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Мушрифиддин ибн Муслиҳиддин Саъдий Шерозийдир. «Шайх» лақаби донишманд шоирнинг ижодий довруғи Шероздан Қашқару, Хитой, Ҳиндистон ва Миср, ундан Шимолий Африкагача ёйилгани учун ҳам устоз маъносида берилган.

Саъдий ижодининг тадқиқотчиси ва таржимони Ш. Шомуҳамедовнинг таъкидлашича, унинг номи, туғилган йили, тахаллуси турли манбаларда турлича кўрсатилган. Баъзи манбаларда Мушрифиддин ибн Муслиҳиддин Абдуллоҳ, баъзиларида эса Муслиҳиддин Саъдий Шерозий дейилган.

Туғилган йилини 580 ҳижрий (1184 милодий), 589 ҳижрий (1193 милодий), ҳатто 1204 милодий деб кўрсатишади.

«Саъдий» тахаллусини ҳам тадқиқотчиларнинг баъзилари форс Отабек ҳокимлари сулоласини бошлаб берган Саъд бинни Зангидан, бошқалари эса Саъд II, яъни Саъд ибн Абубакр томонидан олган дейишади.

Унинг ёши ҳақида ҳам турли фикрлар мавжуд. Баъзилар 102 ёшга кирган деса, баъзи манбаларда 120 йил умр кечирган дейилади. Саъдийнинг вафот этган йилини 691 ҳижрий (1291—1292 милодий) деб кўрсатилади[1].

Саъдий Эроннинг қадимий шаҳри — Шерозда туғилади. Отаси Шероз ҳокими Отабек Саъдийнинг мулозимларидан бўлган. Саъдий отадан ёш етим қолади. Унга сарой нафақаси белгиланади. У бошланғич маълумотни Шерозда олгач, Бағдодга кетади ва у ерда машҳур «Низомия» мадрасасида ўқийди. Саъдий мадрасада араб грамматикаси ва адабиёти, форс адабиёти, Шарқ фалсафаси ва бошқа фанларни ўрганади. Мадрасани битиргач, саёҳат қилади.

Шоирнинг узоқ йиллар турли ўлкаларда саёҳатда юрганлигининг сабабини унинг қуйидаги шеърини мисол келтириб, Чингизхон босқини сабабли бир жойда муқим яшай олмаган, деб талқин қиладилар:

Билмак истайсанми, на учун бундай —
Узоқ йиллар юрдим ғурбатда сарсон?
Мўғуллар дастидан йўқ эди тинчлик,
Зангилар сочидек чигалди замон.

[1] **Шомуҳамедов Шоислом.** Форс-тожик адабиёти классиклари. Шарқ адабиёти классиклари ҳақида суҳбатлар. Тошкент, Ўзадабийнашр, 1963, 114—115-бетлар. Мушрифиддин Саади. Гулистан. Подготовка текста, вступительная статья и примечания Рустама Алиева. М., 1957, 5-бет. О р и ф и М. Аз таърихи афкори педагогии халқи точик. Нашриёти давлатии адабиёти таълимий-педагогии РСС Точикистон, Душанбе, 1962, 43-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қиёфаси одам кўринур, аммо —
Бўридек бир-бирин еярди инсон[1].

Лекин бизнингча, Саъдий мўғул босқинчиларининг зулмидан ҳамма ерда ҳам қочиб қутила олмас эди. Унинг сафари сабаби эса биринчидан, барча буюк алломалар каби шоир ҳам жуда кўп ўлкаларда сафарда бўлиб, ўз илмини оширади, ҳаётни ўрганади, олиму фузалолар билан мулоқотда бўлади, иккинчидан, шайхлик номи ҳам бесабаб берилмаган бўлса керак, дарвешлик либосини кийиб, сўфийлик талабларини бажариб дунёни кезган, ҳаёт аччиқ-чучугини ўз танида татиб кўрган. Зеро, 1255 йилда Шерозга қайтиб, «дунё ғавғоларидан» четда, шаҳарнинг бир чеккасидаги Шайх Абу Абдуллоҳ Хафиф хонақасида фақирона ҳаёт кечирган.

Саъдийнинг барча асарлари 19 бўлимдан иборат куллиётида тўпланган. Бу тўплам унинг вафотидан 37 йил ўтгандан сўнг Али бинни Аҳмад бинни Абубакр Бесутун деган киши томонидан тўпланган. Лекин кейинчалик яна шу Бесутун куллиётни қайтадан тузиб, ғазал ва бошқа майда шеърларни радифи ва қофиясига қараб алфавит тарзида жойлаштирган. Саъдийнинг куллиётига 4 девон (ғазаллар тўплами) киритилган.

Энг машҳури учинчи, «Ҳавотим» деб номланувчи девондир. Тадқиқотчилар томонидан Шарқда радиф ва қофиясига қараб алфавит тарзида девон тартиб бериш Бесутундан бошланган бўлса керак, деб тахмин қилинади[2].

Саъдийнинг «Гулистон» (1258) ва «Бўстон» (1257) асарларидаги таълимий-ахлоқий қарашлари комил инсонни тарбиялашда жаҳоншумул аҳамиятга эга.

Саъдийнинг «Гулистон» асари Шарқ таълим-тарбия тарихида ўзига хос дидактик шоҳ асар сифатида тан олинган. Бу асар ҳаёт тажрибаси асосида ёзилганлиги билан ҳам қимматли. «Гулистон» асари XVII асрдаёқ француз, немис, лотин тилларига таржима этилиши билан Ғарбда машҳур бўлиб кетади. Ш. Шомуҳамедовнинг таъкидлашича, унинг рус тилига биринчи таржимаси XVII асрда Адам Олеарийнинг немисча таржмасидан қилинган. XIX асрга келиб А. Козимбек (1829), С. Назарянц (1857), К. Ламбрас (1862), И. Холмогоров (1892) лар рус тилига таржима қилдилар. 1922 йилда эса Е. Э. Бертельс таржимаси нашр этилди.

1957, 1959 йилларда собиқ СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида шарқшунос олим Р. Алиев томонидан асарнинг танқидий матни тайёрланиб, бадиий (1957) ва академик (1959) таржималари нашр этилди.

«Гулистон» асари 1390—1391 йилларда Сайфи Саройи, XIX асрда шоир Огаҳий, 1409 йилда Муродхўжа домла Солиҳхўжа ўғли томонидан ўзбек тилига ҳам таржима қилинган. Ва ниҳоят 1968 йилда форс-тожик адабиётининг билимдони, олим

[2] **Шомуҳамедов Шоислом.** Кўрсатилган китоб, 117- бет.
[1] **Шомуҳамедов Шоислом.** Кўрсатилган китоб, 117- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ш. Шомуҳамедов томонидан 1959 йилдаги Москва нашри ҳамда 1966 йилдаги Теҳронда нашр этилган тўлиқ босмасидан танлаб олиб тузилган матндан таржима этилиб, ўзбек китобхонларига тақдим этилди.

Китоб «Подшоҳлар одати баёни», «Дарвешлар ахлоқи баёни», «Қаноатнинг фазилати баёни», «Сукут сақлашнинг фойдалари баёни», «Заифлик ва кексалик баёни», «Ишқ ва ёшлик баёни», «Суҳбат қоидалари баёни» каби боблардан иборат.

«Гулистон» нинг мундарижасидан ҳам кўриниб турибдики, асар ҳам мақсадига кўра, ҳам мазмунан инсонни камолотга етакловчи ҳикматлардан ташкил топган.

Асарда ўша давр анъанасига кўра Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Низом ул-Мулк асарларидаги каби инсонни бахтли эта оладиган фозил ва адолатли ҳукмдор, унинг аъёнлари қандай бўлиши, юртни бошқаришдан тортиб, ахлоқий хислатларигача баён этилади. Унинг наздида ҳукмдор ҳам инсон, у ҳам фақат ўзининг манфаатини эмас, эл-юрт манфаати учун курашиши керак. Саъдий подшоҳларни адолатли, билимдон, тадбирли, доно, ғайратли ва шижоатли, зийрак, фаҳм-фаросатли, ўз фуқароларига ғамхўр, дўст билан душманнинг фарқига ета оладиган олижаноб, саховатли, жасурлик хислатларига эга бўлишларини истайди ва бу хислатларни ибратли ҳикоятларда ифодалайди.

Дейдиларки, бир куни овда Нўширавони одилга кабоб қилиб бермоқчи бўлдилар, лекин туз йўқ эди. Қулларидан бирини қишлоқдан туз олиб келгани жўнатдилар. Нўширавон у қулга деди: «Тузни баҳосини тўлаб ол, токи текинга олиш одат қаторига кириб, қишлоқ харобаликка юз тутмасин». Ундан сўрадилар: «Шу зиғирдай нарсадан қишлоққа қандай зарар етади?» Нўширавон жавоб берди: «Аввалда оламда зулм оз эди, кейинчалик ҳар бир келган одам бир оз-бир оз қўшди, натижада зулм ҳозирги даражасига келиб етди».

Фуқаронинг боғчасидан султон узса бир олма,
Навкарлари қўпоради дарахтларнинг илдизин.
Зўрлик билан бешта тухум ола қолса подшоҳ,
Аскарлари сихга тортар товуқлардан беш юзин[1].

Бу ҳикоятда ҳукмдорнинг фуқаро тақдири учун жон куйдириши кўрсатилади.

Саъдий ҳукмдорларни адолат юзасидан иш юритишга, зулм қилмасликка чақиради:

Ўз халқига жабру зулм раво кўрган подшоҳнинг,
Ўз дўстлари ёв бўлади қийин дам келган куни.
Фуқарога шафқат қилсанг, душмандан омондасан,
Адолатли шаҳаншоҳнинг халқи — бу ўз қўшини[2].

---

[1] Саъдий. Гулистон. Тарж. Ғафур Ғулом, Ш. Шомуҳамедов (назм) ва Рустам Комилов (наср). Муҳаррир Васфий. Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1963, 49- бет. (Бошқа манбалар ҳам ушбу китобдан олинди)

[2] Ўша китоб, 32- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саъдий ҳукмдорнинг билим ва ақл-заковатга эга бўлиши зарурлигини ҳам ибратли ҳикоятларда ифодалайди:

Хорун ар-Рашид Мисрни эгаллаганда, деди: «Миср салтанатига мағрурланиб, худолик даъво қилган нобакорнинг қасдига ўлароқ, бу мамлакатни ўзимнинг энг манфур қулимга топшираман». Хорун ар-Рашиднинг бир занжи қули бўлиб, номи Ҳусайб эди. Миср мамлакатини ўшанга топширди. У қулнинг фаҳм-фаросати шу даражада эдики, бир қанча Миср деҳқонлари унинг ёнига шикоятга келиб, «Пахта экқан эдик, бевақт ёмғир ёғиб, пахтамиз нобуд бўлди»,— деганларида, у: «Жун экиш керак эди, нобуд бўлмасди»,— деб жавоб берди.

Агар билим тўқ яшашга важ бўлса,
Ажабмасди нодонлар очдан ўлса,
Лекин нодон шунча келим олади,
Кўп донолар бунга ҳайрон қолади.
Бахтли ва давлатли бўлмас билимдон,
Бунинг барчасига сабаб осмон.
Жаҳонда учрайди такрор ва такрор
Аҳмоқлар ҳурматда, ақллилар хор.
Қимёгар қийналиб ўлиб кетади,
Аблаҳга хазина насиб этади[1].

Ҳақиқатан ҳам, аллома таъкидлаганидек, билимдон бахт ва давлатга эга бўла олмайди, чунки у бойлик орқасидан қувмайди, илму ҳикмат учун курашади. Замон эса ҳамма вақт ҳам илмли, донога кулиб боқавермайди.

Саъдий мазкур бобни яхшилик ва адолатнинг шоҳлар учун нақадар муқаддас эканлигини улуғловчи ҳикоят билан тугатади.

Искандар Румийдан сўрадилар: «Ғарбу Шарқдаги мамлакатларни нима билан забт этдинг? Аввалги подшоҳларнинг хазинаси, ёши ва лашкари сеникидан ортиқ бўлса-да, бундай фотиҳлик уларга насиб бўлмаганди». Искандар деди: «Забт этган мамлакатим фуқароларига озор бермадим ва подшоҳларининг номларини фақат яхшилик билан ёд этдим».

Ақллилар улуғламас шундайлар зотин,
Улуғларнинг ёмонлик-ла, ёдласа отин,
Тахту бахт фармонлар, тақиқ ва зўрлик,
Барчаси бекорчи, ўтиб кетади.
Сийласанг ўтганлар азиз номини,
Сенинг номингга ҳам ҳурмат етади[2].

Саъдий бу ўринда Искандар номи билан орзу этгани — адолатли шоҳ хислатларини намоён этади.

Асарнинг қолган «Дарвешлар ахлоқи баёни», «Қаноатнинг фазилати баёни», «Сукут сақлашнинг фойдалари баёни», «Ишқ ва ёшлик баёни», «Заифлик ва кексалик баёни», «Суҳбат қои-

[1] **Саъдий.** Гулистон. 63—64- бетлар.
[2] **Саъдий.** Гулистон. 64- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

далари баёни» да эса биз назарда тутган ақлий, ахлоқий, жисмоний тарбияга оид ўгит-насиҳатлари ёритилган.

Масалан, илм ва унинг аҳамияти, олимлар ҳақидаги ҳикоятлар инсонни оқил ва доно кишиларни ҳурмат этиш, илм ўрганиш, фойдали панд-насиҳатларга амал қилишга, илмда ихлос қилишга ундайди.

Лекин илмли кишилар ҳам ўз илмини фойдали ишларга сарф этишини алоҳида таъкидлайди:

«... Икки тоифа одам беҳуда ишлаб, беҳуда ҳаракат қилган бўлади: бири мол-мулк йиғиб, фойдаланмаган ва иккинчиси эса, илм олиб, унга амал қилмаган.

Ҳарчанд ўқибсан, билимдонсан,
Агар амал қилмадинг, нодонсан,
Устига китоб ортилган эшак,
На олим ва на донодир бешак».

Бу фикрини давом эттириб, илмига амал қилмаган олимни машъала кўтарган кўрга, яна бир ўринда ерни шудгор қилиб, уруғ сочмаган деҳқонга ўхшатади.

Қимки бефойда умрин ўтказди,
Ҳеч нарса олмасдан, олтин кетказди.

У илм олишда мунозара услубини маъқул кўради:

«Уч нарса мангу бўлмайди: «Мол савдосиз, илм — баҳссиз ва давлат — сиёсатсиз»[1]. Лекин мунозарада ўзини билимдон деб кўрсатишга ҳаракат қилиб, ўзидан донороқ одам билан баҳслашса, ўз нодонлигини намойиш қилади,— дейди аллома, «Ўз навбатида, жоҳил билан баҳслашган олим иззат умид қилмай қўя қолсин. Башарти, жоҳил беллашувда олимдан устун чиқса, ажабланарли ери йўқдир, чунки ҳамиша тош гавҳарни синдиради:

Оқилга паст киши кўргузса жафо,
Кўп алам чекмасин бўлиб дилсиё.
Арзон тош синдирса зар косани гар
Тош нархи ошмайди, пастга тушмас зар».

Саъдий бу фикрини яна қуйидаги мисралар билан тўлдиради:

Донони шарманда қилдим-ку, дея,
Ғурурга берилмиш мақтанчоқ, нодон,
Билмаски, ноғора овози доим,
«Ҳижоз» куйин босиб кетади осон[2].

Саъдий таълим ва тарбиянинг аҳамиятини таъриф этиш билан бирга болаларнинг туғма қобилиятини ҳам тан олади:

Қобилият бўлса аслида,
Тарбият унга қилади асар.

---

[1] Саъдий. Гулистон. 157, 158, 170- бетлар.
[2] Ўша китоб, 170- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қанча уринма бўлмас сайқали,
Темир аслида бўлмас жавҳар[1].

Саъдий таълим-тарбияда муаллимнинг талабчанлиги, билим ва тарбия беришда қаттиққўл бўлишининг тарафдори бўлади:

Юборди ўғлини мактабга подшо,
Қилиб қўйнига нуқра тахтача жо
Кумуш ул тахтага зардин битиб ёд:
«Ота меҳридан афзал жабри устод»[2].

Улуғ мураббий билим олиш билан бирга ҳунарнинг ҳам инсон учун қай даражада афзаллигини уқтиради. Чунки «... ҳунар қайнар булоқ, туганмас давлат,—дейди у,—агар ҳунарманд молидан маҳрум бўлса, қайғуси йўқдир, чунки ҳунарнинг ўзи давлатдир. Ҳунарманд қаерга борса, қадрланади ва уйнинг тўридан жой олади. Ҳунарсиз одам эоа, ҳамиша машаққат чекади, тиланчилик қилади».

Истар эсанг отангдан мерос,
Боғла отанг илмига ихлос.
Не нафи бор отанг бойлигин,
Бир кун тугатарсан неча ойлигин[3].

Бу — Саъдийнинг инсон учун илм-ҳунарнинг қай даражада улуғлигини таъкидловчи фикрларининг ифодасидир.

Муслиҳиддин Саъдийнинг «Гулистон» асари ахлоқий таълимоти билан айниқса машҳурдир. Зеро, мазкур асарда инсонийлик, саховат, қаноат, адолат каби хислатлар улуғланади. У тарбиянинг аҳамияти ҳақида гапирар экан:

Қимга ёшлигидан берилмас одоб,
Улғайгач, бўлади бахтсиз, дили ғаш.
Ҳўл новда эгилар қай хилда эгсанг,
Қуруқни тўғрилар фақат ўт — оташ[4]

деб, тарбияни ўз вақтида, боланинг гўдаклигидан бошлаш зарурлигини таъкидлайди.

Саъдий ахлоқий тарбияда инсонийликни шахс камолотининг энг юқори чўққиси сифатида таърифлайди:

Ер остига кўмилдилар талай ном чиқарганлар
Ва уларнинг борлигидан ерда нишон қолмади.
Улаксани тупроқларга топшириб кетгандан сўнг,
Тупроқ уни еб битирди-ю, бир устухон қолмади.
Нўширавоннинг қутлуғ номи ҳалигача тирикдир,
Аммо қанча ўтиб кетиб Нўширавон қолмади.
Эй фалончи, яхшилик қил, умрингни бил ғанимат,
То кишилар айтгунича, фалон, фалон қолмади[5].

[1] Ўша китоб, 143- бет.
[2] Саъдий. Гулистон, 146- бет.
[3] Ўша китоб, 144- бет.
[4] Ўша китоб, 145- бет.
[5] Саъдий. Гулистон. 23- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саъдий инсонийликнинг биринчи белгиси сахийлик деб билади:

Кутида турганда бурқимайди уд,
Сен олов устига уни ташлагил.
Улуғлик ниятинг бўлса сахий бўл,
Уруғ сочилмаса, унмайди ҳосил.

Лекин донишманд сахийликни таъмадан юқори қўяди, меҳнат нони ҳар қандай саховатдан устунроқ деб билади ва меҳнат билан топилган ризқнинг саховатдан афзаллигини кўрсатувчи қуйидаги ҳикоятни келтиради:

Ҳотам Тоийдан: «Ўзингдан кўра сахийроқ бирор одамни ҳеч кўрганмисан, ёхуд эшитганмисан?» деб сўрадилар. Ҳотам Тоий жавоб берди: «Ҳа, кўрганман, бир кун араб амирларини зиёфат қилиш учун қирқ кун туя сўйгандим. Иттифоқо, бир зарурат билан саҳрога чиқишимга тўғри келди. У ерда чўп-чумак териб дасталаётган ўтинчини кўрдим. Мен унга дедим: Нечун Ҳотамнинг уйига бормайсан, ахир, ҳозир бир талай одам унинг зиёфат дастурхони атрофида». У деди:

Ўз меҳнатидан нон еган киши,
Ҳотам миннатидан озод ёз-қиши.

Ҳотам деди: «Ана шу ўтинчини мен ўзимдан кўра саховатлироқ деб билдим»[1].

Демак, Саъдий инсоний қадр-қимматни меҳнатда деб билади, инсон ўз меҳнатига, билими ва ҳунарига таяниши зарур деб ҳисоблайди.

Саъдий ҳақиқий баркамол инсон ҳар қандай таъма ва очкўзлик, ҳирс ва нафс балосидан, ҳасадгўйликдан сақланиши керак, дейди.

Ҳикоятларидан бирида «Мен бир донишманддан: «Энг ашаддий душманинг — икки кифтинг орасида жой олган нафсингдир», деган ҳадиснинг маъноси нима?» деб сўрадим. Донишманд шундай жавоб берди: «Маъноси шуки, ҳар бир душманга эҳсон қилсанг, у сенга дўст бўлади, илло нафс деган нарсага қанча илтифот қилсанг, адоватини шунча ошираверади».

Маромида овқат еган фаришта бўлур,
Ҳайвон каби еса тушар оғир тош мисол.
Ким истагин бажо қилсанг амрингга тобе,
Нафс айтганин қилдингми, бўйсиндирмоқ маҳол[2].

дейди.

Саъдий ҳаётда дўст билан душманнинг фарқига етишнинг аҳамияти ҳақида ганираркан, ҳақиқий дўст қийинчиликларда дўстига ёрдам беради, уни ҳимоя этади, деб таъкидлайди.

Қўлинг очиқ, дастурхонинг мўл куни,
Дўсту ёринг мана, менман деганмас.

[1] Саъдий. Гулистон, 99- бет.
[2] Ўша китоб, 156- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дўст ўшаки, қийин кунга тушганда,
Қўлтиғингдан даст кўтариб қўйган кас.

Шунингдек, дўст ўз манфаатини дўст манфаатидан юқори қўяди, унинг ёрдами беғараз бўлади. Дўст душманнинг ишини қилмайди, деб таъкидлаш билан бирга дўстга ҳам эҳтиёт бўлиб муносабатда бўлиш кераклигини уқтиради:

Бировга сир айтиб, сақла дегандан,
Дил сирин ҳеч кимга айтмаган маъқул.
Ариқ тошиб кетса, боғлаб бўлмайди,
Сувни энг бошидан қайтарган маъқул.
Бекитмоқчи сўзни айтиб бўлмайди,
Ҳар мажлисда айтиб, қайтиб бўлмайди.
Дўст-ла сўзлашсанг ҳам бўлгил эҳтиёт,
Душман қулоғига етишмасин, боқ.
Девор ичра ҳар не десанг ҳушёр бўл,
Девор орқасида бўлмасин қулоқ[1].

Шу билан бирга душманнинг макр-ҳийлаларига учмаслик, ундан қутилиш йўлларини ҳам кўрсатади: заиф душман итоат изҳор этса, буни зўр душманга айланиб олиш мақсадида қилади. «Дўстларнинг дўстлигига эътимод йўқ,— дейдилар, бас, шундай экан, душманнинг хушомад қилишининг қандай эътибори бор?! Заиф душманни назар-писанд қилмаган киши озроқ оловни бепарволик билан ташлаб кетган одамга ўхшайди,—душман насиҳатин қабул этмак хато бўлса-да, лекин насиҳатига қулоқ солмоқ раводир, чунки унинг айтганининг аксини қилсанг, тўғри иш тутган бўласан!»

Душманнинг кўрсатган йўлига юрма,
Сўнг пушаймон бўлиб, тиззангга урма.
Сенга ўқдек тўғри йўл кўрсатган он,
Сен ундан бурилиб, юргил чап томон,—

дея душмандан сақланиш йўлини кўрсатади.

Зеро, «барча ҳийлалари барбод бўлган душман ўзини дўст қилиб кўрсатишга чалишади, дўст бўлиб олгач, шундай ишлар қиладики, буни ҳеч қандай душман ҳам қила олмайди»[1].

Саъдий дўст ва душманга муносабат борасидаги юқоридаги фикрлари билан ҳар бир кишига ҳаётда қандай йўл тутиш, дўст ва душманнинг фарқига бориш масалаларида ёрдам беради. Унинг бу йўлланмалари ҳамма замонларда ҳам, хусусан, ҳозирги даврда ҳам амалийлиги билан қимматлидир.

Ва ниҳоят, адиб инсон камолотининг ҳақиқий белгиси қуйидагиларда, деб хулоса чиқаради:

Қатра одам суратига киради буткул,
Қирқ кун она қорнида топса оромин.
Агар қирқ ёшликнинг бўлмаса ақли,

[1] **Саъдий.** Гулистон. 44, 159, 160-бетлар.
[1] **Саъдий.** Гулистон. 159, 161—163-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Унга бериб бўлмас инсонлик номин.
Жувонмардлик, карамднр, одамийлик
Дема одам агар бнр сурати бор.
Ҳунар лозим, нақшни чизса бўлғай
Деворларга бўёқлар пушти, зангор
Агар бўлмас экан фазлу ҳунар ҳеч
Билиб бўлмас одамми, нақши девор.
Бисот, мол қўлга киргизмоқ ҳунармас,
Қўлингдан келса бир дил овла, э ёр.

Кўриниб турибдики, Саъдий баркамол инсоннинг ҳақиқий маънавий қиёфаси унинг ақли, билими ва ҳунарида, соф инсоний фазилатлар — жасурлик, лутфу карам, одамийлик, меҳр-шафқат кўрсатишида деб билади. Унинг барча таълимий ва тарбиявий қарашлари юқорида баён этилган фикрга бориб тақалади.

Саъдийнинг «Гулистон» асарида инсон камолотида жисмоний етуклик ҳам асосий омиллардан бири сифатида талқин этилади.

Масалан, ҳар қандай даврда ҳам улуғланадиган мардлик, чаққонлик, жасурлик, кучлилик ҳар бир йигит эгаллаши зарур бўлган хислатдир. Бу хислатлар инсон гавдасига эмас, уни эгаллаб олишига боғлиқдир. Ана шундай жасурлик, эпчиллик, чаққонликни кўрсатувчи хислатлар улуғланган ҳикоятлар «Гулистон»да анчагина. Шундай ҳикоятлардан бирида устознинг кураш санъати ҳикоя қилинади: «Бир одам кураш санъатида зўр маҳорат қозонди, у уч юз олтмиш ҳийлани билар ва ҳар куни бир ҳийлани ишлатиб курашар эди. Шогирдларидан бирига ... уч юз эллик тўққиз ҳийлани ўргатди. Аммо бир ҳийлани ўргатишни ҳар турли баҳоналар билан пайсалга солиб юрди.

Хулосаи калом, шогирд қудрат ва санъатда камолотга эришди ... бир куни у подшоҳ ҳузурида деди: «Устозимнинг фақат биргина афзаллиги бор, у ҳам бўлса, унинг ёши улуғлиги ва менга тарбия берганлигидир. Йўқса, кучда ҳам, маҳоратда ҳам мен ундан қолишмайман!»

Бу сўз подшога ёқмади. Устозу шогирднинг кураш тушмоқларини буюрди. Катта майдонни ҳозирладилар ... Шогирд бамисоли маст филдек жўшиб, майдонга кирди, гўё қаршисида темир тоғ бўлса уни емириб ташлагудек эди. Устоз шогирди кучда ортиқ эканини англади. У пинҳон тутиб юрган мазкур нодир ҳийласини солиб курашмоққа бошлади. Шогирд устознинг ҳамласини дафъ этишдан ожиз қолди. Устоз ҳарифини икки қўли билан боши узра кўтариб, ерга урди. Халойиқнинг ҳойҳув садолари кўкка ўрлади.

Подшоҳ устозга сарпо бермоқни буюрди, шогирдни эса, таъна-маломатлар қилиб, деди: «Ўз устозингга бевафолик қилиб, уни мағлуб этаман деб мақтандинг, лекин айтган сўзингнинг уддасидан чиқа олмадинг?!» Шогирд деди: «Эй подшоҳи олам, устозим куч билан мендан устун келгани йўқ, балки қўп вақт-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан бери менга ўргатмай, яшириб юрган бир ҳийласи туфайли мени мағлуб эта олди».

Устоз деди: «Мазкур ҳийлани ана шундай бир кун учун сақлаб қўйиб эдим, чунки уламолар: «Дўстга, бир куни агар у душманчилик қилса, ўзингни мағлуб эта олажак куч бермагил», — деганлар. Шогирдидан жафо кўрган устоз нима деганини эшитмаганмисан?

Ёки вафо йўқдир оламда
Ё киши қўлламас уни бу замон
Ўзимдан ўқ отиш ўрганган киши
Букун кўкрагимни қилмоқчи нишон»[1].

Бу ҳикоятдан уч ҳикматни англаш мумкин: бири ҳар бир инсон жисмонан ўзини чиниқтириш маҳоратига эга бўлиши зарурлиги, иккинчиси қийин кунларда бу маҳоратдан фойдаланиш мумкинлиги, учинчиси дўст деб ҳамма вақт ҳам унга ишонавермаслик. Лекин ҳар уч ҳолатда ҳам инсон ҳар бир ишнинг «кўзи»ни билиши, ўзини ҳимоя эта олиш маҳоратига, ҳаётда тўғри йўл топа била олиш қобилиятига эга бўлиши зарур, деган мақсад ётади.

Саъдийнинг жисмоний тарбияга оид пандлари ҳам ахлоқийлик билан боғлиқдир.

Масалан, шундай бир ҳикоят келтирилади:

«Бош яланг ва оёқ яланг бир пиёда мусофир Ҳижоз карвони билан Куфадан келиб бизга қўшилди. Унинг ҳеч нарсаси йўқ эди, лекин виқор билан қадам ташлаб дерди:

Хачир миниб бормайман, на туяда юким бор,
На султоннинг қулиман, на қулларга шаҳриёр.
Дунёда ҳеч қайғум йўқ, дилим қўрқувдан озод,
Хотиржамман бус-бутун, кўнглим эса доим шод.

Туя минган бойлардан бири унга деди:

«Эй дарвеш, қаёққа борасан, йўл оғир, йўл машаққатига бардош бера олмай ўлиб кетасан, қайт орқангга». Дарвеш унинг гапига қулоқ солмай, йўлида давом этаверди. Карвонимиз Нахлаи Маҳмудга етганида бояги туя минган бой оламдан ўтди. Дарвеш унинг ўлиги тепасига келиб деди: «Мен пиёда юриш машаққатидан ўлмадиму, сен нор туяда юриш роҳатидан ўлдинг!»

Бир талай арғумоқ йўлларда қолди,
Манзилга оқсаган эшак етолди.
Ярали йигитлар соғайиб кетди,
Не-не соғломларни қора ер ютди»[2].

Мазкур ҳикоятда чиниқишнинг инсон саломатлигига нақадар фойдалилиги билан бирга, инсонда ўзига ишонч, шод яшаш иштиёқи, келажакка умид кўзи билан қараш қанчалик аҳамиятга эга эканлиги яққол кўрсатилган.

[1] **Саъдий.** Гулистон. 56—58- бетлар.
[2] **Саъдий.** Гулистон. 72- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саъдийнинг таълим ва тарбия ҳақидаги қарашлари амалийлиги билан диққатга сазовор. Масалан, у тарбиянинг у ёки бу соҳаси ҳақида фикр юритар экан, худди шу ўринда унинг услубини ҳам баён этади:

Ҳушхулқ кишига қаттиқ гапирма,
Сулҳ истаб келса, жангга чақирма,
Раҳмдиллик одамга олий хулқ, аммо,
Дилозор ярасига қўймагил малҳам.
Айлама раҳм-шафқат илон-чаёнга,
Бундан озор топар фарзанди одам.

Ёки

Бўлсин қаттиқлигу юмшоқлик баҳам,
Табиб ҳам кесару, ҳам қўяр малҳам.
Доно киши қаттиқ бўлмайди доим,
Қадри кетар бўлса ҳамон мулойим.
Қибру димоғдорлик қилмас ихтиёр,
Аммо ўзини ҳам ҳеч айламас хор.
Чўпон дер отасига: «Эй хирадманд,
Дегил таълимима пирона бир панд».
Дедиким: «Хушфеълик қилма чандон,
Бўрилар бўлмасинлар тез дандон»[1].

Бу ҳикматларда Саъдий тарбияда қаттиқ, ёки юмшоқлик ҳам ўз ўрнида қўлланилиши кераклиги, бунда ёвуз ва бадхулқларга нисбатан аёвсиз, хушхулқ ва яхши одамларга нисбатан юмшоқ муомалада бўлишни тавсия этади.

Хулоса қилиб айтганда, Муслиҳиддин Саъдий «Гулистон» асарида инсон камолотининг асосий омиллари саналган илм ва унинг ақлий тарбиядаги ўрни, инсонпарварлик, касб-ҳунар эгаллашнинг ўзига хослиги, меҳнатни севиш, юксак ахлоқий хислатларни тарғиб этиши, ўз таълимий-ахлоқий қарашларини амалиётда татбиқ этиш кабиларга катта эътибор берди. Унинг таълим-тарбияда ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаган пандлари жаҳон педагогик фикр тараққиётида, ёш авлодни тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир.

III боб

XIV—XVI АСРЛАРДА ТАРБИЯ, МАКТАБ ВА ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАР

XIV—XVI АСРЛАРДА МОВАРОУННАҲРДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ПЕДАГОГИК ФИКР ТАРАҚҚИЁТИ

Қарийб бир ярим аср давомида хонавайрон бўлган Мовароуннаҳр халқи XIV асрнинг бошларига келиб мўғул истило-

[1] Саъдий. Гулистон. 160—162- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

чилари зулмидан қутила бошлади. Мовароуннаҳрда кучли давлат тузишга бўлган интилиш ғолиб келди. Мўғул истилочиларига қарши Бухорода халқ Маҳмуд Торобий бошчилигида қўзғолди, Самарқанд ва Хуросонда эса Сарбадорлар қўзғолонлари рўй берди. Натижада Сарбадорлар узоқ муддат ҳатто ҳокимиятни ҳам бошқариб турдилар.

XIV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрнинг феодал тарқоқлигига барҳам берилди, мамлакат мўғул босқинчиларидан тозаланди. XIV асрнинг охири ва XV асрларда Марказий Осиёда феодал муносабатлар янада ривож топа бошлади.

Соҳибқирон Темур ва дастлабки темурийлар ҳукмронлик қилган давр Мовароуннаҳр тарихида алоҳида ўрин эгаллади.

Марказлашган буюк Темур давлатининг барпо этилиши билан Мовароуннаҳрда яна фан ва маданият, маориф қайтадан равнақ топа бошлади.

Бежиз эмаски, XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср тарихда Шарқ Уйғониш даврининг иккинчи босқичи деб аталди. Чунки, бу давр маданияти ўз тамойиллари, йўналиши, иқтисодий асоси жиҳатидан IX—XII аср маданиятининг давоми саналади.

Шу боис XIV аср охири ва XV асрларда Мовароуннаҳрдаги Шарқ Уйғониш даври маданий равнақини IX—XII асрлардаги маданий ривожланишдан ажратиб олиб кўрсатиш мумкин эмас. XIV асрнинг учинчи чораги ва XV асрда Марказий Осиёда экономика, фан ва маданият ўсди. Амир Темур ҳукмронлиги даврида жаҳоннинг кўплаб шаҳарларидан Самарқандга ҳунармандлар, олиму фозиллар, санъаткорлар, муҳандислар олиб келинди ва уларнинг бой тажрибалари, ижодий маҳоратларидан илм-маърифат, маданият, қурилиш жабҳаларида кенг фойдаланилди. Самарқанд ва Ҳиротда мадрасалар, кутубхона ва расадхона қурилди. Тиббиёт илмини ўрганишга қизиқиш янада кучайди. Риёзиёт, фалакиёт, жўғрофия, тарих, адабиёт, фалсафа ҳамда тарбияшуносликка оид бир қанча ажойиб ва муҳим асарлар яратилди. Форобий, Ибн Сино, Беруний, Умар Хайём, Саъдий меросларини, шунингдек, юнон-рим маданиятини ўрганишга ҳавас кучайди.

Шуни таъкидлаш керакки, Темур ва унинг издошлари, темурийлар даврида фан ва маданият ривожланди. Айниқса Самарқанд ва Ҳирот шаҳарлари маданият, илм-маърифат марказига айланди. Шоҳизинда, Гўриамир мақбараси, Бибихоним жоме масжиди, Регистон майдони ва шу сингари, кўплаб мадраса ва масжидларнинг йирик меъморчилик намуналари бунёд этилди.

Улуғбек замонига келиб эса математика, астрономия каби фанлар айниқса ривож топди. Тиббиёт, тарих, адабиёт ва шулар билан баробар диний билимларнинг ҳам равнақ топишига катта эътибор берилди. Олий мактаб — мадрасалар қурилди. Бухоро, Самарқанд ва Ғиждувонда қурилган уч мадраса фан тараққиётида илмий марказ бўлиб келди.

Бухородаги мадраса пештоқига битилган қуйидаги ёзувлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳалигача яққол кўзга ташланади: «Илм олмоққа интилмоқ ҳар бир муслим ва муслима учун қарзу фарздир».

Шулар XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср Марказий Осиё тарихида уйғониш даври бўлиб тарихга кирган дея олишимизга асос бўла олади.

Бу даврда ўзбек адабиётида анча силжиш рўй бериб, Атоий, Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Дурбек ва Лутфийлар томонидан қимматли асарлар яратилди. Шунингдек, тарихий ва адабий асарларни ўзбекчага таржима қилиш ишлари жонланди.

Улуғбек олимларга ҳомийлик қилиб, фан аҳлини рағбатлантирди, унинг ўзи, айниқса, астрономия ва математика фанлари бўйича муҳим ишларни амалга оширди. Самарқандда Улуғбек томонидан расадхонанинг барпо этилиши ва унинг ўша давр илмий марказига айланиши муҳим воқеа ҳисобланади. Шу даврда Самарқандда Қозизода Румий, Жамшид бин Маъсуди, Мўйиддин ва унинг ўғли Мансур Қўший, Али ибн Муҳаммад Биржонди ва бошқалар ижод этдилар. Ҳиротда эса Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, улуғ рассом Беҳзод, тарихшунос Хондамир, ҳаттот Султон Али Машҳадий ва бошқалар ижодиёт чўққиларига кўтарилдилар.

Улуғбекнинг шогирди Аловиддин Али ибн Муҳаммад Қушчи Самарқандий (1403—1474) ўша даврда Мовароуннаҳрнинг маданий ва илмий ҳаётида катта роль ўйнади. Астрономия тўғрисида «Рисолаи дар фалакиёт» деган китоб ёзган Али Қушчини ўз даврининг Птоломейи дейишарди. Унинг мазкур асарида геометрик билимларнинг асослари баён қилинди, нуқта, чизиқ, юза, айлана ва шу каби тушунчалар тўла таърифлаб берилди, табиёт фанлари ва шунинг сингарилар соҳасида бошланғич билимлар баён қилинди. Бу асарда ҳамма нарса оддий ва мураккаб нарсаларга бўлиниб таърифланди.

XIV—XV асрларда Самарқандда яшаб ижод этган улуғ аллома Мир Саид Шариф Журжоний (1340—1413) тил, мантиққа, ҳуқуққа, фалсафага ва бошқа фанларга оид 50 дан ортиқ асар ёзди. Унинг «Борлиқ ҳақида рисола», «Оламни акс эттирувчи ойна» каби асарларида фалсафа, мантиқ, тарбияшуносликка оид бир қатор илмий ва назарий масалалар ёритилиб, Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбияга доир изланишларини ривожлантирди ва бойитди.

XV асрда Марказий Осиёда тарих фани кенг ривож топди. Ҳофизи Абрў «Зубдан таворих» («Тариҳнинг қаймоғи») деган китоб ёзди ва бу китобда 1427 йилгача бўлган воқеаларни баён қилиб берди. Абдураззоқ Самарқандий Ҳофизи Абрўнинг бу асарини давом эттирди. У ўзининг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиш жойи ва икки денгизнинг қўшилиш жойи») деган асарида 1471 йилгача бўлган воқеаларни баён қилиб берди. «Равзатус сафо» асарини ёзган Мирхонд ва «Ҳабибус сияр» асарини ёзган Хондамир шу асарларнинг бир қисмини Султон Ҳусайн ҳукмронлик қилган даврга

www.ziyouz.com kutubxonasi

бағишладилар. Давлатшоҳ эса ўзининг «Тазкиратуш шуаро» асарини Алишер Навоийга бағишлади.

Султон Ҳусайн Бойқаро даврида олимлар ва шоирлар Самарқанддан Ҳиротга кўчиб ўтдилар. Ҳирот илмий-маданий марказга айлантирилди. Алишер Навоий Ҳиротда фан, маданият, маърифат ишларини йўлга қўйишда, у ерни ободонлаштиришда катта хизматлар қилди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да Ҳирот тўғрисида ёзар экан бутун дунёда бундай обод шаҳарни кўрмаганлигини айтади.

Ҳиротда мачит ва мадрасаларнинг муаззам биноларини, ижтимоий фойдали иншоотлар: ҳаммомлар, шифохоналар, ҳовузлар, боғ-роғлар, кўприклар, карвон йўлларидаги работлар ва бошқа архитектура иншоотларини қуришга Алишер Навоий ташаббускор бўлди.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий тил-адабиёт, мусиқа, тарих, фалсафа, астрономия, тарбия назарияси соҳасида жуда кўп илмий асарлар яратди. У фан ва маорифни биринчи даражадаги муҳим иш деб ҳисоблаб, уларни ривожлантириш учун тинмай курашди.

Алишер Навоий даврида Ҳиротда китобларни безаш санъати, аввало, хаттотлик ва миниатюра юксак даражага етди. Ҳиротда ҳашаматли архитектура иншоотлари яратилди. Илмий мунозаралар ўтказиш кент йўлга қўйилди.

Бу даврда Мовароуннаҳрда ҳам санъат, архитектура, бинокорлик техникаси анча равнақ топди. Мусиқа, тасвирий санъат, маданият, адабиёт, таълим-тарбияга оид қатор асарлар яратилди. Ҳасан Бухорий Нисорийнинг (1556) «Музаккир ал-аҳбоб» тазкираси, Мутрибийнинг «Тазкира — туш шуаро» (1604—1605) тўпламлари, тарихий ва адабий ёдгорлик бўлган «Бобурнома» ўша даврда яратилган асарлар орасида ўзига хос аҳамият касб этди. Амин Аҳмад Розий «Ҳафт иқлим» («Етти иқлим») деган географик-библиографик луғат тузди.

XVI асрда хаттотлик санъати юксак даражага етди. Султон Али Машҳадий, Мирали Ҳалавий, Маҳмуд ибн Исҳоқ аш-Шихайбий ва бошқалар устоз хаттот бўлиб ном қозондилар. Дарвеш Муҳаммад ибн Дўстмуҳаммад Бухорий хаттотлик санъатининг назарияси тўғрисида асар ёзди.

Бу даврда бир қатор илм масканлари бунёд этилди. Жумладан: Шайбонийхон мадрасаси, Абдураҳим садр мадрасаси, Мираараб мадрасаси, масжиди Калон ва бошқа иншоотларнинг қурилиши таълим-тарбия жараёнида муҳим босқич бўлди.

Аҳолининг саводхонлигини ошириш, болаларга таълим-тарбия бериш борасида ҳам маълум даражада имкониятлар яратилди. Хусусий мактаблар юзага келди, муаллим ёллаб болаларни уйда ўқитиш тадбирлари одат тусига кирди.

Шаҳар ва қишлоқларда, овулларда очилган мактабларда болаларни ўқитиш 6 ёшдан бошланди. Олти ёшли болалар мактабга бориб, алифбени ўрганар, унинг айрим ҳарфларини чи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амир Темурнинг «Соҳибқирон» унвонига келсак, бу унвон бўлғуси жаҳонгирга у туғилмасдан туриб қ дин аҳллари томонидан башорат тариқасида берилган. «Соҳибқирон» атамасининг луғавий маъноси —«юлдуз буржларининг бахтли келиши (қирон)да туғилган фарзанд» демакдир. «Темурнома» муаллифининг таъкидлашича «қирон»—яъни юлдуз буржларининг бахтли келиши ҳар саккиз юз йилда бир марта содир бўлади. **Инсоният тарихида: «аввал** Искандар Зулқарнайн ҳазратлари афандимиз, **иккинчи** Муҳаммад Расул акром саллаллоҳу алайҳи васаллам саййидимиз, **учинчи** Амир Темур Кўрогон хонимиз» шу соату сонияда дунёга келганлар. Уларнинг таваллудларининг узоқлиги юқорида таъкидланганидек роппа-роса **саккиз юз йилни ташкил қилади.**

Амир Темур ҳазратл ига ҳурмат маъносида берилган «Қутбиддин» унвони — зам а пешвоси, йўл кўрсатувчи авлиё, «Абулмансур» унвони а — зафарманд, ғалаба қозонувчи деган луғавий маъноларни ради.

Буюк бобокалонимизнинг дунёга келиш сониялари, таваллуд топган маъволари билан бир қаторда унинг шахс сифатида ҳаётда қандай инсон бўлганлиги, ташқи кўриниши ҳамда ички маънавий оламининг замондош дўстлари, ғанимлари назарида қандай таассурот қолдирганлиги ҳам табиий бир ҳолдир. Ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, ҳатто, унинг ашаддий ғаними, ўша давр муаррихи Аҳмад ибн Муҳаммад бин Арабшоҳ ҳам соҳибқироннинг юз кўриниши ва феъл-атворини қуйидаги йўсинда таърифлайди: «Темур гавдаси келишган, узун бўйли киши эди, пешонаси очиқ, калласи катта, овози жарангдор, оқиш юзини оч қизил ранг жонлантириб турарди. Елкалари кенг, бармоқлари тўлиқ, қовурғалари узун, мускуллари кучли эди. Узун соқол қўйиб юрарди. Унг қўли ва ўнг оёғи майиб, қарашлари ёқимли эди. Қарийб олтмиш ёшга кирган чоғида ақл-заковатини ҳам, довюраклигини ҳам йўқотмаган эди. У ёлғон-ёшиқнинг душмани бўлиб, ноўрин ҳазил унинг кўнглига ёқмасди. Ўзининг олдида талон-торожлик, қотиллик, хотин-қизларнинг номусига тегиш, зўрлаш ҳақида гапиришга йўл қўймасди. У ҳақиқат қанчалик аччиқ бўлмасин, уни эшитишни хуш кўрарди. Яхши ёки ёмон ҳолатлар унинг кайфиятига ҳеч қандай таъсир кўрсатмасди. Жасур аскарларнинг дўсти, ғоят мард ва ботир бўлган бу одам кишиларни ўзини ҳурмат қилишга, ўзига бўйсундиришга мажбур эта биларди» («Ажойиб ал-макдур», II том. 52—54- бетлар)[1].

Темурнинг илк болалиги тарбияси ҳақида аниқ маълумот йўқ. Шунинг учун бўлса керак, уни кўп рус тарихчилари саводсиз қилиб кўрсатишга уринганлар. Лекин бу ҳақиқатга анча зид. Темур қаҳрли бўлиш билан бирга маърифатпарвар ҳам эди. Биз уни қуйидаги мисоллардан кўрамиз.

---

[1] **В. Соснин, М. Очил.** Амир Темур ғори ажойиботлари. Т., «Чўлпон», 1993 й., 9- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Темур билим олишни етти ёшидан бошлайди. Бу ҳақда унинг ўзи бундай дейди: «Етти ёшга тўлганимда мени мадрасага олиб боришди ва қўлимга сўзлар жадвалини беришди. Мен ўқий бошладим ва эришган муваффақиятларимдан беҳад хурсанд бўлдим». Бу келтирилган жумлалардан кўринадики, Темур мадрасага келганида ҳарф танийдиган бўлган. Шунинг учун ҳам жадвалдаги сўзларни ўқий билган. Мовароуннаҳр ва Хуросон мадрасаларидаги эски одат бўйича болани ўқишга ўргатишда қоғоз ё терига осон сўзларни жадвал тарзида жойлаштирганлар. Афтидан Темур ҳам болалигида шундай жадваллардан ўқиган кўринади. У болалик ва ўсмирлик йиллари ҳақида яна шуни айтади: «Мен 9 ёшга тўлганимда намоз ўқий бошладим ва мадрасадаги барча ўқувчилардан устун бўлиб олдим. Ҳар қандай йиғилишларда ҳам мен уламоларнинг ёнидан жой олишга ҳаракат қилардим. Лекин ҳар доим уларнинг олдида тиз чўкиб ўтирар эдим. Катталарга шу тарзда ҳурмат билдиришни мен ўзимга қоида қилиб олдим.

12 ёшимда болалар билан ўйнашга орландим ва вақтимни ўз тенгларим ҳамда ўспиринлар билан ўтказардим».

Темурнинг таржимаи ҳолида унинг феъл-атвори, ахлоқи ва инсоний-мафкуравий хусусиятларининг шаклланиши ҳақида гувоҳлик берувчи жойлари ҳам бор. Бу ҳақда у айтади: «Етти ёшимдан етмиш ёшимгача ва умр бўйи мен камбағалларга эҳсон қилар эдим. Бир марта кийган кийимимни иккинчи қайта киймас эдим ва уни йўқсилларга ҳадя қилардим. Мен қудратга эришганимда болаликдаги ёру дўстларимнинг ҳаммасини катта мансабларга кўтардим. Ҳар куни қўй сўйиб ва ҳар бир қўй танасини еттига бўлиб, камбағалларга улашдим»[1].

«...Пайғамбар авлодларига, олимлар ва кексаларга нисбатан буюк ҳурмат ҳамда эҳтиром билан муносабатда бўлдим, уларга нафақа тайинладим, бу мамлакатнинг бадавлат кишилари оғаинимдек, етим-есир ва камбағаллар эса болаларимдек бўлиб қолди. Менга мағлуб бўлган барча мамлакатларда халқ ҳурматини қозонишга ҳаракат қилдим. Яхшиларга улар қайси миллатдан бўлишларидан қатъи назар, мен ҳам яхшилик қилдим, ғаразли кишидар ва сотқинлар эса менинг давлатимдан қувилди... Менга тобе ҳамма мамлакатларда адолат эшиги очиқ эди»[2].

«Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақолар қуришни, йўловчи мусофирлар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим.

Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: тафсир, ҳадис, фиқҳдан

---

[1] **А. Аҳмедов.** «Амир Темур ҳақида ҳақиқат», «Сомон йўли». Адабий-тарихий мажмуа. (Масъул муҳаррир Ҳ. Даврон.) Т., «Камалак», 1992, 27—28- бетлар.

[2] **Владимир Соснин. Муҳаммад Очил.** Амир Темур ғори ажойиботлари. Тошкент, «Чўлпон», 1993, 10- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим»[1]. Бундан кўринадики, Амир Темур одоб-ахлоқ, иймон, эътиқод, таълим-тарбия соҳасида мукаммал билимга эга бўлган буюк сиймолардандир.

Амир Темурнинг ижобий хислатларидан яна бири унинг юрт ободончилиги ва меъморчилигига ниҳоятда эътибор билан қараганидадир.

Замондош тарихчиларнинг эътироф этишича, соҳибқирон Темурнинг энг характерли хусусиятлари — давлат, мамлакат ва фуқаронинг ғамхўри бўлганлиги эди. Жаҳонгирлик қоидаси эса ҳақиқат — сиҳат-саломатлик, ҳақиқат — тартиб, ҳақиқат — адолат деб тушунилган.

Буюк бобокалонимиз ҳар вақт: «Инсонпарварлик ва мардликни Аллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди», деган ҳикматли сўзни такрорлашни хуш кўрган ва ҳаётда ўзлари бунга амал қилганлар.

Даставвал, шуни айтиш керакки, Амир Темур, одоб-ахлоқ, иймон, эътиқод, таълим-тарбия соҳасида ўзи юксакликка, мукаммалликка эришган сиймолардан биридир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бобомизнинг ўзи томонидан яратилган одоб-ахлоққа оид дастурлар, ўгитлар, панд-насиҳатларни, шунингдек, Соҳибқирон ҳақидаги тарихий асарларни кўздан кечириш кифоя. «Тузуки Темурий» («Темур тузуклари»), «Малфузоти Темурий» («Темурнинг айтганлари») ва «Воқиоти Темурий» («Темурнинг бошидан кечирганлари») номи билан жаҳонга машҳур бўлган асарлар, XV аср муаррихи Фосиҳ Аҳмад Ҳавофийнинг «Мужмал-и Фосиҳий», Низомуддин Шоомий (туғилган ва вафот этган йили маълум эмас) ва Шарафиддин Али Яздийларнинг машҳур «Зафарномаси», ибн Арабшоҳ (1389—1450) нинг «Ажойиб улмақдур фи ахбори Темур» (Амир Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари), Салоҳиддин ибн Мулло Алоиддин хожа Эшоннинг (Салоҳиддин Тошкандий) қаламига мансуб «Темурнома» (Амир Темур кўрагон жангномаси, 1908) кабилар шулар жумласидан. Тарих фанлари доктори, профессор Ашраф Аҳмад Темурнинг ўзи амал қилган қуйидаги сифатларни юксак баҳолайди.

Биринчи сифат: «Мен сифатларимнинг энг аввали деб беғаразликни тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил: **жиддий ва одил қарадим,** ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмасдим, **бойни камбағалдан устун қўймадим».**

Иккинчи сифат: «Мен ҳар доим **Исломга қатъий риоя қилдим** ва Аллоҳ Таолонинг амри билан улуғланган шахсларга ҳурмат билан қарадим».

Учинчи сифат: «Мен камбағалларга кўп хайр-эҳсон қилдим. Ҳар можаро ва муаммони диққат билан текширдим ва уни мумкин қадар тўғри ҳал қилишга бутун жаҳдимни сарф қилдим».

[1] Темур тузуклари. Проф. Б. Аҳмедов таҳрири остида. Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. Т., 1991, 58- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўртинчи сифат: «Халойиққа раҳм қилдим, барчага нафъ еткурдим. Бунда бировга ноҳақ озор етказмадим ва мендан ёрдам сўраб келганларни кўкрагидан итармадим. Қуръондаги парвардигорнинг Аллоҳнинг амрига бўйсуниш ва халқига шафқат қилиш даркор, деган оятини ўзимга фарз билиб, уқиб олдим ва умр бўйи барча юмушларимда унга амал қилдим».

Бешинчи сифат: «Исломга тааллуқли ишларни мен ҳар доим кундалик ва дунёвий ишлардан устун қилиб келдим. Аввал тангрига итоатни адо этиб бўлгандан кейингина кундалик ишларга қўл урдим».

Олтинчи сифат: «Барча сўзларимда доим ҳақиқатгўйликка амал қилдим. Бу дунё ва у дунё ҳақидаги эшитганларимдаги ҳақиқатни ёлғондан ажрата билдим».

Еттинчи сифат: «Мен ҳар кимгаки, ваъда берсам, унга вафо қилдим. Ҳаргиз ваъдага хилоф иш қилмадим. Мен доимо ваъдаларимни аниқ бажарсам, шундагина одил бўлишимни ва кимсага жабр етказмаслигимни англадим».

Саккизинчи сифат: «Доимо ўзимни Аллоҳнинг ердаги мулкининг посбони деб билдим ва парвардигорнинг изнисиз уни сарф этмадим. Тангрининг иродасисиз унинг бандаларининг ҳеч бирига зарар етказмадим. Олий мартабадагиларга ҳам, фуқарога ҳам бирдек хайрия қилишга интилдим. Мен ҳеч қачон бировнинг мулкига эга бўлишга интилмадим ва, шунингдек, ҳеч қачон кўпроқ бойлик орттиришга ҳаракат қилмадим. Ҳеч қачон бировга ҳасад билан қарамадим. Бу борада Амир Ҳусайн билан бўлган воқеа менга ибратли бўлди. Ўз фуқароларининг молмулкига нисбатан очкўзлиги пировардида уни ҳалокатга олиб келди».

Тўққизинчи сифат: «Мен ҳар доим тангрининг амрини ва унинг пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларини тўла адо этишга интилдим. Барча қилмишларимда шариат йўсунларига буткул амал қилдим ва нопок ишлардан бутун вужудим билан ўзимни тийдим. Пайғамбар ва унинг саҳобаларини ўзимнинг ягона ва энг яхши дўстларим деб билдим».

Унинчи сифат: «Мен ҳар доим инсоф байроғини баланд кўтардим ва иймон тарқатишни **ўз буюклигимнинг қудратли замини деб билдим.** Мен инсон бир онадан туғилган деб ишонганман. Шунинг учун мустаҳкам қудратга таянган қудрат, буюк бўлади».

Ўн биринчи сифат: «Мен доим саидларга эҳтиром билан қарардим, уламо ва шайхларни эъзозлардим. Бу кишиларни доимо мажлисларимга чақирардим. Уларни дин масаласи юзасидан айтганларини диққат билан тинглаб олардим ва унга амал қилардим. Шунинг учун менга нисбатан халқнинг меҳри баланд эди ва ҳамма мендан миннатдор эди».

Шундай қилиб, соҳибқирон Амир Темурнинг ибратли, ҳаётий панд-насиҳатлари ва пурмаъно ўгитларининг ҳар бир мазмун ва маъно кенглиги, мантиқнинг кучлилиги, теранлиги, таъ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сири, умуминсоний қадриятлар асосига қурилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади, уларни ҳадсиз хазина, одоб-ахлоққа оид дастурлар дея оламиз.

Бу ўгитлар Соҳибқироннинг жуда машаққатли ва серташвиш: гоҳ муваффақиятли, гоҳо муваффақиятсиз, гоҳ қувончли, гоҳо серташвиш андуҳли умрининг ижодий мевасидир. Бу ўгитлар халқларнинг бир мақсад сари бирлаштирган, жипслаштирган, муваффақиятларга эриштирган, сеҳрли тарбиявий кучга эга бўлган дурдона — **педагогикадир.** Бу педагогика буюк Соҳибқироннинг давлатни бошқариш ва уни идора қилиш, ғолибона ҳарбий юришлар қилиш, мамлакатда осойишталик ўрнатиш, фан ва маданиятни ривожлантириш, халқлар ўртасида бузилмас дўстлик, меҳр-шафқат, одамийлик ва ахлоқ-одобни тарбиялаш каби муаммоларни ҳал қилишга бағишлангандир.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра Соҳибқирон Амир Темур ўгитларини унинг моҳияти ва вазифасига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

а) дин ва шариат;
б) давлат ва уни идора этиш;
в) кенгаш ўтказиш;
г) подшо ва вазирлар.

Ахлоқ ва одоб ҳақидагиларга қуйидагилар киради:

— адолат ва адолатсизлик;
— сўз ва ишнинг бирлиги;
— дўст ва душманлик;
— ботирлик ва қўрқоқлик;
— сўз ва ширинсуханлик.

Амир Темур ўгит-насиҳатларини юқоридагича тахминий гуруҳларга ажратиш, бу ўгитлар ва насиҳатларни келиб чиқиш сабаблари ва уларни моҳиятини чуқур таҳлил қилиш имкониятини беради.

Ислом дини ва шариат қонунлари ҳақидаги ўгит-насиҳатлар

Амир Темур ўз фаолиятида Ислом дини ва шариат қонунларига қаттиқ амал қилган. Бунинг асосий сабаби ислом дини ва шариат қонунларига халқнинг эътиқоди ниҳоятда баланд бўлишидир.

Амир Темур ўзининг ёшлигида Шайх Хўжа Зайниддин Абубакрни авлиё ота деб билган. Аллоҳнинг изни билан у пири **Саид Бараканинг** дуойи фотиҳаларидан сўнг Мовароуннаҳрнинг амири деб эълон қилинган (771 йил, 10-рамазон. 1369 йил, 8-апрель).

«Қайси мамлакатда диндан қайтишлик илҳод ва зиндиқлик кучайса ва у диёрнинг аҳолиси сипоҳу раият турли маслакка кириб иттифоқлари бузилса, у мамлакатнинг ҳалокати яқиндир».

«Авлиёлар, дин пешволарининг мозорлари ва мақбараларига вақфдан маблағ ажратсинлар. У ерларни гилам, таом ва чироқ билан таъминласинлар».

Амир Темур Арслонбоб бобо мозорини (бу зотни Аҳмад Яссавий ўз **пири** деб ҳисоблаган). Туркистондаги Аҳмад Яссавий

www.ziyouz.com kutubxonasi

қабрини доимо зиёрат қилиб турган. («Туркистон» газетаси, 20 октябрь, 1992 йил.)

«Агар ерда ва кўкда икки худо бўлса, жаҳоннинг иши бузилур».

Давлат ва уни идора этиш. Кенгаш ўтказиш

Амир Темур давлат ишларини идора этиш қоидаларини ўзининг «Тузуклари»да батафсил баён этган. «Тузуклар»нинг ёзилиши ҳақида ҳар хил фикрлар мавжуд. Баъзилар «Тузукни» Темур ёзган десалар, баъзилар унинг котиблари ёзган дейдилар. «Тузук»лар XVII асрда форс-тожик тилида бошқа солномачилар томонидан ёзилган деган тахминлар ҳам бор.

Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»синиг 90—91 саҳифаларида «Манзумаи турк» асари турк тилида Темур бош девонида ёзилган ва Темур томонидан таҳрир этилган деб ёзилган (И. Мўминов. «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли». «Фан» нашриёти, Т., 1953 й., 27- бет).

Амир Темур фикрича, мамлакатни **адолатли** ва қонунлар асосида бошқариш лозим. Албатта, Темур адолатни ўз синфий-сиёсий манфаатлари негизида тушунган. Мулкдор синфлар ҳокимлигини сақлаш йўлида талқин қилган ҳамда давлат бошқарув шаклларини яна ҳам ихчамлаб, меҳнаткаш косиб ва деҳқонлар фаолиятини бир тизимда туриш чораларини амалга оширган.

Амир Темур салтанат ишларида 4 нарсага амал қилган, яъни: 1) кенгаш; 2) машварату маслаҳат; 3) қатъий қарор, тадбиркорлик, хушёрлик; 4) эҳтиёткорлик.

«Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қаттиққўллик билан бажо келтирилур».

«Бир ишга киришмай туриб, ундан қутулиш йўлларини мўлжаллаб қўй...»

«Сипоҳни иккилантирадиган (турумсиз) кенгашни эшитишдан сақланардим. Қайси киши ақлга сиққан бир ишни куйиниб гапирса, суйиб эшитар эдим... Лекин, айтилган ҳар бир маслаҳатнинг яхши ва ёмон томонлари ҳақида ўйлаб кўргач, тўғри ва савоблироғини танлаб олардим...»

«...Бирон ишни қилмоқчи бўлсам, кенгашиб олиб, кейин Қуръон ҳукми билан иш қилур эдим». («Амир Темур ўгитлари». Т., «Наврўз» нашриёти, 1992 й., 10, 11, 12- бетлар.)

«Ҳар бир табақага адолатли чегара белгила, ўшанда давлат бошқарувида адолат, ақл ҳукмронлик қилади»,— дер эди Темур.

Подшо ва вазирлар ҳақида ўгит-насиҳатлар

Амир Темур «Тузуклари»нинг 2- бандида давлат ишларини адолатли бошқариш учун вазир сайлаш кераклиги айтилади. У давлат ишларини ўз вазирларига ишониб топширар эди... «Асли

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғанимни имонга киритгин». «Тил қиличдан ўткир». «Бир калима ширин сўз қилични қинга киритар»,— деб таъкидларди Соҳибқирон.

Бу ўгит Соҳибқироннинг ўз тажрибасида синалган.

Шундай қилиб, Амир Темурнинг панд-насиҳатлари подшолик ва мамлакатларни идора этиш ҳақидаги илмий хулосалар бўлиб, жуда катта маърифий-тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Панд-насиҳатлар Соҳибқироннинг кўп йиллик ва машаққатли ҳаётининг мевасидир. Булар мамлакатни бошқариш, кишиларни тарбиялаш, ахлоқ-одобга ўргатишга оид педагогнкадир. Соҳибқирон ўз панд-насиҳатларини унга Аллоҳ томонидан ҳадя этилган, дейди. У Мовароуннаҳр давлатини ва темурийлар сулоласини бошқаришнинг асосий қонунидир. Уларга амал қилиш Аллоҳга бўйсуниш, ислом динига итоат этиш, баланд мартабаларга эришишнинг асосидир. Улар Темур ва темурийлар сулоласи давлатларида таълим-тарбия тизимини ҳам илмий-назарий асосидир.

«Амир Темур ўгитлари» рисоласида ҳаққоний таъкидланганидек, Ам.. Т..мурнинг тарих олдидаги хизмати бениҳоя катта. Биринчидан, у мамлакатда кучайиб кетган феодал тарқоқликка барҳам бериб, эл-юртни ўз туғи остига бирлаштира олди. Марказлашган йирик феодал давлатга асос солди. Бу билан зироатчилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратди. Иккинчидан, Амир Темур бир қатор халқлар ва юртларга мустамлакачилар зулмидан озод бўлишда ёрдам берди. Масалан, ўша даврнинг энг қудратли подшоҳларидан ҳисобланган Боязид Илдиримни (1389—1402) тор-мор келтириб (1402), Усмонли туркларнинг истибдодига тушиб қолган Болқон яоим оролидаги халқлар ва мамлакатларга озодлик бағишлади. Олтин Ўрда хони Тўхтамишни (1376—1395) икки марта (1391—1395) тор-мор келтириб, Ўрусиянинг мўғуллар ҳукмронлигидан қутулишини қарийб 300 йилга тезлаштирди. Учинчидан, Туркистон заминини ҳунармандчилик, илм-фан ва маданияти ривожланган илғор мамлакатга айлантирди. Амир Темурнинг саъй ҳаракати билан обод этилган шаҳарлар, касабалар, қишлоқларни Шаҳрисабз, Бухоро, Ясси (Туркистон) шаҳарларида қад кўтарган иморатлар. «Темур ва Темурийлар давлати», «Темурий маданияти», «Улуғбек ва Самарқанд», «Обсерватория мактаби» каби улуғ тушунчаларни дунёга келиши ва дунё халқлари тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилиши ҳам Амир Темур номи билан боғлиқдир.

МУҲАММАД ТАРАҒАЙ—УЛУҒБЕК
(1394—1449)

Улуғбек 1394 йилнинг 22 мартида Эроннинг ғарбидаги Султония шаҳрида бобоси Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий юриши пайтида таваллуд топди. У Шоҳруҳ мирзонинг тўнғич

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўғли бўлиб, унга Муҳаммад Тарағай исми берилди. Лекин уни бобоси алоҳида меҳр билан **«Улуғбек»** деб атайвергани учун унинг асосий исми Улуғбек бўлиб қолади ва жаҳонга ана шу ном билан шуҳрат тарқатади.

...«Тақдир бу улуғ зотнинг зиммасига беҳад улкан ва машаққатли вазифалар юклади. Буюк саркарда Амир Темур бунёд этган салтанатнинг вориси бўлишдек мислсиз синов айнан унга насиб этди»[1].

Улуғбекнинг болалик йиллари бобоси Темурнинг ҳарбий юришларида ўтди. Гарчи Улуғбек туғилганда бир оз заиф бўлган бўлса-да, ҳарбий юришлар даврида чиниқди.

Амир Темур набираси Улуғбекнинг ўткир зеҳнли, ақлу фаросатли бўлганлиги учун жуда севарди. «Кўзимнинг нури, салтанатимнинг умидли ниҳоли», деб эркалатарди. Бироқ, Улуғбек Мирзо нозик бўлиб ўсди, бунинг устига кўп вақтини китоб мутолаа қилиш билан ўтказар, давлат ишларига рағбати йўқ кўринар эди.

Улуғбекнинг тарбияси билан бувиси Сарой Мулк хоним шуғулланиб, севимли набирасига ўқув-ёзувни ўргатгани, тарихий мавзуларда ҳикоя ва эртакларни сўйлаб бергани унинг ҳаётида ўзига хос мактаб бўлди.

1405—1411 йилларда, ўша даврнинг қонун-қоидаларига биноан амир шоҳ Малик ёш мирзога отабеги бўлиб тайинланган. Отабеги Улуғбекка асосан ҳарбий ва сиёсий тарбиядан илм ўргатган.

Ўрта асрлардан сақланиб қолган китоблардан маълум бўлишича, салтанатга ворислар давлатни бошқаришда муайян тартиб-қоидалар баён қилинган қўлланмалар асосида тайёрланган. Шулардан бири Шаҳзодалар ва Хонзодалар билиши зарур бўлган «Сулук ул-мулк» (Подшоҳларга қўлланма) китобидир. Ана шу тоифадаги китобларда келтирилган маълумотларга қараганда, подшоҳлар, хонлар ва йирик феодалларнинг саройида амалдаги расм-русмларга биноан шоҳзода ва бекзодалар тарбияси ёшлигиданоқ «Уларни муҳофаза қилиш, аҳволини кузатиб бориш юқори остоналик ва давлат нишонлик» амирларнинг қўлига топширилган. Улардан бири оталиқ деб аталган. Улуғбекка оталиқ қилиб туркларнинг **билкут қабиласидан** чиққан йирик амир Шоҳмалик тайинланган.

Улуғбек мактабда «Сулук ул-мулук»ларда кўрсатилган давлатни идора қилиш санъати — турли лавозим эгаларини тайинлаш, солиқ тўплаш, руҳонийлар, мансабдорлар ҳамда бошқа юртлардан келган элчиларни қабул қилиш, хайру садақа бериш каби тартиб-қоидалар бўйича кўникма эгаллаган.

Улуғбек ёшлигидан кўп китобларни мутолаа қилган бўлиб, у айниқса, математика, астрономия илмларига қизиқди.

---

[1] **И. А. Каримов.** Истиқлол ва маънавият. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994 й., 96- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У бобосининг хос мунажжими мавлоно Бадриддин билан кўп вақтини ўтказар, ундан ҳисоб ва тақвимдан дарс олар, баъзи кечалари, қор тиниб осмон ёришган пайтларида юлдузларнинг ўрни ва ҳаракатини кузатиш билан машғул бўлар эди.

Таниқли олим Бўрибой Аҳмедовнинг маълумотларига кўра мавлоно Бадриддин Самарқандда бўлган вақтда Улуғбекни Кўксаройдаги хос кутубхонасига бошлаб бориб, кутубхонага янги келиб тушган Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сини кўрсатади. Шу ерда мавлоно Бадриддин Улуғбекка аллома ал-Фарғоний тарафидан битилган «Китоб фи жавомеъ илм ан-нужум ва усул ал ҳаракат ас-самовия» («Юлдузлар ҳақидаги илм билан осмон ёриткичлари ҳаракатининг асосини (бир-бирига) қўшувчи китоб»)ни кўрсатадилар.

Шундай қилиб, Улуғбек болалик йилларидаёқ мавлоно Бадриддин Тусий ёрдамида ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Насриддин Тусий, Абу Райҳон Беруний, Умар Хайём китоблари билан ҳамда Оқсулот ва Ўтрорда «Зижи Маликшоҳи» билан танишди.

Фанга бўлган зўр муҳаббати, катта қобилияти ва меҳнатсеварлиги туфайлигина Улуғбек астрономия мактабининг асосчиси ва раҳбари сифатида ажойиб муваффақиятларга эриша олди. Бу мактаб бутун дунёда ҳамма томонидан эътироф этилди, шуҳратга сазовор бўлди.

Зўр қобилият, ўткир хотира ва аста-секин билимларни тўплаш шунга олиб келдики, Улуғбекда фанга қизиқиш ва интилиш ривожлана борди. Улуғбек билимларини тинмай чуқурлаштириши ва ўз устида мунтазам равишда ишлаши натижасида ўзининг кўпгина замондошларидан ўзиб кетди. Шундай қилиб, олдин ўтган аждодлар — Марказий Осиёдаги қадимги халқларнинг маданий мероси Улуғбек билимларининг асосий манбаи бўлди.

Ўша даврда аниқ фанларнинг ривожланиши, ана шу соҳага оид ажойиб асарларнинг ёзилиши ва, ниҳоят, буюк астрономлар ва математиклар билан яқин муносабатда бўлиш Улуғбек илмий фаолиятининг асосий йўналишини белгилаб берди.

1411 йилда 17 ёшли Улуғбек Мирзо Моваройуннаҳр ва Туркистоннинг ҳокими этиб тайинланиши Темурийлар хонадонида Улуғбекнинг мавқеи нақадар юксак эканлигидан далолат беради. Улуғбек ҳоким бўлгач, бобосидан фарқли ўлароқ ҳарбий юришлар билан қизиқмади. Аксинча, у ўрта асрлардаги бошқа ҳокимлардан ўзгача йўл тутди, кўпроқ илм-фанга мойил эди. Лекин, афсуски, Улуғбекнинг бошланғич маълумоти ва мураббий ҳамда устозлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасмиз. Шундай бўлса-да, мунажжим Мавлоно Аҳмад Улуғбекнинг дастлабки устозларидан бири бўлса керак, деб тахмин қилиш мумкин, чунки бу киши Темур саройидаги энг йирик олимлардан бўлиб, сайёраларнинг келажак икки юз йиллик тақвимлари жадвалларини туза олган. Лекин Улуғбекнинг ўзи кейинчалик асосий асари бўлмиш «Зижи»да фақат Қозизода Румийни **«устозим»** деб атайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳақиқатан ҳам Қозизода 1360 йилларда туғилган бўлиб, 20—25 ёшларида, яъни Улуғбек туғилмасданоқ Темур саройига ўтади. Натижада Улуғбек умрининг илм давриданоқ Мавлоно Аҳмад ва Қозизода Румий — фалакиётшунос ва риёзиётчилар таъсирида улғаяди. Шу сабабли унинг ҳаётида аниқ фанлар муҳим аҳамият касб этади. Йигирма ёшларида у ўз даврининг йирик олимларидан бўлиб шаклланди. У ҳоким бўлган пайтидаги оламшумул ўзгаришлар бутун ўрта аср маданияти тарихида бетакрор воқеа бўлиб қолди.

Улуғбек ихлосмандларидан Ғиёсиддин Жамшид Коший 1417 йили Самарқанддан Кошонга отасига ёзган мактубида Улуғбекнинг фаолияти ва билимдонлигини қуйидагича таърифлайди: «Оллога ва унинг неъматларига шукроналар бўлсинким, етти иқлимнинг фармонбардори, ислом подшоҳи Улуғбек донишманд кишидирлар. Мен бу нарсани одоб расми юзасидан айтаётганим йўқ. Ҳақиқат шуки, аввало у кишим Қуръони каримнинг аксарият қисмини ёддан биладилар. Тафсирларни ва муфассирларнинг ҳар бир оят ҳақидаги сўзларини ақлда сақлайдилар ва ёддан биладилар, арабчада ғоят яхши ёзадилар. Шунингдек, у кишим фиққдан хабардорлар: мантиқ маънолариниг баёни ва усулларидан ҳам хабардорлар».

У киши риёзиёт (математика) фанининг барча тармоқларини мукаммал эгаллаган ва шундай жиддий маҳорат кўрсатганларки, ҳар қандай сонни тезлик билан қўшиш ва кўпайтириш иқтидорига эга бўлганлар. Инсон бино бўлганидан бери шу кунгача ҳали ҳеч кимса у қадар аниқ ва тез ҳисоблай олмаган. Улуғбек, Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда учта мадраса барпо этди.

Самарқанддаги мадраса қурилиши 1417 йили бошланиб, уч йилда қуриб битказилади. Тез орада Улуғбек мадрасага мударрис ва олимларни тўплай бошлайди ва шу тариқа унинг фалакиётшунослик мактаби шаклланади. Бу мактабнинг асосий мударрислари илмий ишларга қулай шароит ва паноҳ излаб Темур давридаёқ Самарқандга келган Тафтазоний, Мавлоно Аҳмад ва Қозизода Румий каби олимлар эди. Қозизоданинг маслаҳати билан Улуғбек отасининг мулки Хуросоннинг Кошон шаҳридан Ғиёсиддин Жамшид Кошийни чақиртирди. Шундай қилиб, Мовароуннаҳрнинг турли шаҳарларидан ва Хуросондан тўпланган олимларнинг сони 1417 йилга келиб 100 дан ортиб кетди. Улар орасида адиблар, муаррихлар, хаттотлар, рассомлар, меъморлар бор эди. Лекин юлдузшунослик ва риёзиёт соҳасидаги олимлар шарафлироқ ва обрўлироқ эди.

Улар орасида Қозизода билан Коший энг салобатли ва нуфузли эдилар.

1420 йили Самарқанд мадрасасининг тантанали очилиши бўлди. Манбаларда қайд этилишича, «мадраса биноси битишига яқинлашганда, бу ерга тўпланган адабиёт, санъат ва фан намояндалари Улуғбекдан мадрасага кимни мударрис этиб та-

www.ziyouz.com kutubxonasi

йинламоқчисиз, деб сўрашганда, Улуғбек, барча фанлардан хабардор бўлган бирор одамни қидириб топаман, деб жавоб берган. Шу ерда ғиштлар орасида ифлос кийимда ўтирган мавлоно Муҳаммад Улуғбекнинг бу гапини эшитиб қолган ва шу онда ўрнидан туриб, бу вазифага меи лойиқман, деган. Шундан кейин Улуғбек уни имтиҳон қила бошлаб, унинг чинакам билимдон одам эканлигига ишонч ҳосил қилган ва уни ҳаммомда ювинтириб, яхши кийинтириш тўғрисида буйруқ берган. Мадрасанинг очилиш кунида мавлоно Муҳаммад мударрис сифатида маъруза ўқиган; мавлоно Муҳаммаднинг олимлардан 90 киши иштирокида қилган маърузасини Улуғбек билан Қозизода Румийдан бошқа ҳеч ким тушуна олмаган»[1]. Чунки бу маъруза ҳаддан ташқари илмий жиҳатдан кучли ва мураккаб масалаларни ўз ичига олган эди.

Бу ерда тилга олинган Қозизода Румий (Салоҳиддин Муса бин Маҳмуд) машҳур математик ва астрономдир. У Улуғбек мадрасасининг дастлабки мударрисларидан бири эди. Ғоят билимли бу олимни замондошлари **«Ўз даврининг Афлотуни»** деб атаганлар. У Самарқандда дафн этилган бўлиб, Қозизодага юксак баҳо берган Улуғбекнинг фармонига кўра, унинг қабри устига мақбара қурилган. Бу мақбара Шоҳизинда мақбаралари яқинида жойлашган.

Улуғбек мактаби тарихида муҳим роль ўйнаган бошқа йирик математик ва астрономлардан бири Ғиёсиддин Жамшид ибн Масъуд эди. У 1416 йилдаёқ астрономик асбоблар тўғрисида рисола ёзган эди. Бу асбобларнинг кўпидан Улуғбек расадхонасида фойдаланилган. У математика ва астрономияга оид бир қанча асарларнинг муаллифидир.

Улуғбек мактабида иш олиб борган Муиниддин, унинг ўғли Мансур Қоший ва Қошийнинг шогирди, Улуғбек асарларининг шарҳчиси Али ибн Муҳаммад Биржонийлар ҳам таниқли астрономлардан бўлган.

Улуғбек асарларининг шарҳчиси, Қозизода ва Улуғбекнинг истеъдодли шогирди, самарқандлик математик ва астроном Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қушчини ҳам эслатиб ўтиш керак. У **«ўз даврининг Птолемейи»** деб ном олган. Али Қушчи илмий ишда Улуғбекнинг энг яқин ёрдамчиларидан бири эди. Улуғбек мактаби намояндаси сифатида Улуғбек асарининг шарҳчиси, астроном Чалабий номи ҳам диққатга сазовордир.

Мадрасада бошқа мударрислар билан бир қаторда, Улуғбекнинг ўзи ҳам астрономия бўйича маърузалар ўқир эди. Учинчи даражали алгебраик тенгламага олиб келган бир градус ёйнинг синусини аниқлаш — Улуғбек ва унинг мактаби эришган ажойиб ва энг муҳим муваффақиятлардан бири бўлди.

Улуғбек атрофида тўпланган Самарқанд олимлари катта аҳамият берган энг муҳим илмий йўналишлардан бири фалакиётшунослик фани эди. Шуни ҳам айтиш керакки, мусулмон

[1] **В. Бартольд. Соч., т. II, М., 1964, 126-бет.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

мамлакатларида ва умуман ислом маданиятида аниқ фаилар, айниқса фалакиётшунослик ва риёзиёт муҳим ўрин тутади. Чунки, мусулмон киши қаерда бўлишидан қатъи назар эрта тонгдан оқшомгача қадар унинг учун беш вақт намоз фарздир. Намоз юзни қиблага — Маккадаги Каъба йўналишига қараб ўқилади. Намознинг вақтлари эса ҳар бир жуғрофик кенгликда ҳам Қуёшнинг ердан баландлигига қараб белгиланади. Ундан ташқари, исломда қабул қилинган ҳижрий йил ҳисоби 354 кунни ташкил қилувчи 12 қамарий ойдан иборат бўлиб, янги ой — ҳилолни масжид минорасидан ёки расадхона тепасидан кўз билан кўриб аниқланган. Шунинг учун мусулмон кишининг ҳаёти фалакиётшунослик, риёзиёт, жуғрофия, ҳунармандчилик ва меъморчиликка алоқадор қуйидаги масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган:

1) жойнинг жуғрофик йўналишларини аниқлаш;

2) маҳаллий меридиан билан қибла йўналишини кўрсатувчи катта доира орасидаги бурчакни аниқлаш;

3) жуғрофик йўналишларни ҳисоблаш учун аниқ риёзий (тригонометрик) ҳисоблаш қоидалари ва усулларини билиш;

4) жуғрофик йўналиш асосида Қуёш баландлигини аниқлаш қоидаларини билиш;

5) қуёш, Ой, сайёралар ва бошқа ёритгичларнинг кеча-кундузнинг исталгаи вақтидаги ҳолатларини аниқлайдиган сферик астрономиянинг аниқ қоидаларини билиш;

6) турли шаҳарлар орасидаги масофаларни аниқлаш учун геодезик ўлчашларни бажариш;

7) турли вақт ўлчаш асбобларини ясаш;

8) ернинг маъмур қисми ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун хариталар тузиш;

9) хариталар тузиш учун риёзиётга тааллуқли кўриниш ҳолатларини билиш;

10) фалакиётшунослик, жуғрофия ва геодезияга тааллуқли ҳисобларни бажариш учун юксак аниқликдаги риёзий ҳисоблаш усулларини билиш;

11) ёритгичларни кузатиш об-ҳаво билан боғлиқ бўлганлиги учун метеорология ва геофизикадан маълумотга эга бўлиш;

12) масжид, мадраса ва расадхоналар барпо этиш учун меъморчилик санъати ва анъаналаридан хабардор бўлиш.

Юқорида кўрсатилган ва бу рўйхатга кирмаган бошқа кўплаб масалалар шунчалик чамбарчас боғланиб кетганки, уларни ҳал қилиш учун олим ва ҳунармандларнинг катта жамоа ва гуруҳлари керак эди. Ана шунинг учун Улуғбек ўз атрофига турли илм ва ҳунар намояндаларини тўплаган.

Келтирилган масалалар рўйхатидан кўриниб турибдики, уларнинг кўпи фалакиётшуносликка алоқадор. Исломдаги энг аввалги юлдузлар ҳақидаги асарлар «Зиж» деб аталиб, улар асосан жадваллардан иборат бўлган. У Улуғбекдан аввал ёзилган энг мукаммал зижлар: Берунийнинг «Қонуни Масъудий»си

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва Насриддин Тусийнинг 1256 йили ёзиб, Хулашхонга тақдим этган «Зижи Элхоний» асари эди. XV аср бошларида ёзилиб, Шоҳруҳга аталган Жамшид Қошийнинг «Зижи Ҳоқоний» асари асосан хитой ва мўғул анъаналарига асосланган бўлиб, ислом мамлакатлари учун деярли аҳамнятга эга эмас ва илмий жиҳатдан ҳам айтгулик эмас эди. Мовароуннаҳрда эса мўғул истилосидан кейин бирорта зиж ёзилмаган эди. Ана шу сабабларга кўра Улуғбек энг аввало юлдузлар ҳақидаги илмни йўлга қўйишга интилади. Бунинг учун расадхона барпо этиш керак эди.

Улугбек бошчилик қилган астрономларнинг муваффақиятли равишда олиб борган таълим ва илмий ишлари уларни аниқроқ асбоблар билан таъминланган намунали расадхона қуриш керак деган фикрга олиб келди. Тарихий манбалар ана шундан далолат беради ки, Мирзо Улуғбек ўз мадрасасини қурдириб битказгандан кейин орадан тўрт йил ўтгач, Қозизода Румий, мавлоно Ғиёсиддин Жамшид ва мавлоно Муиниддин Коший билан маслаҳатлашиб, Кўҳак этагида, Обираҳмат сойининг бўйида расадхона биносини қурдирди. Расадхона қурилишига қарийб 5 йил вақт кетди. Расадхона битгач, расадхона кутубхонаси кўплаб илмий асарлар, жаҳондаги машҳур кишиларнинг асарлари билан тўлдирилди ва у ерда сақланаётган китоблар сони 150 мингдан зиёд бўлди.

Бу ҳақда тарихчи олим Вальтер «Улуғбек Самарқандда биринчи академияга асос солди, ер куррасини ўлчашни буюрди ва астрономик жадвалларни тузишда иштирок этди», деб ёзган эди (Вальтер, Танланган асарлар, Женева, 1769, IX., 199- саҳифа). Ўша вақтларда Самарқандда Улуғбек теварагида 100 дан ортиқ олимлар уюшган бўлиб, шунда расадхона академия вазифасини ўтаган эди.

Мадраса билан расадхона орасида мустаҳкам алоқа бор эди. Расадхонада ишлаб турган илмий ходимларнинг бир қисми мадрасада мударрислик қилишган. Улар орасида Ғиёсиддин Жамшид Кошоний ва Мирзо Улуғбекнинг ўзи ҳам бўлган.

Улуғбек мадраса толиблари билан тез-тез баҳслашиб, имтиҳон қилиб турган. Бир куни Улуғбек мадраса толибларини риёзат билан тақвимдан бир имтиҳон қилмоқчи бўлибди. У ўртага мана бу саволни ташлабди: «Қани, толиби илм, айтиинг-чи, ҳижрий 818 йил, ражаб ойининг ўн иккинчи бирлан ўн бешинчи ўртаси, 918 йил ражаб ойининг ўн иккинчи бирлан ўн бешинчи ораси қайси айёмга тўғри келадур? Бунинг учун жуда кўп рақамларни ёдда тута билиши зарур экан. Талабалардан бирортаси ҳам бу масалани ечолмабди. Шунда Улуғбек буни уйга вазифа қилиб топширибди ва устозларга хос ҳусну одоб билан меҳрибонлик кўрсатиб, ўртага қўйилган масалани тушунтирган ва ечиб берган. Сўнг Абу Райҳон Берунийнинг «Қонуни Масъудий» китобини очиб, олтинчи мақоласининг еттинчи бобидан парча ўқиб берган. Сўнг китобни ёпиб талабаларга бир неча

www.ziyouz.com kutubxonasi

саволлар берган. Жавоблардан қисман қониқиш ҳосил қилган устоз толибу илмларга бу асарни чуқурроқ таҳлил қилиб унинг моҳиятини англаб етишни уйга яна бир бор вазифа қилиб бериши, у қадар талабчан олим эканлигидан далолат беради.

Расадхона билан мадраса илм аҳлларининг биргаликдаги фаолияти Улуғбек илмий мактабида юлдуз илми ва риёзиётни ўрта асрлар даврида энг юқори поғонага кўтарди.

Давлат ишлари билан боғлиқ бўлган юриш-кўчишлар, расадхонадаги кузатишлар ва мадрасадаги дарслар, илмий ишларга умумий раҳбарлик қилиш ҳам Улуғбекнинг кўп вақтини оларди. Шунинг учун бўлса керак, унинг қаламига мансуб бўлган илмий асарлар сон жиҳатидан кўп эмас — улар тўртта.

Улуғбек илмий меросининг энг асосийси, маълум ва машҳури унинг «Зижи» бўлиб, бу асар «Зижи Улуғбек»дир. «Зижи жадиди кўрагоний» деб ҳам аталади. «Зижи»дан ташқари унинг қаламига мансуб риёзиёт асари —«Бир даража синусини аниқлаш ҳақида рисола», юлдузларга бағишланган «Рисолаи Улуғбек» (ягона нусхаси Ҳиндистонда Алигарҳ университетининг кутубхонасида сақланади) ва тарихга доир «Тарихи арбаъ улус» асаридир.

Улуғбек «Зижи» ўз таркибига кўра VIII—IX асрларда бошланган юлдузшунослик анъанасини давом эттирса-да, илмий поғонаси уларга нисбатан баланд.

Бу асар муқаддима ва тўрт мақоладан иборат. Муқаддиманинг бошида Қуръондан юлдузлар ва сайёраларга тааллуқли оятлар келтирилади. Улуғбек бу билан юлдузларни кузатиш зарурлигини ғоявий асосламоқчи бўлади.

Улуғбек «Зижи» ўрта асрлардаги энг мукаммал асар бўлиб, тезда замондошларининг диққатини ўзига жалб этди. Энг аввал, бу асар Самарқандда Улуғбек атрофида тўпланган олимлар ижодига катта таъсир кўрсатди. «Зиж»да ҳеч қандай назарий дастурлар баён этилмайди ва теоремалар исботланмайди, балки назарий мавқеъдаги жумлалар қоида тарзида баён қилинади. Шунингдек, муҳим аҳамиятга эга бўлган миқдорлар ва параметрлар «биз шундай топдик» деган ибора билан ҳисобсиз ва исботсиз келтирилади. «Зиж»ни ўрганиш шуни кўрсатадики, у фақат амалий қўлланишга мўлжалланган бўлиб, назарий масалаларни баён этишни Улуғбек олдига мақсад килиб қўймаган. Шунинг учун бўлса керак, «Зиж»ни биринчи бўлиб Самарқанд олимларининг ўзи хусусан Али Қушчи шарҳлайди. Ундан кейинги шарҳларни Мирим Чилабий ва Ҳусайн Биржандийлар ёзади.

1449 йили Улуғбекнинг фожиали ҳалокатидан сўнг Самарқанд олимлари аста-секин Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бўйлаб тарқалиб кетадилар. Улар ўзлари борган ерларга Самарқанд олимларининг ютуқларини ва «Зиж»нинг нусхаларини ҳам етказадилар. Жумладан, Али Қушчи 1473 йили Истамбулга бориб, у ерда расадхона қуради. Шу тариқа Улуғбек «Зижи»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Туркияда тарқалади ва Туркия орқали Оврупа мамлакатларига ҳам етиб боради.

Ҳозирги кундаги маълумотларга кўра «Зиж»нинг 120 га яқин форсий ва 15 дан ортиқ арабий нусхаси мавжуд. Ўрта асрларда ёзилган ҳеч бир астрономик ёки риёзий асар бунчалик оммалашмаган. «Зиж» мусулмон мамлакатларининг деярли барчасида ўрганилган. Уни шарҳлаган олимлардан қуйидагиларнинг номларини эслатиш мумкин: Шамсиддин Муҳаммад ибни Абул Фатҳ ас-Сўфий ал-Мисрий (ваф. тах. 1495), Абдуқодир ибни Рўёний Лаҳитий (ваф. 1519), Мирим Чалабий (ваф. 1525), Ғиёсиддин Шерозий (ваф. 1542).

Улуғбек «Зижи», айниқса, Ҳиндистон олимларига кучли таъсир кўрсатди. Самарқанд олимларининг илмий анъаналарини Ҳиндистонга Бобурнинг ўзи етказган деган маълумот бор. Бобурнинг ворислари ўтмишдаги шоҳларга ўхшаб атрофига олимларни тўплайдилар ва уларнинг илмий изланишларига шароит яратадилар. Ҳинд олимлари кўп жиҳатдан Самарқанд олимларига тақлид қиладилар. Масалан, Шоҳ Жаҳони Аввал замонида Лаҳор ва Деҳлида ишлаган Фаридиддин Масъуд ад-Деҳлавий (ваф. 1629) «Зижи Шоҳ Жаҳоний» номли асар ёзади: ундаги мақола ва бобларнинг сони худди Улуғбек «Зижи»дагидек ва жадвалларнинг ҳам кўп қисми Улуғбекдан олинган. Йирик ҳинд олими Савай Жай Синх (1686—1743) ҳам ўзининг «Зижи Муҳаммадшоҳий» номли асарини Улуғбек «Зижи»нинг кучли таъсирида ёзган.

«Зиж»нинг Ғарбий Оврупа фанига ҳам таъсири катта бўлди. Умуман олганда, Ғарбий Оврупа Темур ва унинг фарзандларини, айниқса, Улуғбекни XV асрданоқ биларди. Али Қушчининг Истамбулдаги фаолияти туфайли Улуғбекнинг олимлиги ҳақидаги хабар ҳам Оврупага тарқалади.

1638 йили Истамбулга инглиз олими ва шарқшуноси, Оксфорд дорилфунунининг профессори Жўн Гривс (1602—1652) келади.

Қайтишида у ўзи билан Улуғбек «Зижи»нинг бир нусхасини Англияга олиб кетади. 1648 йили аввал «Зиж»даги 98 юлдуз жадвалини чоп этади. Уша йилнинг ўзида Гривс «Зижи»даги жуғрофий жадвални ҳам нашр этади. 1650 йили эса у «Зиж» биринчи мақоласининг лотинча таржимасини нашр этади. Гривс 1652 йили мазкурни охирини икки қайта нашр этади.

Яна бир инглиз олими ва шарқшуноси Тўймас Хайд (1636) лотинчада чоп этади. Шуниси диққатга сазоворки, Ҳайд Гривснинг ишларидан бутунлай бехабар эди. Демак, «Зиж»нинг (1703) «Зиж»даги турғун юлдузлар жадвалини 1665 йили форсча нусхалари қандайдир йўллар билан унга ҳам етиб келган.

Ҳайднинг нашридан 15 йил кейин поляк олими Ян Гавалий (1611—1687) Данцигда «Зиж»нинг айрим жадвалларини нашр этади. Бундан кейин XVIII ва XIX асрларда қатор Оврупа олимлари «Зиж»нинг айрим қисмларини нашр этган бўлсалар, фран-

www.ziyouz.com kutubxonasi

цуз шарқшуноси Л. А. Седийо (1808—1876) тўрт мақолалари олдидаги сўзбошилари ва муқаддимасининг французча таржимасини 1847—1853 йилларда чоп қилади. Ниҳоят, XX аср бошларида америкалик олим Э. Б. Нобл «Зиж» нинг Англия кутубхоналарида сақланадиган йигирма саккиз қўлёзмаси асосида юлдузлар жадвалининг инглизча таржимасини нашр этади. (Вашингтон, 1917.)

Чексиз ақл-идроки, азму қатъияти, одилона сиёсати билан Мирзо Улуғбек қарийб қирқ йил мобайнида Моваройннаҳр диёрининг донишманд ҳукмдори бўлиб, халқларнинг азалий орзуси — тинчлик, тотувлик, ҳар томонлама тараққиётни қарор топтириш йўлида мислсиз шижоат ва матонат кўрсатди.

Мирзо Улуғбек, аввало, илмий фаразлар билан эмас, балки соф амалий услубда ижод қилди. Минглаб юлдузларни жамлаган мукаммал харита ва бугунги энг замонавий ҳисоблардан деярли фарқ этмайдиган мукаммал астрономик жадвалини яратди.

Унинг ҳаёти ва ижоди ўзбек халқи маънавияти пойдеворига қўйилган тамал тошларидан бири бўлиб, халқимизнинг ўрта асрларда фундаментал фанга нечоғлик буюк аҳамият берганини кўрсатади.

«Зижи жадиди кўрагоний» деб номланган Улуғбек астрономик жадвали ўрта асрларда лотин тилига таржима қилиниб, Европа олимлари орасида кенг тарқалгани бу фикримизнинг яққол исботидир.

Мирзо Улуғбек ўз умрини келажак учун, бугунги ҳаёт учун фидо этди. Ўша узоқ замонларда башарият тараққиётини ўйлаб яшади, ўз авлодлари асрлар оша тартиб этажак маърифатли бир жамиятни орзу қилди. Ҳар қандай миллат ҳам Улуғбекдай фарзандни тарбия этгани учун ғурурланиши табиий ҳолдир, чунки бундай инсонлар фақат ўз халқига эмас, балки умумбашарий гуллаб-яшнаш учун ҳам хизмат қилади ва жаҳоннинг эътиборини қозонади.

Мирзо Улуғбекнинг умумбашарий қадриятларга қўшган ҳиссаси беқиёс бўлиб, у бугунги кунда ҳам ҳаётимизда улкан аҳамият касб этмоқда ва Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини ошириш йўлида катта хизмат қилмоқда. Буюк аждодимиз Улуғбек номи берилган маънавият масканлари, маҳаллалар, кўчалар ва шаҳарлар жуда кўп. Юртимизда дунёга келиб кўз очаётган ҳар ўн чақалоқнинг бирига эзгу ният билан Улуғбекнинг муборак исми бериляпти деб айтсак, муболаға бўлмайди.

Буларнинг барчаси — миллатимизнинг буюк алломага бўлган чексиз ҳурмати ва эҳтиромларидан дарак беради[1].

[1] **И. А. Каримов.** Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994 й., 97—98- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙ
(1413—1482)

Жалолиддин Исҳоқ ўғли Камолиддин Абдураззоқ Самарқандий 7 ноябрь, 1413 йил Ҳирот шаҳрида туғилган ва 1482 йил ёзида шу шаҳарда вафот этган. Унинг «Самарқандий» тахаллуси, отасининг Самарқанд шаҳридан бўлганлиги ва тарихчининг ўзи ҳам шу шаҳарда ўқиб, анча вақт шу ерда фаолият кўрсатгани сабаблидир.

Абдураззоқ Самарқандий ўз асарида ёшлик, йигитлик йиллари, хуллас таржимаи ҳоли ҳақида, таълим-тарбия олган йиллари тўғрисида аниқ бир ахборот қолдирмаган. Бироқ, манбаларда унинг Ҳирот мадраса-мактабларида бошланғич маълумот олганлиги ҳақида билиб оламиз. Чунки, Ҳиротда, яъни Амир Темурнинг фарзанди Шоҳруҳ саройида ўзи ҳам, отаси ҳам яшаб ўтганлиги ва шу ерда Абдураззоқ тафсир, ҳадис, фиқҳ, тарих ва тил-адабиёт фанларидан етарли маълумот олганлиги маълум.

Бу ҳақда Алишер Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафоис» асарида эслатиб ўтади. А. Навоий: «Абдураззоқ Самарқандий... Хушмуҳовара (хушсуҳбат) киши эрди... Зоҳир улумин такмил қилиб эрди ва фазлиёти ҳам яхши эрди...» деб ёзган эди.

Ўша вақтдаги одатга кўра, Темурийлар саройида ҳар бир фозил кишини имтиҳон қилиб туришган.

Абдураззоқнинг «Матлаи саъдайин» асаридаги муаллифнинг ўз ҳаётига доир маълумотларга қараганда, дастлаб ўзи яхши билган илмларни арзга етказиб турувчи мулозим бўлган Абдураззоқ, Шоҳруҳ имтиҳонидан муваффақиятли ўтиб, давлат ишларида фаол қатнашган, дипломатик ёзишма ва элчилик алоқаларига оид ишлар билан машғул бўлган ҳамда бир нечта давлатларга элчи бўлиб борган.

Тарихчи ҳақида бир қисм маълумотларни, унинг бизгача етиб келган яккаю ягона асари «Матлаи саъдайин»дан ўқиш мумкин. Бу асарни у 1467—1470 йиллар орасида ёзиб тугатган бўлса-да, аммо, маълумот тўплашни умрининг охиригача давом эттирган. Асар қомусий табиатга эга бўлиб, унда ўша замон фанларидан ҳамда таълим-тарбияга доир маълумотлар баён қилинадики, бу ҳозирги замон кишисини ҳам диққатини ўзига тортади.

Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайин ва мажмаи баҳрайн» асаридан таълим-тарбияга оид ва илм-фан тўғрисида қуйидагиларни билиб оламиз. У шундай ёзади:

> Агар сўздан ҳам олийроқ бирор гавҳар
> бўлганда эди,
> У сўз ўрнида тушган бўларди.

Жонпарвар сўз худди инсон руҳидан абадий боқийлик топади ва офтоб шуъласи каби барча одамга нур сочади, балки, айтиш жоиз бўлса, руҳ чироғи ана шу (бадан) ичкарисига ёруғлик бағишлайди-ю, офтоб шуъласи ташқарида порлайди. Аммо

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўз нури эса ичу тошни шуълага чўлғовчи бир шамдир ва у (шуъла) шундайдирки, ёруғлиги абадий порлоқ ва ҳеч маҳал сўнмовчидир (55- бет).

«... Сўз тузувчи табъ булбули иншо ҳавосида парвоз қилар экан, гарчи аҳён-аҳёнда, достон куйлаш чаманзори-ю, сўз безаш мажлисида достонлар тузиб, наволар куйласа яхши, аммо тушунарсиз мақтов-ўхшатмалар сабаби билан қоронғу ва тутуруқсиз бўлиб қолмасин...» (57- бет.)

Ақл кўзи маъний гавҳарининг порлашини
кўрсин учун,
Қалам назм дурруни шу тартибда сўз
ипига терди (57- бет).

«Илмларни ихтиро қилувчи ва юлдузлар ҳукмларини чиқариб берувчи Уторид (сайёраси) қавсуннаҳор баландлигини даража ва дақиқалари билан ҳисоблаб чиққач, вақт толеи давлат юксалиши-ю, саодат насибасини ўз ичига олган, деб ихтиёр қилди...» (118- бет).

Қабри нурга тўлгур отам менга
айтганки, «агар бошингга даҳр ғамидан
бирор мушкул иш тушса,
ё бironта донишманднинг ҳиммати
паноҳига шошилгин,
ёки бирор бахтиёр кишининг иқболига
илтижо қилгин!» (129- бет)

Мактаб ҳақида. Хоқони Саид ҳазратлари бунёд қилишга бу юрган мадраса ва хонақоҳ қуриб тамомланди ва бу ернинг таровату латофатидан у шаҳар (Ҳирот) тўла-тўкис гўзаллик касб этди (153- бет). ... ва (шундан бери) ер юзида, (яъни) Рум сарҳадидан токи Чиннинг энг йироқ ерларигача ҳеч бир ерда дарс (ўқиш) ва фатво (ўрганиш) учун бу икки иморат (мадраса ва хонақоҳ) латофатига эга бўлган бирор мавзе ва унинг тароватига ўхшаш бирор мавқени кўрсата олмайдилар... фанларга оид ҳамда ақл билан отиладиган ва қонуний (масалаларни) ўз ичига олган китобларнинг асалларини сандиқларига солиб тахту муҳайё қилинган, атоқли уламоларнинг ҳар бирини бир гуруҳ кишиларга дарс беришга ва хосу (авом кишиларга — Э. Т.) тушунтиришлар ўтказишга тайинлаб қўйилган (154- бет).

Билимдан дурустроқ бирор нарса
топилмайди.
Агар бирор киши шоҳлиги туфайли қобил бўлса,
Демак, унга таълим берувчи илоҳий фазлдир.
Биздан қолган осор-ёдгорликлар бизнинг ким
бўлганлигимиздан далолат беради.

Демак, биздан кейин осор-ёдгорликларимизга назар қилингиз (215- бет)!

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Мирзо Улуғбек) ҳақиқат аҳлларига эътибор кўрсатишда жаҳон подшоҳларидан устун ва афзал эди, адл мактабларини янгилаш ва фазл қоидаларини мустаҳкамлашда шундай бир катта жидду жаҳд ва гўзал саъй-ҳаракат кўрсатдики, бунга шоҳидлик нурлари ва далиллик ёдгорликлари ҳаёт саҳифасида аниқ ва ойдин қолгусидир... (254- бет).

...Уламоларнинг энг билимдонлари ва фозил кишиларнинг тажрибакорларини мадрасада дарс бериш ва тушунтириш учун тайинлади (277-бет).

Илму фанлар бўйича етарли насиба ва тўлиқ сармоя эгаси бўлган Мирзо Улуғбек дейди:

Барчага маълумдирки, ҳар қанча ўйлаб
кўрилгаида ҳам,
Биттагина бош билан олам ишини
қандай бажариш мумкин эди.
Ҳар бир иқлимдаги тожу тахт эгалари,
агарчи осмон тарафидан таълим
олган бўлсалар-да,
Лекин (дунёвий) илм касб қилиш ҳам
гўзал ишдир (277- бет).

Улуғларга номаълум қолмасинки, агар умматлардан бирортаси фазилат ва камолотларидан қайси бирини бўлмасин, энг юқори камолот ва буткул ниҳоятга етказса ва бу хил (иш) ни бажариш ундан илгари бирон кишининг ҳам қудрат қўлидан келмаган ва ундан кейин ҳам ҳеч ким унинг даражасига етказа олмайдиган бўлса—ана шу комоли хатм бўла олади (339- бет).

Тарбия ҳақида ...Умид ниҳоли иқбол чаманида юксалгач, машаққат офтобидан куйганлар бошига мақсад соясини ташлаб, худди мурод ғунчасидек ҳосил бериши, адолат ва инсофнинг майин шабодаси билан замона димоғини муаттар қилиши, барча ҳиммат-саховатини эзгуликларни ошириш ва хайрли ишларни намоён қилишга қаратиб, бор ғайратини сайидлар, ҳам олимларни улуғлаш ва машойих ҳам солиҳларни ҳурматлашга сарфлаш лозим (59-бет).

«...Энди фарзандлардан лозимки, дўстларга садоқат ва душманларга адоват кўргазишда оға-иничилик шартларига қаттиқ риоя қилсинлар... бир-бирларига мадад беришда худди занжирдек мувофиқлик йўлини тутсинлар... токи азиз хотир ойнаси юзида бирор ғубор кўринмасин» (63- бет).

Бу баланд осмон доимо бир тарзда айлана бермайди.

Гоҳ (кишига) шодлик бағишлайди-ю, гоҳ ранжитади (65- бет).

Сен дилингда ёмонлик сақлаган ҳолда подшоҳлик қилмагин (66- бет).

Бу дунёда фарзанддан кўра ким азизроқ бўлиши мумкин?

Чунки, фарзанд давлат ишларини улуғ хотиримиз фароғатга эришишига сабаб бўла оладиган тарзда олиб боришига ишона-

www.ziyouz.com kutubxonasi

миз. У қимматли фарзанд ваъз-насиҳатларга ўрин қолдирмайдиган даражада одил, инсоф ва яхши сифатлар билан безанган... (69- бет).

Ип узилса, уни боғлаш мумкин-у,

Лекин ўртасида тугуни қолади (72- бет; 166- бет).

Бировнинг қилган ишига яраша жавоб қайтаришинг вожибдир (75- бет).

Бечораларга нисбатан зулм раво кўрилганлиги—мулк қўлдан кетганлигининг нишонидир (78- бет).

Бир дарахтни умр бўйи парвариш қилган киши уни заруратсиз илдизидан қўпормайди (89- бет).

Оқил кишилар дўст билан душман-у, душман билан дўстни алмаштириб юборишга майл қилмайдилар (93- бет).

Сайёҳ агар юз ҳунарга эга бўлса ҳам таваккал қилмоғи лозим.

Зийрак қуш тузоққа илиниб қолган вақтида сабру тоқат қилмоғи лозим (27- бет).

Биз бир-биримиз билан дўст бўлсак йўллар нотинчлик ва офатлардан амин бўлғусидир (139- бет).

Бирон хатога йўл қўйган киши узр сўрагани дуруст,

ахир одам ҳам узр сўраганлигидан бир натижага етишган (175- бет).

Агар душман билан сулҳ тузишга муяссар бўлинса, сулҳ юзасидан иттифоқликда бўлиш, жанг қилишдан афзалдир (191- бет).

Сенинг ҳаққингда яхши номлилик шуҳрати таралмоғи ва хушфеъллик зикри сендан қолмоғи учун... ҳамда мақтовли сифатларинг билан бутун дунёдаги маликалардан устун туришни истасанг, ана шу... қоидага биноан иш тутгин (208- бет).

Уйга аҳёнан кириб қоладиган чиён мисоли, бузуқ хаёлли киши ҳам ёмон ишни бошлайди (351- бет).

Муваффақ бўлганинг ҳар бир хушвақтликни ғанимат билгин,

чунки иш охири нима билан тугалланишидан ҳеч ким воқиф эмас! (357- бет.)

АЛИШЕР НАВОИЙ
(1441—1501)

Қомусий билимлар соҳиби, буюк мутафаккир Алишер Навоий фан ва санъатнинг турли соҳалари: адабиёт, тарих, тил билимлари, мусиқа, хаттотлик, тасвирий санъат, меъморчилик ва бошқаларни ривожлантириш билан бирга, таълим-тарбияни такомиллаштиришга ҳам катта эътибор берганди. У ўзининг «Хамса», «Маҳбуб ул-қулуб» каби йирик таълимий-ахлоқий асарларида, шунингдек, «Муножот», «Вақфия», «Мажолисун нафоис», «Муҳокамат ул-луғатайн» асарларида ҳамда Абдураҳмон Жомийнинг «Арбаъийн» номли асари таржимаси «Чиҳил ҳадис» («Қирқ ҳадис») кабиларда тарбияга оид ўз қарашларини ифода этади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Алишер Навоий ўзининг бадиий асарларида комил инсон образларини яратиб, таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларини ифодалаган бўлса, таълимий-ахлоқий асарларида эса комил инсонни шакллантиришнинг мазмуни, йўллари, усулларини баён этди.

Алишер Навоий ўз даврининг илғор, маърифатпарвар алломаси сифатида исломдаги таълим-тарбия ақидалари, ўзидан илгари ўтган мутафаккирларнинг қарашларини анъанавий тарзда давом эттирди. Айниқса, инсон камолотида илм-фаннинг ўрни, ақл-идрокнинг аҳамияти, ақлий тарбиянинг моҳиятини ёритиб беради.

Навоий тасаввурларидаги комил инсонга хос бўлган энг юксак фазилатларга: ижодкорлик, қобилият, илм-фанга муҳаббат киради. Чунки, бахтли ҳаётга интилган Навоий фикрича, оқил, қобилиятли, доно инсон ўзининг куч-қувватига, ақлу заковатига ишонади. Шунинг учун Навоий илм-фаннинг аҳамиятини ёритиб берар экан, илмни қоронғиликни ёритадиган чироқ, ҳаёт йўлини нурафшон этадиган қуёш, одамларнинг ҳақиқий қиёфасини кўрсатадиган омил сифатида таърифлайди. Бу фикрини «Назмул жавоҳир» асарида:

Ким олим эса нуқтада барҳақ де они,
Гар базм тузар биҳишти мутлақ де они.
Ҳар кимсаки йўқ илмга анга аҳмақ де они,
Мажлисдаки илм бўлса учмақ де они[1].

яъни илмли, оқил одам ўз мақсадига эришиш учун ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтади, ким илмни ўзига таянч қилиб олса, у ҳеч қачон қоқилмайди, хор бўлмайди ва илмнинг вазифаси инсон бахт-саодатига хизмат қилишдир, деб таъкидлайди.

Алишер Навоий «Ҳайратул аброр» достонининг ўн биринчи мақолатида илмни шундай шарҳлайди ва уни қуёш, ой ва кундузга ўхшатиб, у инсонни бахт-саодатга элтади, демоқчи бўлади. Яъни, бу мақолат: «Илм осмонининг юлдузлардек баланд мартабалиғи ҳақидаким, билимсизлик тунини ёритиш учун араб алифбосидаги «айн»и Қуёш, «лом»и ой, «мим»и кундуз ҳарфларини кўрсатади; билимсизлик шомининг қоронғи кўриниши ҳақидаким, ғафлат чоҳини пастлик кечасидан зоҳир қилиб; бу кечада олимнинг бутун бахтсиз вужудининг қуёшдек юксаклиги, жоҳилнинг эса бутун борлиғи бойлик, мол бўлса ҳам тупроқлик хорлиги» ҳақидаги фикрни баён этади.

Демак, Алишер Навоий илмни инсон камолоти учун энг зарур фазилатлардан деб билади. У илмни инсонни, халқни нодонликдан, жаҳолатдан қутқарувчи омил сифатида таърифлади. Шунга кўра ўз асарларида кишиларни илм-маърифатли бўлишга ундайди. Илм олиш ҳар бир кишининг инсоний бурчи, деб ҳисоблайди. Чунки илм эгаллашдан мақсад ҳам халқининг,

[1] **Алишер Навоий.** Назмул-жавоҳир. Асарлар, ўн беш томлик, Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 15-том, 1968, 45-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўз мамлакатининг бахт-саодатли, фаровон ҳаёт кечириши учун хизмат этишдан иборатдир, деб таъкидлайди. Масалан, Улуғбекни шундай инсонлардан, деб таърифлаб, унинг номи илму ҳикматда, тарихда абадий қолди, дейди.

Шунингдек, Навоий ҳаётда ўз илмига амал қилиш, ўрганганларини ҳаётга тадбиқ этиш масаласига алоҳида эътибор беради. Масалан, у «Маҳбуб ул-қулуб» асарида илм ўқиб уни ишлатмаган киши, шудгор қилиб деҳқончилик қилмаганга ёки уруғ сочиб ҳосилдан баҳра олмаганга ўхшайди:

Илм ўқуб қилмағон амал мақбул,
Дона сочиб кўтармади маҳсул[1].

Ҳатто шоирнинг ўзи ҳам 4—5 ёшларида сабоқ олгани, Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарини ёд олгани бунинг далилидир. Навоий қаҳрамонлари Қайс, Фарҳодлар ҳам 4—5 ёшда билим ола бошлайдилар ва билимларни эгаллашда қобилиятларини намоён этадилар.

Алишер Навоий билим олишда барча фанларни ўрганишни тарғиб этади. Бунда у олиму фозилларни йиғиб, улар орқали илм-фанни тараққий эттиришга эътибор беради.

Масалан, Навоий ўзининг «Ихлосия» мадрасаси ёнида мактаб очиб, ўз вақфидан маблағ ажратган. Мадрасада таълим олаётган ҳар бир талабадан илмда қаттиқ интизомга риоя қилиш талаб этилган. Шунингдек, у илм-фанни мустақил ҳолда ўрганиш, етук илм соҳибларидан дарс олишга ҳам ундайди.

Алишер Навоий илм олиш йўллари ҳақида ҳам муҳим фикрлар баён этади.

У билимларни тинмай узлуксиз ўрганиш зарур, дейди. Бунда ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтиш муҳимлигини, қунт билан ишлаш, тиришқоқлик билан ҳаракат қилиш, изчиллик билан иш кўриш, уни охиригача етказиш, чидам ва сабот билан ўрганишни таъкидлайди. Демак, буюк аллома илм олиш тамойилларини ўз даврида тўғри ифодалаб, ҳатто таълим тизимини ҳам белгилаб беради: яъни Алишер Навоий таълим тизимини ўз даврида мактаб, мадрасаларда ўқиш, олим, ҳунарманд, санъаткорларга шогирд тушиб ёки мустақил ҳолда илм олиш имкониятларидан фойдаланишни тавсия этади.

Алишер Навоий ёшларга чуқур билим беришда муаллимлар, мударрислар ҳамда устоз-мураббийларнинг ўзлари ҳам билимли ва тарбияли бўлиши зарурлигини уқтиради. У нодон, мутаассиб, жоҳил домлаларни танқид этади ва ўқитувчи маълумотли, ўқитиш йўлларини биладиган муаллим бўлиши зарур, дейди. Масалан, «Маҳбуб ул-қулуб» асарида мактабдорлар ҳақида фикр юритар экан, уларнинг ўта қаттиққўл, жоҳил ва таъмагирликларини: «Мактаб тутувчи гуноҳсиз ёш болаларга жафо қилувчидир. У ёш болаларни азоблашга рағбатланган,

[1] **Алишер Навоий.** Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар, ўн беш жилдлик. Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти. 12-том, 1966, 69- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уларни калтаклашга ўрганган. Ўзи раҳмсиз, мияси пўлат ва кўнгли тошдир. Ғазабли қоши чимирилган, гуноҳсизларга аччиқлаиишга одатлангандир. Уларнинг кўпчилигида кўнгил қаттиқлиги ва таъма касаллиги ошкор ва ўзлари ақл камлигига гирифтор. Аммо ёш болалар табиатидаги қайсарликни қийналиб ром қилувчи ва қичкиналарнинг олазарак ҳаракатини дўқ билан тартибга солувчидир. Агарчи қилиқларининг қўполлиги намоёндир, аммо ўзлари ёш болалар келишмаганликларини силлиқлаштиришга йирик эговдир»,— деб қоралаш билан бирга, ўқитувчи меҳнатининг оғирлиги, мураббийлик ҳаққини холисона баҳолайди.

«Унинг иши одам қўлидан келмас, одам эмас, балки дев ҳам қила билмас. Бир кучли киши бир ёш болани сақлашга ожизлик қиларди, у эса бир тўда болага илм ва адаб ўргатади, кўрким бунга нима етсин.

Шуниси ҳам борки, у тўдада фаҳм-фаросати озлар бўлади, ундай кишига юзларча мащаққат келса қандай бўлади. Ҳар қандай бўлса ҳам, ёш болаларга унинг ҳаққи кўпдир. Агар шогирд подшоҳликка эришса ҳам унга (муаллимга) қуллуқ қилса арзийди.

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила»[1].

Алишер Навоий ўқитувчининг ҳурматини қанчалик жойига қўйса, унга бўлган талабни ҳам шунчалик оширади. Айниқса мадраса мударрисларининг билимли, фозил ва доно, камтар, маънавий пок бўлишларини талаб этади: «мударрис керакки, ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтишга уринмаса, манманлик учун дарс беришга ҳавас кўргазмаса ва олғирлик учун гап-сўз ва ғавғо юргизмаса, нодонликдан салласи катта ва печи узун бўлмаса, гердайиш учун мадраса айвони боши унга ўрин бўлмаса... Ярамасликлардан қўрқса ва нопокликдан қочса, наинки, ўзини олим билиб, неча нодонга турли хил фисқ ишларни мумкин, балки ҳалол қилса; қилмас ишларни қилмоқ ундан содир бўлса ва қилар ишларни қилмаслик унга қоида ва одат бўлиб қолса. Бу мударрис эмасдир, ёмон одатни тарқатувчидир»[2].

Навоий ўзи барпо этган «Ихлосия» мадрасасида ўз замонасининг етук мударрисларини йиғди ва илм излаган талабалар ана шу мадрасаларда илм пешволаридан таҳсил олдилар.

Демак, Навоий ҳар бир ёшнинг ақлий камолотга етишида илму фаннинг аҳамиятини кўрсатиб ўтиш билан бирга жамият тараққиётининг асоси саналган илм аҳли, илмни тарқатувчи олиму фозилларни ҳурмат қилишга ва уларнинг турмуш даражасини яхшилаш масалаларига ҳам эътиборни қаратади.

---

[1] **Алишер Навоий.** Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар, ўн беш томлик, Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1966, 13-том, 23, 192—193-бетлар.

[2] Ўша китоб, 189—190-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоий орзу қилган комил инсон фақат илмли бўлиш билан қаноатланиб қолмаслиги, балки у яна сабр-тоқат, сахийлик, ҳиммат, тўғрилик, ростгўйлик, тавозеъ, адаб, ишқ ва вафо ва шу сингари фазилатларга ҳам эга бўлиши лозимлигини бир неча бор таъкидлаган эди.

Шу боис Алишер Навоий умр бўйи тўплаган тажрибаси асосида «Маҳбуб ул-қулуб» («Кўнгилларнинг севгани») асарини ёзди ва ана шу асарида ўзининг ахлоқий қарашларини баён қилди.

Унинг мазкур асарни ёзишдан мақсади ҳам муқаддимада баён этилган: «Ҳар кўча-кўйда югурибман ва олам аҳлидан ҳар хил кишиларга ўзимни етказибман. Яхши ва ёмоннинг феълатворини билибман, ёмон-яхши хислатларини тажриба қилибман.

Яхшилик ва ёмонликнинг аслини ҳам, заҳарини тотиб кўрдим. Ҳадислар ва карамлилар етказган яра ва берган малҳамни кўнглим таг-туги билан сезгандир. Замон аҳлидин баъзи ҳамсуҳбатлар ва давр кишиларидан айрим дўстлар бу ҳоллардан хабарсиз ва кўнгиллари бу яхшилик ва ёмонликдан асарсиздир...

Бу хилдаги ҳамсуҳбат ва дўстларни хабардор қилмоқ ва бу ҳоллардан огоҳлантирмоқ лозим кўриндики, ҳар тоифанинг хислатларидан маълумотлари ва ҳар табақанинг аҳволидан билимлари бўлсин, кейин муносиб кишилар хизматига югурсинлар ва номуносиб одамлар суҳбатидан тортинишни зарур билсинлар ва барча одамлар билан махфий сирлардан сўз очмасинлар. Шайтон сифатлар ҳийла ва алдовларига ўйинчоқ бўлиб қолмасинлар. Кимки ҳар хил кишилар билан суҳбатлашиш ва яқинлашишни ҳавас қилса, бу каминанинг тажрибаси ёшлар учун етарлидир»[1].

Асар уч қисмдан иборат бўлиб, Навоийнинг ўзи таъкидлаганидек, биринчи қисми ҳар хил тоифа одамлар феъл-атвор ва аҳволи, қайфияти; иккинчи қисми яхши феъллар ва ёмон феъллар; учинчи қисми эса хилма-хил фойдалар ва қиссалар кўриниши, яъни яхши феъллар ва хислатларга оид тасбешлардан иборатдир.

Алишер Навоий муқаддимада аввало кишиларни икки гуруҳга «Муносиб кишилар» ва «Номуносиб кишилар»га бўлиб, ҳаётда инсон ана шу номуносиб кишилардан ўзларини тийиши ва яхши-ёмонни ажрата олишда «Маҳбуб ул-қулуб»дан фойдаланиши зарурлигини таъкидлайди. Демак, Навоий ҳаёт тажрибалари асосида ёшларни ҳақиқий, комил инсон бўлишга ундайди ва ҳаёт сабоқларидан хулоса чиқаришда ушбу асаридан фойдаланиши мумкин дейди.

Навоийнинг ҳақиқий инсони — пок, меҳнатсевар, соф виждонли, инсофли, тўғри, саховатли, одобли, камтар, ҳаёли, мурувватли шахс. Бундай хислатларни одамларда таркиб топти-

[1] **Алишер Навоий.** Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар, 15 томлик, Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1966, 13-том, 23, 192—193-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

риш учун уларда ана шу олижаноб хислатларни тарбиялаш керак дейди ва ахлоқий фазилатларга таъриф беради, уларнинг оқибатларини тушунтиради. Масалан: Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг биринчи қисмида турли табақа кишилари ҳақида фикр юритар экан, уларнинг маънавий қиёфаларига алоҳида эътибор беради. Подшоҳлар адолат билан иш юритар эканлар мамлакатда тинчлик, осойишталик, ободончилик, тўқлик ҳукм суриши, унинг хизматчилари ҳам шоҳга қараб инсоф билан иш юритиши ҳақида гапиради. Турли касб эгалари ҳақида фикр юритар экан, ҳар бир касб эгасининг касб маҳорати, виждони, хулқ-одобига алоҳида тўхтаб ўтади. Масалан, табибларни «Табибга ўз ишида маҳорат ва касаллар ҳолига шафқат ва улар табиати уйғун, донишмандона бўлиши керак дейди. А. Навоий фикрини давом эттириб: сўзида юмшоқлик ва кўнгил овлашлик, ўзида ҳаё ва хушфеъллик бўлсин»[1],— дейди.

Навоий инсоннинг ахлоқий хислатлари, яхши феъл-атворлар хусусида тўхтаб ўтар экан, аввало ҳар бир инсоний фазилатнинг таърифини беради.

У яхши феълларга қаноат, сабр, тавозуъ ва адаб, ишқ ва вафо, саховат, ҳиммат, карам, мурувват, юмшоқ кўнгиллилик (ҳилм) каби хислатларни киритиб, ҳар бирининг таърифидан сўнг танбеҳ ва ҳикоятлар воситасида ўз фикрини тўлдиради. Навоий юқорида зикр қилиб ўтилган хислатларга таъриф бериш билан бирга уларга қарама-қарши бўлган ёмон иллатлар тўғрисида сўз юритади ва улардан қутулиш йўлларини ҳам баён қилади.

Ахлоқлиликнинг энг муҳим мезони саналган одоб ҳақида фикр юритар экан: «Адаб кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор этади ва у дуо баракати билан умрбод баҳраманд бўлади. Адаб, кичкиналар меҳрини улуғлар кўнглига солади ва у муҳаббат кўнгилда абадий қолади.

Ёшларни кўзга улуғ кўрсатади. Уларнинг юриш-туришини халқ улуғвор билади. Ўзига қарши халқ томонидан бўладиган ҳурматсизлик эшигини боғлайди ва кишини ҳазил-мазахдан ва камситилишидан сақлайди. Киши табиатини инсонлик йўлига солади ва одам мижозига одамгарчилик манзилида ором беради. Қичикларга ундан мунча натижа ҳосил бўлгач, катталарга аллақанча бўлишини кўрарсан.

Адабдан муҳаббатга безак ва пардоз етади, адаб таркидан дўстликнинг равнақ ва баҳоси кетади. Адаб ва тавозуь дўстлик кўзгусини ярқиратади, икки томондан ёруғлик етказади.

Тавозуъли ва адаблиларга таъзим ва ҳурмат етади ва у уруғини экқан бу қимматбаҳо ҳосилни тўплаб олади. Халқ муомаласида яхши ахлоқнинг бошланғичи шу хислатлар ва бу хислат қаттиқ ўрнашса муҳаббатга халал етиши маҳолдир. Агар

[1] **Алишер Навоий.** Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар, 15 томлик, Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1966, 13-том, 190-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳар икки томонда яхши хулқ бўлса, адаби ва тавозуь эвазига ва таъзим пайдо бўлади»[1].

Демак, яхши хулқ асоси — одоб, у Навоий наздида барча инсоний хислатларнинг бошланиши саналади. Комил инсонга хос хислатлар ана шунга боғди равишда таъриф берилади. Зеро ҳақиқий инсонга хос хислатлар — қаноат, сабр, тавозуь, ишқ, вафо, саховат, ҳиммат, карам, мурувват, ҳилм (юмшоқ кўнгиллилик) худди шу одобли кишида таркиб топади.

Масалан, «қаноат—булоқдир, суви олингани билан қуримайдир. Хазинадир—нақдинаси сочган билан камаймайдир. Экинзордир—уруғи иззат ва шавкат меваси беради. Дарахтдир—шохи тортинчоқлик ва ҳурмат меваси етказади»[2] деб ифодалайди.

Демак, қаноат инсонийлик белгиси. У инсонни ёмон кунлардан асрайди. Чунки, қаноат қанчалик оғир ва машаққатли бўлмасин инсонни нафс балосидан, дўст-душмандан, таъмагирликдан халос этади. Шунинг учун аллома ҳеч қачон таъмага берилмаслик, ҳалол меҳнат билан ҳаёт кечириш қай даражада улуғлигини таъкидлаб, таъма ва очкўзлик, хасислик инсонийлик заволи, деб таърифлайди.

«Сабр аччиқдир — аммо фойда берувчи, қаттиқдир — аммо зарарни дафь этувчи, сабр шодликлар калитидир ва бандлар очқичидир.

Аччиқ сўзли насиҳатчидай табиат ундан олинади, лекин заминида мақсад ҳосил бўлади. Бадхўр дори берувчи табибдай касал ундан қийналади, аммо сўнгида соғлиқ юз беради»[3], дейилади.

Сахийлик ва инсонийликнинг ҳақиқий мезони сифатида таъриф берилади: «Сахийлик (қўли очиқлик) кишилик боғининг ҳосилдор дарахтидир, балки у дарахтнинг ширин мевасидир, одамгарчилик ўлкасининг тўлқинли дарёси, балки у тўлқин дарёсининг асл гавҳаридир»[4]. Демак, саховатнинг замирида Навоий одамларнинг мушкулини осон қилишда унга бериладиган миннатсиз ёрдам борлигини тушунади ва шундай хислат эгаси бўлишга даъват этади.

Ҳимматлилик, мурувват, карам саховатнинг таркибий қисмлари сифатида ёритилди «Яхшилик—карам—бир жабрланганнинг қаттиқчилик юкини кўтарган ва уни ўша қийинчиликлардан қутқармоқдир. Карам... ўша қилинган ишни қайтиб тилга келтирмаслик, оғизга олмаслик, кишига миннат қилмаслик ва унинг юзига солмаслик»[5] деб, унинг асл моҳиятини ёритиб беради.

---

[1] **Навоий Алишер.** Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар, 15 томлик, Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1966, 13-том, 206—207-бетлар.

[2] Уша китоб, 203-бет.

[3] **Алишер Навоий.** Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар, 15 томлик, Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1966, 13-том, 204-205-бетлар.

[4] Уша китоб, 215-бет.

[5] Уша китоб, 216—217-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоий вафо ва ҳаёни бир бутун тасаввур этиб, уни бир-биридан ажратиб бўлмаслигини айтади. Шунинг учун ҳам Навоийнинг «Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ» деган ибораси ҳикматли сўзга айланиб кетган.

Лекин, Навоий ҳар қандай эҳсонни сахийлик деб тушунмаган. Саховат деб қилинган исрофгарчиликни, миннатни қоралаган.

Қаноатни шараф ва иззатнинг тантанаси деса, давлатли таъмагирни хор ва пасткаш деб атайди. Шунинг учун ҳам ёшликнинг қадрига етиш, энг яхши хислатларни ўзида таркиб топтирнш, нафс истагидан ўзини тийиш, шунингдек, такаббурлик, манманлик, фақат ўз фойдасини кўзлаб иш юритиш, ёлғончилик, нодон ва жоҳиллик, иккиюзламачилик, таъмагирлик, шошма-шошарлик, ҳасад, ғийбат, бачканалик, пала-партишлик, фисқу фасод, ялқовлик, ҳаромдан ҳазар қилмаслик каби иллатларни қоралаб, улардан халос бўлиш йўлларини ҳам баён этади.

Масалан, ушбу танбеҳ юқорида келтирган фикримизга далилдек туюлади: «Дардлик кўнгил — шуълалик чироқ; ёшлик кўз-булоқ; туяқушга юк ортиб кўчса бўлмас; ўт иши қовурмоқ, ел иши совурмоқ; ошнинг таъми туз билан, киши яхшилиги сўз билан; соғлиқ тиласанг кўп ема, иззат тиласанг кўп дема; яхши кийим танга зийнат; таъмагирдан яхшилик тилама, гадойдан ақча сўрама; бахилнинг омонат асраши ажаб; яхшилик қилувчининг хиёнат қилиши ажаб; бузуқи ифлосдан ҳаё тилама, золимдан вафо тилама. Унинг қуйидаги рубоийси эса гўё ана шу ёмон иллатларнинг инсонни маънавий ўлимга олиб бориши мумкинлиги ҳақидаги ҳукмидек туюлади:

Уч феъл эрур кишига қотил охир,
Қотиллик, аро заҳри ҳалоҳил охир,
Бухл англа бирин, бирин ҳаво бил охир,
Қил ужбни ҳам аларға доҳил охир.

Демак, Алишер Навоий ўзининг бадиий асарлари билан бир қаторда таълимий-ахлоқий асарларида ўзи орзу этган комил инсонга хос ахлоқий фазилатлар деб қаноат, адолат, саховат, ҳиммат, мурувват, вафо, тўғрилик, ҳилм, ростгўйлик, тавозуь, адаб ва бошқаларни тушунган, ана шу хислатлар таркиб топган инсонда ёмонлик, разиллик бўлмаслиги, бундай инсонлар яшаган жамият ҳам равнақ топиши, барча халқ бахт-саодатга эришиш мумкин, деб ҳисоблаган.

Ўз давридаги таълим-тарбня талабларига кўра ҳам, тарбия анъаналарига биноан ҳам Алишер Навоий асарларида инсоннинг ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишида кишиларнинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлишига ҳам жиддий эътибор берилган. Масалан, унинг қаҳрамонлари Фарҳод, Қайс, Искандар образларида жисмоний тарбия ва диловарлик таълимини кўрамиз. Зеро, бундай таълим-тарбия қадим даврлардан бошлаб анъанавий тарзда давом этиб, такомиллашиб борган.

Таом ейиш қоидаларига риоя этиш сиҳат-саломатликни сақ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лашнинг энг биринчи талаби сифатида талқин этилган. Масалан, у «Назмул жавоҳир» асаридаги бир рубоийсида шундай дейди:

Ҳар кимгаки кўп емак фандур,
Билгилки нажосатқа тани маскандур.
Қорнинг била дўст бўлмасанг аҳмандур,
Невчунки Эр ўғлиға қорин душмандур[1].

Умуман инсоннинг соғлом ва бақувват бўлиб етишиши ҳақидаги ўгитлари ўша давр таълим-тарбиясига оид дидактик-ахлоқий асарларида етакчи ўринларни эгаллаган.

Алишер Навоий асарларида комил инсонни тарбиялаш услуб ва усуллари, воситалари ҳам ифодаланган. Навоий асарларида бола тарбияси билан оилада ва мактабда шуғулланиб, намуна услубидан фойдаланиш тавсия этилган. Тарбия ва таълим ота-она ҳамда ўқитувчи томонидан олиб борилиши лозим топилади. Алишер Навоий болаларга жисмоний жазо бериш эмас, балки хушмуомалалик билан муомалада бўлишни, лекин бунда ҳам меъёридан ошмаслик лозимлигини уқтиради. Бундан Навоий ўқитувчининг талабчан бўлишга ундагани, аммо ҳар иккаласида ҳам маълум меъёрни билиш зарурлигини уқтиргани маълумдир. Тарбия ҳақида гапирар экан «Қобилиятлини тарбия қилмаслик зулмдир ва қобилиятсизга тарбия хайф. Уни тарбия қилмаслик билан нобуд қилма, шунга тарбиятингни нобуд қилма», дейди[2].

Алишер Навоий тарбияда инсоннинг ўз-ўзини тарбиялашига, хато ва камчиликларини англаб, тузатишига эътибор беради: янглиш ва хато кишиликнинг шартидир. Хато ва янглишишни англаб, огоҳланган бахтли кишидир. Қимики, эътироф томон қайтар экан, хатоси йўқолади. Қимики, далил келтириб алжирай берса, хатосини бир карра оширади. Муболағаси қанча кўпроқ эса, янглишиши шунча кўримлироқ бўлур ва ўзини катта кўрсатиб, тортишуви қанча эса, ортиқроқ ўзи халқ ўртасида шунча расвороқ кўринур.

Хатоға тадорук недур бехилоф,
Аён қилмоқ ўз саҳвига эътироф,
Вагар қилса саҳвиға ижро даил,
Ки яхшидур айлар ики анча бил[3].

Яъни киши хато қилганда янглишганини бўйнига олса—бу яхши. Агар ўз хатосига далил кўрсата берса, унинг хатоси яна икки баробар ортади, дейди аллома.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоийнинг комил инсонни шакллантиришга оид фикрлари, унинг таълимий-ахлоқий қа-

[1] **Алишер Навоий.** Назмул—жавоҳир. Асарлар, 15 томлик, Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1966, 15-том, 17-бет.

[2] **Алишер Навоий.** Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар, 15 томлик, Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1966, 15-том, 17-бет.

[3] **Алишер Навоий.** Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар, 15 томлик, Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1966, 15-том, 72, 232-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

шоҳлар тилидан баён этади ва уларни адолатли, доно, оқил ва камтар инсон сифатида таърифлаб, ўзининг комил инсон ҳақидаги концепциясини илгари суради.

2. Кошифий фақат подшоларнигина эмас, ҳар бир оддий инсонда ҳам энг олижаноб хислатлар таркиб топишини истайди.

3. У ўзининг ижтимоий-ахлоқий идеалини юзага чиқаришда асосий восита деб илм-маърифат ва ахлоқий тарбияни тушунади.

4. Кошифий одобли инсонни ахлоқли деб тушунади. Инсон фақат одобли, саховатли, тўғри, ҳалол, пок бўлгандагина ҳақиқий инсон бўлиши мумкин, дейди.

5. Воиз Кошифий инсонпарварлик ва ҳалолликни энг юксак инсоний фазилатлардан деб билди.

6. Кошифий инсоннинг энг юксак хулқ-атвор эгаси бўлиши учун ўн қоидага амал қилиши зарурлигини илгари сурди:

а) элга тескари иш қилмаслик;

б) ўз нафсига инсоф тилаш;

в) киши айбини очмаслик;

г) кишиларда учрайдиган ёмон хулқ-одатни яхшиликка томон буриш;

д) ўз айбига иқрор бўлиб, узр сўраган кишининг узрини қабул қилиш;

е) оч-юпунларнинг ҳожатини чиқариш;

ё) инсон учун машаққат тортиш;

ж) ўз нафсини тийиш;

з) халққа тоза юз билан кўриниш;

и) кишиларга яхши сўз айтиш.

7. Кишиларни иноқликка, тинч-тотув яшашга чақиради.

8. Халқлар ўртасида дўстликни тарғиб этади.

9. Касб-ҳунар, илм-маърифатни эгаллашга чақиради.

10. Илмли кишиларнинг жамиятда тутган ўрнини таъкидлаб, олимларни, умуман илм аҳлини эъзозлаш керак, дейди.

Умуман, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг асарларида инсон ақлига, ақлий тарбияга катта эътибор берилади. Ақлни ҳақиқат мезони сифатида таърифлаб, инсон ўзининг фаолиятини фақат ақл ёрдамида амалга оширади, дейди, шунга кўра Воиз Кошифий фанлар таснифида ҳам касб-ҳунар, илмга катта эътибор беради. У илм бойлик орттириш учун эмас, балки ҳаёт кечириш учун зарурдир, деб тушунтиради. Чунки илм — доимий, молдунё — ўткинчи, ҳақиқий доно, билимли кишилар ўткинчи нарсаларга эътибор бермайдилар, дейди. Демак, Кошифий илмни амалиёт билан боғлаб тушунтиради. Уни тан ва жонга, мевали дарахт мевасига ўхшатади. Ҳаётда қўлланилмайдиган билим жонсиз танга ўхшайди, билим—дарахт, унинг фаолияти эса меваси, мевасиз (дарахт) шох соғлом бўлмаслиги мумкин. Демак, Кошифий ҳар бир ишнинг муваффақиятини билимларни амалда қўлланилиши билан белгилаган. Бунда у инсон ақлини фаолиятнинг асоси сифатида талқин этиб, ўз навбатида бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

фаолият янги билимларнинг пайдо бўлишига асос бўлади, дейди ва бу фикри билан анча илгарилаб кетади. Масалан, у «Ахлоқи Муҳсиний» асарида ақл билан фаолиятнинг ўзаро алоқаси ҳақида гапириб, барча кишилар ақлга эҳтиёж сезади, ақл эса амалий фаолиятга эҳтиёж сезади. Ҳаракат, фаолият ақлнинг кўзгуси саналади. Ақл ёрдамида инсоний тажрибалар, маънавий қадриятлар йиғилиб боради ва келгуси авлодларга етказилади, дейди[1].

Кошифий шунинг учун ҳам, энг аввало, олимларнинг жамиятдаги ўрнига катта баҳо беради, устозларнинг қадрига етиш зарурлигини уқтиради. Иккинчидан, устозга ҳурмат одоблилик намунаси сифатида ҳам қаралади.

Воиз Кошифий инсонни билим орқали тарбиялаш, унинг ақлий қобилиятини ўстириш мумкин деб билимни инсонни шакллантириш мезони сифатида қарайди. Шунинг учун ҳам болага таълим-тарбия берадиган муаллимнинг ўзи ҳам билимли, доно, ахлоқан юксак бўлишини тарғиб қилади. Шунингдек, ҳар бир муаллим таълим-тарбия йўллари, услубини яхши билиши зарур дея, айниқса, муаллим-мураббийнинг мулойим, хушфеъл бўлиши зарурлигини таъкидлайди.

Кошифийнинг ахлоқий қарашлари ҳам ўз салафлари каби Қуръон ва Ҳадислардаги ахлоқ қоидалари билан боғлиқдир. У илгари сурган ахлоқий тушунчалар: яхшилик ва ёмонлик, адолат, бурч, виждон, ор-номус, бахт-саодат кабиларни таърифлаб, ҳар бирини инсонда шакллантириш йўллари ва усулларини ҳам баён этади, уларнинг таркибий қисмларигача ажратиб, ижтимоий талаб даражасида тушунтиради, ҳамда асосий мезонларини ҳам кўрсатиб беради. У ахлоқийликнинг асосий мезонлари деб инсонийлик, адолатлилик, соф инсоний муносабатларни билади. Буларга тескари бўлган хатти-ҳаракатлар: ёлғончилик, чақимчилик, ғараз, ҳасад, баҳиллик, пасткашликни қоралаб, улардан қутулиш йўлларини баён этади.

Кошифий ҳар бир фикрни мисол ва ҳикоятлар воситасида исботлайди; шунингдек, ахлоқий талабларни ҳам баён этади. У ахлоқий қоидаларнинг ўттиздан ортиғини баён этиб, булар: сабр, ҳаё, покизалик, собитқадамлик, авф, сахийлик, ва саховат, тавозе (камтарлик), роетгўйлик шижоат, ҳушёрлик, фаросат ва шу сингарилардан иборатдир, дейди.

Демак, Кошифийнинг ахлоқий қарашларида комил инсонга хос бўлган барча хислатларни ўзида ифодалаган илм-маърифатли, ҳақиқатпарвар, адолатли, ҳар қандай адолатсизликка қарши курашувчи олижаноб инсон қиёфасини тасаввур этамиз. Лекин, унинг «Футувватномаи Султоний» номли яна бир асари бўлиб, бу асар комил инсонни шакллантиришнинг айнан амалий йўл-йўриқлари бўлиб ҳисобланади.

---

[1] Аликулов Ҳ. Этические воззрения мыслителей Средней Азии и Хорасана, Т., ФАН, 1992, 35—36- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маълумки, X асрдан бошлаб жавонмардлик ёки Футувватчилик ҳаракати кенг ёйилган. Бунда барча ёш йигитлар ўз ҳаётини фақат эзгу ишларга, эзгу хислатларни таркиб топтиришга бағишлаб, зоҳиран ва ботинан пок бўлиши, ўз эзгу ниятларини амалга ошириш учун жамоа бўлиб уюшган. Бундай ёшларни жавонмардлар ёки футувватлар деб аташган. Улар маънавий ва жисмоний етукликка интилган, мардлик ва олижаноблик намунасини кўрсатган, уларнинг ўз жамоаси, пири, устозлари, йиғиладиган жойлари бўлган. Сарбадорлар, Абу Муслим, Якуб ибн Лайс, Маҳмуд Торобий каби қаҳрамонларимиз ҳам ўз вақтида жавонмардлар бўлишган.

Кошифийнинг «Футувватномаи Султоний» асари ҳам бошқа таълимий-ахлоқий асарлар қатори ана шу жавонмардлик илмининг қоида-низомларини ифода этган.

Футувват (жавонмардлик) илми ҳам тасаввуф — суфийликка мувофиқ келиб, инсонни ахлоқан поклаш, меҳру шафқат, ҳиммат ва мардлик кўрсатишни тарғиб этган. Тасаввуф футувватда юксак ғояларнинг амалий-ижтимоий тадбиқини кўрса, футувват эса тасаввуфда назарий эътиқоди асосини топган. Юқорида таъкидлаганимиздек, мазкур «Футувватномаи Султоний» асарини тожик олими Қурбон Восеъ нашрга тайёрлаб 1991 йилда Душанбеда «Адиб» нашриётида чоп этган. Унда асарнинг 12 бобидан етти боби мавжуд. Бу нашрдан фойдаланиб, ўзбек олими Нажмиддин Комилов уни ўзбекчага таржима этиб, чоп қилдирди.

Одатда, Футувват сифатлари мавжуд кишини фатий деганлар. Фатийнинг луғавий маъноси — ёшлик. Бу сўз ёш йигитга нисбат берилиб айтилади. Шу билан бирга мажозий маънода инсоний фазилатлар нуқтаи назаридан камолот чегарасини забт этган одамга — ёшларга нисбатан қўлланган.

Жавонмардликнинг рукнлари (устунлари) ўн иккита бўлган: олтита зоҳирий, олтита ботиний, зоҳирийга:

1. Ғийбат, ёлғон, бўҳтон, беҳуда сўздан тилни тийиш.
2. Ножўя, номаълум сўзлардан қулоқни бекитиш.
3. Кўриш ножоиз нарсалардан кўзни юмиш.
4. Ҳаром нарсалардан қўлни тортиш.
5. Бориш ман қилинган жойларидан оёқ тортиш, гуноҳга сабаб бўладиган ғаммозлик, гап ташиш, зиён-заҳмат ишларга қадам қўймаслик.
6. Ҳаром овқатдан тийилиш, зинодан сақланиш.

Ботиний рукнлар:

1. Саховат.
2. Тавозеъ (камтарлик).
3. Қаноат.
4. Авф ва марҳамат.
5. Кибр ва ғурурни тарк этиш.
6. Қубр (кўнгил дунё ташвишларидан тозаланиб), дўст (худо) муҳаббатининг маконига, ишқ султони ўтирадиган тахтга айланиши.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Асарда келтирилишича, Футувватнинг шарти 71 та бўлиб, унинг 48 таси вужудий, 23 таси азалийдир. Вужудийга: ислом, имон, ақл, илм, ҳилм (юмшоқлик), зуҳур, (тақво), вараъ (парҳез), сидқ, карам, мурувват, шафқат, эҳсон, вафо, ҳаё, тавакқул, шижоат, ғайрат, сабр, истиқомат, насиҳат, нафс таҳорати, олиҳимматлилик, сирни яшириш, раҳмдиллик, шариат риояси, амри маъруфни бажариш, ота-оиа ҳурматини бажо келтириш, устоз хизматида бўлиш, ҳамсоя ҳаққини адо этиш, тилга фақат савобга қаратилган каломни келтириш, кўп билиб оз гапириш, яъни билим мўллигидан сукут сақлаш, ҳалолликни талаб этиш, салом одобини бажо келтириш, яхшилар ва поклар билан суҳбатлашиш, оқиллар билан суҳбатлашиш, шукр қилиш, мазлумларга ёрдам, етим-есирлар, ёлғиз кишилар ҳолини сўраб туриш, фикрат (ўй-фикр, андиша) ва ибрат кўрсатиш, ихлос билан амал қилиш, омонатга хиёнат қилмаслик, шайтоний нафсга қарши душманлик кўрсатиш, инсоф чизиғидан чиқмаслик, розилик ҳиссини йўқотмаслик, касалларни кўришга бориш, нокаслардан узоқда туриш, доимий зикр билан банд бўлиш (худонинг номини тилга олиб туриш) кабилардир.

Футувватнинг барча қоида-низомлари устоз ёрдамида синовдан ўтган ва бел боғлаш шартлари, шогирд тушиш шартлари бажарилгач, жамоага қабул этилган.

Асарда энг муҳими тариқат аҳлининг одоби ҳақидаги фасллардир. Унда тариқат аҳлининг кўнглини асраш, кўз, қулоқ, тил, қорин, оғиз, қўл ва фарж (таносил аъзоси)ни сақлаш одоби, тариқат арбоби ва уларнинг тоифаларининг одоби, тақводорлар (хонақо) одоби, ўтириш одоби, суҳбат одоби, таом ейиш ва сув ичиш одоби, кийиниш ва сафар одоби, меҳмон кутиш, йўлда юриш одоби, салом бериш, касал кўришга бориш, жаноза, таъзияга бориш одоблари, касб-кор, савдо-тижорат одоблари, маъракага бориш одоблари баён этилиб, турмуш одобига оид ҳар бир хатти-ҳаракатнинг услуби баёнини ҳам ўз ичига олади. Сўнг турли касб эгаларининг одоби, фаолияти таърифланади.

Шу аснода юқоридаги жувонмардлар қоида талабларидан, умуман тарбия тажрибасидан ҳозирги даврда қандай фойдаланиш мумкин, деган фикр туғилади. Таълим-тарбияда ўрни-ўрни билан бу талабларни сингдириб бориш, уларнинг ҳозирги даврга мосларидан танлаб олиш жуда муҳим. Зеро, Кошифийнинг бу асари ўз-ўзича пайдо бўлмаган, албатта. Жавонмардлар ҳақида кўп таълимий-ахлоқий асарларда баён этилган. Хусусан, Кайковуснинг «Қобуснома» асарининг охирги 44- боби ҳам жавонмардликка бағишланган.

Умуман, юқоридаги пандномаларнинг инсон камолотида ўз ўрни бор. Шарқшунос олим Бертельс ҳам «Қобуснома»ни, ўта амалиётга оид асар сифатида таърифлаган. Бу фикр Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи Султоний» асарига ҳам тегишлидир. Унинг мундарижаси ва мазмунидан ҳам кўриниб ту-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рибдики, мазкур асар ёшларни ҳар томонлама етук инсон сифатида камолга етказишда ҳақиқатан амалий аҳамиятга эга. Биз мактаб, олий ўқув юртларини болалар иттифоқи, ёшлар уюшмаси билан иш олиб боришда, одамлар ва жамият манфаати нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ундаги қимматли маълумотлардан фойдаланишимиз мумкин.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

(1483—1530)

Ўзбек мумтоз адабиётида алоҳида ўрин тутган, темурийлар авлодининг сўнгги вакилларидан Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ўрта Осиёда фан ва маданиятнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган, ўзининг ғоят самарали фаолияти билан тарихда ўчмас из қолдирган шахсдир.

Отаси Умар Шайх Темурнинг чевараси, Фарғона вилоятида ҳоким, онаси — Қутлуқ Нигор хоним Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи бўлган. Бобур сарой муҳитида тарбияланди ва ўқиди, ёшлигидан илмга, шеъриятга берилди. Довюраклиги, жасурлиги ва эпчиллиги туфайли уни «Бобур», яъни «Йўлбарс» деб атадилар.

Бобур илм ва фаннинг, санъатнинг, умуман ҳаётнинг ҳамма соҳалари билан яқиндан қизиққан. Ғайрат ва ташаббус, синчковлик ва истеъдод Бобурни ривожланган феодал даврининг улуғ намояндаларидан бирига айлантирди. У ҳар бир соҳани аниқ билишга интилган, ундаги нуқсонларни кўра билган ва масаланинг моҳиятини тезда тушуниб етган.

Жаҳон шарқшунослари томонидан олим сифатида эътироф этилган. Бобур фаннинг кўпгина соҳалари бўйича қимматли ишларни амалга оширган. Яқин ҳамда Ўрта Шарқ халқлари маданияти тарихи учун катта хизмат қилган.

Масалан, ўзбек олими, география фанлари доктори, профессор Ҳ. Ҳасанов уни фақат давлат арбоби эмас, балки машҳур лашкарбоши, тарихчи, географ, биолог, мусиқачи ва меъмор ҳам бўлганини таъкидлайди.

Бобур ижодиёти асосан унинг лирик шеърлари ва адабий-тарихий асари —«Бобурнома» билан яққол кўзга ташланади. Бобурнинг хотираларидан ташкил топган ва темурийлар давлатининг таназзулга кетиш даврини ўзида ифодалаган, қомусий характердаги «Бобурнома» китоби илмий-тарихий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда тарих, география, ботаника ва фаннинг бошқа соҳаларига тааллуқли қимматли маълумотлар бор. Бундан ташқари, мазкур асар эски ўзбек тилидаги прозанинг илк намунаси ва нодир ёдгорлиги ҳамдир.

Бобур ана шу солномасида ўзи бўлган жойларнинг, жумладан Ҳиндистоннинг табиий манзараларини ҳам, маҳаллий аҳолининг кийиниши ва урф-одатларини ҳам, ҳайвонлари, қушлари ҳамда уларнинг қилиқларини ҳам тасвирлайди. Ўзи тил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га олган нарсаларни теран фикрли, ўткир кўзли рассом сингари жозибали баён қилади.

Бобур ўрта асрлардаги Ҳиндистон халқлари тарихини ўзидан беш аср илгари яшаб ижод этган Абу Райҳон Беруний каби маҳорат билан ёрита олган. Филология фанлари доктори С. Азимжонова шу масалани таҳлил қилиб, чиқарган хулосасида айтганидек, ҳинд халқи ҳаётининг турли томонларига тааллуқли материалларнинг изчил баён этилиши, оригиналлиги ва ишонарлилиги жиҳатидан Берунийнинг маълумотларига фақат «Бобурнома»даги маълумотларни тенглаштириш мумкин. Беруний ва Бобур қадимий ҳамда ўрта асрлардаги Ҳиндистон халқлари маданияти тарихининг чинакам тадқиқотчиларидирлар. Уларнинг асарлари Ҳиндистон тарихига қизиқувчилар учун асосий манба сифатида хизмат қила олди.

Истеъдод соҳиби бўлган Бобур 12 ёшида подшо бўлганидан бошлаб, то умрининг охиригача ўзи кўрган воқеаларни, ўзи қатнашган ҳодисаларни, ана шу воқеа ва ҳодисаларга даҳлдор бўлган юзлаб тарихий шахслар ҳаётини, фан учун муҳим аҳамиятга молик кўплаб далилларни адабий шаклда ёритган «Бобурнома» ва шеърлар девонидан ташқари, мусулмонлик қоидалари ва қонуншуносликка бағишланган «Мубаййин», араб алфавитини ўзгартириш тўғрисидаги «Хатти Бобурий», аруз вазни ва қофия масалаларига доир «Муфассал», шунингдек, мусиқа ва ҳарбий санъат ҳақидаги асарларини яратди. Бу асарлар ўзбек адабий тили, адабиёти ва илм-фаннинг равнақида муҳим аҳамият касб этди.

Буюк шоир, адиб, тарихчи ва олим Бобурнинг илмий-адабий мероси ҳозир ҳам ўзининг маълум тарихий-маърифий, илмий ва эстетик қимматини сақлаб келмоқда. Унинг кўп қиррали меросида педагогикага оид бирор махсус китоб ёки рисола мавжуд бўлмаса-да, деярли ҳамма асарларида ҳаётга ва ватанга муҳаббат ҳисларининг яққол ифодасини, инсоннинг юксак бурчи ва кишиларнинг маънавий қиёфаси ҳақидаги теран фикр-мулоҳазаларни, фан ва динга муносабат масалаларини, яхши хулқли ва одобли бўлишга даъватни, илм-фан ва маърифатни эгаллашга чақириқни, ахлоқий ва эстетик ғояларни, жўшқин ва мазмундор ҳаёт кечиришга тарғиб қилишни ва ҳоказоларни кўриш мумкин.

Фан ва маърифатни юқори даражада қадрлаган Бобур адабиёт, санъат ва илм аҳли билан доимо яқин алоқада, ижодий муносабатда бўлди, уларга ҳомийлик қилди, илмий-адабий суҳбатлар, мушоиралар уюштирди. У ўз даврида илмга берилган одамлар жуда камлигидан ташвишланиб, астойдил қизиқиш, интилиш ҳамда машаққатли меҳнат билангина илм олиш мумкинлигини ва шундай қилиш зарурлигини қуйидагича таъкидлайди:

Ким ёр анга илм толиби илм керак,
Ўргангали илм толиби илм керак,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен толиби илму толиби илме йўқ,
Мен бормен илм толиби, илм керак.

Ёзув ҳам ярим илм, деб ҳисоблаган Бобур чиройли ва тўғри ёзишга, фикрларни аниқ ифодалашга алоҳида аҳамият берган. Буни унинг ўғли Ҳумоюнга йўллаган ушбу мактуби мисолида ҳам яққол кўриш мумкин:

«Бу хатларингни битибсен ва ўқумайсан не учунким, агар ўқур хаёл қилсанг эди, ўқуйолмас эдинг. Ўқуйолмагандан сўнг албатта тағир берур эдинг. Хатингни худ ташвиш била ўқувса бўладир, вале асрў мутлақтур. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас. Агарчи хили рост эмас, илтифотни «от» била битибсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқуса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин мақсуд тамом мафҳум бўлмайдур. Ғолибо хат битирда қоҳиллиғинг ҳам ушбу жиҳаттиндур. Такаллуф қилай дейсен, ул жиҳаттин муғлақ бўладур. Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз билан бити; ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқуғучига».

Бобур ана шу мактубида ўз ўғлини адолатли, ҳақгўй, инсофли бўлишга, камтаринлик ва камсуқумликка ундайди. Бир шеърида:

Давлатқа етиб меҳнат элин унутма,
Бу беш куи учун ўзунгни асру тутма

— деб ёзган Бобурнинг ўзи ҳам доимо ана шу қоидага амал қиларди.

Улкан сўз бойлигига эга бўлган ва ўзбек адабий тилининг ривожида салмоқли ўрин тутган «Бобурнома»да келтирилган ва асарнинг филологик қимматини оширган ажойиб ривоятлар, таъсирчан шеърий парчалар, жозибадор иборалар, айниқса, «Ҳар кимдин яхши қоида қолғон бўлса, анинг бирла амал қилмоқ керак», «Ёмон от била тирилгандин яхши от била ўлган яхшироқ» каби жуда кўп учрайдиган ва ҳикматли сўз даражасига кўтарилган жумлаларнинг ҳаммаси кишини билимдонлик ва эзгуликка, хушфеъллик ва шиннисуҳанликка чақирувчи хитобдек эшитилади.

Бобур кишининг ҳаётдаги энг асосий бурчи ҳамма жойда ҳам ўзини тута билишдан ва яхши хулқ-атворли бўлишдан иборат эканини таъкидлаб:

Хулқингни рост этгил, ҳар сориғаки
борсанг,
«Аҳсанта» дер бори эл, гар яхши от
чиқарсанг

— деса, бошқаларга доимо яхшилик қилиш энг олижаноб фазилат эканини таъкидлаб:

Борн элга яхшилиғ қилғилки,
мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди
фалондин яхшилиғ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

— каби мисралар орқали ифодалайди. Шунинг учун ҳам у илм фаннинг аҳамиятини чуқур ҳис этиб, юқорида айтганимиздек, ўзи жуда қадрлаган илм-фан кишиларини энг аввало, уларнинг юриш-туришига, кўпчилик манфаати учун қилган хизматларига қараб баҳолайди.

Ўз ижодида эзгуликни, йиғлиқни, вафодорликни ардоқлаган шоир ўзидан аввалги қасбдошларига эргашиб ёвузликни, зулмни, қабиҳликни қоралайди. Халқимизнинг «экканингни ўрасан» деган нақлига амал қилиб:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.
Яхши кишиким кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.

— деб ёзадики, Бобур шеърларида буидай ҳаётий, жозибали мисралар кўплаб топилади.

Булардан ташқари, Бобур дўстликни, ҳаётни, унинг ҳар бир фурсатини қадрлашга, қайғу-ҳасрат билан эмас, балки оқилона, хушчақчақлик билан яшашга чорловчи, ёшларга ибрат бўладиган талайгина байтлар битган. Шулардан бири:

Аҳбоб йиғилмоқни фароғат тутунгиз,
Жамъиятингиз борини давлат тутунгиз,
Чун гардиши чарх будурур, тенгри учун,
Бир-бирни неча кун ғанимат тутунгиз.

Бобурнинг фикрича, ёшлар шахсини ҳаётнинг ўзи шакллантиради, лекин бунда меҳнат ва меҳнатда тобланиш муҳим роль ўйнайди. Меҳнат қилган ва машаққат чеккан кишилардагина чинакам инсоний фазилатлар таркиб топади.

Умуман Бобур меросини ўрганишда унинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятида ҳам, адиблик ижодиётида ҳам чуқур зиддиятлар мавжудлигини унутмаслик керак. Чунки академик В. И. Зоҳидов таъбири билан айтганда: «Бобур ўзига хос сифатларга эга бўлган сиймодир. У, аввало ўз даврининг, ўз синфининг фарзанди, мураккаб ижтимоий, иқтисодий шароитларнинг ва ғоявий-сиёсий қарашлардаги, йўналишлардаги зиддиятларнинг маҳсулидир». У ўша даврнинг ҳукмрон мафкурасига мос келмайдиган фикрларни ҳам, феодал ҳокимлиги яққол кўриниб турадиган қарашларни ҳам айтар эди. Ўз ватанини ташлаб кетган ва бегона юртларда юрганида доимо ватанини қўмсаган:

Толиъ йўқи жоимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

рой аъёнларнинг қизлари, аёллари эса махсус фанлар бўйича Отинлари кўпроқ адабиёт, мусиқа ва бошқалардан тўлиқ маълумот берар эдилар.

Увайсий Умархон саройида шоира сафатида шеър санъатидан, мусиқадан шу тарзда муаллималик қилган.

Жаҳон отин Увайсий фаолият кўрсатган қизлар мактаби ҳам ана шундай ибрат олса арзийдиган билим ўчоқларидан саналган. Ўзининг бутун фаолияти давомида халқимиз орзу-умидларини рўёбга чиқаришга ҳаракат қилган Жаҳон отин халқимизнинг оқила қизларини тарбиялаш, гўзал ҳаётга эришишнинг бирдан-бир йўли деб ўйлаб, ўзининг бутун умрини ёш қизларга таълим ва тарбия беришга бағишладн. Ўзбек аёлларининг маънавий озодлиги уларнинг назм дунёсига кириб, баралла куйлашида муҳим ўрин тутди.

Ўз мактабида қизларга бошланғич таълим берар экан, Жаҳон отин уларнинг зеҳнини ўстиришга катта аҳамият беради. Отин ўз шогирдларига савод ўргатибгина қолмай, улар орасидан иқтидорли қизларни танлаб шарқ шеърияти билан таништиради. Қизларни назм бўстонига етаклайди.

Ғулом Зуфарийнинг қуйидаги лирик ҳикояси фикримиз далили бўла олади:

«Андижон ҳокими Раҳмонқулибой қизи Моҳларойимни Умархонга ҳадя қилиб юборади. Умархон шеъриятга қаттиқ берилган киши бўлганидан, менинг ҳамхонам, албатта шоира бўлиши лозим, деб юраркан. Моҳларойим эса юқори табақа оилага мансуб соҳибжамол қиз эди, аммо, шеъриятдан узоқда эди, шу «нуқсони» учун Умархон Моҳларойимни ўз никоҳига олмайди: таққирланган қиз кундан-кун сўлиб боради. Увайсий воқеадан хабар топиб, қизга ачинади, келиб у билан суҳбатлашади. Қараса, Моҳларойим жуда фозила, ақл-фаросатли қиз эканлиги маълум бўлади. Шу кундан бошлаб Увайсий Моҳларойимга адабиётдан назарий ва амалий дарс бера бошлайди. Моҳларойим шеър ёзишни машқ қилади. Шу тариқа орадан бир йил ўтади, бу даврда, Моҳларойим ўзбек ва форс тилларида етук шеърлар ёза бошлайди, бу устози Увайсийга манзур бўлади. Моҳларойим Увайсий имтиҳонидан ўтади, лекин Умархонга қай йўсинда имтиҳон бериш устоз ва шогирднинг бошини қотиради.

Ёз кунларининг бирида, аср билан шом орасида, Увайсий Моҳларойимга ҳарир либослар кийдириб, Умархоннинг боғига олиб чиқади. Боғдаги мармар ҳовуз атрофида ранго-ранг гуллар очилиб, булбуллар хониш қиларди. Мармар ҳовузда эса олтин балиқлар сузарди. Увайсий Моҳларойимни ҳовуз бўйидаги курсига ўтқизиб, ҳарам хонимларидан бирига: «Менинг шоҳ ҳазратларида зарур ишим бор, шаҳаншоҳим илтифот қилиб, бир сайри боғ қилмасмикинлар, камина бу фурсатдан истифода бўлиб, ул ҳазратга арзи ниёз қилсам», дейди ва ўзи дарҳол қайтиб, ҳовуз атрофидаги бир гул остига яширинади.

Орадан андек фурсат ўтмай, боғда Умархон пайдо бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У виқор билан, оҳиста мармар ҳовуз томонга қараб юради. Яқинроқ келиб қараса, одатда Умархон ўтирадиган ҳашамдор курсида соҳибжамол бир қиз ўтирибди. Умархон бу гулчеҳрага маҳлиё бўлиб, унга форс тилида шеър билан савол беради ва қиз унга муносиб жавоблар қайтаради:

Умархон — Зери домони ту чист, эй гулперохан?

Моҳларойим — Нақши сўми охум Чин аст дар барги суман.

Умархон — Боз ташбеҳи дигар кун то бигардам аз сарат!

Моҳларойим — Ғунчаи серобро монанди нашкуфта дахан.

Таржимаси:

Умархон — Недур эй гулбадан, гул доманинг остида пинҳондир?

Моҳларойим — Суман баргида Чин оҳуси солган из намоёндир!

Умархон — Бошингга садқа жон, яна бир ўзга ташбеҳ айт!

Моҳларойим — Удир бир ғунчаи сероб, оғиз очмоққа ҳайрондир.

Бундай жавоблардан ҳайратга тушган Умархон қизнинг ҳусни жамолигагина эмас, фазлу камолига ҳам мафтун бўлиб, унга яқин келиб, қўлидан ушлайди. Худди мана шу аснода «Шоҳим» деб бир гул орасидан Увайсий пайдо бўлади. Умархон Увайсийга мурожаат қилиб:

— Бу қиз ким? — деб сўрайди.

— Бу қиз сизнинг рафиқангиз ва менинг шогирдим,— деб жавоб беради Увайсий.

Шундан сўнг Умархон катта тўй-томошалар қилиб, Моҳларойимни ўз никоҳига олади.

Умархон ва Моҳларойим ҳузурида Увайсийнинг иззат-ҳурмати юз чандон ошиб уни Жаҳон отин деб атайдилар.

Ўзбекистон халқ артисти Юсуфжон қизиқнинг ҳикоя қилишича,— деб ёзади Т. Жалолов, Умархон Увайсийга Марғилонда муҳташам бир иморат солиб берган. Бу иморат Марғилондаги ипакчилик фабрикаси мавзесида бўлиб, 1941 йилгача унда шоиранинг авлодлари яшаб келганлар.

Юқоридаги ҳикоялар Жаҳон отинининг мураббийлик фаолияти нимадан иборат бўлганлигига бир мисол ва бу фаолиятнинг кичик бир лавҳаси, холос.

Жаҳон отин ўз шогирдларига таълим-тарбия берар экан, уларга ҳаётни фаол ҳаракатда деб тушунтиради. Билим олишга интилиш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлигини уқтиради, илм-маърифат кишини гўзал қилувчи муҳим фазилат, деб таъкидлайди.

Ўзининг равон ва нафис ғазаллари билан Умархон саройида «ман-ман» деган шоирлар билан баҳслашган Жаҳон отин Увайсийнинг бизга қолдирган меросида қатор чистонлар мавжудлиги эътиборга моликдир. Тажрибали мураббия ўзининг муаммо санъати орқали шогирдлари зеҳнини ўстиришга ҳаракат қилган. Худди ана шу шеърий топишмоқлар орқали қанча-қанча ёш қалбларга зиё оқиб кирган. Чунки, булар шогирд қизларнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

мушоҳада кучини таркиб топтиришда нарсаларга эътибор билан қараш, санъаткор кўзи билан кузатишга ўргатишда Жаҳон отиннинг ўзига хос услуби бўлганлигига яққол мисолдир.

Қуйидаги чистонлар шоиранинг ақл-заковатидан далолат беради.

Мен икки маҳбубни кўрдим, иккисин киндиги бир,
Гар алар орасига тушсанг, бўладурсан касир *(Қайчи)*.

Ул надурким, сабз тўнлик, ёз ёғочнинг бошида,
Қиш яланғоч айлагай барча халойиқ қошида.
Барча қушларнинг сўнгоки ичида,
Ул на қушдурким сўнгоки тошида *(Енғоқ)*.

Икки маҳбубни кўрдим, бир-бирисин кўрмаган,
Иккисининг ўртасига дўстлар, қил сиғмаган *(Кун ва тун)*.

Ул надурким, пойи йўқ, юрса боши бирла юрар,
Юрганимда хок сурмай, анча устолик қилар *(Сув)*.

Увайсий ўз даврининг пешқадам шоираларидан бўлган. Шу боис қизларга шеър санъатидан дарс берганда, ўша давр шоирлари билиши зарур бўлган назирагўйлик, радифгўйликни ҳам ўргатган. Ҳар бир шоир мушоҳада кучига эга бўлиши зарурлигини кўрсатган. Бу нарса унинг «Девон»ларида ўз аксини топган. Ҳаётга ҳақиқий санъаткор даражасида қараш лозимлигини уқтиради шоира:

Бу на гумбаздур эшиги, туйнугидин йўқ нишон,
Неча гулгун пок қизлар манзил айлабдур макон.
Синдириб гумбазни қизлар ҳолидан олсам хабар,
Юзларида парда тортуғлик турарлар бағри қон. *(Анор)*.

Бунда анор эшик-туйнуксиз гумбазга, доналари бокира қизларга, дона устидаги юпқа қатлам қизлар юзидаги пардага ва анор доналаридаги қизил шарбат бағри қон қизларга ўхшатилган.

Увайсий шеърият санъатига оид машғулотларида шарқ адабиётига хос радифгўйлик каби шеърий мусобақаларга ҳам катта эътибор берганки, бунда ҳам шогирдларнинг зеҳни, нафис таъби, шаклланган санъаткор сифатида таркиб топишига ёрдам берган.

Аммо унинг шогирдлари ўртасида назирагўйлик йўли билан ёзилган радифгўйликка оид мусобақалари ҳақида материаллар бизгача етиб келмаган.

Увайсий муаммо ва мувашшах санъатини ҳам ўрганган, масалан, шоира қуйидаги байтда сўзлар, ҳарфлар ва мазмун ёрдамида ўз исмини (Жаҳон) чиқарган.

Жиму, хою алифким мен киму, дардинг юки бирла,
Дилда нуқтаси бағримда доғим лойиқи хун мен.

Бу муаммонинг биринчи мисрасидаги олдинги уч сўз (жим,

www.ziyouz.com kutubxonasi

алиф, ҳо жаҳо бўлса, иккинчи мисрадаги «дилида нуқтаси, бағримда доғим» сўзлари(Н — шакли тасвири бўлиб, бағир доғи кўнгил ғуссасини ифодалаган.

Демак, чистон, муаммо, муашшах кабилар қизларнинг шеърий қобилиятини, зеҳнини чуқурлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлган.

Увайсийнинг авлодлари шоирадан 4 та девон қолганини айтадилар. Увайсийнинг ўз қўли билан кўчирган девонларидан иккитаси ёшлик чоғида йўқолган. Қолган иккитасини андижонлик Лўли отин олиб кетиб йўқотган. Улардан кўчирилган уч нусха қўлёзма девон Андижон Давлат педагогика институти кутубхонасида сақланмоқда.

Учала китоб ҳам турли даврларда ҳар хил котиблар томонидан насталиқ хати билан қўқон қоғозига кўчирилган. Улардан бири 404 бетдан иборат бўлиб, Мағзий қалами билан кўчирилган. Бунга ғазал, мухаммас, мусаддас, маснавий, рубоий, туюқ, чистон, қитъа, мустахзод каби жанрларда ёзилган шеърлар, Навоий, Фузулий, Амирий, Фазлий, сингари шоирларнинг ғазалларига боғланган мухаммаслар киритилган. Ундаги шеърларнинг ҳаммаси 5628 байтдан иборат. Иккинчи китоби эса 161 бет. Унда ҳам юқоридаги каби шеърий жанрлардан иборат 2093 байт мавжуд. Учинчи китоб бўлса, 228 бетдан иборат бўлиб, у 1287 ҳижрий йилида кўчирилгандир.

Бу китобни нашрга тайёрлашда биринчи китоб асос қилиб олинган. Қолган иккита китобдаги шеърларнинг кўпчилиги Увайсийнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси нашр этган китобига киритилган, аруз вазнининг ўндан ортиқ баҳрида ёзилган турли шеърий жанрдаги 300 дан ортиқ шеърлар бор. (Бу ҳақиқатан ҳам Увайсийдан 4 та китоб қолган деган фикрни тасдиқлайди). Увайсий ижодида унинг маърифий қарашларини ифодаловчи ғазаллар кўп. Унинг шеърларида она қалби, инсонга меҳр-муҳаббат, яхшилик каби покиза юракларнинг акс садоси эшитилади. Жаҳон отинниинг кўпчилик асарлари инсоний муҳаббатни, гўзалликни ифода этади. Унинг шеърларидаги асосий лирик қаҳрамон ҳаётни бутун гўзаллиги билан севувчи, унга мафтун бўлиб, унинг ижобий ҳодисаларидан шодланувчи, жабр-зулмга қарши маънавий курашувчи, дўстлик, вафодорликка содиқ, чин ошиқ, ақлли, билимдон аёл. Ана шу олижаноб инсоний фазилатлар кишилардаги вафосизлик, бемеҳрлик, ёлғончилик, субутсизлик каби салбий иллатларга қарама-қарши қўйилади.

Увайсий ўзбек халқининг тил бойлигидан мақол, матал, атамаларидан унумли фойдаланган.

Жаҳонотин ўз шогирдларини эзгуликка, вафодорликка даъват этади:

Увайсий юз жафо кўрсанг ҳақиқат ёридан доим,
Угурма юзни андин, солма кўзни ўзга дилдора.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Инсоннинг юриш-туриши, суҳбати, муомаласи, жамоли, вафоси, садоқати, ихлоси каби фазилатларни улуғлайди.

Увайсий ҳақиқий муҳаббатни, инсоннинг муҳаббатини куйлайди. У ҳаётга муҳаббатни, унинг латофатини куйлар экан, ҳаёт ҳадя этган неъматлардан баҳраманд бўлиш, табиатнинг гўзаллигидан завқланиш каби шукроналик ва ҳаётга муҳаббат туйғуларини тарбиялайди.

Дунёни букун даврила даврон ғанимат,
Келтурди халойиқники меҳмони ғанимат.
То булбули мастона суҳарезини бўлдим,
Айвони жаҳон боғу гулистони ғанимат.

деб ҳаёт лаззатини қадрига етишга чақиради.

Увайсий ҳақиқий дўстни «соҳиби идрок» ақли расо бўлиши лозимлигини таъкидлаш билан ақлий тарбияга эътибор беради.

У ўз асарида халқнинг онги, тили, дилида ёд бўлиб кетган ҳикматли сўзлар, мақоллар, иборалардан кенг фойдаланадики, булар ҳам унинг асарларини тарбиявий аҳамиятини янада оширади. Масалан, қуйидаги байтларда сир сақлаш, инсонга эътиборли бўлиш каби муҳим маърифий ғоялар халқ мақоллари воситасида усталик билан баён этилади:

Буни дерлар бордур девор кейнида қулоқ,
Ул макон даврида кўз етгунча девор уймагай,
(«Деворнинг ҳам қулоғи бор» мақоли) ёки
Муяссар бўлса васлинг ким на ҳожат ҳолими айтмак,
Ки ҳолам пурс, рангам бин, соғиндим мен, соғиндингму?

(«ранг кўр, ҳол сўр» мақоли) ва ҳоказо.

Демак, Жаҳон отин Увайсий ўзбек педагогикаси мактаблари тарихида ўз ўрнига эга бўлган буюк шахс.

У ўзининг мактабдорлик ва ижодий фаолияти билан ёшлар таълимида юксак ўринга эга. Увайсийнинг маърифий фаолиятида унинг аёллар саводхонлигини ошириш, ақлий тарбия, мусиқа санъати, қобилиятли қизлар билан иш усуллари алоҳида ўринга эга. У ўз даврининг ёш толибаларига ҳаётга муҳаббат туйғуларини сингдириб борган, тез фикрлаш, чиройли сўзлаш ва бошқа тарбия воситалари билан боғлиқ бўлган чистон-топишмоқ усулларини яратишни ўргатган. Шунинг учун ҳам Увайсий ижодий меросини ўрганиш ва уни ҳозирги давр мактаблар таълим-тарбия тизими мазмунига киритиш муҳимдир.

МУҲАММАД СОДИҚ ҚОШҒАРИЙ

(1740—1843)

Муҳаммад Содиқ Қошғарий ҳақида бизгача жуда оз маълумот етиб келган. Лекин ҳозирги пайтда бизга маълум бўлган «Одоб ас-солиҳин» асарининг ўзиёқ бизга уни машҳур педагог олим сифатида танитади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳаммад Содиқ Қошғарий 1740 йилда Қошғарда камбағал деҳқон оиласида туғилган ва 1843 йилда у шу ерда вафот этган. Биз олимнинг қай даражада тарбияшунос эканлигини унинг мероси — қолдирган асарларидан биламиз. Унинг «Одоб ас-солиҳин» («Яхши кишилар одоби»), «Зубдат ал-масойил» («Масалаларнинг қаймоғи»), «Дурр ал-музоҳир» («Кўмакдошларнинг дурдонаси») ҳамда «Тазкиран хожагон» («Хожалар тазкираси») асарлари бизгача етиб келган.

Шарқнинг буюк алломалари Юсуф Хос Ҳожиб, Имом Исмоил ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий, Саъдий Шерозий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқалар юксак ахлоқийликни шакллантиришга оид йирик асарлар, ҳикматлар яратганлар. Шу билан бирга хулқ-одоб тарбиясига оид «Ахлоқи Муҳсиний», «Ахлоқи Жалолий», «Ахлоқи Носирий», «Қобуснома» каби асарлар яратилган.

Шундай асарлар ёзиш анъана бўлган бир даврда Муҳаммад Қошғарийнинг «Одоб ас-солиҳин» («Яхши кишилар одоби») «Зубдат ал-масойил» («Масалаларнинг қаймоғи») асарлари туркий тилда яратилди. У 5 марта: Тошкентда 1889, 1901 йиллар ва Истамбулда 1891—1892, 1986 йилларда қайта нашр этилган.

Мазкур асарнинг мазмуни, номидан ҳам кўриниб турганидек, инсоннинг ҳаёти давомида зарур хулқ-одоб қоидаларига ўргатиш ғояси илгари сурилади. Унда кундалик турмушимизда ҳар бир ёш эгаллаб олиши зарур бўлган зоҳирий (ташқи) ва ботиний (ички) одоб ва ахлоқ қоидалари нималардан иборат бўлиши зарурлиги ва шунда буларнинг (толибу-содиқларнинг) ҳам ўсиб, баркамол инсон даражасига етишиши таъкидланади.

Муҳаммад Содиқ Қошғарийнинг «Одоб ас-солиҳин» асари муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек, муқаддима ва 7 бобдан ҳамда ҳар бир боб 4 фаслдан иборат.

Муқаддимада асарнинг мақсади ифода этилади, яъни инсонга яхши хулқ эгаллаш зарурлиги таъкидланади ва у одоб қоидаларини эгалламаб олмаса ва яхши хулқ билан муаддаб (одобли) ва мухаззаб (тоза) бўлмаса, нафақат ўзига, балки бутун дунёга ёмонлик тарқатади, дейди ва шундай маснавийни келтиради:

Беадаб танҳо на худро дошт бад,
Балки оташ дар хама офоқ зар.
(Адабсиз нафақат ўзи учун ёмонлик қилади,
Балки бутун дунёга ўт қўяди.)

Шундай экан, ҳар бир инсон одоби зоҳирий ҳамда одоби ботинийни билиб, унга амал қилиши зарурлиги ва бу одоб қоидаларини мўътабар китоблардан жам этгаилигини айтади. Сўнг юқорида таъкидлаганимиздек, инсоннинг баркамол бўлиб етишишида кундалик турмушида зарур ботиний ва зоҳирий одоб қоидалари: саломлашиш ва рухсат сўраш, мулоқот одоби, ухлаш ва йўл юриш, суҳбат аҳлининг ўзини тутиши, эр-хотин одоби,

www.ziyouz.com kutubxonasi

тозалик ва озодалик қоидалари, меҳмон кутиш, зиёфат ва овқатланиш одоби, сафар қоидалари баён этилади.

Биринчи боб рухсат сўраш ва саломлашиш, кўришиш, қўл олишиш ҳақида бўлиб, у тўрт фаслдан иборат.

Маълумки, шарқ халқларида бирор кимса бирорта уйга кирганда у ерга рухсатсиз кириб боравермай, маълум урф-одат қоидаларига риоя қилади. Ана шу қоидаларнинг энг муҳимлари деб, Муҳаммад Содиқ Қошғарий ҳар бир одам келганлигини билдириш (эшикни қоқиш ёки йўталиш), овоз берилгандан сўнг киришга рухсат сўраш ва сўнг кириш кераклиги баён этилади.

Иккинчи фаслда эса саломлашишнинг ўн икки одоб қоидаси ҳақида фикр юритилади. Шунда салом бериш ва жавоби масаласида ҳозирги пайтда ҳам юз бераётган мунозарали фикрларга нуқта қўйгандек бўлади. Муаллиф айтишича, адаби аввал икки мўмин киши келсалар, хоҳ ошно ва хоҳ ноошно, салом беришгайларки, салом бермак суннатдур, жавоби фарзи айндур, дейди.

Шунингдек, олим «Улуғ кичикка, отлиқ пиёдага, юрувчи ўлтиргувчига, ... ва оз кўпга салом бергай», деб таъкидлар экан, бир киши кўпчилик олдига кириб келганда, биринчи бўлиб салом бериши, кўпчилик эса баравар овоз чиқармасдан саломга алик олиши жоиздир. Мактаб ҳамда олий ўқув даргоҳларидаги муаллим синф хонасига ёки аудиторияга кириб келганда, «Ким олдин салом бериши керак?», деган муаммони ечган бўлади.

Мазкур бобда яна саломлашишдаги хатти-ҳаракатлар, жисмонан заиф кишилар ва саломлашиш қоидалари, эркак ва хотин-қизларнинг саломлашиш қоидалари, салом бермаслик ва жавоб қайтармаслик ҳақида ҳам ҳозирги давр учун муҳим тавсиялар мавжуд.

Биринчи бобнинг учинчи фаслида берилган мулоқот (учрашув) одобига оид тавсиялар ҳам диққатга сазовор. Бунда учрашганда қўл бериб кўришиш, лекин қўл учи билан эмас, астойдил, лекин қўлни силамай, очиқ юз билан кўришиш одоби баён этилади[1]. Қучоқлашиб кўришиш, сафардан қайтган киши билан кўришиш ва ёш болалар билан кўришиш, ўпиб кўришиш одоблари баён этилади.

Иккинчи бобда ухламоқ, кийим кийиш, йўл юриш одоблари ҳақида фикр юритилади. Масалан, ухлаш олдидан эшикларни маҳкамлаш, идишларни оғзини ёпиш, ўриндаги кўрпани қоқиб ёзиш, ўт, чироқни ўчириш, ухлайдиган ўринни юмшоқ қилмаслик, ўнг қўлга бир оз суяниб ётиш тавсия этиладики, бу қоидаларга риоя қилмаслик натижасида кўплаб нохуш воқеалар рўй берганлиги айтилади.

---

[1] Мисоллар «Шарқ юлдузи» журналининг 1990 йил, 5-сонида эълон қилинган Муҳаммад Содиқ Қошғарийнинг «Одоб ас-солиҳин» асаридан олинди ва кейингиларида ҳам шу манбага қаралади. Нашрга тайёрловчилар: *М. Ҳасанов, У. Содиқов.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Либос кийиш қоидалари ҳам хулқ-одоб қоидаларининг таркибий қисми саналади. Бунда энг муҳимларидан киши имкон даражасида кийиниши лозимлиги, қулайлиги ва ёши, жинсига, жойига, фаслга мос бўлиши, уни тоза тутиш, яхши либос кийганда манманлик қилмаслик, киймайдиган ортиқча либосларидан муҳтожларга инъом қилиш каби тавсиялар ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Йўл юриш қоидалари ҳам ҳар бир инсон учун билиши зарур бўлган қоидалар бўлиб, бу ҳақда қуйидагилар: йўл юрганда меъёрида қадам ташлаш, атрофга алангламаслик, жамоат жойларида бошқаларга озор бермаслик, кексалардан кейин юриш, устозлар билан бирга кетаётганда, уларнинг ҳурматини сақлаш, йўлда ҳамроҳлари бўлса улар билан бирга кетишлик, йўлда эса бирор киши билан учрашиб қолса, саломлашиб, тез ўтиб кетиш, агар зарур бўлса, бирор чеккага чиқиб сўзлашиш, йўлда оғиз суви ёки балғамни тупурса юзини беркитиш, уни ўнг томонга ёки олдига эмас, чап томонига ёки орқасига ташлаш, йўлда ёрдамга муҳтожларга ёрдам бериш, кишиларга азият етказадиган нарсаларни олиб ташлаш, мазлумлар ғам-андуҳига шерик бўлиб уларга ёрдам бериш, яхши ишни маъқуллаб, ёмон ишдан қайтариш кабилар баён этиладики, буларни билиш катта-ю кичикка бирдек зарурдир.

Учинчи бобда суҳбатлашиш одоби баён этиладики, бу одоб қоидаларига инсон ҳар бир дақиқада риоя этиши зарур.

Суҳбатнинг яхши ният ва беғараз бўлиши, унга покиза либос билан бориш, таннинг тозалигига эришиш, оғиз ва тишларни тозалаб бориш, суҳбат аҳлининг бир-бирларига ҳурмат ва илтифот кўрсатиши, улуғларга эътиборини қаратиш, ўтириш қоидаларига риоя этиш, аҳли суҳбат кирганда ва чиққанда ўрнидан туриш ва улуғларни юқорига ўтказиш, беадаб сўзлар, ёмон хатти-ҳаракатлар, ноўрин жимликдан сақланиш, барчага яхши муомалада бўлиш, иззат қилиш, акса келса оғзини тўсиб, паст овозда, енгил акса уриш, суҳбат аҳлига иш буюрмаслик; суҳбат аҳлига беминнат хизмат кўрсатиш, дўст ва нотанишларга бир хил очиқ чеҳра билан муомалада ва ширинсўз бўлиш, гўзал хулқ ва чиройли одоб билан муомалада бўлиш, ака-укалар, опа-сингилларнинг хатосини кечириш ҳамда улар айбини юзига солмаслик, бошқалардан четда насиҳат қилиш, суҳбат аҳлидан бирор кишининг ёмон қилиғи, қабиҳ феъли ҳақида гапирмаслик, уни четлатишга ҳаракат қилиш каби одоб қоидаларига риоя этиш ҳақида фикр юритилади.

Аҳли суҳбатга нолойиқ хатти-ҳаракатлардан қочиш мақсадида аҳли жамоанинг хотиржамлигини бузганларни четлатиш, буни имо-ишора билан тушунтириш, суҳбатда пинакка кетмаслик, ўзгалардан ўзини юқори тутиш, суҳбатдошининг сўзини бўлмаслик, сукут сақлашни ҳам меъёрига етказиш, деб ортиқча такаллуфга зўр бермаслик, ҳамсуҳбати билан баҳс қилмаслик, аммо тортишиш мумкинлиги, ғазаб келганда уни тўхтата олиш, ортиқча қизиқчилик, ҳазил-мутойиба, хушомадгўйлик қилмас-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик, бунда меъёридан оширмаслик, камситувчи лақаблар қўймаслик; аҳли суҳбат орасида бир-бири билан пинҳона ва бошқалар тушунмайдиган тилда пичирламаслик, пинҳона сўзлашганда бошқа ҳамроҳининг қулоқ солмаслиги; бу қоидалар ҳар бир кишининг кундалик турмушида зарур бўладиган талаблари ҳисобланади. Асарда эр ва хотин одобига оид илгари сурилган фикрлар ҳам диққатга сазовордир.

Уйланадиган йигит никоҳдан олдин уйланмоқчи бўлган қизини кўрмоғи, уйланадиган қизнинг бокира бўлиши ҳамда тўрт нарсада: умрда, қоматда, молда ва насабда эрдан паст ва тўрт нарсада: ҳуснда ва жамолда, хулқда, адабда ва иффатда эрдан юқори бўлиши зарурлиги, таъкидланади. Бу фикр турмушда тинч-тотув оила қуриш масалаларида исботлангандир.

Эр киши хотинига яхши муомала қилиши, уни беҳуда ғазаблантирмаслиги, олижаноб бўлиши, мурувват кўрсатиши, ҳавойи нафс балосидан сақланиши, агар аёл такаббур ва жафо кўрсатса, унга аввал насиҳат қилиб адаб бериши, яхши томонга юз тутса, авф этиши зарурлиги баён этилади.

Хотин эса эрининг рухсатисиз ҳеч жойга бормаслиги ва ҳеч кимни уйига келтирмаслиги, эрининг мол-дунёсини сарф этмаслиги, ўз масъулиятини бажариши, эри хурсанд бўлса — хурсанд, ғамгин бўлса — ғамгин бўлиши, эрнинг топиш-тутишига қаноат қилиш, эр вафот этганда мотам тутиб, марҳумнинг руҳини пок сақлаш ҳақида ибратли пандлар баён этиладики, бу нарсалар ҳозирги кунда ҳам долзарбдир.

Муҳаммад Содиқ Қошғарий «Одоб ас-солиҳин» асарида, касал ҳолини сўраш, таъзим ва мусибат одоблари ҳақида ҳам фикр юритади. Бу нарсаларни ҳар бир кишининг билиши муҳимдир.

Касал ҳолини сўраш дўстларга зарурлиги, касалнинг миллати, динидан қатъи назар, касал ёнига очиқ юз билан кириш, кўнглини кўтарувчи сўзлар билан мурожаат қилиш, касал олдига башанг кийиниб ёки кир либосда кириб бўлмаслиги, кулиб кириб, бош томонига яқин ўлтириш, кўп сўзлашиб беморни толиқтириб қўймаслиги, қўлини пешонасига қўйиб ҳол сўраши, касални кунда келиб толиқтириб қўймаслик, бемор кўнгли тилайдиган нарсаларни сўраб-суриштириб топиб келиш, аммо унинг муолажасида ҳаром нарсалардан сақлаш, бемор олдида кўп ўтирмаслик, агар бемор олдида бўлиш зарур бўлса, унга хуш келадиган сўзлардан, ҳикоятлардан сўзлаб ўтириш кабиларни тавсия қилади.

Бемор ҳам ўз навбатида касалидан нолиши мумкинлиги, оғир дардга чалинганда ўзига ўлим тиламасдан умр тилаши, оғирлашгани сезила бошлаганда гуноҳларидан тавба қилиб, қарзларини адо этиб, фарзандлари, қариндош ва дўстларидан розилик сўраши ва васият қилиши ҳамда уларга сабр-қаноат тилаши энг муҳим қоидалар эканлиги таъкидланади.

Асарда мусибат одоблари ҳақида ҳам баён этилганки, буларни билиш, айниқса ёшларга зарурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бирор мўминнинг вафоти ҳақидаги хабарни эшитганда аҳли мусибатга таъзия адо этилади. Бу дафндан олдин ёки кейин ҳам бўлиши мумкин. Таъзия уч кунгача жоиз, ундан сўнг мақрух дейилади. Тобутни олиб чиқиб кетаётганлар сукутда бўлиши вожиблиги, аёллар тобутга ҳамроҳ бўлиб, эшикка чиқмаслиги, аҳли мусибат йиғилганда овоз кўтармаслиги, майитни кўмгандан сўнг ҳар ким ўз ишига кетиши, бир ерда йиғилиб ўтирмаслик кераклиги, йиғилиш учун турли тадбирларни излаб топиш ва ўтказиш бидъат эканлиги, аммо таом тайёрлаб аҳли мусибат уйига юбориши мустаҳаблиги таъкидланади.

Сўнг қабр устига пишиқ ғишт ва тош ҳамда бошқа нарсаларни қўйиш, қубба ва иморат қилишни бидъат саналиши таъкидлаб ўтилади.

Шу ўринда олим қабрлар одобига ҳам тўхталиб ўтади, яъни қабристонни тонгги зиёрат қилиш кўпроқ эркакларга мансублиги, ота-она қабрларини хотинлар ҳам зиёрат қилса, ман этилмаслиги таъкидланади. Сўнг қабристонларни оёқ ости қилмаслик, қабр устида ўтирмаслик каби одоб тўғрисида гапириб ўтилади.

Асарда зиёфат, меҳмондорчилик одоби ҳақида ҳам кўпгина ибратли гаплар ёзиб қолдирилган. Жумладан, меҳмондорчилик одоби ҳақида қуйидагилар ифодаланади:

Меҳмондорчиликка кишининг бойлиги, мавқеига қарамай, ҳаммани баравар чақириш, оила аъзоларини ҳам ажратмаслик, меҳмоннинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, лекин уч кундан сўнг ортиқча такаллуфлар, дабдабалар қилмаслик, меҳмон учун уйни ортиқча безамаслик, лекин, озода, тоза, кўрпа-тўшаклардан фойдаланиш, дастурхон тузашда исрофгарчиликка йўл қўймаслик, таом қўйилганда аввал, мезбон бошлаб, охирида таомдан қўлини тортиш; меҳмондан олдин қўлини узатмаслик, ортиқча такаллуф қилавермаслик, имкони бўлса, лаззатли ва латиф таомлар билан меҳмонни зиёфат қилиш, кетишга изн сўратганда ҳурмат билан кузатиш каби мезбонга хос одоб қоидалари баён этилади.

Асарда меҳмоннинг ҳам соҳиби хонадонга қиладиган одоб қоидалари ҳақида ҳам батафсил тўхталиб ўтилган. Хусусан, меҳмонга чақирилганда, у фақирми, улуғ мартабалими, албатта, бориш зарурлиги, золим ва ахлоқсиз ва иккиюзламачилик, хурофотчилар зиёфатга чақирганда эса бормаслик сингари меҳмондорчилик одобига риоя этиш баён этилади.

Мазкур бобда емак-ичмак одобларига ҳам тўхталиб ўтилган. Унда таомни оз ейиш, шубҳали таомни емаслик, фақирона овқатларга қаноат қилиш, гўштли таомларни кам танаввул қилиш, овқатларни танаввул қилишда аралаштириб юбормаслик, яъни балиқ билан сутни, сут билан нордон нарсани, сут билан тухумни, қовурилган гўшт билан қайнатилганини, қотган гўшт билан янги гўштни, иссиқ нарса билан совуқ нарсани, ични қотирувчи билан ични сурувчи ҳидли таомни ейиш ман этилади. Таомни ўтириб ейиш зарур, дейди олим ҳамда ейиш одоблари-

www.ziyouz.com kutubxonasi

та тўхталади. Булардан энг муҳимлари, улуғлар таомга қўл урмагунча, қўл узатмаслик, таом ейишда озодалик қоидаларига риоя этиш, таом ейишга оид идишлардан фойдаланиш, яъни меваларни кўзга суриб, кейин ейиш, таомдан аввал ва сўнг қўл ювиш, ювилган қўлнинг сувини силқитмаслик, қўлни ишлатилган нарсага артмай, тоза сочиққа артиш, таомдан сўнг соҳиби хонадон шарафига дуо қилиш, агар ёши катталар ҳам мазкур меҳмондорчиликда бўлса, уларнинг дуо қилишини кутиш каби одоб қоидалари тавсия этилади.

Мазкур бобда сув ичиш одоби ҳақида ҳам фикр юритилади, бу ҳам одоб қоидалари, ҳам гигиеник жиҳатдан зарурдир.

Сувни бирдан симирмай, балки бўлиб-бўлиб ичилади ва унга нафас урилмайди, сувни ўта эҳтиётқорлик билан, бирор нарса тушмаганига ишонч ҳосил қилгач, ичиш, кечаси эса идиш оғзига латта тутиб ичишни тавсия этади. Агар оғиз ва қўл ёғлик бўлса, сувли идишнинг дастасини ушламаслик, жимжилоқ ва номсиз бармоқ ёрдамида ушлаш ёки қўлни ювиб, кейин ушлаш, косанинг ёки сув идишнинг синган ерн бўлса, у еридан сув ичмаслик, чунки у ерида кир тўпланиб қолиши мумкинлиги, ариқ ёки ҳовуздан бошни эгиб, оғиз билан сув ичмаслик, чунки ундан зарарли ҳашарот ичга кетиши мумкинлиги қатъий таъкидланади. Шу билан бирга сувни аввал ўзи ичмай ёнидагиларга узатиш, аввал ўнг томонга узатиш, сув узатганни дуо этиш ҳам энг зарурий одоб қоидаларидан эканлиги эслатиб ўтилади.

Еттинчи бобда энг зарурий сафар қоидаларига тўхтаб ўтилади. Сафар қилишни олим уч қисмга бўлади: фарз, фазилат, мубоҳ (рухсат этиладиган). Бундан сафари фарзнинг ўзини беш бўғинга бўлади: жиҳод, ҳажжи фарз, ота ва она чақириғига биноан, радди мазолим (зулмни қайтариш) учун ва бешинчиси илм олиш учун сафар қилиш.

Сафар мубоҳни ҳам икки бўғинга бўлади: биринчиси ўз манфаати йўлида бировдан таъма қилмайдиган тижорат сафари; агар ким тижоратда фақат мол-дунё орттириш мақсадида бўлса, унда бу тижорат сафари ҳам унга зиён етказади, дейди олим. Иккиичи нави-навъи тафарруж (кўнгил очиш) учун сафар қилиш. Баъзида бундай сафарларнинг ҳам жоизлиги таъкидланади. Аммо сафарларнинг барчасида ҳам аёлларга албатта маҳрами ҳамроҳлик қилиши зарур, деб ҳисоблайди.

Сўнг олим сафарларнинг фойдалари ҳақида оғиз очади, унда сафар қилган кишининг биринчидан, ғам-андуҳдан фориғ бўлиши, иккинчидан, тирикчилик учун сармоя йиғиш, учинчидан, илм олиш, тўртинчидан, тўлиқ одоб ва ахлоқ ўрганиш, бешинчидан, улуғ кишиларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлиш мумкин дейилади. Олим сафарнинг баъзан машаққатлари ҳам бўлиши мумкин деган саволга ёшларга чақимчи ва ҳасадчилар орасида тирик юргандан кўра, сафар машаққатлари афзалроқдир, деб тўғри хулоса чиқаради. Мазкур бобда сафар одоби ҳақида фикр юритиладики, бу қуйидагилардан иборатдир:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аввало, сафар қилиш учун маълум бир кори-ҳайр (яхши ният) ни мақсад қилиб олиш: яъни ё ҳаж, ё тижорат, ё жиҳод ё илм олиш, ёки азиз жойларни зиёрат қилиш кабилардан иборатдир, деб таъкидланади. Сафар олдидан бирор доно киши билан маслаҳатлашиш тавсия этилади. Сафар олдидан ота-она ва бошқа ҳақ эгаларидан рухсат сўраш, кимнинг ҳақи бўлса, уни адо этиш ва яна қариндош-уруғ, ёр-биродарлар билан видолашиб, уларнинг дуосини олиш ҳам суннат саналади.

Сафарга ҳеч вақт танҳо чиқмаслик, энг ками уч киши сафар қилиши кўпчилик бўлса, бир-бирига яқин манзилга тушиш, бир гуруҳ бўлиб сафарга чиққанда ўрталаридан бир кишини бошлиқ этиб, унинг маслаҳати билан иш тутиш ва бошлиқнинг ҳам ўз хизматини бошқалардан аямаслиги, зайфу нотавонлар ҳамроҳ бўлса, уларга мададкор бўлиш ҳам энг муҳим сафар одоблари сифатида баён этилади.

Сафарга энг зарур ашёларни, яъни либос, оёқ кийим, соқолтарош, мисвак (тиш тозалагич), қайчи ва бошқаларни унутмаслик, бораётган шаҳарда бирор юқумли касаллик тарқалган бўлса, у шаҳарга кирмаслик, агар шаҳарга киргандан сўнг касаллик тарқалса, у ердан чиқиб қетмаслик керакки, акс ҳолда касаллик тарқатувчи ўзи бўлиб қолиши мумкин.

Сафардан қайтганда тўсатдан уйига кириб бормай, аввал, уйидагиларни хабардор этиш, кечаси кириб бориш ҳам нолойиқ ҳисобланади. Сафардан қайтганда хонадондагилар ва қариндош, ёр-дўстларга совғалар улашиш, уни кўргани келганларни таом билан сийлаш ҳам муҳимдир.

Агар хабар келса, мусофирни кутиб олишга пешвоз чиқиш, уни ҳурмат билан кутиб олиш, уни сўроққа тутмаслик, мусофир хоҳишини фаросат билан билиб олиш, унинг манзили, ётиш-туриши, ейиш-ичишидан хабардор бўлиб туриш, агар саёҳат қилиш хоҳиши бўлса, диққатга сазовор жойларни кўрсатиш, унинг келишидан мақсадини билиб, ёрдам қилиш каби энг оддий одоб қоидалари ҳам баён этилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Муҳаммад Содиқ Қошғарийнинг «Одоб ас-солиҳин» асари ёшларнинг баркамол, маънавий юксак, етук ахлоқли бўлишларида катта аҳамиятга эга. Мазкур асар кундалик турмушимизда ҳар куни, ҳар дақиқада билиш зарур бўлган турмуш одобига оид хулқ-одоб қоидаларининг мажмуидир. Шунинг учун ҳам Шарқ педагогикаси тарихида «Қобуснома» каби бу асар ҳам, ўз ўрни, ўз мавқеига эга. Бу асарни бобма-боб ўрганиш ёш авлоднинг маънавий камол топишида фойдаланиладигаи бебаҳо хазинадир, дейиш жоиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

V боб

XIX АСРНИНГ II ЯРМИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР

ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ДИНИЙ-ИСЛОМИЙ ТАРБИЯВИЙ МУАССАСАЛАР ВА ПЕДАГОГИК ФИКР ТАРАҚҚИЁТИ

XIX асрнинг ўрталарида Туркистон ўлкасида бошланғич маълумот берадиган мактаб ҳамда ўрта ва олий диний таълим берадиган мадрасалар мавжуд эди. Мактабларнинг аксарияти, шу жумладан, қишлоқ мактабларининг кўпчилиги диний таълим берувчи энг оддий бошланғич мактаблар эди, холос. Бу мактабда мачитларнинг имомлари, саводхон муллалар дарс берардилар. Бундай мактабларда ўқитиш энг оддий диний вазифаларни ўргатиш билан, яъни араб тилида ёзилган Қуръонни ўқишни ўргатиш, ҳар бир мусулмон учун зарур бўлган асосий вазифаларни билдириш билан чекланарди.

Шаҳар мактабларида диний таълимдан ташқари, умумий таълим элементлари — ёзиш ва ҳисоблаш йўллари ўргатилар, халқ орасида машҳур шоирларнинг шеър ва ғазаллари ўқитилар эди. Одатда, бундай мактабларнинг ўқувчилари бадавлат оилаларнинг болалари бўлар эди. Улар ўқишни тамомлаб, олган билимларини савдо-сотиқ ишларида, ҳунармандчилик устахоналарида қўллар эдилар, баъзилари қўшимча таълим олиб, хаттотлик касби билан шуғулланар, баъзилари мадрасага кириб ўқишни давом эттирардилар.

Олий диний мактаб бўлган мадрасада ўрта асрга оид диний фалсафа ва мусулмон ҳуқуқлари, араб тилининг грамматикаси ва мантиқ илмларидан дарс ўтиларди. Мадрасани тамомлаб чиққанлар имомлик билан шуғулланиш ва қозихоналарда ишлаш ҳуқуқига эга бўлар эдилар. Мактаб ва мадрасаларда асосан ўғил болалар ўқитилар эди. Шаҳарлардаги диний мактабларда баъзи домлаларнинг хотинлари — отинойилар қизларни ҳам ўқитиш билан шуғулланар эдилар. Мактаб ва мадрасаларда дарс ўзбек, араб ва форс-тожик тилларида олиб бориларди.

Мусулмон мактабларида таълим тизими 5 тоифага бўлинган эди.

1. Қуйи мактаб — бу мактабларда ўғил болаларга савод ўргатишган (4 йил).

2. Халилхона мактаби — (намоз) ёд олдириб ўргатилган.

3. Қориҳона — Қуръон ёд олинган.

4. Мактаб интернат — ўрта мадраса бўлиб, бу мактабда ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар ўқитилиб ўрта маълумот берилган.

Марказий Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин мактаб ва мадрасаларда баъзи ўзгаришлар юз берди. Мусулмон

www.ziyouz.com kutubxonasi

мактаблари учун босмахонада чоп қилинган дарсликлар пайдо бўлди. Қозондан босмахонада нашр қилинган қуръон ва ҳафтияклар, Ҳиндистон ва Эрондан шоирларнинг литографияда чоп қилинган тўпламлари келтирилди, Тошкентнинг ўзида ҳам мактаблар учун дарсликларни литография усулида нашр қилиш йўлга қўйилди.

Мустамлака маъмурияти машғулотлар ўрта аср тартибида олиб борилаётган мусулмон мактабларининг ишига аралашмас эдилар. Аммо мактабларда рус тилини ўқитишни рағбатлантирувчи чоралар кўришга ҳам ҳаракат қилинарди. Натижада, маҳаллий ёшлар рус тилини ўрганишга кўпроқ эътибор бера бошладилар. XX аср бошларида эса мадрасаларда рус тилини ўқитиш жорий қилинсин, деган кўрсатмага биноан 1913—1917 йилларда баъзи мадрасаларда рус тилини ўқитиш жорий қилинди.

Эски мактабларда ҳам баъзи ўзгаришлар содир бўлди. Рус тузем мактаблари ҳамда янги хил мактабларнинг таъсири остида баъзи эски усул мактабларда бирмунча янгиликлар жорий қилинди — литографияда босилган алифбелар ёрдамида товуш методи асосида савод ўргатиш жорий қилинди, қизларга ўқишни ўргатиш билан бирга ёзишни ҳам ўргатишга киришилди. Бу янгиликларга кўра ўзбек мактаблари ҳаётида катта силжиш рўй берди.

Асримиз бошларига келиб, Туркистон ўлкасидаги йирик марказий шаҳарларда олий таълим масканн ҳисобланган қуйидаги мадрасалар: Бухорода —80, Қўқонда —40, Самарқандда —22, Марғилонда —28, Тошкентда —17[1], Хева хонлигида — 130[2] мавжуд бўлиб, уларда 400 дан 5000 тагача талаба таҳсил олар эди.

1906 йилга келиб, биргина Самарқанд вилоятининг ўзида 1510 та мусулмон мактаби бор эди, уларда 1482 ўқитувчи 12740 талабага сабоқ берган.

Умуман олганда Туркистон ўлкасида 1905—1906 йилларда 5290 та мактаб бўлиб, уларда 70955 талаба таълим олган.

Бу даврга келиб маҳаллий фуқаро болаларидан илмли кишилар тайёрлаш мақсадида Хева хони Сайид Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхони соний — Феруз (1844—1910 й.) катта ишларни амалга оширди. Бевосита унинг ташаббуси билан 1884 йили ўз саройида мактаб очилиб, бу мактабда рус ўқитувчиси ва Мирзо, Раҳмонқули қори каби маҳоратли таълим-тарбия устолари ёшларга билим бериш иши билан шуғулландилар.

Феруз фармоиига мувофиқ 1904 йилнинг 10 ноябрида Урганчда биринчи янги усул мактаби очилди. Унда Ҳусайн Қўшаев деган Туркиядан келган ўқитувчи ёшларга таълим-тарбия бера бошлади.

---

[1] **А. Муҳаммаджонов.** Школа и педагогическая мысль узбекского народа XIX— начала XX в. Т., «ФАН», 1978 й., 23, 89- бетлар.

[2] **Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул.** Феруз шоҳ ва шоир қисмати. Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1991 й., 100- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳусайн Қўшаев 1906—1907 ўқув йилида хонликдаги илғор маърифатпарвар кишиларнинг истакларини ҳисобга олиб, Урганчда қизлар мактаби ташкил этди. Феруз унга ҳомийлик қилиб, хазина ҳисобидан мактаб учун алоҳида маблағ ажратиб берди.

Феруз ҳомийлигидаги бу мактабда Ҳусайн Қўшаевнинг турмуш ўртоғи Комила Қўшаева қизларга билим бера бошлади.

1909 йилга келиб Феруз қўли остидаги мадрасалар сони 130 тага етиб, ундаги муллаваччалар 2300 кишидан ортиб кетди.

Феруз Хева зиёлилари орасида нуфузли ўринни эгаллаган маърифатпарвар Комил Хоразмийни Тошкент шаҳрида гимназия ва мактаблардаги ўқитиш усулини ўрганиб келиши мақсадида сафарга жўнатади. Сафардан қайтгач Комил Хоразмий бу соҳадаги ишларни анчагина жонлантириб юборди.

Мазкур мактаб ўқув дастури ҳамда режасига — риёзиёт, тарих, жўғрофия, табиат, рус тили, маҳаллий савод (она тили) ва исломшунослик фанларини ўқитиш белгиланади. Машғулот жараёнида Шарқ мутафаккирлари — Навоий, Фузулий, Бедил, Саъдий Шерозий, Машраб, Сўфи Оллоёр кабилар билан бир қаторда рус шоир, ёзувчиларининг асарларини ўрганилди. Шунингдек, у, воҳада санъат, маориф ва маданият ривожига раҳнамолик қилиб, саройда «Подшоҳи замон типолитографияси»ни ташкил қилди.

«Литография»— юнонча сўз бўлиб «Литос»— тош ва «графос» ёзаман деган маънони билдиради. Бу атама ўзбек тилида тошбосма тарзида қўлланиб келинган.

Феруз саройидаги бу тошбосмахонада илк бор Абу Наср Форобийнинг «Нисобус — сибиён» (Болалар насибаси), Алишер Навоийнинг «Ҳамса» асаридан парча, «Ҳайрат ул-аброр» достони, Шермуҳаммад Мунисниг «Мунис ул-ушшоқ» девони, Ёқубхўжа ибн Иброҳимхўжанинг «Девони Холис» тўплами, Феруэнинг «Девони Феруз» ва бошқа ўнлаб асарлар нашр этилган.

ТУРКИСТОНДА ЧОРИЗМ МАКТАБ СИЁСАТИНИНГ БОШЛАНИШИ. РУС ТУЗЕМ МАКТАБЛАРИ ВА МАТБУОТ

Маълумки, Марказий Осиё заминида Темурийлар ҳукмронлиги инқирозга юз тутгандан кейин, бу ўлкани қўлга киритиш учун жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари ҳаракат қилдилар. Ана шулардан бири чор Россияси эди.

Россиянинг босқинчилик юриши XIX асрнинг II ярмига тўғри келади. Чунки бу даврда собиқ империя ўрнида 3 та хонлик бўлиб, Бухоро амирлиги, Хива ҳамда Қўқон хонликлари эди.

Бу уч мустақил давлат ўртасидаги ўзаро зиддиятлардан фойдаланган рус давлати Марказий Осиёни босиб олиш учун қулай шароит етилди, деб ҳисоблаб ҳужум бошладилар ва даст-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаб Қозоғистонни ўзларига тобе қилдилар. Сўнгра Қозоғистон орқали 1864 йилда Туркманистон, Чимкент, Авлиё отани, 1865 йилда Тошкентни забт этдилар. 1867 йилда Еттисув вилояти, 1868 йилда Самарқанд, 1876 йилда Фарғона вилояти Россия қўлига ўтди.

1876 йил 19 февралда подшо Александр II Қўқон хонлиги тугатилганлиги тўғрисида буйруққа имзо чекди. 1885 йилга келиб Марказий Осиёнинг ҳамма ерлари Русия тасарруфига ўтади ва ўлкада Туркистон генерал губернаторлиги ташкил этилади. Шу билан Марказий Осиё мустамлака давлатига айлантирилади.

Туркистон ўлкаси Россия томонидан босиб олингач, чор маъмурлари минг-минглаб рус оилаларини Марказий Осиёга кўчириб келтиради. Фарғона вилояти, Сирдарё, Самарқанд ва бошқа вилоятдаги (шаҳарлар) маҳаллий деҳқонларнинг серунум ерлари тортиб олиниб, уларга берилади.

Рус муҳожирлари Туркистон генерал-губернаторининг фармонига биноан ўлкада рус мактаблари, рус тузем мактаблари, гимназия каби мактабларни очиш ва бу мактабларни кенгайтириш ҳисобига маҳаллий мактаблар, мактаб мадрасаларни сиқиб чиқариш мақсадида маориф ислоҳотини ўтказа бошладилар.

Бу билан гўёки, улар Марказий Осиё аҳолисини саводхонлик даражасини оширмоқчи бўлдилар ва ҳар бир қилинган ишни бўрттириб кўрсатишга уриндилар.

1917 йилги тўнтаришгача 21 фоиз саводхон[1] бўлган ўлка аҳолисини, ёппасига саводсиз эди, дея камситишга уриндилар, қуруқ бўҳтон ёғдирдилар.

Ўлка аҳолисини саводхон қилиш учун энг аввало рус, рус-тузем, гимназия каби ўқув масканлари керак, мадраса ва «усули қадимия» эски усул мактабларида, отинлар мактабларида савод чиқариб бўлмайди, деган сиёсатни юргизишга ҳаракат қилдилар.

Бунга биз 1897 йилдаги Россия томонидан ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларини кўрсатишимиз мумкин. Масалан, ўша аҳоли рўйхатида қайд этилишича, Марказий (Ўрта) Осиё аҳолисининг саводхонлик даражаси қуйидагича белгиланган:

Тожиклар —99,5% саводсиз
Қирғизлар —99,4% саводсиз
Туркманлар —99,3% саводсиз
Ўзбеклар —98,4% саводсиз
Қозоқлар эса —97,9 фоиз саводсиз деб ҳисобланган.

Бу кўрсаткичларнинг барчаси уйдирма эди. Аслида Туркистон ўлкаси халқларининг саводхонлик даражаси чор Россияси аҳолисининг саводхонлик даражасидан паст эмас эди. Чунки, Туркистон ўлкаси халқлари 1917 йилги тўнтаришдан олдин шахсий ва оммавий мактаблар, мадрасаларда билим олганлар,

[1] И. Турсунов. Истиқлолга интилган қалблар нидоси. Тошкент, 1993, 11-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

юксак илм эгаси бўлганлар. Улка халқлари эрамизнинг VI—VII асрларидан уйғур-турк ёзувидан, ўз ёзувлари сифатида фойдаланиб, ўз замонасига мос таълим берган бўлсалар, сон-саноқсиз мутафаккирлар ана шу турк-уйғур ёзуви ва VIII асрдан бошлаб араб графикаси асосида савод чиқариб, бутун жаҳонга довруғ таратганлар. ... «деярли бутунлай саводсиз», деб талқин этилган она юртимизда униб-ўсган жаҳон илмий ва амалий тафаккурида алоҳида ўрин эгаллаган юзлаб қомусий алломаларимиздан тортиб, қори-ю, отинойиларимиз савод ўргатган мактаб-у, мадрасалардан юз ўгира олмаймиз...

Зеро, юқорида қайд этилган аҳоли рўйхати маълумотномасида рус халқидан, рус миллатидан бошқа миллатга мансуб фуқароларни атайлаб камситиш чор Россиясининг асосий мафкуравий кураши натижасидир. Чунки улар рус ва рус-тузем мактабларини битирганларнигина саводли деб ҳисоблаганлар. Ҳатто, улар дунёвий мактаблар очиш, она тилидаги дарсликлар, газета ва журналлар нашр қилиш ва ҳоказоларни қатъий таъқиб қилар эдилар.

Айни вақтда чор ҳукумати рус бўлмаган аҳоли яшайдиган жойларда мактаблар очар, бу мактаблар эса ўз олдига руслаштириш мақсадини қўяр эди.

Чор ҳукумати томонидан XX асрнинг 60-йилларида мактаб уставлари тасдиқланиб, шулар асосида бошланғич ҳамда ўрта мактаблар қайта тузилиб, рус бўлмаган халқлар учун мактаблар ташкил этишга доир давлат ҳужжатларини ишлаб чиқишга киришдилар.

Мактаб ишига тааллуқли асосий сиёсий ва идеология соҳасидаги кўрсатмалар 1870 йилда чор Россияси халқ маорифи нозири Д. А. Толстой томонидан ифодалаб берилган эди. «Бизнинг ватанимизда яшовчи барча бегона (рус бўлмаган) халқларнинг маълумотли бўлишининг охирги мақсади, деб маълум қилган эди, у,— шубҳасиз, уларни руслаштириш ва рус халқи билан бирлаштиришдан иборат бўлиши керак». Руслаштириш кўрсатмаси 1870 йилда эълон қилинган бўлиб унга биноан рус миллатига мансуб бўлмаган барча халқлар учта тоифага бўлинган эди.

1. «Жуда кам руслашган халқлар», буларга Шарқий Сибирь ва Поволжье халқлари кирар эди. Бу халқлар учун очилган мактабларда ўқишни она тилида бошлаш ва кейинчалик рус тилида ўқитишга ўтиш тавсия қилинар эди.

2. «Руслар ҳам яшайдиган районларда яшовчи халқлар». Бу жойлардаги мактабларда ўқитишнинг дастлаб рус тилида олиб бориш айрим ҳолларда она тилининг ёрдамига таяниш ва мумкин қадар тезроқ фақат рус тилида ўқитишга ўтиш таклиф қилинар эди (масалан, грузин болалари ўқитиладиган мактабларда ўқитиш шундай олиб борилади).

3. «Етарли даражада руслашган халқлар». Украинлар, белорусь ва бошқалар, буларнинг мактабларида ўқитишни фақат рус тилида олиб бориш тайинланган эди. Мазкур «Қоида»лар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни мана шу тоифага киритилган халқларга қўлланиш 60 йилларда ижтимоий ҳаракат жараёнида вужудга келган она тилида ўқитиш тажрибасини батамом сиқиб чиқаришга олиб келди.

Мана шу умумий директив ҳужжат асосида улкаи Россия империясининг айрим ҳудудларидаги мактабларнинг таълим-тарбиявий иши принципларини белгилаб берадиган йўл-йўриқлар яратилади ва эълон қилинади.

Масалан, православ динига эътиқод қилган Кавказ халқларининг мактаблари 1873 йилда чиқарилган «Кавказда таълим ишининг қурилиши ҳақида Устав» асосида ишлаши керак эди. Чор амалдорлари мана шу ва бошқа буйруқлар (булар руслаштириш ва улуғ давлатчилик кўрсатмаларига қатъий амал қилар эди) асосида иш кўриб арман черковининг олий органлари томонидан очиладиган она тилидаги мактабларни доимо ёпиб қўяр эдилар.

1776 йилда Марказий Осиё туманининг генерал-губернатори ҳузурида Туркистон ўқув юртларининг махсус Бошқармаси ташкил этилган бўлиб, аввало, руслаштириш сиёсатини амалга ошириш вазифаси унинг зиммасига юклатилган эди.

Тегишли давлат ҳужжатлари билан мактабларнинг иш тартибини белгилаб ва мактаб идораси органлари ўз мақсадларида мустаҳкамланиб олгач, чоризм ўқитувчиларнинг фаолиятини инжиқлик билан синчиклаб назорат қилиш тизимини тўхтовсиз ошириб борди.

1814 йилда Қўқон хонлиги қишлоқларини кезиб чиққан поручик Ф. Назаров бундай деб ёзган эди: «Қўқон ва бутун Қўқон давлати пахта экини ва ипак дарахтига тўлиб ётибди, ҳамма ёқда пахта экилган далалар кўзга ташланади, ундан қўқонликлар мато тайёрлаб, уни бухороликларга рус товарлари: темир, қундуз, сандал, тутиё, конценяр уруғи, денгиз орти мушуги, пўлат, мовут ва ҳоказоларга айирбошлайдилар».

Шунингдек, ўзбек хонликларида олтин, кумуш, рудалар ва шу каби фойдали қазилмалар олинар эди.

Россия мана шундай бой ўлкани босиб олишни асрлар давомида ният қилиб келар эди. Улар ўз ниятларига XIX асрнинг иккинчи чорагида эришдилар. Руслар Марказий Осиёни осонликча қўлга киритмадилар. Улар ўз мақсадларига эришгунларича кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийликлар қилдилар, қанчадан-қанча қон тўкишлар эвазига Марказий Осиёни қўлга киритдилар. Улар энди Туркистонни ҳар томонлама таладилар.

Тарихда ўзбек халқи кўп босқинчиларни кўрган. Масалан мўғул-татар босқинчилигини оладиган бўлсак, улар одамларни қирган, бойликларини талон-торож қилган... аммо маданиятига, тилига ва динига тегмаган. Энг даҳшатлиси, руслар Туркистонда барча босқинчилик ишларини олиб бориш билан бирга халқнинг урф-одатидан, тили ва динидан ҳам айирмоқчи бўлдилар.

Генерал Розенбах эса шундай деган эди: «Ўлкани руслаштириш режасини амалга оширишда мактаб катта аҳамият касб

www.ziyouz.com kutubxonasi

этиши лозим». Ҳақиқатдан ҳам мустамлака даврида рус-тузем мактаблари вужудга келди. Бу мактабларнинг асл мақсади, ўлкани руслаштириш эди. Афсуски бу ўринда бошқа тишга тегадиган нозик бир ҳолат ҳам бор. «Туземец» дегани русча-ўзбекча луғатда «маҳаллий халқ», «туб аҳоли» деб таржима қилинган. Рус олими Владимир Дальнинг «Великорус жонли тилининг изоҳли луғати» китобида мана шундай жумлалар ёзилади: «Туземец. Местный относящийся до известной страны... Туземные жители части Океании стоят на низшей ступени человечества»[1].

XX аср бошларида Туркистонда ҳаммаси бўлиб 20925 ишчи бўлган, холос. Темир йўллар ўлкамизнинг барча бойликларини Россияга ташиб олиб кетиш мақсадида қурилган. Янги очилган турли мактаблар мустамлакачи амалдорлар учун тилмочлар тайёрлаб бериш учун хизмат қилган.

Россия халқлари учун ҳукумат мактаблари

Мусулмон аҳолиси яшайдиган жойларда қадимдан мактаб-мадраса ва ҳоказолар мавжуд бўлиб, буларга қарши чор ҳукумати Россиядаги кўп сонли халқлар учун махсус ҳукумат мактаблари барпо қилар эди. Бу мактабларнинг кўпчилигида ўқитиш рус тилида олиб борилар эди. Уларнинг бири — тўрт йиллик, иккинчиси — икки йиллик эди. Баъзи бир тўрт йиллик мактабларда интернатлар ҳам бўлиб, уларда кўпроқ феодалларнинг ва маҳаллий аҳолининг бой қатлами болалари таълим оларди. Туркистоннинг 1880 йилда Россия тасарруфига ўтганидан кейин Марказий Осиёдаги рус-тузем мактаблари анча машҳур бўлди. Аммо меҳнаткашларнинг болалари учун яхши йўлга қўйилмаган икки йиллик савод чиқариш мактаблари очилган эди. Ўқиш муддати икки йил бўлган миллий мактаблардан, масалан, қозоқларда овул мактаблари, деб аталган мактаблар типик мактаб саналар эди.

Дастлабки овул мактаблари 1892 йилда Тўрғай областининг овулларида ташкил топган бўлиб, аҳолининг кўчманчилик турмушига мослаштирилган эди. Овул мактабларида рус тили, арифметика, қозоқ алифбоси ва ислом дини ўқитилар эди. Бу мактабларда ўқитиш ўқувчиларнинг она тилида олиб бориларди, лекин уларнинг савияси жуда паст эди. 1916 йилда 169 та овул мактаби бўлиб, уларда 5 минг ўқувчи ўқирди, бу мактаб ёшидаги барча қозоқ болаларининг фақат бир фоизига яқинигина ташкил этарди, холос.

Марказий Осиё ва Шимолий Кавказнинг мусулмон аҳолиси учун уларни руслаштириш мақсадини кўзда тутган рус-тузем мактаблари XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб очила бошлади. Бу мактаблар ўз дастурларига кўра рус министрлик мактабларидан ислом динининг ўқитилиши билангина фарқ қилар эди.

[1] В. Даль «Толковый словарь живого Великорусского языка». М., 1980 й., 440-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Рус-тузем мактабларида ўқитиш рус тилида, диний таълимот эса ўқувчиларнинг она тилида олиб бориларди.

Туркистонда дастлаб очилган рус мактаблари

1860 йилларда Марказий Осиёнинг кўпгина қисми Россия томонидан босиб олинди. 1865 йилда Россия таркибига кирган Тошкент Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли ерларнинг маркази бўлиб ҳисобланади.

Марказий Осиё хонликларида ислом дини давлат дини ҳисобланар эди. Мусулмон руҳонийлари Марказий Осиёнинг феодал ҳукмронлари билан маҳкам боғланган эди; шу ҳукмронларнинг ёрдами туфайли бу ерда мусулмонларнинг жуда кўп диний ўқув юртлари, чунончи: масжидлар ҳузурида мактаблар, мадрасалар ва шунга ўхшаган ўқув юртлари бор эди. Туркистонда биринчи генерал-губернатор бўлган Кауфман барча мусулмон муассасаларига нисбатан «аралашмаслик» (бетарафлик) сиёсатини тутди.

Ўрта аср мусулмон мактабларини ислоҳ қилишдан бош тортган чоризм, руслар ўрнашган ерларда очилган рус мактабларини Туркистонда маориф соҳасида ўз сиёсатининг қуроли қилиб олишга ҳаракат қилди. (Тошкентда дастлабки рус мактаби 1866 йилда очилган эди.) Рус мактабларига руслар билан бирга ўқиш учун маҳаллий аҳолн болалари ҳам қабул қилинар эди. Туркистондаги бошланғич рус мактабларида ҳунарга Россиянинг Европа қисмидагига қараганда, анча кўпроқ ўргатилар эди; бундан мақсад маҳаллий аҳолининг болаларини мактабга кўпроқ жалб қилиш эди.

Чоризмнинг Туркистонда руслаштиришдан иборат мактаб тизими унинг Поволжье (Волгабўйлари) учун маъқулланган «Ильминский системаси»дан фарқ қилар эди. Қозон педагоги Ильминский Волгабўйидаги чувашлар, марийлар ва бошқа халқлар учун алоҳида рус ва маҳаллий аҳоли мактаблари очган эди. Бу мактабларда ўқиш дастлаб болаларнинг она тилларида олиб борилар, рус тили эса алоҳида фан сифатида ўқитилар эди, шу билан бирга, ҳамма дарсликлар христиан (православие) динини тарғиб қилиш руҳида тузилган эди. Булардан фарқли ўлароқ, ислом дини таъсири кучли бўлган Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси ўртасида христианлар миссионерлигига рухсат этилмас эди; бунинг устига рус мактабларида мусулмон динини ўқитиш ҳам ман этилган эди; рус мактабларига ўқишга кирган ерли аҳоли болалари дастлабки кунданоқ рус тилида ўқитилар эди.

Туркистонда дастлабки рус ўрта ўқув юртлари 1870 йиллардан очила бошлади: 1876 йили Тошкентда, Верныйда (ҳозирги Олмаотада) эрлар ва хотин-қизлар гимназиялари. 1879 йили эса Тошкентда ўқитувчидар семинарияси очилди. Гимназияларга ҳам ерли аҳолининг болалари қабул қилинар эди. Ўқитувчилар семинарияларида эса маҳаллий аҳоли болаларига 1/3 ўрин ажратилган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Туркистонда дастлаб очилган баъзи бир рус мактабларида ўқувчиларнинг 1/4 ини ва ундан кўпроғини маҳаллий аҳоли болалари ташкил этган бўлса-да, лекин бутун Туркистон ўлкаси бўйича ҳисоблаганда бундай мактабларда ўқувчи маҳаллий аҳоли болалари 200 тадан ошмас эди. Буларнинг ҳам кўпи қозоқ болалари бўлиб, ўзбек ва тожик болалари жуда оз эди, чунки мусулмон руҳонийлари «кофирлар» мактабларига қарши тарғибот юргизар эдилар. Рус мактабларида, айниқса ўрта мактабларда ўқувчилар ўртасида ўз ижтимоий аҳволига кўра бойлар ва оқ суякларнинг болалари кўпчиликни ташкил этар эди.

Чоризмнинг мактаб соҳасидаги сиёсати руслаштиришдан иборат бўлса ҳам, лекин рус болалари билан маҳаллий аҳоли болаларининг биргаликда ўқишлари, улар ўртасида ўзаро дўстликни тарбиялар эди.

Рус мактабига ўқишга кирган болалар рус тилини мутлақо билмас эдилар, натижада анча қийинчилик туғилар эди. Шунинг учун рус мактабига кирган, лекин рус тилини мутлақо билмайдиган ўқувчи рус тилида сўзлашишни ўрганиб олмагунча одатда қуйи бўлимда ўқир, рус тилида сўзлашишни ўрганиб олгандан кейингина юқори бўлимга ўтказиларди. Юқори бўлимларга ўқув йилининг ўрталарида ҳам ўтказилар эди, чунки мактаблар кичкина бўлиб, бир вақтнинг ўзида машғулотлар бир неча бўлимлар билан олиб борилар эди.

Рус мактабларида ўқийдиган қозоқ болаларнинг кўпчилиги интернатларда яшар эдилар, худди шу интернатларда рус болалари ҳам яшар эдилар: бундай интернатларда рус тили янада тезроқ ва пухтароқ ўрганиб олинар эди.

Тошкентдаги гимназияда дастлабки йилларда, маҳаллий аҳолининг болаларини рус тили билан кўпроқ шуғуллантириш учун лотин тилини ўргатишдан озод қилинар эди.

1880 йилларнинг бошларига келиб рус мактабларида ўқийдиган ўзбек ва тожик болалари учун ислом динини ўқитиш керак, токи ота-оналари бу мактаблардан қўрқмасинлар, деган фикр тарқалган эди. Туркистон маъмурлари бу фикрнинг қанчалик тўғри эканлигини текширишга қарор қилдилар. 1884 йил 19 декабрда Тошкентда, «эски шаҳар» қисмида синаб кўриш учун биринчи рус-тузем мактаби очилган эди. 10 йиллардан кейин Тошкентда бундай мактаблар сони 4 тага кўпайди. Бу типдаги мактаблар ўлкадаги йирик шаҳарлар ҳамда қишлоқларда ҳам ташкил этила бошлади. Ўлкада рус, рус-тузем мактаблари илк бор XIX асрнинг 70-йилларида юзага келган бўлса, 1904 йилга келиб уларнинг сони 57 тага етди.

Тадқиқотчи А. Муҳаммаджоновнинг маълумотига кўра ўлкада ташкил этилган рус-тузем мактаблари 1870—1904 йилларда қуйидаги ҳолатда эди[1].

---

[1] **А. Муҳаммаджонов.** Школа и педагогическая мысль узбекского народа XIX— начала XX в. Ташкент, ФАН., 1978 й., 44-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йиллар	Мактаблар сони	Ўқувчилар сони	
		ўғил болалар	қиз болалар
1870	1	29	—
1874	2	69	—
1884	3	110	—
1886	4	116	—
1889	17	374	—
1891	22	418	8
1904	57	1830	104

Рус-тузем мактабларида ўқувчиларга рус муаллими рус тилини ҳамда арифметикани ва бошқа фанларни ўргатар, бунинг учун ўқиш вақтининг ярми ажратиб қўйилган эди. Ўқиш вақтининг қолган ярми «мусулмон домла» ихтиёрига бериб қўйилган бўлиб, у эски усул мактабларидагидек болаларга диний дарслар ўқитиш билан шуғулланарди.

Рус-тузем мактабларида фақат ўғил болалар ўқитилар эди. Ота-оналар қизларини бундай мактабларга бермас эдилар. 1903 йилда Туркистон педагогика тўгараги, Тошкентда қизлар учун рус-тузем мактаби очди. Лекин бу мактабнинг фаолияти, узоққа чўзилмай икки йилдан кейин ёпилиб қолди.

Рус-тузем мактабларида рус тилини ўқитиш дастури ва услуби рус бўлмаган ўқувчилар учун мўлжаллаб тузилар эди (бу мактабларда баъзан рус болалари ҳам учраб қолар эди).

1884 йили, синаш учун очилган рус-тузем мактабида (Туркистон ўқитувчилар семинариясининг рус қисмида) тарбияланувчилар учун ўзбек тили киритилди. Наманган яқинидаги бир қишлоқда 6 йил яшаган ва ўзбек тилини яхши ўрганиб олган В. П. Наливкин, бу мактабда биринчи бўлиб ўзбек тилини ўқитган эди. У синаш учун очилган рус-тузем мактабининг биринчи ўқитувчиси эди. Наливкин В. П. семинарияда 1890 йилгача дарс берди. Дарс чоғида Наливкин бўлажак ўқитувчиларга фақат ўзбек тилинигина ўргатиб қолмасдан, балки уларда ўлкани ўрганишга ҳам ҳавас уйғотган эди. Семинарияда ўқиб чиққанлар орасида рус-тузем мактабларида ишлашга тайёр бўлган ва бу ишни севиб қолганлар анчагина эди.

Туркистоннинг рус аҳолиси мактаб таълими билан ерли аҳолига қараганда анча яхшироқ таъминланган эди. Туркистон ўлкасида биринчи бўлиб рус мактаби Тошкентда 1866 йилда, Самарқандда 1870 йилда, орадан бир-икки йил ўтгач, Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларида ҳам пайдо бўлди.

Бу рус мактабларида маҳаллий аҳоли болалари жуда кам сонни ташкил этарди. 1876 йилда Тошкентда эркаклар прогимназияси ва қизлар прогимназияси очилади. 1894 йилда реаль билим юрти очилди. Бу ўқув юртларида бошқа шаҳарлардан келган ўқувчилар учун пансион (ётоқхона) ҳам бор эди. Бу мактаблар давлат бюджетидан таъминланар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаракат мавжуд жамиятнинг ижтимоий-маданий асосларини қайта қуришга қаратилгани сабабли эски тузум, эски турмуш, эски мактаб тарафдорларининг кучли қаршилигига дуч келди. Бу қарши куч вакиллари қадим ёқадимчилар деб аталган бўлса, янги ҳаёт шабадаларини олиб келишга уринган кишилар эса жадид ёки жадидчилар деган ном олдилар. Шу тарзда асримиз бошларида жадидлар ва жадидчилик ҳаракати юзага келди. Янги асрнинг бошланиши билан аввалгидек ижтимоий хорлик, иқтисодий ва маданий қолоқлик шароитида яшаш мумкин эмаслиги улар учун ойдек равшан эди. Нафақат Марказий Осиё, балки Россияда яшовчи халқлар ҳам ўз тақдирларини ўзгартирибгина, феодал тузумнинг негизларини парчалабгина янги ҳаётга қадам қўйишлари мумкин эди. Оқ подшо идора қилган мамлакатдаги ана шу оғир вазият туфайли 1905 йил тўнтариши содир бўлди. Бу тўнтаришдан мақсад жамиятни демократлаштириш, саккиз соатлик иш кунини жорий этиш, дворянлар ихтиёридаги катта ер-мулкни олиб, деҳқонларга бўлиб бериш ва ҳоказолар эди. Биринчи рус тўнтаришининг бу дастури билан танишган Марказий Осиёлик тараққийпарвар зиёлилар татар қардошлари ортидан бориб, жадидчилик ҳаракатига келиб қўшилдилар. 1907 йил Эрон буржуа тўнтариши, 1908 йил Туркия буржуа тўнтаришн, Марказий Осиёда жадидчилик ҳаракатининг расмийлашуви ва кучга киришида катта аҳамият касб этди. Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ислоҳотлар йўли билан халқ ва жамият ҳаётини яхшилашга, маданий юксакликка олиб чиқишга қаратилган дастурни бажаришга киришдилар. Улар таъсирида ўзбек тупроғининг бошқа гўшаларида ҳам жадидчилик ҳаракати авж олди.

Жадидчнлик жамиятнн тўнтариш йўли билан эмас, ислоҳотлар йўли билан ривожлантиришни ўзининг асосий вазифаси деб белгилади. У ўзининг бу вазифасини адо этншда, фақат бир синфга — пролетариатгагина таянмади. Умуман жадидчилик инсониятни синфларга бўлиб ташлаш тарафдори эмас. Жадидлар ҳатто қадимчилар билан ҳам иттифоқ тузиб, халқ ва келажак манфаати йўлида бақамти ишлаш, бугунги ифода билан айтганимизда турли сиёсий қарашларга эга бўлган халқ қатламларининг тинч-тотув яшаши ва ишлаши ғоясини кўтариб чиқдилар. Беҳбудий ана шу «муттаҳид» фронт тузиш ғоясини баён қилар экан, «уламо ёки зиёли ва тараққийпарварларимиз бой ва авомимиз бирлашиб, дин ва миллат ва ватаннинг ривожи учун хизмат этсак», деб ёзган[1]. Жадидларнинг бундай муттаҳид фронтни тузишга интилганларининг боиси турли шароит билан белгиланганди. Авом ҳам, бойлар ҳам, уламо ҳам, зиёлилар ҳам чор ҳукумати қарамоғида бўлган мустамлаканинг бири оз, иккинчиси кўп сиқувда бўлган кишилар эдилар Марказий Осиё бозорларида рус савдо ва саноат буржуазияси ҳукм-

[1] «Санъат» журнали. «Жадидчилик қандай оқим» мақоласи. 1990 йил, 12-сони, 5- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

рон бўлиб, маҳаллий буржуазия вакиллари сина бошлаган эдилар. Бошқача айтганда, мустамлакачилик азобини маҳаллий бойлар ва савдогарлар ҳам сеза бошладилар. Ана шундай тарихий шароитда, жадидларнинг фикр-мулоҳазаларига кўра, оддий халқнинг иқтисодий-маданий ҳаётини яхшилаш қандай зарур бўлса, чет эл капитали исканжасидан, мустамлакачилик кишанларидан қутилиш ҳам шунчалик кечиктириб бўлмас вазифа эди.

Жадидлар 1906 йилдаёқ «Тараққий» деб номланган газета нашр эттириб, ўз ғояларини тарқата бошладилар, орадан кўп ўтмай, «Хуршид», «Шуҳрат» сингари янги газеталар дунё юзини кўрди. Марказий Осиёнинг турли шаҳарларида жадид мактаблари бодроқдек очилиб, уларда диний илмлар билан биргаликда дунёвий билимлар ҳам кенг гарғиб қилинди. «Жадидлар нима ҳақида гапиришмасин, ҳаммаси янги нафас, янги ғоя эди, пролетар мафкураси ҳам, ишчилар синфи ҳам йўқ эди, табиат бирламчи дегувчиларнинг мафкурасини деярли ҳеч ким тушунмас, биладиганлар эса жуда озчиликни ташкил қилар эди. Шунинг учун жадидчиликнинг янги ғоялар билан пайдо бўлиб, руҳонийларга, ҳукмрон синфларга қарши туриши, маданиятни яратиши, бир сўз билан айтганда, янгилик эди, «жадид» жумласининг маъноси ҳам «янги» демакдир»[1].

Агар лўнда қилиб айтсак, жадидларнинг ҳаракат дастури қуйидаги масалаларни ҳал қилишга қаратилган:

1. Диний таассуф ва фанатизмга қарши кураш.

2. Диний ақидаларга асосланган ўрта аср мактаблари ўрнига Оврўпо қабилидаги дунёвий илмларни она тилида ўқитишга мослангаи янги усулдаги мактабларни ташкил этиш, феодал даври маориф тизимини ислоҳ қилиш.

3. Жадидчилик[2] ғояларини кенг халқ оммасига етказиш ниятида янги ўзбек адабий тилини ишлаб чиқиш, матбуот ҳурлиги учун кураш, халқ оммасига тушунарли адабиёт ва театрни яратиш.

4. Хотин-қизларни паранжидан чиқариш ва жадид мактабларига қатнашларини таъминлаш йўли билан улар тақдирини ўзгартириш ва оилада ислоҳот ўтказиш.

5. Маҳаллий бойлар ва савдогар аҳлининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан рус буржуазияси билан бир ҳуқуқда бўлиши, маҳаллий амалдорларнинг чор ҳукмдорлари томонидан сиқувга олишига қарши кураш. Шу йўл билан мустамлакачилик сиёсатини ислоҳ қилиш.

Асосий талаблари ана шундан иборат бўлган жадидлар учун илм ва маърифат ягона қурол бўлиб, улар шу қурол ёрдами билаи ўлкада ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт учун курашмоқчи бўлдилар.

Биринчи марта жадидчилик Қримда пайдо бўлди. Унинг

[1] «Санъат» журнали. «Жадидчилик қандай оқим» мақоласи. 1990 йил, 12- сони, 6- бет.

[2] «Жадид» сўзи арабча сўз бўлиб, «янги», жадидизм эса янгилик тарафдорлари деган маънони билдиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

асосчиси асримиз бошларида туркий қавмларининг чинакам жафокаши ва ифтихори Исмоилбек Ғаспирали ҳисобланади. Шарқ халқлари маънавий ҳаётида, хусусан мактаблари ва маорифида чинакам инқилоб ясаб, «усули жадид» номи билан тарихга кирган «Усули савтия»ни у бошлаб берди. У барча туркий халқларни яхлит, ягона миллат деб билди. Уларни ҳам илм-маърифатда, ҳақ-ҳуқуқда дунёнинг тараққий қилган миллатлари билан тенг кўрмоқни орзу қилди. Бутун ақли-вужудини мана шу муқаддас ишга — миллатнинг равнақи ва муҳофазаси йўлига сарф этди.

Исмоилбек Ғаспирали 1851 йилнинг 21 мартида — қутлуғ Наврўз куннда таваллуд топди. Ёш Исмоилнинг тарбиясида онаси Фотима ва энагаси Ҳабибанинг хизматлари катта бўлди. Исмоилни 8 ёшда боқчасаройлик Ҳожи Исмоилнинг эски мактабига бердилар. Унга кирганда эса отаси Мустафобек онаси Фотиманинг эътирозларига қарамасдан, Оқмачитдаги губерния гимназиясига олиб боради. Унда икки йил ўқигач, Воронеждаги офицерлар ҳарбий ўқув юртига ўтади. Ўн уч ёшида ўқишни Москвадаги Милютин гимназиясига кўчиради. 1868 йили уни битириб, Боқчасаройга қайтади. «Занжирли» мадрасада рус тилидан дарс бера бошлайди. Орадан кўп ўтмай ўқиш-ўрганиш иштиёқи уни Туркия-Истамбулга бошлаб келади. Ундан Францияга ўтади. Вена, Мюнхен, Штутгардда бўлади. Машҳур Сарбона университетига ўқишга қатнайди. Ниҳоят, 1876 йилда Боқчасаройга қайтиб келади ва «Занжирли»да рус тили муаллими сифатида ишини давом эттиради.

1883 йилнинг 10 апрелида И. Ғаспирали бошчилигида «Таржимон» номли газетанинг биринчи сони босмадан чиқади. Газетада унинг мақоласи эълон қилинади. Мақолада у: «Суюкли дўстларим,— дея мурожаат этади ўз ўқувчиларига,— бизнинг учун энг гўзал иш илм ва маориф ишидир. Энг муқаддас интилиш илмга, маорифга интилишдир. Чунки инсонни инсон этган меҳнат ва билимдир. Билим маданий. турмушга етишиш воситасидир. Маданий турмуш эса инсоннинг яшаш мақсади, усулидир...[1]

1884 йилда Ғаспирали яна бир муҳим ишга қўл уради. У ўн икки болани янгича —«усули жадида» билан ўқитишга киришади. Ва қирқ кун ичида бурро саводини чиқаради. Имтиҳои ташкил қилиб болаларнинг ота-оналарини таклиф этади. Четдан кишилар келиб кўрадилар. Ҳамма бир оғиздан «усули жадида»нинг беқиёс имкониятини эътироф этади. Хуллас Исмоилбек икки йилда эски мактабда беш йилда оладиган таҳсилни ўргатишга муваффақ бўлади. Сўнг улар учун «Хўжаи сибён» («Болалар муаллими») номли биринчи дарсликни тузади.

Ғаспирали жаҳоннинг тараққий қилган мамлакатларидан орқада қолиб кетишимизнинг сабабларидан бири деб ўз давридан узилган ўқиш-ўқитиш усулини кўрсатади. «Эски усул»да

[1] Б. Қосимов. Исмоилбек Ғаспирали, Тошкент, 1992 йил, 25- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўқиган ва ўқиётганларни ҳеч бир камситмаган ҳолда, «усул»ни янгилаш шартлигини уқтиради. Биз таклиф қилаётган усул осмондан тушган эмас, эскини янгиламоқдир, дейди. «Жадид усулнинг интишорини (ёйилишига) чомишдиғимиз сизлара ва илма ҳурматан бир ҳикматдир. Чунки, ота-бобо кунларидан қолмиш миллий мактаблари ислоҳ этмак усули жадид демакдир, бошқа бир ўқув бошқа бир мактаб демак дагилдир. Усули жадид оз вақтда зиёда ва даҳа мукаммал ўқитмоқ ва ўқимоқ йўлларини гўстирар (кўрсатар), ғайри бир шай (нарса) дагилдир».

Янги усул мактабда қуйидагиларга:

Синфда (мактабда) болалар сони ўттиздан ошмасликка;

Болалар фақат икки дафъа — ёз ва қиш бошларидагина мактабга қабул қилиниши;

Ҳар қабул нечта бўлишидан қатъи назар, бир синфдан ошмаслиги;

Ҳар бир муаллимда кўпи билан 3—4 синф бўлиши;

Агар мактаб уч синфдан иборат бўлса, дарслар кетма-кет маълум уйғунликда қўйилмоғи;

7—9 ёшлардаги бола 7—8 соат узлуксиз ўқий олмайди. Унинг учун 5 соат кифоя. Ҳар дарсдан сўнг 10 дақиқа танаффус;

Жума ва байрам кунлари дам олиниши;

Ун ой ўқишдан сўнг ёзнинг иссиқ кунларида таътил бўлиши;

Дарс зериктирмаслиги...

Шогирдларини уриш ва сўкиш бефойда эканлиги ва бошқаларга эътибор қаратилган эди.

Ғаспирали «усули жадид» билан ўқитишнинг қоидаларини шундай тушунтиради:

1. Бутун алифбони бирдан ўргатиш оғирдир. Ибтидо (бошда) уч, беш ҳарф ўргатиб бориш (енгил) дур.

2. ... биринчи дарсдан шогирдлари ёзишни бошламасликлари даркор.

3. Дарслар муайян соатларга, қисмларга ажратилиб ўргатилиши лозим.

4. Ўқувчи бир дарсни ўзлаштирмагунча иккинчисига ўтилмаслиги керак.

5. Ҳарфлар билан таништирганда, улар ҳақида кенгроқ маълумот берилгани маъқул.

Болаларни ҳар олти ойда имтиҳон қилиш, йил охирида синфдан синфга ўтказиш, ўзлаштирмаганларни синфда қолдириш кўзда тутилади. Дарслар ҳар хил ва ҳар бири ярим соатдан бир соатгача бўлиши мумкин. Дарслар орасида танаффуслар бўлмоғи керак.

Бу мактаблар учун «Хўжаи сибён» асосий дарслик бўлиб хизмат қилар эди. 1910 йилгача у 27 маротаба нашр қилинган. Лекин гап шундаки, «жадидчиликда биргина мактаб билан чекланмасди, у Русиядаги мусулмонлар маънавий оламининг барча жиҳатларини—мадрасани ҳам, матбуотни ҳам, илм-фанни

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам ўз ичига олар ва энг муҳими, уларнинг ҳаммаси турмушга нечоғлик даҳлдорлиги, замонга хизмат қила олиши асосий меъзон қилиб кўзда тутилар эди»[1].

Миллатнинг ўзлигини кўрсатадиган хусусиятлардан бири тил ва маорифдир. Бу иккиси бўлмаса, миллат мустақил бўла олмайди. Ғаспирали 1905 йилда ёзган мақолаларидан бирида миллатнинг асоси иккита: тавҳидий тил (тил бирлиги) ва тавҳидий дин (дин бирлиги) деган эди: Дарҳақиқат, тилнинг ўрни беқиёс: «Инсоннинг оти бўлмаса, ўзи ҳам йўқ демакдир, шунингдек, тили бўлмаган инсон ҳам соқовдир»[2]. Бу билан Ғаспирали, миллатни йўқ қилиш учун юқоридагилардан биттасининг бузилиши кифоя — дейди.

Исмоилбек феноменининг энг муҳим нуқталаридан бири, шубҳасиз, ҳар бир миллатнинг маориф, маданиятини миллий заминда олиб бориш, миллий тил учун кураш ташкил қилган эди. Энди Исмоилбекнинг илмий социализм таълимотига қарашлари қандай эди? Гап шундаки, у бу таълимотнинг асосий нуқталарини шубҳа остига қўйди. Жумладан «социализм меҳнатда синалган қардошликдан бошқа на динни, на ирқни, на миллатни, на тилни тан олади. Уларнинг шиори ва мақсади: «Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз!»— деб ёзади. «Социалистлар» ва социал демократларнинг «адолат», «мусовийлик» ҳақидаги шиорлари ташқаридан жуда жимжимадор, кишини маҳлиё қилувчи бўлиб кўринади. Аслида бу назария уни туғдирган сабабларга мувофиқ иш тутади... инқилобий курашга, қон тўкишга чақиради...»

Маданият ва умр, илло, адолат ва мусовийликни барқарор этмоқ учун, «Лекин бунинг учун жаҳон тартибини бузмоққа ҳожат йўқ, акс ҳолда бундан ҳам катта мураккабликларга дуч келинмоқда. Ҳар бир кишининг иш, ер ва осойишталигини таъминламоқ зарур. Аммо бу мутлақо бириникини мусодара этиб, иккинчисига бериш дегани эмас»[3].

Яна у фикрини давом эттиради: «Турли кишиларнинг ақли, кучи, қобилияти турлича, шунинг учун ҳам ҳар ким ўз имконига қараб йиғинади... Энди шунинг бариси кишиларга тенг бўлинади, дейдилар. Бу қандай тенглик бўлди? Бунда адолат борми? Мамлакат ва жамиятни «казарма»га айлантириб ҳар бир кишини умумий емакхонага таклиф этармишлар»...

Исмоилбек Ғаспиралининг номи Марказий Осиёда ҳам маълум ва машҳур эди. Хусусан, XX аср бошларидаги Туркистон, Бухоро ва Хиванинг саккиз миллионли халқи миллий онгида юз берган ўзгаришларда унинг буюк хизмати бор дейишга тўла ҳақлимиз. Ғаспиралининг ғоялари Марказий Осиёга кенг тарқалди: Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Қўқон, Тошкент

---

[1] **Б. Қосимов.** «Исмоилбек Ғаспирали». Т., 1992 йил, 31-бет.
[2] **Б. Қосимов.** «Исмоилбек Ғаспирали». Т., 1992 йил, 34-бет.
[3] «Янги дунё» ҳафталиги. 1991 йил, 13-сони.

www.ziyouz.com kutubxonasi

каби ўнлаб шаҳарлардаги зиёлилар гуруҳи жадидчилик ҳаракатига бош-қош бўлдилар. Жумладан:

Файзулла Хўжаев (1896—1938 йй.)
Исҳоқхон Ибрат (1862—1937 йй.)
Сиддиқий Азизий (1864—1924 йй.)
Саидрасул Азизий (1864—1933 йй.)
Муҳаммад Шариф Сўфизода (1869—1937 йй.)
Маҳмудхўжа Беҳбудий (1874—1919 йй.)
Абдулқодир Шакурий (1875—1943 йй.)
Абдулла Авлоний (1878—1934 йй.)
Садриддин Айний (1878—1954 йй.)
Мунаввар Қори Абдурашидов (1878—1931 йй.)
Исматулла Раҳматуллаев (1883—1962 йй.)
Абдурауф Фитрат (1884—1939 йй.)
Ҳ. Ҳ. Ниёзий (1889—1929 йй.)

ва бошқа ўнлаб зиёлиларни фахр билан тилга олишимиз мумкин.

Жадидчилар 1910 йиллар давомида мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш олиб борганлари учун чор Россияси амалдорларидан жабрландилар. Янги усулдаги мактаб ва маориф таълим-тарбия муаммоларини кўтариб чиққанликлари учун хурофотчилар ирвоси билан Бухоро амирлиги тазйиқига, 1917 йил тўнтарилишидан сўнг эса «Буржуа демократик эркинликларини тарғиб этувчилар ва миллатчилар» тамғаси остида шўро ҳукумати таъқибига учрайдилар.

Жадидчилар ҳаракатининг дарғалари мактаб, маориф соҳасида жуда катта тарғибот ишлари олиб бордилар. Савод чиқариш услубининг янгича шаклларини ижод қилдилар.

Улар томонидан хандаса (математика), жўғрофия (география), тарих, табииёт каби фанларнинг дарслик дастури ишлаб чиқилди. Масалан:

Саидрасул Саидазизов «Устоди аввал», Тошкент, 1902.

Али Аскар Калинин. «Муаллими Соний», Тошкент, 1903.

Қори. «Адиби аввал» («Алифбе китоби»), Тошкент, 1907.

А. Шакурий. «Раҳномаи савод», Самарқанд, 1908.

А. Авлоний. «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» (Адабиётдан хрестоматия) 1, 2-қисм. Тошкент, 1909; «Адиби аввал», Тошкент, 1910; «Биринчи муаллим», Тошкент, 1912; «Иккинчи муаллим», Тошкент, 1912; «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» Тошкент, 1913; «Тарих», Тошкент, 1916.

С. Айний. «Тахзиб ус-сибиён» («Бола тарбияси»), Қоғон, 1909.

Абдухолиқ Усмон қори. «Тахсил ул тажвид» («Енгил адабиёт»), Қўқон, 1911 й.,

Муҳаммаджон Қори Наимжон. «Одобли бола», Тошкент, 1912 й.

Раҳимов Муҳаммаджон Мирза «Таълимий ҳисоб» («Арифметика таълими»), Тошкент, 1912 й.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«усули жадид» мактабларида ҳамма ўқиш ҳуқуқига эга бўлган. Чор амалдорлари бу пайтда Туркистондаги янги усулдаги мактабларни бирон жойда очилганини сезиб қолса, уни дарҳол тафтиш қиларди, бирон айб топиб дарҳол бекиттириб қўяр эди. Чунки, подшо ҳукумати «бегона халқ»нинг қисман бўлса ҳам илм-маърифатли бўлишини, дунёвий билимларни ўрганишини истамасди. Янги усул мактабларини фақат подшо ҳукумати эмас, балки маҳаллий руҳонийлар, эски мактабнинг домлалари ҳам ёқтирмас эдилар. Улар янги усул мактаблари «ислом динига раҳна солади», «бу мактабларнинг муаллимлари «кофир», деб ташвиқот юритар эдилар. Бундай қараш ва тўсиқларга қарамасдан Беҳбудий ва унинг маслакдошлари «усули жадид» мактабларида Туркистон фарзандларини ўқитиш ишларини жадал суратда олиб борардилар. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «усули жадид» мактабидаги ўқитиш ишлари қуйидаги тартибда олиб борилар эди: «Мактаб икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич — ибтидоий қисм, деб номланган. Бунинг таҳсил муддати тўрт йил. Биринчи йилида: форсча ва арабча ёзув ҳамда ўқишни ўрганилган. Суралар ёд олинган. Ҳисоб дарси ўргатилган. Умуман бир йил давомида ёзмоқ ва ўқимоқни тўлиқ ўрганганлар. Иккинчи йилида: хафтияк, имон ва эътиқоддан дарс, форс, туркий ва араб тилида шеърлар, қасидалар ўқитилган. Учинчи йилида: Қуръони Карим, ислом ибодати, тажвид, Саъдийдан насиҳатлар, форс ва туркий тил пухта ўргатилиб, ундан иншолар ёздириларди. Ҳисобдан турли тақсимот ва иш юритиш каби зарурий жиҳатлар ўқитилган. Тўртинчи йилида: эса Калому шариф, муфассал тажвид, форсий ва туркий назм ва наср, ахлоқ дарси, тўғрисида ва форсий тил, ҳисоб, тарих, жўғрофия ўқитилган. Бу тўрт фанни тамомлаган болаларни муаллимнинг ўзи тақсимлаган. Хоҳласа иккинчи босқичга қолдирар, уларнинг ўзлаштиришлари қараб мадрасага юборар, боланинг ўзи хоҳласа европа мактабларига юборар ёки тирикчилик учун ишлашга йўлланма берарди.

Мактабнинг иккинчи босқичи — рушадия бўлиб, бунга тўрт синф — ибтидоий қисмни тамомлаганлар ўтказилар эди. Бу босқичда ўқитиладиган дарс ва илмларнинг мундарижаси қуйидагича: Биринчи йили араб тили, жўғрофия, шафақия, форс тили, таржима жумла мухтасар, тарихи анбиё ва ислом тарихи, Саъдийнинг «Гулистони», туркий тили ўқитилган; иккинчи йил — араб тили, шифохия, тарих, ислом, ахлоқ, турк тили, ҳисоб, форс ёзуви ва ҳоказолар; учинчи йил — араб тили, ҳисоб, хат ёзуви, тарих, туркий тил, рус тили ҳам ўқитилган; тўртинчи йил — араб тили, рус қозихона хатлари, бўлистнойхона хатлари, турк тили ва адабиёти, саломатлик, мактаб ва ҳаёт, ишқ ва муҳаббатсиз ахлоқ ва бошқа кўпгина ҳаётий дарслар ўқитилган.

Беҳбудий мактабида ҳар йилнинг охирида тантанали имтиҳонлар ўтказилиб турилларди. Имтиҳонларга, албатта, ота-оналар ва бошқа меҳмонлар ҳам таклиф қилинарди. Бу биринчи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан: «усули жадид» мактабларини кўпроқ тарғиб қилиш ва унинг ўқиш тартибларини кўрсатиш бўлса; иккинчидан: мактабни ҳаётийроқ қилиш, яъни оила ва мактаб бирлигини амалга ошириш эди.

Саккиз синф, яъни икки босқични тамомлаган шогирд арабча, форсча ва туркчада бемалол сўзлаб, ёзарди. Русчани ҳам ўқиб, бемалол гаплаша оларди. Туркистоннинг бошқарма маҳкамаларининг барчасида ишлашга қурби етарди. Бу шогирд мактабда муаллимлик ҳам қила олар, тижорат билан ҳам шуғулланар, ҳатто муҳаррирлик ҳам қўлидан келарди.

Ҳар йилги имтиҳонларга барча жойдаги вакилларга хат юборилиб таклиф этиларди. Лекин кўпчилик мактабнинг ютуқларини кўра олмаганидан келмасди. Беҳбудий айтар эдики: «Келиб кўрсунлар, дуруст бўлса, ривож берсунлар, нодуруст бўлса, далил ила исбот қилсунлар... мақсадимизда хизматдан ва миллатдан бошқа нарса йўқдур».

«Усули жадид» мактабини йўлга қўйиш осон кечмади. Беҳбудий ва Шакурий бунинг учун барча мусулмон тараққий этган шаҳарларидаги мактабларини ўрганди. Бундай мустамлакачилик даврида Туркистоннинг истиқболи учун ўз ҳовлисида илм-маърифат ўчоғини очгани учун Беҳбудийнинг бошида неча-неча таёқлар синди. Шунга қарамасдан жафокаш муаллим «усули жадид» мактабини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Унинг мактабига чор рус инспекторлари келиб тафтиш ўтказишганида жўғрофия, тарих ва ҳисоб китобларини отхонанинг охури тагига яшириб қўйган.

Беҳбудий бутун вужуди билан муаллим эди. Унинг ўзи ҳам юқори синф талабаларига жўғрофия ва тарихдан сабоқ берар. Миср, Туркия, Қозон ва бошқа жойлардан олиб келган турли янги-янги китобларини юқори синф ўқувчиларига ҳамда энг яхши ўқиганларга ҳамда муаллимларга тортиқ қиларди. У не қилса улуғ Туркистон учун ва унинг келажаги бўлган ёшлар учун қиларди.

Беҳбудий ахлоқ ва тарбиянинг асоси — мактаб, барча илмнинг боши ва ибтидоси мактаб. Саодатнинг, фозил инсоннинг маънавий чашмаси — мактаб деган ақидага амал қиларди. Бу борада «Туркистон вилоятининг газетаси», «Тараққий», «Хуршид», «Шуҳрат», «Осиё», «Турон», «Ҳуррият», «Оина», «Самарқанд», «Меҳнаткашлар товуши», «Улуғ Туркистон», «Нажот», «Тирик сўз», «Таржимон», «Вақт», «Шўро» каби матбуот саҳифаларида юзлаб мақолалар билан чиқишлар қилди. Ушбу мақолалар асосан таҳсил ва таълимнинг тараққиётига бағишланарди. Масалан: «Таҳсил ойи», «Эҳтиёжи миллат», «Самарқанд усули жадид мактаби хусусида», «Мажлис имтиҳон», «Тарих ва жўғрофия», «Самарқанд китобхон исломия», «Самарқанд китобхона ва матбаахона», «Самарқанд ислоҳ русум мажлиси», «Бухорода усули жадида» каби чиқишларида янги усул мактаблари, унинг аҳамияти ўқитиш тизимлари, янги маориф ва маданиятни ривожлантириш, дунёвий фанларнинг нафи, маъ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рифатга рағбат, комил инсоннинг тарбияси ҳақидаги муҳим маърифий фикрларни ўқиш мумкин эди.

Беҳбудий таълим ва тарбия ҳамда унинг муаммолари тўғрисида бой публицистик мерос қолдирди. Жумладан, «Имон ва ислом», «Ихтиёжи миллат», «Бухорода усули жадида», «Ҳурриият — озодлик — эркинлик», «Таҳсил ойи», «Икки эмас, тўрт тил лозим», «Туркистон», «Миллатни ким ислоҳ этар», «Ёшларга мурожаат», «Ватанпарварлик керак», «Бизни кемирувчи одатлар», «Бухоро хонлигига саёҳат», «Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли», «Бизга ислоҳ керак», «Ҳақ олинур, берилмас», «Самарқандда миллий ишлар ҳақинда» ва бошқалар.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг янги мактаблар учун ёзган асарлари мактабларнинг ислоҳида катта ҳодиса бўлди. Айни даврда бу дарсликлар назарий, илмий ва амалий жиҳатдан кенг қўлланилди. Бу китобларнинг бугунги кунда ҳам қадри йўқолганича йўқ. «Китобатул атфол» («Болалар мактуби») асари ўз даврида бир неча марта нашр этилганди. Бу китобга қирқтага яқин форсий ва туркий иншолардан намуналар киритилган. Шаҳодатнома ва бошқа иш юритишга доир ҳужжатлар ёзишни ўрганишдан таълим беради ҳамда намуналар ҳам келтирилган. Волостнойхона, қозихонада ёзиладиган ҳужжатлар ҳам мана шу китоб орқали ўргатилган. Ёш ва катталарга мўлжалланган 36 саҳифалик тўплам Республикамизга давлат мақоми берилган, мустақиллик қарор топаётган дамларда бу китоб назарий-маърифийгина эмас, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Ўзбек тилида иш юритишимизда бу китоб жуда қўл келади. Китобнинг мақсади ҳам шунга қаратилган.

Беҳбудий Туркистоннинг келажагини унинг янги кадрларида, мутахассисларида ва ўқимишли ёшларида, деб биларди. Шунинг учун ҳам у ҳар бир ёзган мақоласида янги тараққиётга жавоб берадиган кадр тарбиялаб етиштириш масаласини қўярди. Савдо-сотиқ ишларини кенг ривожлантириш, касса очиб миллий даромадни кўпайтириш зарурлиги ҳақида тушунтиришлар олиб борарди: «Иморат қилмоқчи бўлсак режа лойиҳаси лозимки, муҳандисларга муҳтож бўлурмиз. Аммо, биз ҳануз муҳандис илмини билмаймиз. Контур ва расмий дафтар тутиб, касса тузиб тижорат этмоқ лозим?» деганди.

Беҳбудий Туркистонда етиштирилаётган маҳсулотлар арзон баҳоларда Оврупо бозорларига олиб кетилаётганидан ачинади. Бизда ҳам Оврупо бозорларида савдо-сотиқ қиладиган мутахассисларнинг етишиб чиқишларини истайди: «Туркистон меваси, донаси, тоши, туфроғи ва нимарсалари Оврупо бозорига кетар. Муни Оврупо доллари келиб юз баҳога олиб кетар. Меҳнатни биз қилармиз, фойдани улар кўрар». Шунинг учун дейди, Беҳбудий: «Овруно ила савдо қилатургон киши авволо замона илми ўқимоғи лозим. У миллат тараққиётининг маънавияти — ҳам тарбияси, ҳам иқтисоди, ҳам маърифати» деб қарради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Беҳбудий Туркистоннинг келажагини ўйлар экан, миллатимизнинг тараққиёти борасида турли йўлларни қидирди. Бойларга ҳам мурожаат этди: «Бошқа миллатларнинг бойлари фақир ва етимлар учун мактаб ва дорилфунунлар солдурурлар, фақир ва етимларнинг ўқимоғи учун воқф (стипендиялар) тайин қилур. Бутун Туркистон ўн бой элинда минг сўмдан берса, 25 бола учун Тошкентда (диний ва замонавий) бир пансионли ва наҳорли мукаммал мактаб бино бўлуб, ҳар йил ҳукумат мактабинда 50 бола тайёрлайдур». Агар шундай бўлсаки, ўн йиллар орасида бизда яхши-яхши ўқимишли муҳандис, шифокор, ҳуқуқшунос, иқтисодчи каби мутахассислар етишиб чиқарди, деб умид қилади.

МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХОН ЎҒЛИ

(1878—1931)

Абдурашидхон Сотиболдихон олим ўғли Мунаввар қори 1878 йилда Тошкент шаҳрининг марказий даҳаси — Шайх Холванд Таҳурнинг Дархон маҳалласида мударрис Абдурашидхон ва Хосият отин оиласида дунёга келади. У етти ёшида отасидан ажрайди. Дастлабки таълимни онаси Хосият отиндан олади, хат-саводи чиққач, ўша даврдаги йирик мактабдорлардан бири — Усмон домлада ўқийди, сўнг Тошкентдаги Юнусхон мадрасасида таҳсил кўради. Бироқ, ўша даврда Ўрта Осиёда илм маркази Бухоро эди. Шунинг учун у 1898 йилда Бухорога бориб, мадрасалардан бирида таҳсил ола бошлайди. Аммо кўп ўтмай, моддий қийинчиликлар туфайли Тошкентга қайтиб келади ва Дархон масжидида имомлик қилади. Шу даврда Тошкентда ҳам жадидчилик ҳаракати кучайиб боради. Мунаввар қори ҳам тараққийпарварлар сафига қўшилиб, тезда унинг йўлбошчисига айланади. У айниқса Исмоилбек Ғаспиралининг «усули савтия» мактабига, чор ҳукумати мустамлака ўлкалардаги аҳолини қандай маънавий-маданий узлатда сақлагани ва ундан қутилиш чоралари ҳақидаги фикрларига ҳавас ва ихлос билан қарайди. Чунки, бу даврда биринчидан, эски араб ва форс мактаби услубида фаолият кўрсатувчи ибтидоий мактаблару мадрасаларнинг ўқув педагогика ишлари анча эскириб қолган эди. Иккинчидан, чор ҳукумати Туркистон ўлкасида маорифни ривожлантирмаслик учун астойдил ҳаракат бошлаб юборган эди. Ўлка аҳолисини руслаштириш сиёсати биринчи ўринда турар эди. Масалан, рус миссионери М. А. Миропиев шундай дейди: «... Шундай қилиб қўл остимиздаги бизнинг мусулмонларнинг таълими асосида уларни руслаштириш бош ва асосий ақида бўлиши лозим... ва шундай қилиб мусулмонларнинг таълими асосидаги бизнинг иккинчи асосий ақида, исломни писанд қилмаслик ва уни қабул қилишдан бош тортиш; қисқаси, умуман бизнинг ажнабий — мусулмонларни диний жиҳатдан менсимасликдан иборатдир»[1]. Пировард мақсад миллатни йўқ қи-

[1] **Рауф Парпи.** «Шарқ юлдузи» журнали. «Мунаввар қори» мақоласи, 1992 йил, 5-сон, 106-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лишдан иборат бу маънавий тажовузни айниқса ўзбек зиёлилари ҳам ҳар қадамда сезиб юришган ва ҳис қилишган. Бундан ташқари, мустамлакачилар Туркистонга оч назар билан қараб, унинг бойликларини шафқатсиз ташиётганликлари, миллий озодлик ҳаракатларини қонга ботираётганликлари фақат оддий меҳнаткашларнинг эмас, балки бойлар ва зиёлиларнинг ҳам кўзини очиб бораётган эди. Халқни бу балолардан фақат мактаб таълим-тарбиясидаги кескин ислоҳотлар қутқара олар эди. Шу боис, Мунаввар қори рус тузем мактабларига қарши ўз янги мактабларини очишга аҳд қилди.

Шундай қилиб, Мунаввар қори 1901—1904 йилларда қримлик дўсти Расм Кешод ёрдамида Тошкентда «усули савтия» мактабини очади. У мактабни аввал ўз ҳовлисида, кейин бошқа жойларда очишга ҳаракат қилади. У мактабни ислоҳ қилмай туриб, одамларнинг онгида ўзгариш ясаб бўлмаслигини яхши тушуниб етган эди.

Мунаввар қори зиёли ёшларни чет элга юборишни, у ерда илм-фанни ўрганишни тарғиб қилади. Масалан, у 1916 йили Тошкентда йиғилишда нутқ сўзлаб шундай дейди: «Ўзбек зиёли болаларининг Германияга юбориб ўқитишга жуда муҳтожмиз, болалар ўқуб, илм таҳсил олиб келсалар, миллатга катта хизмат қила оладилар»[1].

Мунаввар қори 1909 йили Убайдулла Хўжаев, Абдулло Авлоний, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Карим Норбеков ва бошқалар билан ҳамкорликда тошкентлик бир бойнинг раислигида «Жамияти хайрия» ташкил этади. Бу жамият орқали қашшоқ ва касалманд кишиларга, ўқувчиларга ёрдам кўрсатади ва бу билан чекланмайди, у Россия ва Туркиядаги олий ўқув юртларига талабалар юбориш билан ҳам шуғулланди. Айрим маълумотларга қараганда шу жамиятнинг ёрдами билан Мирмуҳсин Шермуҳаммедов Уфадаги «Олия» мадрасасида ўқиган. Мунаввар қори 1906 йил сентябрида «Хуршид» журналини нашр эттириб, ўзи муҳаррирлик қилади. Бу журнал ўзбек халқининг кўзини очишга, фикрий уйғонишга, ўз ҳақ-ҳуқуқини танишига хизмат қилгани учун оқ пошшо малайлари томонидан тезда ёпиб қўйилди. Кейинроқ у «Нажод», «Сурат», «Ҳақиқат», «Турон»да бош муҳаррир, «Садои Туркистон»да (1914—1915) бўлим муҳаррири бўлиб ишлади. У матбуотда элни ғафлат уйқусидан уйғотувчи буюк куч, маданият ва маърифатга чорловчи қудратли восита, ҳақиқат кўзгуси, деб қаради. У Туркистоннинг мустамлакага айланиши, миллатнинг инқирозга учраши сабабларини очиб беради: «Бу замондан юз йилдан зиёдроқ муқаддам замондан бошлаб оҳиста-оҳиста миллат деворларинг ҳар тарафига раҳна пайдо бўлди. Мунга сабаб улама ва уламоларимизнинг ўз нафслари риоясида ҳаракат қилмоқлари бўлди. Подшоҳ ва хонларимиз бўлса, миллатга қилган хизматлари танҳо хотин олмоқ ва кучук уруштирмоқ ва беғайрат ва беҳаққоният

[1] «Шарқ юлдузи» журнали. 1992 йил, 5-сон, 108-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

диндор кишиларни бадарға қилмоқ ва тутиб ўлдирмоқ бўлди. Миллат нима ва шариат нима билмадилар. Шунинг учун миллат деворининг раҳналари тобора зиёда бўлди»[1].

Яна буюк мураббий миллатнинг инқирозга учраш сабабларидан бирини «бўзахўрлик, қиморбозлик, ... ларга ўхшаш иллатларни бизларнинг ота-боболаримиз расмларидир, деб истеъмол қилганларида кўради.

Мунаввар қори форс, араб, рус, турк тилларини мукаммал билган у кўп улуғ адибларнинг асарини мутолаа қилган. Мунаввар қори ўлканинг қолоқлиги сабабини ахтарар экан: «Бизнинг Туркистон мамлакати тупроқ, сув ва ҳаво жиҳатидан энг бой мамлакатлардан бўла туриб, на учун ўзимиз бундан фойдалана олмаймиз?» деб афсус-надоматлар қилади. «Мана, кетбакет етган бундай саволларга жавоб бермак учун нодонлик ва оламдан хабарсизлик, демакдин бошқа чора йўқдир. Бу нодонлик ва дунёдан хабарсизлик балосидан қутилмак учун аввал орамизда ҳукм сурган бузуқ одатларнинг бузуқлиғини билмак ва ўрганмак керакдир», дейди у.

Маълумки, золим Николай II нинг 1916 йил 25 июнда «Фронт орқасидаги хизматлар учун Туркистон, Сибирь ва Кавказ инонародецларидан ўн тўққиздан 31 ёшгача эр кишилардан мардикорликка олиш ҳақида 1526 рақамли фармони эълон қилинади. Бу ноқонуний фармонни ўлка қонини сўриб ётган губернаторлар бош-бошдоқлик билан амалга оширадилар. Оқибатда, Туркистоннинг кўпгина вилоят ва шаҳарларида аҳоли ўртасида норозилик туғилиб расмий исёнлар бошланиб кетади. Исёнлар шафқатсизлик билан бостирилади.. Ана шу паллада тошкентлик тараққийпарвар кишилар сукут сақламай, аҳолига ёрдам беришга киришадилар. Ушбу ҳаракат натижасида «Туркистон мардикорликка олиш қўмитаси» ташкил этилади. Мунаввар қори шу қўмита раисининг ўринбосари этиб сайланади. У чор ҳукумати олиб бораётган бу сиёсатнинг нотўғрилигини халққа тушунтиради ва бу масалада Петербургга вакил юборишни ташкил этиш ишларида фаол қатнашди. Чунки» ... Туркистоннинг золим маъмурлари 1916 йил фожиасини қўлда ясаб майдонга чиқардилар. «Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳоли бу фармонни «... Туркистон мусулмонларини ҳукуматга қарши оёқландуриб қирмак ва ерларини қочоқларга бўлиб бермак учун махсус чиқарилган интибоҳнома»[2],— деб қабул қилган эди. Еттисув, Жиззах, Тошкент қирғинларининг шоҳиди бўлган адиб, қора намат ювса оқармаганидек, чор маъмурлари ҳам адолат ва инсофга келмаслигини, фақат ҳуррият катта эзгу ўзгаришларни қилиши мумкинлигини идрок этади. ... Улуғ мутафаккир мактаб очиш, газета чиқариш, жамият ташкил этиш сингари иш билан чекланмай сиёсий фаолиятини кучайтириб боради.

---

[1] «Шарқ юлдузи» журнали, 1992 й., 5-сони, 109-бет.

[2] «Нажот» газетаси, «Матбул қурбонлар». 1917 йил, 26 март.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мунаввар қори 1917 йил май ойида тараққийпарвар мусулмон ёшлари ва руҳонийлар иштирокида ўтган қурултойда «Шўрои исломия» жамияти раисининг муовини этиб сайланди. Бу унинг обрўсини ошаётганлигидан далолат беради, илғор фикрли кишилар унинг атрофида тўплана бошлайди. Мунаввар қори уларга ҳурриятнинг йўлини кўрсатиб беради: «Ҳуррият берилмас, уни олтину ҳеч нарса ила олиб бўлмай, фақат қон ва қурбон билангина олинур», дейди у.

Ўзбек халқини маърифатли қилишга интилган буюк мураббий 1918 йил май ойида Тошкент шаҳрида «Турк ўчоғи» илмий-маданий жамияти тузади. У бу жамиятни Туркистон туркларини миллий туғ остига тўплаб, аларга руҳ ва маърифатларимизни, тижорат, зироат ва санъатимизни ривожлантириб, чин маданият вужудга келтирмак ва шу тариқа миллатимизни руҳий ва жисмоний қувватини орттириш мақсадида»[1] ташкил этган эди. Мунаввар қори ана шу ғоя асосида иш олиб боради.

У инсоннинг маърифатли бўлиб, кўзи очилмагунча виждон уйғонмаса на ўзини, на халқининг эркини муҳофаза қилаолишини, бу имонсизлик эканини мутафаккирона нозиклик билан ўз асарларида ифода этади. «Сўнгги икки йил ичида,— дейди у,— Туркистон халқининг бошина келган фалокатлар ҳар бири ёлғиз нодонлик ва маорифсизлик орқасидангина бўлганлиги ҳар кимга маълумдир. Келажакда бундай фалокатлардан қутулмоқ ва Туркистон халқи тилаган равишда идора қилмоқ ва душманлардан сақламоқ ёлғиз маориф воситаси илагина мумкиндир»,— дейди у.

Ҳа, бу Мунаввар қорининг имон-эътиқодидан, виждонидан отилган сўзлар эди. Зеро, тошкентлик жадидлар — тараққийпарварлар миллатни иллатдан, асоратдан маърифатгина қутқаза олиш ҳақидаги хулосага Туркистон халқи бошидан ўтказган исёнларнинг фожиали якунини кўриб келдилар. Чунки хатсаводсиз замонавий замбаракларни, темир йўлу телеграфни бошқариб бўлмасди-да. Бундан ташқари, Ҳуррият фақат булар эмас. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш, банк, сиёсий ва амалий иқтисод, элчилик ва бошқа кўпгина соҳаларга олий маълумотли мутахассислар керак эди. Тошкент жадидлари ана шунга интилишган. Бусиз тўнтариш ҳам, истиқлол ҳам қўлга кирмаслиги барчага аён бўлиб қолганди ўша даврда.

[1] «Турк сўзи» газетаси. 1918 йил, май.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФАТАЛИ ОХУНДОВ

(1812—1878)

Мирза Фатали Охундов таниқли Озарбайжон маърифатпарвари, ёзувчиси, жамоат арбоби ва педагоги. Охундов 20 яшар ўспиринлигида Нўхада очилган янги рус мактабига кириб ўқиди. У жанговар материалист оммасини она тилида ўқитиш тарафдори эди.

Охундов Озарбайжон халқи орасида кенг саводхонлик ва маърифат тарқатишга доир амалий тадбирлар ишлаб чиқиш ишида, шунингдек, дунёвий илмлар берувчи мактаблар тармоғини кенгайтиришда зўр фаоллик кўрсатди. Унинг ташаббуси билан Гори ўқитувчилар семинарияси қошида Озарбайжон бўлими очилган эди. У ҳар бир ишда доимо фаоллик кўрсатар ва ҳақиқий маърифатпарвар, янги илғор ғояларнинг тарғиботчиси сифатида иш кўрар эди. Шу билан бирга, Охундов адабиётнинг катта тарбиявий аҳамиятини тан олар ва у ўзининг ўқув режаларида жисмоний тарбия ҳамда меҳнат таълимига кенг ўрин ажратар эди.

Мирза Фатали Охундов бадиий асарларида унинг реалистик санъат тарафдори эканлиги яққол кўзга ташланиб туради.

РАШИД ЭФЕНДИЕВ

(1869—1942)

Рашид Эфендиев Озарбайжон педагоги, шоири ва ёзувчиси — ўша вақтда Кавказда илғор рус педагогикаси таъсирининг йирик маркази бўлган Гори ўқитувчилар семинариясида маълумот олган, семинарияни тамомлагандан сўнг қишлоқ мактабларида, кейин эса Закавказье ўқитувчилар семинариясида дарс берган. 1918 йилда Бокудаги ўқитувчилар семинариясига директор қилиб тайинланган эди. Рус педагогикаси илғор арбобларининг кучли таъсирида Р. Эфендиевнинг прогрессив қарашлари таркиб топди, унга К. Д. Ушинский айниқса катта таъсир кўрсатди.

Эфендиев Ушинский ғояларига амал қилиб, озарбайжон мактаблари учун бир қанча дарсликлар яратди. Бунда у Ушинскийнинг «Родное слово» ва «Детский мир» китобларида сурилган илғор ғояларни ижодий ривожлантирди. Р. Эфендиев ўзининг «Детский сад» ва «Детский мир» дарсликларида озарбайжон фольклоридан, ўз халқининг тарихи ва турмушига доир ажойиб материаллардан кенг фойдаланди.

Р. Эфендиев ўқитиш она тилида олиб бориладиган дунёвий ва ҳаммабоп илм-маърифат тармоғини ривожлантириш учун қатъий кураш олиб борди. Эфендиев Тифлисда хотин-қизлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

мусулмон мактаби ташкил этишда фаол қатнашди. Р. Эфендиев 11 йил мобайнида «рус тузем» мактабида, кейинчалик эса ўзи аввал ўқиган Гори семинариясида ўқитувчилик қилган. У ўзининг ўқитувчилик фаолиятини ўз замонасининг илғор педагоглари тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этар эди.

Р. Эфендиев ҳаётининг охиригача маориф соҳасида фаол ишлади ҳамда Озарбайжонда маданиятнинг юксалишида катта роль ўйнади.

ҚАЮМ НОСИРИ

(1825—1902)

Қаюм Носири XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган татар халқи фан ва маданиятининг буюк арбобларидандир. Қ. Носири қишлоқ ўқитувчиси оиласида туғилди. Мадраса ва Қозон университетида таълим олди; диний семинарияда русларга татар тилидан дарс берди, кейин Қозондаги биринчи рус-татар мактабида ўқитувчилик қилди.

Қ. Носири педагогика, фалсафа, лингвистика ва тарихга доир бир қанча асарлар ёзиб қолдирди. Унинг тилшунослик ва филология юзасидан ёзган илмий асарлари айрим ҳолларда татар тили соҳасидаги кейинги илмий тадқиқотлар учун асосий база бўлиб хизмат қилди. Унинг «Научная грамматика татарского языка», «Русско-татарский словарь», «Синтаксис» каби асарлари, математика дарсликлари ва бошқалар катта аҳамиятга эга.

Қ. Носири ўқитиш рус тилида олиб бориладиган татар мактабининг биринчи ташкилотчиси, татарлардан чиққан биринчи рус тили ўқитувчиси эди. Қ. Носири дунёвий таълим учун, билим учун, бошқа халқлар билан дўстлик учун курашда ёлғиз эмасди, уни илғор татар ёшлари, татар мактабларининг ёш ўқитувчилари ва илғор зиёлиларнинг бошқа табақалари қўллаб-қувватладилар.

Носири жуда катта адабий мерос қолдирган. Булардан она тили, рус тили, география, арифметика, Россия тарихига доир оригинал ва таржима дарсликлар, русча-татарча, татарча-русча луғатлар ва бошқалар унинг ижодида алоҳида ўрин эгаллайди. Қ. Носири асарлари ичида рус тилида нашр қилинган татар халқининг тарихи ва этнографиясига оид китоблари, халқ ижодиётига доир тўпламлари муҳим ўрин тутади, булар рус олимлари томонидан юқори баҳоланган.

Қ. Носири ўқитувчига юқори талаблар қўяр экан, шундай деб ёзган эди. «Ўқитувчи аввало ўзини буюк ишлар қилаётган кишилар қаторида деб ҳисоблаши керак... Ўз ўқувчиларингни шундай тарбиялаки, уларда сенинг тарбиянг таъсири улар ҳаётининг охиригача кўриниб турсин». Қ. Носири 1917 йил тўнтаришдан олдинги Татаристонда кенг маърифатпарварлик ҳаракатининг энг фаол арбобларидан бири эди. Носири томонидан 24 йил мобайнида нашр қилиниб келган календарлар татар халқининг маданий даражасини кўтаришда катта роль ўйнади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИБРАЙ ОЛТИНСАРИН

(1841—1889)

Ибрай Олтинсарин —XIX асрнинг иккинчи ярмидаги буюк қозоқ педагоги, олими ва шоири. Олтинсариннинг ижтимоий-педагогик қарашлари рус педагогларининг таъсирида таркиб топди. Олтинсарин ўз халқининг оташин ватанпарвари эди. У адабиётни севар, Пушкиндан завқланар ва ўз халқини анча юқори маданиятга яқинлаштиришга ҳаракат қиларди.

Олтинсарин Оренбург чегара комиссияси ҳузуридаги мактабни тамомлаган биринчи қозоқ ўқитувчиси эди. У 1861 йилда Тўрғай мактабига ўқитувчи қилиб тайинланди. Шу билан бирга, Олтинсарин хотин-қизлар таълимининг қалдирғочи ва қозоқларда биринчи ҳунар мактабининг ташкилотчиси эди. У рус ҳарфи асосида босиб чиқарилган биринчи қозоқ дарсликларини тузган, биринчи бўлиб қозоқ мактабларида ўқувчиларнинг она тилида ўқитилишини амалга оширганлар сирасидан эди.

У доимо мактаб ўз тузилишига кўра кенг маънодаги янги маданий ҳаёт — қозоқ халқи орасида янги урф-одат, тартиб, интизом, гигиена асослари, санитария, ҳунарлар ва санъат намунаси бўлиб хизмат қилиши керак. Мактаб теварак-атрофдаги аҳоли орасида чинакам маданият ўчоғига айланиши, қозоқ аҳолисини саводли қилиш, илмий-оммабоп китобларни ўқий олиши учун яхши кутубхонага эга бўлиши зарур; ўқитувчи — мактабдаги тарбиячи — ишнинг муваффақиятини ҳал қилади, ҳамма нарса унга, унинг педагогик ишга тайёргарлигига, унинг ўз ишини севишига боғлиқ, деган фикрни илгари сурган.

Бу соҳада Олтинсарин амалга оширган тадбирлар Қозоғистон ҳудудида дунёвий таълимнинг ривожланишида катта роль ўйнади.

АБАЙ ҚУНОНБОЕВ

(1845—1904)

Абай Қунонбоев — машҳур қозоқ шоири, мутафаккири ва педагоги, Абай йирик феодал оиласида туғилди. Семипалатинск мадрасасида ўқиди. Қунонбоев маърифатпарвар эди. У янги ҳаётга боришнинг бирдан-бир йўли — маориф, кишини маънавий озод қилиш, деб билди. Абай ўзининг машҳур шеърларида қозоқларни маърифатли бўлиш ва билим эгаллашга чақирди. Абай рус педогоглари ҳамда ёзувчиларининг асарларини яхши билар эди. Унинг кишини тарбиялашга чақириши, жисмоний жазога қарши айтган фикрлари, болаларни ўқитишда инсонпарвар педагогик принциплардан фойдаланишни тарғиб қилиши, мактабларда ўқитишнинг мутаассиблик, золимлик методларига ўрганиб қолган қозоқ халқи учун мутлақо янгилик эди.

Абай ўқитувчилик ишини севарди. У доимо болаларни қизиқтира олар ва уларда машғулотларга муҳаббат уйғота олар ҳамда ўзининг юмшоқ ва мурувватли муомаласи билан ўқувчиларнинг илтифотига сазовор бўлар эди. Абай болалар учун ҳи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қоялар тўплами ёзган бўлиб, у қозоқ мактабларида кенг тарқалган. Абай ўқувчиларнинг ақлий меҳнатига жиддий эътибор берар, юзаки таълимга қарши курашар эди. Шу билан бирга, у ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва эстетик тарбияси учун жонбозлик қилар эди. У кенг, ҳар томонлама маълумот беришга чақирар, чоризмнинг «маърифатпарварлик миссиясини» қоралар ва фош қилар эди. У таълимда қуруқ ёдлашга, қуруқ машқ ва таёқ интизомига қарши чиқди, билимларни онгли равишда ўзлаштиришни, онгли интизомни талаб этди.

У қозоқлар рус тили ва рус адабиётини ўрганишлари зарур деб ҳисоблаб, шунга эришдики, Қозоғистон аҳолисининг бутун саводли қисми унинг таржималари асосида рус классиклари — Крилов, Пушкин, Лермонтов ва бошқа ёзувчиларнинг асарларини ўқиш имконига эга бўлди. Абай Қўнонбоев илғор маданиятни ўрганишнинг муҳимлигини қайд қилар экан, бундай деб ёзган эди: «Камчиликлардан холи бўлиш ва яхшиликка эришиш учун рус тилини ҳамда рус маданиятини билиш зарур».

АҲМАД ДОНИШ

(1827—1897)

Аҳмад Дониш — ёзувчи, файласуф, Тожикистонда маърифатчилик ҳаракатининг асосчиси бўлиб, Бухорода камбағал оилада туғилди. Жуда катта қийинчиликлар билан дастлаб эски усул мактабида, кейин эса мадрасада анъанавий мусулмон маълумоти олди. Дониш бу мактаблардаги схоластик таълим билан қаноатланмай, мустақил равишда дунёвий фанлар: математика, фалакиёт, тиббиёт, архитектура ва ҳоказоларни ўрганди.

А. Донишнинг Бухоро амири элчисининг котиби ва ўринбосари сифатида Россияда бўлиши ва у ернинг маданияти, фани ҳамда санъати билан танишиши унинг дунёқарашида жиддий ўзгариш содир қилди. Ватанига қайтиб келгач, Дониш давлат бошқармаси ва мактаб таълимида жиддий равишда ислоҳот ўтказишни таклиф қилди.

Дониш бой илмий ва адабий мерос: табиий-илмий, фалсафий ва тарихий характердаги асарлар қолдирди. «Болаларга ҳунар ва машғулотларнинг фойдаси ҳақида насиҳат» китобида мустақил ҳаётга тайёрланиш учун, А. Дониш болаларга билим ва ҳунар эгаллашни, бунда фақат шахсий манфаатни эмас, балки бошқа кишиларнинг ҳам манфаатини назарда тутишни маслаҳат беради. Ҳар бир боланинг маълум фаолият турини ўз хоҳишига биноан танлаб олиши муҳимдир,— дейди у.

А. Дониш ёш авлоднинг билимларни онгли суратда билиб олишини ва шахсий кузатишлар йўли билан уларнинг чинлигига ишонч ҳосил қилишни талаб этарди.

А. Дониш ахлоқий тарбиянинг вазифаси ёшларда бошқа кишиларга фойда келтиришни ўзининг бурчи, деб биладиган

www.ziyouz.com kutubxonasi

кишилар тарбиялашдан иборат деб тушунар эди. Шу мақсадда у ёш авлодда меҳнатсеварлик, текин даромад ва бойликка интилишни келтириб чиқарадиган ҳамма нарсага нафрат туйғуси, эркинлик ва мустақилликка нисбатан муҳаббат туйғуси, ўз қадр-қимматини билиш туйғуси тарбиялашни тавсия қилган эди. А. Дониш хотин-қизларнинг инсоний қадр-қимматини ҳурмат қилишга чақирди.

А. Дониш илғор маданиятни, фан ва санъатнинг тарғиботчиси эди. У рус халқи билан дўстлашишга, рус тилини ўрганишга чақирди.

А. Дониш Тожикистонда маърифатпарварлик ҳаракатига асос солди.

VI боб

ШЎРО ҲОКИМИЯТИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ХАЛҚ МАОРИФИ ВА ПЕДАГОГИКА

ШЎРО ҲОКИМИЯТИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА ТУРКИСТОНДА МАОРИФ ЯНГИ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ПЕДАГОГИК ҒОЯЛАР

1917 йил тўнтаришидан сўнг Марказий Осиёдаги 3 та (Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Қўқон хонлиги) давлат ўрнида янги йўналишдаги мафкурага асосланган республикалар, яъни Туркистон Мухтор Жумҳурияти (собиқ Туркистон АССР), Бухоро Халқ Республикаси, Хева Халқ Республикаси ташкил топди.

Янги Шўро ҳукумати аввалги таълим тизими, ўқув-тарбиявий ишларни ислоҳ қилиш, Халқ маорифи тизимининг янги шаклини жорий этиш юзасидан бир қатор вазифаларни белгилаб берди.

Бундай тадбирларни амалга ошириш Туркистонда Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 14 майдаги декрети асосида бошланди. Халқ маорифи тизимини тасдиқ этиш республика Халқ маорифи Комиссарлигига ва унинг маҳаллий Советлар хузуридаги бўлимларига юкланди. Ўқувчиларга илм-фаннинг зарур асослари билан бир қаторда, меҳнат кўникмаларини ҳам бера оладиган ягона шўро «Меҳнат Мактаби» халқ маорифи учун асосий негиз қилиб олинди.

Лекин янги мактабларни вужудга келтириш бир қанча муаммоларга дуч келди. Айниқса, ўқитувчининг етишмаслиги, дарсликларнинг ва мактаб жиҳозларининг йўқлиги ишни янада қийинлаштирди.

Собиқ Туркистон АССР да янги типдаги халқ маорифи тизимини ташкил этишда ҳукумат РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг «Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўғрисида»ги 1918 йил 20 январдаги декретига асосланиб, муллалар ва турли зиёли дин аҳлларининг мактабларда дарс беришига йўл қўймаслик тўғрисида декрет қабул қилди. Мазкур Декретга мувофиқ собиқ Туркистон АССР Халқ Маорифи Комиссарлиги аҳолининг ҳамма табақаларидан бўлган болаларни қайси миллатга ва жинсга мансуб бўлишидан қатъи назар мактабларда текин ўқитишни Туркистон республикасида жорий қилиш тўғрисида буйруқ чиқарди.

«Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Совети 1918 йил май ойининг бошида, мактаб тубдан қайта қурилади, деб эълон қилди. 1917 йил тўнтаришигача мавжуд мактаб ва умуман, болалар ҳамда ўсмирларни ўқитиш ишининг ташкил этилишига хос бўлган синфий табақавийлик ҳамда камситувчиликни тезроқ бартараф этиш мақсадида шунга қарор қилинди. Бу ҳақда чиқарилган ҳукумат мурожаатномасида: «Ўлка Советлари съездининг иродасини бажара бориб, дарҳол ягона ва ҳамма учун очиқ мактаб ташкил этишга киришилди. Барча кириш имтиҳонлари бекор қилинади. Ҳамма босқич ва идора мактаблари эндиликда ёши, миллати ва динидан қатъи назар ўқишни истаган ҳамма кишилар учун очиб қўйилди»,— дейилган эди.

Ушбу мурожаатни ўлка аҳолиси халқ маорифи соҳасидаги бурилиш, чуқур демократиялаштиришнинг яққол далили, деб баҳолади.

С. Р. Ражабов маълумотига кўра, Туркистон республикаси партия ташкилоти ҳамда ҳукуматининг халқ маорифи соҳасида амалга оширган янги сиёсатига жавобан ўлкада дарҳол жуда кўплаб мактаблар очилган, улардаги ўқувчилар сони бир неча баравар кўпайган.

1918 йилнинг июнида Тошкентда маориф ходимларининг биринчи съезди очилиб, унда халқ маорифи соҳасидаги аҳвол муҳокама қилинди ҳамда уни қайта қуриш бўйича конкрет тадбирлар белгиланди.

1918 йил декабрда Туркистон Республикаси халқ маориф комиссарлиги буйруқ чиқариб, ҳамма мактабларда она тили ва рус тили ўқитиш тўғрисида қарор қабул қилинди[1].

Ушбу қарорни қўллаб-қувватланиши натижасида маҳаллий миллатга мансуб хотин-қизларни маданиятга, илм-фанга, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашишга жалб қилиш ҳаракати жадал йўсинда авж олиб кетди.

1918 йилнинг августида эса Туркистон Республикасининг Марказий Ижроия Комитети мактабларда ўқувчиларни ўз она тилида ўқитишга ўтиш тўғрисида декрет чиқардики, бу ўлка халқлари миллий маданиятлари истиқболи учун ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

---

[1] **Н. Раҳмонов, А. Умаралиев.** Совет Ўзбекистони маданияти тарихи очерклари. Т., «Ўқитувчи», 1984 й., 30- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Орадан уч ой ўтгач: «Туркистон мактабларининг структураси тўғрисида Низом» чиқарилди.

Мактабларни янги ижтимоий негизларда ташкилий жиҳатдан тартибга солиш ҳамда қайта қуриш мақсадида Халқ маорифи комиссарлигининг буйруғига мувофиқ, мудирлик, инспекторлик ва директорлик лавозимлари бекор қилинди; сайлаб қўйиладиган раис ҳамда котиб раҳбарлигида ишловчи коллегиал орган — педагогика кенгаши умумтаълим мактабларига бошчилик қиладиган бўлди.

1918 йил ноябрь ойида Халқ маорифи кенгашлари ўқув юртларини, уларнинг турларини ҳисобга олган ҳолда, рўйхатдан ўтказдилар ва шу асосда янги мактаблар очиш ҳамда уларни жойлаштириш эҳтиёжлари тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқдилар. Мазкур тадбир ҳам ўлкада маориф ишини тартибга солишда муҳим роль ўйнади. Масалан, «Меҳнат мактаблари» деб аталган мактаблар очилиб, уларда ўқувчиларнинг меҳнат тарбиясига, мактабда политехника таълимини амалга оширишга катта эътибор берилди. Ўлкада меҳнаткашлар оммаси мададига суянган ҳолда янги типдаги мактаблар вужудга кела бошлади. Жумладан: Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмида халқнинг бевосита иштироки билан дастлабки 13 та ўзбек мактаби, Қўқонда 17 та ўзбек мактаби ва битта рус мактаби, Андижонда 10 та ўзбек мактаби ва 7 та рус мактаби ташкил этилди. Шундай қилиб, 1918 йилнинг баҳорига келиб республикада ишлаб турган мактабларнинг сони 330 тага етди, 1918/1919 ўқув йилининг бошида эса Тошкентнинг ўзида 75 та мактаб ва Самарқанд вилоятида 100 дан ортиқ мактаб ишлаб турган.

1919/20 ўқув йилининг бошида ишлаб турган мактаблар Фарғона вилоятида 350 тага, Сирдарё вилоятида 839 тага, Самарқанд вилоятида 216 тага етди.

Мактабларни ташкил этишда маҳаллий аҳоли орасидан биринчи бўлиб етишиб чиққан муаллимлар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний, Абдуқодир Шакурий, Исматулла Раҳматуллаев, Абдурауф Фитрат, Исҳоқхон Ибрат, Т. Н. Қори-Ниёзий, Мунаввар Қори, Тўхтаназар Шермуҳамедов, Эргаш Комилов, Оқилхон Шарофиддинов ва шу сингари зиёлилар фаол қатнашдилар.

Халқ маорифи комиссарлиги маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиб, ерли миллатларнинг қизлари учун махсус мактаблар очиб берди. Шундай мактаблардан бири 1917 йилда Бешёғочнинг Зевак [ҳозирги Бирлик] маҳалласида Башорат Жалилова томонидан ташкил этилди. Бу мактабда 22 та ўзбек қизи ўқиб турди. 1920 йилнинг бошида бундай мактаблар Тошкентда 12 та, Андижонда 2 та очилганди. Қўқон ва Қўқон уездидаги шундай мактабларда ўзбек қизларидан 270 таси ва қирғиз қизларидан 130 таси ўқиб турди. Солиҳахон Муҳаммаджонова, Муҳаррама Қодирова, Гулсум Копаева, Фотима Бурнашева, Зеби-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нисо Раззоқова, Зайнаб Садриддинова, Марям Шарипова ва бошқалар уларнинг илк муаллимлари эдилар.

Шундай қилиб, ўлкада ҳар йили ўрта ҳисобда 9 тадан янги типдаги мактаб очилиб турди.

Маҳаллий аҳолидан миллий ўқитувчилар тайёрлаш, миллий дарсликлар нашр қилиш, Шўро ҳокимияти мафкурасига асосланган таълим-тарбиявий жараённи амалга ошириш ишлари юзасидан бир қатор тадбирлар белгиланди.

Халқ маорифи комиссарлиги педагоглар илғор тажрибасини ёйиш ҳамда уларнинг методик жиҳатдан тайёргарлигини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиб, тошкентлик илғор муаллимларнинг ташаббусини маъқуллади. Улар Туркистонда Шўро ҳокимиятининг дастлабки мактабларини ташкил этиб, янги мактаб муаммоларини ўрганиш билан чекланмай, балки мактабшунослик, хусусий методика ҳамда педагогика масалаларига оид материалларни ҳам нашр қилдилар. Жумладан, «Умумтаълим мактаблари бўлимининг бюллетени» чиқарилди, фан предметлари бўйича методик хоналар ташкил этилди.

1918—19 йиллардаёқ ўзбек тилида ўқув адабиётларини чоп этишга киришилди. Гарчи ўша вақтда дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмалари нашр этишнинг илмий жиҳатдан асосланган истиқбол режалари мавжуд бўлмаса-да, бундай адабиётнинг чиқарилиши ўқитувчилар ишида катта ёрдам берди, бу борада келажакда муҳим ишлар амалга оширилажагига умид туғдиради.

Шу даврда нашр этилган ўқув адабиёти орасида Крубернинг «Бошланғич география» (у рус тилидан таржима қилинган эди), табиий география бўйича ўқитувчилар учун қўлланма, «Туркистон» (у Крубер ёзган «Россия географияси очерклари»дан ўзбекчага ағдарилганди) қўлланмаси, биринчи ва иккинчи синфлар учун арифметика масалалари тўпламн (Валишевнинг татар тилидаги дарслигининг таржимаси) Т. Н. Қори-Ниёзовнинг табиатшуносликка оид қўлланмаси («Табиатнинг бир бўлаги») шулар жумласидандир.

1920 йилгача ўқув адабиётини чоп этиш ишлари билан республика Халқ маорифи комиссарлиги шуғулланган эди, шундан сўнг бу иш янги ташкил этилган Туркистон Давлат нашриёти зиммасига юклатилди.

Шўро ҳукумати халқ маорифига доир тадбирларни амалга оширар экан, ўқитувчилар тайёрлашга кўпроқ эътибор берди. Туркистонда 1917 йил тўнтаришидан олдинги даврдан қолган муаллимлар семинариясини ҳисобламаганда, ўқув-моддий база йўқ эди. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар тайёрлаш иши бу ерда жуда мураккаб бўлди. Миллий мактаблар учун муаллимлар тайёрлашни деярли янгидан бошлаш керак эди.

Тез орада Тошкент ўқитувчилар тайёрлашнинг марказига айланди. 1918 йилнинг июнида бу ерда дорилмуаллимин (ерли миллат ёшларидан муаллимлар тайёрлаш институти) очилди. Муаллимлар тайёрлаш учун олти ойлик ва қисқа муддатли ўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ка курслари ташкил этилди. Самарқанд, Қўқон ва бошқа шаҳарларда ҳам муаллимлар тайёрлаш ташкил этилди. 1918 йилдан 1921 йилгача бўлган давр ичида маҳаллий миллатлардан 3 мингга яқин муаллим тайёрланди.

Ўлкада умумий таълим мактабларини ташкил этиш билан бир вақтда ўрта, махсус ўрта ва олий ўқув юртлари ҳам очила бошлади. 1918 йилдан 1920 йилгача бўлган вақт ичида Туркистонда бир неча махсус ўқув юртлари, шу жумладан, Туркистон шарқшунослик институти, Тимирязев номидаги билим юрти, Тошкентда ўзбек, қирғиз ва бошқа туркий халқларнинг хотин-қизлари учун билим юртлар ва Самарқандда ўзбек билим юрти ташкил этилди. 1921 йилда химия-фармакология институти, консерватория ва 6 та қишлоқ хўжалик техникуми ишга тушди. Булар орасида 1918 йил 21 апрелда Тошкентда очилган Туркистон халқ университети алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бу университет шўро мактабининг олий, ўрта ва бошланғич босқичларини бирлаштирган ўзига хос ўқув юрти эди. Унинг социал-иқтисод, адабиёт-фалсафа, табиёт, математика, техника ва қишлоқ хўжалик факультетлари юқори малакали мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланди. Факультетлар ҳузурида очилган шу хилдаги курслар ўрта босқич вазифасини бажариб турди.

Университетнинг Тошкентнинг эски шаҳарида, шунингдек Андижон, Қўқон, Самарқанд ва Жиззахда бўлимлари бор эди.

РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1920 йил 7 сентябрдаги декретига биноан Тошкентда халқ университети негизида Туркистон Давлат университети (ҳозирги Тошкент Давлат дорилфунуни) ташкил этилди. У ўлкада юқори малакали мутахассислар тайёрлаб берадиган чинакам манба ва олий таълимни ривожлантириш учун негиз бўлиб қолди.

Тикланиш даврида университет ҳузурида ташкил қилинган ишчилар факультети (рабфак) айниқса муҳим роль ўйнади. У тузилган биринчи кундан бошлабоқ маҳаллий миллатлар вакиллари орасидан деҳқон ва ишчи талабаларини қабул қилиш иши билан шуғулланди. 1921 йилга келиб, рабфак талабаларининг 60 фоизини шулар ташкил этган эди.

Афсуски, университетнинг педагогика факультети кўп ўтмай, 1922 йилда ёпиб қўйилди. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти очилганга қадар ўқитувчи ходимларни тайёрлаш масалалари халқ маорифини ривожлантиришда энг мушкул соҳалардан бири бўлиб қолаверди.

Туркистонда 1917 йил тўнтаришидан кейин вужудга келган ҳунар таълими системасида педагогика ўқув юртлари — педтехникумлар етакчи ўрин эгалларди. Уларда етти йиллик мактабни битирган кишилар учун мўлжалланиб дарс ўтиларди. Лекин педтехникумларга ўқишга кирган талабаларнинг кўпгина қисми, ҳатто, тўрт йиллик маълумотга ҳам эга эмас эдилар. Шу сабабли педтехникумларда тайёрлов бўлимлари очилган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1922 йилда педтехникумлар, педагогика билим юртлари ва маориф мактабларида жами 2220 киши ўқир эди. Бу эса, албатта, ўқитувчи кадрларга бўлган жуда катта эҳтиёжни ҳеч ҳам қондиролмасди.

Педагогика билим юртларидаги иш жараёнида таълимнинг энг самарали йўлларини, энг мувофиқ ўқув режасини ишлаб чиқиш борасидаги изланишлар давом эттирилди. Айни вақтда: «1917 йилдан аввалги ўқув юртлари, ўқитувчилар семинариялари, педагогика институтлари тажрибасининг қайси жиҳатларини олиш ва фойдаланиш, қайси жиҳатларини эса улоқтириб ташлаш керак?»— деган масала кун тартибига қўйилган эди.

Пролеткультга хос бўлган ҳар қандай хом хаёл режалар, ўтмиш маданий меросига нигилистик муносабатда бўлиш, чет эл тажрибаларини айнан кўчириб олишдан иборат ноўрин хатти-ҳаракатлар фақат зарар келтириши турган гап эди. 20- йиллар бошида таълим соҳасида жорий этилган «комплекс программалар», «Дальтонплан», «бригада-лаборатория методи» деб аталмиш бошқа хил услублар шулар жумласидандир.

1920 йилга келиб, Туркистон республикасида қисқа муддат ичида салкам 1200 ўқитувчи тайёрланди. 1522 киши қайта тайёргарликдан ўтказилди. Уларнинг кўпчилигини маҳаллий миллатларга мансуб муаллимлар ташкил қилар, бу ўқитувчиларнинг асосий қисми бошланғич мактабларда ишлар эдилар. Курсларнинг ўқув режасига сиёсий савод дарси киритилган бўлиб, бу эса педагогларни ғоявий жиҳатдан тарбиялашда муҳим роль ўйнади. Методика бўйича дарслар ҳамда педагогик практика ўтказиш, энг яхши ўқитувчиларнинг очиқ дарсларида ҳозир бўлиш ҳамда махсус конференцияларда тажриба алмашиниш кабиларга жиддий эътибор берилар эди. Маҳаллий миллат вакилларидан ўқитувчилар тайёрлашда рус муаллимлари катта ёрдам кўрсатдилар.

Ҳозирги маънода ўқитувчиларни қайта аттестациядан ўтказиш иши ўша вақтда йўлга қўйилмаган эди, аммо 1923 йилда Туркистон АССРда ўқитувчилар билими бўйича ўтказилган текшириш (экспертиза) улар ўз касбларини қай даражада эгаллаганликларининг умумий манзарасини тасаввур қилиш ҳамда улар малакасини ошириш учун тадбирлар кўриш имконини берди.

Туркистонда 1920 йилда бир йўла еттита маориф институти (инпрос) ташкил этилди, уларга жами 1145 талаба қабул қилинди. Мазкур институтлар тўла шаклланиб бўлган даврда талабаларга II босқич мактаб дастури ҳажмида умумий таълим берса-да, уни тугаллаб чиққан кишилар фақат I босқич мактабларида дарс бера оладиган даражада педагоглик ихтисосига эга бўлар эдилар. II босқич мактабларини ўқитувчилар билан таъминлаш масаласи Туркистон АССР да яна узоқ вақт энг мушкул муаммолардан бўлиб қолаверди. Маориф мактаблари 1924 йилда, яъни Туркистон АССРда миллий давлат чегарала-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ниши ўтказилган даврга келиб, унинг қалдирғоч зиёли ходимларини ишга йўллади[1].

Биз шўро мактаблари фаолиятининг дастлабки босқичида [1917—1920 йилларда] мактаблар бўйича алоҳида-алоҳида маълумотга эга эмасмиз. Аммо 1921—22 ўқув йилида ўлкада 2403 та мактаб ва бошқа болалар муассасалари ишлаб турганлиги, уларда жами 170105 бола ўқиб, анчагина қисми маҳаллий миллатларнинг фарзандлари бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотлар бор. Бу — Туркистон Республикасидаги жами болаларнинг 25 фоизини ташкил этади[2].

Гарчи шўро мактаби ўша йилларда тўла шаклланмаган, унда гимназиядагидан фарқ қиладиган иш шакллари ҳамда услубларини излаб топиш жараёни давом этаётган бўлса-да, ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий ташкилотчиси ўқитувчи бўлиши лозимлиги тан олинди.

1923 йилда Туркистон АССР Маориф Халқ Комиссарлиги ҳузурида саводсизликни тугатиш билан шуғулланувчи ўлка фавқулодда комиссияси тузилди. Шундай комиссиялар маҳаллий Советларнинг халқ маорифи бўлимлари ҳузурида ҳам ташкил этилди. Республикадаги барча олий ўқув юрти талабалари ҳамда ишчи факультетларидаги ўқувчиларнинг ҳаммасини саводсизликни тугатишга сафарбар қилди. Миллий чегаралаш арафасида Туркистон Давлат университети юқори малакали мутахассислар тайёрлаб берадиган энг катта манбагина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, Марказий Осиёда олий таълим тизимини вужудга келтириш учун ҳам база бўлиб қолди.

1924/25 ўқув йилида бу университетда 2440 киши ва ишчилар факультетида 889 киши ўқиди. 1923/24 ўқув йилида Туркистон АССРда ишлаб турган ва университет факультетлари негизида ташкил этилган олий ўқув юртлари 4 тага етди. Бу олий ўқув юртларида ўқиб турган талабаларнинг умумий сони 400 кишидан ошиб кетди, буларнинг 50 фоизига яқини маҳаллий миллатлардан бўлган талабалар эди.

Ўқитувчилар тайёрлаш йилдан-йилга яхшиланиб борди. 1925 йилда Ўзбекистон қишлоқларида ишлаб турган муаллимлар 2748 кишига етди ёки 1917 йилга қадар ҳукумат мактабларида ишлаб турган муаллимларга нисбатан тўрт бараварга кўпайди. Шу билан бирга, таълим-тарбия ишларининг сифати яхшиланди. Ўқувчиларни дарсликлар ва ўқув қуроллари билан таъминлаш ҳам йўлга қўйилди. Ҳукумат халқ маорифи учун маблағ аямади. 1924/25 ўқув йилида халқ маорифи эҳтиёжларига 11,4 миллион сўм ёки республика бюджетининг 24 фоизи сарфланди[3].

---

[1] **Н. Раҳмонов, А. Умаралиев.** Совет Ўзбекистони маданияти тарихи очерклари. Тошкент, «Ўқитувчи». 1984 й., 41—42- бетлар.

[2] Успехи народного образования в Узбекистане за 40 лет. Ташкент, Учпедгиз. УзССР., 1957, 18- бет.

[1] Ўзбекистон ССР тарихи, акад. И. М. Мўминов таҳрири остида. Тошкент, «ФАН» нашриёти. 1974 й., 443- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИСҲОҚХОН ИБРАТ

(1862—1937)

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган йирик алломалардан бири Исҳоқхон Ибратдир. У маърифатпарвар шоир, забардаст тилшунос, тарихшунос олим, илк ўзбек матбаачиларидан бири, сайёҳ, каллиграф, наққош, оташин публицист ва илғор педагогдир.

Ибратнинг асли исми Исҳоқхон, отасининг исми Жунайдулладир. Ибрат унинг адабий тахаллусидир. Исҳоқхоннинг ўзига «Ибрат» тахаллусини олишининг боиси шундаки, у ижодининг дастлабки йилларидан бошлаб маърифатпарвар шоир, олим сифатида ном чиқарди ва кишиларни замон илмидан, илғор маданиятдан, таълим-тарбия системасидан ўрнак олишга чақирди. Шунинг учун ҳам ўзига «Ибрат» тахаллусини танлади.

Исҳоқхон 1279 ҳижрий (1862 милодий) йилда Наманган яқинидаги Тўрақўрғон қишлоғида туғилди. Унинг отаси Жунайдуллахўжа Суннатиллахўжа ўғли анча билимли соҳибкор боғбонлардан эди. У адабиётга, шеъриятга анча ихлос қўйган ва «Ходим» тахаллуси билан бирмунча шеърлар битган киши бўлган. Онаси Ҳурибиби, ўз даврининг ўқимишли, оқила аёлларидан бўлиб, ўз уйида қишлоқ қизларини ўқитарди. Ҳурибиби ҳам адабиёт ихлосманди бўлиб, у ҳам шеър ёзган. Лутфий, Алишер Навоий, Жомий, Бедил, Машраб каби буюк шоирларнинг асарларини мутолаа қилиш бу хонадон учун севимли машғулот ҳисобланарди. Оиладаги бундай ҳаётий вазият Исҳоқхонда адабиётга муҳаббатнинг эрта пайдо бўлиши учун асосий омил бўлди.

1870 йилда Жунайдуллахўжа вафот этиб, Исҳоқхон отадан жуда эрта етим қолди. Энди оила қийинчиликлари бутунлай онаси Ҳурибиби зиммасига тушди. Муштипар она ўқитувчилик қилиб зўр-базўр рўзғор тебрата бошлади.

Ҳурибиби ўз мактабида ўқувчиларга дарсни ёд олдириш билан чекланмай қизларга ёзишни, ҳуснихатни ўргатар эди. Исҳоқхон ҳам ёшлигидан ҳуснихатга қизиқди ва ўзининг бўш вақтларини ана шу санъат сирларини ўрганишга бағишлади. Адабиёт ва санъатга зўр муҳаббат қўйган Исҳоқхон анча мукаммал саводга эга бўлгач, ўқишни давом эттириши учун уни Қўқонга юборадилар. У Муҳаммад Сиддиқ Тункатор мадрасасига 1878 йилда ўқишга киради.

Исҳоқхон Ибрат мадраса берадиган илмлар билан чекланиб қолмади. У ўқиш мобайнида буюк Шарқ мумтозлари асарларини мустақил тарзда қунт билан мутолаа қилди ва бу асарлар умрининг охиригача унга энг яқин ҳамроҳ бўлди. Исҳоқхон мадрасада араб ва форс тилларини чуқур ўрганиш билан бирга бўш вақтларида рус тилини ҳам мустақил ўрганди. У рус ва ўзбек тилларида чиқадиган «Туркестанские ведомости» (Туркистон вилоятининг газети) билан илк бор Қўқон мадрасасида ўқиб юрган кезларида танишиб чиқди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Исҳоқхон Ибрат 1886 йилда Қўқон мадрасасини тугатиб, ўз қишлоғи Тўрақўрғонга қайтиб келди ва у ўз ижодини илғор ўқитувчи сифатида қишлоқда маърифат тарқатиш билан бошлади. Ўша йили у ўз қишлоғида мактаб очди. Исҳоқхон очган мактаб эски маҳалла мактабларидан анча фарқ қиларди. Исҳоқхон ўз мактабига нисбатан илғор бўлган товуш (савтия) методини татбиқ қилди ва усули савтиянинг эски метод тарафдорларидан ҳимоя қилди.

1887 йилда Ҳурибиби ўғлига Маккага олиб боришини илтимос қилади, ва улар йўлга отланадилар. Бироқ онаизорга ўз диёрига яна қайтиб келиш насиб этмади. У йўлда қаттиқ шамоллаб қолди. Олти ой бетобликдан сўнг Ҳурибиби Жидда шаҳрида вафот этди. Исҳоқхоннинг Шарқ мамлакатларига сафарга чиқишдан асосий мақсади, биринчидан, онасининг ҳажга олиб бориш ҳақидаги илтимосини қондириш бўлса, иккинчидан чет эл халқлари ҳаёти, маданияти билан яқиндан танишиш, бу мамлакатларни ўз кўзи билан кўриш эди.

Исҳоқхон онасини Жидда шаҳрида дафн этиб, Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафарини давом эттирди ва Европанинг Истамбул, София, Афина ҳамда Рим сингари марказий шаҳарларида бўлди. Анча вақт Афғонистоннинг Қобул, Арабистоннинг Жидда каби йирик шаҳарларида истиқомат қилди. Арабистоннинг Макка шаҳридан Қизил ва Ҳинд денгизлари орқали Ҳиндистонга келди. 1892—1896 йилларда Ҳиндистоннинг энг катта порт шаҳарлари Бомбай ва Калькуттада яшади. Исҳоқхон Ибрат у ерларда кўп ишлатиладиган арбаил лисонни, яъни тўрт тилни: араб, форс, ҳинд-урду ва инглиз тилларини мукаммал ўрганди. У чет элларда ўша ерлик халқ ҳаётини, маданияти ва санъатини ўрганди. Шарқ мамлакатларига европаликлар орқали кириб келган Европа маданияти, тили ва санъати билан яқиндан танишди. «Луғати ситта-ал-сина», «Жомеъул хутут», «Тарихи Фарғона» каби илмий асарлари учун қимматбаҳо материаллар тўплади. У бу даврда Шарқ халқлари тиллари билан бир қаторда Ғарб халқлари тилларини ҳам билиш зарур деб ҳисоблади ва Арабистонда француз тилини, Ҳиндистонда инглиз тилини, шу билан бирга, энг қадимий финикия, яҳудий, сурия, юнон ёзувларини ўрганди[1].

Исҳоқхон 1896 йилда Ҳиндистондан Бирма орқали Хитойга, сўнгра Қашқарга ўтди. Қашқардан ўз ватани Наманганга қайтиб келди. У чет эллардан бир қанча маданият ашёлари ҳам олиб келди. Ҳиндистондан «Сантур» номли мусиқий асбоб олиб келди.

Ибрат бу мамлакатлардан яна граммофон, турли миллат мусиқа ва қўшиқлари ёзилган пластинкалар олиб келди. Бу қўшиқ ва мусиқани ўз уйида ҳамқишлоқларига эшиттирган.

Исҳоқхон Ибрат чет элларда олим ва фозил кишилар билан, улар қайси дин ёки қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи

[1] Исҳоқхон Ибрат. Жомеъул хутут. Наманган, 1912, 4—5- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

назар, яқин алоқада бўлди. Бу ҳақда у кейинчалик қуйидагиларни ёзади: «Ҳар бир заввор[1] ва аҳли фазл кишини кўрсам, кайфият ва таълимот маолларини[2] андин сўрадим»[3]

Ўтган асрнинг 90-йилларида ва XX аср бошларида рус тилини ўрганишга қизиқиш янада ортди. Исҳоқхон ҳам бу ишдан четда қолмади. У атоқли олим сифатида бошқа халқлар тили ва маданиятига зўр ҳурмат, муҳаббат билан қаради. У ўз халқини Шарқ ва Ғарб тилларини ўрганишга чорлар экан, аввало ўзбек халқининг, Ибрат ибораси билан айтганимизда, «биринчи эҳтиёжи тушган рус калима ва ёзувлари»ни ўрганиш зарур деб билди ҳамда бу муҳим масалани ҳал қилишда амалий фаолият кўрсатди.

Рус тили билан бир қаторда яқин шарқ ва ғарб тилларини анча мукаммал билган Исҳоқхон Ибрат бу муҳим масалада ҳам ўз халқига ёрдам қўлини чўзди. У олти тилдаги: арабча, форсча, ҳиндча, туркча, сартча (ўзбекча) ва русча сўзларни ўз ичига олган «Луғати ситта-ал-сина» номли мукаммал луғат китобини яратди. Муаллиф русча ёзув системасини билмайдиганларга ҳам қулай бўлсин учун рус сўзларини араб ёзуви билан беради. Маълумки, рус ва Европа сўзларини араб ёзувида ифодалаш анча мураккаб иш, лекин Исҳоқхон Ибрат бу мураккаб ишни муваффақиятли ҳал қилди.

Исҳоқхон Ибратнинг мазкур асари бир неча йил чориэм цензурасидан ўта олмади. Бу ишда асосий ролни Чор Россиясининг Туркистондаги матбуот цензори Николай Остроумов ўйнади.

Исҳоқхон Ибратнинг мазкур «Луғати ситта-ал-сина» асари бир неча йиллик саргузаштлардан сўнг 1901 йилда Тошкентда нашрдан чиқди. Исҳоқхон мазкур асарни яратишда анча вақт илмий иш олиб борди, чет элларда юриб материал тўплади.

Исҳоқхон Ибрат мазкур асарига материал тўплар экан, жонли тилда ўзи қўлланадиган энг фаол сўзларни киритишга алоҳида эътибор берди, унда истеъмолдан чиқиб кетаётган сўзларни деярли учратмаймиз. Исҳоқхон ўз асарини кенг халқ оммасига тушунарли бўлган араб ёзуви системасида яратди.

Маълумки, Исҳоқхонга қадар ҳам русча-ўзбекча, ўзбекча-русча луғатлар яратилган. Масалан, В. Наливкин ва М. Наливкиналарнинг «Русско-сартовский словарь». «Сартовско-русский словарь» асарлари шулар жумласидандир. Бироқ бу китоблар рус хатида яратилган бўлиб, ўзбек тилини ўрганувчи руслар ва русча саводи бўлган саноқли ўзбеклар учун мўлжалланганидан рус тилини ўрганишга қизиқувчиларнинг эҳтиёжини қондира олмади.

Исҳоқхоннинг мазкур асарини араб ҳарфида яратишига ҳам худди шу масала туртки бўлди ва мана шу муҳим ниҳоятда му-

---

[1] Заввор — сафар қилувчи, ажнабий.
[2] Маол — мазмун, натижа, оқибат.
[3] Исҳоқхон Ибрат, Жомеъул хутут, Наманган, 1912, 5-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

раккаб масалага ўзбек маърифатпарварлари орасида у биринчи бўлиб қўл урди ва замондошларнинг талабини бирмунча қондиришга муваффақ бўлди.

Мингдан ортиқ фаол сўзларни ўз ичига олган Исҳоқхон Ибратнинг бу асари ўз даврида катта аҳамиятга молик эди, албатта. Муаллиф ўзининг мазкур амалий фаолияти билан халқлар ўртасида дўстлик куйчиси сифатида ҳамда ўзбек маданияти, маорифи тараққиёти тарихида муносиб ўрин эгаллайди. «Луғати ситта-ал-сина» асари ўзбек тилшунослигида ўзбекчарусча ва кўп тиллик луғатлар тузишда дастлабки қадам бўлиб ўзбек лексикографиясини ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Асар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда феълларнинг ноаниқ ва келаси замон шакллари берилган.

Асарнинг иккинчи қисми 37 бобчадан иборат бўлиб, ундан феълларнинг бошқа шакллари, отлар, кишилик олмошлари, кун, ой номлари, одам аъзолари, ҳайвонлар, ҳашоратлар ва парранлалар, озиқ-овқат ва бошқа нарсаларнинг номларини ўз ичига олади.

Мазкур луғат илғор педагоглар томонидан очилган усули савтия мактабларида ҳам рус тилини ўрганишда бирдан-бир дарслик қўлланма сифатида фойдаланиб келинди.

Тилшунослик фанининг бу мураккаб соҳасида Исҳоқхон Ибрат анча мукаммал «Жомеъул хутут» [«Ёзувчилар мажмуаси»] номли илмий асар яратди. Бу асарда муаллиф ёзувчиларнинг энг ибтидоийси пиктографик ёзувлардан, то сўнгги давр энг мукаммал ёзувларигача босиб ўтилган тарихий тараққиётни ёритиб беришга ҳаракат қилди. Олимнинг мазкур асари анчагина катта ҳажмда —132 бетдан иборат бўлиб, 1912 йилда ўзининг босмахонаси «Матбааи Исҳоқия»да нашр қилинди.

Исҳоқхон Ибратнинг тилшунослик соҳасида чуқур илмга эга эканлиги мазкур асарида намоён бўлди. Асарда пиктографик ёзувлардан кейин вужудга келган энг қадимий товуш-ҳарф ёзувлари: финикия, яҳудий, сурия, араб, юнон, форс, славян, санскрит, ҳинд, латин, арман, грузин, уйғурча ва бошқа қирқдан ортиқ ёзувлар, уларнинг келиб чиқиши, тараққиёти ҳақида маълумот берилади. Ибрат фақат ўз ватанидаги ёзувларнинг намуналарини ўрганиш билан чегараланмай араб мамлакатларидаги қадимий ёзувларни ҳам ўрганди, бу ёзувларни тўғри ўқишга ҳаракат қилди. У эрамиздан 2000 йил илгари финикия халқлари томонидан вужудга келтирилган ёзув ёдгорликларини, Кипр оролидаги ғорлардан топилган ёзув қолдиқларини ўз асарида акс эттирди. Ибрат ёзувлар тарихини ўрганар экан, товуш ҳарф ёзув тизими биринчи марта финикия халқлари томонидан яратилган ва бошқа қўшни халқлар: яҳудий, сурия, араб ёзувлари финикия ёзувлари асосида вужудга келган, деган илмий хулосага келди. Муаллиф ушбу асарида араб ёзувлари тарихи, уларнинг ривожланиш эволюциясига алоҳида тўхталади. У ўз текширишлари натижасида қуйидаги хулосага келади: араб ёзувлари финикия халқлари ёзувларидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

келиб чиққан бўлиб, VII асрдан бошлаб икки шаклда куфи ва насҳ ёзувлари шаклида ривожланган. Куфи ва насҳ ёзувлари асосида нисбатан содда бўлган «сулс» ёзуви яратилди.

«Жомеъул хутут» асарида дунёда машҳур бўлган 41 хил ёзув тизими ҳақида, шу жумладан, араб хатининг сулс, тавкеъ, райхон зулф, хумоюн, турра каби шакллари ҳақида маълумот берилган ва шу билан бирга унда ҳуснихат санъатига оид фикрлар билдирилган. Ибрат ушбу асарида инглиз, француз, немис, латин каби чет тилларни ўрганиш ҳам илм-фан ва маданиятни эгаллашда катта роль ўйнашини алоҳида таъкидлайди.

Исҳоқхоннинг илм доираси кенглиги, олимлиги айниқса, унинг ҳамма нарсани илм-фан, маориф, маданият, тиллар, ёзувлар, одамларнинг ўсишида, ривожланишида, ўзгаришида деб тушунишида кўринади.

Исҳоқхон Ибратнинг жаҳон халқлари тарихига бағишланган мазкур «Жомеъул хутут» асарининг нашр этилиши, ўзбек матбаачилиги маданияти тарихида, ёзувлар тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу ҳақда асарга сўнг сўз ёзган муҳаррир Хусаин Макаев қуйидагиларни таъкидлади:— санъати нафисадан бўлган энг эски ёзувларни бизга умрликка бир сара қолдиргувчи бу китобнинг Туркистонда нашр қилинуви бизнинг учун ўзи бир шарафли билим,— деган фикрни айтади.

Исҳоқхон Ибрат ўз халқининг илмли, маърифатли бўлишини чин қалбидан истади ва бу истагини амалга оширишда билимини, куч-ғайратини аямади. У ўзининг «Тарихи маданият» асарида хабар беришича, кейинги 20 йил ичида 14 та илмий тарихий, лингвистик, педагогик асарлар ва 30 йиллик поэтик ижодининг мажмуи бўлмиш «Девони Ибрат» шеърлар тўпламини яратди. Исҳоқхоннинг тилшуносликкa оид «Луғати Ситта-ал-синна», «Жомеъул хутут» асарларидан ташқари тарихшуносликкa оид «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият» ва «Мезонул замон» илмий асарлари бизгача етиб келган. Исҳоқхон Ибрат бу асарларни яратишда Шарқ тарихнависларининг асарларини ўрганиб, улардан фойдаланиш билан бирга, рус ва Европа шарқшунос олимларининг илмий асарларини ҳам ўрганди, юздан ортиқ мўътабар тарихий манбалардан, илмий асарлардан фойдаланди, керакли ўринларда улардан кўчирмалар келтирди.

Исҳоқхон Ибрат ўзининг тарихий асарларини яратишда В. П. Наливкин асарларидан, айниқса «Краткая история Кокандского ханства» (Қозон—1886 йил) асаридан кенг фойдаланди, баъзи ўринларда унга танқидий муносабатда бўлди. Исҳоқхон Ибрат илмий-тарихий асарларни яратишда катта масъулият ҳис қилди, тарихий воқеаларни, фактларни объектив баҳолашга алоҳида эътибор берди.

Исҳоқхон Ибрат «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият», «Мезонул замон» асарларида ҳам ўзининг педагогик-маърифат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

парварлик қарашларини илгари сурди. Исҳоқхон ўзининг чет эл саёҳатида техника ва маданият ривожланган улкан шаҳарларда бўлди. У Туркистон шаҳарлари ҳам вақти соати етиб маданий шаҳар қаторидан ўрин олишига ишонди. Буни амалга оширишнинг бирдан-бир йўли илм-фандан, ўқиш-ўрганишдан деб билди.

Исҳоқхон Ибрат 1886 йилда эски мактабларга нисбатан бирмунча илғор бўлган мактаб очди. 1907 йилда эса иккинчи марта қишлоқ болалари учун эски мактаблардан бутунлай фарқ қилувчи бепул янги усули савтия мактаби очди. Бу мактабда ўз фарзандлари Аббосхон, Ваққосхон, Фаёзхонларни ҳамда 25 нафар қишлоқ болаларини ўқитди. Мактаб ўз уйида, ёруғ, деразали хонага жойлашган бўлиб,у янгича ўқув қуроллари — парта, стол, стул, янги китоблар, дарсликлар, дафтар, доска кабилар билан жиҳозланганди, ўқиш-ўқитиш ишларини бўлса, у ўзи тузган дастури асосида олиб борди. Исҳоқхон ўз мактабида ўзининг «Луғати сита-ал-сина», «Санъати Ибрат қалами Мирражаб Бандий» асарларидан, Туркистонда рус-тузем мактабларининг асосчиси ва бундай мактаблар дарсликларининг биринчи автори С. М. Граменицский уч қисмдан иборат «Книга для чтения» (Ўқиш китоби), рус-тузем мактабларининг биринчи ўзбек ўқитувчиси ва бу мактаблар учун ўзбек тилида дарслик яратган Саидрасул Саидазизовнинг «Устод аввал», Али Аскар ибн Байрамали Қалининнинг «Таълимус соний», Наманган рус тузем мактабининг ўқитувчиси М. М. Орақуловнинг 1887 йилда нашр қилинган «Самоучитель» русского языка для русско-мусульманских школ» каби дарслик ва қўлланмаларидан фойдаланди.

Исҳоқхон янгича таълим-тарбия тизимининг ниҳоятда катта афзалликларини исботлашда кўпроқ ўзи эришган ютуқларга, ўзи амалиётга татбиқ қилган янги методларига таянади. Исҳоқхон ўз мактабига ҳафталик дарс жадвалини жорий қилди.

Исҳоқхон илғор ўқитувчи сифатида болаларни мактабдан бездирувчи, уларда ўқитувчига нисбатан нафрат уйғотувчи тан жазосига биринчилардан бўлиб барҳам берди. Исҳоқхон фақат мактабда эмас оилада ҳам болани калтаклаб тарбиялаш ўта нотўғри усул эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Чор ҳукумати Ўрта Осиёда рус-тузем мактаблар очишни галдаги вазифа қилиб қўйди ва ерли аҳоли ичидан ҳукумат учун содиқ кишилар, таржимонлар тарбиялаб етиштиришни ва шу тадбир орқали ўлкани руслаштириш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу ўринда Россия маориф министрлигининг 1870 йилги буйруқлар тўпламидаги қуйидаги сўзлар чор ҳукуматининг Туркистон ўлкаси халқларига нисбатан қўллаган сиёсатининг моҳиятини яққол ифодалайди. «Барча бегона халқлар маорифининг пировард мақсади... уларни ҳеч шубҳасиз рус-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаштириш ва рус халқи билан қўшиб юбориш бўлмоғи керак»[1].

Исҳоқхон Ибрат рус-тузем мактабларини ўз халқига тарғиб қилар экан, у бу мактабларнинг синфий моҳиятини тушуниб етмади. Бундан ташқари, Россия эски мактаблари Исҳоқхон таърифлаганидек жуда юқори савияда ҳам эмас эди. Лекин шунга қарамай, бу мактаблар ўқув-тарбия соҳасида эски маҳаллий мактаблардан анча юқори даражада эди ва бу мактабдан кўпгина илғор ўзбек зиёлилари, ўқитувчилари етишиб чиқди. Шунинг учун ҳам атоқли ўзбек маърифатпарвари Сатторхон, Фурқат, Нодим Намангоний, Ибрат, Мирмуҳсин, Абдулла Авлонийлар рус-тузем мактабларининг очилишини қўллаб-қувватладилар ва уларнинг афзалликларини халқ ўртасида ташвиқот қилдилар.

Бундай мактаб 1902 йилда Тўрақўрғон қишлоғида ҳам очилди. Лекин бу мактабдан чўчиган ерли аҳоли ўз фарзандларини ўқишга бермайди. Бу ҳақда «Туркистон вилоятининг газети» қуйидагиларни ёзади: «1902 йил куз ойида Тўрақўрғон қишлоғида рус туземная школа очилди. Аввал мактабхона бўлган йилларда ул қишлоқнинг одамлари мазкур мактабхонадан кўрадиган нафини билмагани сабабли болаларни мактабга беришмади. Аммо инобатликлари Тўрақўрғон қишлоғининг ўзларига улуғлардан бирор сўз келмасин деб, фақир-бечораларнинг болаларини ҳар йилига бир неча сўм пул бермоқчи бўлиб ул болаларни мактабхонага беришди[2].

Мана шундай шароитда Исҳоқхон Ибрат маърифат куйчиси сифатида биринчилар қаторида ўз ўғли Аббосхонни рус тузем мактабига ўқишга берди. Шу билан бирга, бундай мактабларни «Кофирлар мактаби» деб эълон қилган кишилар гуруҳларидан ҳимоя қилди ва ўз халқининг фарзандларини бундай мактабларга жалб қилишда фаол қатнашди.

Исҳоқхон Ибрат ўзининг публицистик мақолаларида янги усул рус-тузем мактабларида ўқитиладиган фанларга, рус тили ўқитилишига алоҳида тўхталди. Исҳоқхон Ибрат «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида нашр қилдирган публицистик мақолаларида ўз халқини илғор фан-маданиятдан баҳраманд бўлишга чақирди.

Исҳоқхон Ибрат илғор педагоглар орасида биринчи «Қалдирғочлардан» бўлиб, 1914 йилда Тўрақўрғонда рус мактаби очди ва уни «Учитель» номи билан атади. Бу мактабда 1916 йилгача Тўрақўрғон ва қўшни қишлоқлардан 30 нафар ўқувчи таҳсил кўрди. Ибрат бу мактабига рус ўқитувчиларни ҳам жалб қилди, ўзи ҳам ўқитувчилик қилди. Мактаб 1916 йилда ёпилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, XIX аср охири ва XX аср бошларида ўндан ортиқ ўзбек зиёлилари: 1876 йилда маъри-

[1] Қаранг, **Абдуллаев И.** Эски мактабда хат-савод ўргатиш, ЎзССР «Ўрта ва олий мактаб» давлат нашриёти. Тошкент, 1960, 74-бет.

[2] Туркистон вилоятининг газети, 1905 й., 46-сон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

фатпарвар, рус тилининг илк тарғиботчиси Сатторхон Абдуғаффоров, 1887 йилда атоқли археолог, этнограф Мирзо Бухорий, 1894 йилда Фурқатнинг яқин дўсти Хожи Муҳаммад Зуҳур, 1910 йилда атоқли педагог, шоир Саидрасул Саидазизовлар, 1913 йилда педагог Камолиддин Қаҳҳоров кабилар Марказий Россияга — Петербург ва Москва шаҳарларига саёҳат қилдилар. Уларнинг саёҳат таассуротлари «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида кетма-кет эълон қилиниб турилди. Бу сайёҳлар диққат-эътиборини биринчи тортган нарса — Россиядаги таълим-тарбия муассасалари бўлди.

Исҳоқхон Ибрат рус маданияти ва техникасини ўз кўзи билан кўришни орзу қиларди. Шу муносабат билан у 1907 йилда Россиянинг Оренбург шаҳрига боради. У ердаги маданият, санъат ва техника янгиликлари билан яқиндан танишади. Исҳоқхон Оренбургдаги Гауфман деган матбаачидан, пулини 10 йил мобайнида тўлаш шарти билан кредитга (1901 йилда чиққан) литографик машина сотиб олади. Исҳоқхон литографик машина ва ҳарфларни жуда машаққатлар билан Оренбургдан Қўқонга поездда, Қўқондан Тўрақўрғонга туяларда олиб келди. 1908 йилда ўзи қурдирган ҳаммом ўрнида чопхона ташкил қилди ва «Матбааи Исҳоқия» номи билан ишга туширди.

Туркистоннинг чекка қишлоғида матбаанинг вужудга келиши ўзбек халқининг фан ва маданият соҳасидаги катта ютуғи эди. Бу литография ўз фаолиятини илм-маърифат тарқатишдан, мактаблар учун дарслик-қўлланмалар нашр қнлишдан бошлади. У бу ерда биринчи марта 1908 йилда савод чиқаришга бағишланган «Санъати Ибрат, Қалами Мирражаб Бандий» асарини нашр қилди. Савод чиқаришда ва ҳуснихат намуналарини ўргатишда бу асарнинг аҳамияти шубҳасиз катта бўлган. «Матбааи Исҳоқия»нинг илм-маърифат тарқатиш мақсадида ташкил қилинганлигини яна шундан ҳам билишимиз мумкинки, Исҳоқхон матбаага нур таратаётган қуёшнинг тасвирини ишлаб, қуёш ичига «илм» сўзини ёзган. Бу билан маърифатпарвар Ибрат илмни нур сочаётган қуёшга ўхшатади. Бу рамзий белги матбаада чоп этилган китобларнинг кўпида мавжуд эди. Литография ўз харажатларини қоплаш ва кредит қарзидан қутулиш мақсадида турли буюртма қабул қилиш учун баъзи асарлар охирига қуйидаги мазмунда эълонлар берган: «Ушбуни эълон этамиз, ушбу кундан бошлаб ибтидоан матбаамизда буюртмалар қабул қилинур. Чунончи, рисолалар, эълонномалар, ҳар хил бланкалар ва табрикномалар, ишчутлар, карточкалар, мактуб варақалари, ҳар нима чоп қилмоқ мумкин. Нимарсалар ғоят яхши ва нафис ўзига боп қоғозда чоп этиб, зийнатлаб, муштарийларимизни ҳусни ризоларига мазхар бўлмоқ саъй ва ижтиходимиздур... Матбаамизни вилоятда танҳо қилмоқ аввалдан матлабимиздур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Анқариб уруфот босмахонаси ҳам очилур, асбоблари ҳам тайёр. Ҳукуматдан ижозат олинган»[1].

Бу сўзлардан кўриниб турибдики, Исҳоқхон матбаанинг очилган йилиёқ уни кенгайтириш, ўлкада энг кўзга кўринган босмахоналардан бирига айлантириш учун ҳаракат қилган, керакли анжомларни тайёрлаган, ҳукуматдан рухсат ҳам олган. Унинг бу ҳаракатлари зое кетмади. Халқ ўртасида китоб ва турли рисолаларга талабнинг ортиши натижасида литография 1910 йилда Наманган шаҳрига кўчирилди ва типолитографияга айлантирилди. 1910—1913 йилларда Хусаин Макаев матбаа мудири бўлиб ишлади, 1913—1917 йилларда эса матбаага М. Н. Абдусатторов раҳбарлик қилди. Бу даврда матбаа Туркистон миқёсида катта аҳамият касб этди, «Матбааи Исҳоқия»да катта ҳажмдаги асарлар ҳам нашр қилина бошланди.

Исҳоқхоннинг ҳуснихатга, хат-савод чиқаришга бағишланган «Санъати Ибрат», «Қалами Мирражаб Бандий» рисоласи, «Илми Ибрат» номли шеърлар тўплами, ёзувлар тарихига бағишланган «Жомеъул хутуту» каби маърифатпарварлик руҳи билан суғорилган рисола ва китоблари ўзи ташкил қилган матбаада нашр этилди.

Наманган матбааси маҳсулотининг кун сайин ортиб бориши шаҳар ва қишлоқларда китоб дўконлари ва китоб бозорларининг бирмунча кўпайишига сабаб бўлади. 1910 йилдан бошлаб Наманган шаҳрида 13 та, Чустда 2 та, Попда 2 та, Янгиқўрғонда 1 та китоб дўкони очилди. Бу дўконларда асосан «Матбааи Исҳоқия»да нашр қилинган китоблар жуда арзон нархларда сотилар эди. Бу матбаада нашр қилинган асарлар мавзуси ҳам анча диққатга сазовор. Текширишлар шуни кўрсатадики, мазкур матбаада асосан маърифатпарварликка оид рисолалар нашр қилинган. Бу ишда асосан ташаббусни Исҳоқхон Ибрат кўрсатди.

Маърифатпарвар Исҳоқхон халқнинг билим савиясини янада ошириш ниятида кутубхона ташкил қилишга киришади, у яна ташаббусни ўз қўлига олиб, ўз уйида анчагина бой кутубхона ташкил қилди ва уни «Кутубхонаи Исҳоқия» деб атайди. Исҳоқхон архивидаги китоблар рўйхати шуни тасдиқлайдики, кутубхонада таълим-тарбия ва ўқитишга оид ўзбек, рус тилида кўп китоблар бўлган; бу кутубхонадан қишлоқ аҳолиси унумли фойдаланган. Исҳоқхон Ибрат ўз мактаби ўқувчиларини кутубхонада сақланувчи китоблар билан таъминлаган. Кутубхонанинг мактаб ўқувчиларига бағишланган қисмида Саидрасул Саидазизовнинг «Устоди аввал», Абдулла Авлонийнинг «Адабиёт», «Биринчи муаллим», Рустамбек Юсуфбек хожи ўғлининг «Раҳбари ҳисоб» (1912 йил), С. М. Граменицкийнинг «Первая книга для чтения», «Вторая книга для чтения», Наманган рус-тузем мактабининг ўқитувчиси М. М. Орақуловнинг «Самоучитель

[1] **Исҳоқхон Ибрат.** Илми Ибрат. «Матбааи Исҳоқия», Тўрақўрғон 1909, 16-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

русского языка» для русско-мусульманских школ», В. П. Наливкин ва М. Наливкиналарнинг «Сартовско-русский словарь, «Русско-сартовский словарь» каби асарлари, 50 дан ортиқ дарслик ва қўлланмалар, таълим-тарбияга оид китоблар бўлган. Булардан ташқари, «Кутубхонаи Исҳоқия»да ўзбек ва форстожик шоирларининг мингдан ортиқ қўлёзма ва босма китоблари бўлган. Маълумотларга қараганда, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланувчи Юсуф Хос Ҳожибга тегишли «Қутадғу билиг» асарининг Наманган нусхаси, деб ном олган нодир қўлёзмаси «Кутубхонаи Исҳоқия»га мансубдир.

Ибратнинг маърифатпарварликка оид фаолиятининг туб моҳияти шундаки, унинг хоҳ илм-маърифатга чорловчи шеърларида, хоҳ публицистик, хоҳ илмий асарларида, хоҳ амалий фаолиятида бўлсин, инсон тақдири биринчи ўринга олиб чиқилади. У ўз ижодида халқнинг иқтисодий-маданий ҳаётига хизмат қилувчи илм-фанни, техникани куйлайди. Шу нуқтаи назардан унинг «Тарихи чофхона», «Маданият ҳақида маснавий». «Туркистон аҳлига хитоб», «Газета хусусида», «Табрик Наманган-дин», «Қалам», «Тарихи манзумаи вагон Ибратдин ёдгор», «Муҳаммаси Ибрат» каби шеърлари айниқса диққатга сазовордир. Шоир бу шеърларида илғор фан-техника, маданиятнинг оташин куйчиси сифатида майдонга чиқиб, мамлакатни, халқни қолоқликка етакловчи амалдаги қонун-қоидаларни кескин фош қилади.

Исҳоқхон хотин-қизлар озодлиги, уларнинг эркаклар билан бир қаторда илм олишлари, меҳнат қилишлари учун кураш олиб борди. 1919 йилда унинг ташаббуси билан Наманганда ўзбек аёллари учун биринчи марта янги мактаб очилди ва Исҳоқхоннинг таклифи билан Ҳусаин Макаевнинг рафиқаси Фотима Макаева ўзбек аёлларига дарс бера бошлади.

Исҳоқхон Ибрат аёллар, ёшлар ўртасида мактабнинг аҳамияти, илм-фан ютуқлари ҳақида суҳбатлар, лекциялар уюштириб турди.

Исҳоқхон Ибрат бу даврда ижодий иш билан бир қаторда жамоат ишлари ҳам олиб борди. У қишлоқни ободонлаштириш, маориф, маданият, таълим-тарбия ишларини тубдан яхшилашда фаол қатнашди. Мактаблар очиш, малакали ўқитувчи кадрлар тарбиялаб етиштириш, ёппасига саводсизликни тугатиш, халқ фарзандларини мактабларга тортиш ишларида фаол иштирок этди.

Исҳоқхон Ибрат 1937 йилда 75 ёшида вафот этди. Ижодкор халқимиз фан, техника, маданият, адабиёт ҳамда педагогикамиз тараққиёти тарихидаги улкан хизматлари учун Исҳоқхон Ибратни ҳурмат қилади. Ҳукуматимиз ҳам халқнинг бу ҳурматини қўллаб-қувватлаб, Тўрақўрғон тумани марказидаги 44-ўрта мактабни унинг номи билан аташга қарор қилди. Маърифат дарғаси, оташин шоир, олим ва моҳир ўқитувчи, шубҳасиз, ана шундай таҳсинга лойиқдир, албатта.

www.ziyouz.com kutubxonasi

САИДАҲМАД СИДДИҚИЙ

(1864—1927)

Саидаҳмад Сиддиқий ҳунарманд-деҳқон оиласида туғилиб ўсди. Бошланғич мактабни тугатганидан сўнг мадрасага ўқишга кирди. Аммо тез орада турмуш қийинчиликлари сабабли мадрасани ташлаб, ота каби тикувчилик билан машғул бўлди. Шунинг билан бир вақтда рус тилида ташкил этилган мактабга ҳам қатнай бошлайди ва рус тили ҳам адабиётини мукаммал эгаллаб борди.

С. Сиддиқий Россия, Европа ва Осиёдаги қатор мамлакатларда саёҳатда бўлади. У 1903 йили Самарқандга қайтиб келиб, маданият ва маорифнинг фаол тарғиботчисига айланади. У рус тилини ўз халқи яхши ўзлаштириб олиши ҳақида қайғурган биринчи маърифатпарварлардан эди.

Сиддиқий ўз ижтимоий фаолиятида Л. Н. Толстой, Н. В. Гоголь, М. Ю. Лермонтов, И. А. Крылов, А. С. Пушкин ва бошқаларнинг ижоди билан яқиндан танишади. Уларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилиб, нашр эттиришга эришади. Жумладан, «Шинель»ни (Гоголь) ўзбек ўқувчилари Сиддиқий таржимасида биринчи бор ўқишга муваффақ бўлганлар.

Сиддиқий Самарқанд вилоятидаги Халвои номли ўз қишлоғида деҳқон ва ҳунармандларнинг болаларига янги усул мактабини ташкил этиб, унда таълим-тарбияни ўша давр илғор мактабларнинг тажрибаси асосида қуради. У эски мактаб иш фаолиятидаги хато-камчиликларни қаттиқ танқид остига олади ва янги усул мактабининг ижтимоий, сиёсий ва педагогик ютуқларини кенг ёритишга дадил эътибор берди.

Сиддиқий вилоятда биринчи бор катта ёшлилар учун янги усул мактаб очиб, маданий ҳаётда катта ўзгариш ясади. У 1914 йил «Зарафшон» номи билан китоб савдо дўкони очиб, унда кўргазмали қуроллар, методик, дарслик адабиётлар, ўқув қуроллари ҳамда журналлар билан савдо қилишга шароит яратади.

С. Сиддиқий кўплаб асарлар ёзди. Кейинчалик улар тожик ва ўзбек тилларида нашр қилинган эди. Унинг асарлари «Мираъоти ибрат» (1912 йил, Тифлис), «Анжумани арвоҳ» (Тифлис, 1912 йил), «Ганжинаи ҳикмат» (Тошкент, 1914 йил) ва «Айнул адаб» (Тошкент, 1915 йил) каби тўпламларида нашр қилинган эди.

У ўзининг қатор асарлари ва нутқларида мактабларда дунёвий фанларни кўплаб ўқитиш, дунёвий таълим бериш ғоясини олға суриб, бунинг учун Улуғбек, А. Дониш, Фурқат, Муқимий ва бошқалар ижодини пухта ўргатиш, тарбиявий ишда қўллаш ғояларини тарғиб қилади.

Маълум бўлдики, Сиддиқий биринчилардан бўлиб Самарқанддагина эмас, қишлоқ туманларида ҳам янги усул мактаб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари очиб, унда нафақат ўзбек, тожик болаларини, балки рус болаларини ҳам ўқитишга муяссар бўлган.

Сиддиқий таълим услубиятига катта меҳр билан муносабатда бўлиб, ўқитишнинг янги усулини илмий, онгли, тушуниб ўқитиш принципларини эскича ҳижжалаб ўқитишга қарама-қарши қўйди. Моҳир ўқитувчи дарсларни қатъий тартиб дарс жадвали асосида ташкил этиб, ўзбек, рус тилларида чуқур таълим бера олган. У табиатшунослик, география дарсларида машғулотларни Булунғур дарёси ёнида очиқ ҳавода амалий машқлар билан ўтишга эришган. Шу усул билан болаларни фан, жамият, табиат қонунларини, сирли воқеаларнинг асл мазмунини тушуниб олишларига алоҳида диққат қилган. Болаларга уй вазифаси бермаган, ота-оналар билан жуда яқиндан муносабатда бўлган.

Саидаҳмад Сиддиқий 1918—21- йиллар давомида ҳуқуқ ишлари комиссари вазифасида ишлади. 1921 йилдан умрининг охиригача педагогик ишда ишлаган, «Хизмат кўрсатган ўқитувчи» юксак унвонига сазовор бўлган.

АБДУҚОДИР ШАКУРИЙ

(1875—1943)

Абдуқодир Шакурий 1875 йилда Самарқанднинг Ражабамин қишлоғида боғбон оиласида туғилди.

Шакурий эски усулдаги мактабни тамомлаганидан кейин Самарқанд шаҳридаги мадрасага ўқишга киради. Шакурий ўзбек ва тожик тилларида ёзган таржимаи ҳолларида рус гимназиясига бориб, унинг ички тартиб қоидалари ва ўқитиш усуллари билан танишганлигини қайд қилади. Шундан кейин ёш муаллимда ўз халқининг болалари учун ҳам шу тартибдаги янги мактаб ташкил қилиш орзуси пайдо бўлади. Маълумки, буюк ўзбек маърифатпарвари ва демократ шоири Фурқат ҳам ўзининг «Гимназия» шеърида болаларни саводли қилиш, уларга билим беришни, яъни гимназиянинг эски усулдаги мактаб-мадрасаларга нисбатан афзаллигини таъкидлаган эди.

Абдуқодир Шакурий Самарқанд гимназиясида кўрган ва ўзи орзу қилган янги ўқитиш усуллари Россиянинг турли жойларида яшаган бошқа туркий халқларда ҳам мавжудлигини газеталардан билиб олади. Кейинчалик, у соатсоз Бахириддиндан Қўқонда бир татар ўқитувчиси янги усулдаги мактаб очганлигини эшитади.

Шакурий дўстлари ёрдамида Қўқон шаҳрига боради ва у ерда ўн кун давомида янги мактабдаги ўқиш-ўқитиш усуллари билан танишади. Самарқандга қайтиб келгач, бу янги усулларни ўзи очган мактабда қўллай бошлайди.

Шакурий дастлаб мактабда ўқув жиҳозларни ўзгартиради. У усталарга парта ва доскалар буюради. Шу асосда биринчи марта ўз қишлоғи Ражабаминда 1901 йилнинг кузида янги усулдаги мактаб ташкил қилади. У даврларда дарслик ва қўлланма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

пирган эдик. Демак, у Самарқандда янги усулдаги мактабнинг тарғиботчи ва ташкилотчиларидан бири эди. Бу ишдан у ҳеч қандай моддий манфаатни кўзда тутмас ва айни чоқда ҳеч ким унга моддий ёрдам бермас эди.

Абдуқодир Шакурий 1917 йил тўнтаришига қадар ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланди. 1917 йилда Самарқанд шаҳрининг бир гуруҳ илғор кишилари А. Шакурийнинг педагогик фаолиятининг 15 йиллигини нишонладилар.

1921 йилда Самарқанд шаҳридаги 13- мактабга мудир қилиб тайинланди. У болаларни тарбиялаш, ўқитишга катта ғайрат билан киришди, кўп йиллар давомида шу мактабнинг мудири ҳамда она тили ва адабиёт ўқитувчиси вазифаларида ишлади.

Самарқанд мактабларига Шакурий биринчи бўлиб меҳнат ва мусиқа дарсларини киритди. У болаларни қишлоқ хўжалик ва боғдорчилик ишлари билан таништиришдан ташқари, уларга муқовасозлик, дурадгорлик ва бошқа ҳунарларни ҳам ўргатар эди, бу машғулотлар учун алоҳида соатлар ажратган эди.

1923 йилнинг бошларида «Правда» газетаси мамлакатимиз бўйича энг намунали илғор мактаб ҳамда моҳир ва тажрибали ўқитувчилар учун танлов эълон қилди. 1923 йилнинг 8 июлида газетада шу танлов натижалари эълон қилинади. Ана шу ўқитувчилар таркибида республикадаги мактаб ўқитувчиларидан А. Шакурий бор эди. Бошқа илғор ўқитувчилар қаторида унинг номи ҳам «Правда» газетасининг қизил доскасига киритилади ҳамда пул мукофоти топширилади ва Шакурий ҳақида бир яхши мақола эълон қилинади.

Бундан кўринадики, маърифатпарвар педагог Шакурий янги усулдаги мактаблар ташкил қилишда, ўқиш-ўқитишнинг янги тартибларини жорий этиш ва ўқитувчиларнинг катта гуруҳини тарбиялаб етиштиришда хизматлари жуда катта бўлган ва газета редакцияси томонидан юқори баҳоланган.

1925 йилда А. Шакурийнинг ташаббуси билан қишлоқ аҳолиси ўз маблағлари ҳисобига тўрт синфли янги мактаб қуриб ишга туширади.

САДРИДДИН АЙНИЙ

(1878—1954)

С. Айний ҳозирги Бухоро вилоятининг Ғиждувон ноҳиясига қарашли Соктаре қишлоғида, камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. Илк маълумотни эски мактабда ҳамда Бухоро мадрасаларида олди. С. Айний дунёқарашининг шаклланишида Ўрта Осиёда авж олган миллий-озодлик ҳаракати катта таъсир кўрсатди. Бу даврда С. Айний меҳнаткаш халқнинг оғир аҳволига бирдан-бир сабаб — унинг саводсиз, маърифатсиз эканлиги, деб тушунарди. Шунинг учун ҳам, у янгича усулдаги мактаб очиш учун кўп куч сарфлайди. С. Айний ўзининг «Бухоро инқи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лоби тарихи учун материаллар» номли асарида: «Таълим усули жуда бузуқ, айниган эди. Биз ҳаммамиз қоида ва методни билмасдан қийналар эдик. Бизни болаларга таълим беришни ислоҳ қилиш муаммоси қизиқтирарди»,— деб ёзади.

Самарқанддаги янгича усулдаги мактаб ташкилотчиларидан бири — А. Шакурийнинг мактабидаги таълим-тарбия ишлари билан яқиндан танишгач, С. Айний тожик тилида «Тарти-ул Қуръон» («Қуръонни тўғри ўқиш ҳақида»), «Зарурияти диния» («Диний йўл-йўриқлар»), «Тахзиб-ус-сибиён» («Ёшлар тарбияси») каби дарсликларни яратди.

Бу китоблар орасида «Ёшлар тарбияси» педагогика фани учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Асарда ўша вақтлар учун долзарб бўлган кўпгина педагогик ғоялар илгари сурилган.

Бухоролик мутаассиб доиралар Айнийнинг бу дарслигидаги эрксевар, илғор фикрларни пайқагач, Бухоро амирига арз қилиб, мазкур дарслик асосида ўқитиш ишларини олиб бораётган мактабларни ёптиришга эришдилар. Бироқ, янгича усул мактабининг тарафдорлари 1910 йилда «Болалар тарбияси» («Тарбияи атфол») номли махфий жамиятни туздилар. Жамиятнинг асосий мақсади халқни илм-маърифатли қилиш, халқ оммаси орасида адабиётлар тарқатиш, исрофгарчиликка ва зарарли одатларга қарши кураш олиб бориш, салбий иллатларга қарши ташвиқот ишлари олиб боришдан иборат эди. Бу жамият янгича усулда ўқитадиган мактабларни махфий равишда очар ва болаларни ўқитиб, саводли қилгач, яна билим олишлари учун Оренбург, Қозон, Уфа, Қримга юборар эди.

Ижтимоий фаолияти жараёнида С. Айнийнинг халқ оммасининг оғир турмуш кечиришининг асл сабабларига доир қарашларида ҳам чуқур ўзгариш юз берди. Натижада у, Бухоро амири томонидан ўтказилган ислоҳотга (1917) жон-жаҳди билан қарши бўлди. Жадидлар раҳбарлари амир билан сулҳ тузишга қарор қилган пайтда ҳам у бундай сулҳ тузишга кескин қарши чиқди: «Амир билан ярашиб бўлмайди»,— деди у.

1917 йил тўнтаришдан сўнг С. Айний халқ маорифи муаммолари билан фаол шуғулланди. У Самарқанд шаҳрининг Қушҳовуз маҳалласида бир синфли мактаб очиб, ёш авлодга таълим-тарбия бера бошлади, унинг бу мактаби саккизинчи синф ҳажмида билим берар эди. Мактабда Абдужабборов — физика-математикадан, Айнийнинг ўзи эса ўзбек тили ва адабиёти, тожик тили ва адабиёти, тарих, ашула, меҳнатдан дарс ўтган. У ўзи дарсликлар тузди ва бошланғич ҳамда ўрта мактаблар учун ўзбек ва тожик тилларида дарсликлар тузишда фаол иштирок этди. Қизлар мактаби учун ёзган «Қиз бола ёки Ҳолида» номли ўқиш китоби шулар жумласидандир.

С. Айний Ўрта Осиё халқлари тарихининг билимдони сифатида «Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар», «Манғит амирларининг тарихи» каби тарихий асарларни ёзди. Олим ўзбек ва тожик адабиётининг мумтоз ёзувчилари ижодини ўрганиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

юзасидан ҳам катта илмий изланишлар олиб борди. Рудакий, Фирдавсий, Абу Али ибн Сино, Саъдий Шерозий, Алишер Навоий, Мирза Абдулқодир Бедил, Аҳмад Дониш каби алломалар ҳақидаги илмий-тадқиқот ишлари билан фан соҳасига катта улуш қўшди. Ленинград Давлат дорулфунуни Илмий Кенгаши Айнийнинг фан соҳасидаги улкан хизматларини юксак тақдирлади ва унга филология фанлари доктори илмий даражасини берди. Унинг фан соҳасида кўплаб ерли зиёлиларнинг докторлик ва номзодлик ишларига раҳбарлик қилганлиги, айниқса, Самарқанд Давлат университетидаги фаолияти диққатга лойиқдир.

С. Айнийнинг ҳаёти ва ижоди, педагогик фаолияти ўсиб келаётган авлод учун намунадир. Ундаги меҳнаткашлик, иродалилик, илм-маърифатни эъзозлаш ва уни бойитишга интилиш, мардлик каби олижаноб хислатлар ёш авлод тарбияси билан шуғулланувчи ўқитувчилар шахсиятини шакллантиришга катта таъсир кўрсатувчи омилдир.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ

(1878—1934)

Халқни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш ҳамда маънавий ислоҳатлар ўтказиш, яъни қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, ота-боболаримиз қадриятларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш каби вазифаларни амалга ошириш йўлида республикамизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, И. А. Каримовнинг «Миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётга тадбиқ этиш» ҳақидаги фикрлари биз тарбиячи-муаллимларнинг ҳам ҳаракат дастуримиздир. Чунки, истиқлол мафкураси биз шу вақтгача амал қилиб келган мафкурадан фарқ қилиб, у халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, динига ва тилига, руҳиятига, умуминсоний қадриятларга садоқат, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, адолат, маърифат туйғуларини кишилар онгига сингдиришга асосланган дир.

Ҳақиқатан, республикамизни тараққиёт даражасига кўтарадиган чинакам комил инсонни шакллантириш — бу унинг маънавиятини шакллантиришдир.

Маънавият эса халқнинг асрлар давомида шаклланган ҳаёт тарзи бўлиб, халқининг таълим-тарбияга оид қадриятлари ана шу улкан тараққиётнинг узвий қисми бўлиб ҳисобланади. Унда ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда қўлланган усуллар, миллий урф-одатлар, анъаналар, тарбияга оид ғоялар мужассамланган. Бу ғоялар эса алломаларимизнинг бой ижодий меросларида ўз аксини топган. Ана шундай ижодий мерос қолдирганлардан бири, яъни асримиз бошида маданий ҳаётимиз тараққиётида муҳим ўрин эгаллаган инсон — Абдулла Авлонийдир.

Таниқли ўзбек педагоги ва олими Абдулла Авлоний 1878 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

12 июлда Тошкент шаҳрининг Мерганча маҳалласида, майда ҳунарманд-тўқувчи оиласида дунёга келди. Ота-онаси саводли кишилар бўлганлар. Абдулла Авлоний эски усул мактабини тамомлагандан кейин 12 ёшида мадрасага ўқишга киради. У ёзда ишлаб ота-онасига ёрдам қилар, бошқа вақтларда ўқир эди. Ўта иқтидорли бўлган Абдулла Авлоний 15 ёшида шеърлар ёза бошлади. Дастлабки шеърлари «Таржимон» газетасида босилади. У ўзининг дастлабки шеърларида ва «Ҳижрон» деган мақоласида халқни янги усул мактабларида ўқиб-ўрганишга тарғиб қилди. Абдулла Авлоний 1907 йилда «Шуҳрат» ва «Осиё» номли янги газеталар чиқара бошлади, лекин чор амалдорлари тез орада газеталарни ёптириб қўяди. А. Авлоний кейинроқ «Садойи Туркистон» (1914—1915), «Турон» (1917), «Иштирокиюн» (1918) газеталарида, «Қасабачилик ҳаракати» (1921) журналида муҳаррир бўлиб ишлайди. Шундан сўнг, у ўзбек матбуотининг забардаст вакили, ўзбек матбуотининг асосчиларидан бири сифатида танилади.

А. Авлоний халқ орасида илғор фикрларни тарқатишда, илм ва маърифатни ташвиқ қилишда газета, журналларнинг роли ғоят катта эканлигини яхши билар эди. У 1907 йили «Шуҳрат», «Осиё» номли газеталар чиқариб унга муҳаррирлик қилади. Газетанинг биринчи сонида матбуотнинг роли, газетанинг вазифаси ҳақида фикр юритиб, «Матбуот ҳар инсонга ўз ҳолини кўрсатувчи, аҳвол-оламдан хабар берувчи, қоронғи кунларни ёритувчи, халқ орасида илм, иттифоқ, ҳиммат ғоялари»ни ёювчидир деб, балиқнинг сувсиз яшамоғи мумкин бўлмагани каби инсоннинг ҳам илмсиз яшамоғи мумкин эмаслигини уқтиради.

XX аср бошларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва педагогик фикрларнинг ривожида Абдулла Авлоний алоҳида ўрин эгаллади, бутун фаолияти даврида у ўз халқига хизмат қиладиган комил инсонни етиштириш, унинг маънавиятини шакллантиришга алоҳида эътибор берди.

Абдулла Авлоний ўзбек халқининг санъати ва адабиёти ҳамда миллий маданиятини, халқ таълими ишларини йўлга қўйишда катта хизматлар қилган адиб, жамоат арбоби ва истеъдодли педагогдир.

А. Авлоний ўзбек зиёлилари ичида биринчилардан бўлиб, ўзбек халқ театрини профессионал театрга айлантириш учун 1913 йилда «Турон» номи билан театр труппасини ташкил қилади. Бироқ бу труппанинг профессионал театрга айланиши учун катта тўсиқлар бор эди. Чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати халқнинг ижтимоий онгининг уйғонишига ёрдам кўрсатувчи театрларнинг барча шаклларига қарши эди. Театрга ана шундай салбий муносабатда бўлган бир пайтда Авлонийнинг театр труппасини ташкил қилиши ва ижтимоий мазмундаги пьесаларни саҳналаштириши унинг халқ маърифати йўлидаги зўр жасорати эди. М. Раҳмонов Авлонийнинг театрчилик фаолияти ҳақида қуйидагиларни келтиради:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Авлоний труппа учун «Адвокатлик осонми?», «Пинак», «Икки муҳаббат», «Португолия инқилоби» каби драмалар ёзди, «Қотили Қарима», «Уй тарбиясининг бир шакли», «Хиёнаткор оиласи», «Бадбахт келин», «Жаҳолат», «Уликлар» каби саҳна асарларини татарча ва озарбайжончадан таржима қилади[1]. Аммо бу асарлари нашр қилинмади.

1916 йили озарбайжонлик машҳур актёр Сидқий Руҳилло Тошкентга келиб, «Турон» труппаси билан бирга «Лайли ва Мажнун» спектаклини қўяди. Авлоний бу спектаклда Қайснинг отаси ролини ижро этади. Труппа аъзолари билан Авлоний 1914—1916 йиллари Фарғона водийсида гастролларда бўлади.

Абдулла Авлоний 1917 йил тўнтаришига қадар Туркистонда жуда катта ижтимоий-маърифий ишларни амалга оширган жадидлар ҳаракатининг кўзга кўринган намояндаларидан эди. А. Авлоний илғор зиёли кишилар билан ҳамкорликда театр томошалари ва матбуотдан тушган маблағларга дунёвий илмларни ўқитадиган «Усули жадид», яъни янгича илғор усулдаги мактаблар очдилар ва бу мактабларда халқ болаларини ўқитдилар. Улар ўз миллатларидан етук олимлар, билимдон мутахассислар, маданият арбоблари етишиб чиқиб, юртни обод, Ватанни озод, фаровон этишларини орзу қилдилар ва бу йўлда фидойилик кўрсатдилар.

Абдулла Авлоний 1907 йилда Тошкентнинг Миробод маҳалласида, кейинчалик Дегрез маҳалласида янги усулдаги мактаблар очди. Мактаблардаги ўқув асбоб-жиҳозларини ўзгартирди, ўз қўли билан парта ва доскалар ясади. Мактабга қабул қилинган болаларнинг асосий қисми камбағал кишиларнинг болалари бўлганлиги учун уларни кийим-кечак, озиқ-овқат, дафтар-қалам билан таъминлаш мақсадида, дўстларининг кўмагида «Жамияти хайрия» ташкил этади ва бу жамиятга ўзи раислик қилади. «Нашриёт» ширкати тузиб, Хадрада «Мактаб кутубхонаси» номли китоб дўконини очди. Авлонийнинг мактабн ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларига кўра машғулотларни синф-дарс тизими асосида ўз она тилида олиб борилиши билан эски усул мактабларидан фарқ қилади. У ўз мактабида болаларга география, тарих, адабиёт, тил, ҳисоб, ҳандаса, ҳикмат каби фанлардан муайян маълумотлар беради.

А. Авлонийнинг илк ўқувчиларидан бири, Тошкент Давлат университетида узоқ йиллар дарс берган таниқли педагог, марҳум Юсуф Тоҳирий Авлоний Мирободда ташкил қилган мактаб ҳақидаги хотираларида шундай деб ёзган эди:

«Шаҳарнинг қарама-қарши чеккасида, темир йўл ишчилари истиқомат қиладиган Мирободда янги типдаги мактаб очилганлиги ҳақида эшитиб қолдик. Тез орада бу мактабнинг фазилатлари ҳақидаги шов-шувлар, унинг муаллими Авлонийнинг дов-

[1] М. Раҳмонов. Ўзбек театри тарихи (XVIII асрдан XX аср аввалигача), «Фан», Т., 1968 йил, 333- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

руғи бутун шаҳарга тарқалди. Ҳамманинг тилида: «Мирободдаги мактаб 6 ойда ўқиш-ёзишни ўргатармиш, жуғрофия, ҳисоб, табиатни ўрганиш деган дарслар ўқитилармиш», — деган гап юраради. Бизга жуда сирли туюлган бу мактабни ва унинг донишманд муаллимини кўришга ошиқардик. Ниҳоят бир куни учтўрттамиз боришга жазм қилдик.

Мактаб пастаккина, ним қоронғу бўлиб, масжид йўлагига жойлашган эди. Хонанинг тепасидаги ёруғлик учун қолдирилган туйнукдан қиш ва баҳорда қор билан ёмғир ҳам тушиб турарди. Лекин хонада ўқувчилар ва домланинг шогирдлари кўп эди. Хаёлимизда домланинг аллақандай бир сирли томони бор эди. Бизни қотмагина, кичик жуссали, қорачадан келган, истараси иссиқ, чўққи соқол бир киши кутиб олди. Бу номи тилга тушган муаллим Авлоний эди. Ўқишга қабул қилиндик. Кўп ўтмай кўз олдимизда янги бир дунё очилганига тўла ишонч ҳосил қилдик. Болаларимизнинг олди бир неча йилдан бери мактабга қатнаб юрган бўлсалар ҳам мирободликлар олдида уялиб қолдик. Улар ўқиш-ёзишда, ҳисоб масалаларини ҳал этишда, табиат ҳодисаларидан хабарлари билан ҳаммамизни лол қолдиришди. Айни замонда бизнинг эски мактабимиз бўшаб, Мирободдаги Абдулла Авлоний мактаби биздан борган болалар билан лиқ тўлди. Шу тариқа бу мактаб тобора шуҳрат топиб борди»[1].

А. Авлоний «Усули жадид» мактаблари учун тўрт қисмдан иборат «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» ҳамда «Биринчи муаллим» (1912), «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» (1913), «Иккинчи муаллим» (1915), «Мактаб гулистони» (1917) каби дарслик ва ўқиш китоблари яратди. Бу асарларида ҳамда публицистик мақолаларида дуиё халқлари маданиятини, илм-фанни, мактаб ва маорифни улуғлаб, ўз халқини илмли, маданиятли бўлишга чақиради.

Асримиз бошларида янги мактаблар учун ёзилган алифбелар анчагина эди. Шулар орасида Авлонийнинг «Биринчи муаллим»и ҳам ўзига хос ўрнига эга; «Биринчи муаллим» 1917 йил тўнтаришига қадар 4 марта нашр этилган. Авлоний уни ёзишда мавжуд дарсликларга, биринчи навбатда Саидрасул Азизийнинг «Устози аввал»ига суянади (дарс бериш жараёнида орттирган тажрибаларидан самарали фойдаланади).

Авлонийнинг «Иккинчи муаллим» китоби «Биринчи муаллим» китобининг узвий давомидир. Биз биринчи китобини, шартли равишда, алифбе деб, иккинчи китобни хрестоматия деб атасак жоиз бўлар, десак хато бўлмас.

Китоб мактабни олқишловчи шеър билан бошланади:

Мактаб сизи инсон қилур,
Мактаб ҳаёт эҳсон қилур,

---

[1] **Ю. Тоҳирий.** Доно Мураббий. «Тошкент оқшоми» газетаси, 1966 йил, 10 ноябрь.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мактаб ғами вайрон қилур,
Ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!

Мактабдадур илму камол,
Мактабдадур ҳусну жамол,
Мактабдадур миллий хаёл,
Ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!

Бу шеърда Авлоний мактабни инсоннинг нажот йўли, ҳаётнинг гулшани, кишиларни камолот сари сафарбар қилувчи куч, деб мақтайди.

Китобдаги берилган дастлабки икки ҳикоя «Сахийлик» ва «Бахиллик» деб номланган. Биринчи ҳикояда ўша давр турмушига хос бўлган воқеа тасвирланади. Саид исмли боланинг отаси ҳар куни ўғли мактабга кетиши олдидан унга 10 тийин овқат пули берарди. Бир куни Саид мактаб йўлида фақир кишини учратади.

«Ўғлим, икки кундан бери очман, таом олиб ей десам устимдаги йиртиқ чопондан бошқа ҳеч нарсам йўқ»,— дейди у. Саид қўлидаги 10 тийинни беради ва ўша кунни овқатланмасдан ўтказади. Отаси ўғлоннинг олижаноблигидан мамнун бўлади, «Сахий Саидим» деб олқишлайди. Эртасига 20 тийин бериб юборади.

«Бахиллик» ҳикоясида бир бадавлат киши мисолида унинг бахиллиги, хасислиги, зиқналиги ва пасткашлиги кўрсатилади.

«Бир бахил кишининг уйига бир неча дўстлари меҳмон бўлиб келди. Бахил меҳмонларни зиёфат қилиш ўрнига беҳуда сўзларни сўзлаб ўлтирди. Орадан кўп вақт ўтгандан сўнг хизматчисини чақириб: «Бор таом пишган бўлса, олиб кел»— деди. Шул вақт хизматчи бир тобоқда пишган хўрозни олиб келган замон, бахил хизматчисига боқиб: «Бошини нима қилдинг?»— деди. Хизматчи:— Афандим! Нима қилур эдим, ташладим,— деди. Бахил:— Ҳе нодон, киши хўрозни бошини ҳам ташларми? Агар бир киши товуқнинг оёғини ташласа, мен бориб олур эдим. Бош аъзоларнинг хўжасидир. Хўроз ул бош ила қандай яхши қичқирар эди. Маржон каби тожи ҳам бошида эди. Энг ширин аъзоларидан саналган тили, энг улуғ аъзоларидан мияси, икки шаҳло кўзи, барчаси бошида эди. Бор, топиб кел, биз емасак меҳмонларга едирурмиз, деди»[1].

Абдулла Авлонийнинг педагогикага оид асарлари ичида «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари XX аср бошларидаги педагогик фикрлар тараққиётини ўрганиш соҳасида катта аҳамиятга моликдир.

«Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари ахлоқий ва таълимий тарбиявий асардир. Асарда инсонларни «яхшиликка чақирувчи, ёмонлардан қайтарувчи бир илм-ахлоқ ҳақида фикр юритилади. Шу жиҳатлардан қараганда бу асар Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қу-

[1] Абдулла Авлоний. «Иккинчи муаллим, 7- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тадғу билиг», Носир Хисравнинг «Саодатнома», Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Жомийнинг «Баҳористон», Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Аҳмад Донишнинг «Фарзандларга васият» асарлари шаклидаги ўзига хос тарбиявий асардир.

А. Авлоний педагог сифатида бола тарбиясининг роли ҳақида фикр юритиб «Агар бир киши ёшлигида нафси бузулиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, аллоҳу акбар, бундай кишилардан яхшилик кутмоқ ердан туруб юлдузларга қўл узатмак кабидур»,— дейди. Унинг фикрича, болаларда ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва боланинг атрофидаги кишилар ғоят катта аҳамиятга эга.

Ўзбек педагогикаси тарихида А. Авлоний биринчи марта педагогикага «Педагогия», яъни бола тарбиясининг фани демакдир», деб таъриф берди. Табиий, бундай таъриф Авлонийнинг педагогика фанини яхши билганлигидан далолат беради.

Абдулла Авлоний бола тарбиясини нисбий равишда қуйидаги тўрт бўлимга ажратади: 1. «Тарбиянинг замони». 2. «Бадан тарбияси». 3. «Фикр тарбияси». 4. «Ахлоқ тарбияси» ва бу ҳақида ҳамда унинг аҳамияти тўғрисида фикр юритади.

«Тарбиянинг замони» бўлимида тарбияни ёшликдан бериш зарурлигини, бу ишга ҳаммани: ота-она, муаллим, ҳукумат ва бошқаларнинг киришиши кераклигини таъкидлайди.

«Ал-ҳосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт—ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидур» деб уқтиради, Авлоний.

Тарбия хусусий иш эмас, миллий, ижтимоий ишдир. Ҳар бир халқнинг тараққий қилиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқ, деб ҳисоблайди адиб.

Тарбия зурриёт дунёга келгандан бошланиб, умрнинг охирига қадар давом этади. У бир қанча босқичдан — уй, боғча, мактаб ва жамоатчилик тарбиясидан ташкил топган. Авлоний тарбиянинг доирасини кенг маънода тушунади. Уни биргина ахлоқ билан чегаралаб қўймайди. У биринчи навбатда боланинг соғлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш лозимлигини уқтиради.

Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ, илм-маърифатга эга бўлиш учун баданни тарбия қилиш зарур. «Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумоқ, ўқутмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучли, касалсиз жасад лозимдир».

А. Авлоний бадан тарбияси масаласида болани соғлом қилиб ўстиришда ота-оналарга мурожаат қилса, болани фикр томондан тарбиялашда ўқитувчиларнинг фаолиятларига алоҳида эътибор беради.

Болаларда фикрлаш қобилиятини ўстириш ва бу тарбия билан мунтазам шуғулланиши бениҳоя зарур ва муқаддас бир вазифа. Бинобарин, у муаллимларнинг «диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадур... Негаки

www.ziyouz.com kutubxonasi

фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги, муаллимнинг тарбиясига боғлиқдур»[1].

Айни замонда муаллиф таълим ва тарбия узвий боғлиқ эканини ҳам таъкидлайди»: «Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидур»[2]— дейди.

А. Авлонийнинг фикрича, инсон бутун борлиқнинг кўрки ва шарафидир. Инсон ўз гўзаллиги ва мураккаблиги билан коинотдаги барча маҳлуқотлардан афзалдир. Бутун мавжудот инсонга хизмат қилиши керак, чунки инсон унинг соҳибидир. Чунки инсоннинг ақли бор. У шу ақл ёрдамида илм эгаллайди, илм туфайли дунёни бошқаради:

«Ақл,— дейди Авлоний,— инсонларнинг пири комили, муршиди ягонасидур, руҳ ишловчи, ақл бошловчидур. ...инсонни ҳайвонлардан сўз ва ақл ила айирмишдур. Лекин инсон ақл ва идроки соясида ўзига келадирган зарар ва зулмлардан сақланур. Ер юзидаги ҳайвонларни асир қилиб, бўйнидан бойлаб, ипларининг учини қўлларга берган инсонларнинг ақлидур». Авлоний инсонга ва унинг ақлига ана шундай юксак баҳо беради. «Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари нажотидур. Агар ақлингни қўли нафсингни жиловини ушласа, сани ёмон йўлларга кирмоқдан сақлар. Ҳар нарса кўп бўлса, баҳоси арзон бўлур, аммо ақл эса илм ва тажриба соясида қанча кўпайса, шунча қимматбаҳо бўлур»[3].

«Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» китоби маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилади. А. Авлоний китобда илм тўғрисида бундай дейди: «Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидур. Илм инсон учун ғоят олий муқаддас бир фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойина каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткур қилур,... Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабидур...». Авлоний илмни умуман эмас, балки унинг амалий ва ҳаётий фойдаларини айтиб, «Бизларни жаҳолат, қоронғуликдан қутқарур. Маданият инсониятни маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуғ ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва одоб соҳиби қилур... Алҳосил бутун ҳаётимиз, саломатимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳиммматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илма боғлидур»[4].

Адибнинг образли ифодасига кўра, илм бамисоли бодомнинг ичидаги мағиз. Уни қўлга киритиш учун меҳнат қилиш, яъни чақиб уни пўчоғидан ажратиб олиш керак.

У илмнинг жамият тараққиётидаги ролини яхши тушунади. Шунинг учун ҳам у, ёшларни илм сирларини билишга, ҳодисалар моҳиятини ечишга, китоб мутолаа қилишга чақиради. Унинг фикрича, илм агар жамият манфаатига хизмат қилмаса, халқ

---

[1] **Абдулла Авлоний.** «Иккинчи китоб», 14-бет.
[2] Уша китоб, 15-бет.
[3] **А. Авлоний.** «Иккинчи китоб», 17-бет.
[4] **Абдулла Авлоний.** Туркий гулистон ёхуд ахлоқ, 22—23-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

фаровонлиги йўлида қўлланмаса, у ўликдир. А. Авлоний ўз илмини амалда қўллай оладиган кишиларга юксак баҳо беради, уларни доно инсонлар, деб атайди.

А. Авлоний ўтмиш мутафаккирлари каби ёшларни фойдали касб-ҳунарни эгаллашга чақиради. Адиб бойлик кетидан қувувчиларни, уларнинг одамгарчиликка тўғри келмайдиган ишлар билан шуғулланаётганини кўриб, улардан нафратланади. Авлоний ёшларни бойликка ружу қўймасликка ундайди. Бойликни ўткинчи булутга ўхшатади.

А. Авлоний меҳнатсиз кун кечиришни барча ёмон сифатларнинг ибтидоси, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам у, меҳнатни улуғлайди, меҳнат кишининг энг гўзал фазилатидир, дейди. Бу жиҳатдан унинг «Ақлли боғбон» ҳикояси характерлидир.

Ҳикояда айтилишича: «бир боғбоннинг уч ўғли бўлиб, улар дангаса ва ишёқмас бўлганлар. Отада уларга мерос қоладиган тангатилло йўқ. Ота умри тугаётганини сезиб, фарзандлари тақдиридан ташвишга тушади. Ўйлаб-ўйлаб шундай йўл тутади. Ҳар учала ўғлини ёнига чорлайди. Кўзим очиқ экан, васиятимни сизларга айтиб кетай. Меҳнату машаққат ила бир кўза олтин йиққанман. Уни мана шу боққа, токларнинг бирини тагига кўмганман. У — сизларники. Бироқ бу ишга кўп йил бўлди. Ҳарчанд уринсам ҳам кўмилган жойни хотирлай олмадим. Уни ўзларингиз излаб топинглар ва ўзаро бўлишиб олинглар, дейди. Бир кўза тилла дарагини эшитган уч ишёқмас уни излашга тушиб кетади. Боғнинг ҳамма ерини ковлаб чиқишади. Сирли кўза чиқмайди. Яна эринмай ковлашга тушадилар. Қутилган натижа ҳамон йўқ. Шу тахлит боғ ичи бир неча қайта ағдартўнтар қилинади. Ерлар қазилавериб тупроғи упага айланиб кетади ҳамки, олтинли кўза топилмайди. Бу орада узумзордаги токларнинг энг чуқур илдизларигача очиб кўрилади. Боғда ўша йили чунонам ҳосил бўладики, ундан бир неча кўзани тўлдиргулик олтин оладилар. Уч дангаса ўғиллар ота гапларининг асл маъносини, олтин — меҳнатда эканлигини тушуниб етадилар»[1].

Адиб ушбу ҳикоячаси билан меҳнатни улуғлайди, ўқувчи қалбида меҳнатга муҳаббат уйғотади. Киши бахт ва саодатга фақат меҳнат орқалигина етишишини уқтиради.

А. Авлоний ўз асарида сабр, тоқат, сабот ва матонат масалаларига тўхтаб, «Ҳар бир ишда сабр ила ҳаракат қилмоқ лозимдур. Сабр инсонлар учун буюк бир фазилатдир, мақсадга етиш йўлидир. Нафсини сабр ила ром қилган киши ҳар ишда ошиқмай, оҳиста ҳаракат қилур. Нафсини ҳалокатдан, ғурурдан сақлар. Сабр шундай бир кучли нарсадурки, шаҳватни иффатга, ғазабни шижоатга, шиддатни ҳилмга, катталикни тавозуъга, ёмонликни яхшиликка айландурмоқга қуввати етар... Сабр шодлиғнинг калитидур...»[2].

[1] **Абдулла Авлоний.** Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. 226- бет.
[2] Ўша китоб, 228—229- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Авлоний интизомни инсон характерини тарбияловчи, мукаммаллаштирувчи манба, деб билади, ҳамда унга доим риоя қилиш кераклигини таъкидлайди: «Интизом қиладурган ибодатларимизни, ишларимизни ҳар бирини ўз вақтида тартиби ила қилмоқни айтилур. Агар ер юзида интизом бўлмаса эди, инсонлар бир дақиқа ҳам яшай олмас эдилар. Ҳар бир миллатнинг тараққийси ва толийси ишларини вақтида, низомдан чиқмай тартибли юритилмоқиға боғлиқдур... Чунки тартиб ва низомни риоя қилмаган кишиларнинг ишлари ҳамма вақт нотамом, ўзлари паришон бўлурлар. Аммо ишларини тартиб узра юритган кишиларнинг ишлари ерида, ўзлари тинч ва роҳатда умр ўтказурлар»[1].

Ватан туйғуси энг инсоний ва энг мўътабар туйғулардан бири. Ватанни шунчаки севиш мумкин эмас, унинг дарди билан яшамоқ, унинг бахтидан қувонмоқ у билан фахрланмоқ керак. Авлоний Ватан ва унинг олдидаги бурчни шундай тушунади:

«Ҳар бир кишининг туғулиб ўсган шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсғон ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу ватан ҳисси — туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан — уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳатда яшамас...

Биз туркустонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдиғимиз каби, араблар Арабистонларини, қумлик, иссиқ чўлларини, эскумулар шимол тарафларини, энг совуқ ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёд суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб ҳижрат қилур эди»[2],— дейди Авлоний.

Авлоний идрок ва зако деб очуқ фикрни, хушгабиат, зийрак бўлмоқни тушунади. У идрок ва закони маърифатпарварлик билан боғлаб, «ёшликдан бошлаб зеҳн ва идрокимизни қувватландурмоқ учун азиз умримизни ўйин-кулгу, сафсата, молояъни каби беҳуда сўзлар ила ўткармай, ҳар хил китоб, ғазета ва журналларни ўқуб, фикримизни очмоқ, зеҳнимизни қувватландурмоқ лозимдур»[3].

Бу эса Авлонийнинг халқни маърифатга ташвиқ қилганидан далолат беради. Хусусан, шоирнинг қуйидаги шеъри фикримизнинг далили бўла олади:

Идрок ила ақлинг-ла аюр яхши-ёмонни,
Беҳудага сарф этма, шу қимматли замонни.
Саъй эт, жадал эт, илму фунуна ҳаракат қил,
Боқ, найладилар ҳикмат ила ушбу жаҳоннн[4]

А. Авлоний ўз она тилини мукаммал билиш, ҳар бир сўзни ўз ўрнида ишлатиш, миллий адабий тилининг тараққийси учун жонкуярлик қилиш зарур,— дейди. «Ҳар бир миллатнинг дунёда

[1] **Абдулла Авлоний.** Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. 229- бет.
[2] Уша китоб, 230- бет.
[3] **Абдулла Авлоний.** Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ, 31- бет.
[4] Уша китоб, 32- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

борлигин кўрсатурғон ойнаи ҳаёти, тили ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмоқ миллатнинг руҳини йўқотмоқдур. Ҳайҳот! Биз Туркистонликлар миллий тилни сақламоқ, бир тарафда турсун кундан-кун унутмоқ ва йўқотмоқдадурмиз. Тилимизнинг ярмига арабий, форсий улангани камлиқ қилуб, бир четига рус тилини ёпиштирмоқдадурмиз. Дуруст, рус тилини билишимиз керак, лекин ўз еринда ишлатмоқ ва сўзламоқ лозимдур. Зиғир ёғи солуб, мошкичири пиширган каби қилуб, аралаш-қуралаш қилмоқ тилнинг руҳини бузадур[1]

...«Боболаримизга етушғон ва ярағон муқаддас тил ва адабиёт бизга ҳам камлик қилмас. Ўз уйимизни қидирсак ва ахтарсак, йўқолганларини ҳам топамиз... йўқолган йўқолсин ўзи бошимга тор эди,— деб Еврона қалпоғини киюб, кулгу бўлмоқ зўр айб ва уятдур»[2].

Авлоний сўзлашув одобига ҳам алоҳида эътибор беради. У сўзнинг инсон қадр-қимматини белгилашдаги моҳиятига юқори баҳо бериб, «Сўз инсоннинг даража ва камолини, илм ва фазилини ўлчаб кўрсатадурган тарозусидир. Ақл соҳиблари кишининг дилидаги фикр ва ниятини, илм ва қувватини, қадр ва қийматини сўзлаган сўзидан билурлар»,— дейди.

Инсон такомили учун зарур бўлган омиллардан яна бири — виқордир (виқор — оғирлик, чидам, улуғворлик). Авлоний қайд қилишича, эл-улусдан, кишилардан ўзини ҳоли тутишга ёки юқори тутишга уринган шахс элнинг, кишиларнинг назаридан тушиб, яккаланади ва унутилади. Қишининг камтар бўлиши зарурлиги таъкидланади: «Фиқор деб кибр ва ғурурдан, манманликдан ўз нафсини сақламоқни айтилур»,— деб ёзади Авлоний. Чунки ғурур, манманлик, такаббурлик кншини хор, халқ орасида беэътибор қилур. Ҳар қанча илм ва давлат соҳиби ҳам бир пулча қадр ва қиймати бўлмас. ...Ваҳолаики киши кибр ва ғурурдан пок бўлур. ...Виқорнинг ҳақиқий даражасига етмак учун илм ва маърифат лозимдур[3]».

Авлоний хасисликни жуда содда, аниқ ифода ва деталлар ёрдамида ўқувчига етказишга уринади.

Ипак қуртининг тақдирини кўз олдингизга келтиринг. У пилла ичида ўралиб, ҳаётини маҳв этади. Қанчалар машаққат билан ҳосил бўлган ипак бошқаларга насиб қилади. Умрини молдунё ҳирси билан ўтказган инсонлар тақдири ҳам шундай,— дейди адиб.

3 ↓«Туркий гулистон ёхуд ахлоқ»нинг биринчи саҳифасидан то сўнгги саҳифасигача Авлонийнинг инсонпарварлик ғоялари ифодаланган. У ҳаммадан бурун халқ манфаатини кўзлайди, халққа бажону дил хизмат қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб билади. Унинг назарида кишилар ғамини емаган, халқдан узоқ турган иғвогар, ғийбатчи, инсон эмас.

[1] **Абдулла Авлоний.** Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ, 33- бет.
[2] Ўша китоб, 32- бет.
[3] Ўша китоб, 33- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муаллиф чақимчилик, ғийбат, ҳасад, мунофиқлик, ёлғончилик, иккиюзламачилик ҳақида тўхталиб, уларнинг инсонлар ҳаётига зарарини атрофлича кўрсатиб беради.

Ғийбатчи ва чақимчи кишиларни Авлоний бузоқбошига ўхшатади. Бузоқбоши дарахт илдизини кемириб қуритгани каби чақимчи ва ғийбатчилар ҳам кишилар ўртасидаги меҳр-муҳаббат дарахтини емирадилар. Донишмандлардан бири айтганидек, «Мол ва ашё ўғриларидан кўра одамлар орасида дўстлик, улфат, муҳаббатни ўғирлайдурган одамлардан сақланмоқ лозимдир»[1].

Авлоний ғийбатчилик ва унинг оқибатини шундай таҳлил этади: «Инсон бошқа гуноҳларини нафсининг лаззати учун қиладур. Аммо ғийбат соҳиби лаззат ўрнига ўз бошига ёки бошқа бир кишининг бошига бир бало ҳозирлайдур. Чунки, сўз бориб ғийбат қилинмиш кишининг қулоғига етар. Ғазаб қони ҳаракатга кирар. Ғийбатчидан ўч олмоқ фурсатини пойлар. Шундай қилуб, ғийбат соясида икки мусулмон орасига зўр душманлик тушар. Охир ўлимгача борур. Шул тариқа ғийбатдан туғулган адоват чўзулмоқға оид бўлиб, душманлик зўр аюб, ўз ораларидаги хусусий жанжаллар ила азиз умрларини уздируб, умумий халқ фойдаси учун ишланадурган миллий ишлардан маҳрум бўлмаклари ила баробар аҳолининг орасидан иттифоқнинг йўқолувига сабаб бўлурлар»[2].

Ғийбатни сўйламоқ ҳаром ўлгани каби эшитмоқ ҳам ҳаромдир.

Расули акром набийи муҳтарам саллолоҳу алайҳи вассалам афандимиз:

«Ғайбатдан сақланингиз, ғийбат зиндондан ҳам ёмонроқдур»[3],— демишлар.

Ўша китобида Авлоний ҳар бир киши ўз вазифасига садоқат билан киришиши, агар у мураббий бўлса, ўз шогирдларининг кўнглига маърифат ишқини солиши, халқ ўртасига маърифат тарқатиши зарурлигини таъкидлайди.

«Ҳозирги замонда мақсадга етмак, ўз миллатига хизмат қилмоқ, халқға мақбул бўлмоқ учун илм ва мол лозимдур. Оламдаги ҳамма миллатларнинг ҳол ва қудратлари илм бойликлари ила ўлчанадур. ...Мол топмоқнинг энг баракатли йўллари: ҳунармандчилик, зироатчилик, чорвачилик, савдогарчиликдур. Буларнинг ҳар бирига ҳам бу замонамизда билим лозимдур. Америқоликлар бир дона буғдой экуб, йигирма қадоқ буғдой олурлар. Европаликлар ўзимиздан олган беш тийинлик пахтамизни кетуруб, ўзимизга йигирма беш тийинга сотурлар. Аммо биз туркистонликлар, думба сотуб, чандир чайнаймиз, қаймоқ беруб, сут ошиймиз, нон ўрнига кесак тишлаймиз»[4], деб Авлоний

[1] **Абдулла Авлоний.** Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. 50- бет.
[2] Ўша китоб, 50- бет.
[3] **А. Авлоний.** Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ, 51- бет.
[4] **А. Авлоний.** Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ, 34—35- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмоқ учун илм ва маърифатни эгаллашимиз керак деган шиорни ўртага ташлайди.

А. Авлоний 1917 йил тўнтаришидан кейин, 1918 йилдан бошлаб реснубликамизда ўқитувчилар уюшмаси, қоровуллар, тунукачилар, кўнчилар, ҳунармандлар ва босмахона ходимларининг касаба уюшмаларини ташкил қилиб, уларга раҳбарлик қилади. Собиқ эски шаҳар ишчи деҳқон Совет Ижроия Комитетига раис қилиб сайланади. У 1919 йилда Туркистон Марказий Ижроия Комитети аъзолигига сайланади. Авлоний Туркистон республикаси миллий Комиссариатининг масъул ходими сифатида миллий урф-одатлар ва янгича маданий нормалар ҳамда қонунларга доир масалалар билан шуғулланди.

1919—1920 йилларда Авлоний Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрида Совет элчихонасида бош консул бўлиб ишлади. Халқимиз ўртасида биродарликни мустаҳкамлаш соҳасидаги олиб борган ишлари учун Афғонистон шоҳи Омонуллахон томонидан кумуш соат билан тақдирланди. Булар Авлонийнинг тарихимиздаги ўзига хос ўрни борлигини кўрсатади. 20-йилларда Авлоний турли ижтимоий вазифалар билан бирга муаллимлик касбини ҳам давом эттирди, саводсизликни тугатишда фаол қатнашди. А. Авлоний 1920 йилдан бошлаб Тошкентда ташкил қилинган ўлка билим юртида, сўнгра ўзбек хотин-қизлар билим юртида мудирлик қилди. У халқ маорифи институтида, Туркфронт ҳарбий мактабида (ҳарбий билим юрти) ўқитувчи бўлиб ишлади. 1924—29-йилларда Ўрта Осиё Давлат университетида (САГУ) ва бошқа олий ўқув юртларида ўқитувчилик қилиш билан бирга илмий-тадқиқот ишлари олиб борди. Авлоний бу олий ўқув юртларида диалектик ва тарихий материализмдан биринчи марта ўзбек тилида дарс берган эди.

А. Авлоний янги адабиёт дастури асосида 1933 йилда ўзбек мактабларининг VII синфлари учун «Адабиёт хрестоматияси» тузди.

Абдулла Авлонийнинг меҳнати юксак тақдирланиб, унга ўзбек маданияти ва адабиётини юксалтиришда, ходимлар тайёрлашда, узоқ йиллик ҳалол меҳнати учун 1925 йилда «Меҳнат қаҳрамони» унвони, 1930 йилда меҳнатсеварлиги, илмий ишлари ва асарлари учун «Қизил профессор» ва «Ўзбекистон маорифи зарбдори» унвонлари берилди.

Абдулла Авлоний 1934 йилнинг 25 августида Тошкентда вафот этди.

Авлонийнинг педагогик қарашлари ҳозирги кунда ҳам янги инсонни камол топтириш йўлида, кишиларни чинакам туйғулар, умуминсоний эзгу-ғоялар руҳида, виждонийлик руҳида тарбиялаш борасида қимматли тарихий материал сифатида эътиборни ўзига жалб қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Асарнинг «Бола тарбияси» масалалари бобида қуйидагилар кўрсатиб ўтилади.

Тарбияи авлод

«Онла вазифаларидан бири авлодни тарбиялашдан иборатдир. Ёш авлодни тарбиялаш ҳаётий вазифалардан бўлиб ҳисобланади. Маълумки, дунё курашнинг умумий майдонига ўхшайди ва бу майдоннинг паҳлавонлари инсонлардир. Ҳар бир киши баркамоллик ёшига етгач, у ўз саодати таъмини учун шу майдонга кирмасдан иложи йўқдир. Бу курашда ғолиб чиқиш учун уч хил ўлчов қуроли (салоҳи массеҳ)га эга бўлиш керак. 1. Саломатлик; 2. Соғлом фикр (нуқсонсиз фикр, яъни юқори истеъдод); 3. Ахлоқи сано (олий даражали ахлоқ, яъни ахлоқи поклик).

Фитрат «Ҳар бир киши шу уч қуролдан бирисисиз майдонга кирса, албатта мағлуб бўлиши табиийдир, деб айтиб, бу билан уч тарбияни доимо қўшиб олиб бориш кераклигини, агар бу тарбияларнинг бирортаси кам бўлса, етук киши тарбиялаб бўлмаслигини кўрсатмоқчи бўлади. Яна айтадики: «Агар ҳар бир ота ўз фарзандининг бадбахт бўлишини хоҳламаса, уни бу майдоннинг ғолиби қилиб тайёрлаши керак. Фарзандингизни жисмоний, ақлий, руҳий томондан баркамолликка етказинг ва жамиятнинг қобил аъзосига айланиши учун ҳамхўрлик қилинг».

У бола тарбияси фақат оиладагина олиб борилмасдан, бу иш билан кенг жамоатчилик, давлат ҳам шуғулланиши кераклигини, чунки давлатнинг келажаги мана шу ёшлар қўлида бўлишини таъкидлаб ўтади. «Болалар баркамол қилиб етказиш учун унинг тарбиясига фақат ота-она жавобгар бўлмасдан, бутун қавм аъзолари жавобгардирлар, чунки ёшлар ҳар томонлама етук инсон бўлиб тарбияланса, қавмнинг келгуси тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлади».

Тарбияи бадания

Фитрат жисмоний тарбияга, кишининг саломат ва бақувват бўлиб тарбияланишига алоҳида аҳамият беради: «Бадан тарбиясига қадим замонлардан бошлаб катта аҳамият берилган. Инсоннинг бутун аъзоси саломат ва қувватга эга бўлмаса, унда инсон узоқ яшамайди. Агар инсоннинг танасидаги аъзоларидан бирига ҳалал тегса, у киши ишдан қўлини тортиб, бошқаларнинг муҳтожига айланади. Бизнинг фарзандларимиз илм олиш билан бирга, уларнинг бадан тарбиясига аҳамият беришимиз лозимдир». Фитрат болани туғилмасдан бурун, она қорнидалигиданоқ тарбияни бошлаш кераклигини уқтиради: «Ҳатто ибтидоий дақиқалардан бошлаб, яъни бола отасининг пуштикамаридан она жисмига ўтиши билан оналар фарзандининг саломатлигини муҳофазасига диққат қилиши ва унинг она қорнида соғлом бўлишига аҳамият бериши керак. Бунинг учун оналар шу 9 ойлик ҳомиладорликлари даврида ўзларини турли касалликларга дучор бўлишидан сақланишлари керак. Чунки шу 9 ой

www.ziyouz.com kutubxonasi

муддатга фарзанд она қони билан тарбияланади. Шунинг учун оналарни ҳомиладорлик даврида ҳар қандай жисмоний ишлардан озод қилиш, уларни парҳез овқатлар ва тўйимли фойдали таомлар билан таъминлаш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бола туғилгандан кейин модомики уларни парвариши она сути экан, оналар ўз саломатликларини муҳофаза қилишлари ва ҳар қандай касалликдан хазар қилишлари керак. Агар она касалликка чалинса, ўша касаллик она сути орқали фарзандга ҳам ўтади, уларнинг ҳаётини хатарга қўяди. Чақалоқнинг овқатига ҳам жуда диққат қилиш лозим. Одамнинг яшаш воситаси бу овқатдир, деб Фитрат болаларга бериладиган овқатлар тури, овқатланиш режими ҳақида ҳам маслаҳатлар беради. Шунинг учун ўз фарзандларимизга ҳамиша лаззатли ва тез ҳазм бўладиган овқатларни муайян бир вақтда, муқаррар берилишини таъминлаш лозим.

Интизомсизлик ва бевақт овқатлантириш ғоят ташвишли бир ҳолат бўлиб, бу ҳолат кўп касалликларнинг сабабчисидир. Болалар йиғламасин деб уларнинг қўлига бир парча ҳолва берадилар, бу уларнинг овқатланиш қоидасини бузиш демакдир ва улар ҳақида зулм қилиш билан баробардир. Аксарият бу одат гўдакларни касалликка ёки ҳалокатга олиб келади, дейди.

Кейинроқ Фитрат болаларнинг тоза ҳавода бўлишлари, атроф, табиат гўзалликларидан эстетик завқ ола билишларига ҳам аҳамият беради ва дейди: «Ҳаво инсон учун овқатдан ҳам муҳимдир. Беш-олти соат овқатсиз туриш мумкин, бир дақиқа ҳавосиз туриш мумкин эмас. Шунинг учун гўдакларни ҳамма вақт соф ҳавога, боғ-чорбоғларга олиб чиқиш лозимдир. Фарангдаги шаҳарларнинг ҳар тарафларида болалар учун чорбоғлар, ҳаводор майдончалар яратилган. Булардан ташқари, уларнинг мактабларида болалар танаффус вақтларида махсус майдончаларда турли ўйинлар ўйнайдилар.

Фитрат болаларнинг жисмоний тарбиясида турли ҳаракатли ўйинлар катта ўрин тутишини ҳам айтиб ўтади. Ота-оналарга ўз болаларининг шундай ўйинлар билан машғул бўлишларини таъмин этишларини маслаҳат беради: «Ҳаракат ҳар бир киши учун, айниқса болалар учун ҳам зарурдир. Шунинг учун болаларни жисмоний чиниқтиришда уларни айрим ўйинлар билан машғул қилиш фойдалидир. Болаларни ўйиидан ман этишнинг фойдаси йўқдир. Уларнинг доимо бир жойда ўтиришлари, ҳаракат қилмасликлари уларни баданларини заиф бўлишларига олиб келади. Ота-оналар доимо ўз болаларини ўйинга ташвиқ ва тарғиб қилишлари лозимдир. Аммо болаларнинг ўйинлари одоб ва ахлоқ доирасидан ташқари чиқмаслиги керак. Фитрат бу ҳаракатли ўйинлар боланинг ақли, фаросати, илмини ривожланишига ва тўғри ахлоқий тарбия топишига ёрдам бериши керак, деб ҳисоблайди. У бу ўйинлар орқали болага ҳаётни ўргатиш, ақлий ва ахлоқий тарбия ҳам бериш мумкин, асосийси болани жисмонан чиниқтиради, деб билади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фитрат яна болаларнинг соғлом, жисмонан етук бўлишлари учуи тозаликнинг аҳамияти жуда катталигини тушунтириб ўтади: «Назофат (тозалик) ва покизалик ҳам болалар тарбиясида катта аҳамиятга эгадир. Назофат ва покизалик катталар учун қанчалик лозим бўлса, кичик болаларга улардан кўра ўн баравар зарурдир. Унинг зарурлигининг икки жиҳати бор. Аввал болалар катталарга нисбатан олдинроқ хасталик қобилиятига эга. Шунинг учун ифлослик ҳар қандай беморликни келтириб чиқарадиган манба бўлиб, ифлослик катталарга нисбатан болаларга ўн баробар зиён етказади.

Иккинчидан, улар ёшликдан бошлаб покизаликка ўргатилса, покизалик бора-бора уларнинг одатига айланади. Аксинча, ёшликдан ифлосликка ўргатилса, катта бўлганда ҳам шундай одатга ўрганадиларки, бу кишнларнинг нафратига сазовор бўлади».

Муаллиф болаларга шахсий гигиена қоидаларига амал қилишни ўргатишни алоҳида таъкидлаб ўтади: «Ота-оналар ва муаллимлар болаларни ҳар куни юзларини совунлаб ювдирсинлар, оғиз ва тишларини тозалаб ювсинлар, доимо либосларини назорат қилсинлар, мумкин қадар болаларни чивин ва пашшалар бўлмаган жойларга ўтказсинлар, чунки бу ҳашаротлар турли касалликларни тарқатувчидирлар».

Фитрат бундай таълим ва тарбияни, болаларга яхши шароитлар яратиб, уларнинг саломатликлари ва яхши яшашлари учун ғамхўрликни фақат жадид мактаблари бераётганини, лекин ҳукмрон доиралар бу мактабларга қарши чиқиш билан бирга улар олиб бораётган илғор таълим-тарбия усулларига ҳам қарши чиқаётганини, бу мактабларни кофир мактаби деб, уларни фаолият кўрсатишга қўймаётганини кўрсатиб ўтади. Шу билан бирга, эски мактабларда бунинг акси бўлиб, болаларнинг саломатликлари, уларнинг жисмонан чиниқишлари учун ҳеч қандай шароитлар яратилмаганлигини гапириб ўтади:

«Бечора бизнинг болаларимиз бу мактабларда соф ҳаводан ва офтоб нурларидан маҳрумдирлар. Улар эски мактабларда қоронғу синф хоналарида бўйралар ёки хас-хашаклар устида 8—9 соатлаб ўтириб дарс ўқийдилар, ҳар куни таёқ зарбидан ва муаллимнинг муштидан бошлари ёрилади, оёқлари хунолид бўлади, юзлари кўкаради. 8 йил бу мактабни ўқиб чиққач маҳбусларга ўхшаган касалманд, танбал, заиф бўладилар, ғайратсиз ва ифлосликларича қоладилар. Бу бизнинг мактабларимизнинг бошига тушган асосий уқубат ҳисобланади».

Кейинроқ Фитрат фикр — ақл тарбияси тўғрисида, яъни ақл ривожланишида муҳокаманинг роли ҳақида гапириб беради.

Тарбияи фикрия

Фикр ва ақл инсонни камолотга етказади ва ўқиш, ўрганиш қобилияти уни саодатманд қилади. Инсоннинг комил ақли яхшилик муҳокамасидир. Муҳокама нима? Муҳокама икки қисмга

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлинади: биринчиси Казийятхои маълум (маълум бўлган ҳукм, воқеа ва ҳодисалар), иккинчиси Казиятхой мажҳул (номаълум воқеа ва ҳодисалар) дан хулоса чиқарилишидир.

Масалан, «Ватан хизмати вожибдир» (шартдир). Бу ҳукм номаълум (мажҳул) дир. Бу ҳукмга яна бошқа икки маълум ҳукм лозимдир, яъни «Ватан бизнинг валинеъматимиздир» (саҳоватмандимиз, неъматлар билан таъминловчимиз»дир. «Ҳар бир валинеъмат (олий ҳиммат инсон) нинг Ватан учун хизмати вожибдир», бас «Ватан хизмати вожибдир» деган ҳукм юқоридаги икки маълум кази (й) ятлар билан очилади.

Бошқа мисол: «бутун инсонлар ўртасида меҳрибонлик ва муҳаббат лозимдир», яъни бу кази (й) яти мажҳул бўлиб, бунга икки маълум ҳукм лозимдирки, биринчиси «бутун инсоният бир-бирлари билан биродардирлар, иккинчиси эса биродарлар орасида муҳаббат ва меҳрибонлик лозимдир».

Демак, муҳокама уч қисмдан ташкил топиб, аввалги ҳукм номаълум бўлиб, қолган икки қисми аввалгисини тўлдиради ва кази (й) яти маълум, деб аталади. Демак, инсон муҳокама орқали камолотга етади. Муҳокамани аниқ ва равшан бўлиши учун уч нарса зарур бўлиб ҳисобланади.

1. Исобот. 2. Истиқомат. 3. Суръат.

Исобот маълум казийяти ҳукмнинг тўғрилигига, бехатолигига айтилади. Истиқомат маълум воқеа-ҳодисаларнинг ҳукмнинг барқарорлиги, суръат эса тўхтовсиз, тезлик билан тартиб берилиши демакдир.

Аввало, болаларни Исобот соҳиби бўлишларида, бир воқеа ва ҳодиса устидан фикр юритганларида уларга тўғри, бехато маълумотлар берайлик, чунки хато фикрлар уларни хатоларга, хатарли йўлларга олиб бориши табиийдир. Асоссиз муҳокама болалар тарбиясига катта зиён етказади. Кейин болаларни истиқомат соҳиби қилиб фикр юритишларига аҳамият беришимиз керак, уларни маълум казийятларни номаълум казийятлардан тўғри, аниқ ажрата оладиган ҳолатда тарбиялаш лозим, яъни ҳар бир масала соҳасидаги маълумотларни ғалати тушунмасликлари учун болаларни муҳокама қилишга одатлантириш керак. Ёмоннинг ёмонлигини, яхшининг яхшилигини муҳокама орқали тушунтиринг, доимо шунга диққат қилингки, болалар ҳеч нарсани кўр-кўрона тақлид сифатида қабул қилмасинлар. Маданиятли аквомлар (қавмлар, халқлар) ўз мактабларида ҳисоб, тарих, маданият, физика, жўғрофия, ашёвий дарси ва бошқа махсус фанларни юқоридаги икки мақсад — (Исобот ва Истиқомат мақсадлари) га жалб қилиш учун ўқитадилар.

Фитрат бу фикрлари билан болага тўлиқ ақлий таълим бериш учун мана шу юқоридаги ижтимоий, илмий, дунёвий фанларни мактаб дастурларига киритиш керак деган хулосага келади. Ва жадидлар билан очган янги усул мактабларида иложи борича шу фанларни ҳам болаларга ўргатадилар. Лекин эски мактабларда бу фанларни ўқитиш ҳақида гап ҳам бўлиши мум-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кин эмас эди. Фитрат ёзади: «Бизнинг бадбахтлигимиз шундаки, бу фанларнинг биронтаси бизнинг мактабимизда ўқитилмайди. Ўз болаларимизни бундай илмлар орқали муҳокамадан маҳрум қилмоқдамиз. Мактабларимизда ўз болаларимизга мушт ва лагат зарбини қабул қилганмиз».

Фитрат эски мактабларда болаларга нисбатан қўлланиладиган тан жазоларини бутунлай қоралайди, унга қарши чиқади. Болани таёқ зарби билан яхши инсон қилиб тарбиялаб бўлмаслигини тушунтириб беради. У бу ҳақда қуйидагиларни гапиради: «Мулоҳаза қилингки, модомики бола ифлос юради, ўзининг тирноғини олмайди, қимор ўйнайди, берилган сабоқларни тайёрламайди, уларни таёқ зарбидан қайтариш амри маҳолдир. Қачонки бола катта бўлса, таёқ зарби унинг хотирасидан чиқмайди, аксинча ўшанга одат қилади, ўзи ҳам бошқаларга зулмкор бўлиб етишади. Демак, агар болаларга уларни камчилик ва қилган гуноҳларини яхши сўз билан тушунтирсак, уларни яхши одатларга йўналтирсак, сизга нисбатан уларнинг ҳурмати ошади, бундай қабиҳ ишларни қилишдан узоқлашади ва ҳақиқий ҳурматли инсон бўлиб етишади».

Фитрат ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш зарурлигини, унга нисбатан инсоний муносабатда бўлиш, қилган гуноҳларини ўзига тўғри, яхши сўз билан тушунтириш кераклигини шунда у ҳам ўқитувчини ҳурмат қилишини уқтиради.

Фитрат яна болага бериладиган билим унинг ёши ва билиш даражасига мос бўлиши, болага қийинлик қилмаслигини, агар бериладиган билим болага жуда осон ёки жуда қийинлик қилса у билим олишдан безиб қолишини уқтиради. Яна бола бериладиган билимни онгли ўзлаштириши, ўқитувчи берилаётган билимнинг бола учун моддий ва маданий жиҳатдан фойдали эканлигини тушунтира олиши керак. Бу ўринда Фитрат Имом Исмоил-ал-Бухорий ўзининг асарларидан бирида келтирган Муҳаммад пайғамбаримиз салаллоҳу алайҳи вассаламнинг қуйидаги ҳадисини келтиришни лозим топади: «Билим таълимини осон қилинг, қийин қилманг, олдиндан айтиб беринг (яъни ҳар бир берадиган таълимингиз моддий ва маънавий жиҳатдан фойдали бўлсин, бу нарсаларни уларга тушунтиринг) ва уларни таълимдан безор қилманг. Қачонки болаларда исбот ва истиқомат фикри ҳосил бўлса, суръат муҳокамаси ҳам муваффақиятли бўлади.

Фитрат ўша вақтдаги Самарқанддаги ибтидоий мактаблар ишига яхши баҳо беради, айниқса Шакурий мактабига. «Самарқандликлар икки-уч ибтидоий мактабга эга, уларнинг энг яхшиси Шакурий мактаби. Гарчи бу мактаб унчалик тараққий этган бўлмаса-да, ҳар ҳолда мудир ва муаллимларнинг олижаноб ҳимматлари соясида қисқа вақт ичида ривож топиб, камолотга етишишига умид боғласа бўлади»[1].

Фитрат инсон камолотига эришиш учун доимо интилиши, ҳа-

[1] **А. Фитрат.** «Ҳинд сайёҳининг қиссаси», «Шарқ юлдузи», 1991 й.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ракат қилиши лозимлиги, доимо олдига мақсадлар қўйиши ва унга етишиш учун курашиши кераклигини, ҳеч бир бахт ёки бойлик ҳам инсон интилмаса ўз-ўзидан келмаслигини уқтириб ўтади ва бу ўринда Қуръони Каримдан қуйидаги парчани келтиради: «Инсон ҳар нима топмасин, ўзининг интилишидан топади, интилмас экансиз, ҳеч нарсага эриша олмайсиз»[1].

Фитрат билим ва иқтидор инсон учун энг зарур эканлигини, у мана шу билими ва ақли билан дунёдаги барча маҳлуқлардан ҳам устун туришини, шунинг учун инсон доимо билим олишга ва ўз билимини янада ошириб боришга интилиши керак.

Фитрат дейди: Парвардигоримиз инсонларга «Сизларни оламнинг энг олий маҳлуқи қилиб яратдим»,— дер экан, шуни яхши билиш керакки, биз кўз ва қошларимиз эвазига эътиборли маҳлуққа айланганимизча йўқ, балки эътиборлигимиз ва устунлигимиз билимимиз ва иқтидоримиздан фойдаланмасак, наинки эътиборли, устун, балки энг ёмон ва паст маҳлуқлардан ҳам пастроқ ва ёмонроқ бўлиб қолишимиз аниқдир.

Фитрат ўзининг фақат ижоди билан эмас, балки фаолияти билан ҳам таълим-тарбия ишига жуда катта ҳисса қўшди. Бунга бир мисол, 1921 йилда Бухорода Файзулла Хўжаев ташаббуси билан илмий жамият ташкил топади. Жамият ишида Фитрат ҳам фаол иштирок этади. Бу жамият бухороликлар қўлидаги нодир қўлёзма ва босма китобларни йиғиб олиб, давлат кутубхонасига топшириш иши билан шуғулланади. Илмий жамият ҳаракати туфайли Бухородаги энг бой учта кутубхона — амир кутубхонасининг бир қисми, Бухоро қозикалони Шарифжон Маҳдумнинг 300 томлик кутубхонаси ва амир Абдулаҳаднинг укаси тахт ворислигига даъвогар Сиддиқхон (адабий тахаллуси «Хашмат») нинг тўплаган китоблари давлат мулкига айлантирилган. Эндиликда бу нодир асарлар Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасидан ўрин олган. Фитрат бу асарларни топишдагина эмас, балки уларни тадқиқ этишда ҳам кўп меҳнат қилган»[2].

Юқорида унинг жадид мактаблари очишда олиб борган ишлари, 1917 йил тўнтаришидан кейин эса Ўзбекистоннинг энг йирик олий ўқув юртларидаги педагогик фаолияти ва илмий-тадқиқот институтларидаги ишлари ҳақида гапириб ўтган эдик.

Фитрат педагог олим сифатида мактаблар, олий ўқув юртлари учун бир қанча дарслик ва амалий ўқув қўлланмаларини ҳам ёзади. Булар 1917 йилги ибтидоий ўзбек мактабларининг сўнгги синфлари учун ёзилган «Ўқув» номли китоби, 1918 йили Ш. Раҳимий ва Рамазон билан ҳаммуаллифликда ёзган «Она тили» дарслиги, 1919 йилда ёзган «Имло масалалари», 1925 йилда ёзган «Ўзбек тилининг сарфи», «Тожик тилининг сарфи», 1927 йилда ёзган «Ўзбек тилининг нахви», 1926 йилда ёзган «Адабиёт

---

[1] **А. Фитрат.** «Ҳинд сайёҳининг қиссаси». «Шарқ юлдузи» 1991, 37- бет.

[2] **А. Фитрат.** «Ҳинд сайёҳининг қиссаси», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1989 йил, 4 август.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қоидалари», 1927 йилда ёзган «Энг эски турк адабиёти намуналари», 1928 йилда ёзган, «Ўзбек адабиёти намуналари» ва бошқа кўплаб қўлланмалар шулар жумласидандир.

Фитрат йирик олим сифатида адабиёт назариясига, ўзбек адабиёти ва санъати тарихига жуда катта ҳисса қўшди. У яратган илмий ишлардан: «Қутадғу билиг», «Адабиёт қоидалари», «Аҳмад Яссавий ҳикматлари», «Аҳмад Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар», «XVI асрдан сўнгги ўзбек адабиётига умумий бир қараш», «Муҳаммад Солиҳ», «Аруз ҳақида», «Абулқосим Фирдавсий», «Эртаклар ва ҳақиқатлар», «Ўзбек шоири Турди», «Тилимиз», «Ўзбек тили сабоқлари», «Ўзбек мусиқаси тўғрисида», «Ўзбек мумтоз мусиқаси ва унинг тарихи», «Шарқда шахмат» ва бошқалар. Алишер Навоий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Муҳаммад Солиҳ, Турди, Машраб каби ижодкорларнинг бадиий меросларига оид илмий ишлари. Бу ишларнинг номиданоқ кўриниб турибдики, адабиётимиз, санъатимизнинг бугунги кунда биз тадқиқ этишга киришмоқчи бўлиб юрган муаммоларини Фитрат бундан 60—70 йил илгари ҳал қилиб берган. У яна форс-тожик шоирлари Фирдавсий, Умар Ҳайём, Бедил ижоди ҳақида ҳам тадқиқотлар олиб боради. Унинг бу илмий ишлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

А. Фитрат ахлоқий қарашларининг ўзига хослиги

Абдурауф Фитрат кишининг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишида ахлоқий тарбиянинг ўрни жуда катта эканлигини ҳар бир асарида ва тадқиқот ишларида такрор-такрор уқтирди. Шунинг учун у ўзининг қарашларида фикрий ва жисмоний тарбиялар билан бирга ахлоқий тарбияга ҳам жуда катта эътибор билан қаради. У ўзининг «Раҳбари нажот» асарида ахлоқий тарбиянинг мақсад ва вазифаси, уни амалга ошириш йўллари ҳақида тўхталиб ўтади. Унинг фикрича ахлоқий тарбиянинг вазифаси «инсонни ахлоқий баркамолликка етказиш ва уни жамиятга фойдали инсон қилиб тарбиялашдан иборатдир. Бу мақсадни амалга ошириш учун аввало болаларни жисмоний ва фикрий тарбияга даъват қилинг, кейин ахлоқий қувватларни муҳокама орқали тушунтиринг, уларни яхши ишларга одат қилдиринг, ёмон ишлардан нафратлантиринг»[1].

Фитрат ахлоқий тарбияни болалар энг аввало ўзи яшаётган атроф-муҳит ва кўчадаги болалардан олишларини таъкидлаб ўтади. Фитрат ижтимоий муҳитнинг бола тарбиясидаги аҳамияти жуда катта эканлигини кўрсатиб беради.

У болаларни сувга ўхшатиб: «Сув қайси рангдаги идишда бўлса, ўша рангда товлангани каби, болалар ҳам қандай муҳитда бўлсалар, ўша муҳитнинг ҳар қандай одат ва ахлоқини қабул

[1] **Н. Йўлдошев.** «Раҳбари нажот» асарида бола тарбияси масалалари, «Халқ маорифи» журнали, 1993 й., 3—4- сони, 31—32- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қиладилар. Ахлоқий тарбиянинг энг буюк шарти шундан иб
ратки, болалар кўпроқ яхши ва ёмон аҳволни ўз уйларидан, к
чадаги ўртоқларидан, мактабдаги ўқувчилардан қабул қилад
лар». Бу фикрлар билан Фитрат яна бола тарбияси билан фақа
мактаб эмас, балки аввало оила ва жамоатчилик ҳам шу
ғулланиши кераклиги кўрсатади. Айниқса ахлоқ тарбиясид
оиланинг, ота-онанинг роли жуда катта эканлигини қайта-қайт
таъкидлайди.

Фитрат боланинг ахлоқий тарбиясида мактабдаги бошқа бо
лаларнинг жуда катта таъсири борлигини кўрсатиб, мактабдаг
ахлоқи ёмон болаларни тезда тузатиш чораларини кўриш лозим
лигини «мактаблардаги бадахлоқликда машҳур бўлган болалар
ни, агар уларни тузатиш иложи бўлмаса, мактабдан четлашти
риш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаб ўтади. Чунки, у бол
ўзининг ёмон ахлоқий сифатларини бошқа болаларга ҳам ўтка
маслиги учун шундай чорани кўриш лозим», деб ҳисоблайд
Фитрат.

Фитрат барча маданиятли халқлар ўз фарзандларининг ах
лоқий тарбияларига катта аҳамият бериб келганликларини алс
ҳида таъкидлаб ўтади. У ахлоқи бузуқ кишиларни мактабд
муаллимлик вазифасигагина эмас, балки мактаб қоровуллигиг
ҳам яқинлаштирмасликларини жуда тўғри ҳаракат, деб билади
Яна у болалар ахлоқига зарарли бўлган, ёшига мос келмайди
ган китобларни ҳам болаларни ўқишларига рухсат бермасликн
маслаҳат беради.

Фитрат ўз замонасидаги мактабларда болаларга бериладига
ахлоқий тарбиянинг ҳеч бир талабга жавоб бермаслигини, ҳат
то берилаётган тарбиялар болалар ахлоқининг бузилишига оли
келаётганини ачиниб ёзади. У дейди: «Болаларимизнинг мураб
бийлари ва муаллимлари ахлоқий тарбияни билмайдилар, бола
ларга ўқитадиган китобларимиз ахлоқ-тарбия ҳақида эмас, бо
лалар учун заҳардир. Мактабларда шароб, ошиқлик каби бад
ахлоқликка доир китобларни ўқитадилар, бу нарса болаларни
бадахлоқликка олиб келади.

Фитрат «Раҳбари нажот» асарида мактабларда бериладига
ахлоқий тарбия даражаси қандайлигини ўз ҳаётидаги воқеа
мисолида кўрсатиб беради:

«Мен мактабда ўқиб юрган вақтларимда, кунлардан бир
куни мактаб таътилидан сўнг уйга келаётган эдим, бир эркак
кишини кўрдим, у телбаларча сўкиниб, каловланиб зўрға юрар
ҳамма жойи лойга беланган. Раис мулозимларидан икки киши
келиб олиб кетдилар. Мен бу ким деб сўрасам, ичиб маст бўлиб
ди дедилар. Мен бу воқеани дадамга айтсам: «Сен нега маст
нинг орқасидан бординг»— деб дашном бердилар...

Фитрат мактабда болаларга бериладиган сабоқларнинг мазму
нига фақат ўқувчилар эмас, балки, ҳатто кўпинча домлалар ҳам
тушунмасликларини ачиниб ёзади. Ва мактабда бериладига
тарбия шундай бўлгач, оила ва мактаб қандай қилиб болаларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

юксак ахлоқли қилиб тарбиялай олиши мумкин, деган саволни қўйиб мактабларда бериладиган ахлоқий тарбияни бутунлай қайта кўриб чиқиш, ўзгартириш лозим, деб ҳисоблайди.

Фитрат ўз асарларида ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, озодлик, мақсад сари интилиш, инсонларга меҳр-шафқатли бўлиш, ўз манфаатидан халқ манфаатини юқори қўйиш ғояларини улуғлайди. Виждонсизлик, пораҳўрлик, иккиюзламачилик, бошқаларни эзиш эвазига бойлик тўплаш, халққа зулм ўтказиш каби сифатлар эса қораланади.

Фитрат ўз ватани билан ҳақли равишда фахрланади. Чунки Ибн Сино, Беруний, Форобий каби буюк алломалар, Амир Темур сингари саркардалар унинг ватанида етишиб чиққан эди. Бутун дунёга машҳур бўлган тарихий ёдгорлик ҳам унинг ватанида, меҳнатсевар халқ меҳнати билан бунёд этилганди. Унинг ватанида маданият ва санъат ҳам жуда юксак эди.

Абдурауф Фитрат ўзининг бутун ҳаёти давомида миллий мустақилликка эришиш ва мустамлакачиликка қарши кураш, Оврупа илми, техникаси, маданиятидан ўрганиш муаммоларини тинимсиз тарғиб қилган сиймолардан бири сифатида барча кишиларга, энг аввало ёшларимизга ибратдир.

У 1905—1906 йилларда жадидчи оқимининг кўзга кўринган тарафдори сифатида, сўнгра ўзининг «Ҳинд сайёҳи», «Раҳбари нажот» сингари асарлари орқали маърифатпарвар ва ёзувчи сифатида мусулмонларни, энг аввал ёшларни ғафлат уйқусидан уйғотишга, энг муҳими ўзлигини танишга, фан-техникани ривожлантириш учун ғайрат билан ўқиш-ўрганишга, агар мустақил ҳаракат қилмас экан, қарамликда хароб бўлишини тушунтиришга интилади.

Кўриниб турибдики, Фитрат ёшларни янги жамият қуришга даъват этади. Эл-юртнинг бахти, саодати, истиқлоли учун курашишга даъват этади. У «Халқ бахти учун курашмаган ёшларни бўшанг, жасоратсиз», деб тушунади.

Мустақиллик, демократия, озодлик ғоялари Фитратнинг бутун фаолияти ва барча асарлари ва мақолаларида бош мақсад бўлиб қолганлиги билан ҳозирги ёшларимизга, уларнинг мустақил Ўзбекистоннинг ривожлантиришларида ибрат-намунадир.

Абдурауф Фитрат маориф соҳасида ишлаган кишиларнинг бошини силаган, маорифни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, ҳаммага бирдек озодлик йўлини кўрсатган. Озодликни тезликда рўёбга чиқаришга ҳаракат қилган атоқли маърифатпарвар ўқитувчи бўлиши билан уларнинг устозидир.

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ

(1889—1929)

Ўзбек халқининг тўнғич педагоги, шоир, адиб, драматург, композитор Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1889 йил 16 июлда Қўқон шаҳрида табиб оиласида туғилди. Ҳамза ўзининг ўқишга бўлган

www.ziyouz.com kutubxonasi

зўр иштиёқи туфайли 12 ёшидаёқ тўла хат-саводли бўлиб етишади. 1906 йилда мадрасага кириб ўқий бошлайди. Бироқ, мадраса таълими Ҳамзани қаноатлантирмайди. Шунга кўра у мустақил суратда Лутфий, Алишер Навоий, Гулханий, Муқимий, Фурқат асарларини ўқиб ўрганади.

Ҳамза турмушда кўп қийинчиликларга дуч келади, илм-фанга, ҳаваси зўр бўлса-да, кўнгилдагидек ўқий олмайди. Бу аҳволни кейинчалик эслаб, унга сабаб «Ота-она таассуби ва ҳукумат истибдоди, фақирлик» эканини кўрсатиб ўтади.

Ҳамза ёзувчилик ишига 1905 йилдан, 16 ёшдан бошлаб киришган. Унинг шахсий архивида сақланган материаллар орасида 1905—1914 йиллар мобайнида ёзилган 214 шеърининг рўйхати бор. Ҳамзанинг «Девон»ига 214 шеърдан 197 таси киритилган.

Ҳамза 1911 йили Қўқоннинг Ҳожибек гузарида мактаб очиб, етим ва камбағал болаларни ўқитади, ўқувчилар учун «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби» ўқув қўлланмаларини яратади.

Ҳ. Ҳ. Ниёзий 20 йиллик ўқитувчилик фаолияти давомида ёшлар тарбияси масаласида амалий ва назарий жиҳатдан муҳим ғояларни олға сурди.

Ҳамзанинг ижодиёти, ўқитувчилик фаолияти чор ҳукумати амалдорларини ташвишга солади. Улар Ҳамза мактабини «Хавфли, болаларни бузувчи, дин ва маърифатдан оздирувчи мактаб», деб қоралаб ёпиб ўзини таъқиб этадилар.

Ҳамза 1913 йил февралда чет элларга кетади: Афғонистон, Ҳиндистон, Макка, Мадина, Шом (Сурия), Байрут, Истамбул, Одесса шаҳарларида бўлиб, 1914 йил бошларида Қўқонга қайтади. 1915 йили Марғилонда мактаб очади, муаллимлар тайёрлайдиган курс ташкил этади.

Ҳамза ташкил этган мактаб чинакам халқ мактабларининг дастлабки намунаси эди. Ҳамза бу мактабда ёшларга дунёвий фанларни ўқитади ақлий, ахлоқий тарбияга алоҳида аҳамият беради.

Ўн тўққизинчи асрнинг охири—йигирманчи аср арафасида «Таржимон» газетаси билан бирга Туркистон диёрида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Ҳамза, С. Айний, Мунаввар қори ва бошқа бир қанча кўзга кўринган маърифат фидойилари ўз ғоялари билан майдонга чиқдилар. Булар маърифатли миллат ва янги усул мактаблари ғоясини илгари сурдилар. Шу икки буюк ғоя тарафдорларини жадид деб аташ расм бўлди.

Лекин ўша даврда жадид мактаби номи билан машҳур бошқа мактаблар ҳам бўлганки, Ҳамзанинг мактаби улардан кескин фарқ қиларди. Агар кўпчилик жадид мактабларида миллий буржуазияга саводли мутахассислар тайёрлаш ниятида бойваччалар ўқитилса, Ҳамзанинг талабалари камбағал болалари эди. Жадидизмни ташвиқот қилган маърифатпарварлик буржуа синфий манфаатини кўзда тутса, Ҳамза эса маърифатни кенг халқ оммасига тарқатиш тарафдори эди. У камбағал болаларининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўқишини доимий таъминлаш ниятида уларга моддий ёрдам беришини мақсад қилиб «Ердам жамияти» тузди.

«Ёрдам жамияти» ўқитувчиларнинг ўзаро йиққан маблағлари асосида фаолиятини бошлади-ю, лекин кўп ўтмай подшо ҳукуматининг қаттиқ таъқибидан сўнг тарқатиб юборилди.

Ҳамза Ҳакимзода 1915—1916 йилларда яратган «Оқ гул», «Қизил гул», «Пушти гул», «Сариқ гул» каби ашулалар тўпламларида, «Миллий роман ёхуд янги саодат» қиссаси, «Заҳарли ҳаёт» каби драма асарларида меҳнаткаш халқни ўқишга, илм ўрганишга даъват этади:

«Дема инсон балки ҳайвон, кофири мўмин эса,
Жалил ғофиллик билан қилмоқ истаса инкор илм.
. . . . . .
Ким билурди одаму олам надур, ҳайвон нечук?
Бўлмаса эрди агар инсонда бу асори илм,
Қайси бир мавжуд боқсанг билмоққа кайфиятин,
Лозим ўлгай топмоққа аввал ўқиб ахбор илм»[1].

Ҳамза 1918 йил Фарғона шаҳарига бориб ўқитувчилик ишини давом эттиради. Шунингдек, у Фарғонада театр санъатини яратишда катта ташаббус кўрсатади. Фарғонадаги ёш санъат ҳаваскорларини тўплаб, «Сайёр драм труппа» ташкил қилади. У шу йилнинг ўзидаёқ, ўзининг машҳур асари «Бой ила хизматчи», «Туҳматчилар жазоси», «Ким тўғри» каби пьесаларини ёзади. Бу пьесалар Ҳамзанинг режиссёрлигида саҳнага қўйилади ва катта муваффақиятга эришади.

Ҳамза 1919 йилнинг бошларида Қўқондаги 1-сон боқимсиз болалар уйига мудир қилиб тайинланади. Турк фронтида ўзи тузган труппаси билан қатнашади. Ҳамза 1921 йилда Турк фронтидан ўқитувчиликка қайтади. Хоразмга бориб таълим-тарбия ишлари билан шуғулланади. 1922—1924 йилларда Қорақалпоғистонни Хўжайли туманидаги 1-болалар уйининг мудири ва ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Ҳамза 1925 йилнинг кузида Фарғона уезди маорифи ихтиёрига юборилади. Бу ерда у халқ кучи билан янги мактаб биноси, клуб, кутубхона, чойхона қурдиради. 1926 йилларда «Ер ислоҳоти», «Бурунги сайловлар», «Сайлов олди», «Паранжи сирларидан бир лавҳа» каби драмаларини яратади. 1926 йили Ўзбекистон Ижроия Комитети Ҳамзанинг бадиий ижодидаги муваффақиятларини ва жамоат ишидаги фаолиятини тақдирлаб, «Халқ шоири» деган фахрий унвонни беради ва умрбод шахсий нафақа тайинлайди.

Ҳамза бир қатор асарларида халқ маорифини демократик асосда қайта қуриш, халқ маорифи тизимини яратиш ғояларини олға суради. Унинг фикрича, «Инсонни инсон қаторига қўшиш», инсонни камолатга етказиш, инсонни олижаноб фазилатларга эга қилиб етиштириш тарбияга боғлиқдир. Юксак кучга эга

[1] Ҳ. Ҳ. Ниёзий. «Миллий роман ёхуд янги Саодат», 1915 йил, 49-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган тарбия илм, одоб, ҳунар тарбиясини ўз ичига олган бир бутун жараён бўлиши керак.

Демак, мактаб ёшларни илмли, одобли қилиб тарбиялаши ва ҳунарга ўргатиши керак, Ҳамза Ҳакимзода ҳунар ўргатишни кенг маънода тушунади. У мактабда ўтиладиган ҳунарни косибчилик, тўқимачилик, темирчилик, тақачилик эмас, балки дунёвий фанлар асосида яратилган илм-техникани эгаллашни ҳунар деб тушунади.

Ҳамзанинг фикрича, боланинг ақлий ривожланиши, иродаси, хулқ-атвори умуман маънавий фазилатлари тарбия орқали шаклланади. Боланинг ким бўлиб етишиши унинг насл-насабига эмас, балки унга бериладиган тарбияга боғлиқдир, яъни боланинг ўқишга қизиқиши, ўқиш қобилиятининг ривожи насл-насабнинг эмас, балки тарбиянинг маҳсулидир, дейди.

Ҳамза Ҳакимзода ўз педагогик қарашларида ҳар бир инсон жамият, табиат ва ҳайвонот дунёсидан хабардор бўлиши кераклиги ҳақида сўзлар экан, бунинг учун илм-фанларни эгаллаш зарурлигини таъкидлайди.

Ҳамза Ҳакимзода ақлий тарбия ҳақида сўз юритар экан, ақлий тарбия орқали табиат ва жамият қонунларини, табиат ҳодисаларини, улар ўртасидаги боғлиқликни билиш кераклигини айтади. Шоир ана шундай маълумотга эга бўлган ва жамият, халқ фаровонлиги учун хизмат қиладиган ёшларни етиштиришга даъват этади.

Ҳамзанинг фикрича, болаларни шундай баркамол киши қилиб етиштириш учун ўқитувчининг ўзи чуқур билимга эга бўлган, қобилиятли ва юксак ахлоқий фазилатли бўлиши керак.

Ҳамза Ҳакимзода таълим-тарбия ҳақида билдирган фикрларида болаларнинг соғлом бўлишига ҳам эътибор беради. У айниқса, таълим-тарбияда ота-оналарнинг муҳим ўрин тутишини таъкидлайди, боланинг гўзал ахлоқли бўлиб камол топиши учун оила муҳитида тарбиянинг тўғри йўлга қўйилиши зарурлигини айтади. Шоирнинг фикрича бола — одобнинг бошини ота-онадан олади, ўрганади, бунга жиддий эътибор берилмаса тарбия жуда қийин кечади ва ёмон оқибатларга олиб бориши аниқ эканлигини аниқ-равшан баён этади.

Шунингдек, «Агар ота-оналаримиз,— деб ёзади Ҳамза,—бошда яхши тарбия қилган бўлсалар, тилимизни ёлғондан, қулоғимизни фисқу адоватдан, қўлимизни хиёнатдан... шу феълларидан мумкин қадар эҳтиёт қилиб, ўзимизни ёшлик, ёлғизликдан қиладиган эринчоқликларимизга илтифот қилмай, уришиб, сўкиб, мактаб топшириб илм отлик: саодати... жаҳонга етадиган бир раҳномий ҳақиқатга таниш ва ошно қилган бўлур эдилар. Биз бутун шум ва ёмон бўлмас ва ўзлари бу қадар... мингларча пушаймон бўлмасдилар»[1].

---

[1] Ҳ. Ҳ. **Ниёзий.** «Қироат китоби», 1915 й., 15- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳамза Ҳакимзоданинг ахлоқий тарбия хусусидаги қарашларида ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг фикрича, ёшлардаги инсонпарварлик кишиларнинг қадр-қимматини англаш, уни ҳурмат қилиш, инсоний ҳуқуқларини ҳимоя этиш, уларга ҳурмат билан муомала қилишдан иборат бўлиши керак.

Ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбнялаш уларда ўзига яқин бўлган кишиларга, аввал ота-онасига самимий муҳаббат туйғусини ривожлантиришдан бошланиши керак. Шу туфайли ҳам, шоир ўз дарсликларига киритган бир қатор шеър ва ҳикояларида болаларни ўз ота-оналарига меҳрибон бўлишга, уларни қадрлашга ва ҳурмат қилишга чақиради.

Ҳамза Ҳакимзода болаларни тўғри сўз, ростгўй қилиб тарбиялашни уқдиради, тўғрилик, тўғри сўзликни энг яхши фазилат, деб ҳисоблайди. У алдамчиликни, ёлғон сўзликни ёмон иллат сифатида қоралайди. Унинг таъкидлашича, «Содиқ» тўғри сўзга айтилур. Тўғри сўзли кишилар ҳар жойда эътиборли, дили, юзи равшан бўлур. Тўғри сўзли кишилар... ҳар доим иззат ва ҳурматда бўлурлар. Тўғри сўз шарафидин нажот топмоққа зўр ишончлиқ бўлур», дейди.

Ҳамза Ҳакимзода ўзининг «Баҳил», «Саҳий», «Золим», «Раҳм», «Хиёнат», «Хоин» ва «Садоқат» ҳикояларида ёшларни садоқатли, кишиларга меҳрибон ва ғамхўр қилиб тарбиялаш, уларда бахиллик, золимлик, зўравонлик, хиёнат ва хоинликка нафрат туйғуларини тарбиялаш ғоясини илгари суради.

Ҳамза Ҳакимзоданинг фикрича, болаларни, сабр-тоқатли, сабот ва матонатли қилиб тарбиялаш керак. Унинг фикрича: «Шитобнинг зидди-душмани — сабрдир. Сабр — чидамли, яъни ҳар ишда... ошиқмаслик... сабрли кишиларда пушаймон ва армон бўлмас... сабр кишиларнинг юраги бўлиб, дунёдан бало келса-да, кўкрагига етмай йўқ бўлиб кетар. Сабрли кишилар ҳар ерда иззатлик, ҳар ким қаршисида ҳурмат ва обрўли бўлур. Сабрли кишиларни ҳар ким севар ва чин кўнглидан дўст тутар... агар сабрга ўзини билиб ўргатиб олган киши сўнгра... оғирлик писандига ҳам келмай қолур»[1].

Ҳамза сабрга берган таърифини шундай хулосалайди:

«Сабрдан топгай улуғ мансаб киши,
Бесабридин бўлмагай ўнг ҳеч иши».

Ҳамза Ҳакимзода ўз педагогик фаолиятида ва адабий ижодида хотин-қизларнинг илм олишига, жамият ишларида фаол иштирок этишларига жиддий эътибор берди.

У «Ўзбек хотин-қизларига», «Бир қўрқоқ масъул ишчининг тилидан», «Ҳужум хоинларга», «Муборак», «Турсуной марсияси» каби шеър ва ашулаларида хотин-қизларни озодлик душманларига қарши курашга ундади.

---

[1] Ҳ. Ҳ. Ниёзий. «Қироат китоби», 1915 йил, 29- бет.
[2] Ҳ. Ҳ. Ниёзий. «Қироат китоби», 1915 йил, 24- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳамза ўзининг характер хусусиятлари билан бошқалардан ажралиб турадиган шахс эди. У ғайратли, жасоратли, тиниб-тинчимайдиган ижодкор сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Доимо нималарнидир яратиш ва ташкил қилиш, нималаргадир бош қўшиб, фаоллик кўрсатиш билан банд эди. У бир қарасангиз, мактаб очиб мазлум болаларни ўқитар, бир қарасангиз, труппалар тузиб, элга концерт ва спектакллар кўрсатар, яна бир қарасангиз, Туркистон фронти бўйлаб юриб, жангчилар хизматида бўлар гўё, ҳаёт уни зарур нуқталарга чорлар, шоир эса «Лаббай», дея ўзининг санъаткорлик, бинобарин фуқаролик бурчини иккиланмасдан адо этарди.

Ҳамза Ҳакимзода Шоҳимардонда бўлган вақтида ҳам ўз илғор фикрларини тарғиб қилади. Аммо у бу ерда жойлашган душманлар томонидан 1929 йил, 18 мартда фожиали ҳалок қилинади.

Ўзбек халқининг содиқ фарзанди Ҳамза Ҳакимзода ажойиб педагог, ёзувчи ва композитор сифатида ўз халқига сидқидил билан хизмат этди. У меҳнатқаш халқни маърифатли қилиш, ёш авлодларни ҳар томонлама билимли қилиб етказиш йўлига ҳаётини бағишлади.

Умуман, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий республикамизда педагогик фикрнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшган моҳир педагог шоирдир.

VII боб

ТУРКИСТОНДА МИЛЛИЙ ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАНИШИ ЎТКАЗИЛГАНДАН СЎНГ ХАЛҚ МАОРИФИ ВА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР (1924—1941)

1917 йил тўнтариши собиқ совет социалистик республикаларнинг ташкил топишида муҳим роль ўйнади. Бизга маълумки, Марказий Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши нафақат Марказий Осиё халқлари ҳаётида, балки ўзбек халқи ҳаётида ҳам ўз даврига хос роль ўйнади. Ўлкада илм ва маърифат мавҳум мафкура асосига қурилди. Халқ маорифи, мактаблар тармоғи ва педагогик фикрлар ривожланди.

Собиқ Совет ҳокимияти йилларида коммунистик партия раҳбарлигида республикада адолатсиз миллий сиёсат амалга оширилди.

Ўзбек халқи бу даврга келиб иқтисодий ва маънавий ҳаётда маълум даражада ютуқларга эришди.

Тўнтаришнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ мамлакатда бир томонлама маданий инқилобнинг амалга оширилишига алоҳида аҳамият берилди. Айниқса, халқ маорифини ривожлантириш ва ҳар бир миллатнинг ўз она тилида бирлашган

www.ziyouz.com kutubxonasi

меҳнат политехник мактабларини очиш ҳамда таълимни ижтимоий-фойдали меҳнат билан боғлаш, ўқитувчи ходимлар тайёрлаш, мактаб дарсликлари, ўқув қўлланмаларини яратиш борасидаги ишлар маориф тизимини ва таълим-тарбия жараёнини яхшилашга гўё замин ҳозирламоқчи бўлинди.

Бу даврга келиб мактабларда ўқув-тарбия ишлари мазмуни тузумнинг мақсади асосида ўзгарди. Дин ва «Қуръони карим» та эътибор умуман тақиқланди. Тарих дарсларида воқеалар бузиб талқин этилди. Адабиёт дарсларида эса кўпроқ рус ёзувчиларининг асарлари билан таништиришга катта аҳамият берилди. Математика, физика, химия фанларини ўқитиш миқёси анча кенгайтирилиб амалиёт билан боғлашга эътибор кучайтирилди. Ижтимоий фаиларни ўқитиш борасида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Сиёсий иқтисод, революцион ҳаракат ва социализм тарихини ўрганишга кенг йўл очилди.

Болаларда Ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотиш учун унинг ички ва ташқи душманларидан мамлакатни ҳимоя қилиш лозимлиги, собиқ Қизил Армиянинг қаҳрамонона ишлари ҳақида ҳикоя қилиб берила бошланди.

Республикани иқтисодий, ижтимоий ва маданий томондан кўтариш учун болалар ва ўсмирларга умумий таълим беришни тезроқ амалга ошириш ҳамда катталар орасида янги йўсиндаги саводсизликни тугатиш давлат аҳамиятига молик тезликда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалардан бирига айланди. Шунинг учун ҳам 1930 йил 14 августда собиқ ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети томонидан «Умумий мажбурий бошланғич таълим ҳақида» қарор қабул қилинди. Қарорда таъкидланишича; 1) 8—10 ёшгача бўлган болалар 2- босқич мактабининг тўлиқ курсини ўтиши амалга оширилсин;

2) 11 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларни мажбурий ўқитиш жорий қилинсин;

3) саноат шаҳарларида, фабрика-завод жойлашган районларда ва ишчи посёлкаларида болаларнинг етти йиллик мактаб ҳажмида умумий мажбурий таълим олиши кенг татбиқ этилиши кўрсатилган эди[1].

Шунингдек, собиқ ВКП (б) Марказий Комитети 1932 йил 25 август қарорида мактабларда тарбиявий ишларни яхшилаш учун ўқувчиларнинг номақбул харакатларига қарши курашиш мунтазам равишда, ўйланган, маълум мақсадга қаратилган тарбиявий ишлар олиб бориш зарурлигини ҳам кўрсатган эди. Марказий Комитетнинг мазкур қарорида ўқувчиларни коммунистик руҳда тарбиялаш юзасидан кенг миқёсда олиб борилаётган ишлар ўқиш сифатини таъминлашнинг асосий шарт-шароити эканлиги ва у мактаб ва ўқитувчиларнинг биринчи навбатдаги вазифаси эканлиги уқтирилади.

---

[1] **А. А. Константинов, Е. Н. Мединский, М. Ф. Шабаева. «Педагогика тарихи», Т., Ўқитувчи, 1976, 442—443- бетлар.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бутун таълим-тарбия ишларини йўлга қўйиш мактабда ахлоқий тарбия масалаларини муваффақиятли ҳал қилишнинг асосий шарти бўлиб ҳисобланди. Бунинг учун қуйидаги ишларни бажариш зарур бўлиб қолди.

1. Режалар бўйича мунтазам иш олиб бориш, уларда кўрсатилган билимлар ҳажмига қатъий риоя қилиш ҳамда фанлар асосларини пухта ўзлаштириш вазифасига мувофиқ бўлган методларни қўллаш; ҳар бир фанни ўқувчиларга тушунарли ва қизиқарли шаклда ўқитилишини таъминлаш.

2. Тажриба ишлари режасини ота-оналар ва жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари билан бирга ишлаб чиқиш. Мактаб мудири, педагоглар, собиқ комсомол ячейкаси ва пионерлар отрядлари вожатийларининг бу ишга раҳбарлигини кучайтириш лозим бўлди.[1]

Мактаб жамоатчилиги мактаб ишларини тартибга солиш юзасидан анча тадбирларни амалга оширди, жумладан ишчи, деҳқон-колхозчи ва ёшлар жамоатчи-фаоллари учун ота-оналар тўгараклари тузилди ва тўгарак воситасида ота-оналарга педагогик билимлар берила бошланди.

Жумладан, а) соғлом ва интизомли болалар тарбиясинн қандай ташкил этиш керак;

б) болаларнинг бўш вақтини қандай уюштириш лозим;

в) оилада бола билан қандай муомала қилиш керак;

г) болаларнинг ижтимоий-сиёсий тарбияси каби мавзуларда методик маслаҳатлар уюштирилди.

Айниқса, собиқ ВКП (б) Марказий Комитетининг 1932 йил 25 август қарорида мактабнинг кундалик ҳаётида ўқувчилар ахлоқий тарбиясини мустаҳкамлашга эътиборни қаратиш зарурлиги ҳақидаги қарори[3] катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлди.

Натижада барча мактаб ходимлари, ўқувчи собиқ пионерлар, комсомол, ота-оналар ва умумжамоатчиликнинг эътибори мактабларда ахлоқий тарбияни янада яхшилаш ва тартиб ўрнатиш масаласига қаратилди.

Педагоглар мактабларда тарбия соҳасида содир бўлаётган камчилик ва нуқсонларни ҳисобга олган ҳолда ўқувчилар ва ота-оналар билан одоб мавзуларида суҳбатлар ўтказишди, бу масала педагогик кенгашларда муҳокама қилинди, жамоат фикрини яратиш билан болаларга маънавий таъсир кўрсатилди. Мана шундай тадбирлар воситасида интизомни ва тарбияни бузувчилар жуда қаттиқ исканжага олинди.

Собиқ ВКП (б) Марказий Комитетининг «Бошланғич ва ўрта мактаблар ҳаётида»ги 1931 йил 5 сентябрь қарори умумий таълим мактаблари ҳаётида янги тарихий даврни белгилаб берди.

---

[1] УзПФИТИ архиви, 1- опись, 836- ҳужжат, 105- бет.
[2] УзПФИТИ архиви, 1- оп. 846- д, 26- бет.
[3] УзПФИТИ архиви, 1- оп., 836- д, 121- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Марказий Комитет ўқув ёшидаги болаларни мактабга тортиш ва уларни она тилида ўқитишда эришилган анча-мунча муваффақиятларни қайд қилиш билан бирга, собиқ совет мактабида ўқувчиларда мавҳум марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш вазифаларини амалга оширишга қаратилган тадбирларнинг катта дастурини белгилаб берди.

Партия ташкилотлари, халқ маорифи ходимлари ва умумжамоатчилик коммунистик партиянинг мактаблар соҳасидаги тутуруқсиз кўрсатмаларини турмушга татбиқ этиш, уни амалга ошириш учун курашдилар. Собиқ КПСС Марказий Комитетнинг ўзига хос директиваларини аниқ, тез ва оғишмай бажариш учун барча ташкилотларга ишни пухта ташкил этишни, мактабни политехникалаштириш учун моддий база яратишни, мактабга методик ва мафкуравий раҳбарликни таъминлашни кўчайтирди[1].

Мактаб ўқувчилари билан олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришда услубий ишлар бир томонлама бўлиб, собиқ ВКП (б) Марказкоми ва СССР Халқ Комиссарлари Советининг қарорига мувофиқ амалга оширилди.

а) мактаб ўқув-тарбия ишларининг сифатини оширишга ёрдам бериш, бунда мактабда ўқув ишларини ташкил этишнинг асосий тури бўлган дарсни уюштириш ва ўтказиш методикасини яхшилашга алоҳида эътибор бериш;

б) ўқитувчилар ва синф раҳбарларининг яхши тажрибаларини тўплаш, ўқитувчиларнинг кундалик ишида ёрдам кўрсатиш мақсадида тажриба алмаштиришни ташкил этиш;

в) ўқитувчининг педагогик ихтисоси ва методик малакасини оширишда унга ёрдам бериш каби масалаларга эҳтиёж кучайди.

Шунингдек, мактабларда услубий ишларнинг қуйидаги ташкилий турлари ҳам белгилаб берилди:

а) I—IV синфлар ўқитувчиларининг синфлар бўйича ёки цикл бирлашмаларини ташкил этиш;

б) V—X синфлар ўқитувчиларининг фанлар бўйича ёки цикл бирлашмаларини ташкил этиш;

в) педагогик бирлашма ишини ташкил этиш кабилар.

Миллий республикаларда мактаблар марказдаги рус мактабларининг услублари асосида қайта қурилди ва ривожланди.

Собиқ ВКП (б) Марказий Комитетининг XV съезди миллий районларда маданий қурилишни, жумладан мактаб қурилишини кучайтиришни, улардан қайси бири қолоқроқ бўлса, унга алоҳида эътибор бериш ҳақидаги кўрсатмасини берди. Мутасадди ташкилотлар бу кўрсатмани бажара бориб, барча халқ маорифи бўғинларидан миллий республикалар ва вилоятларда мактаб қурилишини тезлаштиришни, кирилча ёзув, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишни жадаллаштиришни, мактабларда дарс она тилида ўқитилишини талаб этди.

1924—1925 йиллардан бошлаб барча миллий республикалар

[1] Уз ПФИТИ архиви, 1- оп. 2882- д., 1—2- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва вилоятларнинг ҳамма жойида мактаблар ва улардаги ўқувчилар сони жадал суръатлар билан ўсиб борди.

1926—1927 йилларга келиб она тилида дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратиш иши анча яхши йўлга қўйилди.

Миллий районларда юқори типдаги мактаблар сонининг ўсиши маҳаллий миллат ёшларидан зиёли мутахассислар тайёрлашдек вазифани бажаришда муҳим омил бўлиб ҳисобланди.

Ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш масаласи кескин ғоявий кураш мавзуига айланиб қолди. Бу кураш 20- йилларнинг бошларида янги иқтисодий сиёсатга ўтиш даврида анча кескин тус олди. Бу кураш асосан педагогик масалалар хусусида яъни — тарбия жараёнининг моҳияти, унинг асосий йўналиши қандай бўлиши керак, совет мактабининг мақсад ҳамда вазифалари нималардан иборат бўлмоғи лозим деган саволлар атрофида борди.

Октябрь тўнтариши педагогика соҳасида янги ғояларни вужудга келтирди. Тафаккурнинг борлиқни айнан табиий ҳолатда тасаввур этиши учун шароитлар яратди. Бу даврда собиқ совет педагогика фани синаб кўрилмаган жуда қийин йўлдан борди ва ўз-ўзидан маълумки, жуда катта қийинчилик ва тўсиқларга дуч келди. Демак, янги жамиятга тарафдор кишилар ўз фаолиятларини Совет тузуми ва социалистик қурилиш душманларига қарши кураш олиб боришга қаратишларини шароит тақозо қилди.

Тарбиянинг моҳияти ўша давр талабидан келиб чиққан ҳолда мавҳум марксистик методология асосида тушунтирилди ва бу асосда педагогиканинг янги концепцияси ишланди. Бу концепцияда тарбия болаларнинг ҳаётини, уларнинг хилма-хил фаолиятини йўлга қўйиш, ёш авлодни иқтисодий муносабатлар тизимида иштирок этишга жалб қилишдан иборат бўлди.

XVI, XVII ва XVIII партия съездларининг ҳамда ВКП(б) Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг 30- йилларда мактаб ҳақидаги қарорлари мактабларда таълим-тарбия ишини яхшилашга қаратилди. Айниқса педагогика назариясини янги мафкура асосида ўрганишга ва жонлантиришга туртки бўлди. Натижада педагогика фанининг жонкуярлари мактабларнинг илғор тажрибаларини ўрганиб умумлаштириш жараёнида қатор дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратдилар. Масалан, 1932 йилда А. Африканов ва П. Груздев таҳрири остида педагогика техникумлари учун педагогика дарслиги; 1934 йилда М. М. Пистракнинг педагогика олийгоҳлари учун ҳамда П. Н. Шимбиревнинг педагогика ўқув юртлари учун ёзган дарсликлари; 1939 йилда И. А. Каиров таҳририда педагогика олийгоҳлари учуи «Педагогика» ўқув қўлланмаси; 1940 йилда П. Н. Груздев таҳрири остида педагогика олийгоҳлари учун «Педагогика» ўқув қўлланмаси; Б. П. Есипов ва Н. К. Гончаровнинг педагогика ўқув юртлари учун педагогика дарсликларини айтиб ўтиш мумкин.

Мазкур дарсликларда мактаб ёшидаги болаларга таълим ва тарбия бериш масалаларига катта аҳамият берилиб, уларни со-

www.ziyouz.com kutubxonasi

вет ватанпарварлиги ва байналмилал руҳда тарбиялашга, онгли интизом, дўстлик, биродарлик туйғуларини ўстиришга болаларнинг уюшган жамоасини тарбиялашга, собиқ комсомол ва пионер ташкилотлари иши мазмунини ва услубиятларини жамиятнинг талабига мослаштириш асосий мақсад қилиб олинган эди. Аниқроғи, ёшларни «коммунистик» руҳда тарбиялаш асосий мезон сифатида белгиланган эди.

Айниқса, таълим назариясининг муҳим масалаларидан ўқув жараёнининг барча тармоқларида ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини кенгайтириш мақсадида таълимда назариянинг амалиёт билан ҳамкорликда олиб борилишини таъминлашга, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш ва уларга шахсий тарзда ёндошишга, таълимга қўйиладиган дидактик талабларга эътибор кучайтирилди.

Октябрь тўнтариши ўзбек халқининг тақдирида янги оғир даврнинг бошланиши бўлди, дедик. Дарҳақиқат, бу янгилик аввало маҳаллий аҳоли орасида гўё савдосизликни тугатиш, қолоқ иқтисодни кўтариш, маданий-маиший шароитни яхшилаш, чоризм мустамлакачилик сиёсатидан қутқариш билан белгиланди. Энг муҳими, бу тизим ўзини ҳар бир миллатнинг тарихий ўтмиш хусусиятларини, ҳаёт ва турмуш шароитларини, унинг маданий тараққиёт даражасини, шу тараққиётнинг талаблари ва келажак истиқболини ҳисобга олмоқчи қилиб кўрсатди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда нафақат мактаблар, балки олий ва ўрта махсус педагогик мактаблар қурилиши айнан ана шу мужмал мақсаддан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди. Натижада, мамлакатимизнинг рус ва бошқа қардош халқларининг ёрдами ва қўллаб-қувватлашлари туфайли Ўзбекистонда янги мафкура асосида тарбияланган юқори ихтисосли ва малакали ўқитувчилар катта отряди ташкил топди, улар ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш вазифаларини дадил бажаришга киришдилар.

Ўзбекистон собиқ Компартиясининг V съездидан кейин ҳамда ВКП (б) XVI съездидан сўнг «Умумий мажбурий бошланғич таълим ҳақида» қабул қилинган қарор асосида мактаб иши айниқса, тез суръатлар билан ривожлана борди.

Умумий бошланғич таълимнинг амалга оширилиши муносабати билан,мактаб қурилишининг катта кўлами туфайли мактаблар тармоғи йилдан-йилга кенгая борди, ўқувчилар сони тобора кўпайди.

Ўзбекистон собиқ КП (б) МҚнинг биринчи котиби Акмал Икромов МҚнинг пленумида (1933) маданий қурилишда эришилган ютуқларни таърифлаб, «Мактаблар ва халқ маорифи маданий қурилишнинг асосий элементидир»— деган эди.

1935 йил январда бўлиб ўтган Ўзбекистон собиқ ССР Советларининг V съездидаёқ республикада етти йиллик таълимни амалга ошириш ва ўрта маълумот беришнинг аниқ дастури белгилаб қўйилган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биринчи ва иккинчи беш йилликлар даврида мактаб қурилишининг кучайиши, умумий мажбурий таълимнинг амалга оширилиши ва ўрта таълимнинг янада кенгая бориши сабабли халқ маорифига ажратиладиган маблағлар анча кўпайтирилди.

Ҳамма жойда бир, икки ва ундан кўпроқ тилда ўқитиладиган миллий мактаблар ташкил этилди.

1938 йил 20 августда 1937—38 ўқув йилининг якуни ва янги ўқув йилининг вазифалари юзасидан илғор ўқитувчиларнинг слёти ўтказилди. Слётда ўқувчиларнинг ғоявий-сиёсий тарбиясини яхшилаш, ўзбек мактабларида рус тили фанини чуқур ўргатиш ҳамда ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ҳақидаги масалалар кўрилди.

1939—40 ўқув йилининг якуни ўқувчиларнинг дарслардан ўзлаштириши бирмунча ўсганлигини кўрсатди. Мактабларда дарс сифати ҳам 1938—39 ўқув йилидагига нисбатан анча яхшиланди. Республикадаги 2300 мактабда ўқув йили 90% ўзлаштириш билан якунланди. Ўзлаштириш республика миқёсида ўртача 85%ни ташкил этди. Республика бўйича 2500 дан кўпроқ синф-тўлиқ ўзлаштиришга эришди.

Еттинчи беш йилликда таълим ва тарбия ишларида яхши кўрсаткичларга эришган мактаблар тобора кўпайиб бораётган эди. Педагогик жамоалар пионер ва комсомол ташкилотлари билан ҳамкорликда дарс ва дарсдан ташқари тарбиявий ишларни ривожлантиришда ўқувчилар ахлоқий тарбиясини оширишда жонбозлик кўрсатганлар. Бу эса дарс мазмунини, ғоявий-сиёсий йўналишини ўша давр талаблари даражасига кўтаришда шу аснода ўзлаштиришни кўтариш масалаларини тўғри ҳал қилишда муҳим омил бўлди.

1940 йили Тошкентда республика ўқитувчиларининг I съезди ўтказилди. Съездга республикамиз ўқитувчилари номидан 1348 делегат қатнашди. Съездда республика мактабларида таълим ва тарбия ишларини янада яхшилаш ва уни такомиллаштириш масаласи ҳар томонлама муҳокама қилинди. Съезд делегатлар олдига ўқув-тарбия ишлари билан боғлиқ бўлган бир қатор муҳим масалаларни қўйди. Ўзбекистон собиқ КП (б) Марказий Комитети ва республика Совнаркоминининг 1939 йил 10 июлда мажбурий ўрта таълимни амалга ошириш ва халқ маорифининг келгусидаги ривожи юзасидан чиқарган қарори съезд ишининг асосий мазмунини ташкил этди.

Ўзлаштиришни, ўқувчилар тарбиясини, айниқса ахлоқий тарбияни кўтариш мақсадида ҳар йили ўқитувчиларнинг август конференцияси ўтказиб турилди. 1940 йил 25—29 августда республиканинг барча вилоят, ноҳияларида ўқитувчилар кенгаши ўтказилди. Бунда энг илғор ўқитувчилар, мактаб директорлари ва илмий бўлим мудирларининг «Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини яхшилаш», «Онгли интизомни тарбиялаш», «Ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари ҳақида» каби масалалар юзасидан докладлари тингланди. Ўзбекистон собиқ КП Марказий Комитети

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва республика Совнаркомининг 30 август 1940 йилдаги қарорига асосан республикада «Ўқитувчилар куни» ўтказилди. Бунда бутун ўқитувчилар армияси ўз фаолиятларини тарбиявий ишларни янада яхшилашга ва умуммажбурий таълимни тўла амалга оширишга қаратган эдилар. Кенгаш барча педагогик жамоаларни учинчи беш йиллик қарорларини амалга ошириш ва шу мақсадда мусобақани кучайтиришга, ўқитувчилар ва маориф ходимларини ўқувчилар ўртасида ахлоқий тарбияни кўтаришни ва ижтимоий фанларни ўқитилишини янада яхшилашга чақирди.

1940 йилнинг май ойида Ўзбекистон собиқ ССР Олий Советининг учинчи сессиясида «Ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алфавитдан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алфавитига кўчириш тўғрисидаги қонун»и бир овоздан қабул қилинди.

Мактабларда ўқув-тарбия ишларини янада яхшилашда «педагогик кенгаш»ларнинг аҳамияти катта эди. Ўзбекистон собиқ ССР Маориф вазирлиги шуни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги буйруқни чиқарди:

а) ҳар бир синфда ўқув-тарбия ишларининг бориши ва интизомнинг қай аҳволда эканлиги ҳақида синф раҳбарларининг ҳисоботи;

б) тарбиявий ишларни ҳар чорак охирида муҳокама қилиб бориш, йил давомида синов имтиҳонига тайёрланиб, имтиҳон якунлари асосида мактабни тугатганлик ҳақида гувоҳномалар бериш ва аълочи ўқувчиларга ёрлиқлар тақдим этиш ва бошқалар.

Республика миқёсида тарбиявий ишларни янада кўтариш вазифаси ўқувчилар жамоасини ташкил этишни, улар ишига педагогик раҳбарликни янада кучайтиришни талаб қилди.

Шу маънода Ўзбекистон маориф халқ комиссарлиги Ўзбекистон собиқ Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг қарорларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида иккинчи беш йилликда олий ва ўрта махсус педагогика ўқув юртлари тармоғини анча кенгайтирди. 1933—1937 йилларга келиб республикада 26 та педагогика техникумлари, 5 та рабфак, Ўрта Осиё давлат университети, А. Навоий номидаги Самарқанд университети, Тошкент, Фарғона ва Бухоро педагогика институтлари фаолият кўрсатди ва етук малакали ўқитувчилар тайёрлаб берди.

Ёш ўқитувчиларга услубий ёрдам бериш, уларнинг малакасини ошириш мақсадида 1930 йилда очилган Республика бошланғич мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириш олийгоҳи 1933 йилга келиб қайтадан ташкил қилиниб Халқ маорифи ходимлари малакасини ошириш олийгоҳига айлантирилди.

Шунингдек, 30-йилларда кўп шаҳар ва ноҳия марказларида педагогика хоналари ташкил этилди. Уларнинг вазифаси ўқувчилар билимини текшириш ва ўрганиш, энг яхши педагоглар жамоалари ва айрим ўқитувчилар тажрибасини ўрганиб умумлаштириш ва кенг тарғибот қилиш, ёш ўқитувчиларга услубий

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёрдам кўрсатиш кабилардан иборат эди. Айниқса, бу борада революциядан кейин Тошкентда барпо қилинган машҳур педагог В. Ф. Лубенцов раҳбарлик қилган ўша даврда «Шарқнинг марвариди» деб аталган Либкнехт номидаги, Н. П. Архангельский бошчилигидаги Н. Г. Чернишевский номидаги мактабларнинг тажрибалари ёш ўқитувчиларга услубий ёрдам кўрсатишда муҳим роль ўйнади.

Республика маорифи халқ комиссарлиги К. Либкнехт ва Н. Г. Чернишевский номидаги мактабларнинг ижобий тажрибасига таяниб, Тошкент шаҳрида Бешёғоч даҳасида «Алмаий; номидаги биринчи ва иккинчи босқич ўзбек мактаб-интернатларини ташкил қилди. Бу мактаб кабинет тизимида бўлиб синф хоналари катта, ёруғ ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган эди.

1921 йилдан бошлаб Алмаий мактаби «намуна-ўрнак» мактабига айлантирилди. Унинг базасида республика ўқитувчилари учун семинарлар ўтказиладиган бўлди. Бу мактаб базасида бошланғич синф ўқитувчиларининг малакасини ошириш курслари ишлай бошлади.

Ўша давр миллий мактабларида таълим-тарбия жараёни даражасини оширишда намуна мактаблари асосий база бўлиб хизмат қилди, десак муболаға бўлмайди.

Айниқса, 1929 йилда араб алифбеси ўрнига лотин алифбесининг қабул қилиниши мактабларда таълим-тарбия жараёнини янада самарали қилишда ўз вақтида бажарилган катта ишлардан бири эди. Чунки мактаблар лотинлаштирилган алифбе асосида яратилган янги дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминланиш шарафига муяссар бўлди.

Умуман Марказий Осиёдаги маориф ва маданиятни, илғор педагогик фикрларни ҳамда миллий ахлоқий тарбиямизнинг мазмунини мактабларга бўлган эҳтиёж ва муносабатни фақат Октябрь тўнтариши ҳамда рус маданияти таъсири остида ривожланди десак, биз катта хатога йўл қўйган бўламиз. Бу билан биз буюк ўтмишимизни, бутун жаҳонга маълуму машҳур бўлган тарихий маданиятимизни, юзлаб-минглаб алломаю қомусий олимларимизнинг бебаҳо ишларини инкор этган бўламиз. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўқувчи Туркистон ўлкасини Россия босиб олгандан кейинги барча соҳадаги тараққиётини ўша давр ва мустамлака таъсири асносида амалга оширилганлигини тўғри тушунишлари лозим.

Узоқ тарихга эга бўлган ўзбек халқи, ижтимоий-сиёсий, диний тўсиқларга қарамай, Марказий Осиёдаги бошқа халқлар каби илғор фикр эгаларини, буюк олимларни етказди, инсониятга илм-фан, маънавият соҳасида ўлмас дурдона асарлар, фикрлар қолдирди.

Бундай илғор фикрли мутафаккир олимларнинг асарлари Туркистон ўлкаси мактабларида то Улуғ Октябрь тўнтаришига қадар асосий манба сифатида фойдаланиб келинган. Жумладан, «Ҳафтияк» китоби Эрон педагоги томонидан яратилган

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб, унда Қуръон сураларидан еттидан бири танлаб олинган. Тахминан, VIII асрларда ёзилган. X—XII асрларда форс-тожик тилида ислом дини рукнлари баён этилган «Чоркитоб», XII асрлардан бошлаб эса Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари асосида билимлар берилган.

Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Абулқосим Маҳмуд бин Умар Замахшарий, Алишер Навоий асарларидан ҳам кенг фойдаланилган. Зеро, бундай нодир асарлар ва Шарқ мутафаккирларининг олийжаноб ҳикматлари, ғоялари XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Туркистон ўлкасида педагогик ва услубий фикрларнинг тараққий этишида муҳим роль ўйнади. Айниқса Туркистон халқларининг маърифатпарварлик педагогикаси тараққиётида асосий замин бўлди.

Марказий Осиё, жумладан Туркистон ўлкасида маҳаллий мактабларнинг хусусияти, таълим-тарбия ишларининг мазмуни, уни ташкил этиш усуллари ўша давр тарбияси мақсадига мос бўлган.

Умуман Марказий Осиёда Октябрь тўнтаришига қадар бир неча турдаги мактаблар мавжуд эди. Улар:

1. Мусулмон диний мактаблар:
   а) мактаб (хона) — эски мактаб;
   б) қорихона;
   в) мадраса;
2. Рус мактаблари:
   а) умумий маълумот мактаблари;
   б) касб мактаблари;
   в) рус-тузем мактаблари;
   г) рус тилини ўргатиш мактаблари.
3. «Янги усул» мактаблари (усули жадид).

Бу давр ижтимоий-маданий ҳаётидаги кучлар ўртасида юз бераётган синфий курашнинг мураккаблиги мактаб-маориф масалаларида ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Демак, энди турли воситаларни ишга солиб янги мазмундаги маърифатни ташвиқ қилиш, тарбия усулларини замонавийлаштириш таълимда қулай усулларни топиш муаммолари турар эди. Бу борада Туркистон ўлкасидаги дастлабки совет мактабларида прогрессив-маърифатпарвар педагоглар — тошкентлик Саидрасул Саидазизов, Абдулла Авлоний, наманганлик Исҳоқжон Жунайдуллаев — Ибрат, самарқандлик Абдуқодир Шакурий, Саидаҳмад Сиддиқий, Исматулла Раҳматуллаев, қўқонлик Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийлар муҳим роль ўйнашди.

Улар XIX асрнинг II ярмида майдонга келган маърифатчилик ҳаракатининг меросхўрлари сифатида бутун ўлкада катта обрўга эга бўлиб, рус, озарбайжон, татар ва бошқа қардош халқ педагогларининг таълим-тарбия ҳақидаги фикрларини ҳамда дарсликларини ўрганиб ўлка мактабларида кенг ёйишда жонбозлик кўрсатдилар. Туркистонда очилган рус ва татар муаллимлари бошчилик қилган ўзбек мактабларида қўлланган усуллардан фойдаланиб ўзлари ташкил қилган мактабларда

www.ziyouz.com kutubxonasi

узоқ вақт давом этган «ҳижо» усули ўрнига «усули савтия»да таълимни ташкил қилдилар ва дарсликлар яратдилар. Масалан, Абдуқодир Шакурий (1875—1943) маҳаллий реакцион кучларнинг таъқибига қарамай, саводхонликнинг қулай усулини ислади, натижада тожик тилида «Раҳнамои савод», «Таълими алифбо» дарсликларини яратди. Шакурий зиёлиларнинг устози сифатида ўз даврида катта шуҳрат қозонди.

Ўзининг кўп йиллик педагогик тажрибаларини умумлаштириб 1915 йилда «Алифбе таълими»— ўқиш китобини ёзди. Шакурий ўз китобида ахлоқ, одоб ва эстетик тарбияга доир мавзуларга катта аҳамият берди.

Исматулла Раҳматуллаев 1905 йилдан бошлаб рус педагоги Стачковнинг рус-тузем мактабида ўқитувчилик қилди. 1913 йилда эса Самарқанднинг Регистон кўчасида янги типдаги мактаб очиб, унда ўқувчиларга дунёвий фанлар билан бир қаторда рус тилидан ҳам дарс бера бошлади.

Туркистон ўлкасида дастлабки совет мактабларини ташкилотчиларидан яна бири Абдулла Авлоний (1878—1934) ҳам усули савтияни ёқлаб чиққан ва унинг ривожланишига самарали ҳисса қўшган педагоглардан биридир. Авлоний Тошкентнинг Миробод, кейинчалик Дегрез маҳалласида янги усулдаги мактаб очиб, унда болаларга тарих, география, ҳисоб, ҳандаса, ҳикмат (физика), она тили ва адабиёт фанларидан билим берди ва қатор таълим-тарбияга оид асарлар яратди.

Авлонийнинг 1912 йилда «Биринчи муаллим», 1913 йилда «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», 1914 йилда «Адиби аввал», 1915 йилда «Иккинчи муаллим», 1917 йилда «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» (2 томлик), «Мактаб ва Гулистон» каби китоблари босилди.

Абдулла Авлонийнинг бу асарлари ўз мазмуни, услуби билан анча мукаммал бўлиб, давр ҳамда шароит талабини ҳисобга олган ҳолда яратилганлиги учун ҳам нафақат Туркистон ўлкасида балки Марказий Осиёда кенг тарқалди.

Абдулла Авлонийнинг ўқитиш услубиятининг афзалликлари шундан иборатким, у биринчилардан бўлиб, дарсларни кўргазмали қуроллар ва техника воситаларидан фойдаланиш асосида дарс ўтиш усулини ёқлаб чиқди. Масалан, 1910—1911 йилларда Гига шаҳридаги граммофон жамияти вакиллари Марказий Осиё шаҳарларига келиб, ўзбек, тожик ва қозоқ халқларининг машҳур ҳофизлари ижро этган классик мақом ва қўшиқларни пластинкаларга ёзиб олдилар. Бу янгиликларни кўриб қувонган Авлоний адабиёт дарсларида бадиий асарни пухта ўзлаштиришга эришиш учун ана шу пластинкалардан фойдаланади.

Туркистон ўлкасида маърифат дарғаси ҳисобланган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам мактаблар ишини ривожлантиришда эътиборга лойиқ ишлар қилган. 1911 йилда Қўқонда Ҳожибек гузарида янги усул мактаби очиб ундаги таълим-тарбияга ўзи раҳбарлик қилган. У 1914—1915 йилларда бошланғич мактаб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар учун «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби», «Қироат китоби»ни ёзди. У яқин ноҳияларда ўзи билан бирга ишлайдиган ўқитувчиларга мактабларда таълим-тарбия ишларини олиб бориш усулларини кўрсатди, маслаҳатлар берди.

Шундай қилиб, Туркистонда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишини, янги ижтимоий муносабатларнинг юзага келиши билан илғор фикрли зиёлилар — педагоглар эски мактаб ва унинг таълим-тарбияси турмуш талабларига жавоб бера олмаслигини тўғри тушундилар. Демак, жамиятни турли мафкуралардан тозалаш, халқнинг онгини, тушунчасини замон талабига мослаб ўстириш лозим бўлиб қолди. Зеро, бундай муҳим масала юқорида таъкидлангани каби Туркистон мактабларида таълим-тарбия тизимини мутлоқ янгилашни талаб этди.

XX аср бошларида янги рус-тузем мактаблари ҳам ўлкада саводсизликни тугатишда, иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий масалаларни бирмунча ҳал этишда муҳим аҳамият касб этди. Рус тузем мактаб ўқувчилари учун кўплаб дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилди. Бу борада Сирекбой Оқоевнинг «Хрестоматия, яъни терма китоб», Наливкиннинг «Сартовско-персидская хрестоматия»си, Али Асғар бинни Байрам Али Қалиийиннинг «Муаллими Соний» китоблари янги усул ўзбек мактабларида таълим-тарбия савиясини кўтаришга катта ёрдам берди.

XIX аср охири, XX аср бошларида ўлкада кенг тарқалган «Янги усул» мактаблари ҳам ўзига хос тарихга эга. Бундай мактаблар дастлаб Қрим, Поволжья ҳамда Озарбайжон мусулмон халқлари яшайдиган жойларда пайдо бўлди.

Бу мактабнинг хусусиятларидан бири шундан иборатки, бой ва камбағал болалар биргаликда ўқишлари мумкин эди. Лекин шу нарсани унутмаслик керакки, бу мактабдан кўпроқ миллий буржуазия манфаатдор бўлган. Ҳатто 1908 йилгача бундай мактаблар ҳокимият томонидан рўйхатга ҳам олинмаган. Аммо кейинчалик губернаторлик номига маҳаллий аҳоли номидан жуда кўплаб мазкур усулдаги мактаблар сонини кўпайтиришни сўраб аризалар тушади.

XX аср бошларига келиб янги усул мактабининг тарқалиши жуда авжига чиқади. Бунда асосан кенг ташвиқот олиб борилган. Шунинг учун ҳам Тошкентда биринчи марта 1905 ва 1906 йилларда «Тараққий», «Хуршид» ва «Тужор» номли рўзномаларнинг нашр қилиниши муҳим роль ўйнаган.

Бу рўзномалар жадидчиларнинг дастлабки маҳаллий миллий рўзномалари бўлиб, унда большевизмга очиқдан-очиқ ўз муносабатларини баён этганлар. Матбуот органи ходимлари чор самодержавияси билан келишмовчилик сиёсатини тутганлар.

Ўша пайтда янги усул мактабларининг очилишида қатор объектив сабаблар мавжуд эди.

Биринчидан, эски конфессионал мактаблар халқ талабига тўлақонли жавоб бера олмаётганлиги;

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иккинчидан, савдо тизими кенг ривожланган жойларда ҳамда пахта заводларида ишлаш учун саводли ходимлар керак-лиги;

Учинчидан, ўзбек пахтасини чет мамлакатларга олиб чиқиб сотишда рус тилини билувчи таржимон ва ишбилармонларга эҳтиёж туғилганлигида эди.

Бундай талабни қондиришда янги усул мактаби жуда қўл келди. Шунинг учун ҳам халқ, асосан, бойлар бу мактабни мамнуниятлик билан кутиб олдилар. Ҳаттоки баъзи бир бойлар мактабларни қуриш харажатларини ўз зиммаларига олиб, кўпайтиришга ҳаракат қилдилар.

Янги усул мактаби биринчи марта Қримда, Боқчасаройда С. Гаспринский томонидан очилди. Дастлаб кишилар Гаспринский мактабига шубҳа билан қараганлар. Гаспринский ўзи очган мактабни шундай таърифлайди: «Мен 1884 йилда биринчи марта Боқчасаройда мактаб очдим. Бу мактабга «Янги усул» деб ном бердим...— мен раҳбарлик қилаётган мактаб ўқитувчилари 6 ой ичида болаларга туркча ва арабча ўқишни, туркча ёзишни ўргатардилар. Ажабланарли жойи шундаки, ўқувчилар бу қисқа муддат ичида ўқув дастурини ҳамма курсини ўрганишга улгурар эдилар» (Бендриков К. Е. «Очерки по истории народного образования в Туркестане», М., 1960, 254- бет).

Адабиётлар ва архив ҳужжатларининг таҳлилидан маълумки, 1893 йилда С. Гаспринский Туркистонга келади ва Самарқанд, Бухоро шаҳарларида бўлиб, у ерларда янги усул мактабларини очишда ташвиқот ишларини қизғин олиб боради. Гаспринский мактаби Бухоро миллий буржуаларига маъқул бўлиб, ташвиқот тезликда амалиётга айланади.

Аста-секинлик билан бу усул ўлка бўйлаб кенг қулоч ёйди. Тошкентда очилган янги усул мактабининг асосчиси Мунавварқори ўз мактабида товуш методида ўқита бошлади.

Марказий Осиёда «Янги усул» мактабининг ижодчиларини то яқин вақтларга қадар «Жадидчилар» деб атар эдилар.

«Жадид» деганда кишилар қандайдир бир ташкилотни ёки янгилик тарқатувчи новаторликни тушунишган. Жадидлар ўша вақтда пантуркистлар, панисломистлар ҳомийлиги остида собиқ совет давлатига қарши турли ташкилотлар, гуруҳлар тузганлар. Қисқаси, «жадидчилар» Марказий Осиё халқининг миллийлигини, она тилини, маънавиятини, қадриятини ҳимоя қилишга ҳаракат қилганлар. Шунинг учун ҳам «жадид» сўзи то тўнтаришга қадар кенг маънони билдирган бўлса, тўнтаришдан кейин эса бу термин совет ҳокимиятига қарши қўйилган.

1905 йилги тўнтаришдан кейин ўлкада рус татарлари орасида давлат ҳокимиятига қарши қўйилган оқимлар пайдо бўла бошлади. Бу жиҳатдан «янги усул» мактаби энг хавфли ҳисобланиб, ҳар қандай заҳарловчи оқим шу мактаб орқали тез тарқалаётган эди. Халқ маорифи директори Граменицкий бу ўзгаришларни таҳлил қилиш асносида шундай фикрни баён этади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Бундай радикал ўзгариш яқин 40 йил ичида мусулмон конфессионал мактабларида юз бермаган эди». Яна аниқланишича, янги усулчилар Туркистонни Россиядан ажратиб Туркия билан қўшилишни истар эдилар. Шунинг учун ҳам янги усул мактаблари Октябрь тўнтаришидан кейин қаттиқ таъқиб остига олинган.

Умуман янги усул мактабларининг таълим-тарбия жараёни ўзига хос янгиликлари билан ўша давр халқи эътиборини қозонди. Энг муҳими ўқувчиларда билимларни эгаллашга қизиқишни кучайтирди. Ўқитувчилар дарсда маъруза, суҳбат усулларини қўллаб ўқувчиларга пухта билим беришга, уларда мустақил ишлаш кўникмаларини ўстиришга, таълим жараёниии фаоллаштиришга эришдилар. Буидай хайрли иш ўқувчиларнинг фан асосларииии она тилида ўзлаштиришларида муҳим омил бўлиб ҳисобланди.

Юқорида айтилган фикрлардан хулоса шуки, гўё тўнтариш Туркистон ўлкасида маърифатнинг, ижтимоий тузумнинг, ишлаб чиқаришнинг сезиларли даражада ривожланишида муҳим рол ўйнаган. Ўлкада жуда кўплаб зиёлилар етишиб чиқди, завод ва фабрикалар қурилди, лотинча саводсизликка барҳам берилди. Лекин кези келганда шу нарсани ҳам қайд этиш керакки,Октябрь тўнтариши ўлкага юқорида таъкидланганидек, собиқ совет ишларини амалга оширишда катта аҳамият касб этиш билан бирга, ўзбек миллий қадриятларига путур етказишга, миллий халқни руслаштиришга ҳаракат қилингани, маънавиятимизнинг йўқолаётганлигига, тарихимизнинг топталишига уринишлар бўлганлигини ҳеч ким инкор этолмайди, албатта. Чунки ҳар қандай халқ ўз миллийлиги, қадриятлари ва маданияти билан буюкдир. Ўзбек халқининг ана шу буюклиги руслар истилоси остида кўп йиллар давомида топталиб, оёқ ости қилинди. Эндиликда шукрлар бўлсинки, мустақиллик шарофати билан йўқотаёзган барча миллий ва маънавий бойликларимиз, қадриятларимиз тикланмоқда.

Бу албатта, шу бугунги ўзбек мактабини, унинг таълим-тарбиясини шарқона услубда қайта қуришимизда муҳим аҳамият касб этади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

VIII боб

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ВА УРУШДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚ МАОРИФИ ВА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚ МАОРИФИ ВА ПЕДАГОГИКА

Маълумки, собиқ Совет давлати мазмуни, шароити ва ўзига хослиги жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладиган даврларни босиб ўтди. Бинобарин давр талаби билан унинг ўз олдига қўйган вазифалари ҳам ўзгариб турди. Лекин унинг асосий мақсади мамлакат мудофаа қудратини, моддий-техника базасини, иқтисоди, маданияти, маорифини ривожлантиришдан иборат бўлди.

Тарихдан маълумки, Совет давлати, халқи ўз бошидан кечирган оғир даврлардан бири II жаҳон уруши йилларидир. Ўша даврда мамлакатимиз ёшларини, хусусан республикамиз ёшларини юқори ахлоқ малакалари руҳида, айниқса ватанпарварлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, онгли интизом, фидокорлик, бирдамлик руҳида тарбиялаш авж олиб кетди. Бу тарихий шароит тақозоси эди.

1941 йил 22 июнда фашистлар Германияси ҳужум қилмаслик ҳақидаги битимни бузиб, уруш эълон қилмай туриб собиқ Совет Иттифоқига бостириб кирди.

Собиқ Совет Иттифоқи ҳамма халқларни Ватанни якдиллик билан мудофаа қилиш учун отлантирди. Шарқда машъал — Узбекистон ҳам ҳимояга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Мамлакат оғир ва даҳшатли кунларни бошидан кечирмоқда эди. Ватан олдида турган ҳарбий ҳўжалик ва ҳарбий-сиёсий вазифаларни ҳал қилиш учун барча моддий ресурсларни ва совет халқининг маънавий кучларини фронтга қаратиш талаб қилинди.

Қишилар фабрика ва заводларда, шахта ва темир йўлларда, колхоз, совхоз ва МТС ларда — ҳамма жойда «ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун» деган шиор остида фидокорона ишладилар. Бутун куч, восита ва имкониятлар Ватан мудофаасига, душман устидан ғалаба қилишга сафарбар этилди. Мудофаа фонди тузиш, танклар, самолётлар ҳамда бошқа жанговар техникалар қуриш учун маблағ йиғишда умумхалқ ҳаракатининг авж олиши халқларнинг ватанпарварлигини яна бир бор исбот этди.

Мамлакатлар мудофаа фондига пул, қимматбаҳо нарсалар, давлат облигациялари, хуллас кимда нима бўлса, ҳаммасини топширдилар. Урушнинг дастлабки кунларидаёқ биргина Тошкент шаҳрининг ўзида мудофаа фондига 5,5 миллион сўмдан ортиқ пул тўпланди. Ўзбекистон республикаси бўйича 30 миллион сўм пул йиғилди. Ватан учун белгиланган шанбаликлар ватанпарварлик руҳи остида ўтди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Душман вақтинчалик босиб олган ерлардаги анчагина заводлар, фабрикалар, ишлаб чиқариш корхоналари, турли муассасалар Ўзбекистонга кўчирилди. Ўзбекистон уларни жой, ишчи кучи билан таъминлади. Бунинг устига фронтдаги армияни озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш асосан ўзбек халқи зиммасига тушди. Ишчи кучи етишмаганидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб-териб олиш анча орқага чўзилиб кетмоқда эди. Собиқ СССР Олий Совети Президиумининг 1942 йил 13 февралда чиқарган «Уруш йилларида меҳнатга қобилиятли бўлган барча кишиларни ишлаб чиқариш соҳасига ва қурилишга жалб қилиш» тўғрисидаги фармони мамлакат ичкарисидаги ишларни бирмунча изга солди.

Бу чақириқдан сўнг 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган эркак кишилар ва 16 ёшдан 45 ёшгача бўлган аёллар турли ишларга тортилди. Бу фармонда ўрта мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юрти талабалари, ёш болали аёллар мажбурий меҳнатдан озод қилинди. Фармон Собиқ Қизил Армияни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда асосий дастур амал бўлди.

Барчага маълумки уруш йиллари, барча соҳадаги каби халқ маорифи соҳасида ўзига хос қийинчиликлар даври бўлди. Бу ҳол маориф соҳасидаги кўпчилик тажрибали ўқитувчиларнинг армия сафига чақиртирилиши, айрим мактаб биноларининг госпиталларга айлантирилиши, ўқув қуролларининг етишмаслиги, ўқувчиларнинг моддий таъминотидаги танқислик, оталарнинг фронтга кетиши, эвакуация қилинган болалар сонининг кўплиги, ўқувчиларнинг кўпроқ вақти ижтимоий ишлаб чиқаришга сарфланиши ва бошқа шунга ўхшаш сабаблардан иборат бўлиб, бу хусусиятлар мактабларда аввало таълим-тарбия жараёнини мустаҳкамлашни тақозо қиларди.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ Собиқ Коммунистик партия ва Совет давлати ўқувчилар кўламини тўла сақлаб қолиш учун катта ғамхўрлик кўрсатди. Қишлоқларда кўплаб мактаблар қурилди ва тўла бўлмаган бошланғич мактаблар сони кўпайтирилди. Мактаб биноларига қўшимча синф хоналари қурилди. Мактаб-интернатларнинг тармоғи кенгайтирилди. Мамлакат уруш ҳолатида бўлишига қарамасдан етти йиллик ва тўлиқ ўрта мактаблар тармоғи тобора ўсди. Ўзбекистонда етти йиллик мактаблар 224 тага, ўрта мактаблар 375 тага кўпайди. 7—10-синфни битирувчилар сони ҳам бирмунча ўсди. Уруш йилларида етти йиллик мактабларни 131000 ўқувчи, ўн йилликни 9040 ўқувчи битириб чиқди[1].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида айниқса, халқ маорифини янада ривожлантиришда янги инсонни камол топтиришда ёшларни инсонпарварлик идеаллари, ватанпарварлик, руҳида тарбиялаш иши ғалабанинг муҳим омилларидан бўлиб қолди.

---

[1] Узбекистон Улуғ Ватан уруши йилларида (1942—45), «Фан» нашриёти, Тошкент, 1966, 164-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иккинчи жаҳон уруши даврида мактабларнинг ўқув дастурлари шароитга мослаштирилди.

Маориф комиссарлиги мактабларда тарбиявий ишларни янада яхшилашга қаратилган қатор муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тадбирлар белгилади. «Мактабларда интизомни мустаҳкамлаш», «Бошланғич тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабларда педагогик советларнинг аҳволи», «Ота-оналар комитети ишининг йўлга қўйилиши», «Қишлоқ ёшлари учун кечки мактаблар», «Мактаб участкасидан тўғри фойдаланиш» ва бошқа шунга ўхшаш методик тавсиялар яратилди ва жойларга юборилди.

Уруш йилининг оғир кунларида мактабларнинг 90% и тўлалигича сақлаб қолинди. Бу ҳақиқатан ҳам мактаб ва халқ маорифи ишининг мустаҳкамлигидан, у тўғри йўлдаи бораётганлигидан далолат берар эди. 1941 йилда Ўзбекистонда етти йиллик мактаблар сони 100 тага кўпайди. 1943 йилга келиб 1791 тага етди. Ўрта мактаблар сони ҳам кундан-кун орта борди. 1943—44 ўқув йилининг охирига келиб республика бўйича 756 тага кўпайтирилди[1].

Айниқса ўша йилларда 5—7- синф ўқувчиларининг сони беқиёс ортди. 1940 йил 1 июлда уларнинг сони 222 минг бўлган бўлса, 1943 йил 1 июлга келиб 232 мингга етди. 7- синфни тугатувчилар урушнинг биринчи ва иккинчи ўқув йилларида 88623 кишини ташкил этди. Бу эса урушдан олдинги йилдагига нисбатан 10% кўпдир.

Уруш йилларида Халқ маорифи Комиссарлиги томонидан мактабларда таълим-тарбия ишларини юқори даражага кўтариш ҳамда ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш мақсадида жуда кўп умумдавлат аҳамиятига эга бўлган буйруқ ва кўрсатмалар берилди. Жумладан, 1943 йил 14 июлда Собиқ СССР Халқ Комиссарлар Совети 8 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларни ҳисобга олиш ва уларни мажбурий таълимга тортиш ҳақида[2]ги қарор чиқарди. 1943 йил 2 августда РСФСР Халқ Комиссарлари Совети мактаб тарбиявий ишларини янада яхшилаш мақсадида «20» пунктдан иборат «Ўқувчилар учун қоида»ни тасдиқлади.[3] Бу «қоидалар»да ўқувчининг бурчи ва маънавий фазилатлари, коллектив олдидаги вазифалари, мактабда ва уйда, жамоат жойларда ўзини қандай тутиши лозимлиги мукаммал ёритилди.

Собиқ СССР Халқ Комиссарлари Совети 1943 йил июль ойида бир қатор йирик шаҳарларда ўғил болалар билан қиз болаларни алоҳида ўқитишни жорий этди. Масалан: Ўзбекистонда алоҳида ўқитиш 1943 йил сентябрдан бошлаб Тошкент шаҳрида амалга оширилди. 1 декабрдан бошлаб яна 4 та йирик шаҳар-

[1] Е. В. Речинская. Нар. обр. е в Уз-не в годы Велик. Отеч. войны. Изд-во «Средняя и высшая школа». УзССР. Т., 1963, 17- бет.

[2] Нар-е обр-е в СССР. Сборник документов 1917—73 гг. Изд-во «Педагогика», М., 1974, 117- бет.

[3] Нар-е обр-е в СССР Сборник документов 1917—73 гг. Изд-во «Педагогика», 1974, Москва, 178- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларда — Бухоро, Урганч, Фарғона ва Марғилонда амалга оширилди. Собиқ СССР Совнаркомининг бу реформаси республикамиздаги аҳолининг кўпчилик қисми томонидан яхши кутиб олинди. Чунки бу реформа баъзи оилаларнинг талабига жавоб берар эди. Баъзи ота-оналар зўрлиги билан мактабдан четлатилган қизлар реформа муносабати билан мактаб қучоғига қайтишга муяссар бўлдилар. Масалан, Тошкент шаҳридаги 139-мактабда қайтадан мактабга қайтганлар ҳисобига бутун бир яхлит 10-синф ташкил қилинди. 15, 123-мактабларда юқори синф қизларининг сони бирмунча ортди. Ўша даврда ота-оналар билан суҳбатда бўлган ўқитувчиларнинг хотирлашларига кўра улар ўз қизларини мамнуният билан мактабга юборишга рози эканликларини билдирганлар. Реформа ўзбек мактабларида ўқувчилар контингентини оширишга катта ёрдам берганини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Халқ маорифи вазирлиги 1944 йил 1 сентябрдан бошлаб яна 4 та шаҳарда (Андижон, Наманган, Самарқанд ва Қўқон) ажратиб ўқитиш реформасини ўтказишни планлаштирди[1].

Шундай қилиб 21 июнда «Мактабларда ўқув сифатини ошириш» тўғрисидаги буйруққа асосан бошланғич ва етти йиллик мактабни тугатувчилар битирув имтиҳонларини, ўрта мактабни тугатувчилар эса, 1944—45 ўқув йилидан бошлаб етуклик имтиҳонларини топширишлари керак эди[2]. Бу талаб ўқувчилардан ҳар томонлама чиниққан ва пухта билимга эга бўлишни талаб этди. Бу билан ўқувчиларда ўқув ишига нисбатан масъулият ошди, мактабларда ўқувчилар тарбияси, шунингдек ўқувчиларнинг ўз устида мустақил ишлаши ҳам анча яхшиланди.

Дарҳақиқат, бу даврга келиб мактаб таълим-тарбия ишлари савияси янада яхшиланиб борди. Тарбиявий ишларнинг янги-янги шакллари вужудга кела бошлади. Дарс жараёни ва синфдан ташқари ишларда болаларни она Ватанга муҳаббат руҳида, интернационализм руҳида тарбиялаш, ўқувчилар онгига ва кундалик ҳаётига тарбиявий тушунчаларни сингдириб боришда яхши натижаларга эришилди. Ҳарбий-физкультура дарслари соати кўпайди. Ҳарбий ўқиш 1-синфдан бошлаб ўтила бошланди, ҳарбий таълим фақат ўғил болаларга эмас, қиз болаларга ҳам ўргатила бошланди.

Ўқувчилар БГТО, ГТО, ВС нормаларини жуда яхши ўзлаштириб, ҳаво ҳарбий ҳужумига қарши курашиш малакаларини эгалладилар.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистонга кўплаб ёш болалар ва катталар эвакуация қилинган эди. 1942 йилда эвакуация қилинганлар сони 716 мингга етди.

Ўзбекистон Компартияси МҚнинг 1942 йилги V пленуми бар-

---

[1] УзНИИПН архиви, опись 1, д. 287, 10-бет.

[2] Е. В. Рачинская. «Народное обр-е в Узб-не в годы Великой отечественной войны», изд-во, «Средняя и высшая школа», УзССР, Т., 1963, 34-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ча вилоятларнинг партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига эвакуация қилинганларга, айниқса ёш болаларга алоҳида эътибор билан қараш лозимлигини уқтирди. Бу пленумдан сўнг барча вилоятларда эвакуация қилинганларни қабул қилувчи махсус комиссиялар тузилди.

1943 йилда Ўзбекистон ҳудудида 154 та болалар уйи бор эди. Болалар уйининг сони 1945 йилга келиб 242 тага, ундаги тарбияланувчилар сони эса 31.500 га етди.

Уруш даврида ўқитувчилар сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилди. Чунки кўпчилик педагоглар фронтга сафарбар қилинганлиги учун республика бўйича 1940—1941 ўқув йилида 36267 нафар ўқитувчидан 30616 киши қолди. Фронтга кетган ўқитувчилар ўрнини тўлдириш учун қисқа муддатли ўқитувчилар тайёрлаш курслари очилди. 1941 йилдан 1943 йилгача бу курсларни 16 минг ўқитувчи бнтириб чиқди. Бошқа соҳада ишлаётган ўқитувчилар ҳам мактабга қайтарилди.

Собиқ СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1943 йил 23 июлда қабул қилган қарори Ўзбекистон мактабларини янги ўқитувчи кадрлар билан таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу қарорда Ўзбекистон мактабларига миллий педагог ходимлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор берилган эди. Собиқ ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг 1943 йил 1 ноябрда чиқарган қарорида педагог ходимлар тайёрлаш ва педагогик билимни яхшилаш масалалари кўрилиб, маҳаллий мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлаш ишига, айниқса, ўзбек хотин-қизларидан кўпроқ жалб этиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Мана шу далилларнинг ўзи ҳам шароитнинг қийин бўлишига қарамасдан халқ маорифига қилинган катта ғамхўрликдан далолатдир. «Биз қаччалик уруш билан банд бўлмайлик,— деб ёзади «Правда» газетаси,— болалар тўғрисида ғамхўрлик, уларни тарбиялаш ишлари муҳим вазифа бўлиб қола беради... умумий таълим тўғрисидаги қонун уруш шароитида ҳам мустаҳкам бўлиб қола беради. Уруш вақтининг қийинчиликларига қарамасдан биз барча болаларни ҳисобга олишимиз лозим. Ҳарбий шароитлар ҳеч қандай баҳона бўла олмайди. (1942 йил 24 мартда чиққан «Правда» газетаеининг бош мақоласидан.)

«Правда» газетасида босилган мақола, баъзи бир ўлка, область раҳбарларининг областлараро кенгашида, шунингдек автоном реснубликаларнинг халқ маорифи комиссарликлари кенгашларида ўрганилиб мактаб тарбиявий ишларини тўғри йўлга қўйишда асосий методик йўлланма сифатида катта ёрдам берди. Маҳаллий ҳукумат органлари, мактаб маъмурияти, комсомоллар, ота-оналар жамоатчилиги болаларнинг мактабдан кетиб қолишларига қарши курашга актив жалб этилди, мактаблардаги тарбиявий ишлар қамрови кенгайтирилди.

Уруш йиллари мактаб олдида турган энг муҳим вазифалардан яна бири шароит тақозосидан келиб чиқиб ҳар бир ўқувчига коммунистик ахлоқ нормаларини сингдириб бориш билан уларни юқори ахлоқий малакалар руҳида тарбиялашдан иборат бўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Зеро мактаблар олдида турган тарбиявий масалаларни бажаришда қатор тадбирий ишлар амалга оширилиши муҳим ҳисобланди. Айниқса:

1. Мактаб ёшидаги болаларнинг ҳаммасини умумий таълимга тортиш ишини давом эттириш;

2. Ўқув-тарбия ишларини қайта қуриш ва сифатини янада юқори кўтариш, фан асосларини юксак сиёсий-ғоявий савияда ўқитиш, ўқувчиларга зарурий жисмоний тарбия бериш, ёшларни ижтимоий-фойдали ишларда кенг қатнашишини таъмин этиш учун уларга агротехника билимини бериш;

3. Аҳоли ўртасида оммавий мудофаа ва сиёсий оқартув ишларини олиб бориш;

4. Ўқувчиларнинг корхона ва қишлоқ хўжалигида мудофаа эҳтиёжи учун қилинадиган меҳнатларини йўлга қўйиш каби масалалар шулар жумласидандир.

Уруш даврида ўқитувчилардан ҳамда барча маориф ходимларидан ўз ўрнида қаттиқ туриб ўқувчиларнинг ўз вақтида дарсга кечикмасдан келишини, сабабсиз дарс қолдирмасликларини, уйга берилган вазифаларни тўла бажаришларини, ўқувчиларнинг мактабда ва мактабдан ташқари ижтимоий-фойдали ишларга актив жалб қилдириш йўли билан уларда юқори ахлоқ малакаларини, мустаҳкам иродани, эътиқодни тарбиялашлари лозимлигини жуда кўп марталаб таъкидлаб ўтган эди. Бундай талабни бекаму-кўст амалга ошириш ўқитувчилардан аввалам бор, ота-оналар билан яқиндан алоқада бўлиб ҳамкорликда иш олиб боришларини тақозо этди. Бу метод эса ўз навбатида ўқувчиларнинг назоратдан четда қолмаслигини таъминлади. Натижада ҳар икки томонлама кузатиш болаларнинг тарбиясини яхшилашга олиб келди. Бу эса албатта ўша давр руҳиятининг жиддийлигини, ҳар бир инсоннинг хоҳ у катта бўлсин, хоҳ кичик бўлсин жамиятда ўз ўрни ва ўз мавқеи борлигини тўғри тушунишига катта ёрдам берди. Биз уруш йилларида мактаблардаги қийинчиликлар ҳақида гапирар эканмиз, шаҳарлардаги мактабларда ўқиш уч сменада олиб борилганлигини ҳам тилга олиш жоиз деб ўйлаймиз, чунки бу ҳол табиий ҳолатда таълим-тарбия жараёнини қийинлаштиришга олиб келган. Дарслар 40 минутга қисқарган. Ашула ва расм дарслари умуман ўтилмаган.

Республикамизда ўзбек мактабларида дарслар жуда кам олиб борилди. Чунки уруш бошланмасдан сал олдин ўзбек ёзувини рус графикасига ўтказиш тўғрисида қонун қабул қилинган эди. Лекин бу қонун амалга оширилгунча уруш бошланиб кетди. 1941—1942 йилларда кўп ҳажмда китоблар чоп этилиши ҳам кўзда тутилган эди. Афсуски, бу иш ҳам амалга оширилмай қолди. Шундай бўлишига қарамай, илғор ўқитувчиларнинг ташаббуси дарсларда самарали натижалар бера бошлади. Ўқитувчилар оғзаки тушунтиришга катта эътибор бердилар. Янги ўтила-

www.ziyouz.com kutubxonasi

диган дарс ўқитувчи томонидан доскага ёзилар, ўқувчилар уни дафтарга кўчирнб олишар эди.

Шароит ниҳоятда жиддий бўлишига қарамасдан ёшларнинг билим олиш имкониятлари кундан-кун кенгая борди. Бинобарин, уруш вақтида армия мактабдаи ҳар томонлама чиниққан ва қисқа муддат ичида ҳарбий техникани бошқара оладиган саводли, интизомли кадрлар етиштириб беришни талаб қилар эди.

Бу борада маориф тизимини фронт учун хизмат қилдириш биринчи ўринга қўйилди. Мактаб ўқувчилари меҳнат фронтига кенг жалб этилди.

Партия даъвати ва шароит тақозоси билан кўпчилик ўқувчилар ҳам мактабда ўқиб, ҳам қишлоқ хўжалик ишларида фаол қатнашдилар. Барча ишлаб чиқариш муассасаларида, завод ва фабрикалар қошида курслар очилиб, ўқувчилар ўқишдан ажралмаган ҳолда меҳнат қилдилар.

1942—1943 ўқув йилига келиб уч мингга яқин бола турли сабабларга кўра мактабга қатнамай қўйди. Мактаб ёшидаги кўп болалар қишлоқ хўжалик ишларига, ҳунар мактаблари ва ФЗУ ларга кетиб қолди. Баъзи бирлари эгни-боши, оёқ кийимлари бўлмаганлиги сабабли мактабга қатнай олмадилар. Кўпчилик ўзбек мактабларида рус тилини ўрганиш қониқарсиз олиб борилаётгани ўша пайтда жуда катта ташвишли ҳол эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Собиқ КП МҚнинг 1944 йил 18 апрелдаги ҳамда республика Халқ Комиссарлари Советининг 1944 йил 10 апрелда чиқарган қарорларида халқ маорифи комиссариати олдига муҳим вазифалар қўйилди. Жамоат ташкилотларига ўзбек мактабларида рус тили ўқитишни системали ва мунтазам равишда кузатиб бориш топширилди. 1943 йил 2 августда 1943—1944 ўқув йилида ўқувчиларни тўлалигича умумий таълимга жалб этиш масаласи муҳокама қилинди ва айрим район ҳамда вилоят маорифчиларининг ишларидаги камчликлар кўрсатилди, уларнинг олдини олиш, ўқув-тарбия ишларини янада яхшилаш тадбирлари белгиланди.

Жумладан, 1944 йил 21 мартда Собиқ РСФСР Халқ маорифи комиссарлигининг ўқувчиларнинг тарбиясини, айниқса, интизомини мустаҳкамлаш ҳақида буйруғи чиқади. Бу буйруқ мактабда тарбиявий ишларни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Унда қуйидаги вазифалар белгиланди:

1. Мактабда тўла тартиб ва интизомни ўрнатишга халқ маорифи ходимлари, мактаб директорлари, барча педагоглар жамоасини жалб қилиш;

2. Барча мактаб директорлари ва ўқитувчиларнинг «Ўқувчилар учун қоида»ни ўқувчилар онгига сингдириш учун тинмай системали иш олиб бориши;

3. Ўқитувчиларнинг ўқувчиларга нисбатан талабчан бўлиши, топширилган ҳар бир иш ўз вақтида бажарилишини талаб қилиши, тарбиянинг назарий ва амалий жиҳатдан тўғри бажарилишига эришиш;

www.ziyouz.com kutubxonasi

4. Комсомол ва пионер ўқувчилар ташкилоти ишини мактабларда тартиб ва интизомни мустаҳкамлашга қаратиш[1].

Шунингдек, Собиқ РСФСР СНКминиг 1944 йил 10 январдан бошлаб болалар билими ва хулқини 5 баллик тизим асосида баҳолаш ҳақидаги буйруғи ҳам ўша даврда катта аҳамият касб этди. Буйруқда таъкидланишича, бу тизим барча мактабларда 1944 йил 11 январдан бошлаб кучга кириши ва амалиётда қўлланилиши шарт эканлиги алоҳида таъкидланди.

Собиқ РСФСР Халқ Комиссарлигининг «Мактабларда интизомни мустаҳкамлаш тўғрисида»ги махсус буйруғида (1944 йил апрель) ўқувчиларда интизом мактаб ишларининг бутун мазмуни билан, ўқув фанларини моҳирона ўқитиш билан, мактаб ҳаётининг аниқ режими билан, рағбатлантириш ва жазолаш чораларини оқилона қўллаш билан амалга оширилади, деб тўғри қайд этилди. Шунингдек ўқитувчиларнинг таъсир кучини оширишда ёшлар ташкилотларининг ёрдами ниҳоят зарурлиги ҳам уқтирилди. Шубҳасиз, бу буйруқ мактаб ва ўқитувчиларга тарбиявий ишларни кучайтиришда йўлланма сифатида хизмат қилди.

Шароит ҳар қанча қийин бўлишига қарамасдан Собиқ Совет ҳукумати маҳаллий миллат болаларига ўрта таълим беришга эътиборни кучайтирди. Бу борада Ўзбекистон Халқ комиссарлари Совети 1942 йил 1 сентябрдан бошлаб қишлоқ шароитида 20 кишидан иборат бўлган 5—7-синфлар сонини кўпайтиришга ва 8—10-синфлар учун эса 15 ўқувчи бўлса синф очишга рухсат этди. Бу тадбир мактаб таълим-тарбия ишларига ижобий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон маҳаллий Советлари, собиқ СССР Совнаркоми кўрсатмасига биноан, 1943 йилнинг 1 январидан бошлаб 8—10-синф ўқувчиларини ҳамда катта ёшдаги ўзбек ўқувчиларини ўқиш ҳақи тўлашдан озод этди. Қозоқ, қирғиз, тожик, қорақалпоқ, туркман ва бошқа маҳаллий халқлар болалари ҳам ўқиш ҳақи тўлашдан озод бўлишди.

Мактабларда таълим-тарбия ишларини юқори даражага кўтариш ҳамда ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш мақсадида халқ маорифи комиссарлиги томонидан умумдавлат аҳамиятига эга бўлган жуда кўп қатор кўрсатмалар берилди. Масалан, 1943 йил 14 июлда Собиқ СССР Халқ Комиссарлари Совети 8 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларни ҳисобга олиш ва уларни мажбурий таълимга тортиш ҳақида қарор қабул қилди[2]. Мазкур қарор ва кўрсатмаларнинг барча талабларини қатъий бажаришни назорат қилиш автоном республикаларнинг, область, район ва қишлоқ Советлари раислари ва депутатларига топширилди.

---

[1] Народное образование в СССР, Сборник документов 1971—1973 гг. «Педагогика», 1974, М., 181-бет.

[2] Народное образование в СССР. Сборник документов 1917—1973 гг., «Педагогика», 1974, 117-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шароит тақозоси билан оталарнинг фронтга кетиши, оналар ва оиланинг катта ёшдаги аъзоларининг корхоналарга бориб ишлаши оқибатида кўпчилик болалар назоратсиз қолди. Натижада айрим болалар тарбиясига путур етди. Демак, тезликда бундай ҳолни олдини олиш зарур бўлиб қолди. Зеро, душман билан бўлаётган жангда ғолиб чиқишнинг муҳим гарови тарбияга боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас эди, албатта. Шунинг учун ҳам ўлка ва областларда болалар назоратсизлигига қарши кураш комиссиялари тузилди, махсус инспекторлик ташкил этилди, болалар қабулхоналари ва болалар уйлари шохобчалари кенгайтирилди. Болаларни ишга жойлаштириш пунктлари тузилди. Таълим мазмунига кўпроқ амалий тус берилди, мактабда ўқитиладиган билимлар курси ҳаёт билан янада мустаҳкамроқ боғланди, бир қатор ҳарбий мудофаа мавзулари киритилди. 1942 йилнинг бошида собиқ СССР Халқ Комиссарлари Совети қишлоқ хўжалик асосларини мактабда ўқитиладиган фанлардан бири сифатида киритиш ҳақида буйруқ чиқарди.

Давлатнинг махсус кўрсатмасига биноан 1943 йилдан бошлаб баъзи бир мактабларда ўқув ишлаб чиқариш устахоналари очила бошланди. Баъзи юқори синф ўқувчилари корхоналардаги мудофаа ишларига ёки уй-рўзғор буюмлари тайёрлайдиган устахоналарга, масалан, электроприбор ва шунинг кабиларни ремонт қиладиган (Тошкент, Саратов, Томск ва бошқа шаҳарларда) устахоналарга тортилдилар. Бу фойдали ва муҳим ишларда ўқувчилар бригадасининг раҳбарлари сифатида ўқитувчилар ҳам иштирок этдилар.

Уруш йилларидаги мавжуд барча қийинчиликларни бартараф этиш ва ёвуз душман устидан ғалаба қозонишда ёшлар тарбияси ҳал қилувчи роль ўйнади. Бунда асосан миллий халқ тарбия анъаналаридан ижодий фойдаланиш, уларга янги мазмун касб этиш болаларни ватанпарвар, уюшқоқ, интизомли, саботли, меҳнатсевар қилиб тарбиялашда катта аҳамият касб этади. Шу маънода мактабларда жуда кўплаб учрашувлар ўтказилди. Бу эса ўз навбатида ёшлар қалбида қаҳрамонлик ҳиссини уйғотди, меҳнатсеварлик, фидокорлик каби юксак сифатларни тарбиялади.

Миллий ахлоқий тарбия анъаналари давр манфаати, янги инсон тарбияси учун хизмат қилдиришга қаратилди ва таълим-тарбияда яхши самарадорликка эришилди, бунинг натижасини душман устидан қозонилган буюк ғалабада кўриш мумкин бўлди.

Умуман, уруш йилларида амалга оширилган ишларга баҳо берганда дадил ва қатъий айтиш лозимки, собиқ совет халқи эришган буюк ғалабада мактабнинг, ўқувчиларнинг ҳиссаси бениҳоядир. Айниқса, бу борада дарсдан ва мактабдан ташқари олиб борилган тарбиявий ишларнинг кўлами жуда кенг бўлиб, у асосан комсомол ва пионер ташкилотлари орқали олиб борилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жуда кўп шаҳар мактабларида комсомол ва пионер ташкилотлари ишларининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида қўшимча тарбиявий муассасалар ташкил этилди. Бу муассасаларда пионер ва комсомол ташкилоти аъзоларига методик ёрдам кўрсатилди. Масалан, Тошкентдаги кашшофлар уйида «Пионер активи хонаси» ташкил этилди. Бу хонада асосан пионер ташкилоти иши юзасидан мунозаралар олиб борилди. Ўқувчилар кучи билан кашшофлар ишига тааллуқли кўп тиражли адабиётлар тўпланди. Шунингдек, бу ерда мактаб пионервожатийлари учун семинарлар ўтказилди. 1944 йил охирига келиб бу ерда муттасил пайшанба кунлари сиёсий мавзуларда суҳбатлар ўтказилди. Бунда ўқувчилар учун шаҳарнинг малакали лекторлари қатнашиб собиқ Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Меҳнат қаҳрамонлари ҳақида маъруза қилишди, ўқувчиларни тарбияга чорловчи мавзуларда суҳбатлар, учрашувлар ўтказилди. Бу эса ўз навбатида мактабларда пионер ташкилоти тарбиявий иши шаклларини янада бойитишга ёрдам берди.

Кашшофлар саройи қошидаги турли фан ва бадиий тўгаракларда ўз ишларини ҳарбий шароит талабига мослаштириш, яъни авиамоделистлар, ёш химиклар, физиклар, бичиш-тикиш тўгараклари очиш кабиларга эҳтиёж кучайди. Бу тўгаракларда ўқувчилар дарс жараёнида олган билимларини амалиётда мустаҳкамладилар. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларда меҳнатга муҳаббат, она Ватанни севиш, ишчанлик, эпчиллик, чидамлилик каби ахлоқий фазилатларнинг шаклланишига ёрдам берди. Мактабларда ўқувчиларнинг мудофаа тўгарагларига қизиқиши борган сари ортиб борди. Мактабларда мудофаа тўгаракларидан ташқари техника, химия, география, санитария-гигиена тўгараклари ҳам ташкил этилди. Бу тўгараклар учун танланган мавзулар болаларни ҳарбий техника билан, собиқ СССР халқларининг ўтмишдаги қаҳрамонликлари билан, топография ва шунинг кабилар билан таништириб борди.

Умуман, уруш йилларида республика мактабларида олиб борилган тарбиявий ишларнинг мазмуни ёшлар ташкилоти активининг иш фаолияти билан янада бойиди. Тарбиявий иш шакллари ва мазмунининг самарадорлиги собиқ коммунистик тарбиянинг мақсадидан келиб чиқди. Бундай масъулиятли ва шарафли вазифани ҳал қилишда мактаб ёшлар ташкилоти активлари асосий роль ўйнади.

Хуллас, уруш йилларида маориф кўз кўриб, қулоқ эшитмаганлик даражадаги ишларни амалга оширди. Ёшларни ҳар қандай қийинчиликка бардош бера оладиган иродали қилиб тарбиялади. Натижада болалар тарбияси ҳар қачонгига нисбатан намунали йўлга қўйилди ҳамда уруш даври маорифи, мактаблари, ундаги таълим-тарбия жараёни тарихда ўчмас бир саҳифа сифатида из қолдирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

УРУШДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ХАЛҚ МАОРИФИ ВА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР

Иккинчи жаҳон уруши ғалаба билан тамом бўлгач, собиқ Совет Иттифоқи халқлари собиқ партия XVIII съезди белгилаб берган, уруш сабабли вақтинчалик тўхтаб қолган ишларни давом эттириш учун фидокорона меҳнат қилдилар.

Барча бошқа халқлар каби Ўзбекистон халқлари ҳам собиқ КПСС XIX (1952) ва XX (1956) съездларининг тарихий қарорларини амалга оширишда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Айниқса Ўзбекистон халқ маорифининг тараққиёти ва мактаблар қурилиши бутун мамлакатлардаги каби урушдан кейинги халқ хўжалиги режаларида белгиланди ва республикада бу ишлар давлат, хўжалик ва маданият қурилиши билан маҳкам боғлиқ ҳолда амалга оширила борди.

Уруш даврида мактаблар тармоғи бирмунча қисқарган, ўқувчилар сони ҳам шунга яраша камайган эди. Кўпчилик ўқувчилар турли синфлардан ўқишни ташлаб, фронтга, фронт учун қурол-аслаҳа ишлаб чиқарадиган завод ва фабрикаларга ишга кетиб қолишди.

Уша йиллари янги мактаб бинолари қурилмаганлиги ва эски мактабларни ўз вақтида бирдай ремонт қилинмаганлиги сабабли кўп мактаб бинолари ўқув жараёнини маромида ташкил этиш ва гигиена талабларига жавоб бермас эди.

Биз бу кўрсаткичларни қуйидаги рақамларда яққол кўришимиз мумкин:

Урушдан кейинги дастлабки йилларда Ўзбекистон мактаблар тармоғининг ривожланиш хусусиятларидан бири урушнинг биринчи йилида бошланган етти йиллик мактаблар сонининг ўсиши бўлди. Чунки уруш муносабати билан маориф соҳасида юз берган камчиликларни биринчидан, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб-чиқаришдаги мутахассисларнинг етишмаслиги, иккинчидан, мактаблар тармоғининг қисқариб кетганлигини, учинчидан, мактаблар биносининг етишмаслиги, тўртинчидан, ўқитувчилар сонининг камлиги, бешинчидан, мактаб ва ундаги таълим-тарбияни жонлантириш учун керакли ашёларнинг танқислиги ва бошқа шунга ўхшаш сабаблар ҳам асосий туртки бўлди.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда ўқувчиларнинг мактабни ташлаб кетиши гарчи бир мунча камайган бўлса ҳам, ҳар ҳолда давом этаверди: 1945—46 ўқув йилида 72,4 минг ўқувчи (8,14), 1946—47 ўқув йилида 82,1 минг (8,2%), 1947—48 ўқув йилида 81,1 минг (7,7%) ўқувчи мактабни ташлаб кетди. Бу кўрсаткичлар албатта жуда ташвишли ҳолат бўлиб, мамлакатни урушдан кейинги ночор аҳволини янада ночорлаштиришга олиб келиши мумкин эди. Бундай ҳолни нафақат Ўзбекистон республикаси мисолида, балки бутун собиқ Совет Иттифоқи миқёсида кўриш мумкин эди.

Шунинг учун ҳам зудлик билан 1946—1950 йилларга мўлжалланган биринчи беш йиллик режаси ишлаб чиқилди. Бу режада

www.ziyouz.com kutubxonasi

янги типи, яъни интернат мактаб вужудга келтирилди. Бу мактабларга ота-онасиз етим ва боқувчисини урушда йўқотган оилаларнинг болалари жалб этилди. Шунингдек кўп болали, таъминоти яхши бўлмаган оилаларнинг болалари ҳам, меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва ноҳия кенгашлари Ижроия комитетларининг қарорлари асосида қабул қилина бошланди.

Урушдан кейинги тинч қурилиш даври мактаблардаги таълим мазмуни ва ўқитиш усулларини ҳам тубдан ўзгартирди.

1946—48 йилларда собиқ партиянинг мавҳум мафкура масалаларига доир бир қатор қарорлар қабул қилди. Бу қарорларда янги тарихий шароитнинг вазифалари белгилаб берилди.

1951—55 йилларга мўлжалланган бешинчи беш йиллик режада политехника таълимига катта ўрин берилди. Шу муносабат билан иттифоқдош республикаларнинг Таълим вазирликлари ўқув режалари ва дастурларини қайта қуриб, политехника таълимини амалга ошириш тўғрисида мактабларга кўрсатмалар бердилар. Шунинг учун ҳам 1953—55 йилларда собиқ РСФСР Педагогика фанлар академияси томонидан ўқувчиларга ёрдам тариқасида кўпгина методик қўлланмалар, тавсиялар нашр этгирилди.

Ўқувчиларда политехник таълим билими ва малакасини чуқурлаштириш мақсадида 1954—55 ўқув йилидан бошлаб РСФСР мактабларида янги ўқув дастурлари жорий этилди ва бу дастурга асосан I—IV синфларда меҳнат дарслари киритилди, V—VII синфларда устахоналарда ва ўқув-тажриба майдонларида амалий машғулот, VIII—X синфларда машинасозлик, электроника ва қишлоқ хўжалигига доир практикумлар ўтказиладиган бўлди.

Мана шундай қатор масъулиятли вазифаларни амалга оширишда педагог ходимларнинг танқислиги тобора сезила борди. Чунки барчага маълумки, ўқитувчиларнинг асосий қисми фронтга жалб этилганлиги, қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларига тортилганлиги сабабли мамлакатда ўқитувчилар сони анча камайиб қолган эди.

1945 йил август ойига келиб собиқ СССР Халқ Комиссарлари Кенгаши «Ўқитувчилар тайёрлаш ишларини яхшилаш тўғрисида» қарор қабул қилди ва бу қарорда ўқитувчилар тайёрлаш хусусидаги қатор тадбирларни белгилаб берди. Ўрта маълумот олган ёшлар кўпая борган сари 1953 йилдан бошлаб педагогика билим юртлари ўрта мактаб негизида ишлайдиган бўлди. Уларда ўқиш муддати икки йил қилиб белгиланди.

Ўқитувчиларнинг илмий ва махсус тайёргарлигига бўлган талаб тобора ўсаётганлиги учун ҳам 1952 йилдан бошлаб ўқитувчилар институтлари педагогика институтларига айлантирилди.

Ўқитувчиларнинг билимларига, уларниг педагогик ишларига талаб оша борган сари уларнинг моддий аҳволини яхшилаш тўғрисида ҳам катта ғамхўрликлар қилинди. 1948 йилдан бош-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаб ўқитувчиларнинг иш ҳақи ва нафақалар оширилди. Ўқитувчиларга ҳам турли имтиёзлар белгиланди. Шу муносабат билан 1949 йилда юз мингдан кўпроқ ўқитувчи орден ва турли медаллар билан мукофотланган эдилар.

1957—58 ўқув йилидан бошлаб баъзи педагогика олий ўқув юртларида бошланғич мактаб учун олий педагогика маълумотига эга бўлган ўқитувчилар тайёрлашга киришилди ва бунинг учун махсус факультетлар ташкил этилди.

Иттифоқ миқёсидаги мазкур ишлар жойларда бажарилиши қаттиқ назорат остига олинди. Жумладан, собиқ Ўзбекистон Компартиясининг 1949 йил март ойида бўлиб ўтган X съезди мактаблар ишини яхшилашда собиқ КПСС Марказий Комитетининг барча қарорларини оғишмай бажариш ва регионал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тадбирлар ишлаб чиқишни белгилаб берди. Айниқса умумий мажбурий таълим ҳақидаги қонунни жойларда амалга оширишни ҳамда ўқувчиларнинг мактабларни ташлаб кетишларининг олдини олиш, ўқиш сифатини ошириш каби масалаларга кенг аҳамият берилди.

Республика X съезди қарорларини амалга татбиқ этиш муносабати билан 7350 ўқувчига мўлжалланган 27 та янги типдаги мактаб қурилди. Бундан ташқари, колхозлар 140800 ўринли 1071 мактаб биносини қайтадан таъмирладилар.

1951 йилдан 1958 йилгача республика колхозлари ўз кучлари билан 1016 янги мактаб биноларини қурдилар. Бу мактаблар политехника таълими дастурида белгиланган кўрсатмаларни амалга оширишни кўзда тутиб қурилган эди. Шунингдек бу йилларда маҳаллий ўқитувчилар тайёрлаш иши ҳам бирмунча яхши йўлга қўйилди. Чунки Ўзбекистон мактабларини ўқитувчи ходимлар билан таъминлаш учун Россия, Украина ва бошқа қардош республикалардан таклиф қилинар эди.

Республикани ўқитувчи ходимлар билан таъминлаш масаласи собиқ ЎзКП Марказий Комитетида кўп марта муҳокама қилинди ва қатор қарорлар қабул қилинди.

Собиқ Ўзбекистон Компартиясининг XII съезди (1954 й.) республика мактабларида олиб борилган таълим-тарбия, етти йиллик умумий мажбурий таълимни амалга оширишдаги ютуқлар ва камчиликлар атрофлича таҳлил қилинди ва камчиликлар очиб ташланди.

Съезд халқ маорифи ва унинг раҳбарларини мактаблар ишини янада кучайтиришга сафарбарликни оширишга чақирди.

Республика мактабларини яхшилашда ва таълим-тарбияни талаб доирасида олиб боришда партия съездларининг қарорлари, собиқ КПСС МК ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, собиқ СССР Вазирлар маҳкамаси ва Ўзбекистон ССР ҳукумати мактабни ривожлантириш борасидаги эътиборини акс эттирадиган қарорлари халқ маорифини тобора тараққий қила боришининг аниқ дастури бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистонда мавжуд жамоат ташкилотлари, халқ мао-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рифи органлари ва кенг жамоатчиликнинг биргаликда ишлашлари натижасида 1949 йилдаёқ урушнинг маориф соҳасидаги оқибатлари бирмунча тугатилди. Етти йиллик умумий мажбурий таълимни амалда жорий қилиш учун ва ўрта таълимни ривожлантириш учун маълум шарт-шароитлар яратилди.

Собиқ Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг 1952 йил октябрь ойида бўлиб ўтган XIX съезди совет мактабини политехникалаштириш билан бир қаторда, етти йиллик таълимдан умумий ўрта таълимга тамомила ўтиш хақидаги вазифаларни белгилаб берди.

Собиқ КПСС МҚ нинг «Ҳозирги шароитда партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарори муносабати билан республика мактабларида ота-оналар орасида педагогик ташвиқот анча кучайтирилди. Бир қанча йирик шаҳарларда ота-оналар университетлари ўз фаолиятини бошлади. Бунда ота-оналарга оила, оилада бола тарбияси, боланинг кундалик режими, болага дарс тайёрлашда ота-онанинг кўмаги ва бошқа шунга ўхшаш муҳим масалалар хусусида тавсиялар берилди. Лекин урушдан кейинги йиллар ҳамда мавжуд жамиятни ривожлантириш жараёнида республика мактабларида ҳамма нарса рисолалардагидек олиб борилди дейиш бирмунча хато бўлар эди. Чунки ўтган даврлар чуқур таҳлил қилинганда қатор камчиликлар борлигини кўриш мумкин. Чунончи, кўпгина мактабларда ўқувтарбия ишларининг сифати давлат стандарти талабларига етарлича жавоб бера олмас, бир синфда икки йил қолган ўқувчилар сони ҳамон кўп, ўқитувчиларнинг мактабни ташлаб кетишлари эса тобора кўпаяётган эди. Кўпгина мактабларнинг моддий-техника базаси типовой талабларига жавоб беролмасди, мактабларда математика, физика, рус тили ва чет тили фанларида дарс берадиган малакали ўқитувчилар етишмас эди, етти йиллик умумий мажбурий таълимни амалга ошириш ва ўрта таълимни ривожлантириш борасидаги ишларда ҳам муайян нуқсонлар йўқ эмас эди. Бу камчиликларни бартараф этиш ўша куннинг биринчи галдаги вазифаси эканлигини партия ва совет бўғинлари алоҳида таъкидлаб, бунга барча кучни сафарбар этиш лозимлигини қайта-қайта уқтиради.

1962—63 ўқув йилига келиб ҳамма жойда аниқроғи бутун Иттифоқ бўйлаб етти йиллик мактабларнинг ҳаммаси қайта ташкил этилиб, саккиз йиллик мактабларга айлантирилди.

Собиқ партия XXII съездида (1961 йил) қабул қилинган партиянинг янги дастурида бутун совет халқининг маданий даражасини ва илмий савиясини ниҳоят даражада юксалтириш мақсадида умумий ўрта таълим зарурлиги қатъий вазифа қилиб белгиланган эди.

Собиқ КПСС дастурининг бундай талаби собиқ КПСС XIII съездининг (1966 йил) қарорларида ҳамда собиқ КПСС Марказий Комитети ва СССР Вазирлар маҳкамасининг «Ўрта ва умумий таълим мактабларининг ишини янада яхшилаш чора-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари тўғрисида»ги 1966 йил 10 ноябрдаги қарорида ўз ифодасини топди.

Бу борада собиқ РСФСР Педагогика Фанлар академияси СССР Педагогика фанлар Академиясига айлантирилганлиги ва иттифоқ республика СССР таълим вазирлиги ташкил этилганлиги жуда муҳим ташкилий тадбирлардан бири бўлди.

Собиқ КПСС XXIV съезди (1971 йил), собиқ СССРда умумий таълимни жорий қилишнинг янги босқичига ўтишининг янги йўлларини белгилаб берди. 1971—75 йилларга мўлжалланган беш йиллик режасига доир директиваларида съезд: «меҳнаткашларнинг билим даражасини ва малакасини изчиллик билан ошириб боришни, ёшларга умумий ўрта таълим беришга ўтишини ниҳоясига етказишни...» талаб қилди.

Собиқ партия XXIV съездининг қарорлари асосида 1972 йилда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Ёшларга умумий ўрта маълумот беришга ўтишни тугаллаш ва умумий таълим мактабини янада ривожлантириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда, совет умумий таълим мактаби сифатида мустаҳкамланганлиги, ўрта мактаблар кўпайганлиги, малакали ўқитувчилар сони ошганлиги, таълим-тарбия жараёни такомиллашиб бораётганлиги, умумий тўла ва ўрта таълимга ўтишни тугалламоқ учун бутун шароит вужудга келтирилганлиги алоҳида қайд қилиб ўтилди. Мана шуларнинг ҳаммаси халқ маорифи соҳасидаги ғоят катта муваффақиятлар эди.

Собиқ СССР Олий Кенгаши «Халқ маорифи тўғрисида ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар қонунларининг асослари»ни тасдиқлади ва 1974 йил 1 январдан бошлаб у «Асосларни» амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бошланғич мактабда тўрт йиллик бошланғич таълимдан уч йиллик бошланғич таълимга ўтиш амалга оширилди, лекин бу тадбир ўқувчилар олаётган билимга салбий таъсир этгани йўқ.

Тўлиқсиз етти йиллик ўрта мактаб ташкил этилиб, умумий мажбурий саккиз йиллик таълим мактабига айлантирилди.

Саккиз йиллик мактабни тамомлаган ўқувчилар қуйидаги ўқув юртларида ўқишлари мумкин эди. Улар: 1) Тўлиқ умумий таълим ўрта мактабларида (IX—X синфларда); 2) ўқиш муддати уч-тўрт йиллик бўлган техникумларда; 3) профессионал ва умумий таълим билимларини биргаликда берадиган профессионал-техника билим юртларида ҳамда 4) ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларида.

Собиқ СССРда фан ва маданиятнинг ривожланганлиги, ҳар бир ўқувчининг қизиқишларини ва қобилиятларини ривожлантириш учун шароит яратиб бериш зарурлиги ўрта мактабнинг IX—X синфларида табақалаштирилган тарзда ўқитишни жорий қилиш лозимлигини тақозо этди. Бу эса баъзи мактабларда айрим фанларни чуқур ўрганиш муҳимлигини кўрсатди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўқитувчилар давр талабидан келиб чиқиб, замонавий ижодкорлик билан ишлай бошладилар. Чунки мактаблар таълимнинг янгича мазмунига ўтаётган шароитида ҳар бир ўқитувчи ижодий меҳнат қилиш ва ўз устида тинмай изланиш олиб бориши керак эди. Ўқитувчилар таълим мазмунини ошириш билан бирга, тарбияни ҳам қўшиб олиб бордилар, яъни таълим ва тарбия бирлиги принципини таъминладилар.

«Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва СССР ва халқ маорифи тизимини янада ривожлантириш ҳақида»ги қонунлари асосида Ўзбекистон мактабларида қатор ишлар амалга оширилди. Айниқса, 1959—1975 йиллар мобайнида мактаб ўқув-тарбия ишларининг комплекси ўқувчиларни ҳақиқатан билимли, ҳар томонлама етук, фаол ва онгли кишилар қилиб тарбиялашга қаратилди.

Бу даврга келиб республикада интернат-мактаблар, махсус мактаблар ва куни узайтирилган гуруҳлар тармоғи ривожланди ва уларда тарбияланувчиларнинг сони ўсди; жисмонан нуқсонли болалар учун махсус мактаблар ташкил қилинди; педагог ходимлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоғи кенгайтирилди; мактабларнинг ўқув-моддий базаси мустаҳкамланди; ўқув режалари ва дастурлари такомиллаштирилди; янги дарсликлар ва услубий материаллар яратилди. Бунинг барчаси албатта мактаб таълим-тарбия ишини жадал суръатлар билан ўсишини таъминлади.

Урушдан кейинги йилларда педагогика фани ҳам тараққиёт йўлига кирди. Ватанпарварлик, онгли интизом ва уюшқоқликни мардлик ва қатъий иродани тарбиялаш масалалари айниқса, муҳим бўлиб қолди.

Ўқувчиларнинг ижтимоий-фойдали меҳнати масаласи алоҳида аҳамият касб этди. Шу муносабат билан қатор тадқиқотлар олиб бориш лозим бўлиб қолди. Қатор педагогика тарихи ва назариясига доир монография, қўлланма ва фундаментал ишлар яратилди. Қатор кўзга кўринган олимлар Н. К. Гончаров, И. А Каиров, И. Т. Огородников, П. Н. Шимбирев, Б. П. Есипов, Н. А. Константинов, Е. Н. Мединский, М. Ф. Шабаева, А. В. Луначарский ва бошқа педагоглар педагогика институтлари учун дарслик ва қўлланмалар яратдилар. Таълим-тарбия ишлари ўша дарслик ва қўлланмалар асосида ихтиёрий-мажбурий равишда олиб борилди.

Собиқ КПСС XX съездининг қарорларига биноан Педагогика фанлари академияси ва педагогика институтларининг педагогика кафедраларининг бор диққат-эътибори мактаб учун энг долзарб бўлган масалаларни, яъни ўрта мактабда умумий таълим ва политехника таълимининг мазмуни, политехника таълимини ташкил этиш методлари, усуллари, мактабда тарбия тизимининг илмий асослари, болаларнинг ёш ва ўзига хос хусусиятларини табиий-илмий ва психологик жиҳатдан ўрганишга қаратилган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

50- йилларнинг охирларида мактаб таълими мазмунини такомиллаштириш йўлларини назарий ва экспериментал қидириш бошланди. Шу муносабат билан кенг доирадаги масалалар: таълим мазмунининг иқтисод, фан-техника ва маданиятнинг ривожланганлик даражаси ва характерига боғлиқлиги, ёш авлодга таълим ва тарбия беришнинг илмий-техника тараққиёти билан боғлиқ бўлган янги талаблари, ўқитишнинг ёшига қараб ривожланиши хусусиятлари, тарбиявий ишлар дастури тузилиши принциплари ва бошқалар ўрганилди. Бу тадқиқотларда инсон шахсининг ҳар томонлама ривожланишида ўша даврдаги таълимот асосий мезон бўлиб хизмат қилди. Шунинг учун умумпедагогик ва дидактик масалаларни ишлаб чиқиш билан бир қаторда шахснинг ҳар томонлама камол топишидек чинакам ижтимоий-педагогик масала юзасидан жиддий текширишлар ҳам олиб борилди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам педагогика фанининг назарий ривожланишига катта ҳисса қўшган бир қатор олимлардан К. Е. Бендриков, И. И. Умняков, Н. П. Архангельский, Ж. Урумбаев, С. Р. Раджабов, И. К. Қодиров, А. Бобохонов, М. Хайруллаев, И. Ҳусанхўжаев, А. С. Ефимов, И. М. Краснобаев. К. Х. Ҳошимов ва бошқаларнинг номларини айтиб ўтиш мумкин. Улар ўз тадқиқотларини уч йўналишда яъни: тарихий-педагогик; тарбия назарияси; дидактика соҳасида олиб боришди.

Республикамизда педагогика фанининг ривожида миллатлараро педагогик алоқаларнинг мустаҳкамланишида қардош республикаларнинг атоқли олимларидан Т. Б. Бердиев, А. А. Қурбонов, Т. Тожибоев, М. Габдулин, А. Э. Измайлов ва бошқа академикларнинг хизматлари каттадир. Республикада педагогика фанининг ривожланишида Ўзбекистон Педагогика Фанлари илмий-тадқиқот институти ва Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг умумий педагогика кафедраси муҳим ва ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

1962 йилда педагогика фанлари соҳасида юқори малакали ходимлар етиштиришни яхшилаш мақсадида биринчи марта Тошкент давлат университети қошида педагогика фанлари бўйича илмий даражалар берувчи Бирлашган Совет ташкил этилди.

1967 йилдан бошлаб илмий даражалар берувчи Кенгаш Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти қошида иш бошлади. Бу Кенгаш ўз ишини то шу бугунги кунгача давом эттириб келмоқда.

Фан-техника ва ижтимоий тараққиёт даврида ҳар томонлама етук кишилар, уларнинг руҳий эҳтиёжлари, роллари ва шахс сифатида тараққий этишлари каби муаммоларни ўрганиш алоҳида диққат-эътиборини талаб этди. Чунки педагогика фани олдида турган бир қатор махсус вазифалар ҳал этилиши лозим эди: 1) республикада мактаб ва педагогик фикрлар тарихини тадқиқ этиш; 2) маҳаллий миллат қизлари билан олиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

бориладиган ишларнинг ўзига хос масалалари; 3) республиканинг регионал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш ва тарбиялашнинг самарадорлигини ошириш масалалари; 4) пахтакор республикаларда меҳнат тарбиясини йўлга қўйишнинг ўзига хос томонлари; 5) Ўзбекистон доирасида касбга йўллаш тизимини яратиш; 6) миллий мактабларда рус тили ўқитишнинг самарадорлигини ошириш ва бошқа бир қатор масалалар шулар жумласига киради.

Умуман хулоса қилиб айтганда урушдан кейинги ва тинч қурилиш давридан то мустақиллик давригача республика собиқ Иттифоқ таъсирида ривожланди, такомиллашиб борди. Илм, фан ва маданият юқори даражага кўтарилди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон маорифи, фан ва маданияти рус ва Европа маданияти таъсирида ривожланиб борди, лекин бу албатта ўзбек халқининг миллийлигидан, асрлардан бери авлодларга мерос бўлиб келаётган қадриятлардан ажралган ҳолда олиб борилди.

СИДДИҚ РАЖАБОВ

(1910—1993)

Сиддиқ Ражабов 1910 йил 1 апрелда Қозоғистоннинг Авлиёота (ҳозирги Жамбул) шаҳрида камбағал косиб оиласида туғилди. Унинг отаси Ражаб ака ямоқчилик билан кун кўрар, лекин шундай бўлса ҳам оиланинг бош фарзанди Сиддиқнинг ўқиб, илм олишини орзу қилар эди. Тўнтаришдан кейин Ражаб ака ўғлини янги мактабга берди. Лекин кўп ўтмай ота вафот этди. Ота васияти ва илмга бўлган иштиёқ унга тўғри йўлни кўрсатиб берди.

1926 йилда ўн олти ёшли Сиддиқ Ражабов ёшлар ташкилотига аъзо бўлиб кирди. Шу кундан бошлаб у янада ғайрат билан ўқишга, меҳнат қилишга киришди. Шаҳар ёшларининг халқ ўртасида олиб борган маданий-оқартув ишларида фаол қатнашди.

1927 йилда ёшлар ташкилоти тавсияси билан Фарғона педагогика билим юртига ўқишга юборилди. 1930 йилда бу билим юртини муваффақиятли тамомлаб, шу йили Фарғона педагогика институтида таҳсилни давом эттирди.

Бу даврда республикада ижтимоий-сиёсий ҳаётни жонлантириш, таълим-тарбия ишларини яхшилаш, маҳаллий миллат фарзандларининг билим олишлари учун мактаб-маориф тармоғини кенгайтириш, саводсизликни тугатиш учун фаол кураш олиб бориш, илм-маърифатга кенг йўл очиб бериш сингари кечиктириб бўлмас вазифаларни ҳал этиш талаб этилади. Бу долзарб вазифаларни ҳал этиш учун жуда кўплаб талаба-ўқувчилар республикамизнинг Сурхондарё, Қашқадарё ва Қорақалпоғистон Республикасининг туманларига ўқитувчи қилиб юборилган эди. Ана шу ташаббускор ёшлар орасида С. Ражабов ҳам бор эди. С. Ра-

www.ziyouz.com kutubxonasi

жабов ўзини Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманига ишга юборишларини илтимос қилади. У шу тумандаги Авғонбоғ қишлоғида бошланғич мактаб очади, шу мактабда ҳам муаллимлик, ҳам мудирлик вазифасини бажаради.

Ўша даврларда мактаб ёшидаги болаларни мактабга тортиш катта машаққатни талаб этар эди. Бунинг учун аҳоли ўртасида саводсизликни ёпасига тугатиш бўйича сиёсий-оммавий ишларни олиб бориш талаб этилар эди. Ёш муаллим Авғонбоғ аҳолиси ўртасида ана шундай ишларни олиб борди.

Ҳа, Сиддиқ Ражабов ўша даврларда республикамизда янги ҳаёт, билим ва маданият учун кураш майдонининг олдинги сафларида бўлган эди. У мактаб очиш, халқнинг илмга ташналигини қондириш, шу соҳада катта ташкилотчилик ишлари олиб бориши билан бир қаторда, иахта йиғим-терими, ғалла ўрими ишларини ташкил этишда ҳам фаол иштирок этди.

1933 йили Фарғона педагогика институтининг ижтимоий-адабиёт факультетини имтиёзли тугатган С. Ражабовни институт Илмий кенгаши педагогика кафедрасига ассистент вазифасига тавсия этди.

Ана шу даврда бўлажак олим Фарғона шаҳридаги «Ўзбекистон беш йиллиги» ишчи факультетида, айни пайтда Ҳамза номидаги педагогика билим юртида директорлик вазифасини бажарди. Ниҳоятда оғир йиллар эди. Айрим шахслар билим юртида олиб борилаётган таълим ва тарбия ишларига халақит беришга, ёш мутахассислар тайёрлаш ишига тўсқинлик қилишга ҳаракат қилар эдилар. Айниқса, маҳаллий миллат қизларини билим юртига тортиш жуда қийинчилик билан амалга оширилларди. С. Ражабов билим юртининг директори сифатида бу соҳада ҳам сезгирлик билан ҳаракат қилган.

С. Ражабов педагоглар жамоаси ва талабалар эътибори ва фаолиятини билим юрти олдида турган энг муҳим масалаларга — мактабларга ҳамма фанлардан дарс бера оладиган, педагогиканинг илмий асосларини, таълим мазмуни, тамойиллари ва методларини пухта эгаллаб олган ёш мутахассисларни тайёрлаш ишига қарата олган эди.

С. Ражабов Ҳамза номидаги педагогика билим юртида ва «Ўзбекистон беш йиллиги» номидаги ишчи факультетида раҳбарлик қилган вақтида ёш педагог мутахассислар тайёрлаш, мустаҳкам педагоглар жамоасини яратиш бўйича яхшигина тажриба орттирган эди. Ана шу даврларда Я. А. Коменский, К. Д. Ушинский, Л. Н. Толстой, А. С. Макаренко, Ҳ. Ҳ. Ниёзий, А. Авлоний каби атоқли педагогларнинг асарларини қунт билан ўрганди. Эгалланган билимлар ва тўпланган тажрибалар асосида маҳаллий матбуотда С. Ражабовнинг дастлабки педагогик мақолалари чиқа бошлади. Мақолаларда мактаблар истиқболи, тарбия масалалари, ёш педагог мутахассислар тайёрлаш ҳақида баҳс юритилар эди.

Илмга бўлган иштиёқ С. Ражабовни Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ҳузуридаги аспирантурага

www.ziyouz.com kutubxonasi

етаклади. У 1934—37 йилларда аспирантурада таҳсил кўрди ва педагогика фанининг энг муҳим муаммолари устида илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Уни республикамиз халқ маорифининг тараққиёти ва бу тараққиётнинг объектив қонуниятлари, халқ маорифининг ривожланиш истиқболлари, ёшлар тарбияси билан боғлиқ бўлган масалалар қизиқтирар эди.

Бу даврда Сиддиқ Ражабов ўзининг бутун фаолиятини педагогика фани билан чамбарчас боғлаган эди. У аспирантурани тамомлагач, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий текшириш институтига илмий ходим ва Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти Педагогика кафедрасига ўқитувчи қилиб тайинланди. Ёш олим илмий тадқиқот ишини педагогик фаолияти билан қўшиб олиб борди. Шу йилларда С. Ражабов кечки педагогика институти директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимида ҳамда ёш ўқитувчи сифатида мутахассислар тайёрлашда катта фаолият кўрсатди, ўз ишини пухта билган раҳбар, етук илмий ходим ва маҳоратли ўқитувчи сифатида элга танилди. Ёш олим матбуотда тез-тез илмий, педагогик, публицистик мақолалари билан чиқа бошлади. Жумладан, урушгача бўлган даврда С. Ражабовнинг «Олий педагогика ўқув юртларининг иш сифатини юқори кўтарайлик», «Олий ўқув юртлари ҳаётида муҳим давр», «Мактабдаи ташқари тарбиявий ишлар», «Ян Амос Коменскийнинг педагогик қарашлари», «Имтиҳонларнинг юқори сифати учун курашайлик», каби ишлари матбуотда эълон қилинди. Шу йилларда у «XIX аср ва XX аср бошларида Бухорода мактаб ва маориф тараққиёти очерки» асарини ёзиб тамомлади. 1941 йилда ана шу мавзуда номзодлик диссертациясини республикада биринчи бўлиб муваффақиятли ҳимоя қилди. С. Ражабов 1942 йилда «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасига муҳаррир ўринбосари лавозимига тайинлади. Бу ишда ўзининг ижодий ва ташкилотчилик қобилиятини кўрсата олган С. Ражабов шу йили Ўзбекистон собиқ Компартияси Марказий Қўмитаси ташвиқот ва тарғибот бўлими мудирининг ўринбосари лавозимига кўтарилди.

Собиқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси 1943 йилда С. Ражабовни «Қизил Ўзбекистон» газетасининг бош муҳаррири вазифасига тайинлади. Унинг билимдонлиги, ижодий қобилияти ва ташкилотчилиги мана шу масъул вазифада ишлаган вақтда баралла кўзга ташланди. Халқимизнинг немис-фашист қўшинлари билан мардонавор курашидаги ўзбек жангчиларига айтган қалб сўзлари, фронтда олиб борилаётган қаҳрамонона жанг, фронт ортидаги фидокорона меҳнат газета саҳифаларида мунтазам ёритилиб турди. Газета республикамиз меҳнаткашларини ижодий меҳнатга ,бутун имкониятларни фашист устидан ғалаба қилишга сафарбар этишда катта ташвиқотчи, тарғиботчи ва ташкилотчилик ролини ўйнаган эди.

Шуниси муҳимки, С. Ражабов қаерда ишламасин халқ таълими ва педагогик масалалардан узоқлашмади, аксинча, ёш ав-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лодни юксак ватанпарварлик ва байналмилаллик руҳида тарбиялаш масалалари билан қизиқиб, қатор илмий мақолалар нашр этди, педагогика тарихига, халқ маорифи тараққиётига, шунингдек, йирик педагогларнинг меросини ўрганишга оид рисолалар яратди.

С. Ражабов 1947 йилда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти педагогика кафедрасига мудир қилиб тайинлангандан кейин унинг ўз илмий педагогик фаолиятини янада ривожлантиришга кенг имконият яратилди. У ўз атрофига педагогика илми мухлисларини тўплаб, йирик педагогик муаммоларни ҳал қилиш ва ўрганишга бошчилик қила бошлади, республикамизда педагогика фанини янги тараққиёт босқичига кўтаришда жонбозлик қилди.

Олимнинг урушдан кейинги, аниқроғи 1958 йилгача бўлган даврдаги ижодий фаолияти янада салмоқли бўлди. Бу йилларда унинг «Педагогикани ўқитишни ҳозирги замон фани талаби даражасига кўтарайлик», «Ўқитувчилар касби ҳақида», «А. С. Макаренконинг педагогик мероси», «Ўзбекистонда 25 йил ичида мактабларнинг тараққиётига доир», «Педагогика олий ўқув юртлари талабларининг илмий тадқиқот ишлари ҳақида». «Ўзбекистон мактабларининг 30 йил ичидаги тарихидан», «Ўзбекистонда умумий таълим учун кураш ва мактабларда ўқув-тарбия ишлари», «Ўзбекистонда совет мактаби ва тарихига доир», «40 йил ичида Ўзбекистонда халқ маорифи» каби жами 26 та илмий, илмий-оммавий ишлари нашр қилинди.

1958 йилда Сиддиқ Ражабовнинг илмий фаолиятида унутилмас воқеа содир бўлди. У «Ўзбекистонда совет мактаби тарихи» (1917—1947 йиллар) мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ҳақиқатан ҳам олимнинг мазкур илмий тадқиқоти республикамиз халқ маорифи тараққиётини, мактабларимиз тарихини ўрганиш йўлидаги дастлабки муҳим қадам эди.

1959 йилда педагогика фанлари доктори Сиддиқ Ражабов собиқ РСФСР Педагогика Фанлари Академиясига мухбир аъзо қилиб сайланди ва 1960 йилда унга профессор илмий унвони берилди. Бу республикамизда педагогика фанининг тараққий этиб бораётганига илмий марказ томонидан берилган баҳо эди. С. Ражабовга нисбатан билдирилган бу катта ишонч олим олдига янада масъулиятли вазифалар юклади. У республикамизда педагогика фанини янада ривожлантириш, юқори малакали илмий педагог ходимлар тайёрлаш масаласига диққат-эътиборни қаратди. Ўз атрофига талантли ёшларни тўплаб улар эътиборини педагогика фанининг долзарб масалаларига қаратди, мактаб-маориф учун зарур бўлган мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб боришга илҳомлантирди. Бу билан олимнинг ўзига хос мактаби яратила бошлади.

1961 йилда Сиддиқ Ражабов Ўзбекистон Педагогика Фанлари илмий-тадқиқот институтига директор қилиб тайинланди. Олим мазкур институтга олти йил раҳбарлик қилди. Институт-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни юқори малакали мутахассис ходимлар билан таъминдаш, олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини ҳаётга — мактаб амалиётига яқинлаштириш, педагогик тадқиқотларни республика бўйича мувофиқлаштириш ишларига бошчилик қилди ҳамда тадқиқот натижаларини ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этиш бўйича бир қатор тадбирларни амалга оширди.

Институтда янги секторлар тузилди. Секторлар ҳузурида лабораториялар ташкил этилди. Сектор ва лабораторияларга илмий тадқиқот ишлари юзасидан тажриба ва етарли малакага эга бўлган ходимлар раҳбарлик қила бошладилар. С. Ражабов «Республикамизда педагогика фанини ривожлантириш тадбирлари ҳақида» (1960 йилда) қабул қилинган ҳукумат қарорини турмушга татбиқ этишда фаоллик кўрсатди. Ана шу даврда педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг фаолияти мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда республика мактабларида ўқув-тарбия ишлари ва таълим методларини янада такомиллаштириш масалаларига қаратилган эди.

Таъкидлаш жоизки, С. Р. Ражабов фақат раҳбарлик фаолияти билан чекланиб қолмади, аксинча, 1958—1966 йилларда 50 дан ортиқ илмий ва ўқув-методик ишлар муаллифи бўлди. Чунончи, «Л. Н. Толстойнинг педагогик фаолияти ҳақида», «Педагогика фанининг янги вазифалари», «Педагогика назарияси ва тарихига оид илмий-оммабоп мақолалар тўплами», «Дарсда ўқувчилар активлигини ошириш йўллари», «Тадқиқотчиларнинг кучини бирлаштирайлик», «Таълим бериб тарбиялайлик, тарбиялаб таълим берайлик», «Энг шарафли бурчимиз», «Мактаб ҳақида ғамхўрлик — умумхалқ иши», «Ўзбекистонда халқ маорифи», «Атоқли маориф арбоби», «Ўзбекистонда халқ маорифи ва педагогика фанининг ривожи», «Педагогика фанининг равнақи учун» каби ишлари, шунингдек, талабалар учун 1962 йилда нашр қилинган «Педагогика» дарслигининг тўрт боби, 1966 йилда нашр қилинган «Педагогика» дарслигининг беш боби олим қаламига мансуб бўлди.

Бу даврда олим педагогика фанини чин қалбдан севган мутахассисларни, кўпгина иқтидорли ёшларни ўз атрофига чорлади. Ёш олимларга ҳамиша ёрдам бериб келди. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш унинг ҳаётий эътиқоди ва турмушининг мазмунига айланиб кетди. Шу боис М. Очилов (1962 йил), Ф. Абдуллаев (1962 йил), С. Р. Раҳимов (1964 йил), К. Х. Ҳошимов (1964 йил), А. Аҳмедов (1965 йил), Б. Нурлибеков (1965 йил), М. Аҳмедова (1965 йил), Т. Мўминжонов (1966 йил), С. Н. Нурматов (1966 йил), А. К. Тюленов (1966 йил), Д. А. Урумбаев (1966 йил), С. Х. Файзулина (1966 йил) каби илм-фанда ўз йўлини топиб олган иқтидорли ёшлар олим раҳбарлигида номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар. Шунингдек, профессор С. Ражабов илмий маслаҳатчилигида докторлик диссертациялари тайёрлана бошланди ва бу соҳадаги дастлабки иш ҳимоя қилинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Умуман Сиддиқ Ражабовнинг Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтидаги фаолияти мазкур институт тарихида катта из қолдирган. Олим раҳбарлигида, у билан ҳамкорликда ишлаган кўплаб илмий ходимлар ўша йилларни эслар эканлар, С. Ражабов ҳақида, унинг раҳбарлик фаолиятини мамнуният билан тилга оладилар.

Республика Олий Совети 1964 йилда С. Ражабовнинг илмий педагогик фаолиятига юксак баҳо бериб, унга «Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби» унвонини берди.

С. Ражабов 1966—1990 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти Умумий педагогика кафедрасининг катта жамоасига бошчилик қилди. У кафедра аъзоларининг ҳар бирига мураббий, устоз эди. Бугина эмас, олим ўқитувчи мутахассислар тайёрлаш соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган ҳамкасблари — институтнинг етук олимлари билан бир қаторда ўрта ва олий таълимга алоқадор жуда кўп муаммоларни ҳал қилишда ҳормай-толмай фаолият кўрсатди.

Профессор С. Ражабовнинг Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтидаги чорак асрлик узлуксиз илмий-педагогик фаолияти алоҳида муҳим давр бўлди.

У сафдошлари, касбдошлари ва ўзи мудирлик қилиб турган кафедра аъзолари, шогирдлари билан ҳамкорликда катта илмий ва ташкилий-педагогик муаммоларни ҳал қилишга алоҳида эътибор берди. Биринчи навбатда кафедрани юқори малакали илмий-педагогик ходимлар билан таъминлаш, маъруза ва амалий машғулотлар сифати ва самарадорлигини ошириш, қолаверса, кафедра жамоасининг илмий ва методик савиясини юқори кўтариш каби масалалар ҳал қилина борди. С. Ражабов кафедра йиғилишлари, назарий семинарлар, методбирлашма йиғилишлари ва суҳбатларда ана шу масалаларга алоҳида тўхталарди.

С. Ражабов бу даврда жуда кўплаб педагогик муаммоларни кафедра аъзолари ва илмий жамоатчилик томонидан муваффақиятли ҳал қилинишига бошчилик қилди. Хусусан, дидактика — таълим назарияси, хусусий методика, тарбия назарияси ва методикаси, шунингдек мактабшуносликнинг долзарб муаммоларига алоқадор асарлар яратди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, олим бу даврда ўз илмий фаолиятини бир неча йўналишларда олиб борди. Жумладан, педагогика фанининг методологик муаммолари, одоб-ахлоқ ва тарбия масалалари, олий таълим дидактикаси, педагогика тарихини ўрганиш ва унинг ривожланиш истиқболларини таҳлил этиш масалалари илмий фаолиятида марказий ўрин тутди.

Амалга оширилган илмий-ижодий ишлар натижаси сифатида олимнинг 300 га яқин илмий, илмий-оммабоп мақолалари, рисолалари, қўлланмалари, дарслик ва монографиялари эълон қилинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

С. Ражабов Шарқ мутафаккирлари педагогик меросини ўрганиш масалаларига ўз фаолиятида катта ўрин берди. Унинг педагогика фанлари Қомусидаги мақолалари А. Навоий, З. М. Бобур сингари мутафаккирларга бағишланган.

С. Ражабов ўзининг асосий ишини жамоат ишлари билан мунтазам боғлаган ҳолда олиб борди. У 1961—1988 йилларда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг ҳайъат аъзоси сифатида фаолият кўрсатди. У вазирлик томонидан халқ таълими тармоғини янада кенгайтириш, мактабларда ўқув-тарбия ишларини давр талаблари даражасига кўтариш борасида амалга оширилаётган ҳамма тадбирларда бевосита қатнашиб келди.

С. Ражабов 1960—1967 йилларда Тошкент Давлат Университети ҳузуридаги ихтисослашган кенгашга бошчилик қилди. Мазкур кенгаш педагогика фанлари бўйича юқори малакали илмий ходимлар тайёрлашда катта роль ўйнади. Кенгаш аъзолари қисқа муддат ичида 70 дан ортиқ номзодлик диссертацияларини ва иккита докторлик диссертацияларини муҳокама қилиб, уларнинг муаллифларига илмий даражалар бердилар.

Профессор С. Ражабов Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти катта илмий кенгаши ва институт ҳузуридаги педагогика фанлари бўйича илмий даражалар берувчи ихтисослашган Илмий кенгашнинг раиси ҳамда Душанбе Давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи кенгаш аъзоси сифатида фаолият кўрсатди.

1977 йили май ойида Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти ҳузуридаги фан номзоди илмий даражалари берадиган ихтисослаштирилган кенгаш ташкил этилди. Бир оз вақт ўтгач педагогика тарихи бўйича фан доктори илмий даражалари берадиган яна шундай кенгаш ташкил этилди. Мазкур кенгашларга педагогика соҳасида ишлаётган мутахассис олимлар жалб этилди. Академик С. Ражабов бу кенгашларга раислик қилди, шунингдек улар фаолиятиининг самарали бўлишини таъминлашга катта ҳисса қўшди.

С. Ражабов республикамизда педагогика фанлари бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларни мувофиқлаштиришни жамоатчилик асосида олиб борди. У Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги педагогика фанлари илмий кенгашининг аъзоси ва педагогика фанлари илмий-методик секцияси ишини узоқ йиллар давомида бошқарган эди. Олим раҳбарлик қилган илмий методик секция республикамиз олий ўқув юртларида педагогика бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини янада ривожлантириш, илмий тадқиқот мавзуи ва мазмунини ҳаётга — мактабларимиз амалиётига яқинлаштириш масаласига алоҳида эътибор берган эди. Шунингдек у Педагогика фанлари академияси Президиуми ва мукофотлар бериш комиссиясининг ҳам аъзоси эди.

Олим 1945 йилдан «Халқ таълими» журнали таҳрир ҳайъати аъзоси эди. У Ўзбек Қомуси бош таҳрир ҳайъатининг аъзоси ва педагогика фанлари секциясининг раиси сифатида

www.ziyouz.com kutubxonasi

педагогика, психология ва умуман педагогика туркумидаги фанларнинг муҳим масалаларини ёритишда ҳам муаллиф, ҳам ташкилотчи сифатида катта ҳисса қўшиб келди.

Сиддиқ Ражабовнинг кўп қиррали жамоатчилик фаолиятида унинг республика педагогика жамияти Марказий Кенгаши Президиумига раислиги асосий ўрин эгаллайди.

1968 йилда Педагогика фанлари Академияси йиғилишида академиянинг ҳақиқий аъзолигига сайланди. 1970 йилдан 1990 йилгача Педагогика фанлари Академияси Президиумининг аъзоси сифатида фаолият кўрсатди.

Ҳа, С. Ражабов ўзининг баракали илмий фаолияти, ўқитувчи мутахассислар, юқори ихтисосли илмий ходимлар тайёрлашдаги жонбозлиги, умуман ибратли жамоатчилик фаолияти билан республикамиздагина эмас, ундан ташқарида ҳам эҳтиромга сазовор бўлди. Олимнинг самарали меҳнати унга шуҳрат келтирди. У ана шу туфайли эли ва юртида азиз ва мукаррам бўлди, республикамизда педагогика фани дарғаси даражасига кўтарилди.

Академик Сиддиқ Ражабовнинг педагогика фани ва халқ таълими равнақи йўлидаги меҳнатлари ҳукумат ва халқимиз томонидан юксак баҳоланди. У собиқ Иттифоқнинг энг нуфузли Ленин ордени (1981 йил), икки марта Меҳнат Қизил байроқ ордени (1945 ва 1961 йиллар), Октябрь Революцияси ордени (1976 йил), қатор медаллар ва Ўзбекистон Олий Кенгашининг Фахрий Ёрлиқлари билан тақдирланган. Унинг номи Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг «Меҳнат шуҳрати» китобига ёзилган.

Устоз ҳаётининг охирги йиллари собиқ Иттифоқнинг емирилиши даврига тўғри келди. У Ўзбекистон мустақиллигининг буюк аҳамияти, уни маънавий жиҳатдан таъминлаш, бу соҳада педагогика фанининг тутган ўрни, унинг методологик муаммолари ҳамда давр талабларини ҳисобга олган ҳолда келажагимиз, истиқболимиз эгалари бўлган ёшларимиз тарбияси, таълими ҳақида қимматли маслаҳатлар берар эди. С. Ражабов ўзининг ибратли умрини энг фахрли ишга — ёш авлоднинг таълим ва тарбияси — нурафшон келажак учун бағишлаган эди.

XX асрнинг 70—80-йилларида Ўзбекистонда халқ таълими равнақи

Халқ таълими тизимида муҳим ўринни эгаллаган умумий таълим мактаблари республикамиз ҳаёти билан чамбарчас боғланган бўлиб, давлатнинг мафкуравий, маданий вазифаларига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам республикамиз ҳукумати, халқ таълими вазирлиги жойлардаги ҳокимиятлар ва жамоатчилик халқ таълими тизимини жумладан, умумий таълим мактабларини ривожлантириш, уларнинг тармоқларини кенгайтириш ва янги бинолар билан таъминлаш, ўқув моддий ва техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларни юқори билимга эга бўлган ўқитувчилар билан таъминлаш борасида бир қатор тадбирларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

амалга ошириб келмоқдалар. Чунончи 1966 йилда собиқ СССР ҳукумати томонидан қабул қилинган «Умумий таълим мактабларини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида», 1972 йил 20 июлдаги «Ёшларни умумий ўрта таълимга ўтказишни тугаллаш ва умумий таълим мактабларини янада ривожлантириш тўғрисида», шунингдек «Қишлоқ умумий таълим мактабининг иш шароитини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида», «Ҳунар-техника таълими системасини янада такомиллаштириш тўғрисида», «Мамлакатда олий таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида», «Умумий таълим мактабларининг ўқувчиларига таълим-тарбия беришни ва уларни меҳнатга тайёрлашни янада такомиллаштириш тўғрисида» ги 1972—1977 йиллар мобайнида қабул қилинган тарихий қарорлари асосида республикамизда салмоқли ишлар амалга оширилди. Ёшларни умумий ўрта таълимга ўтказиш 1975 йилга келиб тугалланди.

Мазкур қарорларга асосан республикамизда меҳнат таълими ва тарбияси, айниқса, ижтимоий-фойдали меҳнатни ҳамда ўқувчи-ёшларни касбга йўналтириш ишининг сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди ва у амалга оширилди.

Собиқ партия XXIV съездидан олдинги саккизинчи беш йиллик мобайнида республикамиздаги ўрта мактаблар сони 744 тага кўпайди. Кейин эса халқ маорифи борасидаги кўрсатмаларини амалга ошириш туфайли ўтган қисқа муддат ичида умумий ўрта таълим янада ривож топди, унинг моддий базаси яхшиланди. Давлат ва жамоа хўжаликларининг маблағлари ҳисобига қарийб 700 минг ўқувчига мўлжалланган янги мактаблар қурилди. Муаллимлар сони 50 минг нафар кўпайди.

Ишчилар синфининг муносиб ўринбосарларини тайёрлаш ва тарбиялаш ишида ҳунар-техника билим юртларининг роли ошди. Кейинги беш йил ичида 149 та янги ҳунар-техника билим юрти ташкил этилди. Халқ хўжалиги учун 264 минг нафар ёки саккизинчи беш йилликдагига нисбатан юз минг нафар кўп малакали ишчи тайёрлаб берилди. Айни бир вақтда ҳам ихтисос, ҳам ўрта маълумот бераётган ҳунар-техника билим юртларида ўқувчилар сони 15 баравар кўпайди.

Тўққизинчи беш йилликда бир миллион ўқувчи ўрта маълумот ҳақида аттестат олди.

Агар 1974 йилн республикамиз бўйича фақатгина 2 та ўқув ишлаб чиқариш комбинати ишлаган бўлса, 1977—78 ўқув йилига келиб уларнинг сони 185 тага етди, уларда таълим олувчилар сони 95562 ўқувчини ташкил қилди. Булардан ташқари, 1978 йили республикамизнинг 431 та умумий таълим мактабида автомобил ҳайдовчи касбини бериш мақсадида машинашунослик курси ўқитилди. Қишлоқ умумий таълим мактабларида эса (1010 та мактабда) трактор ҳайдовчиси, 90 та мактабда пахта териш машинасининг ҳайдовчиси, 26 та мактабда котиба-машинистка каби касблар бўйича ўқувчиларга таълим берилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Республикада олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг сони кўпайди. 4 та олий ўқув юрти ва 28 та техникум очилди, халқ хўжалиги учун 450 мингга яқин мутахассис тайёрлаб берилди.

1975—76 ўқув йилида Ўзбекистоннинг 960 та қишлоқ совети-да, 162 та шаҳар ва шаҳар типидаги посёлкасида 9642 та умумий таълим мактаби иш олиб борди. Бу мактабларда 38028 минг ўқувчига 237,5 минг ўқитувчи сабоқ берди.

Шу ўқув йилида 42 та олий ўқув юртида 246,4 минг талаба таълим олди. 1975 йилда маорифга оид ихтисос бўйича олий ўқув юртларига 20692 талаба қабул қилинди ва 18233 мутахассис тайёрланди.

Республика олий ўқув юртларида эса 400 нафарга яқин фан докторлари ва 5 минг нафардан кўпроқ фан номзодлари самарали меҳнат қилдилар.

Малакали педагогик кадрлар тайёрлашда ҳам катта муваффақиятларга эришилди. XX асрнинг 80-йилларига келиб республика умумий таълим мактабларида қарийб 237 мингдан ортиқ ўқитувчи ёшларга таълим ва тарбия бериш билан шуғулландилар, булардан 77,5%и олий маълумотга эгадир. 1981—1982 ўқув йили бошида эса 18 мингдан ортиқ ёш мутахассис маорифчилар сафига келиб қўшилди.

Мактабгача тарбия муассасаларига 900 мингдан ортиқ бола жалб этилган, умумий таълим мактабларнинг тайёрлов синфларига болалар боғчасига тортилмаган 39286 бола қабул қилинди.

1981 йилда янгидан 5 та Қашшофлар уйи ва саройи, 12 та ёш табиатшунослар ва туристлар станцияси очилди, мактабдан ташқари муассасаларга тортилган болалар сони 440 мингдан ошди[1].

Мактабларда, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасаларда, педагогика ўқув юртларида таълим-тарбия жараёни яхшиланди. 1980—1981 ўқув йилининг якунларига кўра, ўқувчиларнинг ўзлаштириши 99,95% ташкил этди[2].

Ҳукумат олий ва ўрта махсус ўқув юртлари фаолиятини такомиллаштиришга доимо эътибор бериб келди. Чунончи, педагогика ўқув юртларининг моддий-техника базасининг яхшиланганлиги туфайли 23 ихтисос бўйича ўқитувчилар тайёрлаш ишлари кучайтириб юборилди.

Собиқ КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди тарихий қарорларининг турмушга жорий этилиши, Ўзбекистон республикаси ҳукумати барча жамоат ташкилотлари, корхона ва муассасаларнинг доимий диққат-эътибори, шунингдек, ўқитувчилар, халқ маорифи бўғинлари ҳамда педагогика ўқув юртлари ходимларининг катта меҳнатлари туфайли ўтган 1981 йилда улкан муваффақиятлар қўлга киритилди, олинган юксак мажбуриятлар асосан бажарилди. Халқ ма-

[1] «Совет мактаби» журн. 1981 й., 8-сон, 4-бет.
[2] Ўша жойда, 5-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

орифи соҳасида катта ишлар қилинди. Умумий мажбурий ўрта таълим муваффақиятли равишда ҳал этилди. Ёш авлодга тарбия беришга атрофлича ёндашиш натижасида, айниқса, меҳнат, ахлоқий ва ғоявий-сиёсий тарбия ишларида самарали натижаларга эришилди, унинг шакл ва методлари такомиллаштирилди.

XX асрнинг 80- йилларида, жамиятимизнинг барча бўғинларида қайта қуриш кенг қулоч ёзди. Унинг мазмунида ҳаётни демократлаштириш, тезкор иқтисодий ислоҳот, маънавий покланиш миллий қадриятлар ва ахлоқий ғояларнинг тикланиш муаммоларини ҳал этиш зарурияти юзага келди. Қайта қуришнинг ҳал қилувчи босқичида жамият учун четдан томошабин эмас, балки мамлакат иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаёти ривожига жавобгар, масъулиятли, соғлом фикрли ғоявий-сиёсий дунёқараши шаклланган шахс зарур эди.

Мактаб ўз табиатига кўра иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни таъминловчи, уни сақловчи, инсоният томонидан тўпланган умуминсоний маънавий бойликларни авлоддан-авлодга етказиб берувчи ва бойитувчи муҳим тармоқ ҳисобланади. Халқ маорифини қуйи ва юқори босқичларини ислоҳ қилиш, қайта қуриш талабларига жамиятнинг қонуний жавобидир.

Жамиятимизда ҳукм сураётган маориф тизимининг барча бўғинларида худди мана шу жамият тараққиёти талаблари асосида ёш авлоднинг камолотга етиши, бир бутун шахс сифатида шаклланишига ниҳоятда кам эътибор берилди. Натижада умумий таълим мактабларида таълим-тарбия тизими, мазмуни, шакл ва методлари давр талабига, ёш авлодни ҳар томонлама шаклланган яхлит шахс сифатида шакллантиришга мос келмай қолди.

Бу эса умумий таълим ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилишни тақозо этди. «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари» 1984 йилда собиқ КПСС Марказий Комитети томонидан 10 апрелда ва СССР Олий Совети томонидан 12 апрелда маъқулланди.

Ислоҳотдан мақсад мактабдаги барча таълимий, тарбиявий, ташкилий ишларни жамият талабларига, шарт-шароитлари ва эҳтиёжлари мос келадиган сифат даражасига кўтаришдан, шунингдек, маълумотли, эътиқодли, жамиятга, халққа садоқатли, фаол ижодкор, ташаббускор, тадбиркор, ошкоралик шароитида ишлай оладиган ва яшай биладиган; ўз мамлакати, ўз миллий мустақиллиги, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти йўлида кураша оладиган кишилар тарбиялашдан иборат эди. Айнан шу мақсадни ҳал этиш ислоҳот зиммасига юклатилди.

«Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари» да мактабнинг ўзига хос хусусиятлари, умумий ўрта ва ҳунар таълимининг қурилиши, таълим-тарбия жараёнининг сифатини ошириш, меҳнат тарбияси, таълими, касб танлашга ўргатиш, болалар ва ўсмирларни жамоат йўли билан ва оилада тарбиялаш; ўқитувчи шахси; маорифнинг ўқув-мод-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дий базасини мустаҳкамлаш; халқ маорифини бошқаришни такомиллаштириш каби масалалар назарда тутилган эди.

Асосий йўналишлар асосида ҳозирги замон мактабларида таълим-тарбия борасидаги камчиликлар кўрсатилган бўлиб, буни бартараф этиш учун эса маориф тузилишини такомиллаштириш, умумий таълим, меҳнат ва касб эгаллашга тайёргарлик сифатини ошириш, таълимнинг самарали шакллари, услубларидан фойдаланиш, ўқитишнинг техника воситаларидан кенгроқ фойдаланиш, таълим-тарбия бирлигини таъминлаш, мактаб, оила ва жамоатчилик бирлигини таъминлаш, ўқувчилар билимини баҳолашда расмиятчиликка барҳам бериш, сон кетидан қувиш ҳолларига чек қўйиш тадбирларини амалга ошириш лозим эди.

Ислоҳотда қайд этилган умумий ўрта ва ҳунар таълими қурилишининг асосий моҳияти шундан иборатки, унда умумий ўрта таълим ўн бир йилликдир. I—IV синфлар — бошланғич мактаб, V—IX синфлар эса тўлиқсиз ўрта ва X—XI синфлар — барчаси умумтаълим мактабини ташкил қилади. Шунингдек, ўрта ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ўқув юртлари каби номланган. Мазкур қурилишга биноан ўрта умумий таълим мактабларида болаларни олти ёшдан бошлаб ўқитиш назарда тутилади.

Умумий ўрта ва ҳунар таълимининг янги қурилиши ўқитиш учун ҳам, билим олиш учун ҳам анча қулай ҳисобланади.

Биринчи босқичда ўқувчиларнинг қобилияти ривожлантирилади. Бу босқичда ўқувчиларда зарур бўлган ўқиш, ёзиш, санаш малакалари шакллантирилади, доимий меҳнат қилиш одати ҳосил қилдирилади.

Иккинчи босқичнинг вазифаси эса ўқувчиларда табиат, жамият, инсон, умуминсоний, умуммаданий ахлоқ мезонлари ҳақидаги қарашлар шакллантирилади.

Учинчи босқичда эса ўқувчилар умумий зарурий фанлар билан бир қаторда мустақил равишда ўз билимларини, малака ва кўникмаларини ошириш мақсадида қобилиятларини ўстиришга хизмат қилувчи ижтимоий-гуманитар, табиий-математик, техник, қишлоқ хўжалиги ва бошқа фанлардан чуқур билим олиш имкониятига эга бўладилар. Бундай мактабларнинг ҳар учала босқичида ҳам ўқувчиларга меҳнат таълимини бериш, уларни тўғри касб танлашга ўргатишни самарали ташкил этиш назарда тутилади.

Янги қурилишдаги умумий ўрта ва ҳунар таълимининг таълим ва тарбия самарадорлигини оширишдаги имкониятлари ниҳоятда кенг бўлиб, қуйидаги афзалликлардан иборатдир:

— Бошланғич мактабда ўқиш муддати бир йилга узайтирилади, бу эса кичик мактаб ўқувчиларининг чуқур ва пухта билим олишлари, зўриқишларини камайтириш имконини беради.

— Тўлиқсиз ўрта мактабда ўқувчига умумий меҳнат таъли-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мини бериш вазифаси асосан ҳал этилади, касб танлаш учун асосан шарт-шароит яратилади.

— Ўрта умумий ва ҳунар мактаби ўқувчиларга умумий ўрта таълим берилишини, меҳнат ва ҳунар ўргатилишини таъминлайди.

— VII—XI синф ўқувчиларига табиий-математик, ижтимоий-гуманитар фанларни факультатив машғулотлар орқали чуқурроқ ўрганиш имконияти яратилади.

— Умумий ўрта таълим ҳунар таълими бериш билан тўлдирилган ҳолда, ёшларнинг меҳнат фаолияти бошлангунга қадар бирор-бир касбни эгаллаш имкониятини яратади. Шу билан умумий таълим ва ҳунар мактабининг бир-бирига яқинлашуви, ягона меҳнат, политехника мактаби вужудга келтирилади.

Ўрта умумий таълим мактабининг XI синфини битириб чиққан ёшлар учун бир қатор қулайликлар мавжуд. Биринчидан — ўқиш жараёнида олган меҳнат малакалари асосида халқ хўжалигининг бирор тармоғида ишлаш ҳуқуқига эга бўладилар. Иккинчидан—бирор-бир касб бўйича юқори малакага эга бўлиш учун ўрта-ҳунар техника билим юртларининг бир йиллик курсларида таҳсил олишлари мумкин. Учинчидан — ўрта махсус ўқув юртларида ёки олий ўқув даргоҳларида ўқишни давом эттирадилар.

Ҳунар-техника таълими эса қайта тубдан ўзгартирилиб, «Ўрта ҳунар-техника билим юртлари» га айлантирилади.

Халқ хўжалиги учун зарур бўлган ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифати янада оширилади.

Ўрта маълумотга эга бўлмаган, ишлаб чиқаришдаги фаол ёшлар учун кечки (сменали) ва сиртқи мактаблар сақланиб қолади. Шунингдек, бундай мактабларда таълим ва тарбия бериш сифати, ишни тўғри режалаштиришга алоҳида эътибор берилади.

Умумий, ўрта ва ҳунар таълимининг қурилиши ўзгариши билан, олий ўқув юртлари контингентларини шакллантиришнинг ижтимоий базаси кенгайтирилади, бундай билим даргоҳларига қабул қилишнинг янги қоидалари, талаблари ишлаб чиқилади.

Умумий, ўрта ва ҳунар таълимининг қурилиши ўзгариши билан унда бериладиган таълимнинг мазмуни, шакллари, методлари ва усуллари ҳам самарали ташкил этилишини тақозо этади.

Ёш авлод онгига фан асосларини чуқур ва мустаҳкам сингдириш, уларда илмий дунёқарашни шакллантириш, маънавий жиҳатдан баркамол, жамиятимиз тараққиёти талабларига мос қилиб тарбиялаш ҳозирги замон мактабларининг муҳим вазифасидир. Бунинг учун ислоҳот тақозо этганидек, таълимнинг мазмунини такомиллаштириш зарур. Таълимнинг мазмунини такомиллаштиришнинг муҳим шартлари ўқув дастурлари ва дарсликлари материаллари ўқувчиларнинг ёшига мос ҳолда содда-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаштирилади, ортиқча иккинчи даражали материаллардан халос этилади.

Ўқув фанларининг амалий йўналишини кучайтириш, меҳнат тарбияси ва касб танлашга ўргатишни йўлга қўйиш, таълим мазмунининг политехник йўналишини таъминлаш масаласи асосан амалга оширилади.

Ўқувчилар замонавий ҳисоблаш техникаси, яъни компьютер воситасида махсус мактаблар, мактабларарo кабинетларда билим, малака ва кўникмалар олишга муяссар бўладилар.

Ҳозирги замон мактабларида фан асосларини ўрганишда, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий тадбирлар жараёнида, оила ва жамоатчилик ўртасида ўқувчига бериладиган гоявий-сиёсий, меҳнат, ахлоқий, эстетик, жисмоний, экологик, иқтисодий тарбия комплекс равишда ҳал этилади.

Умумий таълим ва ҳунар мактаблари тажрибасига таълим беришнинг дарсдан бошқа самарали шакллари, методлари ва воситалари ҳам кириб келмоқда. Ислоҳ талаблари асосида ёш авлодни ҳар томонлама шаклланган кишилар қилиб тарбиялаш, билим сирларини пухта ўзлаштиришлари, фанларга бўлган қизиқишларини таъминлаш учун таълимнинг маъруза, семинар, суҳбат, тажриба, маслаҳат бериш усулларидан ўз ўрнида фойдаланиш таълим-тарбия самарадорлигининг гаровидир.

Таълим-тарбия самарадорлигини оширишда ахлоқий, бадиий ва эстетик тарбия беришга алоҳида аҳамият берилади.

Ўқувчиларда ёшлик чоғиданоқ жамоатчилик, ўзига ва бирбирига талабчанлик, ҳалоллик ва ҳақгўйлик, сахийлик каби хусусиятларни шакллантириш ҳар бир ўқитувчининг кундалик вазифасига айланмоғи зарур. Бунинг учун эса ислоҳот талаб этганидек ижтимоий-гуманитар фанларнинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш, мактабларни шу ихтисослар бўйича малакали мутахассислар билан таъминлаш зарурати келиб чиқади.

Мамлакатимиздаги қайта қуриш ҳар бир ёшни жисмонан бақувват, соғлом, хушчақчақ бўлишини тақозо этади. Демак, умумий таълим мактабидаги таълим-тарбия жараёни ҳам шу мақсадни амалга оширишга қаратилади.

Жамиятнинг тубдан қайта қурилиши маорифнинг барча бўғинларини мазмунан қайта тузилишини талаб этади. Жумладан, мактабда таълим-тарбия бериш ўчоғи ҳисобланган ўқувчилар ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари фаолиятидаги расмиятчиликка, совуққонликка барҳам бериш, унинг иш мазмуни ва шаклларини тубдан ўзгартириш, ўқувчиларнинг кундалик талаб ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган ўқувчиларнинг ихтиёрий жипслашган бирлашмаларига айлантириш кўзда тутилади. Мактабда синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни уюштириш, ташкил этиш ва ўтказишга масъул ҳисобланган синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг ташкилотчилари, бош пионервожатийларининг роли оширила-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, уларни танлаш, қўнимлилигини таъминлаш ишларига алоҳида эътибор берилади.

Ислоҳотда ўқувчиларни меҳнат таълими ва тарбияси, касбга йўллаш, политехник таълимнинг мазмун, шакл ва методларини янада кучайтириш масаласи ислоҳ қилинган мактаблар олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлиги алоҳида уқтирилган. Бу борада барча машғулотларни 3 босқичга бўлиш, яъни бошланғич мактаб (I—IV синфлар), тўлиқсиз ўрта мактаб (V—IX синфлар), ўрта умумтаълим мактабларидаги ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш, меҳнат таълими ва касбга ўргатиш юзасидан дастурлар ишлаб чиқиш, ижтимоий-фойдали, унумли меҳнатни ривожлантириш, политехник билим, маҳоратни шакллантириш тадбирларини белгилаш, меҳнат тарбиясини иқтисодий тарбия билан бирга қўшиб олиб бориш масалаларига ижодий ёндошиш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчига таълим-тарбия беришнинг муҳим бўғини, оила ва жамоатчиликдир. Бола оила, жамоатчилик, муҳит таъсирида тарбиянинг муҳим ажралмас қисмлари ҳисобланадиган ғоявий-сиёсий, ахлоқий, меҳнат, иқтисодий, экологик, жисмоний, эстетик жиҳатдан тарбияланиб боради. Шунингдек, бола шахсини бир бутун яхлит шакллантиришда мактабдан ташқари муассасаларнинг аҳамияти жуда катта. Ислоҳот таълим-тарбия беришнинг бу бўғинини иш мазмунини тубдан ўзгартиришни ҳам назарда тутади. Ислоҳ талабларини амалиётга татбиқ этиш учун таълим-тарбия, мактабгача тарбия муассасаларида таълим ва тарбия бирлигининг типовой дастурини ишлаб чиқиш; дарсдан ташқарида ўтказиладиган тарбиявий ишларнинг мазмуни ва шаклини жиддий қайта қуриш; куни узайтирилган гуруҳлар тузишни оммалаштириш; мактабдан ташқари муассасалар — болалар саройлари, уйлари, ёш техниклар ва табиатшунослар, туристлар станциялари, спорт, мусиқа, бадиий ва хореография мактаблари, болалар кутубхоналари, оромгоҳлар ва шу кабиларни вужудга келтириш; истиқомат жойларида олиб бориладиган хилма-хил ишларга барча ўқувчиларни жалб этишга эришиш; болалар тарбиясида оиланинг масъулиятини ошириш ва ғоят қисқа вақт ичида шу муассасаларнинг моддий-маиший шароитини яхшилаш зарур.

Ислоҳот ўртага қўйган шу вазифаларнинг ҳаммаси агар ўқитувчи ўз имкониятини, маҳоратини тўлиқ ишга солсагина муваффақиятли ҳал этилиши мумкин. Бунинг учун бўлажак ўқитувчиларга замонавий билимлар бериш, олий ва махсус ўқув юртларининг ўқув режалари, дастурларини давр талабига мос ҳолда қайтадан ишлаб чиқиш, педагогик-психологик тайёргарлик савиясини ошириш, педагогика фанлари тизимини ўқитишни кенгайтириш, илмий-педагог ходимлар малакасини ошириш, болалар билан ишлашга лаёқатли бўлган ёшларни танлаш, педагог ходимларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг моддий аҳволини яхшилаш тадбирларини белгилаш ва педагогик билимларни ташвиқот қилиш жоиздир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мактабда таълим-тарбия жараёнини муваффақиятли ташкил этишга маорифнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, ўқиш ва ўқитиш учун қулай шарт-шароит яратиш, ўқув жиҳозлари, кўргазмали ўқув қуроллари ва таълимнинг замонавий техника воситалари: мебеллар, станоклар, асбоблар, электрон-ҳисоблаш техникаси, қишлоқ хўжалик машиналари ва бошқалар билан таъминланиши ҳам ижобий таъсир этувчи омиллар ҳисобланади.

Халқ маорифини бошқариш, таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишга тўғри раҳбарлик қилиш, ўқитувчиларни таълим ва тарбияга оид бўлмаган ортиқча топшириқлардан халос этиш, қишлоқ мактабларига алоҳида эътибор бериш, ўқитувчиларнинг муқимлигини таъминлаш, мактаб учун ғамхўрликни умумхалқ ишига айлантириш мактабда ўқув-тарбиявий ишларни самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидир.

Ислоҳот мақсадлари олижаноб, юксак маънавий инсонпарвар мақсадлардир. Шу мақсадларни рўёбга чиқариш кишиларнинг маълумот ва маданият савиясини ошириш учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлади. Ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш, уларни ҳаётга ва меҳнатга, ишчан жамоат фаолиятига тайёрлаш учун энг яхши шарт-шароитларни яратади. Буларнинг ҳаммаси мамлакатнинг ғоявий-сиёсий, иқтисодий ва мудофаа потенциалини мустаҳкамлашга, жамиятимизни ҳар томонлама тараққий эттиришга самарали ёрдам беради.

Мактаб ислоҳоти халқ маорифининг тараққиётини янги босқичини белгилаб берди. У ўн иккинчи беш йилликда ва 2000 йилга қадар амалга оширилиши назарда тутилади.

Бу фикр маорифнинг барча бўғинлари мазмунига, таълим ва тарбия усулларига тааллуқлидир. Ушбу ҳолатнинг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Биринчидан, революцион йўл билан ривожланаётган қайта қуриш шароитида, мактаб ислоҳотининг эволюцион характерга эгалиги, мактаб ишининг мазмуни, илмий-педагогик кадрлар, моддий-техникавий таъминланиш, бошқаришнинг тубдан ўзгартирилмаганлиги ҳам ислоҳот талабларини бажарилишига тўсиқ бўлмоқда. Ислоҳни амалга оширишдаги ташкилотчилик ишларининг етарли бўлмаётганлиги, бошқаришдаги бюрократик методга асосланилаётганлиги, аста-секинлик билан тараққий этаётган халқ хўжалигининг эҳтиёжига мос равишда кадрлар тайёрлаш мўлжалланганлиги ҳам ислоҳот талабларини қийинчилик билан ҳал этилаётганлигига сабаб бўлмоқда. Булар эса ўз навбатида таълим-тарбия савиясини оширишга салбий таъсир этиши муқаррар. Лекин ислоҳотнинг асосий йўналишларини амалиётга татбиқ этишда қийинчиликларга учраш билан бир қаторда баъзи бир ижобий натижаларга ҳам эришилди.

Таълимнинг мазмунига аниқликлар киритилди. Ўқув дастурлари қайтадан тузилди, ўқувчиларни ортиқча маълумотлар билан банд этишдан, зериктиришдан халос этилди, таълимнинг шакллари ва методлари такомиллаштирилди, баъзи фанлардан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўқув дарсликлари, методик қўлланмалар яратилди; ўқув режасига «Атроф муҳит билан танишиш» (I—II синфларда), «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» (X—XI синфларда), «Оила этикаси ва психологияси» (X—XI синфларда), «Ишлаб чиқариш асослари. Касб танлаш» (VIII—X синфларда) каби фан асослари киритилди ва ўқитилмоқда, ўқитувчилар меҳнатига табақалаштириб ҳақ тўлаш жорий этилди, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайтадан тайёрлаш масаласида ижобий силжишлар рўй берди, ўқувчиларни меҳнат таълими ва тарбиясининг мазмуни такомиллаштирилди; хунар-техника таълими тизимида ишчи ходимлар тайёрлаш кенгайтирилди; маорифнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масаласига нисбатан жамоат ташкилотларининг муносабатлари бирмунча ўзгаргандек туюлди. Бироқ, бу ўзгаришлар таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш, уюштириш учун етарли эмас эди, албатта.

Шуни қайд этиш зарурки, ўзбек мактаблари тўнтаришдан сўнг миллий заминдан батамом узилиб қолди. Қарсакбозлик билан ўқиш-ўқитишда Оврўпо, хусусан ўрус тизимини қабул қилдик. Аммо бизнинг авлодларимиз онгига, қонига бу зўрма-зўракилик сингмади. Буни бугунги ҳаёт, етмиш йилдан ошиқ вақт ва тараққиётимиз кўрсатиб турибди. «Янги» даврдаги замонавийлаштиришнинг «билимдон» ва «зукко» ташкилотчилари минг йиллик ёзувимизни ҳам қайта-қайта алмаштириб, кимларгадир яхши кўринмоқчи ёхуд ўзини доно ҳисоблаб шуҳрат қозонмоқчи бўлдиларки, натижада мактабларимиз ўқув-тарбиявий ишларда ҳам ҳаётий асослар ва халқ руҳиятидан деярли ажралиб қолди, авлод-аждодларимизнинг дунёвий-ҳаётий, ахлоқий, маънавий, руҳий хазинаси бўлган китоблар эса умуман ўқитилмай, ўргатилмай ташлаб қўйилди.

IX боб

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ВА ХАЛҚ МАОРИФИ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида, жумладан халқ таълими тизимида сўнгги ўн йилликларда катта ўзгаришлар юз берди. Республикада мактабгача тарбия муассасалари ва мактаблар тармоғи ривожланди, ўқитувчилар ҳамда илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш жараёни такомиллашди.

Аммо кўп йиллар давомида собиқ совет республикаларида ва ўлкаларида ягона педагогик тизим ҳукмронлик қилиб, таъ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лим жараёни Марказдан юборилган дарслик ва тавсиялар, ўқув режалари, дастурлар асосида ташкил этилди.

Она тили, ватан тарихи, географияси, миллий урф-одат ва анъаналар эътибордан четда қолиб, болалар ота-боболар ўтмишидан бехабар ўқитилди.

Республикамизнинг истиқлолга эришуви натижасида ўзбек педагогикаси тарихида узоқ давр тақиқланган, эътибордан четда қолган маданий меросга қизиқиш кучайди. Улардаги илғор фикрлар таълим-тарбия жараёнига татбиқ этила бошланди. Янги мазмунли дарсликлар, услубий қўлланмалар яратишда миллий-маданий, тарихий адабиётлардан, ўлка материалларидан кенг фойдаланилмоқда. Зеро, кечмишга боқиб келгуси кунни режалаштириш ибратлидир, ўтган кун тажрибаси ишончли манбадир.

Республикамиз мустақиллиги эълон қилинган 1991 йил 31 август Ўзбекистон йилномасига олтин ҳарфлар билан ёзилди. Ўзбекистонда собиқ Иттифоқдаги республикалар орасида биринчи бўлиб Президентлик бошқаруви амалда жорий этилди.

1992 йил 8 декабрь куни Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши халқимизнинг асрий орзу-армонларини рўёбга чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июлдаги қарорига асосан «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни кучга кирди.

Мазкур дастуруламалда республикада таълимнинг жамиятни ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ривожлантиришнинг устувор соҳаси эканлиги эътироф этилган, шунингдек, бу соҳада давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, таълим тизими ва бошқаруви тартиби, таълим-тарбия ходимларининг ҳақ-ҳуқуқлари, вазифалари, масъулиятлари, мақсадлари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилда тасдиқланган умумий ўрта таълим мактаби тўғрисидаги муваққат Низоми ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонуни таълим тизимини жиддий янгиланиши, ислоҳ қилинишига асос бўлди. Олдинги қабул қилинган Қонунлардан (1930, 1949, 1958, 1973, 1984 й.) фарқли ўлароқ, халқ таълими тизими тузилишининг қуйидаги янги тамойиллари жорий этилди:

— таълим-тарбиянинг инсонпарварлиги ҳамда халқчиллиги;

— таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги;

— давлат таълим тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги;

— таълимда умуминсоний ва миллий-маданий қадриятларнинг устуворлиги;

— давлат таълим стандартлари доирасида ҳар бир кишига миллати, динидан қатъи назар таълим олиши учун имконият яратилганлиги;

— таянч (тўққиз синф даражасида) таълимнинг мажбурийлиги;

www.ziyouz.com kutubxonasi

— таълим стандартларини танлашда ягона ва табақалаштирилган ёндашув бўлишига асосланганлиги;

— таълим муассасаларида чет тилларни жиддий ўрганиш, дин тарихи, халқимиз тарихи, маданияти ва жаҳон маданияти тарихи соҳасида билим олиш учун шароитлар яратилганлиги;

— таълим муассасаларининг турли сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг таъсиридан холилиги;

— амалдаги қонунлар доирасида мулкчиликнинг барча шаклидаги таълим муассасаларининг тенг ҳуқуқлиги;

— билимдонлик ва истеъдодни рағбатлантириш;

— тарбияланувчилар ва таълим олувчиларни ҳурматлаш;

— педагог шахсини, унинг ижтимоий мавқеини ҳурматлаш ва б.

Таълимнинг истиқболлари республикамиз Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган. Конституцияда республика ҳар бир фуқаросининг бепул умумий таълим олиш ҳуқуқи, таълимнинг давлат назоратида эканлиги кафолатланган.

Ўзбекистонда шахснинг асосий ҳуқуқларидан бири бўлган таълим, касб ўрганиш давлат томонидан кафолатланган.

Ҳозирда таълимни қуйидаги йўналишларда ислоҳ қилиш вазифалари белгилаб олинди:

— умуминсоний қадриятлар ва миллий маданият асосларини эътиборда тутган ҳолда таълим-тарбия мазмунини миллий мафкура, мустақил Ватан туйғуси асосида ўзгартириш ва такомиллаштириш;

— таълим самарадорлигини тиимай ошира бориб, жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш;

— вариатив ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар яратиш;

— билимдонлик ва истеъдодларни қўллаб-қувватлаш;

— илғор тажрибаларга, ижодкор устозлар тажрибасига суяниш;

— синов ишлари олиб бориш, таълим-тарбияда илм-фан, техника ютуқларига суяниш;

— таълим-тарбияда бош ислоҳотчи бўлган ўқитувчи, тарбиячиларнинг янги авлодини тайёрлашга киришиш;

— таълим муассасаларининг моддий-техник асосини мустаҳкамлаш, таълимни компьютерлаштириш, ўқув жараёнига янги педагогик технологияни олиб кириш;

— таълим тизимини, бошқарув фаолиятини такомиллаштириш;

— ислоҳ ғояларини иложи борича вилоят, туман, мактаб педагогик жамоаларига тезроқ етказиш, сингдириш, амалга ошириш;

— ислоҳни босқичма-босқич, мавжуд, ўзини оқлаган услублардан воз кечмаган ҳолда амалга ошириб бориш.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, қаерда таълим ва тарбияга эътибор катта бўлса, ўша ерда тараққиёт, юксалиш бор. Шунинг учун республикамизнинг истиқболи узлуксиз таълимни қай даражада амалга оширилиши-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га боғлиқ. Узлуксиз таълим барча фуқароларни тинимсиз ўқишини, изланишини, шахсни юқори малакали бўлишини талаб этади.

Узлуксиз таълим тизимининг ҳаётга татбиқ этилиши республикада халқ таълими фаолиятини тубдан ўзгартиради ҳамда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожига муҳим ҳисса қўшади.

Узлуксиз педагогик таълим тизимида педагогик ходимлар тайёрлаш поғонали равишда амалга оширилади.

Жумладан, ўрта-махсус педагогик таълим ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш мақсадини кўзлайди. Бу таълим педагогика билим юртларида, индустриал-педагогика техникумларида, педагогик коллежларда босқичли шаклда амалга оширилади. Педагогика билим юртлари ва индустриал-педагогика техникумларида ўқиш икки босқичда, педагогик коллежда эса уч босқичда ташкил этилади. Таълимнинг биринчи босқичини муваффақиятли тугатган талабаларга битирув (давлат) имтиҳонлари натижалари бўйича ўрта маълумот ҳақидаги аттестат ва ўқиш даврида олган мутахассислиги ҳақида гувоҳнома берилади. Тавсия қилинган талабалар иккинчи босқичда ўқишни давом эттириб, ўрта-махсус педагогик маълумот оладилар ва уларга бу ҳақда диплом берилади.

Иккинчи босқични муваффақиятли тугатганлар учинчи босқич ўқишига — (олий таълимнинг I босқич шаклига) педагогик коллежга қабул қилинадилар. Бу босқични тўлиқ ўзлаштирганларга **«бакалавр»** даражаси (диплом) берилади. Учинчи босқич коллеж мақомига эга бўлган ўрта-махсус ўқув юрти шаклида ёки олийгоҳдаги таълимнинг биринчи босқичи шаклида бўлиши мумкин.

Олий педагогик маълумотли мутахассислар университетларда, педагогика институтларида, педагогик коллежларда (биринчи босқич олий таълим) тайёрланади.

Олий педагогик ўқув юртларидаги таълим икки босқичли асосда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низомга мувофиқ **«бакалавр»** ва **«магистр»** даражасини бериш орқали амалга оширилади.

Бакалавриат таянч (I—XI синфлар) мактаблар учун, магистратура эса ўрта мактаб (X—XI—XII синфлар), ўрта-махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари ва янги турдаги ўқув муассасалари (лицей, гимназиялар) учун ўқитувчилар тайёрлаш вазифасини бажаради.

Ҳозирги кунда республикада ягона таълим тизими яратилган бўлиб, у мактабгача тарбия, умумий таълим, мактабдан ташқари таълим, ҳунар-техника таълими, ўрта-махсус таълим, олий таълим, илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш, ходимларни қайта тайёрлаш ва касбий малакасини ошириш, оиладаги таълим ҳамда мустақил таълимни ўз ичига олади.

Мактабгача тарбия Ўзбекистон халқ таълими тизимидаги биринчи босқичдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу босқичда хилма-хил тоифадаги турлича муассасаларни кўриш мумкин. Яъни, болалар яслилари, болалар боғчалари, ясли-боғчалар, соғломлаштириш боғчалари, ақлий, жисмоний жиҳатдан нуқсонли болалар боғчалари, хонадон боғчалари, мавсумий боғчалар (асосан қишлоқ хўжалик ишларининг долзарб паллаларида хизмат кўрсатадиган) мавжуд.

Мактабгача тарбия муассасалари ўз фаолиятини республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий этилган Низом асосида ташкил этади. Бу муассасаларга етарли касб, назарий-методик малакага эга бўлган, халқ таълими туман ва шаҳар бўлимлари раҳбарлари томонидан тайинланган мудир раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон Республикасида ҳозир 9467 мактабгача тарбия ва таълим муассасалари мавжуд бўлиб, 1,3 млн. кичкинтойларни ўз бағрига олган. Уларнинг тарбияси билан 100 мингдан ортиқроқ педагог ходимлар шуғулланмоқдалар[1].

Умумий таълим узлуксиз давлат таълими тизимида асосий бўғин бўлиб, таълим олувчиларнинг илмий билимлар олишини, меҳнат таълими, бошланғич касб кўникмалари, ишбилармонлик асосларини эгаллашларини, шунингдек ўз ижодий қобилиятлари ва маънавий фазилатларини ривожлантиришларини таъминлайди.

Умумий таълим «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 9-бандига мувофиқ уч босқичдан иборат:

— бошланғич таълим (I—IV синфлар);
— таянч таълим (V—IX синфлар);
— ўрта таълим (X—XI—XII синфлар).

Таълим ҳақидаги давлат сиёсатининг асосий моҳияти таянч таълимининг (тўққиз йиллик) мажбурийлигидир.

Умумий таълим мактаблари Ўзбекистонда табақалаштирилган таркибга эга бўлиб (вариатив), шароитга қараб таркиби I—IV синфлардан иборат бошланғич мактаб; V—IX синфлардан иборат таянч мактаб, таркибида X—XI (XII) синфлар бўлган ўрта мактабдан иборат. Бундай тартиб амалда умумий таълимни босқичма-босқич амалга ошириш имконини беради.

Мактаб ҳудудий жиҳатдан мувофиқлаштирилади, яъни мақбул деб ҳисобланган ерда марказлаштирилади.

Барча тоифадаги ва номдаги умумий ўрта таълим мактабларидаги таълим-тарбия ишлари республика Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурлари асосида олиб борилади.

Ҳозир Ўзбекистон Республикасида ҳаммаси бўлиб 8963 та умумий таълим мактаблари ишлаб турибди. Мазкур мактабларда 429500 дан ортиқ ўқитувчи 4 млн 766600 дан ортиқ ўқувчиларга таълим-тарбия бермоқдалар[2].

---

[1] Ж. Ғ. Йўлдошев. Ўзбекистон Республикаси таълими—тараққиёт йўлида. Тошкент, «Ўқитувчи», 1994, 28-бет.

[2] Ўзбекистон халқ таълими вазирлигининг 1993 йилги халқ таълими асосий кўрсаткичларининг рақамли билдиргичи. 3, 26, 12-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таълимдаги янгича мазмунни ривожлантиришни астойдил рағбатлантирмоқда, янги педагогик технологияни барпо қилмоқ учун тинимсиз изланишлар олиб бормоқда. Республиканинг барча вилоятларида тажриба-синов майдончалари барпо этилган. Ҳозирда бундай майдонларнинг сони 100 дан ошиб кетди. Уларда янги-янги педагогик ғоялар амалиётга татбиқ этилмоқда.

Республикада ташкил этилган «Нафис санъат мактаби», Шарқ тиллари, иқтисодиёт, экология лицейлари тажрибалари диққатга сазовордир. Бундай мактаблар иқтидорли, ижодкор, нодир истеъдод эгаларининг ўз имкониятларини рўёбга чиқаришларида ибратли ишлар қилмоқда. Ана шундай турдаги мактаблар республиканинг 8 вилоятида ташкил қилинди. Уларда 10 мингдан ортиқ ўқувчилар таълим олишмоқда[1].

Умумий таълим мактаблари республикамиз халқ таълими тизимида муҳим ва салмоқли ўринни эгаллаган ўқув масканидир.

Мазкур маскан зиммасидаги вазифаларни ҳал этишда, уни ҳозирги куннинг талаблари даражасида, илмий асосда тўғри бошқариш ишларини амалга оширишда, олий маълумотли педагогларни тайёрлашда, узлуксиз таълим тизимининг етакчи бўғини ҳисобланган олий ўқув юртлари муҳим аҳамият касб этади.

Республикада олий таълим университетларда, институтларда ва бошқа олий таълимга дахлдор муассасаларда амалга оширилади. Бу ўқув юртларида таълимнинг кундузги, сиртқи ва кечки шакллари мавжуд бўлиб, ўқиш даври беш йилдир. Олий ўқув юртлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низом ҳамда унга асосан ишлаб чиқилган Уставга мувофиқ фаолият кўрсатади.

Олий таълим тизимида 25 минг ўқитувчи хизмат қилмоқда. Уларнинг орасида 1091 фан доктори, 11 минг фан номзоди бор.

Олий маълумотли педагогларни тайёрлаш асосан Халқ таълими вазирлигига қарашли 6 педагогика институтида амалга оширилади. Шунингдек, бир қисм мутахассислар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 16 университетида ҳам тайёрланадилар. Педагогика институтларида жами 19 мутахассислик бўйича олий маълумотли педагог ходимлар тайёрланади. Давлат педагогика институтларида 20 мингдан ортиқ талаба таълим олмоқда. Таълим-тарбия ишлари ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, корейс, тожик ва бошқа тилларда юритилади.

Олий ўқув юртларига қабул Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари вазирлиги томонидан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ, педагогика олий ўқув юртларига қабул эса Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган Қоида бўйича амалга оширилади. 1993 йилдан республиканинг барча

---

[1] Ж. Ғ. Йўлдошев. Ўзбекистон Республикаси таълими—тараққиёт йўлида. Тошкент, «Ўқитувчи», 1994, 39- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

олий ўқув юртларига тест синовлари орқали абитуриентлар қабул этилмоқда.

Улар олий ўқув юртларида икки босқичли таҳлил асосида «бакалавр» ва «магистр» даражаларини эгаллашлари мумкин.

Фуқаролар иккиичи олий маълумотни битим (пулли) асосида олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистонда 55 та олий ўқув юрти жумладан, 16 университет, 7 тиббиёт, 6 педагогика, 4 қишлоқ хўжалиги, 3 маданият, 1 темир йўл, 1 алоқа ва бошқа институтлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда жами 317 минг талаба таҳсил олмоқда.

1992—1993 ўқув йилида республика олий ўқув юртларига 44 минг абитуриент қабул этилган бўлса, 60 мингдан ортиқ мутахассис халқ хўжалигига тайёрлаб берилди.

Узлуксиз педагогика таълимнинг ажралмас қисмларидан бири — илмий, илмий-педагогик ходимларни тайёрлаш, аспирантурада ва докторантурада ўқитиш — таълимнинг юқори (олий ўқув юртидан сўнг) босқичлари ҳисобланади.

Республика бўйича 94 аспирантура бўлиб, уларда 3101 киши таҳсил олмоқда. Шундан 2044 киши ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда аспирантурада ўқийди. 36 докторантурада эса 196 докторант фаининг истиқболли йўналишларида илмий изланишдадир:

Жумладан, Ўзбекистон Фанлар Академиясида —36 аспирантура, 23 докторантура; Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигида 17 аспирантура, 7 докторантура; Соғлиқни сақлаш вазирлигида 12 аспирантура, 4 докторантура; Қишлоқ хўжалиги академиясида 12 аспирантура, 1 докторантура; Қишлоқ хўжалиги вазирлигида 3 аспирантура; Маданият вазирлигида 3 аспирантура; Халқ таълими вазирлигида 5 аспирантура, 1 докторантура; Сув хўжалиги вазирлигида 2 аспирантура; Давлат геология қўмитасида ва Марказий Осиё темир йўли бирлашмасида 1 аспирантура.

Умуман, илмий ва илмий педагогик ходимлар тайёрлаш 300 дан ортиқ мутахассислик бўйича —20 та фан йўналишларида олиб борилмоқда[1].

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган узлуксиз педагогик таълимнинг устувор йўналишлари «Таълим тўғрисида»ги Қонунда белгиланган қоидалар асосида ҳаётга татбиқ этилди ва амалиётга кенг жорий қилинди.

Ўтказилган ислоҳотлар, самарали тажрибалар республикада таълимниг давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш давр талаби эканлиги, бу ишни кечиктирмай амалга ошириш зарурлигини тақозо этади. Чунки таълим стандартлари шахс маълумотлилигининг давлат меъёрларини таъминлайди.

Таълим стандартлари воситасида талабдаги маълумотлилик

---

[1] Ж. Ғ. Йўлдошев. Ўзбекистон Республикаси таълими—тараққиёт йўлида. Тошкент, «Ўқитувчи», 1994, 57, 59—60- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

даражаси мувозанати сақланади, ривожлантирилади, жамият тараққиёти истиқболларига мувофиқлиги таъминланади.

Давлат таълим стандартларн ўқув жараёнини қатъий чегараланган қолипга солиб қўймайди, балки, аксинча педагогик ижодкорликка, таълим мазмунининг ягона негизи атрофида турли-туман табақалаштирилган дастурлар, ўқув қўлланмалари, ўқитиш услубиятларига катта йўл очади.

Таълимнинг давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этишни босқичма-босқич амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, у бошланғич ва таянч мактабларда 1995/1996 ўқув йилигача, ўрта мактабларда эса, 1998/1999 ўқув йилига қадар жорий этилиши керак.

Республика халқ таълими ҳозирги вақтда тикланиш, такомиллашув, мустақиллик шароитида шаклланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Бунда маданий-маърифий меросимиздан, хорижий давлатлар илғор иш тажрибаларидан самарали фойдаланиш давом эттирилиб, таълим сифатини ошириш, уни босқичма-босқич жаҳондаги ривожланган давлатлар даражасига етказиш; ўқувчилар қобилият, эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган таълимни ривожлантириш; ёшларни истиқлол ғоялари асосида тарбиялаш; таълим муассасаларини янги мақсад ҳамда вазифаларни амалга оширишга қодир педагог ходимлар билан таъминлаш каби долзарб масалаларни ҳал этиш кўзда тутилади.

Республикамизда лотин ёзуви асосидаги алифбонинг жорий этилиши халқ таълими муассасалари зиммасига катта масъулият юклайди. Ҳар қандай мамлакат ва халқ тақдири, унинг келажаги, тараққиётининг асоси элат ва миллатларнинг тили, ёзуви ва таълим-тарбия маскани бўлган мактаб билан боғлиқдир. Шу сабабли ўзбек миллий мактабини яратиш ва унинг асосида ҳозирги кунда халқ таълими тизимида тўпланиб қолган муаммоларни ижобий ҳал этиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир.

Миллий мактабни ташкил этиш муаммолари

Мактаб таълимини фан-техниканинг замонавий ривожланиш суръатларига мувофиқлаштириш, миллий мактабни таркиб топтнриш ҳозирги кундаги жуда мураккаб, серқирра, мазмуни чуқур бўлган масаладир.

Ёшларни анъаналар асосида табиат, жамият, руҳият, қадриятга муҳаббатини, қизиқиш ва ихлосини тарбияламай миллий қиёфани шакллантириб бўлмайди. Бу эса яна дарслар, дарсликлар, синфдан ташқари тадбирлар савияси, ўқитувчи билими, маҳорати, обрўси масаласи билан боғланади. Бусиз миллий мактаб бўлмайди.

Миллий мактаб ташкил этиш учун энг аввало педагогик ходимлар масаласини ҳал этиш, ўқув режалари, дастурлари, дарс-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ликларни қайта кўриб чиқиш, тузатиш ва миллийлаштириш жараёнида такомиллаштириш зарур.

Чиакам миллий мактаб бўлиши учун унга миллий руҳ сингдирилиши керак. Бу нарса мактабдаги тарбиявий тадбирлар аниқ ва табиий фанлар, ҳатто чет тиллар ҳам миллий заминга асосланиб ўргатилгандагина вужудга келади.

Мақсад ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш экан, бу вазифани бажаришга диний муассасаларни ҳам жалб этиш, диний манбаларга таяниш фойдадан холи бўлмайди. Зеро, Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифлар, диний афсона ва ривоятлар, авлиёлар, валийлар билан боғлиқ нақлларда бой руҳий-маънавий, руҳий-ахлоқий мерос мужассам. Чунки руҳий тарбия поклик, ҳалоллик, диёнатлилик, раҳм-шафқат, меҳр-оқибатни шакллантиради. Руҳий тарбия олган одам ўғирлик, сотқинлик, хиёнат, ахлоқий тубанлик қнлишдан, инсонга озор етказишдан ўзини тияди, фойдали ишлар билан шуғулланади.

Миллий мактабларда Ат-Термизий, Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Саййид Абдулқодир Гилоний, Хўжа Аҳрор, Дукчи Эшон каби алломалар таълимотини, Шарқнинг буюк мутафаккирлари Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Абдуллоҳ Рудакий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масиҳий, Абу Наср ибн Ироқ, машҳур тарихчи Ибн Мискавайҳ, Абулқосим Фирдавсий, Абу Мансур ас-Саолибий, Ал-Киндий, Ар-Розий, Юсуф Хос Ҳожиб, Ибн Ҳаммор, Замахшарий, Маҳмуд Кошғарий, Бурҳониддин Зарнуджий, Ал-Марвазий, Имом Ал-Ғаззолий, Ал-Ахсикатий, Ёқут Ҳамавий, Қайковус, Умар Ҳайём, Аҳмад Югнакий, Саъдий Шерозий, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоийлар фаолиятини, меросини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шундагина биз Ватанимиз тарихи, унинг маданий мероси нақадар бой эканлигини, жаҳон фани маданиятини ривожлантиришда Шарқ алломаларининг хизмати беқиёс эканлигини, миллий урф-одатларимизнинг улуғлигини, тарбиямиздаги миллий ғурур-ифтихор халқпарварликка, инсонпарварликка, ҳалолликка, меҳр-шафқатга, ахлоқийликка, инсоний фазилатларга чексиз муҳаббат, кишиларни софдил, меҳнатсевар, илм-маърифатни улуғловчи туйғулар билан бойитилишига эришамиз.

Ўзбек халқининг миллий қиёфаси, миллий руҳи ва миллий ғурурини тиклаш учун халқнинг қадимдан шаклланган урф-одатларини, маданиятини, тарихини, санъатини, муомала-муносабатларини, ахлоқий қарашларини ўрганиш, ёш авлодга сингдириш керак. Руҳий мерос, миллий ифтихор, инсон қадрияти, буларнинг ҳаммаси ўқиш билан, таълим-тарбия билан боғлиқ экан, барча дарсликларда, қўлланмаларда, бадиий асарларда имкон даражасида унга эътибор бериш керак.

Табиатни авайлаб-асраш, ноз-неъматларга, хусусан, нонга ва сувга эътиқод, ерга муҳаббат, маънавиятга — китобга ҳурмат, руҳий меросни — авлодларнинг эзгу ишини кўрсата олувчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

миллий қиёфани шакллантириш асосларидир. Мактабда ўзбек полвонлари, баҳодирлари, курашчилари, саркардаларининг ҳаёти билан (жумладан, Паҳлавон Маҳмуд, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Темурмалик, Спитамен, Намоз, Маматкарим, Аҳмадполвонлар) таништириш зарур.

Ҳозирги кунда бошланғич ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия дарсларининг савияси қониқарли даражада эмае, дарслар қизиқарсиз, дастурнинг бажарилиши расмиятчилик учунгина. Буни олдини олиш учун энг аввало, дарс самарадорлигини ошириш, уни миллийлаштириш зарур. Ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия соҳасида халқнинг миллий спорт ва ҳарбий ўйинлари — кураш, чавандозлик, мерганлик, кўпкари, пойга (пиёда, отда), кес-кес, чиллак, бош уриш, таёқ ирғитар, товон жанги, елка жанги, оёқ уриштириш, кимнинг қўли кучли сингариларни қайта тиклаш пайти келди. Буларнинг ҳар бири шу фанлар бўйича дастурларда кўрсатилган машқлардан қизиқарли ва фойдалидир. Яна бир нарса. Болалар катта қувониш билан қатнашадиган «Қувноқ стартлар» мусобақасини кенг оммалаштиришимиз, уларда миллий ифтихор, миллий руҳни болаларга сингдира олишимиз керак.

Бизга маълумки, ўтмишдаги мактабларимиз ёмон дейилишига қарамай, маэмун ва моҳияти жиҳатидан бир мунча демократик асосга қурилган эди. Мактаблар бир хил ўқув режалари, бир хилдаги ўқув йўриқномалари ва қолипдан чиққандай бир хил дарсликлар сиқувида эмасди. Ота-она ва талаба мактабни, ўқитувчини танлаш имкониятига эга эдилар. Қадимги мактабларда чет тили ўқитилишига катта эътибор берилганди. Мактабни битирувчилар камида уч тилни биларди. Ана шу анъанани тиклаш ва уни амалда янада ривожлантириш фарзандларимиз камолотини юксалтириш имкониятини беради.

Бугунги кунда мактабдаги таълимнинг мазмуни анча такомиллашган бўлса-да, миллий мактаб талабларига тўлиқ жавоб беролмайди. Масалан, ҳозирги ҳаракатдаги умумий таълим мактабларининг ўқув режаларида кўрсатилган ҳафталик соатлар миқдори анча кўпдир. Бу ҳол ўқувчиларни анча толиқтириб қўймоқда. Бизнингча, бу масалани қайта кўриб чиқиш лозим. Мактабда ўқитилаётган фанлар ортиқча бўлмаса-да, аммо барча дарсликлар жиддий таҳрирга муҳтождир. Жумладан, химия, физика, математика, биология, география, тарих, астрономия, бошланғич ҳарбий таълим каби фанлар Шарқ замини, Шарқ илмидан узоқ бўлган рус ва Оврўпо тадқиқотларига асосланган. Бунда миллий руҳни, қадриятларни, ўтмишдаги буюк авлод-аждодларимиз илмини кўрмаймиз. Шундай экан, биз умид қилаётган мактабнинг таълим мазмунига муқаддас китоблар, пандномалар, ёхуд юзлаб достонлар, минглаб қўшиқлар, ривоятлар ва афсоналарда, топишмоқ ва маталларда келтирилган, ахлоқий фазилатга ундовчи, жасурликка чорловчи, ақлий камолотга дахлдор манбаларни, жаҳон илм-фанига муносиб ҳисса қўшган бобокалонларимиз-у, жадидчилик ҳаракатининг йирик

www.ziyouz.com kutubxonasi

дарғалари: Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, А. Шакурий, Беҳбудий, Ҳамза, Мунаввар Қори, Саидрасул Азизий, Саидаҳмад Сиддиқий, Садриддин Айний, Исматулла Раҳматуллаев, Файзулла Хўжаев ва бошқа ўнлаб маърифат фидоийларининг асарларини ўрганиш ва шулар асосида миллий мактаб учун миллий мактаб дастурлари, дарсликлар ва қўлланмалар яратилиши давр талабидир.

Миллий мактабни яратиш учун ҳозирги таълим мазмуни ва ўқиш-ўқитиш жараёнидаги кўпгина камчиликларни тузатиш, муаммоларни ҳал қилиш зарур. Бунинг учун қуйидаги тамойиллар ва устувор йўналишларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир:

— Ҳар бир фан ўқитувчиси ўз соҳаси бўйича маданий ва тарихий меросни чуқур билишига эътиборни кучайтириш, қайта тайёрлаш курсларида уларнинг малакасини ошириш;

— биринчи синфдан бошлаб миллий замин, халқ турмуш тарзи билан боғланмаган материалларни дарсликдан чиқариб ташлаш, улар ўрнига халқ педагогикаси, тарихий ҳикоятлардан киритиш;

— бошланғич синфдан бошлаб, она тили билан бир қаторда хорижий (араб, форс, инглиз, испан, немис ва бошқа...) тилларни ўқитишни, қироатхонликка ўргатишни йўлга қўйиш;

— мактабда миллий касб-ҳунарни ўргатадиган тўгараклар, бирлашмалар ташкил этиш (масалан, ўймакорлик, ганчкорлик, сопол ва чинни идишлар ясаш, гилам тўқиш; миллий чеварлик, косибчилик ва ҳоказо);

— мактабда барча учун таълимнинг уч босқичини қўллаш, беҳуда маблағ сарфланишига йўл қўймаслик, ўқиш истаги бўлмаган ёки фан асосларини ўзлаштиришга қийналаётганлар бошланғич маълумот билан чекланган ҳолда, уларни касб-ҳунарга ўргатиш масаласини ҳал этиш;

— иқтидорли ўқувчилардан иборат синфлар ташкил этиш;

— «Таълим ҳақида»ги Қонунда қайд этилган таълим тизими сақланган ҳолда, мажбурий IX йиллик таълимни амалга ошириш ва шу мажбурий таълим асосида миллий мактаб базасини кучайтириш;

— ҳар бир мактабда «Мерос музейи»ни ташкил этиш. Ушбу музейда илм-фан, санъат, ўтмиш тарих ҳақидаги материалларни жойлаштириш;

— ҳар бир синфда «Маданий ва тарихий меросимизни ўрганамиз» рукни остида қизиқарли бурчак ташкил этиш;

— ҳар бир мактаб биносини, залини миллий, маданий ва тарихий меросни акс эттирувчи кўргазмали материаллар билан безаш;

— синфдан ташқари ўтказиладиган тарбиявий тадбирларда миллий урф-одат, анъаналарга эътиборни кучайтириш;

— «Халқ педагогикаси» факультатив курсини жорий этиш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳар бир инсон болаликдан ўз халқини, миллатининг қадриятларини, тил бойлик-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларини, унинг тарихини, оғзаки ва ёзма адабиётини ҳамда санъатини, урф-одатларини, илғор анъаналарини, халқчил, руҳий, маънавий меросини ўргансагина, ўша халққа ва миллатга мансуб бўла олади. Шу сабабли оила, болалар яслилари, боғчалари ва бошланғич синфдан бошлаб мактабни тугатгунча болаларга халқнинг миллий ғурури, миллий қарашлари, эрки ҳамда қадриятларини сингдира олмасак, бу борада кўзланган мақсадга эриша олмаймиз. Фарзандларимизнинг баркамоллиги ва юксак одоблилигига эришиш учун эса миллий таълим-тарбияга асосланган мактабнинг бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Шуни таъкидлаш керакки, миллий мактабни яратиш хусусидаги дастлабки ҳаракатлар ижобий натижа бермоқда. Мазкур эзгу ишга кўпгина иқтидорли олим ва ўқитувчилар, халқ таълимининг ташкилотчилари ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

X боб

ЖАҲОН ПЕДАГОГИКА ФАНИ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ БАЁНИ

ҚАДИМГИ ЮНОНИСТОН ВА РИМ ДАВЛАТЛАРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

Тарихий тараққиётнинг кейинги даврларига келиб, ибтидоий жамоа тузуми ўрнини янги ижтимоий формация—қулдорлик тузуми эгаллади. Қадимий Шарқда биринчи синфий жамиятлар пайдо бўлди ҳамда моддий ва маънавий маданиятга асос солинди. Айниқса, Қадимги Юнонистон (Греция) халқлари бу маданиятни маълум даражада қабул қилиб, уни қайтадан ривожлантирди ва бутун жаҳон маданиятига, маорифига ўзининг улкан ҳиссасини қўшди.

Дарҳақиқат, тарихий тараққиёт давомида турли мамлакатлар ва халқлар жаҳон маданиятига турлича ҳисса қўшганлар. Масалан, Хитойда биринчи марта қоғоз ихтиро қилинган. Ҳиндистонда ҳисоблашнинг ўнлик системаси кашф этилган. Месопотамияда эса ер куррасини градусларга, суткани соатлар, минутлар ва дақиқаларга бўлиш ўйлаб топилган (градуслар ҳам, соатлар ҳам ҳисоблашнинг олтилик тизимига асосланган).

Эрамиз бошланишидан олдин Марказий Осиёнинг жанубий чеккасига яқин бўлган жойда Ўрта денгиз билан Ҳиндистонни бирлаштирувчи карвон йўли қурилган. Сўнгра Марказий Осиё орқали Хитойдан Ўрта денгизга томон «Буюк ипак йўли» очилган. Натижада Марказий Осиё халқаро савдо-сотиқ маркази бўлиб қолган. Бу эса ўз навбатида Марказий Осиё воҳаларида

www.ziyouz.com kutubxonasi

маданиятнинг ривожланишига таъсир кўрсатган. Айниқса қадимги Юнонистонда маданият, тарбия, мактаб ва дастлабки педагогик фикрлар бошқа қадимий Шарқ мамлакатларига нисбатан жуда эрта ривожланган.

Юнонистон унчалик катта бўлмаган бир қанча қулдорлик давлатларидан иборат мамлакат бўлган. Унинг энг катта шаҳарларидан Лакония (пойтахти Спарта) ва Аттика (пойтахти Афина) айниқса маданият маркази бўлиши билан ўта мўътабар эди. Бу шаҳарларнинг ҳар қайсисида тарбиянинг бошқа мамлакатлардан фарқли алоҳида тизими вужудга келди. Ва бу тарбия тизими шаҳарлар номи билан юритилиб «Спарта» ва «Афина» усулидаги тарбия деб юритиладиган бўлди. Ҳар иккала шаҳарнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиётидаги баъзи бир хусусиятлар ҳамда маданият даражаси турлича бўлганлиги туфайли ҳар икки тизим бир-биридан тубдан фарқ қилар эди. Аммо иккала давлатда ҳам қулдорлик тузуми ҳукмрон эди. Шунинг учун ҳам бу давлатларда ижтимоий тарбия тизими қулдорларнинг болалари манфаатини кўзлар эди.

Юнонистонда қулларни «гапирадиган иш қуроли» деб ҳисоблар эдилар. Чунки қуллар барча мамлакатлардаги каби оддий инсоний ҳуқуқлардан ҳам маҳрум эдилар.

Лакония (Спарта) Пелопоннеснинг шарқи-жанубий қисмидаги ерларга жойлашган давлат бўлиб, бу вилоятлар соҳилида кемалар тўхтайдиган қулай гаванлар йўқ эди. Мамлакатда қуллар меҳнатига асосланган деҳқончилик ҳукмрон эди. Сони унчалик кўп бўлмаган ярим озод ва тўла ҳуқуқли бўлмаган аҳолисининг кўпчилиги ҳунармандлар эди. Тўққиз минг оиладан иборат бўлган қулдорлар 250 мингдан кўпроқ аҳолига ҳукмронлик қиларди. Спартада қуллар шафқатсиз таъқиб остига олинар эди. Шу сабабли улар тез-тез қўзғолон кўтариб турар эдилар. Бундай ҳол эса уларни уюшқоқ бўлиб яшашга, ҳамиша ҳарбий тайёргарликда бўлишга даъват этар эди.

Тарбия ишлари эса давлат ихтиёрида бўлиб, унинг асосий мақсади спарталикларнинг болаларини бақувват, жисмоний соғлом, бардошли, чиниққан жангчилар қилиб тарбиялашдан иборат бўлиш билан бирга бўлажак қулдорларни ҳам тарбиялашни назарда тутар эди.

Спарталикларнинг болалари 7 ёшгача уйда яшар, кейин «агелла» деб аталувчи алоҳида давлат томонидан ташкил этилган тарбия муассасасига жойлаштирилар ва 18 ёшга етгунича уларга ана шу муассасаларда таълим-тарбия берилар эди. Бу муассасаларнинг раҳбарлари давлат томонидан обрўли, таниқли кишилардан тайин қилинар эди. Бундай кишилар «педоном» деб аталиб, бутун тарбиявий ишга раҳбарлик қиларди. Айниқса, ўсмирлар тарбиясига алоҳида эътибор бериларди. Улар жисмоний соғлом бўлиши учун турли машқлар билан чиниқтирилар, совуққа, очликка ва чанқоқликка чидашга, оғриққа бардош беришга ҳам ўргатиб борилар эди. Таълим жараёнининг асосий қисмини ҳарбий гимнастика машқлари эгаллар эди. Бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёш спарталикларни югуришдан, сакрашдан, диск ва найза отабилишдан, курашиш ва қўл билан жанг қилиш усулларидан сабоқ бериларди. Шунингдек, ҳарбий тусдаги махсус ўйинлар ҳам ўргатиларди. Спартанинг келажак ворислари жисмоний бақувват, ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, ботир жангчи, ўз ватанини, халқини ҳар қандай офатдан ҳимоя қила оладиган бўлиб етишарди.

Қадимги Грециядаги тарбиявий ишлар шуниси билан ўзига хос эдики, унда болани нафақат жисмоний чиниқтиришгина эмас, балки маънавий томондан ҳам баркамол бўлиши назарда тутиларди. Унда асосан болаларга мусиқа, ашула ва диний рақслар ҳам ўргатилган. Бу машғулотларнинг мазмуни жанговар ҳамда ҳарбий тусда бўлган.

Қадимги грек тарихчиси, файласуф олими Плутарх Спарта мактабларидаги таълим-тарбия ҳақида гапириб шундай дейди: «Ўқиш ва ёзиш — болаларга фақат уларнинг энг зарури ўргатилар эди, тарбиянинг қолган қисми эса битта мақсад: ҳеч сўзсиз итоат қилдиришни, чидамли бўлишни ва енгиш илмини ўргатишни кўзда тутади».

Спартада олиб бориладиган таълим-тарбиянинг яна бир муҳим вазифаси ёшларни қулларга нисбатан шафқатсиз, уларни менсимайдиган қилиб тарбиялашдан иборат эди. Шу мақсадда ёшлар «Крептияларда» да, яъни кечалари қулларни тутиш машқларида қатнаштирилар эди, бундай машқларда ёш спарталиклар отрядлари шаҳарнинг бирор маҳалласини ёки шаҳар ташқарисидаги ноҳияни қуршаб олиб, шубҳали бўлиб кўринган ҳар қандай иллатни (қулни) ўлдирар эдилар.

Ёшларга ахлоқий тарбия беришда давлат раҳбарлари махсус суҳбатлар ўтказиб, шу йўл билан уларга ахлоқий ва сиёсий тарбия берар эдилар. Бу суҳбатларнинг асосий мазмуни ватан душманлари билан курашда ота-боболарнинг кўрсатган мардлиги ва жасурлиги ҳақида гапириб бериш, қаҳрамонлар ҳақида ҳикоя қилишдан иборат эди. Бу билан улар, болаларда ўз ватанига, халқига ва ота-боболарига ҳамда унинг меросига катта ҳурмат ҳиссини тарбиялашган. Шунингдек, болаларни саволжавоб жараёнида аниқ, қисқа ва лўнда қилиб жавоб беришга ўргатиб борилган.

Спарта таълим-тарбия тизимида бола 18—20 ёшга етгандан кейин махсус «эфеблар» (эфеблар қадимги Юнонистонда балоғатга етган ўспиринлар) гуруҳига ўтказилган ва ҳарбий хизматни ўтаганлар.

Спартада қизлар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор берилган, яъни улар ҳам ҳарбий ва жисмоний тарбия малакалари билан қуроллантириб борилган. Бундан мақсад эркаклар қуллар қўзғолонини бостирмоқ учун урушга кетган вақтларида қизлар, аёллар шаҳарни, уй-жойни қўриқлаш мақсадида қуролланиб қўриқчилик вазифасини ўтар, қулларни эса итоат сақлашини таъминлар эдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қадимги Грециянинг иккинчи бош шаҳарларидан бири Афинада эса ҳаёт, тартиб, интизом, мактаб тизими ва ундаги таълим-тарбия спартаникидан бутунлай фарқ қилар эди. Чунки Афинадаги иқтисодий ҳаёт Спартадаги сингари чекланиб қўйилган эмас эди. Қуллар хусусий мулк ҳисобланар эди.

Афиниада эрамиздан илгариги V—IV асрларда мадаиият барқ уриб ўсди. Дунёқарашнинг кейинги ҳамма турлари Грек фалсафасининг хилма-хил шаклларида куртак ҳолида намоён бўлди. Айниқса табииёт илми, математика, тарих, санъат, ажойиб грек меъморчилиги ва ҳайкалтарошлиги тараққий қилди.

Афинада энг кўркам ва баркамол инсон деб ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук кишини ўзларининг «идеали» деб ҳисоблар эдилар.

Тарбия жараёнида ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний тарбия уйғунлашган ҳолда олиб борилар эди. Лекин шуни таъкидлаш керакки, бу идеал фақатгина ижтимоий юқори табақали қулдорларга хос эди. Жисмоний меҳнат эса фақат қулларнинг қисмати деб ҳисобланарди. Аммо табақаланиш натижасида қулдорлик жамиятининг ўзида анча камбағал, яъни эркин оилалан туғилган ва қулликдан озод этилган кишиларнинг каттагина гуруҳи ажралиб чиқди, улар ҳунармандчилик билан шуғулланар эдилар. Бой қулдорлар эса уларга нафрат кўзи билан қарар эдилар.

Афинада болалар 7 ёшга етгунча уйда тарбияланар эдилар. Ўғил болалар 7 ёшдан бошлаб мактабга қатнар, қизлар эса оилада она кўмагида уй-рўзғор ишларига ўргатилар эди. Афинада умуман хотин-қизларнинг ҳаёти уй доирасидан чиқмас, асосан ичкарида ўтар эди.

Афинада дастлаб болалар (7 ёшдан 13—14 ёшгача) «грамматист», (грамматика мутахассислиги демакдир, савод ўқитувчиси маъносида) ва «кифарист» (грекча музика демак, музика ўқитувчиси маъносида) мактабларида (ёки шу мактабларнинг ҳар икковида ҳам, ё бўлмаса аввал грамматист мактабида, сўнгра эса кифарист мактабида) ўқитилар эди. Бу мактаблар хусусий бўлиб, ҳақ тўланар эди. Шунинг учун ҳам пули йўқ (демос деб аталган) фуқароларнинг болалари бу мактабларда таълим ололмас эди.

Бу каби мактабларда «дидаскол» деб аталган ўқитувчилар машғулот олиб борар эдилар. (Мен ўқитаман деган маънодаги «дидаско» сўзидан кейинроқ «дидактика»— таълим назарияси келиб чиққан).

Ўғил болаларни мактабга қуллар етаклаб боришган. Бундай қуллар «педагог» деб аталган («пайс» бола, «агогейн»— етаклаб бориш деган сўзлардан олинган).

Афинадаги грамматист мактабидаги таълим-тарбиянинг мазмуни ўқиш, ёзиш ва ҳисоблашни ўргатишдан иборат бўлган.

Ўқиш ҳарфларни ҳижжалаб ўқитиш усулида олиб борилиб, болалар ҳарфларнинг номларини (альфа, бета, гамма ва ҳоказо) ёдлаб олар, сўнгра шу ҳарфларни қўшиб бўғинлар ясар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўғинларни қўшиб сўзлар ясардилар. Ёзувни ўргатишда мум сурилган илтироқ тахтачалардан фойдаланилар эди. Бундай тахтачаларга ингичка чўп билан ҳарфлар ёзилар эди. Бармоқлар, сополак тошлар ва саноқ тахтаси (ҳозирги чўтга ўхшаш асбоб) ёрдами билан ҳисоблаш ўргатилар эди. Қифарист мактабида ўғил болаларга адабий билим, эстетик мазмундаги декломациялар ўргатилар («Илиада» ва «Одиссея» дан парчалар ўқитилар) эди.

Ўғил болалар ўн уч—ўн тўрт ёшга етганларидан кейин «полестра» (кураш мактаби) деб аталган ўқув юртига ўтар эдилар. Бу ўқув юртида улар икки-уч йил давомида жисмоний машқлар билан шуғулланар эдилар. Беш кураш деб ном берилган бу жисмоний машқлар югуриш, сакраш, кураш тушиш, диск ва найза ирғитишдан иборат бўлиб, сувда сузиш ҳам ўргатиларди.

Спартадаги каби Афина мактабларида ҳам ўқувчилар билан сиёсий ва ахлоқий масалаларда суҳбатлар ўтказилган. Паластрада жисмоний тарбия ва ахлоқий масалаларга доир суҳбатларга энг таниқли фуқаролар бепул раҳбарлик қилар эдилар. Паластра мактабида ўқиш текин бўлганлиги учун ҳам кўпчилик бу мактабда ўқиш билан чекланиб қолар эдилар.

Айрим бадавлатроқ оиладан бўлган болалар паластра мактабини тугатгандан сўнг «гимнасий» (грекча сўз бўлиб, Қадимги Грецияда жисмоний тарбия ижтимоий мактаби маъносида. гимназия сўзидан келиб чиққан)га кириб ўқир эдилар. Мактабни тугатган ёшлар давлатни бошқаришда қатнашишлари мумкин бўлган. Шунинг учун уларга фалсафа, сиёсат, адабиёт фанлари ўқитилган. Лекин бу мактабда ҳам бадантарбия билан шуғулланиш давом эттирилган.

Ниҳоят, Спартадаги каби Афинада ҳам 18 ёшдан 20 ёшгача бўлган ёшлар эфеблар қаторига ўтиб, ҳарбий хизматга тайёрланар ва ўзларининг сиёсий билимларини оширишни давом эттирар эдилар. Шунингдек, улар истеҳкомлар қуришни, ҳарбий аслаҳаларни ишлата билишни ўрганар, шаҳар гарнизонларида хизмат қилар, денгизчилик ишини ўрганар, ижтимоий байрамларда ва театр томошаларида қатнашар эдилар.

Афинада қулдорлик жамияти ичида табақаланишнинг тарбия соҳасига ўтказган таъсири шундан иборат бўлдики, мукаммал тарбия олиш фақат бадавлат қулдорларнинг болаларигагина хос бўлиб қолди.

Аҳолининг кўпчилик қисми болаларини мактабларда ўқита олмаганлари сабабли уларга касб-ҳунар ўргатиш одат тусига кирган эди. Айрим хат-саводи бор оталар болаларига ўқишни ўзлари ўргатар эдилар. Бу каби тартиб давлат томонидан қонунийлаштирилиб қўйилиб бечораҳол табақага мансуб ота-оналар ўз болаларига бирор касбни ўргатишга мажбур эдилар. Акс ҳолда уларнинг болалари келгусида кексайиб қолган ота-оналари тўғрисида моддий ғамхўрлик қилишдан озод этилар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қулдор зодагонлар меҳнат билан шуғулланувчи эркин аҳолига нафрат билан қарарди. Қулларни эса «гапирадиган иш қуроли» деб ҳисоблаганлар.

Юнонистонда мактаб ва маданиятнинг тез ривожланиши педагогика назариясининг ҳам туғилишига имконият яратди. Педагогика назариясига олим ва файласуфлардан Сократ, Платон, Арасту ва Демокритлар асос солдилар.

Улар педагогика соҳасидаги дастлабки қарашларини жамоат олдида сўзлаган нутқларида, илмий асарларида баён этдилар.

Сократ (эрамиздан аввалги 469—399 йиллар) ўзининг демократик ижтимоий чиқишига қарамай (у камбағал ҳунарманд ўғли эди), консерватив заминдор аристократларнинг идеологи эди. Бу албатта унинг фалсафий ва педагогик қарашларида ўз аксини топди. Сократнинг фикрича тарбиядан кутилган мақсад, буюмлар табиатини ўрганиш бўлмай, балки кишининг билиб олиши, ахлоқни камол топтириши бўлмоғи лозим эди. Ҳам файласуф, ҳам нотиқ Сократ кенг майдонларда, жамоат олдида сўзларга чиқиб ахлоққа доир масалалар юзасидан суҳбатлар ўтказар, тингловчиларни савол-жавоб йўли билан ҳақиқатни ўзлари ўйлаб топишларига ундар, шу йўл билан одамларни ҳақиқатни излашга ўргатар эди. Суҳбатнинг бу усули ўша пайтда «Сократ усули» деб аталган. «Сократ усули» дан кейинги даврлар услубиятида суҳбатни «фикр қўзғовчи саволлар усули» номида ўтказиш пайдо бўлди.

Умуман Сократ яратган ахлоқий этика мактаби умумий фазилат, бир қатор хусусий фазилатлардан, яъни жасурлик, донолик, мўътадиллик, адолат ва бошқалардан ташкил топди. У ҳар бир фазилатнинг у ёки бу турдаги билимлардан иборат эканлигини асослаб берди. Яъни, мардлик — қўрқувни даф қилишни, донолик — қонунларга риоя қилишни, мўътадиллик — ўз ҳиссиётларига эрк бермасликни, адолат — яхшиликни қандай қилиб амалга оширишни ўргатади, деб таълим берди. Шу сабабли у одамни фазилатли ҳаётга ўргатишдан олдин, инсон энг аввало умумий этика мезонларини, инсон учун муқаддас бўлган барчага хос умумий фазилатларни билиши зарур, дейди. Шунингдек, у — кимгаки олижаноб инсоний фазилатларни билиш раво кўрилган бўлса, ана шу одамгина яхши фазилатни кўрсата олиши мумкин дейиш билан, фазилат ва билимни айнан бир нарса деб сабоқ беради. Унинг фикрича, инсонлардаги фазилат, яъни ахлоқий фазилатлар фан туфайли, таълим бериш билан қўлга киритилганлиги сабабли, ахлоқий ривожланиш ахлоқ асосини ташкил этар экан.

Сократнинг ахлоқий қарашларида тенгсизликни яққол сезиш мумкин.

Унинг фикрича, ахлоқ фақат имтиёзли «мумтоз» ларгагина хос, «мумтоз» кишилар ҳақиқий ахлоқнинг ягона эгалари бўлганликлари учун ҳокимият ҳам уларнинг қўлларида бўлмоғи керак дейди. «Сара» бўлмаганлар қора халқнинг, авомнинг ҳо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кимияти ахлоқсизлик сифатида рад этилмоғи керак, деб кўрсатади.

Қадимги Грециянинг машҳур файласуфларидан яна бири Платон эрамиздан илгари (424—347 йиллар) — идеалист файласуф Сократнинг шогирди, объектив идеализм назариясининг асосчиси эди. У «ғоялар дунёси»ни бирламчи, ҳис қилинувчи нарсалар дунёсини иккиламчи деб ҳисоблади.

Платон танадан ташқарида мавжуд бўлган нарсалар ҳақидаги назарияни олға сурди ва бу танадан ташқарида бўлган нарсаларни «тур» ёки «идеялар» деб атади.

Платон одамни ҳодисалар дунёси деб иккига бўлиб ўрганди. Унинг назарида, нарсалар идеялар оламининг соясидир, холос.

Афина аристократиясининг намояндаси бўлган Платон, аристократиянинг абадий ҳукмронлиги ҳақидаги назарияни олға сурди. Унинг фикрича идеал аристократик давлат уч хил ижтимоий гуруҳ: файласуфлар, жангчилар, ҳунармандлар ва деҳқонлар гуруҳидан иборат бўлиши лозим экан. Файласуфлар давлатни бошқарадилар, жангчилар уни ҳар қандай душмандан ҳимоя қиладилар, учинчи гуруҳ эса меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштириб, файласуфлар ва жангчиларни боқадилар, деган фикрни олға суради. Шунингдек, у қулларни ҳам сақланиб қолишини айтиб, унинг тасаввуридаги идеал давлатда қуллар ҳам, ҳунармандлар ҳам ҳуқуқсиздирлар, пасткашлик ҳамда қаноат ва итоаткорлик фазилатларигина ҳунарманд косибларга ва деҳқонларга хос деб таъкидлайди.

Платоннинг фикрича, у олға сурган ғоя, бу давлатнинг мақсади олий эзгулик ғоясига яқинлашишдир: бу ғоя, асосан, тарбия йўли билан рўёбга чиқишини таъкидлайди.

Тарбия,— дейди Платон,— давлат томонидан ташкил этилмоғи ва ҳукмрон гуруҳларнинг — файласуфлар ва жангчиларнинг манфаатларини кўзламоғи лозим. Платон ўзининг педагогика тизимида Спарта ва Афина тизимининг баъзи бир белгиларини бирлаштиришга интилади.

Платоннинг фикрича, болалар 3 ёшдан бошлаб 6 ёшгача давлат томонидан тайинлаб қўйилган тарбиячилар раҳбарлигида майдончаларда турли ўйинлар ўйнаш билан шуғулланишлари муҳим бўлган. Платон ўйинларни мактабгача тарбия воситаси деб ҳисоблаб, уларга катта аҳамият беради, шунингдек, болаларга ҳикоя қилиб бериладиган материалларни синчиклаб танлаш кераклигини ҳам уқтириб ўтади. У болаларга энг ёшлик чоғиданоқ ижтимоий тарбия бериш тарафдори эди.

Болалар 7 ёшдан 12 ёшгача давлат мактабларига қатнайдилар ва бундай мактабларда уларга ўқиш, ёзиш, ҳисоб, мусиқа ва ашула ўргатилади.

Болалар 12 ёшдан 16 ёшгача одатдаги бадантарбия машқлари ўрганиладиган паластрада, яъни жисмоний тарбия мактабида ўқийдилар. Паластрани тамомлаган ўспиринлар 18 ёшгача ҳисоб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

геометрия ва астрономияни ўрганадилар, бунда кўпроқ амалий мақсадлар (уларни жаигчилар қилиб тайёрлаш) кўзда тутилган. 18 ёшдан 20 ёшгача йигитлар «Эфебия» да тарбияланадилар, яъни ҳарбий гимнастика тайёргарлигини ўтайдилар. Ақлий машғулотга майли бўлмаган йигитлар 20 ёшдан бошлаб, жангчилар қаторига ўтадилар. Абстракт тафаккурга қобилияти борлиги очиқ кўринган ёшлар, яъни йигитларнинг озроқ қисми 30 ёшга қадар фалсафа, шунингдек, ҳисоб, геометрия, астрономия ва мусиқа назариясини ўрганиш билан шуғулланиб, шу тариқа илм олишнинг учинчи, олий босқичини ўтайдилар, аммо бунда амалий мақсад кўзда тутилмасдан, балки фалсафа — назарияни мукаммал ўрганиш кўзда тутилади. Шу тариқа улар давлат мансабларида ишлашга тайёрланадилар. Истеъдодли ғоят ўткир эканлиги маълум бўлган ва жуда озчиликни ташкил этган йигитлар фалсафа илмини ўрганишни яна 5 йил (35 ёшга қадар) давом эттирадилар, шундан сўнг 35 дан 50 ёшгача давлатни бошқарувчи кишилар бўлиб қоладилар.

Платон ҳам хотин-қизлар тарбияси хусусида фикр юритиб, Спартадаги усулни маъқуллайди.

Умуман Платон тарбия тизимининг бутун мазмуни ва моҳияти жисмоний меҳнатдан ғоят нафратланиш руҳи билан суғорилган. Платон ғоясига кўра бўлажак файласуфлар ва жангчиларнинг «жисмоний меҳнат тўғрисида хато ўйлашлари» ҳам тақиқлаб қўйилган, шунингдек қулларнинг болаларини ўқитмаган маъқул, деган ғоя илгари сурилган.

Бироқ, Платон мактабгача тарбия тўғрисида, давлат томонидан изчиллик билан олиб борилиши лозим бўлган тарбия тизими тўғрисида бир қанча муҳим фикрларни айтди, ижобий ўрнак намунасида тарбиялаш кабиларни талаб қилди.

Платон ўзининг ахлоқий тизимини яратар экан, устози Сократга эргашиб, объектив идеализм йўлини тутади. Платон этикасининг асосий назарий таянч нуқтаси — инсон онги чегараларидан ташқаридан бўлган ва мангулик ғоялари оламида худонинг доимий назорати остида бўладиган яғона ўзгармас «яхшилик» ғоясидир. Унинг фикрича, ердаги яхшиликларнинг ҳамма тури ўзида меъёр, гўзаллик ва ҳақиқатдан иборат уч тушунчани жамлаган олий «яхшилик ғояси» нинг инъикосигина бўлиши мумкин.

Платон фикрича, одамнинг ахлоқий ҳаёти шу олий «яхшилик ғояси» га интилишга тўла бўйсунган ва хушбахтликни ташкил этадиган, фақат олий «яхшилик» ғоясига интилишидагина хулқнинг намунасини кўриш мумкин. Шундай қилиб, Платон инсоннинг хулқини худо хоҳишига бўйсундиришга ҳаракат қилган.

Платон инсонга хос ахлоқий категориялар ва тушунчаларни синчиклаб ишлаб чиқиб, уларнинг барқарорлиги ва муайянлигини исботлагани ҳолда уларни кишилар жорий қилишини ҳам эътироф этмади. Шу билан, у ахлоқий қонунлар кишилар учун мажбурий ёки номақбул бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрга

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўрин қолдирмади. У бу ўринда аристократ зодагонларнигина назарда тутган холос. Халқ оммасига келганда унга ахлоқий ҳаётда арзимас ўрин берилган, унинг фикрича, халққа фақат бўйсуниш, итоаткорлик ахлоқигина хос. Қуллар ҳеч қандай фазилатга эга эмаслар, деб ҳисоблагани сабабли Платон ахлоқий этикасига кўра, улар умуман чинакам ахлоқ эгаси бўлиши мумкин эмас.

Платоннинг ахлоқий тушунчаларни ўзгармас ва барқарор деб қараши ҳамда уларни мутлақлаштириши жамият сиёсий тузилишининг ўзгармаслиги ғояларини ҳимоя қилишга ва қулдорлик давлатини идеаллаштиришга хизмат қилди. Натижада Платон этикаси аристократия назарида жозибадор бўлиб кўринади. Улар унинг этикасида ўз ҳаётлари тарзининг инъикоси ва ҳимоячисини кўрдилар.

Платоннинг шогирди бўлган, македониялик Искандарни тарбиялаган, қадимги Грециянинг энг йирик идеалист-файласуфи ва олими Арасту (эрамиздан илгариги 384—322 йиллар)нинг педагогика назариясини яратишдаги ва уни ривожлантиришдаги хизматлари жуда улкан.

Платон оламни ғоялар дунёси ва ҳодисалар дунёси деб иккига бўлган бўлса, унинг шогирди Арасту оламни яхлит деб билди ва нарсаларни ўзидан ажратиб бўлмайди, деди. Арастунинг айтишича, ғояни шаклга ўхшатиш мумкин. Ҳар қандай буюмда биз унинг моддасини ва шаклини кўришимиз мумкин. Моддада нарсалар бўлиши учун имкониятлар бор; модда бирон шакл олганидан сўнггина нарса бўлиб қолади. Чунончи, мармарнинг ўзи бир моддадир, аммо унга маълум шакл берилса, ҳайкал тусини олиши мумкин.

Бутун ҳаёт тараққиёт жараёнидир, бу жараён, Арастунинг фикрича, ташқи кучларнинг таъсири остида содир бўлмайди, балки ички тараққиётнинг ўзидир. Арасту ташқи оламнинг мавжудлигига шубҳа қилмайди ва ҳиссий тажрибани, сезгиларни билишнинг асоси деб ҳисоблайди. Арастунинг таъкидлашича, билишдаги хатолар нотўғри тафаккурдан, яъни ҳиссий тажрибани нотўғри талқин қилишдан келиб чиқади. Энг муҳими шундаки, Арасту шакл билан мазмуниинг бирлигини кўрсатиб ўтди, тараққиёт ғоясини олға сурди.

Арасту оламда тана ва жон бор, тана билан жон материя билан шакл тариқасида бир-биридан ажралмаган ҳолда мавжуддир, дейди. Унингча, уч хил жон бор: ўсимликдан таркиб топган жон озиқланишда ва урчиб кўпайишда намоён бўлади; ҳайвонотдан таркиб топган жон, ўсимлик хоссаларидан ташқари сезгиларда ва истакларда намоён бўлади; ақлнинг ифодаси бўлган жон, ўсимлик ва ҳайвонот хоссаларидан ташқари, у тафаккур ёки билиш хислатларига ҳам эгадир. Инсондаги жоннинг ҳайвоний қисми ақлга тобе бўлганлиги сабабли, уни ирода деб аташ мумкин.

Арастунинг фикрича, жоннинг мана шу уч хилига мувофиқ уч хил тарбия — жисмоний тарбия, ахлоқий тарбия, ақлий тар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бия бўлиши керак. Тарбиянинг мақсади, унинг фикрича жоннинг олий томонларини — ақл ва иродани камол топтиришдан иборат эди. Ҳар бир моддада ривожланиш имконияти бор бўлганидек, инсонга ҳам табиат фақат қобилиятларнинг бошланғичинигина беради, инсонда камол топиш имконияти табиатда мавжуддир ва бу имконият тарбия воситаси билан рўёбга чиқарилади. Табиат жоннинг уч хилини бир-бири билан чамбарчас боғлаб қўйган, биз ҳам тарбияда табиат белгилаб берган йўлдан бориб, жисмоний, ахлоқий ва ақлий тарбияни бир-бири билан чамбарчас боғлаб олиб боришимиз лозимлигини уқтиради.

Арастунинг фикрига кўра, давлатнинг умумий битта охирги мақсади бор, у ҳам бўлса, давлат ҳамма фуқароларга бир хилда тарбия берилишини таъминлаши лозим, мана шундай тарбия бериш эса хусусий ташаббуснинг вазифаси бўлмасдан, балки давлатнинг иши бўлиши лозим.

Оилавий тарбия билан ижтимоий тарбия ўзаро боғлиқ бўлиши лозимлигини уқтириб, у оилавий тарбияга доир бир қанча тавсиялар беради. Аммо Арасту давлат ҳамма фуқаролар учун «бир хилда» тарбия бериши лозим, деб айтганида қулларни назарда тутмайди.

Арасту педагогика тарихида биринчи бўлиб, ёшни даврларга бўлишга уриниб кўради. У инсоннинг ёшлик йилларнни уч даврга бўлиб ўрганади: 7 ёшгача бўлган давр; 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган давр (жисмоний балоғат даврининг бошланиши) ва жинсий балоғат даврининг бошланишидан 21 ёшгача бўлган давр. Унинг фикрича, бундай даврларга бўлиш табиатга мос бўлиб тушади.

Арасту ўғил болалар 7 ёшдан бошлаб давлат мактабида ўқиши лозим, деб уқтиради. Болаларга ақлий тарбия берилиши кераклигини айтиб, у ўғил болалар аввало бадантарбия муаллимларининг қўлига топширилсин, деб талаб қилади; бунда у болаларни ҳаддан ташқари чарчатиб қўймаслик кераклигини айтади ва уларни жисми мустаҳкамланиб олгунича енгил машқлар билан шуғуллантиришни тавсия этади.

Арасту жисмоний, ахлоқий ва ақлий тарбияни бир-бири билан боғланган, деб қарайди. Бошланғич таълим вақтида, бадантарбиядан ташқари, яна ўқиш, ёзиш, грамматика, расм ва мусиқа ўргатилиши кераклигини ҳам алоҳида уқтириб ўтади. Ўсмирлар мактабда жиддий маълумот олишлари керак, улар адабиёт, тарих, фалсафа, ҳисоб, фалакиёт, мусиқа ўрганишлари шарт. Гўзалликни ҳис қилишни ўстириш учун мусиқа ўрганмоқ керак, аммо расм чизиш сингари мусиқа ўрганиш ҳам оддий ҳунарга айланиб кетмаслигини кузатиб туриш муҳим дейди. У хотин-қизларнинг тарбияси хусусида гапириб, бу эркакларнинг тарбиясига ўхшаб кетмаслигини; чунки уларнинг табиати мутлоқ эркакларникидан фарқ қилишини айтади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Арасту ўз педагогик қарашларида ирода, фаолиятни асос қилиб олгани ҳолда, ақлий тарбия соҳасида ахлоқий кўникмаларга катта аҳамият беради. Табиий истеъдод, шу билан бирга, кўникма орттириш (матлуб ҳаракатларни ўрганиш, тез-тез такрорлаб туриш) ва ақл — булар ахлоқий тарбиянинг уч манбаидир, дейди.

Фазилатлар ҳосил бўлиши учун эзгу хулқ-одатларини ва кўникмаларини таркиб топтирадиган, яхши ўйлаб ўтказиладиган машқлар бўлиши ҳам зарур, бунга одатланиш, бунинг учун доимий ҳаракат қилиш лозим, одатдан, кўникишдан эса ахлоқий хатти-ҳаракат ҳосил бўлади, деб таълим беради.

Арастунинг қайд этишича, ҳар қандай истак ва фаолиятда камчилик, ортиқчалик ва ўртачилик бўлади. Шунинг учун ҳам ҳамма нарсада фақат ўртачилик, фақат мувозанат яхши ва фойдалидир. Демак, ҳамма нарсада ортиқчаликка ҳам, камчиликка ҳам йўл қўймайдиган хатти-ҳаракат яхшиликнинг нишонасидир. Мана шундай хатти-ҳаракатни ҳосил қилмоқ учун кўпроқ машқ қилиш керак, деган фикрларни олға сурди.

Арасту Платондан фарқ қилиб, оилани тарбиядан четлаштирмайди, ахлоқий тарбия бериш, асосан, оиланинг зиммасида бўлиши керак, дейди.

Арастунинг қарашлари антик педагогиканинг тараққиётига катта таъсир ўтказди. Айниқса унинг «Никомах этикаси» ва «Сиёсат» асарлари ахлоқ масалаларини назарий ишлаб чиқишга бағишланди.

Арасту, ахлоқнинг жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, «Табиат инсон қўлига қурол — ақлий ва ахлоқий куч берган, аммо у шу қуролни тескари томонга нисбатан ҳам ишлатиши мумкин: шу сабабли ахлоқий таянчларни бўлмаган одам энг инсофсиз ва ёввойи, ўзининг жинсий ва дид майлларида энг тубан мавжудот бўлиб қолади»,— дейди.

Арасту антик даврининг бошқа файласуфларига қараганда ахлоқий муносабатларнинг табиатини теран тадқиқ қила олди. Унинг фикрига кўра, ахлоқий фазилат — фаолият, хатти-ҳаракат демакдир. Барча ахлоқий фазилатлар адолат, дўстлик, муҳаббат, сахийлик, сулҳпарварлик, хушфеъллик ва ҳоказолар фақат инсон фаолиятида намоён бўлишини асослаб беради.

Одам жамиятда яшагани сабабли унинг ахлоқий фазилатлари ҳеч қачон соф, холис ҳолда намоён бўлмайди, балки фақат ижтимоий фаолиятдагина амалга ошади. Шунинг учун барча ахлоқий фазилатлар ижтимоийдир, дейди Арасту.

Инсон табиатан фазилатларга эга бўлмагани, балки фазилатга ўргангани сабабли, тарбиянинг (фақат болаларнигина эмас, шу билан бирга барча аҳолини тарбия қилиш) ролига катта аҳамият бериб, хусусан ҳиссиётларни туйғуларда идрокли тарбиялашга аҳамиятни қаратади. Унинг фикрича, бундай тарбия кишиларнинг ахлоқли бўлиб яшашга ўрганишлари учун зарур бўлган мавжуд қонун-тартиботлар ёрдамида амалга оши-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рилади. Мутафаккир фазилат деганда ҳамиша ота-она ўрнини босиши мумкин бўлган давлатга хизмат қилишни назарда тутади.

Арасту ахлоқий фазилатлар билан бир қаторда инсон учун муҳим бўлган ақлий фазилатларга — билим, донишмандлик, фаҳмлаш ва бошқаларга ҳам катта аҳамият беради. Аммо ахлоқий фазилатларни ақлий фазилатларга бўйсундирган ҳолда ифодалайди. Лекин, унинг синфий эҳтиросларини кишиларнинг ахлоқий тенглигини эътироф этишга имконият бермайди. У фазилатлар фақат озод кишилар ва зодагонларгагина, шунда ҳам уларнинг бойликлари даражасига мувофиқ ҳолда хос, деб изоҳ беришга, писанда қилишга мажбур эди. Камбағал одам эса унинг назарида на «кўркамлик» ва на «ҳиммат» эгаси бўла олади, дейиш билан аёлларни ҳам ўта камситиб, на ақлий, на ахлоқий ҳаётга қобилиятсиз мавжудот деб қарайди.

Арасту фақат ақл фаолиятини тан олади. Шу сабабдан у бахт идеалини ҳақиқатни интеллектуал мушоҳада этишда деб билади.

Умуман антик файласуфлар Сократ, Платон, Арастулар ўзларининг назарияларида — бахтга эришиш роҳат, фойда, манфаат топиш, деб қараган ва ҳузурланишни асосий муддао сифатида биринчи ўринга қўйган бўлсалар-да, лекин одам ҳар бир нарсада ўз ҳузурининг қули бўлиб қолмаслиги, балки ҳар бир нарсада меъёр бўлмоғи лозимлигини уқтириб ўтган эдилар. Улар ахлоқни инсоннинг бахтга эришиш воситаси деб қараганлар.

Атомизм назариясини яратган атоқли файласуф — материалист Демокритнинг қарашлари (эрамиздан аввалги 460—370 йиллар) қадимги юнон фалсафасининг чўққисидир. Демокрит ўз асарларида юқорида номлари қайд этилган мутафаккир файласуфлар каби тарбия масалаларига кўп эътибор беради. У ўз назариясида табиат қонунларига, хурофотни ва қўрқувни емириб ташлайдиган чинакам билимларга мурожаат қилади.

Демокрит, «худоларнинг иродаси» деган гаплар одамлар ўйлаб чиқарган уйдирмадан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблаб, худоларга ишонишни рад этади.

Демокрит тарбияни табиатга мувофиқлаштириш масаласини биринчи бўлиб илгари сурди. «Табиат билан тарбия бир-бирига ўхшайди» деб ёзади у. Демокрит «таълим меҳнат асосидагина гўзал нарсаларни ҳосил қилади», деб, тарбия ишида меҳнатнинг роли жуда катта эканлигини таъкидлади.

У доимо меҳнат қилиб туришни талаб қилди, меҳнатга одатлана борган сари, меҳнат енгил бўлиб боради, дейди. У ёмон ўрнакдан эҳтиёт бўлиш керак, деб таъкидлайди ва яхши хулқ ҳосил қилишда машқнинг аҳамияти жуда катта, деб ҳисоблайди.

Демокрит қулдорлик негизларига нисбатан танқидий қарашни вужудга келтирди, табиатни чинакам билишга, тарбияни қайта қуришга чақирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Демокрит барча табиий жараёнларга, жумладан, инсоннинг ахлоқий муносабатларига ҳам худоларнинг аралашувини инкор этиб, киши хулқининг реал, бу дунёдаги асосини топишга уринади. Демокрит ахлоқни одамнинг ўз табиатидан келиб чиқиб асослашга ҳаракат қилади. У ахлоқнинг иккиюзлама: ясама ва ҳақиқийга бўлинишига қарши чиқади, у шахснинг фақат мулоҳазакорлик ва ақл раҳнамолигида мумкин бўладиган ахлоқий камолоти учун жонбозлик кўрсатди. Тўғрироғини билмаслик хатога олиб келади, деган эди у.

Ақл тўғри хатти-ҳаракатларга йўналтирмоғи лозим, бу эса билимларни доимо мукаммаллаштириб бориш ҳақида ғамхўрлик, табиат қонунлари ва одам хулқини ўрганиш зарур демакдир, деган эди Демокрит.

Демокритнинг этик ва педагогик қарашлари диний қобиқдан холи эди. Шунинг учун ҳам ўзидан кейинги файласуф олимларга катта таъсир этди.

Айниқса, уларнинг инсон камолотидаги назарий қарашлари, тарбиянинг ролига берган катта аҳамиятлари педагогика тарихи назариясини яратишда асосий замин бўлиб хизмат қилди.

Ғарбий Европада мактаб, маориф ҳамда педагогик фикрлар тараққиёти

Ғарбий Европа мамлакатларида қулдорлик жамиятининг ўрнини олган феодализм V асрда пайдо бўлиб, то XVIII асрларгача давом этди. Феодализм жамиятида ҳукмрон табақалар феодал-помешчик ва руҳонийлардан иборат эди. Мамлакатдаги ҳамма ер-сув эгалари бўлган бу мулкдор табақалар ўша даврдаги крепостнойчилик ҳуқуқига биноан, уларга бўйсундирилган деҳқонларни эксплуатация қилиш асосида яшардилар. Кейинчалик феодал жамиятининг шу иккита асосий табақаларига яна иккита янги табақа — ҳунарманд ва савдогарлар келиб қўшилди.

Ўрта аср феодал жамиятининг ҳаётида дин ва унга хизмат қилувчи руҳонийлар ғоят катта роль ўйнардилар.

Ғарбий Европадаги христиан дини феодал тузумининг идеологик таянчи бўлиб, руҳонийлар ундан фойдаланиб, қуллик асоратида яшаган деҳқонларнинг қаттиқ эксплуатация қилинишини, халқ оммасининг қашшоқликда яшашини ва уларнинг ҳуқуқдан тўла маҳрум этилишини оқлашга уринар эдилар. Феодализм тузумини мустаҳкамлаш мақсадида руҳонийлар бу дунёдаги ҳамма нарса худодан, халқ оммаси эса черков ва феодалларга сўзсиз бўйсуниши керак: ўз орзу ва истакларини тийиш, бу дунёда роҳатни тарк қилиш керак, азоб-уқубатларга сабр қилиш керак, шундагина: «охиратингиз обод бўлади, роҳатни «нариги дунёда» кўрасиз, итоат қилмасангиз, сабр қилмасангиз «нариги дунёда дўзах азобини чекасиз» деган гапларни оммага сингдиришга ҳаракат қилардилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўрта асрларда катта кучга эга бўлган католик руҳонийлари барча имкониятлардан фойдаланиб, маърифатга қарши қаттиқ кураш олиб бордилар. Дин ҳақиқатнинг бирдан-бир манбаи ҳисобланиб, фан динга хизмат қилдирилар эди. Натижада фан соҳасида ижодий фикрнинг ўсишига қаттиқ тўсқинлик қилинди. Чинакам илмий бир фикрни айтишга журъат қилган ҳар бир киши шафқатсиз равишда қаттиқ жазога тортилар, жаллодлар қўлига берилар эди.

Ўша даврда ҳамма таълим-тарбия ишлари руҳонийлар қўлида қурол бўлиб, батамом диний руҳ ва хурофот билан суғорилар эди.

Христиан дини таълимотига биноан, одам гўё гуноҳли банда бўлиб туғилади, унинг гуноҳ ишларга мойил бўлган табиатини босиш учун уни дўзах даҳшати билан қўрқитиш руҳида тарбиялаш керак.

Ўрта аср Ғарбий Европа мамлакатларида икки гуруҳга бўлинган ва етти фанни ўз ичига олган таълим дастури вужудга келтирилди. Биринчи гуруҳ учта фандан иборат эди, шу сабабли унга лотинча «тривиум» номи берилди. Бунга грамматика (лотин тили грамматикаси), риторика ва диалектика кирар эди. Иккинчи гуруҳ тўрт фандан иборат бўлгани учун уни лотинча «квадривиум» дейилади. Унга арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқа кирар эди. Ҳаммаси бўлиб бу еттита фанни «етти эркин санъат» деб аташ расм бўлиб қолди.

Мазкур ўқув фанлари қадимги Юнонистон таълим тизимидан олинган эди, бироқ ўрта асрларда уларга диний мазмун берилиб, ҳаммаси рамз билан диний маънода тушунтирилар эди. Масалан: грамматикани ўрганишдан мақсад — муқаддас диний китобларни ўқишни билиб олиш, риторика (нотиқлик санъати назарияси)ни ўрганишдан мақсад ваъзхонлик қилиш, хутба ўқиш санъатини эгаллаб олиш, мусиқа дейилганда эса диний мусиқа назарда тутиларди (католик черковида ибодат вақтида орган мусиқа асбоби чалинади ва диний ашулалар айтилади). Диалектика, мунозара, баҳслашиш санъати деб тушуниларда ва католицизмга қарши чиқувчилар билан мунозара қилишга ёрдам берадиган фан деб ҳисобланар эди. Ҳаттоки математикага ҳам диний маъно берилар эди. Геометрия черков биноларини қуриш учун зарур фан деб ҳисобланар эди, арифметиканы ўқитганда айрим сонларни рамз билан диний маънода (масалан «1» рақами бу худонинг бирлиги символи (рамзи) деб тушунтирилар эди. Астрономиядан эса диний календарь тузишда фойдаланардилар.

Ҳамма фанларнинг тожи деб — теология ҳисобланар эди. Ўрта асрларда бериладиган таълим дастури черков мактаблари орқали амалга оширилар эди.

Черков мактабларининг асосий турлари: приход мактаби (яъни бир черковга қарашли), магистрь мактаби ва бош черков ёки епископ мактабларидан иборат эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Приход мактаблари бошланғич диний мактаблари бўлиб, унда ўғил болалар ўқир эди. Улар маҳалладаги черковга қарашли бўлиб, унда руҳоний ёки унинг ёрдамчиси ўқитувчилик вазифасини бажарар эди. Приход мактабларида болалар христиан дини асослари ва қоидаларини, диний ашулалар айтишни, лотин тилида ўқиш ва ёзишни ўрганардилар. Баъзиларида эса болалар бошланғич ҳисоб илмини ҳам ўрганардилар.

Монастирь мактаблари монастирь ҳузуридаги мактаблар бўлгани сабабли шу ном билан юргизилади. Ўрта асрлар давомида Европадаги монастирлар фақат тарки дунё қилган монахлар яшайдиган диний муассасагина бўлиб қолмай балки баъзи жойларда улар ўз замонасига муносиб маданият маркази, маърифат ўчоғи ҳам эдилар. Бундай монастирларда турли китоблардан нусха кўчириш, китобхоналар ташкил қилиш билан шуғулланар, баъзи монахлар илмий муаммолар устида иш олиб борар эдилар. Монастирь мактабларида ўқитиш вазифаси учун махсус монахлар тайинланарди. Шу ишда ишлаб турган монахлар таълим-тарбия ишини ўюштириш ва уни олиб бориш соҳасида анча тажриба тўплайдилар.

Монастирь мактабларининг кўпида приход мактабида ўқитиладиган фанлардан ташқари, яна юқорида айтилган «еттита эркин санъат», яъни грамматика, риторика, диалектика, арифметика, геометрия, астрономия, мусиқадан дарс берилар эди.

Монастирь мактабларига бошда фақат монах бўлишга тайёрланадиган эр болалар қабул қилинар эди, кейинчалик эса бу мактабларга ўқишни хоҳлаган ҳар бир киши қабул қилинаверарди. Шу сабабдан монастирь мактаблари «ички мактаб» (монастирь девори ичида, фақат келгуси монахлар учун) ва «ташқи мактаб» (монастирь девори ташқарисида, ҳамма ўқишни истаганлар учун) номли икки мактабга бўлина бошлади.

Бош черков ёки епископ мактаблари марказий диний округдаги бош черков (собор)га қарашли мактаблар эди. Бундай округда дин ишлари бошқармаси жойлашган бўлиб, унинг бошида юқори лавозимли руҳоний—епископ турар эди. Шунинг учун бу мактабларни бош черков ёки епископ мактаблари дейилар эди. Бу турдаги диний мактабларда ҳам фақат эр болалар ўқир эди. Бош черков мактабларида одатда юқорида кўрсатилган етти фаннинг ҳаммаси ўқитилиб, бу фанлардан ташқари энг олий ва асосий фан деб ҳисобланган теология (дин ақоидлари) ҳам ўқитилар эди. Монастирь мактаблари сингари, бунда ҳам ўқиш лотин тилида олиб борилар эди. Бошда епископ мактаблари олдида руҳонийлар етиштириш вазифаси қўйилган эди. Аммо кейинчалик монастирь мактаблари сингари, бу мактабларга руҳоний бўлиш мақсадини қўймаган шахслар ҳам қабул қилинаверар эди, чунки хат-саводи бўлган кишиларга талаб тобора кучайиб борар эди. Шу сабабли монастирь мактаблари сингари, бу мактаблар ҳам «ички мактаб» (фақат руҳонийлар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни етиштирувчи) ва ҳамма ўқишни истовчилар учун «ташқи скиском мактаблари» номи билан икки хил мактабга бўлина бошлади.

Шу черков мактабларининг ҳаммаси схоластика асосидаги мактаблар бўлиб, турмушдан бутунлай ажралган эди. Ўқиш черков томонидан тасдиқланган дин дарсликлари ва дин ақидаларини қуруқ ёдлашдан иборат эди. Бу мактабларда қатъий белгиланган ўқув йилига риоя қилинмай, мактабга истаган вақтда кириб, уни турли вақтда тамомлаб чиқиш мумкин эди. Синф дарс тизими ҳам йўқ эди. Ўқувчилар бир хона ичида тўпланган бўлсалар ҳам, ҳар қайсиси фақат ўз сабоғи билан шуғулланар, ўқитувчи эса шогирдлариии битта-биттадан ўз олдига чиқариб, ҳар қайсисига алоҳида-алоҳида сабоқ бераверарди.

Бу мактабларда қаттиқ интизом ўрнатилар эди. Ўқувчилар қилган ҳар бир айби учун қаттиқ ва шафқатсиз жазоланардилар. Бундай мактабларда одатда ўқувчиларга тан жазоси берилар эди (савалаш, оч қолдириш ва шу кабилар).

Ўрта асрларда Ғарбий Европада хотин-қизлар, айниқса меҳнаткашларнинг хотин-қизлари, ёппасига деярлик саводсиз эдилар. Мулкдор феодал ва аслзода табақаларига мансуб оилаларда туғилган қиз болалар одатда хотин-қизлар монастирлари ичида ёки махсус мураббиялар ва оилага биркитилган руҳонийлар қўл остидаги уйларда тарбия олардилар.

Рицарь тарбияси. Черковга қарашли мактаблар ва фақат диний руҳдаги тарбия энди ўрта асрлар жамиятига ҳукмрон бўлган ҳарбий-помешчиклар табақасига мансуб дунёвий феодалларнинг талабларига жавоб бера олмайдиган бўлиб қолди. Ер ва крепостной деҳқонлар дунёвий феодалларнинг хусусий мулки бўлиб, бу феодаллар крепостной деҳқонларни шафқатсиз эксплуатация қилар ва уларни қурол кучи билан ўзларига итоат қилдирар эдилар. Улар деҳқонларнинг қўзғолонларини бостиришда ва бошқа мамлакатларга қарши урушларда иштирок қилардилар, ўзларининг ер-сув мулкларини орттириш мақсадида доим бир-бирига ҳужум қилиб, ўзаро уруш қилардилар. Шунинг учун ҳам дунёвий феодаллар муҳитида рицарь фазилатларига эга бўлган одам идеали вужудга келди. Бу идеалга мувофиқ рицарь тажрибали, моҳир ва мард жангчи, крепостной деҳқонларга нисбатан қаттиққўл, шафқатсиз ва айни вақтда феодал табақасига мансуб кишиларга нисбатан олижаноб, назокатли, одобли, хушмуомалали, виждонли, фидокор ва содиқ одамдир. Рицарь идеали билан бир вақтда алоҳида тарбия тизими, яъни рицарь тарбияси ҳам майдонга келди.

Ғарбий Европа мамлакатларида рицарь тарбияси XII асрга келиб тўла таркиб топди ва ривожланди. Рицарь тарбиясининг мазмуни, «рицарларга оид еттита фазилат» дан ташкил топди. Бу фазилатлар қуйидагилардан иборат: от миниб юришни билиш, қиличбозликни билиш, найзабозликни билиш, суза билиш, ов қила билиш, шашка (кейинчалик шахмат) ўйнашни билиш,

www.ziyouz.com kutubxonasi

шеър тўқиш ва қўшиқ айта билиш. Бу фазилатлардан биринчи ўринда турган учтаси рицарга берилмоғи зарур бўлган, ҳарбий тарбияга тааллуқлидир: рицарь отлиқ аскар, қилич ва найза эса ўша замон жангчисининг асосий қуроли эди. Сузиш ва ов қилишни билиш жисмоний чиниқиш, чаққонлик ва бардошлиликни ўстириш учун талаб қилинарди. Бундан ташқари, ов қилиш текинхўр феодалнинг бекорчи вақтини банд қилиш шунингдек ўзининг қаердалигини аниқлай билиш (ориентация қобилияти), топқирлик, ҳушёрлик, душманнинг изини топиш ва шу каби сифатларни ўстириш воситаси ҳисобланарди. Шашка ва шахмат ўйини, бир томондан, бекорчи вақтни банд қилиш, иккинчи томондан, рицарь учун стратегиядан машқ қилиш, яъни ҳужум ва мудофаа планини туза билиш қобилиятини ўстириш воситаларидан ҳисобланарди. Шеър тўқиш ва қўшиқ айта билиш эса ўзининг сюзеренига (кичик феодаллар устидан турган ҳоким, бошлиқ ва рицарнинг ҳомийси) мадҳия ўқиш ва ўзининг содиқлигини изҳор қилиш, унинг мардлигини, зафарларини, қаҳрамонлигини мақташ ва шу орқали унинг илтифотига сазовор бўлиш ҳамда ўзи учун маҳбуба қилиб белгиланган феодал хонимбегимга мадҳиялар ўқиш учун талаб қилинар эди. (Ўрта асрларда Ғарбий Европа дворянлар жамиятида шундай расм бор эдики, бунга мувофиқ ҳар бир рицарь бironта аслзода феодал хонимнинг ҳомийлиги бўлмоғи лозим эди, рицарь ўзининг ҳомийси бўлган хонимни («дама сердца») дилига жо қилиб, унинг олдида тиз чўкар ва ўзини унга бағишлар эди.)

Ана шу рицарга оид еттита фазилатни эгаллаш билан бирга, ўша даврларда дворяилар жамиятида қабул қилинган одоб ва назокат қоидаларини ўргатиш ҳам рицарь тарбиясининг мазмунига кирар эди.

Рицарь тарбиясининг амалий йўллари қуйидагилардан иборат эди: феодал ўз ўғлини 7 ёшданоқ сюзереннинг саройига жойлаштирар эди; бу ерда унинг ўғли 14 ёшгача паж вазифасини бажарар эди, яъни овқат вақтида хизмат қилар, сюзерен хоним, феодал бегимнинг ва бошқа хонимларнинг юмушларини қилар, улар билан бирга сайлга чиқар, саройдаги қабул маросимларида ҳозир бўлар, ҳар қандай сарой байрамида ва томошаларида иштирок қилар ва шу туфайли феодал дворянлар жамиятидаги расм ва қоидаларни эгаллаб олар эди, сўнгра 14 ёшдан 21 ёшгача у сюзеренинг қурол-яроғини кўтариб юриш вазифасини бажарар эди, у сюзеренининг қурол-яроғини тартибда сақлар, сюзерен билан бирга жанг ва урушларда иштирок қилар, у билан овга чиқар, ҳарбий мусобақа ва ўйинларда, турнирларда (рицарларнинг куч синаш мусобақаларида) иштирок қилар эди ва шу туфайли ҳарбий билим ва ҳарбий санъатни эгаллаб олар эди. 21 ёшга кирганда унга катта тантана билан рицарлик унвони берилар эди.

Шаҳар мактабларининг вужудга келиши. Ғарбий Европада XII—XIII асрларда ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаҳарларнинг ўсишига ва шаҳар маданиятининг вужудга келишига сабаб бўлди. Шаҳарнинг асосий аҳолисини ташкил қилувчи ҳунарманд ва савдогарлар ўз болаларига амалий фаолият учун зарур бўлган билим беришга манфаатдор эдилар. Ўша вақтда ишлаб турган черковга қарашли диний мактаблар бундай билим бермас эдилар. Шу сабабли цехда бирлашган ҳунармандлар ва гильдияларда бирлашган савдо ишлаб турган черковга қарашли диний мактаблар цех мактаблари ва гильдия мактаблари дейилар эди. Кейинроқ бориб цех ва гильдия мактаблари магистрат мактабларига, яъни шаҳар бошқармаси (магистрат) харажатидаги мактабларга айланди.

Бу мактабларнинг мудир ва ўқитувчилари тегишли цех, гильдия ва магистратура томонидан тайинланардилар ва улар черковга қарам эмас эдилар. Бу мактабларда пул тўлаб ўқиларди.

Черковга қарашли диний мактабларга нисбатан, бу мактабларда диний расмлар билан бир қаторда амалий иш учун зарур бўлган хат, савод ва ҳисоб малакаларини эгаллашга кўпроқ эътибор бериларди. Баъзи мактабларда эса грамматика, риторика ва геометрия ўқитилар эди.

Бир талай цех, гильдия ва магистрат мактабларида ўқиш лотин тилидан она тилига кўчирилди ва лотин тили эса айрим ўқув фани бўлиб қолди.

Мазкур мактаблар билан бир қаторда хусусий мактаблар очила бошлади. Хусусий мактабларда ўқиш она тилида борар эди ва ўқиш учун пул тўланар эди.

Цех, гильдия ва магистрат мактабларининг вужудга келиши, Ғарбий Европа мамлакатларидаги мактаб ишининг тараққиётида катта ютуқ эди. Асосан дунёвий бўлган бу мактабларга руҳонийлар душман кўзи билан қарар эдилар. Чунки бу мактаблар руҳонийларнинг ёш авлодга таълим-тарбия беришда кўп йиллар давом этиб келган монополиясини йўқ қилдилар. Руҳонийлар бу мактабларга қарши кураш олиб бордилар ва уларнинг ўсишига йўл қўймаслик учун ҳаракат қилдилар. Бироқ ҳаёт талабларига жавоб берадиган шаҳар мактаблари руҳонийларнинг қаршилигига қарамасдан ривожланиб бордилар. XV асрга келиб бундай мактаблар Ғарбий Европа мамлакатларининг деярли ҳамма йирик шаҳарларида мавжуд эди.

Европада дастлабки университетлар ҳамда Академияларнинг ташкил топиши ва улардаги таълим тизими. Европада биринчи университетлар XII асрнинг иккинчи ярмида Италияда (Болонья шаҳрида), Англияда (Оксфорд шаҳрида), Францияда (Парижда) ташкил қилинди. Бу университетлар дастлаб профессор ва студентларнинг мустақил идора қилинадиган уюшмаси (корпорацияси) дан иборат эди. Кейинчалик XIII асрда бу корпорациялар ўз-ўзини идора қилиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда давлат томонидан расмий тасдиқланди. Черков эса университетни тамомлаган студентларга илмий даража ва ўқитувчилик ҳуқуқини беришни ўз ихтиёрига олди. Ана шу тариқа университетлар расмий ўқув муассасасига айланиб қолди. XIV—

www.ziyouz.com kutubxonasi

XV асрларга келиб университетлар Европа мамлакатларининг ҳаммасида очилган эди.

Ўрта аср университетлари одатда тўртта факультетдан тузилган бўлиб, тайёрлов факультети, юридик, медицина ва теология (дин) ақидалари факультетларидан иборат эди. Тайёрлов факультети студентлари юқорида айтилган тривиум ва квадривиум таркибига кирган фанларни ўқир эдилар. Тайёрлов факультетида ўқиш муддати одатда 6—7 йилгача, асосий факультетларда эса 5—6 йилгача чўзилар эди.

Ўрта аср университетлари черков назорати остида ишлаганликлари оқибатида схоластика руҳидаги мактабга айланиб қолган эдилар. Бунда атроф, теваракдаги реал факт ва ҳодисаларни ўрганиш билан эмас, балки черков руҳонийлар томонидан маъқулланган ва тавсия қилинган китобларни қуруқ ёдлаб олиш билан шуғулланардилар. Шу сабабдан бунда ўқиш қуруқ қироатхонликдан иборат бўлиб қолди. Университетларда ўқитиш методлари лекция, черков томонидан тасдиқланган дарслик ва асарларни ёдлаш ва диспут (мунозара)лардан иборат эди. Университетларда ўқиш фақат лотин тилида олиб борилар эди.

Университет таълимининг ва ундаги методларнинг схоластик мазмунидан қатъи назар, Ўрта аср университетлари Европа маданиятининг ривожланишида катта роль ўйнайди. Улар маърифат тарқатиш ва ўша даврдаги маълумотли кишиларни етиштиришда катта хизмат қилди.

Университетларнинг вужудга келиши ва уларнинг ривожланиши. XII—XIII асрда бир қанча Ғарбий Европа мамлакатларида олий маълумот берадиган ўқув юртлари сифатида университетлар пайдо бўла бошлайди. Университетларнинг вужудга келишига ўша вақтларда кўп европаликларнинг араб маданияти (хусусан, медицина ва фалсафа) билан танишуви катта таъсир кўрсатди. Бу маданият билан танишишга Ғарбий Европа феодалларининг XI аср охирида Шарқдаги араб мусулмон мамлакатларига қарши бошлаган ҳарбий ҳаракатлари сабаб бўлди. Ўша замон араб мамлакатларида маданият ва маърифат Ғарбий Европадаги маданиятга нисбатан кўп жиҳатдан хийла тараққий қилган эди. Хусусан араблар томонидан VIII асрда истило қилинган Испанияда ташкил қилинган араб олий ўқув юртлари Европа университетлари учун маълум даражада намуна бўлди. Испанияда араблар барпо қилган феодал мусулмон давлатининг пойтахти Кордова шаҳрида ташкил қилинган араб олий ўқув юртларида фалсафа, математика, астрономия, медицина фанлари ўқитилар эди. Европанинг турли мамлакатларидан келган кўп талабалар Кордовада ўқиб, олий маълумот олардилар.

Шунингдек, католик черков ақидаларига хилоф бўлган турли диний таълимот ва бидъат фикрлар ҳам Европада университетлар ташкил қилинишига таъсир этди, чунки мана шу бидъат

www.ziyouz.com kutubxonasi

фикрларга қарши кураш олиб бора оладиган олий маълумотли католик руҳонийларга эҳтиёж туғилди. Мавжуд черков мактаблари эса, бундай ходимлар тайёрлаш вазифасини бажара олмас эдилар. Католик черковига хилоф диний таълимотларнинг тарқалиши ва ривожланиши муносабати билан католик черкови маориф ишини батамом ўз қўлига олишга мажбур бўлди. Натижада католицизмга содиқ бўлган олий малакали ўқитувчиларга ҳам эҳтиёж юзага келди.

Университетларнинг пайдо бўлишига яна бир сабаб шу эдики, Европада катта давлатлар барпо қилинганлиги ва марказлаштирилган монархия ҳокимиятининг кучайганлиги муносабати билан илмли ва юксак малакали ҳуқуқшуносларга талаб туғилди. Мазкур сабаблардан ташқари XII—XIII асрларда Ғарбий Европа ҳаётида юз берган иқтисодий, маданий ўзгаришлар, яъни ҳунар ва савдонинг ривожланиши, шаҳарларнинг ўсиб бориши ва шунга боғлиқ ҳолда дунёвий шаҳар маданиятининг тараққий қилиб бориши, халқаро алоқаларнинг кенгайиши ёшлар ўртасида олий маълумот олиш ҳаракатини туғдирди, бу ҳол ўз навбатида университетларнинг пайдо бўлишига катта таъсир кўрсатди.

ЯН АМОС КОМЕНСКИЙ
(1592—1670)

Буюк чех педагоги Я. А. Коменский 1592 йил 28 март «Угорский Брод» деган жойда Моравияда тегирмончи оиласида дунёга келади. Унинг оиласи руҳоний «Чех қардошлари» жамоасига тегишли бўлиб, ўзларини протестант Ян Гуснинг давомчиси деб ҳисоблар эдилар. Ян Гус католик черковига қарши чиққани учун гулханда ёндириб ўлдирилади. «Чех қардошлари» жамоаси унинг ғоясини амалга оширишни мақсад қилиб қўядилар. Бу жамоа демократик ғояларни илгари суриб, Чехиянинг озодлиги учун курашувчи ватанпарварларни ўз атрофига тўплайди.

Коменский ота-онасидан ёш ажралиб, анча вақт ўқимайди. 16 ёшида «Чех қардошлари» жамоасининг ёрдами билан лотин мактабига ўқишга киради, бу ерда у тарбия тизимининг ёмонлигини, ўқув методларининг ярамаслигини кўради ва тушунади. «Мен ўша вақтдаёқ тарбия масаласида мамлакатимни орқада эканлигини кўрдим. Мен ўша даврдаёқ фан ва тарбия ҳаммага тегишли бўлиши кераклигини ўйладим»— деган эди Коменский. Мактабни тугатгач, Герберн университетига (Германияда) ўқишга киради, уни тугатгач Гейдельберг университетида лекция курсини тинглайди, бу университетда ўша даврда илғор профессорлар ишларди. Коменский Австрия, Голландияда бўлиб иқтисодий, сиёсий ва маданий турмушни ўрганади. Шунингдек, ўзининг илми ва дунёқарашини кенгайтиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўша даврда уруш алоҳида князликлар орасида тез-тез бўлиб турар эди. 30 йиллик уруш (1618—1648) давомида чех қардошлари жамоаси ўзининг мустақиллиги учун курашиши сабабли немис дворянлари томонидан ҳайдалади. Ҳайдалиш натижасида Коменскийнинг хотини, боласи ўлади. Қўлёзмалари йўқолади. Жамоа Польшанинг Лешко шаҳрида тиклангандан кейин Коменский бошчилик ишини олиб боради ва гимназия ташкил этади. **1631** йил ўқиш учун китоб **«Открытая дверь языка» («Тиллар ва ҳамма фанларнинг очиқ эшиги»)**ни яратади. Бу асардан сўнг Коменскийнинг кўп мамлакатларда донғи кетиб, таъсири кучаяди.

1632 йили Коменский «Буюк дидактика» деган катта педагогик асарини тугатади. **«Она мактаби»** деган мактабгача тарбия қўлланмаси асарини бунёд этади. «Улуғ дидактика» асарида **«пан софия идеясини»** (пан грекча — бутун, ҳамма, софия — донолик, ақллилик) **ҳамма нарсани билиш, ҳамма учун билим бериш»** демакдир. Пан софияда у табиат ва жамият билимларининг йиғиндисини беради. Мактаб — бу муассаса, у ерда «Ҳаммани ҳар нарсага ўргатмоқ керак», «Биз ҳамма кишилар учун таълим беришни таъкидлаймиз» деган фикр кўп марта такрорланишини кўрамиз.

Коменскийнинг пансофик иши Англиянинг илғор кишилари томонидан қувватланиб, парламент томонидан чақирилади. Коменский 1641 йили Англияга келади, лекин гражданлар уруши бошланиб кетиб, бу иш қолиб кетади. Коменский дунёга танилгандан сўнг ҳамма мамлакатлар уни таклиф эта бошлайдилар. Швецияда **лотин тили даролигини** ва **тил ўқитиш методикасини** тузади.

Коменский чех қардошлари жамоасига епископ қилиб тайинлангач, 1648 йилда Лешнога қайтиб келади. Жамоа тарқатилгандан сўнг у яна ўқитувчилик фаолиятини давом эттиради. Бир неча йил Венгрияда мактабларни бошқаради. **«Видимый мир в картинках», яъни «Ҳислар воситаси билан идрок қилинадиган нарсаларнинг суратлари»** деган асар ёзиб, **ўқиш ишини расмлар** билан олиб боришни илгари суради. Бунда «Ёшларнинг хулқ қоидаси», «Яхши ташкил топган мактабларнинг қонуни» деган бир қанча педагогик фойдали ишлари берилган.

1656 йили Швед — поляк уруши вақтида Лешнодаги чех қардошлари жамоаси тор-мор қилинади. Коменский Гамбургга қочади. Ундан Амстердамга ўтади ва Голландия сенатининг буйруғига мувофиқ унинг асарлари тўплами босилиб чиқади.

Коменский ўз ватанини жуда севар ва унинг мустақиллиги учун кураш олиб боради. Ўзининг кўп асарларида ватанпарварлик ҳисси акс этган. У чех халқ поэзиясини йиғиб чех мақоллар тўпламини тузади ва ўз халқининг тилини сақлашга, севишга ундайди.

Коменскийнинг дунёқараши. Коменскийнинг дунёқарашида уч хусусият таъсирини кўрамиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Натур философия. 16—17 асрларда инглиз файласуфи—материалист Бекон сенсуалистик фалсафа назариясини илгари суради. Коменский ўқитиш жараёнига шу позициядан қарайди. Билиш сезишдан бошланади. Сезиш бўлмаган ерда билиш ҳам йўқ.

2. Чех қардошлари жамоаси диний жамоа бўлганлиги учун Коменский ҳам диндор руҳонийдир. Лекин Коменскийнинг руҳонийлиги турмушга амалий қараш билан боғлиқ бўлиб, ўқитиш жараёнининг мазмунига, дидактик принципларни мутолаа қилишда кўринмайди.

3. Коменский баъзи дунёқарашининг хислатлари Уйғониш даври таъсирида вужудга келади. Одамларга нисбатан муҳаббат, хушчақчақлик, одамларнинг яхшилик яратишига ишонч билан қараш, буларнинг ҳаммаси ўрта аср одамига нисбатан ишончсизлик билан қарашга қарама-қаршидир.

Коменский ташқи объектив дунёнинг ҳукм суришига ишонади. Дунё бир бутун. Дунёда ҳамма нарса борлиқ бир-бири билан боғлиқ. Ажралиб қолган нарса йўқ. Дунё қарама-қаршиликлардан иборат. Дунё қотиб қолган эмас. У ўсишда, ўсиш эса ўз қонуниятига эга. Қонуният борлиққа, яъни худога тегишли. Бунда биз унинг стихияли материалистик қарашини ҳамда идеализмини ҳам кўрамиз. Борлиқни, дунёни билиш мумкин, сезиш органлари орқали уни билиб борамиз. Агар сезиш ожизлик қилса, ақлни ишга соламиз. Агар ақл ожизлик қилса, худога ёлбориш керак. Коменскийнинг дунёқарашида бир томондан, стихияли материализм ва реализмнинг баъзи элементлари, турмушга, тажрибага таянишга интилиш ва иккинчи томондан, диндорлик бир-бирига боғланиб кетганини кўрамиз. Бу унинг педагогик назариясида ҳам ўз аксини топади. Бир томондан, табиий билимларни ўрганишга ундаса, иккинчи томондан, динни ўрганишга, диний ахлоқни ёқлашга чақиради.

Коменский ўзининг педагогик назариясида тарбиянинг табиатга уйғун бўлиши тўғрисидаги тушунчани илгари суради. «Буюк дидактика» да ўқитиш табиийликка бўйсуниши, ўқитиш табиат талабига бўйсуниши керак. **Боланинг ақлий ва жисмоний ўсиш жараёни табиатдаги ўсиш жараёнига ўхшаган бўлади.** Масалан, боғбон дарахтларни парвариш қилади, унинг ўсиш хусусиятларини ҳисобга олади. Худди шундай ўқитувчи ҳам болани тарбиялаш билан ундаги хусусиятларни ҳисобга олади. Боғбон ўсиш қонуниятини ҳисобга олар экан, ўқитувчи тарбиялаш қонуниятига бўйсунади. Ўқитиш жараёни табиатга ўхшаб, секинлик билан амалга ошади. Табиийлик принципида кишини табиатнинг бир бўлаги деб қараши, (худо томонидан бунёд этилмаган) табиат қонунлари унинг ўсишига таъсир этади дейиши ўз даврида прогрессивдир. Лекин табиат қонунини кишининг ўсишига олиб келиши нотўғридир. Киши ижтимоий борлиқ бўлиб, ижтимоий қонун таъсирида ўсади. Буни Коменский тушунмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Коменский тарбиячи боладаги истеъдодни ўстириши керак. Агар бола педагогик таъсирсиз яшаса, бу истеъдод тасодифан ўсади. Киши дунёга келганда кишига хос истеъдодга эга бўлади. Худди олмадаги уруғга ўхшаб баъзида кўпроқ, баъзида камроқ бўлади.

Умумтаълим ғояси. Коменский яшаган даврда ҳаммани ўқишга тортиш керак эмас, қобилиятли кишигина ўқиши керак, деган ғоя мавжуд эди. Коменский эса ўқишга ҳамманинг тортилишини, ҳамма умумтаълим олиши кераклигини уқтиради. Умумтаълим тўғрисида гапирганда аёлларни ҳам ҳисобга олади. Ўша даврда хотин-қизлар учун ўқиш жуда катта муаммо эди, шунга қарамай, у бу масалани илгари суради.

Коменскийнинг яна бир қимматли томони **ўқувчилар билим олиш тушунчасига эга.** Ойнани қанчалик чанг босган бўлса ҳам, барибир киши ўз аксини кўриши мумкин, албатта, тоза ойна киши аксини тоза кўрсатади. Ўқитувчининг вазифаси ойнадаги чангни артиб ташлаш, яъни билимни бола онгига етказиш, уни ақлий томондан ўстиришдир, деган эди.

Коменский ўз асарларида тарбиянинг мақсадини кўрсатади. Тарбиянинг мақсади кишини мангулик дунёсига тайёрлашдан иборатдир. Буни уч хил тарбия орқали амалга ошириш мумкин:

1. Ақлий тарбия.
2. Ахлоқий тарбия.
3. Диний тарбия.

Бу мақсад боланинг туғилганидан то 24 ёшгача амалга ошади, бу давр ичида бола тўрт мактабни ўқиб тугатиши, ҳар бирида 6 йил ўқиши керак, деб ҳисоблайди.

Коменскийнинг болани ёш даврларга бўлиши. Бунда у табиийлик принципига амал қилиб, бола ёшини даврларга бўлади:

1. Туғилганидан 6 ёшгача — она мактаби. Бу даврда боланинг сезиш органларини ўстиришга, боланинг қабул қилишини, атрофдаги дунё билан таништиришга катта аҳамият беради. Болани меҳнатга ўргатиш, ўз-ўзига хизмат қилишга жалб этиш керак. Она болада ахлоқий тарбиянинг асосларини, тўғрилик, ҳаққонийлик, қулоқ солиш, меҳнатни севиш ва бошқаларни вужудга келтиради. Она мактаби боғча ёшидаги бола тарбиясини кўзда тутади.

2. 6—12 ёшгача — халқ мактаби ёки она тили мактаби. Бунда ўқувчи эсда сақлаши, сўзлашга ўрганиши, ёзиш, бошланғич мактаб кўникмасини ҳосил қилиши керак бўлиб, бунинг учун геометрия, география, табииёт фанларини ўрганиши лозим.

3. 12—18 ёшгача — гимназия. Бу ўқув юртининг вазифаси бола тушунчасини, тафаккур қобилиятини ўстиришдан иборат бўлиб, унда классик тиллар, табииёт билимлари, ахлоқ, худогўйлик ўқитилиши керак.

4. 18—24 ёшгача Университет. Академия. Бу ўқув юртлари ўқувчининг иродасини, шахсини бир бутун ўстириши керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундай қилиб, мактаб Коменский қарашича ўқувчиларни ўйлашга, ҳаракатлантиришга, масалаларни амалда мустақил еча билишга, ўқувчиларни сўзлашга, ўз фикрини тўғри ифода қилишга ва исботлаб беришга ўргатиши керак. Меҳнат кишини улуғлайди, дейди Коменский. Шунинг учун меҳнатга ҳам ёшликдан ўргатиш кераклигини илгари суради.

Коменскийнинг педагогик назариясида таълим-ўқитиш, яъни дидактика катта ўрин эгаллайди. Унинг **дидактикасида табиийлик методи асосий роль** ўйнаб, **бу методнинг моҳияти, боланинг ёшини, билим ҳажмини, психологик хусусиятларини ҳисобга олиб, дарсни табиат борлиғига мослаб ўтишдан** иборатдир.

Масалан: Қуш ўзига уя ясайди, уя иссиқ ва юмшоқ бўлиши керак. Мактаб ҳам худди шундай бўлиши керак.

«Буюк дидактика» да дидактик принциплар берилиб, дарс жараёнида ўқитувчи қўллаши кераклиги кўрсатилади. Коменский **кўрсатмалилик** принципини назарий жиҳатдан исботлаб берди. У бу принципни фақат кўрсатиб ўқитиш усули тариқасидагина эмас, балки барча сезги органларини нарса ва ҳодисаларни асосли ва яхши ўзлаштириб олишга жалб этиш воситаси тариқасида кенг маънода тўғри тушунади.

Кўрсатмалиликни ўқитишнинг «Олтин қоидаси» деб атади. Кўрсатмалилик принципида: а) болага реал нарсаларни кўрсатиш, б) дунёни расмлар орқали тушунтириш, в) нарсалар моделини кўрсатиш, г) ўқитувчининг сўзи. Коменский «Мир чувственных вещей в картинках», яъни «Дунёдаги нарсаларнинг расмларда акс этиши» асарида ўқитилаётган, ўрганилаётган нарсаларни ушлаш, кўриш, ейиш, ҳидлаш кераклигини айтиб, бу ўрганилаётган материални чуқур бўлишига ва эсда узоқ вақт сақланишига олиб келади, дейди.

Коменский **онглилик принципини** ўқитишда маъно-мазмунини тушунмай, оғзаки ёдлашга қарши чиқади. «Ақл-идрок билан яхши тушуниб олинган нарсадан бошқа ҳеч бир нарсани зўрлаб ёдлатмаслик керак». Ўқувчилар «Ўрганилаётган нарса кундалик ҳаётда қандай фойда етказишини ўқитувчи ёрдамида англаб олишлари керак. Шу билан ҳодисаларнинг сабабларини англатмоқ, ҳар бир нарсани тўла тушунтириб бўлгунча, шу нарса устида тўхтамоқ керак» деб ҳисоблайди.

Коменский **таълимнинг тизимли** бўлишини талаб қилади. Ўқитилаётган материал ўқувчиларга асосий қоидалар тариқасида лўнда баён қилиниши керак. Ўқитишда далиллардан хулосаларга, мисоллардан қонунларга ўтиш, далиллар ва мисолларни қоидалар тизимига солиб, умумлаштириб бериш лозим, акс ҳолда ҳодисаларнинг тизимсиз уюми ҳосил бўлиб қолади. Конкретдан абстрактга, осондан қийинга, умумийдан хусусийга ўтиш керак; аввал нарса, яъни ҳодисага умумий тушунча бериб, кейин унинг турли томонларини айрим-айрим ўрганиш кераклигини кўрсатади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Изчиллик принципида кун, ой, йилга вазифа қўйиш ва уни амалга ошириш учун интилиш кераклиги айтилади. Бунда а) аниқ вақтни белгилаш, б) ўқишнинг бола ёшига мос бўлиши, в) материал изчиллик билан ўрганилиши, яъни бугунги материал эртаги билан боғланиши ва кейинги ўтиладиган материалга йўл очиш керак.

Коменский **материални мустаҳкам, асосли ўзлаштириб олишларига** катта аҳамият бериб, «мустаҳкам асос» вужудга келтириш, ўқитилаётган нарсаларни бир-бирига боғлаган ҳолда олиб бориш лозим, дейди. Ҳар бир мавзу қисқа, аниқ қоидалар асосида берилиши керак. Ўтилган материални машқ қилдириш ва такрорлатиш ўқувчиларни материални мустаҳкам ўзлаштиришига олиб келади. Такрорланган дарс материали эсда яхши сақланиб қолади. Овоз чиқариб такрорлашнинг фойдаси кўплигини кўрсатади. Машқлар ўрнида бир қанча қоидаларни белгилаб, такрорлаш йўлларини аниқлаб беради. Ўқитишда тақриб билан таҳлилни бир-бирига қўшиб олиб бориш кераклигини кўрсатади.

Коменский ўқувчиларнинг билиш қобилиятини ўстиришга, билимга бўлган иштиёқини кучайтиришга ва илм ишига бўлган ғайратини оширишга интилади.

Синф — дарс тизими. Коменский ўқитувчи бутун синф билан жамоа бўлиб иш олиб боришини, яъни синф — дарс тизимида ўқитишни олиб боришни тавсия этди. Коменский синф — дарс тизимини ишлаб чиқди. Дарс вақтида ўтган дарсни қайтариш, янги мавзуни тушунтириш, мустаҳкамлаш, уйга вазифа бериш кераклигини кўрсатди. Дарсни режалаштириш ва олиб бориш тўғрисида кўрсатмалар берди. Ҳар бир дарснинг ўз мавзуси ва ўз вазифаси бўлишини айтди. Ўқитувчи ўқувчиларнинг дарс машғулотларида фаол қатнашишларини таъминлаши, кузатиб бориши, синфда интизом сақланиши кераклигини айтди. Ўқув жараёнини ташкил қилишни ҳаддан ошириб юбориб, ўқитувчи бир вақтда 300 ўқувчи билан дарс олиб бориши мумкин, деб ҳисоблади. Ўқитувчи ўзига яхши ўқувчини ёрдамчи қилиб олиши мумкинлигини айтди.

Мактабда ўқув йили ва уни ўқув чораклариға бўлиш, таътиллар берилишини киритди. Ўқув кунини (она тили мактабида 4 соат, лотин мактабида 6 соат) белгилаб берди. Ўқувчилар мактабга бир вақтда қабул қилиниб, ўқиш кузда (сентябрда) бошланиши керак, деб ҳисоблади.

Коменский дарслик қандай бўлиши тўғрисида қимматли фикрлар айтиб, ўз замонаси учун намунали бўлган бир неча дарсликлар ёзди. Узининг назарий фикрларини дарсликларида амалга оширди. Дарсликда ўқув материали етарлича бўлиши, қисқа, мазмунли, тушунарли, изчил берилиши керак. Дарслик оддий, болаларга тушунарли тилда ёзилиши, расмларга бой бўлиши керак. Дарсликдаги материал мунтазам тартиб билан жойлаштирилиши, болаларнинг ёшига қараб равшан баён этилиши шарт. Коменскийнинг **«Тиллар ва ҳамма фанларнинг очиқ**

www.ziyouz.com kutubxonasi

эшиги» ва «Ҳислар воситаси билан идрок қилинадиган нарсаларнинг суратлари» дарсликлари машҳурдир.

«Тиллар ва ҳамма фанларнинг очиқ эшиги» дарслигини ўзининг дидактик принципларига амал қилган ҳолда тузди. Дарслик турли соҳаларда болалар тушуна оладиган билимлар билан таништиради.

«Ҳислар воситаси билан идрок қилинадиган нарсаларнинг суратлари» ни бошланғич билимларнинг болалар учун ёзилган энциклопедияси дейиш мумкин. 150 та суратлар билан берилган қисқа мақолада табиат ҳақида (олам, географияга доир, ўсимликлар, ҳайвонлар, инсон танаси ҳақида), одамнинг фаолияти ҳақида (ҳунар-касб, қишлоқ хўжалиги, маданият), ижтимоий ҳаёт ҳақида (давлат бошқармалари, суд ҳақида) маълумотлар беради. Бу китоб кўп тилларга таржима қилинди, бошланғич таълим учун 150 йилдан кўпроқ яхши дарслик бўлиб хизмат қилади.

Ахлоқий тарбия. Интизом. Коменский ёшлигидан бошлаб болада ахлоқ ва одоб ҳосил қилиш кераклигини айтди. Мардлик, ўзини тута билиш, чидамлилик, вақт ва вазият талаб қилганида фойда етказишга тайёр бўлиб туриш, бурчни адо қилиш каби хислатларни ўз ичига олган фазилатдир. Шу асосий фазилатлардан ташқари камтарлик, мўмин-қобиллик, кишиларга хайрихоҳлик, покизалик, пухталик, хушмуомалалик, катталарни ҳурматлаш, меҳнатсеварлик хислатларини тарбиялашни ҳам муҳим вазифа деб ҳисоблайди.

У қуйидагиларни ахлоқий тарбия воситалари деб билади: а) ота-она, ўқитувчи, ўртоқларининг намунаси; б) болаларга йўл-йўриқ кўрсатиш, улар билан суҳбатлар ўтказиш; в) болаларни яхши хулққа ўргатишда машқлар ўтказиш, ялқовлик, ўйламай иш қилишга, интизомсизликка қарши курашиш.

Коменский интизомнинг катта аҳамияти борлигини кўрсатиб, «Интизомсиз мактаб сувсиз тегирмондир» деган чех мақолини келтиради. Ўрта аср мактабларида калтак воситаси билан ўрнатиладиган интизомга у қарши чиқади. Калтак, хипчин— қуллик қуролидир, дейди. Болаларга инсоний муомалада бўлишини айтди. Интизом: а) ўқитувчининг намуна кўрсатиши, самимий, очиқ хайрихоҳлиги, б) ўқитувчининг болага бўлган тўғри муносабати (агар у болани севса, унинг яхши бўлишини истаса, дарси мазмунли бўлса, тушунтира олса интизомлилик вужудга келади), в) болани кўпчилик олдида, ўртоқлари ичида оқилона мақташ ёки қоралаш интизомлиликка олиб келади.

Ўқитувчининг роли ва унга қўйиладиган талаблар. Коменский ўз давридаги истеъдодсиз, маълумотсиз ўқитувчиларни қаттиқ танқид этди. Ўқитувчиликни **«ер юзидаги ҳар қандай касбдан кўра юқорироқ турадиган жуда фахрли касб»** деб ҳисоблади. Бу ўқитувчига нисбатан янги прогрессив қараш эди, чунки ўша даврда ўқитувчилик касбига ҳурмат билан қаралмас эди. Коменский аҳолининг ўқитувчига ҳурмат билан қарашини талаб этиши билан ўқитувчининг ўзи жамиятда муҳим вазифани ба-

www.ziyouz.com kutubxonasi

жараётганини тушуниб олиши ва ўз қадр-қимматини яхши билиб олиши лозимлигини уқтиради. Ўқитувчи соф виждонли, ишчан, саботли, ахлоқли бўлиши, ўз ишини севиши, ўқувчиларга оталардек муомала қилиши, уларда билимга ҳавас туғдириши лозим. «Ўзи» намуна кўрсатиб, ўқувчиларни ўзига эргаштириши ўқитувчининг биринчи вазифасидир, деган эди. Диндорликни ўқитувчиниг яхши хислати деб билади.

Шундай қилиб, ажойиб славян педагоги Ян Амос Коменский бутун дунёда педагогика илмига асос солиб мактабнинг тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Уни кўп Ғарбий Европа мамлакатлари мактаб ишини яхшилаш мақсадида таклиф этдилар. Унинг дарсликлари кўп тилларга, жумладан рус тилига таржима этилди. 150 йилдан ошиқ вақт давомида унинг ёзган асарлари бошланғич таълим учун дарслик сифатида хизмат қилди. Коменскийнинг кўргазмалари ҳозиргача аҳамиятини йўқотгани йўқ.

ИОГАНН ГЕНРИХ ПЕСТАЛОЦЦИ

(1746—1827)

Песталоццининг педагоглик фаолияти. Иоганн Генрих Песталоцци Швейцарияда Цюрихда, врач оиласида туғилди. Песталоццининг отаси у кичиклигида ўлган эди, шунинг учун ҳам уни онаси ҳамда оддий деҳқон аёл — уларнинг собиқ хизматчиси тарбиялаб ўстирди.

Песталоцци аввал бошланғич мактабда, сўнгра лотин мактабида ўқиб илм олди. Песталоцци ўрта мактабни тамомлагач, кўпроқ гуманитар фанлар, ўқитиладиган олий ўқув юртига — коллегиумга, унинг филология ва фалсафа бўлимларига кириб ўқиди. Песталоцци коллегиумни тамомламай туриб, халқнинг аҳволини яхшилаш тўғрисида ўзининг азалдан орзу қилиб келган ниятини амалга оширишга қарор қилди. 1769 йилда Песталоцци ўзининг ижтимоий тажрибасини бошлади. У пул қарз олиб, кичикроқ қўрғон ва ер сотиб олди, бу ерга «Нейгоф» («Янги қўрғон») деб ном берди ва теварак-атрофдаги деҳқонларга ўз хўжаликларини унумдор хўжаликка айлантиришни ўргатиш мақсадида, бу ерда намунали ферма ташкил қилмоқчи бўлди. Тажрибасиз ва хўжалик ишларидан бехабар бўлган Песталоцци орадан кўп ўтмай синди ва халқ фойдасига сарфламоқчи бўлган ўз кучларини ишлатмоқ учун янги йўллар қидиришга мажбур бўлди.

У 1774 йилда «Нейгоф»да «Камбағаллар муассасаси» очиб, етим ва боқимсиз болалардан 50 га яқин кишини шу муассасага тўплади. Песталоццининг фикрича, болаларнинг ўзлари ишлаб топган пуллар шу етимхонанинг харажатини қоплаши керак эди. Етимхонада тарбияланаётган болалар далада ишлар, шунингдек, тўқув ва йигирув дастгоҳларида ип йигириб, мато тўқир эдилар. Песталоццининг ўзи болаларга ўқиш, ёзиш ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳисоб ўргатар, уларни тарбиялаш билан шуғулланар эди. Ҳунарманд усталар эса болаларга ип йигириш ва тўқишни ўргатардилар. Шу тариқа, Песталоцци ўз муассасасида болаларни ўқитишни уларни унумли меҳнатга ўргатиш билан қўшиб олиб боришга уринди.

Песталоцци бошлаган иш тезда барбод бўлди, чунки сиёсий ҳокимият ва моддий маблағларнинг эгалари уни қўллаб-қувватламадилар. Болалар минг машаққат билан меҳнат қилиш туфайлигина ўзлари яшаб-ишлаб турган етимхона харажатларини кўтара олар эдилар, лекин гуманист ва демократ Песталоцци ўзи тарбиялаётган болаларни эксплуатация қилишни истамас эди ва бунга йўл қўя олмас эди. У болалар меҳнатини, аввало, болаларнинг жисмоний кучларини, ақлий ва ахлоқий қобилиятларини ўстириш воситаси деб билди. У болаларга фақат ҳунар ўргатибгина қолмасдан, балки уларни кенг равишда меҳнатга ўргатишга интилди.

Песталоцци Нейгофда ўтказган тажрибанинг педагогика учун аҳамияти катта бўлди. Песталоцци тажрибани давом эттириш учун маблағ бўлмаганлиги сабабли орадан кўп вақт ўтмай етимхонани ёпишга мажбур бўлди. Лекин бу муваффақиятсизликлар уни, халққа ёрдам бериш мақсадини кўзлаб топган бу йўлим тўғри йўл, деган фикрдан қайтармади.

Кейинги ўн саккиз йил давомида Песталоцци ўша даврнинг энг муҳим масаласини: деҳқон хўжаликларини қандай қилиб тиклаш, уларнинг турмушини қандай қилиб ёлчитиш, меҳнаткашларнинг ахлоқий ва ақлий ҳолатини қандай қилиб яхшилаш масаласини ҳал қилишга жамоатчилик эътиборини тортишга интилиб адабий фаолият билан шуғулланди. У «Лингард ва Гертруда» (1781—1787) деган ижтимоий-педагогик роман ёзиб, бу романда хўжаликни оқилона усулда олиб бориш ва болаларни тўғри тарбиялаш воситаси билан деҳқонларнинг турмушини яхшилаш тўғрисидаги ўз ғояларини олға сурди.

Бургдорфда ўрта интернат мактаб очилди; бу мактаб ҳузурида ўқитувчилар тайёрлайдиган алоҳида бўлим ҳам ташкил этилди, бу мактабга Песталоцци бошлиқ қилиб тайинланди. XIX асрнинг бошларидаёқ Песталоццининг «Гертруда ўз болаларини қандай қилиб ўқитади». «Оналар китоби ёки оналар учун ўз болаларига кузатиш ва гапиришни қандай ўргатиш ҳақида қўлланма», «Кузатиш алифбеси ёки ўлчаш ҳақида кўрсатмали қўлланма», «Сон тўғрисида кўрсатмали таълим» деган китоблари босилиб чиқди, бу китобларда бошланғич таълимининг янги усуллари баён қилинди.

Песталоцци ўзининг бутун истеъдоди ва кучини меҳнаткашларнинг оғир аҳволини яхшилашга сарфлаган бўлса ҳам, лекин уларнинг аҳволини яхшилашга муваффақ бўлолмаганлигининг сабаби нималигини тушунолмади. У 1827 йилда вафот этди.

Песталоццининг ижтимоий-педагогик ва фалсафий қарашлари. Песталоццининг дунёқараши демократик характерда бўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

са ҳам, лекин тарихдан чекланган эди. Песталоцци ўз халқини оёққа турғазишни орзу қилди, лекин соддалик қилиб, меҳнаткашларни ўқитиш ва тарбиялаш йўли билан уларнинг турмушини ўзгартириш мумкин, деб ишонди. У ўз замонидаги жамиятда одамларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий тенгсизлиги мавжуд ижтимоий муносабатларнинг натижаси эканлигини тушунмади. У халқ бошига тушган кулфатларнинг манбаи иқтисодий шароит эмас, балки маърифатнинг йўқлиги деб билди.

Песталоцци ҳамма одамлар тарбия ва илм олиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим, деб даъво қилиб мактаблар жамиятни ижтимоий жиҳатдан ўзгартиришнинг муҳим воситаларидан бири бўлиши кераклигини таъкидлади. Унинг фикрича, ҳар бир кишининг ҳақиқий инсоний кучлари ҳаракатга келиб, мустаҳкамланганидагина энг муҳим ижтимоий масалалар ҳал қилинади, тубдан ижтимоий ўзгаришлар рўй беради. Бунга тарбия йўли билангина эришиш мумкин.

Песталоццининг фикрича, меҳнат одамни тарбиялаш ва ўстиришнинг энг муҳим воситасидир, меҳнат одамнинг жисмоний кучларинигина эмас, шу билан бирга, ақлини ҳам ўстиради, шунингдек, унда ахлоқ ҳам таркиб топтиради. Меҳнат билан шуғулланаётган одамда меҳнатнинг жамият ҳаётида жуда катта аҳамияти бор деган ишонч туғилади, бундай ишонч эса одамларни ақил ва мустаҳкам ижтимоий иттифоқ қилиб, бир-бирига боғловчи энг муҳим кучдир.

Песталоццининг фикрича, билиш сезги органлари орқали идрок қилишдан бошланади ва тасаввурларни қайта ишлаш йўли билан ғоялар даражасига кўтарилади, ғоялар эса, гарчи равшан бўлмаса ҳам одамнинг онгида таркиб топтирувчи куч тариқасида мавжуд, лекин ўзининг намоён бўлиши ва жонланиши учун сезгилар етказиб берувчи материалга муҳтождир.

Песталоццининг дунёқараши умуман идеалистик дунёқараш бўлса ҳам, лекин прогрессив характерга эга эди. Чунки унинг дунёқараши инсонпарварлик руҳи билан, демократик интилишлар руҳи билан суғорилган ҳамда баъзи бир материалистик даъволарни ва диалектик қоидаларни ўз ичига олган эди.

Тарбиянинг мақсади ва моҳияти. Песталоццининг фикрича, тарбиянинг мақсади одамнинг барча табиий кучларини ва қобилиятларини ўстириш, ўстирганда ҳам ҳар томонлама ва бир-бирига уйғун равишда ўстиришдир. Тарбиянинг болага кўрсатаётган таъсири унинг табиатига уйғун бўлиши лозим.

Песталоцци тарбиянинг моҳияти тўғрисидаги тасаввурига асосланиб, тарбиянинг янги методларини — инсоннинг кучини инсон табиати билан мувофиқлаштириб ўстиришга ёрдам берадиган методларни яратишга интилади. Болани тарбиялашни дейди у, унинг туғилган куниданоқ бошлаш лозим: «Бола туғилган соат — унга таълим беришнинг биринчи соатидир». Шу сабабли чинакам педагогика онани тўғри тарбиялаш методлари билан қуроллантириши керак. Педагогика санъати эса шу ме-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тодикани ҳар бир она, жумладан, оддий деҳқон аёл ҳам эгаллаб оладиган қилиб соддалаштириб бериши лозим. Оилада табиатга мувофиқ қилиб бошланган тарбия мактабда ҳам давом эттирилиши лозим.

Барча инсоний кучлар ва имкониятлар энг оддий нарсалардан ривожлана бошлайди ва секин-аста мураккаброқ даражага кўтарила беради. Тарбия ҳам ана шу йўлдан бориши лозим.

Ҳар бир болага хос бўлган туғма куч ва қобилиятлар куртакларини табиий тартибга мувофиқ, одам камолотининг абадий ва ўзгармас қонунларига мувофиқ ҳолда мунтазамлик билан машқ қилдириб, ўстириш керак.

Элементар таълим назарияси Песталоцци педагогика тизимининг ўзагидир, бу назарияга кўра, тарбиялаш энг оддий элементлардан бошланиб, аста-секин тобора мураккаброқ даражага кўтарилиб бориши лозим.

Песталоццининг элемеитар таълим назарияси жисмоний тарбияни, меҳнат тарбиясини, ахлоқий ва эстетик тарбияни ҳамда ақлий тарбия ва ўқитишни ўз ичига олади. Тарбиянинг мана шу ҳамма жиҳатларини Песталоцци бир-бирига боғлаб олиб боришни таклиф қилди, мана шундай тарбиялаш натижасидатина инсоннинг ҳамма жиҳатлари бир-бирига уйғун бўлиб камол топишини таъминлаш мумкин, деди.

Жисмоний тарбия ва меҳнат тарбияси. Песталоцци боланинг барча жисмоний кучлари ва имкониятларини ўстиришни уларни жисмоний жиҳатдан тарбиялашнинг мақсади деб, боланинг ҳаракатга, ўйнашга, бир жойда ўтириб қолмасликка, ҳамма нарсага ёпишишга, ҳамиша ҳаракатда бўлишга мажбур қилувчи табиий интилишини жисмоний тарбиялашнинг асоси, деб ҳисоблади.

Песталоцци инсон шахсини камолотга етказишда жисмоний тарбияга жуда катта аҳамият беради ва уни болаларнииг ўсишига катталарнинг оқилона таъсир кўрсатишининг биринчи тури, деб ҳисоблади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, ўқитишни унумли меҳнат билан қўшиб олиб бориш Песталоццининг педагогик тажрибаси ва назариясидаги асосий қоидалардан бири бўлди. Песталоццининг фикрича («Лингард ва Гертруда» романида ёзилишича, (мактабда болалар кун бўйи йигириш ва тўқиш дастгоҳларида ишлаш билан вақт ўтказадилар; мактаб ҳузурида ер участкаси бўлиб, бу участкада ҳар бир бола ўзига ажратиб қўйилгаи пайкалдаги экинларни парвариш қилади, чорва молларини парвариш қилади. Болалар зиғирпоя толасини ва жунни ишлашни ўрганадилар, қишлоқнинг энг яхши хўжаликлари билан, шунингдек, ҳунармандчилик устахоналари билан ҳам танишадилар. Ўқитувчи иш вақтида, шунингдек, ишдан бўш вақтларида болалар билан машғулотлар ўтказади, уларга савод, ҳисоб ва турмуш учун зарур бўлган бошқа билимларни ўргатади. Песталоцци одамнинг камолотга етиши учун меҳнат тарбиясининг аҳамияти катта эканини уқтириб ўтди. У иш вақтида

www.ziyouz.com kutubxonasi

«болаларнинг кўнглини хушвақт қилиш ва ақлини ўстиришга» интилди.

Ахлоқий тарбия. Песталоцци тарбиянинг асосий вазифаси — келгусида ижтимоий ҳаётда қатнашиб фойда етказа оладиган ва ҳамма жиҳатлари уйғун бўлиб камол топган инсон етиштиришдир, деб билади. Болани бошқаларга фойда келтирадиган ишларда муттасил машқ қилдириш йўли билан унинг ахлоқи вояга етказилади. Песталоццининг фикрича, бола организмининг кундалик эҳтиёжларини қондириш асосида болада онага нисбатан туғилаётган меҳр-муҳаббат ахлоқий тарбиянинг энг оддий элементидир. Боланинг ахлоқи учун оилада негиз солинади. Боланинг онага бўлган муҳаббати аста-секин оиланинг бошқа аъзоларига ҳам ўтади.

Песталоцци ахлоқий тарбия диний тарбия билан чамбарчас боғлангандир, дейди. Песталоцци расмий динни танқид қилади ва табиий дин тўғрисида гапириб, одамларнинг юксак маънавий хислатларини ўстиришни табиий дин деб тушунади. Песталоцци «... худони одамлар бир-бирига меҳр-муҳаббат кўрсатаётган жойдан қидирганлигини» очиқ айтади. Агар одам худони севса, у ҳамма одамларни ҳам севадиган бўлиб қолади, чунки ҳамма одам бир отанинг боласи каби ака-ука ва опа-сингилдир, дейди.

Ақлий таълим. Песталоццининг ақлий таълим тўғрисидаги таълимоти бой ва мазмунли таълимотдир. Песталоцци ўзининг инсоннинг ҳамма жиҳатларининг бир-бирига уйғунлашиб камолга етиши тўғрисидаги асосий ғоясига таяниб, ақлий таълимни ахлоқий тарбия билан боғлаб олиб бориш кераклигини кўрсатади ва тарбияловчи таълим олиб боришни талаб қилади.

Ҳар қандай таълим кузатишга ва тажрибага асосланиши ҳамда хулосалар ва умумлашмалар даражасига кўтарилиши лозим, дейди Песталоцци кузатишлар натижасида болада кўриш, эшитиш сезгилари ва бошқа сезгилар ҳосил бўлади, бу сезгилар болада фикрлаш ва сўзлаш эҳтиёжини туғдиради, дейди.

Одамнинг сезги аъзолари ёрдамида ташқи дунё тўғрисида ҳосил қилган тасаввурлари дастлаб равшан ва аниқ бўлмайди. Таълимнинг вазифаси ҳам шундан иборатки, у мана шу тасаввурларни тартибга солиши ва аниқлаши, равшан тушунчалар даражасига етказиши, «тартибсиз тасаввурларни муайян тасаввурларга, муайян тасаввурларни равшан тасаввурларга ва равшан тасаввурларни очиқ кўриниб турган тасаввурларга» айлантириши керак. Таълим, биринчидан, ўқувчида ўзининг сезги аъзолари воситаси билан ҳосил қилган тажрибалар асосида билимлар запасини тўплашга ёрдам беради, иккинчидан, боланинг ақлий қобилиятларини ўстиради.

Песталоцци таълимнинг ҳар босқичи учун махсус равишда танлаб олинган, ҳар бир боланинг ўзига хос ақлий кучларини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳамда қобилиятларини тинимсиз ва мунтазам равишда ўстириб борадиган тизим воситаси билан болаларга ақлий таълим беришга интилди.

Песталоцци таълимни соддалаштиришга ва психология негизига қуришга интилиб, нарсалар ва буюмлар тўғрисидаги ҳар қандай билимнинг энг оддий элементлари бор, одам шу элементларни ўзлаштира бориб, ўз атрофидаги оламни билиб олади, деган фикрга келди. У сон, шакл ва сўзни мана шундай элементлар деб ҳисоблади. Ўқитиш жараёнида бола ўлчаш йўли билан шаклни, ҳисоблаш йўли билан сонни, нутқни ўстириш йўли билан сўзлашни билиб олади. Шундай қилиб, элементар таълим аввало ўлчаш, ҳисоблаш ва нутқни ўстиришдан иборат бўлади. Песталоцци ўз замонидаги бошланғич мактабда ўқитишнинг мазмунини тубдан ўзгартиради, ўқитиладиган дарслар қаторига ўқиш, ёзиш, арифметикани ва геометриянинг бошланғич қисмларини, ўлчаш, расм чизиш, ашула, гимнастика, шунингдек, география, тарих ва тиббиётга доир энг зарур билимларни киритди. Шундай қилиб, Песталоцци бошланғич мактабнинг ўқув режасини анча кенгайтирди ва бу мактабда ўқитишнинг янги методикасини вужудга келтирди. Ўқитиш методикаси болаларни билимлар билан бойитишга ҳамда уларнинг ақлий кучларини ва қобилиятларини ўстиришга ёрдам беради.

Песталоцци кўрсатмалилик принципини таълимнинг энг муҳим негизи деб ҳисоблайди. Бу принципни кенг равишда қўлламасдан туриб, теварак-атроф тўғрисида тўғри тасаввур ҳосил қилишга, тафаккурни ва нутқни ўстиришга эришиб бўлмайди.

Песталоцци мактаб болаларнинг қобилиятларини ўстириши, уларга билим бериши билан бир қаторда, уларда кўникма ва малакалар тарбиялаши ҳам лозим, деб ҳисоблади. Кишининг камолга етган ақли ва олийҳиммат қалби талаб қилган нарсаларни рўёбга чиқариш имконияти, дейди Песталоцци, одамнинг шу нарсани рўёбга чиқариш учун ҳаракат қила билишига боғлиқдир.

Бошланғич таълимнинг хусусий методикаларини яратиш. Песталоцци ўзининг умумий дидактик қоидаларига таяниб туриб, бошланғич таълимнинг хусусий методикаси асосини яратиб берди.

Песталоцци она тили ўқитишнинг асосий вазифаси боланинг нутқини ўстириш ва унинг сўз бойлигини орттиришдан иборат бўлиши лозим, деб ҳисоблади. Песталоцци савод ўргатишда товуш методини биринчи ўринга қўйди, бундай қилиш ҳарфларни қўшиб ўқитиш методи ҳукмронлик қилиб турган ўша вақт учун ғоят муҳим эди.

Песталоцци она тили ўқитишни кўрсатмали принцип асосида олиб бориш ва болаларга табиият, география ва тарихга доир элементар маълумотлар бериб, шу тариқа болалар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг сўз бойлигини орттириш тўғрисида қимматли кўрсатмалар берди.

Песталоцци зериктирарли ва бир хилдаги машқлар қилдириш билан болаларда кузатиш, нарса ёки ҳодисанинг белгиларини аниқлай олиш малакасини ўстиришга, бирор нарсани аниқ ва тўла тасвирлаб бера олиш малакасини ҳосил қилишга интилди.

Болаларда ёзув малакасини ҳосил қилмоқ учун Песталоцци дастлаб тўғри ва эгри чизиқларни — хатларнинг элементларини чиздириб, машқ қилдиришни тавсия этди. Песталоцци ёзув ўргатишни нарсаларни ўлчаш ва суратини чизиш билан шунингдек, нутқни ўстириш билан боғлаб олиб боришни таклиф қилди.

Ўлчашни ўргатмоқ учун Песталоцци дастлаб тўғри чизиқ чизишни, сўнгра бурчак, квадрат чизишни ва бу квадратни бўлакларга (яримта, чоракта қилиб ва ҳоказо) бўлишни ўргатишни таклиф қилди. Тарбиячи болаларга турли геометрик жисмларни кўрсатиши ва уларнинг номларини айтиб бериши лозим. Болалар бу геометрик жисмларни кузатиб, уларнинг хоссалари ва номларини ўзлаштириб оладилар, уларни ўлчашни ўрганадилар.

Бола ўлчов натижаларини чизиб ва ёзиб олиши лозим; бундай машқлар болага ёзув ўргатишнинг асосидир.

Песталоцци педагогика назарияси ва тажрибасининг аҳамияти. Песталоцци буржуа-демократик педагогикасининг кўзга кўринган назариячиси ва амалиётчиси бўлди. У камбағалларнинг болаларини тарбиялаш ишига ўзининг бутун кучини фидокорона сарфлади.

Песталоцци одамнинг барча табиий кучларини ва қобилиятларини бир-бирига уйғун қилиб ўстиришдек вазифани тарбиянинг асосий вазифаси деб билди. У элементар таълим назариясини яратди, бу назария догматик таълимга ва маъносини тушунмай ёдлашга қарши олиб борилган XIX асрда халқ мактабини ривожлантиришга ёрдам берган курашда катта роль ўйнади. У болани жисмоний тарбиялаш, меҳнатда тарбиялаш, ахлоқий, ақлий тарбиялаш тўғрисида бир қанча жуда қимматли фикрларни айтиб ўтди. Песталоцци бошланғич мактабда бериладиган билимларнинг мазмунини кенгайтиришни талаб қилди, бошланғич мактабни халққа яқинлаштиришга, уни халқ оммасининг турмуши ва эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлашга интилди, болаларни меҳнатга ўргатишга, уларни турмушга тайёрлашга катта эътибор берди.

РОБЕРТ ОУЭН
(1771—1858)

Оуэннинг Нью-Лэнаркдаги фаолияти. Роберт Оуэн ҳунарманд оиласида туғилди ва жуда ёшлигиданоқ ўз меҳнати билан яшай бошлади. Ғоят қобилиятли бўлган Оуэн йигирма ёши-

www.ziyouz.com kutubxonasi

даёқ катта корхонанинг раҳбари бўлиб қолди. У меҳнаткашларнинг ғоят оғир шароитда яшаётганларини ўз кўзи билан кўрди.

Оуэн халқ оммаси бошига тушган кулфатлар капитализм туфайли эканини тушунди ва ишчиларнинг аҳволини яхшилаш лозим бўлган ислоҳотчилик режаларини тузишга киришди. 1800 йилдан бошлаб Оуэн Шотландиянинг Нью-Лэнарк деган жойидаги катта ип йигириш фабрикасида бошлиқ бўлиб ишлади. Бу фабрикадаги меҳнат шароити ҳам ўша вақтдаги бошқа фабрикалардаги меҳнат шароитидан сира фарқ қилмас эди: иш куни 13—14 соат давом қилар, иш ҳақи эса жуда кам бўлар эди; уй-жой шароити ниҳоят даражада ёмон эди. Ишчиларнинг маданий ва маънавий савияси паст эди. Фабрикада болалар меҳнатидан кенг фойдаланилар эди (кўпгина болалар 6—7 ёшданоқ фабрикага кириб ишлар эдилар).

Оуэн одам ўз атрофидаги муҳитнинг маҳсулидир, деган фикрга асосланиб, ишчиларнинг турмуш ва меҳнат шароитини яхшилашга қарор қилди. У иш кунини қисқартириб, 10,5 соатга келтирди, иш ҳақини анча кўпайтирди, ишчилар учун янги уйлар қуриб берди, уларнинг яхши дам олишини йўлга қўйди. Оуэн 10 ёшдан кичик болаларни фабрикада ишлатишни қатъиян тақиқлаб қўйди ва болалар учун бир қанча таълим-тарбия муассасалари: бир ёшдан олти ёшгача бўлган болалар учун ясли; болалар боғчаси ва болалар майдончаларидан иборат бўлган «кичик болалар мактаби»; 6 ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар учун бошланғич мактаб, ишлаб чиқаришда ишлаётган ўсмирлар учун кечки мактаб очди. Катта ёшдаги ишчилар ва уларнинг оилалари учун кечқурунлари лекциялар, суҳбатлар ва маданий ўйин-кулгилар ўтказилиб турилди.

Оуэн «кичик болалар мактаби» тўғрисида жуда ғамхўрлик қилди. Болалар мактабга кирган кунларидан (жуда кичик ёшдан) бошлаб ашула ва рақс ўрганар, кўп вақтларини очиқ ҳавода ўтказар эдилар. Жисмоний тарбияга, гимнастика ва ҳарбий машқларга алоҳида эътибор берилди (бу машқларда ўғил ва қиз болалар қатнашар эди). Оуэн болаларда жамоачилик руҳини тарбиялашга катта аҳамият берди. Болаларга ўз хатти-ҳаракатларининг характери муфассал тушунтириб берилар, уларга ўз ўртоқларини хафа қилмасликлари кераклиги, аксинча, уларни ҳурматлашлари ва зарур бўлганда ёрдам кўрсатишлари лозимлиги айтилар эди. Бу мактабда ёзиш ва ўқишга мунтазам равишда ўргатилмасдан, балки табиат тўғрисида, теварак-атрофдаги нарсалар ва ҳодисалар тўғрисида суҳбатлар ўтказилар эди. Эстетик тарбияга, музика ва ритмик машғулотларга кўп эътибор берилар эди.

Шу билан бирга, Оуэн болаларга, диний идеология билан суғорилган ва шу сабабли фойда етказа олмайдиган китобларни ўқитмаслик керак, деган фикрда эди.

Оуэн кичик болаларни тарбиялаш ишига фабриканинг ёш эркак ва аёл ишчиларини таклиф қилди, бу ишчилар гарчи пе-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дагоглик маҳоратига эга бўлмасалар ҳам, лекин болалар билан яхши муомала қилар ва уларга диққат билан қарар эдилар.

Бошланғич мактабда ўқувчиларга она тили, арифметика, география, табииёт ва тарих ўқитилар эди. Бошқача қилиб айтганда, бу бошланғич мактабда бошқа инглиз бошланғич мактабларининг ҳаммасидагига қараганда анча кенг билим берилар эди. Бундан ташқари, Оуэн ўша замондаги одатга кўра диний-догматик таълим беришни мактабдан бутунлай чиқариб ташлади. У болаларга уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб билимлар беришга, уларнинг тафаккурини ўстиришга интилди. Бутун ўқитиш ишлари кўрсатмалиликни кенг қўлланиш асосига қурилди: мактаб деворларига ҳайвонлар ва ўсимликларнинг суратлари ёпиштириб қўйилган эди; машғулотларда ҳар хил кўрсатмали қуроллардан фойдаланилар эди.

Оуэн болаларга меҳнат тарбияси беришга алоҳида аҳамият берди. Болалар ёшлик чоғлариданоқ катталарнинг меҳнатини кўриб ўсар, мактабда эса ўзлари баъзи бир меҳнат кўникмалари ҳосил қилар эдилар. Ўғил болалар ҳунармандлар меҳнатининг энг оддий усулларини эгаллаб олар, боғдорчилик билан шуғулланар эдилар, қиз болалар эса бичиш-тикишни, овқат пиширишни ўрганар эдилар. Болалар ўн ёшга етгач, кечки мактабда ўқиб, кундузи фабрикада ишлар эдилар. Оуэн болаларни ўқитишни фабрикада унумли меҳнат қилиш билан қўшиб олиб борди.

1816 йил бошида Роберт Оуэн Нью-Лэнаркда «Характерни тарбиялайдиган янги институт» очди, бу институт Оуэн илгари очган барча таълим-тарбия муассасаларини бирлаштирди.

Шундай қилиб, Оуэн тарихда биринчи бўлиб мактабгача тарбия муассасаларини (ясли, болалар боғчаси) ва ишчиларнинг болалари учун кенг умумий таълим дастурида билим берадиган бошланғич мактабни барпо этди. У фабрикада ишлаб турган 10 ёшдан ошган болалар ва ўсмирлар учун кечки мактаб очиб, ўқитишни саноатдаги унумли меҳнат билан боғлаб олиб борди, катта ёшдаги ишчилар учун кечки клуб очиб, бу клубда маданий-оқартув ишлари олиб борди.

Оуэннинг беш йиллик зўр ҳаракати натижасида 1819 йилда Англияда хотин-қизлар ва болаларнинг фабрикалардаги меҳнатини маълум даражада чеклайдиган биринчи қонун қабул қилинди.

Оуэн халққа маърифат беришга интилиб, умумий бошланғич таълимни жорий қилишни, руҳонийларни ва диний ташкилотларни мактабга таъсир ўтказишидан четлаштиришни ва бутун халқ маорифи тизимини давлат қўлига топширишни талаб этди. Оуэннинг бу демократик талаблари Англияда то ҳозирги вақтгача ҳам тўла равишда амалга оширилгани йўқ.

Оуэннинг характер таркиб топтириш тўғрисидаги фикрлари. 1813 йилда Оуэн ўзининг «Жамиятга янгича қараш ёки Инсонда характер таркиб топтириш тўғрисидаги тажриба» деган аса-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рини нашр эттирди. Бу асарда Оуэн одамнинг характери унинг иродасидан мустақил бўлган атрофдаги муҳит шароити билан таркиб топади, деб таъкидлади. Одамларнинг иллатлари ва камчиликлари, хатти-ҳаракатлари улар яшаб турган вазиятга боғлиқдир. Одам,— дейди Оуэн,— ўз характерини ҳеч қачон ўзи яратган эмас ва уни яратиш мумкин ҳам эмас. Оуэннинг фикрича, агар биз муҳит шароитини ва тарбияни ўзгартирсак, ҳар қандай характерни таркиб топтиришимиз мумкин. Шуидай қилиб, Оуэннинг фикрича, халқни тарбиялаш ва унга маърифат бериш йўли билан жамиятни янгича ташкил этишга муваффақ бўлинади. Натижада янги одамлар пайдо бўлади ва улар тинч йўл билан социалистик муносабатлар ўрнатадилар.

Одам муҳит ва тарбиянинг маҳсулидир деган таълимотни Гельвицийдан сўнг Оуэн ҳам такрорлади.

Оуэн коммунистик жамоалар тўғрисида. «Янги Гармония» даги тарбия тажрибаси. 1817 йилга келиб Оуэн капиталистларни ва Англия парламентини социал тузумни ўзгартиришга ва социалистик тузум ўрнатишга кўндиролмаслигига ишонди. Шундан кейин у капитализм тузумини кескин танқид қилишга ўтди ва коммунистик идеяларни пропаганда қила бошлади.

Капитализмни қаттиқ қоралагани ва коммунистик идеяларни майдонга ташлагани учун Оуэнни Англияда қаттиқ таъқиб қила бошладилар. Шунинг учун ҳам у Американи ўзича эркин мамлакат деб ўйлаб, у ерга кўчиб борди. Оуэн Америкада ўзининг маслакдошлари билан биргаликда 1825 йилда коммунистик колония қурди ва унга «Янги Гармония!» деб ном берди. Оуэн бу колонияда ўзининг янги, коммунистик жамият тўғрисидаги қарашларини акс эттирувчи алоҳида тартиб ўрнатди. Колониядаги мулк ижтимоий мулк деб эълон қилинди, ҳамманинг меҳнат қилиши шарт қилиб қўйилди ва меҳнат маҳсули ҳар бир кишига сарфлаган меҳнатининг миқдорига қараб тақсимланадиган бўлди. Колониянинг ҳамма аъзолари бир хилдаги овқат ейишга, бир хилда кийим кийишга, бир хил уй-жойда яшашга ва бир хилда тарбия олишга ҳақли эдилар.

Оуэннинг принципларига мувофиқ, колонияда мактаблар очилди, бу мактабларда илмий асосга қурилган мунтазам ақлий тарбия, янги ахлоқ мезонлари руҳидаги ахлоқий тарбия, меҳнат тарбияси ва жисмоний тарбия берилар эди. «Янги Гармония»да қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳасида таълим унумли меҳнат билан қўшиб олиб борилди.

Капиталистик Америка шароитида бундай коммунистик колония тузиш тажрибаси муваффақиятсизликка учраши турган гап эди. Колонистларнинг ўзлари ҳам бундай «социал экспериментга» яхши тайёрланмаган эдилар, орадан кўп ўтмай улар жамоат мулкини бўлишиб олдилар, бир-бирларига душманлик қиладиган ва бир-бирларидан ўтишга, бойишга интиладиган бўлиб қолдилар.

1828 йилда Оуэн ватанига қайтиб келди. Расмий жамиятдан ҳайдалган, матбуот тилга олмай қўйган Америкада ком-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мунистик колониялар тузиш соҳасидаги тажрибаларнинг муваффақиятсизликка учраганлиги ва бутун мол-мулки ана шу беҳуда уринишга сарф бўлиб кетганлиги натижасида камбағаллашиб ўз ватанига қайтган Оуэн бевосита ишчилар синфига мурожаат қилди ва шу синф орасида ўз фаолиятини яна ўттиз йил давом эттирди. Англияда ишчилар синфининг манфаатини кўзлаган ижтимоий ҳаракатларнинг ҳаммаси,— дейди Энгельс, — ва улар ҳақиқатан эришган муваффақиятларнинг ҳаммаси Оуэн номи билан боғланган.

Оуэн тажрибасининг ва педагогика соҳасидаги идеяларининг аҳамияти. Роберт Оуэн болаларга бир ёшидан бошлаб ижтимоий тарбия бериш ғоясини биринчи бўлиб асослаб берди ва амалга оширди ҳамда жаҳонда биринчи бўлиб иролетариат болалари учун мактабгача тарбия муассасаси барпо этди. Унинг таълим-тарбия муассасаларида ақлий ва жисмоний тарбия берилар, болалар жамоа руҳида тарбияланар эди. Кўпгина илғор арбоблар, жумладан, рус революцион-демократлари А. И. Герцен ва Н. А. Добролюбовлар бу муассасаларга ижобий баҳо бердилар. Оуэн ўзининг тарбия муассасаларидан динни чиқариб ташлаш билангина кифояланмай, диний қарашлар халққа чинакам маърифат беришга тўсқинлик қилади деб ҳисоблаб, шу қарашларга қарши кураш ҳам олиб борди. Катта ёшдаги ишчилар учун Оуэн томонидан очилган оқартув муассасалари ҳам зўр аҳамиятга эга бўлди.

ИОГАНН ГЕРБАРТ

(1776—1841)

Иоганн Фридрих Гербарт Германияда туғилди. Гербарт дастлаб лотинча классик мактабда, сўнгра эса Иен университетида ўқиди. У немис идеалистик фалсафасининг намояндалари бўлган Кант ва Фиттенинг таълимотлари билан яхши танишди, аммо антик файласуф Парменидниг оламдаги нарсаларнинг ҳаммаси яхлит ва ўзгармасдир, деган таълимоти Гербартга айниқса катта таъсир кўрсатди.

Гербарт университетни тамомлагач, швейцариялик бир аристократ оиласида тарбиячи бўлиб ишлади. 1800 йилда у Песталоццининг Бургдорф институтига борди. Лекин у улуғ педагогнинг демократик қарашларини ўзлаштира олмади.

1802 йилдан бошлаб Гербарт Гёттинген ва Кенигсберг университетларида профессор бўлиб ишлади. Гербарт бу университетларда ўзининг педагоглик фаолиятини кенгайтириб юборди: психология ва педагогикадан лекциялар ўқиди, ўқитувчилар тайёрлаш семинарияларига раҳбарлик қилди. У семинария ҳузурида тажриба мактаби очиб, ўзи бу мактабда математикадан дарс берди.

Гербарт ўзининг «Тарбия мақсадларидан келиб чиққан умумий педагогика» (1806), «Психология дарслиги» (1816), «Пси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

хологияни педагогикага татбиқ қилиш тўғрисидаги хатлар» (1831), «Педагогикага доир лекциялар очерки» (1835) деган китобларида педагогикага доир ғояларини кенг баён қилиб берди.

Гербарт педагогикасининг фалсафий ва психологик асослари. Гербарт идеалистик фалсафа, асосан, этика ва психология асосида педагогика фани тизимини ишлаб чиқишга уринди. Гербарт ўзининг дунёқараши жиҳатидан метафизик эди. У олам бениҳоя кўп абадий мавжудотлардан — реаллардан иборатдир, одам буларни билишга қодир эмас, деб даъво қилди. Унинг фикрича, одамларнинг оламнинг ўзгарувчанлиги тўғрисидаги тасаввурлари қуруқ хаёлдир, борлиқ ва борлиқнинг моҳияти сира ўзгармайди.

Гербарт тарбиянинг моҳияти идеалистик фалсафадан, тарбиянинг мақсади эса этикадан келиб чиқади, деб тушунди. Гербарт ниҳоят даражада метафизик этика назариясини ишлаб чиқди. Унинг фикрича, ижтимоий ва шахсий ахлоқ абадий ва ўзгармас муайян ахлоқий ғояларга асосланади.

Тарбиянинг моҳияти, мақсади ва вазифалари. Гербарт тарбия мақсадини белгилаб олишга катта аҳамият берди. У тарбиянинг мақсади яхши фазилатли кишини таркиб топтиришдан иборат, деб ҳисоблайди. Гербарт шу мақсадни абадий ва ўзгармас деб ҳисоблаб, одамларни мавжуд муносабатларга мослаша оладиган, ўрнатилган ҳуқуқ тартибини ҳурматлайдиган, шу тартибга итоат қиладиган кишилар қилиб тарбиялашни кўзда тутди.

Педагог ўзи тарбиялаётган боланинг олдига шундай мақсад қўйиши лозимки, бола ҳам ўсиб катта бўлганидан кейин ўз олдига шундай мақсадларни қўя билсин. Мана шу бўлажак мақсадлар: 1) рўёбга чиқиши мумкин бўлган мақсадлар ва 2) зарур мақсадлар деб иккига бўлиниши мумкин.

Одам бир вақти келиб муайян ихтисос соҳасида ўз олдига қўйиши мумкин бўлган мақсадлар рўёбга чиқиши мумкин бўлган мақсадлардир.

Зарур мақсадлар деб шундай мақсадларга айтиладики, бу мақсадлар одамга ўз фаолиятининг ҳар қандай соҳасида керак бўлади.

Тарбия рўёбга чиқиши мумкин бўлган мақсадларни ўзи олдига қўйгач, у одамда хилма-хил, ҳар томонлама идрок қилиш қобилиятини ўстириши, қизиқиш доирасини кенгайтириши ва тўлароқ қилиши лозим, мана шунинг ўзи ички эркинлик ғоясига, такомиллик ғоясига мувофиқ бўлиб тушади. Зарур мақсадларга келганда тарбия бўлажак арбобнинг ахлоқини хайрихоҳлик ғояси, ҳуқуқ ва адолат ғояси асосида таркиб топтиришга ёки Гербартнинг сўзи билан айтганда, бу арбобда барқарор ахлоқий характер вужудга келтиришга мажбурдир. Гербарт тарбиянинг моҳияти боланинг кўнглини тасаввурлар билан бойитишдан иборат деб ҳисоблаб, болага фазилатли хулқ ғояларини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва сабабларини сингдиришни ва шу асосда унда ахлоқий характер вужудга келтиришни истайди.

Гербарт тарбия жараёнини бошқариш, ўқитиш ва ахлоқий тарбия бериш, деб уч бўлакка бўлади.

Бошқариш ўз олдига боланинг келажагини эмас, балки ҳозирги вақтнинг ўзида, яъни тарбия жараёнининг ўзида тартиб сақлаб туришни вазифа қилиб қўяди. Гербарт «ёввойи шўхлик» болаларга хос бир нарса деб ҳисоблаб, бошқариш ана шу «ёввойи шўхлик»ни йўқотишни лозим дейди. Бошқариш ташқи тарбияни сақлаб туриши билан тарбияланиш учун шарт-шароит вужудга келтиради. Лекин бошқаришнинг ўзи тарбияламайди, балки тарбиялашнинг мутлақо зарур шартидир, холос, дейди.

Гербарт тарбия ишида ақлий таълимга катта аҳамият берди. У таълимни тарбиянинг энг катта ва асосий воситаси деб ҳисоблади. Гербарт педагогикага тарбияловчи таълим терминини киритди. Таълимсиз тарбия бўлмайди, дейди у. Гербарт тарбияламайдиган таълимни тан олмайди. Аммо Гербарт ўзидан олдин ўтган педагогларнинг, жумладан, Песталоццининг тарбияловчи таълим тўғрисидаги қимматли ғоясини такомиллаштирган бўлса ҳам, аммо бу ғояни бир ёқлама талқин қилди.

Гербартнинг фикрича, таълим қизиқишларининг хилма-хиллигига асосланиши лозим. Бу қизиқишларнинг баъзилари теварак-атрофдаги воқеликни билишга, баъзилари ижтимоий ҳаётни билишга интилади.

Гербарт турли қизиқишларни олтита мустақил турга бўлади. У қуйидаги қизиқишларни биринчи гуруҳ қизиқишлар қаторига киритади: эмперик қизиқиш — бу қизиқиш бу қандай нарса, деган саволга жавоб беради ва кузатишга интилиш туғдиради; мушоҳадавий қизиқиш — бу қизиқиш, нега бу шундай, деган саволга жавоб беради ва фикр юритишга йўллайди; эстетик қизиқиш — бу ҳодисаларга бадиий баҳо беришни таъминлайди. Қуйидаги қизиқишлар иккинчи, гуруҳ қизиқишлар қаторига киради: ёқтирувчи қизиқиш — бу қизиқиш ўз оила аъзоларига ва жуда яқин таниш-билишларига қаратилган қизиқишдир; ижтимоий қизиқиш — одамларнинг кенгроқ доирасини, жамиятни, ўз халқини ва бутун инсониятни билишга қаратилган қизиқишдир. Гербарт «худонинг висолига етиш»га қаратилган диний қизиқишни ҳам шу гуруҳга киритади. Гербартнинг фикрича, одамзод ўз тарихининг бошланғич даврида болаларга ва ўспиринларга хос нарсаларга ва фаолият турларига қизиққан. Шу сабабли дейди у,— ўқувчиларга қадимий халқлар тарихи ва адабиёти доирасидан олинган ва тобора мураккаблашиб борадиган гуманитар билимлар бериш керак.

Гербарт қадимий тилларга ва математикага ҳам жуда юксак баҳо берди, шу билан бирга, у математикани асосан тафаккурни ўстириш воситаси деб, «руҳ учун кучли гимнастика» деб ҳисоблайди.

Гербарт мактаб тизими масаласини ўзининг консерватив иж-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тимоий қарашларига мувофиқ ҳал қилишга уринди. У мактабларнинг қуйидаги типларини: элементар мактаб, шаҳар мактаби ва гимназия вужудга келтиришни таклиф қилди. Мактабларнинг бу типлари бир-бирига боғлиқ эмас, уларнинг ҳар қайсиси мустақил яшайверади: элементар мактаб ва шаҳар мактабларидан махсус мактабларгагина ўтиш мумкин, гимназиядан эса олий ўқув юртларига ўтиш мумкин. Бундан кўриниб турибдики, Гербарт битта таълим тизимига қарши бўлган. Классик гимназия таълими Гербарт замонидаёқ ўз умрини тугатиб қолган бўлса ҳам, лекин Гербарт бу таълим тизимини қизғин ёқлаб чиқди. Унинг фикрича, савдо-сотиқ, саноат, ҳунар-касб ва ҳаёт учун амалий аҳамияти бўлган бошқа хил ишлар билан шуғулланиши лозим бўлган кишиларгина реал мактабда ўқиб тарбияланиши керак. Ақлий машғулотлар, раҳбарлик ва бошқарув ишлари билан шуғулланиши лозим бўлган кишилар, яъни жамиятнинг интизомли табақалари эса Гербартнинг фикрича, фақат классик гимназияда ўқиб таълим олиши лозим.

Гербарт таълим босқичлари назариясини ишлаб чиқди, бу назария ҳамма мамлакатларнинг педагоглари орасида кенг тарқалди. У таълимни боланинг психик фаолияти қонунларига мувофиқлаштиришга уриниб кўрди, бу қонунларни апперцептив жараён фаолиятининг механизми деб тушунди.

Гербартнинг фикрича, таълим жараёни, албатта, ўрганилаётган материалга чуқур кириш (чуқурлашиш) ва ўқувчининг ўзига чуқур берилиши (англаши) орқали ўтади. Уз навбатида бу иккита момент (чуқурлашиш ва англаш) ё кўнгил осойишта бўлган ҳолатда, ёки кўнгил ҳаракатда бўлган ҳолатда амалга оширилиши мумкин.

Таълимнинг тўрт босқичи мана шундан келиб чиқади, бу босқичларга Гербарт: 1) равшанлик, 2) ассоциация, 3) тизим, 4) метод деб ном берди.

Биринчи босқич равшанлик бўлиб, у осойишталик ҳолатидаги чуқурлашишдир. Урганилаётган материал шу материал билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммасидан ажратиб олинади ва чуқур равишда кўздан кечирилади.

Иккинчи босқич ассоциация босқичи бўлиб, бу ҳаракат ҳолатидаги чуқурлашишдир. Бунда янги материал ўқувчида мавжуд бўлган дарсларда, китоблар ўқиганда ҳосил қилинган, турмушдан ва шу кабилардан олинган тасаввурлар билан боғланади.

Учинчи босқич тизим босқичи бўлиб, бу осойишта ҳолатдаги англашдир. Бунда ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида эса тасаввурлар билан боғланган янги билимлар асосида хулосалар, таърифлар, қонунлар қидирадилар.

Тўртинчи босқич метод босқичи бўлиб, бу ҳаракат ҳолатидаги англашдир, олинган билимлар бунда янги фактлар, ҳодисалар ва воқеаларга татбиқ қилинади. Гербартнинг фикрича, бу босқичлар таълимнинг боришидаги изчилликни белгилаб беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гербарт таълимни тасвирий таълим, аналитик таълим, синтетик таълим деб уч турга бўлди.

Тасвирий таълим чекланган тарзда қўлланилади, лекин ўз чегараси доирасида унинг аҳамияти жуда катта. У боланинг тажрибасини аниқлаб олишни ва бу тажрибани тўлдиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ўқитувчи материални жонли, образли ҳикоя қилиб бериш йўли билан ўқувчиларнинг билимларини кенгайтиради. Бунда кўрсатмали воситалар катта роль ўйнайди.

Аналитик таълим «айни бир вақтда атрофни ўраб турган» нарсаларни айрим нарсаларга, бу нарсаларни эса таркибий қисмларга, бу таркибий қисмларни ҳам белгиларга бўлиш вазифасини ўз олдига қўяди. Болалар мактабга келганларида уларнинг бошларида жуда кўп тасаввурлар бўлади, лекин уларнинг онгида бу тасаввурлар қалашиб қолган бўлади. Вазифа шуки, ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчиларнинг бу фикрлари бўлакларга ажратилиши, тузатилиши ва такомиллаштирилиши лозим.

Синтетик таълим, асосан, юқори синфларда қўлланилади. Ўқитувчи янги материални баён қилар экан, уни тасвирлаб бериш билан чекланиб қолмайди, балки умумий хулосалар чиқаради, ўқувчиларга бўлак-бўлак ҳолда маълум бўлган, уларнинг онгида бир-биридан алоҳида-алоҳида турган турли тасаввурларни бир бутун ҳолга келтириб, тақриб қилади. Гербарт синтетик таълимга катта аҳамият беради. Унинг сўзи билан айтганда фақат тақрибгина «тарбия талаб қилганидек, фикрларнинг мунтазам тизимини тиклаб бериши» мумкин. Гербарт шу қадар катта эътибор берганлигининг ўзи ғоят қимматлидир.

Гербартнинг фикрича, тасвир, таҳлил ва тақриб ўқув жараёнида бирин-кетин киритиладиган ва бирининг ўрнини иккинчиси изчиллик билан алмаштириб турадиган, бир-биридан ажратиб қўйиладиган қандайдир таълим методлар эмас. Таълим жараёни таълимнинг шу уч усулида бирлик бўлишини таъминлаши лозим.

Гербарт ахлоқий таълимнинг ниҳоят даражада интеллектуализм руҳи билан суғорилган тизимини ишлаб чиқди. Унинг педагогика тизимида ўқитувчининг ўқитиш воситаси билан ўқувчи онгига ахлоқий тушунчаларни сингдиришига катта аҳамият берилади.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, Гербарт бошқаришни ахлоқий тарбиядан ажратди, у фақат ҳозирги вақт учун тартиб ўрнатиши лозим бўлган бошқаришга нисбатан ахлоқий тарбиянинг принципиал фарқини топишга уринди, лекин бунга озроқ бўлса-да, ишонтирарли далил топа олмади, зотан бундай далил топиш мумкин ҳам эмас эди. Чунки интизом тарбиянинг ҳам шарти, ҳам натижасидир.

Гербартнинг ахлоқий тарбия принциплари бошқариш принципларига қарама-қаршидир. Бошқариш боланинг иродаси ва онгини тартибга солиб туради. Ахлоқий тарбия тизимида эса тарбияланувчида мавжуд бўлган яхши белгиларнинг ҳаммаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

ахлоқий тарбия методларига таянч бўлиши лозим. Ахлоқий тарбия «тарбияланувчининг яхши хислатларини чуқур маъқуллаш воситаси билан унинг «ўз шахсини» ўзининг назарида улуғлашга» интилиши лозим. Тарбиячи ҳатто йўлдан озган тарбияланувчининг ҳам яхши белгиларини топиши ва бунга дарҳол эриша олмаса, умидсизликка тушиб қолмаслиги зарурдир. Ахлоқий тарбия тизимида «бир учқун шу ондаёқ иккинчи учқунни чақнатиши мумкин».

Гербарт ахлоқий тарбиянинг ўзига хос воситалари қаторида қуйидагиларни кўрсатиб ўтади.

1. Тарбияланувчини тийиб туриш (болани бошқариш, уни итоаткор бўлишга ўргатиш — бу воситага хизмат қилади). Болалар учун хатти-ҳаракат чегараларини белгилаб қўйиш керак.

2. Болани белгилаб олиш, яъни уни шундай шароитга қўйиш керакки, бу шароитда у «қулоқ солмаслик оғир кечинмаларга олиб келишини» фақат тарбиячининг кўрсатмаларидангина эмас, балки шу билан бирга ўз тажрибасидан ҳам тушуниб оладиган бўлсин.

3. Хулқнинг аниқ қоидаларини белгилаб қўйиш.

4. Тарбияланувчининг кўнглида «осойишталик ва равшанлик» бўлишини таъминлаб туриш, яъни «тарбияланувчида ҳақиқатга нисбатан шубҳа туғилиши» учун асос бермаслик.

5. Маъқуллаш ва сазо бериб туриш йўли билан боланинг кўнглини «тўлқинлантириб» туриш.

6. Болани «хабардор» қилиб туриш, яъни унинг нуқсонларини кўрсатиб ва тузатиб туриш.

Ахлоқий тарбияда жазо чораларини ҳам қўллаш керак, лекин интизом ўрнатиш учун қўлланиладиган жазо чоралари тарбиялаш мақсадида бериладиган жазо чораларидан фарқ қилиши лозим, тарбиявий жазо чоралари қасос ғояси билан боғланмасдан, балки тарбияланувчига хайрихоҳлик билан қилинаётган огоҳлантириш чоралари бўлиши лозим.

Тарбияланувчининг онгида ҳар бир нарсани ўзимча мустақил ҳал қила бераман, деган фикрнинг кучайиб кетишига йўл қўйиш жуда хавфлидир. Тарбияланувчининг ҳар қандай одамлар орасида (улфатчиликда) бўлишига жуда эҳтиётлик билан қараш керак, «ижтимоий турмуш оқими болани ўз гирдобига тортмаслиги ва тарбияга қараганда зўрроқ бўлиб кетмаслиги лозим». Гербарт тарбиячининг обрўсини ниҳоят даражада юқори кўтаришни талаб қилди, бу обрў тарбияланувчининг назарида «кўпчиликнинг фикридан» ҳамиша устун бўлади деб ҳисоблади, шунинг учун ҳам «тарбиячи жуда зўр обрўга эга бўлиши, тарбияланувчи бундай обрў олдида бошқаларнинг ҳар қандай фикрини назар-эътиборга олмайдиган бўлиши ғоят зарурдир».

Гербартнинг мана шу фикрлари унинг ахлоқий тарбия тўғрисидаги таълимотининг консерватив характерда эканини яққол кўрсатди.

Гербарт ҳаёт чоғида унинг педагогикага доир фикрлари кенг тарқалмади. Меҳнаткаш халқ оммасига хиёнат қилган Ғарбий

www.ziyouz.com kutubxonasi

Европа буржуазияси 1848 йил революцияси тор-мор қилинганидан кейин Гербартнинг белгиланган тартиб асло бузилмаслиги керак, деган назариясига жуда қизиқиш ортди. Гербарт ғоялари Германияда, Россияда, Ғарбий Европанинг кўпгина мамлакатларида кенг тарқалди. Америкада ҳам бу ғояга талаб туғилди.

Европа ва АҚШ да классик ўрта мактаблар кўп жиҳатдан Гербарт педагогикасига асосланиб қурилди. Гербартнинг болаларни бошқариш тизими кенг ёйилди. Бу тизим болалар ташаббусини бўғишга ва уларни катталарнинг обрўйига ҳеч сўзсиз бўйсундиришга қаратилган тизим эди.

Гербарт педагогикани илмий фан даражасига кўтариш учун кўп иш қилди. У педагогиканинг ўзига хос тушунчалар тизими борлигини кўрсатди.

Гербартнинг дидактика масалаларини ишлаб чиққанлиги катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг кўп томонлама қизиқиш тўғрисида, таълимнинг тизимли бўлиши тўғрисида, қизиқиш ва диққатни ўстириш тўғрисида айтган фикрлари ҳеч шубҳасиз қимматлидир. Гербартнинг таълим билан тарбия ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб беришга уринганлигига ҳамда тарбияловчи таълим соҳасида у ҳимоя қилган принципга ижобий баҳо берса арзийди.

АДОЛЬФ ДИСТЕРВЕГ

(1790—1866)

Адольф Дистервегнинг ҳаёти ва ижтимоий-педагогик фаолияти. Атоқли немис педагоги Фридрих Вильгельм Адольф Дистервег XIX аср ўрталарида герман буржуа-демократик педагогикасининг прогрессив намояндасидир. У Вестфалиядаги саноат шаҳарчаси Зигенда чиновник-юрист оиласида туғилди.

Дистервегнинг ўзи ўрта мактабда ўқиган чоғидаёқ догматик таълимдан умрбод нафратланадиган бўлиб қолганлигини айтади. У 1808 йилда Герборн университетига кириб ўқиди, математика, фалсафа ва тарихни ўрганди, сўнгра Тюбинген университетига ўтди ва уни 1811 йилда тамомлади, кейинроқ бориб эса фалсафа фанлари доктори унвонини олди.

У халққа маърифат бериш ишига ўзини бағишлашга қарор қилди ва дастлаб Мерс-Рейнда, сўнгра эса Берлинда ўқитувчилик семинарияларига узоқ вақт бошчилик қилди, уларни намунали семинарияларга айлантиришга муваффақ бўлди. Дистервег семинарияда педагогика, математика ва немис тилидан дарс берди, айни вақтда шу семинариялар ҳузуридаги бошланғич тажриба мактабларида ҳам ўқитувчилик қилди. Дистервег педагоглик соҳасида самарали иш олиб бориш билан бир вақтда, адабий ва методик ишларини ҳам зўр муваффақият билан бажариб турди. У «Немис ўқитувчиларини ўқитиш учун қўлланма» деган китобини нашр қилдирди (1835), бу китобда Дистер-

www.ziyouz.com kutubxonasi

вег таълимнинг умумий вазифаларини ва принциплари тўғрисидаги ўзининг прогрессив қарашларини баён қилиб берди, шунингдек, у математика, немис тили, география, математик география, астрономияга доир йигирмадан ортиқ дарслик ва қўлланмалар нашр қилди; бу дарсликлар ва қўлланмалар Германияда ва бошқа кўпгина мамлакатларда катта шуҳрат қозонди.

Дистервег тирик чоғидаёқ асарлари Россияда машҳур бўлган эди. Чунончи, 1862 йилда унинг «Элементар геометрия»си рус тилида нашр этилди; Россиянинг илғор педагоглари бу китобни бошланғич мактабларда геометрия ўқитиш учун энг яхши қўлланма деб ҳисобладилар.

Дистервег 1827 йилдан то умрининг охиригача «Тарбия ва таълим учун Рейн варақалари» деган журнал чиқариб турди. У бу журналда педагогиканинг турли масалаларига доир тўрт юздан ортиқ мақоласини бостирди. Дистервег бошланғич мактабларнинг ўқитувчиларини тайёрлаш ишини тубдан яхшилаш учун курашди. У немис халқ ўқитувчиларини бирлаштириш учун жуда кўп иш қилди.

Дистервег ҳаёт чоғидаёқ «Немис муаллимларининг муаллими» деган фахрли унвонга сазовор бўлди.

Дистервег умрининг охирги кунларига қадар прогрессив ижтимоий педагогика ишлари билан шуғулланди. Дистервег вабо билан оғриб, 1866 йилда вафот этди.

Дистервег Германияда тоифавий мактаб тарафдорлари билан ҳамма учун баробар бўлган умумий мактаб тарафдорлари ўртасида авж олиб кетган курашда актив қатнашди. Тоифавий мактаб тарафдорлари немис халқ маорифи тизимида аҳолининг ҳар бир тоифаси учун алоҳида мактаб бўлиши (аҳолининг энг камбағал тоифаси учун — халқ мактаби, бюргерлар учун — реал ўрта мактаб, дворянлар ва чиновниклар учун — классик гимназия бўлиши) лозим деб ҳисоблар эдилар. Ҳамма учун баробар бўлган мактаб тарафдорлари ва шулар қаторида Дистервег ҳам ҳамма болалар учуң очиқ бўлган мактаб вужудга келтиришни талаб қилдилар.

Тарбиянинг моҳияти, мақсади ва асосий принциплари. Дистервег умуминсоний тарбия ғоясини ҳимоя қилиб чиқди, шу ғояга таяниб туриб, педагогикага оид масалаларни юқори тоифавий ва шовинистик манфаатларни кўзлаб ҳал қилишга қарши курашди. Унинг фикрича, мактабнинг вазифаси «чинакам пруссияликлар» эмас, балки инсонпарвар кишилар ва онгли граждданлар тарбиялаб етиштиришдир. Одамларда инсониятга ва ўз халқига бўлган муҳаббат бир-бирига чамбарчас боғланган ҳолда ривожлантирилиши лозим. Дистервег «инсон — менинг номим, немис — менинг лақабимдир» дейди.

Дистервег Песталоцци сингари тарбиянинг энг муҳим принципи — унинг табиатга уйғун бўлишидир, деб ҳисоблади. Дистервег тарбиянинг табиатга уйғун бўлишини қуйидаги мазмунда талқин қилди, яъни тарбия одамнинг табиий камол топишига қараб олиб борилиши, ўқувчининг ёши ва ўзига хос хусу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сиятлари ҳисобга олиниши керак, деди. Дистервег ўқитувчилар болалар диққати, хотираси, тафаккурининг ўзига хос белгиларини синчиклаб ўрганишлари керак, деб айтди; у психологияни «тарбия тўғрисидаги фаннинг асоси» деб билди. Дистервегнинг катта хизмати шундаки, у педагоглик тажрибасини педагогикани тараққий эттиришнинг манбаи деб ҳисоблади. У моҳир педагогларнинг болаларни тарбиялаш ва бу соҳадаги иш тажрибаларини ўрганиш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Дистервег табиатга уйғун бўлиш принципига қўшимча равишда тарбия маданий уйғун характерда бўлиши ҳам керак, деб талаб қилди.

Дистервег тарбиянинг олий мақсадини белгилаб, бу «ҳақиқатга, гўзалликка ва яхшиликка хизмат қилишга қаратилган ташаббускорликдир» деб айтди. Бу таъриф ҳар қанча мужмал бўлса ҳам, лекин унда прогрессив ғоялар бор. Дистервег ўқитувчиларда Пруссиянинг мудҳиш воқелигига нисбатан олийроқ қандайдир бир нарсага интилиш туғдирди. Бундан ташқари, Дистервег Гербартдан фарқ қилиб, ҳақиқатни, яхшиликни ва гўзалликни тарихан ўзгарувчан тушунчалар деб ҳисоблади. Дистервегнинг сўзи билан айтганда «ҳақиқат одамзод билан биргаликда абадий ҳаракатда бўлиб туради. Ўзгаришлардан бўлак ҳеч бир нарса доимий эмас».

Ақлий таълим. Дистервег ҳам Песталоцци сингари, таълимнинг асосий вазифаси болаларнинг ақлий кучларини ва қобилиятларини ўстиришдан иборатдир, деб ҳисоблайди. Лекин у формал таълим моддий таълим билан чамбарчас боғланганлигини кўрсатиб, Песталоццига нисбатан олға томон катта қадам қўйди. Дистервег, умуман соф формал таълим бўлмайди, лекин ўқувчининг ўзи мустақил олган билимлари ва малакаларигина қимматга эгадир, деб уқтирди.

Таълим инсоннинг ҳар томонлама камолотга етишига ва унинг ахлоқий тарбиясига ёрдам бериши лозим. Ўқитилаётган ҳар бир нарса таълим жиҳатдан қимматга эга бўлиш билан бир қаторда, ахлоқий аҳамиятга ҳам эгадир.

Дистервег ватан тарихини ва географиясини, она тили ва адабиётни ўқитишнинг болаларга таълим беришда катта роли борлигини кўрсатиб ўтди. У табииёт ва математика фанларига айниқса юксак баҳо берди, бу фанлар болаларнинг ақлий ўсиши учун муҳим восита эканлигини кўрсатди ва ҳамма типдаги умумий таълим мактабларида бу фанлар ўқитилиши лозим деб ҳисоблади. Шу билан бирга, у табииёт ва математика ўқувчиларни зарур билимлар билан лозим бўлган даражада қуроллантириши, уларни келажак амалий фаолиятига тайёрланиши лозим, деб талаб қилди.

Дистервегнинг фикрича, бошланғич мактабда ўқувчиларнинг ўқитилган материални ўзлаштириш устида мустақил ишлай оладиган қилишга, уларда бунинг учун малака ҳосил қилишга, уларнинг ақлий куч ва қобилиятларини ўстиришга асосий эъти-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЛЕВ НИКОЛАЕВИЧ ТОЛСТОЙ

(1828—1910)

Гениал рус ёзувчиси, забардаст танқидчи, чинакам маърифатчи ва инсонпарвар мураббий Лев Николаевич Толстой 1828 йил 9 сентябрда Тула губерниясидаги Ясная Поляна қишлоғида туғилди. У ўз билимларини кўпинча мустақил ўқиб-ўрганиш орқали оширди.

Л. Н. Толстой ўзининг педагогик фаолиятини асосан 1849 йилда Ясная Поляна қишлоғидаги деҳқонларни ўқитиб саводхон қилиш ва уларнинг турмушини яхшилашга киришишдан бошлади. Лев Николаевич қишлоқ камбағалларининг болаларини астойдил иштиёқ билан ўқита бошлади. У ҳатто Ясная Поляна атрофидаги қишлоқларда ҳам мактаблар ташкил этишда ташаббускорлик кўрсатди, бу ишга шахсан ўзи бошчилик қилди.

Л. Н. Толстой ўзининг педагогик фаолиятини педагогика соҳасида нодир асарлар яратиш билан қўшиб олиб борди. Шубҳасизки унинг ижодий фаолиятига ўша даврнинг ижтимоий муҳити таъсир этмасдан қолмас эди.

Ўтган асрнинг 40—60- йилларидаги илғор рус гуманист-демократ ёзувчилари, жамоат арбоблари ва педагоглари чор Россиясининг мактаб-маориф тизимидаги сиёсатига, таълим-тарбия ишидаги схоластика ва формализмга қарши қаттиқ курашдилар. В. Г. Белинский, Н. Г. Чернишевский, Н. А. Добролюбов, К. Д. Ушинскийлар қатори Л. Н. Толстой ҳам ўз замонасидаги мактабларни, чоризмнинг мактаб ишларидаги деспотизмини қаттиқ танқид қилди. Болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ишини эркин равишда олиб боришга, болаларнинг ёшлигини иззат ва ҳурмат қилишга чақирди.

Чор Россияси давридаги мактаблар ўқитиш жараёни орқали болаларни мустақилликка, ташаббускорликка ва ижодий ишлашга ўргатмас, Толстой эса ўқитишдаги формализм, педантизм ва болаларни бир томонлама, пассив тарбиялашнинг ашаддий душмани эди. Шу сабабли ҳам у педагоглик фаолиятида ўз даври учун илғор ва оригинал таълим-тарбия тизими, умуминсоний характерда бўлган ўқитиш ва тарбиялаш тизимини жорий этди ва умуминсоний характерда ўқитиш ва тарбиялаш тизимини кенг миқёсда тарғиб этди.

Маълумки, XIX асрнинг 60- йилларида Россияда ижтимоий-педагогик ҳаракат кенг авж олди. Худди ана шу даврда Л. Н. Толстой педагогика билан амалий тарзда шуғулланади ва ўз олдига рус мактабларини болалар учун энг яқин ҳамда керакли даргоҳга айлантириш вазифасини қўяди. Унинг педагоглик фаолиятини яққол тасаввур этиш учун шартли равишда уч даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр —1859—1862 йиллар; иккинчи давр —1869—1876 йиллар; учинчи давр —1880 йилдан умрининг охиригача бўлган давр.

www.ziyouz.com kutubxonasi

стой 1859 йилда Ясная Полянада ўз ҳисобига деҳқонлар-
лалари учун мактаб очди ва таклиф этилган ўқитувчи-
лан биргаликда унда машғулотлар олиб борди. Шунинг-
Тула губерниясида маориф ишларини қайта ташкил этишда жонбозлик кўрсатди. Бу даврда унинг ташаббуси билан 20 дан ортиқ мактаб очилди.

Ўзининг маориф соҳасидаги тажрибаларини кенг ёйиш мақсадида Л. Н. Толстой 1862 йилдан бошлаб «Ясная Поляна» номли педагогик журналини чиқара бошлади ва унинг саҳифаларида «Халқ маорифи тўғрисида», «Саводга ўргатиш методлари ҳақида», «Мактабларнинг эркин таркиб топиши ва ривожланиши», «Ўқувчиларнинг энг яхши иншолари» каби бир қатор мақолаларини эълон қилди.

Толстой ўзининг педагогик асарларида ўқитиш назарияси масалалари юзасидан бир қанча оригинал дидактик ғояларни илгари сурди. Лекин унинг ўқитиш ҳақидаги айрим фикрлари қарама-қаршиликлардан ҳам холи эмас эди.

60- йилларнинг бошида Толстой педагоглик ишига астойдил киришиб, бу соҳада узлуксиз изланиш олиб боради ва «ҳар бир мактаб ўзига хос бир таълим-тарбия лабораторияси бўлиши керак» деган талабни қўяди, унинг Ясная Полянадаги мактаби ҳам ўзига хос тажриба лабораторияси эди. Ўқитувчининг ўқувчилар билан эркин суҳбати асосида ташкил этилган бу мактабда 7 ёшдан 13 ёшгача бўлган 30—40 нафар деҳқон болалари ўқир эди. Болалардан ташқари, ҳар йили қишлоқдаги 3—4 нафар катта ёшдаги кишилар ҳам таълим олар эдилар. Толстой ўзи ташкил этган мактаб учун унда бериладиган ўқитиш мазмунини ҳам, ўқув режасини ҳам мустақил тарзда ишлаб чиқди. Чунончи, унинг мактабида, ўқиш, ёзиш, ҳуснихат, грамматика, дин дарси, рус тарихидан ҳикоялар, арифметика, табииёт ва географиядан элементар билимлар берилар, расм ва ашула ўргатилар эди. Рус тили дарсларида Толстой ўқувчи болаларга бадиий ҳикоялар шаклида табииёт, география ва тарихдан маълумотлар берарди. У бундай ҳикояларнинг намунаси сифатида «Ясная Поляна мактаби» сарлавҳали мақоласида 1812 йилги Ватан урушига оид ҳикояни келтирарди.

Л. Н. Толстойнинг маърифатпарварлик фаолияти ҳукмрон доираларда норозилик кайфиятларини туғдирди. 1862 йилнинг ёзида Толстой Ясная Полянада йўқлигида жандарма у очган мактабни тинтув қилди. Бу ҳолат Лев Николаевични қаттиқ изтиробга солди; у вақтинчалик педагогик фаолиятини тўхтатиб, адабий ижодий иш билан шуғулланди.

Толстой 1869 йилда «Уруш ва тинчлик» романини ёзиб, тугатгач, болалар билан ўтказадиган машғулотини яна қайта тиклади.

70- йилларда Толстой халқ маорифи соҳасига ҳар томонлама катта қизиқиш билан ёндошди. 1872 йилда унинг «Азбука» («Алифбе») китоби босилиб чиқди. 1875 йилда эса қайта иш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ланган «Новая Азбука» («Янги Алифбе») ҳамда тўртта «Книга для чтения» («Ўқиш китоби») нашр қилинди.

Толстой савод ўргатиш учун грамматикани яхшилаш устида кўп ишлади, ўз қишлоғидаги мактабларда товуш методининг таъсирини аниқлаш, бу методнинг афзаллик томонларини билиб олиш мақсадида махсус тажриба ишларини ҳам ўтказиб, ижобий хулосага келди.

Л. Н. Толстой «Алифбе» ва «Ўқиш китоби» хрестоматиялари билан бир қаторда, ўз замонаси учун кўпгина афзалликларга эга бўлган арифметика дарслигини ҳам тузди. Илғор методист-олим сифатида тайёрлаб нашр этган дарслик ва қўлланмалар Толстойнинг ўз фаолиятида бошланғич таълим методикаси билан баракали шуғулланганидан далолат беради.

Толстой ўз педагогик фаолиятининг дастлабки босқичида таълим бошқа нарса, тарбия бошқа нарса деб тушунган эди. Педагоглик фаолиятининг сўнгги даврида эса, у таълимдан тарбияни ажратиб қўйиш хато эканини англаб, тўғри йўлга тушиб олади.

«Алифбе» ва грамматикани қандай ўқитиш кераклиги тўғрисидаги қимматли фикрларни баён этади.

Л. Н. Толстой педагогик фаолиятининг сўнгги даври (1880 йилдан то умрининг охиригача) ўзига хос босқичдан иборатдир. Бу давр толстойчилик диний эътиқодининг шаклланиши билан характерланади: одамларга умумий меҳр-муҳаббат, барча гуноҳларни кечириш, ўзаро келишувчилик, зулмга қарши зўравонлик кўрсатмаслик ва ҳоказо. Толстой ўзининг диний-ахлоқий таълимотини деҳқонларнинг болалари билан ўтказадиган машғулотларида, шунингдек, катта ёшдаги аҳоли орасида тарғиб қилди.

АНТОН СЕМЕНОВИЧ МАКАРЕНКО
(1888—1939)

Антон Семёнович Макаренко 1888 йилнинг 13 мартида Харьков губернасининг Белополе шаҳрида ишчи оиласида туғилди. Макаренколар оиласи ўз даврида илғор, маданиятли оила эди. Отаси Семён Григорьевич соф виждонли, ростгўй, меҳнатсевар киши эди.

Ёш Антон ўқишни жуда эрта, беш ёшидаёқ ўрганиб олди. А. С. Макаренко шаҳар билим юртини битиргандан кейин, бир йиллик педагогика курсига кириб, уни тамомлаб чиқди ва 1905 йилда халқ ўқитувчиси унвонини олиб, темир йўл мактабига ўқитувчи қилиб тайинланди. А. С. Макаренко бу мактабда олти йил ишлайди. У ўз билими, таланти ва жўшқин фаолияти билан бошқа ўқитувчилардан ажралиб турар эди.

А. С. Макаренко ўз билимини янада ошириш мақсадида, 1914 йилда Полтавадаги ўқитувчилик институтига кириб, уни 1917 йилда олтин медаль билан тамомлайди. У 1917/1918 ўқув йилида Крюководаги олий бошланғич мактабга инспектор (му-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дир) қилиб тайинланади ва педагогик ишига зўр қизиқиш билан киришади.

Харьков маориф бўлимининг мудири 1920 йил сентябрь ойида А. С. Макаренкони ўз ҳузурига чақириб, унга кўчаларда боқимсиз юрган болаларни тарбиялаш вазифасини топширди.

Бу иш Макаренко учун янги ва ғоят масъулиятли иш эди. Чунки боқимсиз болалар билан ишлаш методини на Макаренконинг ўзи ва на маориф ходимлари билан эди. Гап одамни янгича тарбиялаш, баркамол инсон тарбияси устида бораётганини тўла тушуниб етган А. С. Макаренко тезлик билан бу ишга киришиб, Харьков яқинидаги болалар колониясини ташкил этди.

Антон Семёнович қўлига берилган болалар ўтмишда жиноят қилган, интизомсиз, меҳнатга кўникмаган ўсмир ва йигитчалар эди. А. С. Макаренко ана шу ёшлардан Ватанга содиқ, интизомли, меҳнатни севадиган ва иш биладиган ҳақиқий фуқароларни етиштира олди. Ўзининг узоқ йиллик ҳалол меҳнати орқасида боқимсиз болалардан янги одамлар — ажойиб талант эгаларини тарбиялаб ўстирди. Улар билан бир қаторда ўзи ҳам машҳур педагог, ёзувчи даражасига кўтарилди.

У бир неча педагогик ва публицистик асарлар ёзди. Унинг «Педагогик поэма», «Миноралардаги байроқлар», «Ўттизинчи йиллар марши», «Ота-оналар китоби», «Болалар тарбияси тўғрисида лекциялар», «Таълим-тарбия тажрибасидан баъзи хулосалар» каби асарлари уни ўзига хос тарбия мактаби яратган педагог ва адиб сифатида танитди.

А. С. Макаренко ўз асарлари ва болалар тарбиясига оид бир қатор методик тавсияларида оиладаги тарбия ишлари, интизом, ота-оналар обрўси, меҳнат тарбияси, жисмоний тарбия, ўйин, маданий малакани ошириш каби долзарб мавзуларда ёзилган бўлиб, унда ёшларни чидамли, иродали, қувноқ, ахлоқли, ҳеч қандай қийинчиликлардан қўрқмайдиган, ҳақиқий ватанпарварлар қилиб тарбиялаш ғоялари илгари сурилган.

Бадиий педагогик асар сифатида жаҳон адабиётида «Педагогик поэма»га тенг келадиган асар йўқ. Бу китоб кишига чексиз ишонч ва муҳаббат, гуманизм руҳи билан суғорилган, муаллиф унда кишиларни қайта тарбиялаш, жамиятимизнинг актив бинокорлари қилиб етказишда янги педагогик тажрибани, иш усуллари ва методларини батафсил тасвирлаб берган.

«Педагогик поэма»— болалар жамоаси ҳаётини реалистик асосда ҳар томонлама кенг тасвирлаб берган асардир.

Китобнинг мавзуи боқимсиз болалар колониясидаги ҳаёт, тарбиячиларнинг фаолияти, айрим қаҳрамонларнинг таржимаи ҳоли, тарбияси бузилган болалардан янги руҳ, янги ахлоққа эга бўлган янги кишилар тарбиялаб чиқариш учун курашдан иборатдир. Китобнинг қаҳрамони мураккаб воқеаларни бошидан кечирган болалар жамоасидир.

Боқимсизлик тақдири азал эмас, у турмушни чалкаш, хато йўл билан олиб боришдан келиб чиқади, бу йўлга тушиб қолув-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чилар ақлий томондан заиф эмас, ахлоқ жиҳатидан қийин тарбияланувчилар ҳам эмас. Уларнинг тарбияси устида жиддий қайғурилса, улардан ажойиб талантлар етишиб чиқади, деб таъкидлайди ёзувчи.

Макаренко ўзининг бу қарашлари ва амалий иш тажрибалари билан идеалист педагогларнинг зарарли назарияларини тамомила парчалаб ташлади.

А. С. Макаренко педагогика фанлари соҳасида мавжуд меросдардан танқидий фойдаланди. Эски педагогика китобларида: педагог болани севиб, унга эҳтиётлик ва ғамхўрлик билан қараши керак; болага қаттиқ гапирма, у бузилади; ҳар қандай гуноҳ қилса ҳам эҳтиётлик билан муомала қил; ойна синдирар экан, эшик бўяр экан, майли қилсин, педагог эса бунга эҳтиётлик билан қарасин,— деган фикр тарғиб қилинар эди.

Макаренко бу қарашларга мутлақо қарши чиқиб: «... талабчан бўлмаслик, талабнинг болаларга нисбатан бўш бўлиши, бу педалогиянинг ўзи, бу эса боланинг кучига ишонмаслик ва уни камситишдан келиб чиқади», дейди.

Макаренконинг фикрича, бизнинг болага нисбатан талабчанлигимиз уни севиш ва ҳурмат қилишга асосланади. Шунинг учун ҳам тарбиячи болаларга нисбатан талабчан бўлиши, уни назорат қилиб бориши, шу йўллар билан бирга болага ёрдам бериши керак. Бу системали талабчанлик, болага ёқиши ва ёқмаслигидан қатъи назар, унда фаолият, масъулият туйғуларини ўстиради ва иродасини мустаҳкамлайди. Талабчан бўлмаслик эса болада масъулиятсизлик ва иродасизликни келтириб чиқаради. Макаренко фикрича, тарбиянинг асосий формаси сифатида болалар жамоасини яратиш ва бу тизим асосида педагогиканинг тарбиявий тамойилларини амалга ошириш керак.

А. С. Макаренко болаларни якка тартибда ўрганишга, болалар жамоасини тузишга алоҳида эътибор беради. Унинг фикрича, ўқитувчи болалар жамоасини уюштира олса, у жамоа педагогнинг ишончли ёрдамчисига айланади, шу жамоа ёрдами билан педагогларни чуқур ўргана олади.

Макаренко фикрича, «коллектив — социал тирик организм... у ўзининг органига эга, унда вакиллар бор, масъулият бор... Бир-бирларига нисбатан боғланиш бор, агар булар бўлмаса коллективнинг ўзи ҳам бўлмас, унда ёлғиз бош-бошдоқликкина бўлар эди». Макаренко ўзининг системасини Горький номли болалар колониясида тўла-тўкис амалга ошира олди. Масалан, у ҳар қандай оғир ва «кўнгилсиз» ишни ҳам болалар ва отрядлар ўртасида навбат билан тақсим этар эди. Кўнгилли ва кўнгилсиз, оғир ва енгил бўлишидан қатъи назар, зарур, фойдали бўлган ҳар қандай ишни завқ билан бажаришга болаларни одатлантирар, уларнинг меҳнат малакаларини ошириб борар эди. Макаренко ўзининг кўп йиллик педагогик фаолияти давомида болалар жамоасини яратиш соҳасида тинмай ишлади ва уни назарий ва амалий жиҳатдан асослади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шуни ҳам айтиш керакки, А. С. Макаренко томонидан яратилган педагогик системада қатор камчиликлар ҳам бор. А. С. Макаренко асарларида ақлий тарбия, дидактика, ўқитишнинг методи ва мазмуни, мактаб дарсининг форма ва системаси, жисмоний тарбия ҳамда мактаб, болалар ва ўсмирлар, ёшлар ташкилотларининг роллари маълум бир тизимда берилмаган. А. С. Макаренконинг бадиий ва педагогик асарларида энг муҳим педагогик масалалардан бири бўлган ўқитиш жараёнида тарбия масалалари ҳам етарли равишда системалаштирилмаган.

А. С. Макаренко вафоти (1939 йил 1 апрель)дан буён ўтган вақт ичида халқимизнинг ижодкор меҳнати билан жамиятимизнинг барча соҳаларида, жумладан халқ таълими тизимида, педагогика фанида катта ўзгаришлар содир бўлди. Аммо А. С. Макаренконинг мактаб-маориф тизимини такомиллаштириш, мустаҳкамлаш соҳасида олиб борган ишлари, яратган назариялари, ёзиб қолдирган педагогик асарлари йилдан-йилга ўз актуаллигини тобора оширмоқда, мамлакатимизда педагогика фанидаги, мактаб олдидаги вазифаларни ҳал қилишда унинг тажрибалари, бой педагогик мероси ҳали ҳамон дастуруламал бўлиб турибди.

ВАСИЛИЙ АЛЕКСАНДРОВИЧ СУХОМЛИНСКИЙ

(1918—1970)

Василий Александрович Сухомлинский 1918 йилнинг 28 октябрида Украинанинг Кировоград вилоятидаги Павлиш қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келди.

Василий дастлабки таълимни ана шу қишлоғидаги Василевка мактабида олди. Мактаб директори Иван Саввич ва ўқитувчиси Анна Самойловналар Василий учун энг севимли кишилар бўлиб қолди. 1933 йилда мактабни тугатган Василий Кремечугда рабфакда ўқиди ва уни тугатиб Полтава пединститутининг филология факультетига ўқишга кирди.

Аммо бевақт бошланган касаллик туфайли, у кундузги ўқишни ташлаб, уни сиртқи бўлимига кўчирди ва ўз она қишлоғига — Василевка мактабига келиб, бошланғич синфда ўқитувчилик қила бошлади. Сухомлинский ўз ўқувчиларини синчиклаб ўрганишга, уларнинг ўзига хос хислатлари ва хусусиятларини билишга интилди.

У ҳар бир имкониятдан болаларни табиатдан завқ олишга ўргатиш учун фойдаланди. Бунда у ўзининг биринчи муаллимаси Анна Самойловнага тақлид қилар ва унинг тажрибасини қўллар эди.

У дарсдан кейин болалар билан далаларга, қирларга сайлга чиқар, ўрмонга сайр уюштирар, болалар эътиборини она юрт табиатининг гўзаллигини ҳис этишга қаратар эди.

1939 йил В. А. Сухомлинский институтни муваффақиятли тугатди ва Онуфровкада район марказидаги ўрта мактабга тил

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва адабиёт ўқитувчиси қилиб тайинланди. Бу ерда у энди ўз фани бўйича юқори синфларда дарс бера бошлади.

В. А. Сухомлинский кейинчалик мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлай бошлади.

1941 йилги қўққисдан бошланган уруш В. А. Сухомлинскийни жонажон мактаби, севимли ўқувчиларидан ажратиб Ватан ҳимоясига отлантирди.

1942 йилда Ржевск учун бўлгаи жангда оғир яралор бўлган В. А. Сухомлинский Уралга госпиталга жўнатилади, госпиталдан урушга яроқсиз бўлиб чиқади ва яна ўқитувчилик касбига қайтади. У Увин ўрта мактабига директорлик вазифасига тайинланади.

В. А. Сухомлинскийнинг педагогик фаолияти урушдан кейинги йилларда тикланди. Бу йилларда мактабда ўқитувчилик қилиш ва болаларни тарбиялаш анча оғир эди. Аммо В. А. Сухомлинский иккиланмади, қаичалик оғир, қанчалик қийин бўлмасин болаларни тарбиялашга, уларга руҳан далда беришга интилди.

В. А. Сухомлинский мактабда ўзига топширилган болаларни тарбиялаш, уларни халқпарвар, инсонпарвар, меҳнатсевар, Ватанни ҳимоя этишга доимо тайёр, қалби олов, жамиятнинг фаол қурувчилари қилиб тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва бу вазифаларни амалга ошириш учун умрининг охиригача ижодий ишлади.

В. А. Сухомлинский 39 ёшида (1957 йил) педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олишга муваффақ бўлди. Шу даврдан бошлаб унинг тарбиянинг турли масалалари юзасидан кўплаб мақола, рисола, монографиялари эълон қилина бошланди. Унинг илмий педагогик асар ва мақолалари ота-оналарни ҳам, ўқитувчиларни ҳам қизиқтира бошлади.

Бу борада мактаб ва илғор ўқитувчилар ажойиб ишларни амалга оширмоқдалар. Улар орасида атоқли педагог В. А. Сухомлинскийнинг улуши жуда салмоқлидир. Ўқитувчи — олим Сухомлинский тарбияни яхшилаш, самарали натижага эришиш ва давримизнинг муносиб фуқароларини етиштириш учун ҳар бир боланинг қалбини билишни ҳаётнинг қонуни қилиб олди ва умрбўйи унга амал қилди. Павлиш мактаби оддий эди, уни Сухомлинский илғор мактабга айлантирди.

«Ҳар бир бола ўзига хос бир дунё бўлиб, бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган, ноёбдир»,— деб ёзади у ўз кундалигида. Бу фикрни ҳамма билади, лекин амалий ишда билганларга амал қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун тарбиячи алоҳида хусусиятга эга бўлиши керак.

Бу хусусда Сухомлинский ён дафтаридан қуйидагиларни ўқиймиз: «Менинг ҳаётимда энг муҳим бўлган нарса нима эди? дейишса ҳеч иккиланмасдан болаларга бўлган меҳр-муҳаббат деб жавоб берар эдим». Сухомлинский ўзининг қалб ҳароратини, бутун ҳаётини болаларга, уларнинг тарбиясига бағишлади. Унинг ўзи бу ҳақда «Тарбия бу даставвал ўқитувчи билан ўқув-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чи ўртасида ўрнатилган доимий маънавий алоқадир»,— деб ёзди. Агар ўқувчининг маънавий дунёсини, онгини шакллантирмоқчи экансиз, тарбиячи сифатида унга яқин туринг, шундагина унинг қалбига, маънавий дунёсига таъсир эта оласиз, деган эди.

В. А. Сухомлинский тарбия ва тарбиячининг шахсга бўладиган таъсирига жуда юксак баҳо беради. Шунинг учун ҳам у тарбиянинг қудратли кучига атоқли педагоглар Н. К. Крупская, А. С. Макаренколарнинг нуқтаи назаридан қаради ва ўз тажрибасида ҳал қилди.

Тарбиянинг натижаси бола қалбини қандай тушунишга боғлиқ деб таъкидлар экан, тарбияда ҳамма иш инсонга муҳаббат руҳи билан суғорилиши керак, дейди. Сухомлинскийнинг ўзи ўта болажон бўлиб, уларни ўз ҳаётининг маъноси деб билган инсон эди.

Ҳақиқий инсонпарвар тарбиячи болалардан яхши бўлинг, деб илтимос қилмайди. Негаки, ҳақиқий кўнгилчан одам ростгўй бўлади, аччиқ ҳақиқатни ҳам яшириб ўтирмайди. Ана шу хил муносабат болада яхшиликка интилиш истагини уйғотади. Негаки, бу истак тарбиячининг қалб истаги, адолат буйруғидек қабул қилинади, аксинча хўжакўрсинга қилинган ҳар бир иш болаларда қаллоблик ва иккиюзламачиликни таъминлайди.

Тарбияда ижобий натижага эришишда тарбиячининг яна бир фазилати ростгўй ва виждонлилигидир. Ўқувчилар ўқитувчи сўзининг ростлигини жуда тез сезиб оладилар ва бу хил рост сўзларга сезгирлик билан жавоб қиладилар. Лекин ёлғончиликни ва қалбаки сўзни ундан ҳам чуқур ҳис қиладилар ва сезадилар. В. А. Сухомлинский ўқитувчилар жамоасидан ростгўйликни талаб қиларди.

В. А. Сухомлинскийнинг фикрича, ўзаро ишонч ва меҳр-муҳаббат бор жойда ва бола ёшлигидан ўз ёнида меҳрибон ва фикр-ўйларига, ташвиш ва қувончларига шерик бўладиган одам турганлигини билса, жазога ўрин қолмайди. Ўқитувчи бола учун биринчи кунданоқ шундай шахс бўлиши керак. В. А. Сухомлинскийнинг тарбия ҳақидаги китоб ва мақолаларидан унинг асосий ғоясини, яъни одамни ҳар томонлама ривожлантириш ва тарбиялаш учун керакли воситаларни ҳам ҳар томонлама танлаш керак, деган фикрни тушуниб олиш қийин эмас.

Тарбиянинг ҳамма томонлари — ақлий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат, эстетик фазилатлари болаларнинг маънавий дунёсига таъсир этиши керак. Дунёда инсон шахсидек мураккаб ва бой нарса йўқ. Уни ҳар томонлама ривожлантириш, ахлоқий такомиллаштириш тарбиянинг мақсадидир, бу мақсадга эришиш йўли одамнинг ўзи каби мураккабдир деб таъкидлайди у.

Маълумки, А. С. Макаренко тарбияда «Ёлғиз воситалар йўқ» деган фикрни илгари суради. А. С. Макаренконинг бу фикрини ривожлантириб, Сухомлинский тарбия тизимининг бирор томонини ҳам эътибордан четда қолдирмади. Ишончни тарбия-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаш, инсонийликни тарбиялаш, меҳнатсеварликни тарбиялаш — булардан бирортасини эътибордан қолдириб кўрингчи,— унда тарбиянинг бошқа бирор вазифасини ҳам ҳал қилолмайсиз, деб кўрсатди. Унинг ўзи Павлиш мактабида яна ана шу фикрнинг тўғрилигини исботлади.

В. А. Сухомлинскийнинг жамоа ҳақидаги қарашларига тўхтар экамиз, унинг А. С. Макаренкога бўлган муносабатини аниқлашимиз керак. Уни тўла маънода Макаренконинг издоши — вориси ва ишининг давомчиси дейиш мумкин. У педагог сифатида Макаренко ғояларининг кучли таъсири остида шаклланди ва тарбияланди. Унинг ўз устозига бўлган меҳрини ҳар бир ишида, ёзган сатрлари орасида кўриб ишонч ҳосил қилиш мумкин. Авваламбор, уларнинг ҳар иккаласини болаларга бўлган меҳр-муҳаббат ва талабчанлик, адабиётга бўлган муҳаббат, педагогикага боғлиқ бўлган ҳар бир масалада қатъийлик, ўз қарашларини ҳимоя қилишдаги сабот ва матонат, ўз тажрибаларига бўлган чуқур ишонч, узоқ йиллар мактабга содиқ қолиш, ўз тажрибаларини назарий-илмий талқин қилишга интилиш каби сифатлар бирлиги тенглаштиради.

В. А. Сухомлинский ўқитувчилик, тарбиячилик фаолиятида ва барча ишларида мактабдаги тарбиячилар жамоасига суяниб иш қилди.

В. А. Сухомлинский мактабда тарбияни йўлга қўяр экан, ишни болалар жамоасини уюштиришдан бошлади. Жамоани уюштириш жуда мураккаб вазифадир, чунки ҳар бир жамоа аъзоси характерини ўрганиш, уларни бир мақсадга йўналтириш катта тажриба талаб этади.

В. А. Сухомлинский болалар жамоасини уюштирар экан, уларни ўқитиш ва билимли қилиш билан бирга, жамоа меҳнатига, жамият манфаати йўлида хизмат қилишга, яъни колхоз ишларига, фермаларга, ижтимоий меҳнатга қизиқиш, меҳнат қилиш одати, умуман, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга ҳаракат қилди.

В. А. Сухомлинский жамоа тарбиясининг қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатар экан, бу жамоани болаликдан ўрганиш лозим. Агар болалар ўзларини бир бутун оила деб сезсалар, жамоа катта тарбия қилувчи кучга айланади, дейди. В. А. Сухомлинский жамоа тарбиясини илгари сурар экан, бу ишдан оила тарбиясини ҳам четда қолдирмайди, чунки оила тарбиясини ҳам жамоа тарбияси билан узвий боғланишда деб билди.

В. А. Сухомлинский тарбиянинг марказий масалалари қаторида ахлоқ ва ишончни тарбиялашга алоҳида эътибор беради. Оммавий одат кучига эга бўлган ахлоқ авлоддан авлодга ўтади, жамиятдаги ахлоқни ўзлаштириб олади ва бошқалар хулқини ҳам баҳолайди.

Меҳнаткаш омма ахлоқининг ғояларини ва мезонини ўзида акс эттирадиган ахлоқий принциплар ижтимоий ҳаётнинг, меҳнат ва шахсий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида одамларнинг ўзаро алоқаси ва муносабатларининг асосига айланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ахлоқий тарбия ёш авлодда мустаҳкам ахлоқий ишонч, хулқий малакаларни ҳосил қилиши керак, ижтимоий тараққиёт ва ахлоқ принципларининг қарор топиши учун курашувчиларни тайёрлаши керак. В. А. Сухомлинский ахлоқни ўқувчиларни меҳнатда иштирок эттириш, ўқишни яхши йўлга қўйиш, гўзаллик каби воситалар ёрдами билан тарбиялаш мумкин деб билди. Ахлоқнинг ҳал қилувчи масалаларидан бири ишонтириш ва эътиқодлар ҳосил қилишдир. Муетаҳкам ишончни ҳосил қилиш тарбиянинг энг муҳим масаласидир.

Бола шахсини фақат турли хил тарбиявий тадбирларгина эмас, балки севимли ўқитувчи томонидан самимий айтилган сўз ҳам тарбиялайди. В. А. Сухомлинский ҳар бир болада фақат яхши фазилатларни тарбиялабгина қолмай, ахлоқий идеал яратиш устида ҳам ишлади. Бу ниҳоятда мураккаб машаққатли ишдир.

В. А. Сухомлинский тарбияни ахлоқнинг қоидаларини тушунтиришдан бошлади. Бола ёшликданоқ ўз яқинларига яхшилик қилишга, ҳаммага яхшилик қилишга, одамларга шодлик ва қувонч бахш этишга ўрганиши керак, деб билди.

Сухомлинский ахлоқни тарбиялашни ахлоқ ва этика қоидаларида суҳбатларсиз тасаввур этолмайди. Унинг ўзи ана шу қоидаларнинг рўйхатини тузади, булар юзасидан ўтказиладиган суҳбатларни ишлаб чиқади, турли хил ибратли воқеаларни ҳикоя қилиб берувчи ахлоқий эртаклар хрестоматиясини тузади, шу хилдаги ҳикояларни китоблардан, газета ва журналлардан кўчириб олади.

В. А. Сухомлинский болаларда яхши бўлиш истагини уйғотишга интилди. Тарбия ишида энг муҳим ва энг қимматлиси шуки,— дейди В. А. Сухомлинский,— бола ўз онгли ҳаётининг дастлабки қадамлариданоқ инсонда бор ва бўлиши мумкин бўлган энг яхши фазилатларга чуқур ишониши керак. Агар инсон болалигидан бошлаб дўстлик, маънавий софлик, оқкўнгиллик, ростгўйлик билангина ҳаётда чинакам гўзаллик бўлишига ишонса, у қалб гўзаллиги учун, умумхалқ бахти учун чинакам курашчи бўлиб етишади. Агар инсон бунга ишонмас экан, у бахтни суиистеъмол қилувчига айланиб қолади. У ўз шахсий дунёсини ҳамма нарсадан муҳим ва аъло кўради, худбинларча лаззат ва кайф-сафо унинг олдида инсонлар бахтиёрлигининг улкан дунёсини тўсиб қўяди. Ҳар бир тарбияланувчининг қалби болалигиданоқ чуқур дўстлик туйғулари билан тўлиши, унинг шодлигидан севиниши, қайғусидан ғам чекиши нақадар муҳимлигини таъкидлайди.

Умуман олганда, В. А. Сухомлинскийнинг тарбияшунослик фаолиятини ўрганиш, ўзбек тарбиячилар аҳлини рус тарбиячилиги билан таништириб халқлар тарбия услубларини қиёсий ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Кириш. *(Ҳошимов К.)* 3

I б о б. Энг қадимги даврлардан VII асргача таълим-тарбия ишлари ва педагогик фикрлар

Энг қадимги ёдгорликларда инсон тарбиясига оид фикрлар 6
«Авесто» — энг қадимги ёзма маърифий ёдгорлик сифатида *(Нишонова С.)* 12
Энг қадимги ёзма маърифий ёдгорликлар ва туркий халқлар ахлоқ-одоб тизимининг ўзига хос анъанавий хусусиятлари *(Нишонова С.)* 20

II б о б. VII асрдан XIV асргача бўлган даврда мактаб, тарбия ва педагогик фикрлар тараққиёти

Ислом дини ғояларининг таълим-тарбияга таъсири. Мусулмон мактабларида таълим-тарбиянинг мазмуни. *(Нишонова С.)* 25
Ҳадис илмининг пайдо бўлиши. Имом Исмоил-ал Бухорий ва Имом-ат Термизийнинг ҳадис илми ривожидаги хизматлари. *(Нишонова С.)* 38
Сўфийлик таълимотида етук инсон муаммосининг талқин этилиши. *(Нишонова С.)* 50
Шарқ Уйғониш даври ва унда таълим-тарбия масалалари. *(Нишонова С.)* 64
Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. *(Ҳошимов К.)* 71
Аҳмад Фарғоний. *(Ҳасанов Р.)* 75
Абу Наср Форобий (873—950) 78
Абу Райҳон Беруний. *(Ҳошимов К.)* 81
Абу Али ибн Сино *(Ҳошимов К.)* 88
Маҳмуд Кошғарий. *(Нишонова С.)* 95
Юсуф Хос Ҳожиб. *(Ҳошимов К.)* 103
Унсурул-Маолий Кайковус *(Нишонова С.)* 116
Абулқосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий. *(Ҳошимов К.)* . 124
Умар Хайём. *(Ҳошимов К., Ҳасанов Р.)* 128
Абу Рашод Аҳмад ал-Ахсикатий. *(Ҳасанов Р.)* 131
Абулфазл Муҳаммад Тоҳир Асириддин ал-Ахсикатий. *(Ҳасанов Р.)* 132
Аҳмад Югнакий *(Нишонова С.)* 134
Шайх Нажмиддин Кубро. *(Ҳошимов К.)* 140
Сулаймон Боқирғоний. *(Ҳошимов К.)* 143
Муслиҳиддин Саъдий. *(Нишонова С.)* 145

III б о б. XIV—XVI асрларда тарбия, мактаб ва педагогик қарашлар

XIV—XVI асрларда Мовароуннаҳрда таълим-тарбия ва педагогик фикр тараққиёти *(Ҳасанов Р.)* 155
Соҳибқирон Амир Темур *(Ҳасанов Р.)* 159
Муҳаммад Тарағай — Улуғбек. *(Ҳошимов К., Ҳасанов Р.)* . . 169
Абдураззоқ Самарқандий *(Ҳошимов К.)* 179
Алишер Навоий *(Ҳошимов К.)* 182
Абдураҳмон Жомий *(Нишонова С.)* 192
Жалолиддин Давоний *(Нишонова С.)* 200
Ҳусайн Воиз Кошифий. *(Нишонова С.)* 211
Заҳириддин Муҳаммад Бобур. *(Ҳошимов К.)* 217

www.ziyouz.com kutubxonasi

IV боб. XVII—XVIII асрларда ва XIX асрнинг биринчи ярмида таълим-тарбия ва педагогик фикрлар

XVII—XVIII ва XIX асрларнинг биринчи ярмида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданият, *(Ҳасанов Р.)* 221
Жаҳон отин Увайсий *(Ҳошимов К.)* 225
Муҳаммад Содиқ Қошғорий. *(Ҳошимов К.)* 233

V боб. XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларида Туркистон ўлкасида таълим-тарбия ва педагогик фикрлар

Туркистон ўлкасида диний-исломий тарбиявий муассасалар ва педагогик фикр тараққиёти *(Ҳошимов К., Ҳасанов Р.)* 241
Туркистонда чоризм мактаб сиёсатининг бошланиши. Рус тузем мактаблари ва матбуот *(Ҳасанов Р.)* 243
Туркистонда Жадидчилик маърифати ва таълим-тарбия. *(Ҳошимов К., Ҳасанов Р.)* 251
Маҳмудхўжа Беҳбудий *(Ҳошимов К., Ҳасанов Р.)* 259
Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли 264
Қардош туркий халқлар маърифатпарварларининг мактаб ва маориф равнақидаги хизматлари. *(Ҳошимов К.)* . . 268
Фатали Охундов 268
Рашид Эфендиев *(Ҳошимов К.)* 268
Қаюм Носири *(Ҳошимов К.)* 269
Иброй Олтинсарин *(Ҳошимов К.)* 270
Абай Қўнонбоев *(Ҳошимов К.)* 270
Аҳмад Дониш *(Ҳошимов К.)* 271

VI боб. Шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистонда халқ маорифи ва педагогика

Шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистонда маориф янги тизимининг ташкил этилиши ва педагогик ғоялар *(Ҳасанов Р.)* 272
Исҳоқхон Ибрат. *(Ҳошимов К., Ҳасанов Р.)* 279
Саидаҳмад Сиддиқий. *(Ҳошимов К.)* 289
Абдуқодир Шакурий. *(Ҳошимов К., Ҳасанов Р.)* 290
Садриддин Айний. *(Ҳошимов К.)* 293
Абдулла Авлоний *(Ҳошимов К.)* 295
Абдурауф Фитрат. *(Ҳошимов К., Ҳасанов Р.)* 307
Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий *(Ҳошимов К.)* 321

VII боб. Туркистонда миллий давлат чегараланиши ўтказилгандан сўнги халқ маорифи ва педагогик фикрлар

VIII боб. Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда Ўзбекистонда халқ маорифи ва педагогик фикрлар

II жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда халқ маорифи ва педагогика *(Иномова М.)* 340
Урушдан кейинги йилларда халқ маорифи ва педагогик фикрлар *(Иномова М.)* 350
Сиддиқ Ражабов. *(Ҳошимов К.)* 359
XX асрнинг 70—80-йилларида Ўзбекистонда халқ таълими равнақи *(Ҳасанов Р.)* 366

IX боб. Ўзбекистон Республикасида таълим тизими

Ўзбекистон Республикасининг мустақил деб эълон қилиниши ва халқ маорифи соҳасидаги ислоҳотлар *(Ҳошимов К., Ҳасанов Р.)* 375
Миллий мактабни ташкил этиш муаммолари. *(Ҳошимов К., Ҳасанов Р.)* 382

www.ziyouz.com kutubxonasi

X б о б. Жаҳон педагогика фани ривожланиш тарихи баёни

Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида таълим-тарбия (*Иномова М.*) 386
Ғарбий Европада мактаб, маориф ҳамда педагогик фикрлар тараққиёти (*Ҳасанов Р.*) 398
Ян Амос Коменский (*Ҳошимов К.*) 405
Иоганн Генрих Песталоцци (*Ҳошимов К., Ҳасанов Р.*) . . . 412
Роберт Оуэн (*Ҳошимов К., Ҳасанов Р.*) 419
Иоганн Гербарт (*Ҳошимов К., Ҳасанов Р.*) 422
Адольф Дистервег (*Ҳошимов К., Ҳасанов Р.*) 428
Константин Дмитриевич Ушинский (*Ҳошимов К., Ҳасанов Р.*) . 433
Лев Николаевич Толстой (*Ҳошимов К., Ҳасанов Р.*) 435
Антон Семёнович Макаренко (*Ҳошимов К.*) 437
Василий Александрович Сухомлинский (*Ҳасанов Р.*) 440

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲОШИМОВ КОМИЛЖОН, НИШОНОВА САНОБАР, ИНОМОВА МАЛИКА, ҲАСАНОВ РАҲМОНАЛИ

ПЕДАГОГИКА ТАРИХИ

Педагогика Олий ўқув юртлари ва Университетлар талабалари учун ўқув қўлланма

Тошкент «Ўқитувчи» 1996

Таҳририят мудири *С. Очил*
Муҳаррирлар: *Ш. Тўлаганов, Б. Қодиров, Ф. Икромова*
Бадиий муҳаррир *М. Кудряшова*
Техник муҳаррир *Т. Золотилова*
Мусаҳҳиҳлар *З. Ғуломова, М. Иброҳимова*

ИБ № 6867

Теришга берилди 08. 08. 95. Босишга рухсат этилди 26. 02. 96. Формати 60×90/16. Тип. қоғози. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. т. 28.0. Шартли кр.-отт. 28.19. Нашр т. 28.48. 5000 нусхада босилди. Буюртма № 89.

«Ўқитувчи» нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 12—118—95.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл ижара китоб фабрикаси. Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1996.

www.ziyouz.com kutubxonasi